


23

Ж. ТУЛЕНОВ, З. ГАФУРОВ

ФА.ЛСАФА

ФАЛСАФА

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлири талабалари
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган



Мазкур китоб фалсафа фанининг янги ўқув дастури асосида ўзбек тилида илк бор тайёрланди. Унда янгича фикрлаш талабларидан келиб чиқиб, фалсафа фанининг асосий қоидалари, унинг ёш авлоднинг илмий материалистик дунёқарашини шакллантиришдаги роли, ҳозирги даврдаги илмий билиш ва амалиётнинг ривожланишида рўй бераётган жараёнларни фалсафий нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича таҳлил қилишдаги аҳамияти ёритилган.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан фалсафа билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор *М. Абдуллаев*,

Фалсафа фанлари номзоди, доцент *Ш. Азизов*

Т 0301020000—312 Инф. писм.
353 (04) — 91

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991.

ISBN 5—645—01503—7.



КИРИШ

Фалсафа — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, инсоннинг пайдо бўлиши, унинг табиат ва жамиятга муносабати, келажак авлодларнинг тақдири, жаҳон цивилизациясининг истиқболлари сингари умумбашарий муаммолар фалсафа марказида туради. Немис файласуфи Гегель таъбири билан айтганда, фалсафа — инсон тафаккурида акс этган бутун бир даврдир.

Фалсафа — инсониятнинг буюк маънавий бойлигидир. У авлод-авлодлар томонидан яратилган маънавий, тарихий мероснинг барча дурдоналаридан бекаму кўст фойдаланиш, табиий, техникавий, ижтимоий-гуманитар фанлар эришган улкан муваффақиятларга суяниш асосида шаклланиб ва ривожланиб бориш билан бирга, кишиларда олам ҳақидаги бир бутун, яхлит дунёқараш шаклланишида назарий пойдевор вазифасини ўтайди.

Фалсафанинг яна бир хусусияти шундаки, у табиат, жамият, инсон тафаккурининг объектив қонуनларини билиш асосида моддий оламга амалий таъсир этиш йўлларини, дунёни ўзгартириш, қайта қуриш йўл-йўриқларини кўрсатиб беради, шунингдек воқеалар ривожланишини олдиндан кўришга, умуминсоний муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Фалсафа фанининг мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёнининг энг муҳим ва мураккаб масалаларини ҳал этишдаги методологик, тарбиявий ва ижтимоий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, дунёнинг моҳиятини, унинг ривожланиш қонуниятларини, муаммоларини, истиқболини янгича тафаккур асосида фалсафий мушоҳада этиш инсоният учун ҳаётгий заруриятдир. Бу айниқса ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳам жуда муҳим.

Мазкур ўқув қўлланма қайта қуриш, янгича фикрлаш талабларини эътиборга олиб, янги ўқув дастурига мос ҳолда ёзилди.

1 БУЛИМ. ФАЛСАФА ВА УНИНГ ТАРИХИ

1 БОБ. ФАЛСАФА, УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

1. ДУНЁҚАРАШ ВА УНИНГ ТАРИХИЯ ТУРЛАРИ

Фалсафа инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, илмий билимлар системасида муҳим ўрин тутлади. У борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, кишиларда олам ҳақида яхлит илмий тасаввур ҳосил қилади ва шакллантиради.

Фалсафа дунёқараш характеридаги фан ҳисобланади. Дунёқараш эса кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлари ва тасаввурлари системасидан иборат. Дунёқараш айрим кишининг, ижтимоий гуруҳнинг, синф ёки умуман жамиятнинг фаолияти йўналишини ва воқеликка муносабатини белгилайди. Илмий билимлар дунёқараш системасига қўшилгач, инсоннинг ёки гуруҳнинг теvarак-атрофидаги ижтимоий ва табиий реallикда бевосита амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади.

Дунёқараш ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Унда ижтимоий турмуш акс этади ва у муайян тарихий даврда инсоният өришган билимлар даражасига ҳамда ижтимоий тузумга боғлиқ бўлади. Синфий жамиятда у синфий хусусият касб этади. Одатда ҳукмрон синфнинг дунёқарашини синфий жамиятларда ҳукмрондир.

Дунёқараш ўзининг туб моҳиятига кўра мифология, диний, фалсафий ва илмий каби турларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Мифология — кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичида бўлган дунёқарашнинг дастлабки шаклидир. Воқеликни билишнинг, дунёга қарашнинг ўзига хос усули бўлган мифнинг хусусияти шуки, ҳамма нарса ва ҳодисалар унда бир-бирига яштиракчи сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатини иккинчи хил буюмларга бемалол кўчириш мумкин бўлади. Мифология дунёқараш табиат кучларини ҳиссий қиёфалар, алоҳида вужудлар шаклида жонлантириб, тасвирлаб кўрсатишга асосланган. Мифологияда бир хил нарсаларнинг хоссалари иккинчи хил нарсаларга осoблик билан кў-

табиатнинг сабабли, у хаелга кенг майдон очиб беради ва бу майдонда мифологик тарада фикр қилувчи киши ҳар қандай ўзгаришлар қилиши ва жасоратлар кўрсатиши мумкин бўлади. «Ҳар қандай мифология табиат кучларини тасавурда ва тасаввур ёрдамида енгади, ўзига бўйсундиради ва шакллантиради; мифология, бинобарин, табиатнинг ана шу кучлари устидан ҳақиқатда ҳукмиронлик бошланиши билан йўқолиб кетади»¹. Ғайритабиий куч ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлганлиги сабабли мифологияда дин элементлари бор, шунингдек унда ахлоқий қарашлар ҳам, инсоннинг воқеликка эстетик муносабати ҳам акс эттирилган. Маркс сўзлари билан айтганда, мифология табиатнинг онгсизларча бадий қайта ишланишидир.

Дунёқарашнинг тарихий турларидан яна бири *диний дунёқараш* бўлиб, унинг асосий ва ҳал қилувчи белгиси — ғайритабиий кучларга ишониш, бутун олам, барча мавжудот инсоният дунёсининг худо томонидан яратилганини ва бошқарилишини эътироф этиш, худога, руҳларга сизинишдан иборатдир. Диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки ғайритабиий сабаблар, худонинг қудрати билан тушунтиради. У ҳамма парсада ва ҳар қасрда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий куч бор, деб писанда қилади.

Дин ва диний дунёқараш ибтидоий жамоа тузуми пайдо бўлишининг муайян босқичида кишиларнинг оламни билиш ва ўзгартиришга ожив бўлганликлари натижасида юзага келган. Бу даврда одамлар ер қимирлаши, Қуёш ва Ой тутилиши, дарёларнинг топиши, қурғоқчилик, сел бўлиши, кучли иссиқ ва совуқ, ваҳший ҳайвонларнинг ҳужуми ва шунга ўхшаш табиий ҳодисалар сабаби ва моҳиятини тушуниб етмаганлар. Шу тариқа табиатнинг даҳшатли кучлари олдидаги ожизлик ва қўрқув уларда қандайдир худоларга, руҳларга, инс-жинсларга ва мўъжизаларга ишонч туғдирди. Табиат ҳодисаларини тескари ёки лаёлий тасаввур қилишнинг натижаси сифатида кишиларда диний тасаввурлар келяб чиқди. «Ваҳший одамнинг табиатга қарши курашдаги ожизлиги,— дейди В. И. Ленин «Социализм ва дин» асарида,— худоларга, шайгонларга, мўъжизаларга ва шу сиқариларга ишонишни... туғдиради»².

Дин ва диний дунёқарашнинг ижтимоий, гносеологик илди-лари мавжуд. Диннинг ижтимоий илди-зи синфий жамият, бинобарин, хусусий мулкчилик, тенгсизлик, эксплуатациянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, булар синфий жамият кишисини ижтимоий кучларга ва ўз яратган стихияли муносабатларга тобе қилиб қўйган. Диннинг гносеологик илди-зи эса тапқи оламнинг кишилар онгида нотўғри, бузиб, мавҳумлаштириб акс эттирилишидадир. Бунинг босип шундаки, билиш жараёни ғоят мураккаб, зияддиятли, кўп қирралидир. Бунда асоссиз, сохта, ди-

¹ Маркста-ленинча фалсафа хрестоматияси. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1971, 91-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 12-жид. 151—152-бетлар.

ний тасаввурларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли табиқийдир. Инсон билиш жараёнида, дунёни инъикос этишда буюм ва ҳодисаларнинг айрим жиҳатларини бўрттириб, муглақлаштириб юборади, бу ҳол эса воқеликни бузиб акс эттиришга олиб келади.

Дин ва диний дунёқараш хусусида сўз борганда шунини айтиш керакки, мамлакатимизда тургунлик йилларида атеистик тарғиботни кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари зўрлик билан барбод этилди, асрлар мобайнида амал қилиб келинган маросим ва урф-одатлар тақиқланди, қанчадан-қанча масжид ва мадрасалар асосиз равишда бузиб ташланди. Неча-неча минглаб жилдларни ташкил этган нодир китоблар шахсга сиғиниш ва қатағон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ошишлар тузатишмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик жамоат ташкилотларида ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқда. Исломи дини арбоблари ичкиликбозликни, нашавандликни, қон тўкишларни гуноҳ, деб қораламоқда. Исломи динида одамларнинг ўзаро дўстлик-ҳамкорликка, илм-фаи асосларини ўзлаштириб олишга, эркаклар билан хотин-қизларни, ота-оналар билан фарзандларни аҳил-ҳамкор бўлишга ундайдиган қимматли фикрлар борлигидан кўз юммаслигимиз керак. Аммо дин ва диний дунёқарашга, хусусан исломга нисбатан қарор топаётган янгича сиёсий фикрлаш унга мафқуравий ён босишни, атеистик тарбияни суи ва ўзи бўларчилик асосида олиб боришни асло билдирмайди. Гап диндаги ҳозирги даврга қўл келадиган муҳим ижобий фикрлар ва амалий ҳаракатлардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бормоқда.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган моддий оламнинг, материянинг объективлигини, унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, бекор қилинмаслигини, абадийлигини уқтиради. Фалсафий дунёқараш дунёни ва унинг тараққиёт қонуनларини билиш мумкинлигини, билиш эса мураккаб, зиддиятли жараёндан иборатлигини таъкидлайди.

Мифологик ва диний дунёқарашлардан фарқли равишда фалсафий дунёқараш табиат ва инсоният жамияти тараққиётининг сабаблари ва моҳиятини, ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларининг характери ва ҳаракатлантирувчи кучларини тўғри, илмий асосда тушунтириб беради. Фалсафий дунёқараш таълим бериб айтадиги, бутун мавжудот — органик ва ноорганик дунё ҳам, инсоният дунёси ҳам, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳам доимо ҳаракатда, ўсиш, ўзгариш ва ривожланишдадир. Фалсафий дунёқараш асосида кишилар объектив оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ўзидан бошқа нарсалар билан ички, зарурий, муҳим ва асосий алоқадорликда, таъсир ва акс таъсирда эканлигини чуқур англаб оладилар.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у дунё қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир ёт қўшимча ва уйдирмасиз, ҳеч қандай муболагасиз тушунтиради.

Фалсафий дунёқараш қотиб қолган эмас, балки доимий равишда ўзгариб, ривожланиб, бойиб ва такомиллашиб борадиган дунёқарашдир. Табиатда, жамиятда бўладиган ўзгаришлар туфайли, биринчи навбатда, табиий, техник ва ижтимоий фаоллардаги кашфиётлар, ижтимоий ҳаётда тўхтовсиз равишда рўй бериб турадиган муҳим ўзгаришлар натижасида кишиларнинг объектив олам ҳақидаги илмий билим ва тасавурлари, хусусан фалсафий дунёқарашлари олдингига нисбатан анча ривожланади, бойийди ва чуқурлашади. Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби туфайли инсон билишлари доирасининг беҳад кенгайиб, мазмунан чуқурлашиб ва мураккаблашиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир. Фалсафий дунёқарашнинг тўғри ва илмийлигини нисониятнинг бутун амалий тажрибаси, моддий, ижтимоий-сиёсий фаолияти очиқ-ойдин кўрсатиб ва исботлаб турибди.

✓ Фалсафий дунёқараш фақат назарий билиш жиҳатидангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дунёқараш амалиёт учун қўлланмадир. Фалсафий дунёқараш табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тушувиш учун ёрдам беради. Кишининг амалий фаолиятида тутадиган йўли унинг дунёқарашини қандай эканлигига боғлиқ.

Кишини қуршаб турган дунёга, унинг тараққиёт қонунарига, уни билиш йўлларига нисбатан қарашларнинг мукамал системаси бўлган фалсафа кишиларнинг дунё моҳиятига аниқлаб олиш эҳтиёжидан келиб чиққан. ✓ «Фалсафа» атамаси инкита грекча сўз («филео» — севаман ва «софия» — донолик)дан олинган бўлиб, «доноликни севаман» маъносини англатади. Унга бундай ном тасодифан берилган эмас. Фалсафа пайдо бўлиши биланоқ кишилар фикрини банд этган турли-туман саволларга жавоб қидиришга ҳаракат қилган. Хусусан, бизни қуршаб олган дунё қандай пайдо бўлган ва ким томонидан яратилган? У қандай ривожланади? Овн, руҳнинг материяга, табиатга муносабати қандай? Дунёни билишга қодирмиэми ёки йўқми? Инсоният жамияти қандай пайдо бўлган ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари нималардан иборат? деган саволлар шулар жумласидандир. Фалсафани қизиқтирган саволларнинг хилма-хиллиги ва қизиқарлигини эътиборга олиб, греклар уни донолик фани ёки дошишмандлик деб атаганлар.

✓ Фалсафанинг пайдо бўлиши қадимги шарқ мамлакатларида қулдорлик тузумининг ўрнатилиши ва ривожланиши даврига тўғри келади. Қулчилик тузумининг ташкил топиши билан синфий кураш ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолди. Бу кураш мафкура соҳасида ҳам ўз ифодасини топди. Эксплуатацияни ҳимоя қилиш ва оқлаш мақсадида реакция синфлар дин ва идеализмга мурожаат қила бошладилар. Қулдорлик тузуми даврида ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан

ажралди. Жисмоний меҳнат қарам синфларнинг, ақлий меҳнат эса ҳукмдорларнинг асосий машғулотига айланиб қолди.

Ҳар қандай фалсафа ўз даврининг маҳсули сифатида шу давр ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини ифодалайди. Шунинг учун инсоният тарихининг турли босқичларида турли фалсафий қарашлар мавжуд бўлган ва шунга мос равишда унинг предмети ва вазибалари ҳам ўзгариб борган.

Фалсафа дастлабки кезларда ташқи дунё, тафаккур ва билиш ҳақидаги ҳамма билимларни ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам у бир бутун таълимот кўринишида бўлган. Бу ўша даврдаги илмий билиш даражасига мос келар эди. Фалсафани махсус билимлар билан бирлаштириш қадимги даврга хос бўлган хусусиятдир. Ф. Энгельснинг таъкидлашича, қадимги грек файласуфлари туғма табиатшунос ҳам эдилар.

Табиат ва жамият ҳақидаги билимларнинг ривожланиб бориши алоҳида фанлар пайдо бўлишига, мустақил тадқиқот соҳалари ажралиб чиқишига олиб келди. Уйғониш давридан, айниқса XVII асрдан бошлаб табиат ҳақидаги фанлар, жумладан, тажрибага асосланган табиатшунослик, астрономия, математика, физика, кимё муваффақиятли ривожлана бошлади.

Бир вақтнинг ўзида илмий билимларда бошқача йўналиш ҳам амал қила бошлаётган эди: алоҳида фанлар томонидан ҳосил қилинган билимларни бирлаштириш ва умумлаштиришга эҳтиёж кучая борди. Хусусий фанларнинг эришган муваффақиятидан кўриқ ва билишнинг фалсафий масалаларига бўлган қизиқиш янада кучайди. Файласуфлар орасида «ҳамма нарсани тушутириш мумкин бўлган» фалсафий система яратишга интилувчилар кўпайиб кетди. Бундай ҳол айрим фанларни фалсафий таълимотларга шундайлигича қўшиб юборишга олиб келди. Натижада фалсафа кўпинча соф муҳокама йўли билан ҳосил қилинадиган ва ўз мулоҳазаларини бошқа фанларга зўрлаб киритадиган «фанларнинг фани»га айланиб қолди. Шунинг таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг 40-йилларида пролетариатнинг буржуазияга қарши синфий кураши эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган марксча фалсафа «фанларнинг фани» бўлишга асло даъвогар бўлган эмас. Лекин ана шу даврдан бошлаб фалсафа бошқача тус ола бошлади.

Фалсафанинг функцияси хилма-хил бўлиб, унинг энг муҳим хусусияти кишиларда олам ҳақида бир бутун дунёқарашни шакллантиришдир. Шунингдек, фалсафа методологияк характерга ҳам эгадир. У аниқ фан вакиллари билишнинг ва воқеликни ўзгартиришнинг энг умумий методологияси билан қуроллантиради.

Фалсафа гносеологияк функцияни ҳам бажаради, яъни у тева-рак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билишнинг қонуниятларини билишда объект ва субъект диалектикасини чамбарчас боглиқ ҳолда очиб беради.

Фалсафа шахспнинг ижтимоий-синфий дунёқарашини шакллантиради. Шу билан бирга у шахспнинг жамият олдидagi ижти-

мой жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Фалсафанинг мазкур хусусияти ҳозирги куннинг долзарб масалалари — ядро хавфининг олдиди олиш, экологик ва бошқа умумбашарий муаммоларни инсоният манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш зарурияти туфайли янада чуқур аҳамият касб этмоқда. Бу ҳозирги шароитда фалсафа инсонпарварлик моҳиятининг янада чуқурлашиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Фалсафанинг гоявий-сиёсий, тарбиявий функцияга эга эканлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш лозим. Фалсафий тафаккур маданиятининг шаклланиши кишилар умумий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир.

2. ФАЛСАФАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИККИ ТОМОНИ

Фалсафа фани бевосита инсонга қаратилган, шунинг учун ҳам инсон тафаккурининг борлиққа, руҳининг табиатга бўлган муносабати масаласи ҳар қандай фалсафа учун муҳим ҳисобланади. «Бутун фалсафанинг, айниқса энг янги фалсафанинг буюк асосий масаласи — тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласидир»¹, — дейди Ф. Энгельс.

Инсон тафаккурининг уни қуршаб олган борлиққа муносабати фалсафа учун асосий масала бўлиб майдонга келиши тасодифий эмас. Чунки дунёда бир-биридан фарқ қилувчи, лекин ўзаро узвий боғланган моддийлик ва идеалликдан ташқари ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун ҳам фалсафа олам тўғрисида бирдан-бир тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши учун бу икки гуруҳ ҳодисаларининг ўзаро муносабатини таҳлил қилмасдан бошқа муаммоларга ўта олмайди. Тафаккурнинг борлиққа бўлган ўзаро муносабатини ҳис қилмасдан туриб олам тўғрисида бир бутун фалсафий тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Фалсафий назариялар ва уларни ўрганиш ундаги асосий масаланинг қандай ҳал қилинишига боғлиқдир, чунки фалсафадаги бошқа муаммоларнинг моҳияти шу масаланинг қандай ечилишидан келиб чиқади.

Фалсафанинг асосий масаласини икки томонлама ҳал қилмоқ лозим. Дунёнинг асосида нима ётади, материяни ёки онгни? Материя бирламчиси ёки онгни? Бу масала унинг биринчи томонидир. Бу муаммо устида йирик тафаккур эгалари узоқ даврлардан бери тортишиб келдилар. Бутун мавжудотнинг асоси материядир, материя бирламчи, онг иккиламчидир, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот *материализм* деб аталади. Материализм нуқтаи назарича, онг, тафаккур материя хоссаси бўлиб, материя тараққиятининг муайян босқичида вужудга келади; онг, тафаккур юксак даражада тузилган материяга, одам миёсига хос бўлиб, воқеликни акс эттиради. Онг, руҳ, тафаккур бирламчи, деб ҳисобловчилар эса *идеалистлар* деб аталади. Идеалистлар материяни иккиламчи, ҳосила нарса, руҳнинг, онгнинг сама-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 3-жилд, 407-бет.

расидир, деб даъво қиладилар. Фалсафанинг ривожланиш тарихи материализм билан идеализмнинг кураш тарихидир, шу билан бирга фалсафий ғоялар кураши синфлар курашини акс эттиради.

Бизни қуршаб олган дунёнинг асосини онг, ғоялар ташкил қилади, бошқа ҳамма нарсалар уларнинг маҳсули ва ҳосиласидир, деб ҳисобловчи идеалистик қарашлар фалсафа тарихида икки кўринишда, икки шаклда намоён бўлади. Уларнинг биринчиси объектив идеализм бўлиб, унинг вакиллари руҳий оламини, ғоялар дунёсини, оламий ақл-фаросатни бирламчи, предметлар, ўсимлик ва ҳайвонот оламини эса ғоялар дунёсининг маҳсули сифатида қараганлар. Объектив идеалистлар бутун мавжудотнинг асоси онг, тафаккур деб ҳисоблайдилар-у, аммо айрим кишиларнинг, субъектларнинг онгини эмас, балки қандайдир мавҳум онгни, «дунёвий руҳ»ни, «мутлақ ғоя»ни бутун мавжудотнинг асоси деб биладилар. Объектив идеализмнинг йирик вакили бўлган **Платон (421—341 йиллар)** нуқтаи назарича, нарсалар дунёси «ғоя»лар дунёсининг «соя»сидир. Немис идеалист-файласуфи Гегель табиат ва жамият «дунёвий ақл», «мутлақ ғоя»нинг алоҳида кўринишидир, деб таълим беради. Гегелнинг «мутлақ ғоя»си фалсафий пардага ўралган худодан бошқа нарса эмас. Ўзининг идеалистик тараққиётида табиатни «вужудга келтирадиган» «мутлақ ғоя»— христианларнинг тангри таолоси, дунёни яратган «шарвардигор»дир. Шундай қилиб, объектив идеализм «дунёвий руҳ», «оламий ақл» азалий ва доимий мавжуд бўлиб, улар борлик, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммасини белгиловчи ибтидодир, деб ҳисоблайди.

Субъектив идеалистлар бутун мавжудотнинг асоси айрим кишининг, субъектнинг онгига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Субъектив идеализмга мувофиқ, нарсалар, жисмлар ва бутун дунё одам онгининг самарасидир, шу субъект ғояларининг ёки сезгиларининг йиғиндисидир.

Маълумки, билиш нарса ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали қабул қилишдан бошланади. Кимки бирон нарсани сезмаса ўраб турган борлиқ тўғрисида ҳеч нарсани билмайди. Билишнинг бу томонини субъектив идеалистлар бузиб талқин қиладилар. Улар оламнинг асоси фақат субъектнинг ижодий фаолиятида, деб кўрсатиб, ҳис қилишни кўзга кўринмас «элементлар» билан боғлайдилар. Инглиз файласуфи **Ж. Беркли (1685—1753 йиллар)**, немис файласуфи **И. Г. Фихте (1762—1814 йиллар)** субъектив идеализмнинг йирик намояндалари бўлиб, улар субъектив идеализм фалсафасининг асосий қонун-қондаларини ишлаб чиққанлар.

Фалсафа тарихида шундай оқимлар учрайдики, улар материализм ва идеализмдан бошқача, улардан устун турадиган фалсафий система яратмоқчи бўлганлар. Масалан, француз файласуфи **Р. Декарт (1596—1650 йиллар)** ва унинг издошлари оламнинг асосида бир-биридан мустақил иккита — моддий ва руҳий субстанция ётади, деб ҳисоблаганлар. Бундай фалсафий оқим *дуализм* деб юритилади. Онгни материядан дуалистларча ажра-

тиш ппровард натижада идеализмга олиб келади. Шунинг учун ҳам дуализм фалсафада учинчи йўналишни ташкил қила олмайди.

Дуалистик қарашлар аслида монистик (*грекча* — моно — бир, ягона) таълимотларга қарши бўлиб майдонга келган. Монизм нуқтан назарича, дунё ягона асосга эга. Шу маънода материализм ҳам, идеализм ҳам монистик фалсафий системалардир.

Фалсафа асосий масаласининг иккинчи томони — инсон ўзини қуршаб олган дунё ва унинг қонуниятларини билишга қодирми ёки йўқми? деган масаладир. Аксарият файласуфлар бу саволга ҳа, деб жавоб берганлар. Шунга қарамасдан айрим фалсафий оқим тарафдорлари инсоннинг дунё ҳодисаларини билиши мумкинлигини инкор этганлар. Бундай фалсафий оқим *агностицизм* (а—йўқ, гносис — билиш) деб юритилади. «Агностицизм» атамасини инглиз табиатшуноси Гексли жорий этган бўлиб, бу оқим вакиллари оламни билиш мумкинлигини инкор этадилар.

Диалектик материализм агностицизмга қарама-қарши ўлароқ, инсон ўзини қуршаб олган дунё ва унинг қонуниятларини билишга қодир, деб ҳисоблайди. Дунёда билиш мумкин бўлмаган ҳеч нарса ёки ҳодиса йўқ. Лекин табиат ва жамиятда инсон ҳали билишга улгурмаган ҳодисалар, соҳалар мавжуд, аммо фан ва амалиётнинг ривожланиб бориши натижасида кишилар уларни билиб олиши ва ўз фаолиятида фойдаланиши мумкин. Ҳозирги даврда фан ва амалиёт соҳасида эришилган барча ютуқлар инсоннинг дунё ҳодисалари ва уларнинг қонуниятларини билиб олиши мумкинлигини исботламоқда.

Идеализм гносеологик ва синфий илдиэларга эга. Унинг гносеологик, назарий билиш илдиэлари шундан иборатки, мураккаб, кўп томонлама ва зиддиятли билиш жараёнида қандайдир бир томон олиниб, бошқа томонлар ҳисобига бўрттириб юборилади. Идеализм — билишнинг чизиқчалари, томонларидан бирининг бир томонлама, бўрттириб тараққий эттирилишидир. Идеализмнинг гносеологик илдиэлари ана шулардир.

Идеализм ижтимоий-синфий илдиэларга ҳам эга. Унинг ижтимоий-синфий илдиэлари жамиятнинг қарама-қарши синфларга бўлиниши, эксплуататор синфлар ҳукмронлигининг ўрнатилганлиги, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши ва уларни қарама-қарши қилиб қўйиш билан боғлиқдир. Билишнинг меҳнаткашлар оmmasи амалий фаолиятидан ажралиши ва ақлий фаолиятнинг ҳукмрон синфлар томонидан эгалланиши ана шу тариқа пайдо бўлган, бу эса инсон фаолияти ақлий, ғоявий томонининг мутлақ мустақиллиги ва алоҳида яратувчилик роли ҳақидаги хомхаёлларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Худди ана шуларнинг ҳаммаси ғояларнинг, тушунчаларнинг, умуман уларга доир нарсаларнинг табиатга, борлиққа нисбатан бирламчилиги тўғрисидаги нотўғри фикрларнинг туғилишига сабаб бўлди. К. Маркс айтганидек, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда кимёвий реактивлар ёки микроскоплардан фойда-

ланиб бўлмайди, бу ерда унисиянинг ҳам, бунисиянинг ҳам ўрнини абстракциянинг кучи эгаллайди.

Фалсафа партиявий фандир. Чунки қадим замонлардан бизнинг давримизгача мавжуд бўлган фалсафий назария ва системаларнинг ҳар бири идеалистик ёки материалистик оқимга мансубдир. Ҳар қандай фалсафий назариялар у ёки бу синфлар манфаатига мос келган ва шу туфайли барча ижтимоий ҳодисаларни ўзи хизмат қиладиган синф ёки ижтимоий гуруҳнинг манфаати нуқтаи назаридан тушунтиришга уринган. Тарихда ҳар бир файласуф қайси ижтимоий гуруҳга оид бўлса, шу гуруҳ доирасида кўп иш кўрган. Шу тариқа жамиятдаги синфий зиддиятни ифодаловчи турли фалсафий мактаб ва оқимлар ўртасида кескин кураш содир бўлади.

Жамият синфларга бўлинган даврдан бошлабоқ бу синфлар ўртасида кескин иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий кураш кетган. Мафкуравий кураш фалсафий дунёқараш асосида содир бўлади ва у иқтисодий ва сиёсий кураш томонидан белгиланади.

Марксизмга қадар мавжуд бўлган фалсафий назарияларнинг барчаси ўша даврлардаги илгор ёки реакцион синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва партиялар манфаатини ўзида ифода этган. Марксизм фалсафасининг пайдо бўлиши билан пролетарият, кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қиладиган, эксплуататор синфлар, жумладан буржуа мафкурасига қарши изчил кураша оладиган фалсафий таълимот майдонга келди. Марксизм асосчилари ўз фалсафий назарияларининг синфий-партиявий характерда эканлигини очиқчасига тан олганлар. Марксча фалсафа дунёдаги барча ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи инқилобий таълимотдир. У барча ижтимоий ҳодисаларни мазкур синф ва гуруҳлар манфаати нуқтаи назаридан туриб илмий изоҳлайди. К. Маркс кўрсатадики, «фалсафа пролетариатни ўзининг моддий қуроли деб билгани сингари, пролетарият ҳам фалсафани ўзининг маънавий қуроли деб билади»¹.

Марксча фалсафанинг партиявийлиги унинг илмий эканлигига зид келмайди. Чунки пролетариат ва унинг мафкураси учун табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонувларини бузиб тушунтиришга зарурат қолмайди, негаки, пролетариатнинг синфий манфаатлари жамият тараққиётининг объектив қонувларига ҳар доим мос келади.

Дунёни фалсафий билишда бир-бирига қарама-қарши бўлган пикки усул мавжуд бўлиб, уларнинг бири — диалектика, иккинчиси — метафизикадир. Диалектика атамаси дастлаб қадимги юнон файласуфлари Сукрот ва Платон томонидан қўлланилган бўлиб, у мунозара, баҳс ёрдамида ҳақиқатга эришиш усули деб ҳисобланган. Ҳозирги давр фалсафаси нуқтаи назаридан диалектика билишнинг энг мукамал, энг изчил усулидир. Дунёга метафизик қараш эса нарс ва ҳодисаларни бир-бирдан ажралган ва ўзаро

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Дип тўғрисида. Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 45-бет.

таъсир қилмайди, деб ҳисоблашга асосланган. Бунда ривожланиш ва ўзгариш тайёр сифатларнинг миқдорий камайиши ва кўпайиши тўғрисида қаралади, ҳаракат ва ривожланишнинг сабаби эса ташқи таъсир деб тушунилади. «Метафизика» сўзини биринчи бор Аристотель ўзининг «Физика»сидан кейинги асарнинг номи сифатида ишлатган. Гегель эса бу атамани биринчи бўлиб диалектикага қарама-қарши фалсафий усул сифатида XVII—XVIII асрлар фалсафасини тавсифлаш, унинг антидиалектик моҳиятини кўрсатиш мақсадида ишлатган эди. Фалсафада метафизик усулнинг XVII—XVIII асрларда майдонга кириб келиши тарихий зарурият эди. Чунки бу даврда табиатшуносликнинг турли соҳалари мустақил фан сифатида шаклланди; механика, математика ва физика фанларининг гуркираб ривожланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари табиат ҳодисаларини бир-биридан ажратиб олиб қарашни тақозо қиларди. Бу усулнинг чекланган, бирёқлама характерда эканлиги Гегель ҳамда рус иқилобий-демократлари томонидан ўз вақтида таъқид қилинди. Дунёни метафизика нуқтаи назаридан изоҳлашнинг тўғри эмаслиги ва илмда ҳар томонлама ёндашиш зарурлиги К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин томонидан атрофлича таҳлил қилиб берилган.

3. ФАЛСАФА ВА БОШҚА ФАНЛАР

Фалсафани ўрганиш чоғида асосий эътиборни икки нарсага қаратишга тўғри келади. Биринчидан, фалсафа — бу энг аввало фан. Барча бошқа фанлар сингари у ҳам ўзининг махсус предметига эга бўлиб, доимо ривожланишда. Иккинчидан, фалсафа айни пайтда мафкура ҳамдир; у мафкуравий вазифани ҳам бажаради. Шунинг учун айтаётганимиз керакки, мамлакатимизда узоқ йиллар давомида фалсафанинг мафкуравий вазифасига биринчи даражада аҳамият берилдию, аммо унинг илмий жиҳатига, фан эканлигига унчалик эътибор берилмади, яъни бирёқламаликка йўл қўйилди. Ҳозирги пайтда бунинг олди олишмоқда.

Фалсафа предмети таърифлаш бу фан ўрганадиган муаммолар доирасини аниқлаб олиш орқалигина бўлиши мумкин. Фалсафа предмети нимадан иборатлигини ўрганиш унинг моҳиятини, ўрганаётган муаммолари хусусиятларини ҳамда амал қилиш доирасини чуқур, тўла текшириш, билиш билан боғлиқдир. Бусиз фалсафа нималарни ўрганади? деган саволга тўғри жавоб бериб бўлмайди.

Бизни қамраб олган, чексиз ва доим ривожланишда бўлган объектив оламни, унинг қонуларини билиш аниқ фанлар билан бир қаторда фалсафанинг ҳам вазифасидир. Фалсафанинг ҳам, аниқ фанларнинг ҳам ўрганиш объекти битта, у ҳам бўлса бизни қўраб олган дунёдир. Аммо уларнинг тадқиқот предметлари турлича бўлиб, бу фарқ бизнинг ҳошия-прогамизга боғлиқ эмас. Рагуб-баранг дунё ва ундаги ҳодисаларда бир вақтнинг ўзида умумий ва хусусий қонулар амал қилади. Дунёнинг алоҳида олинган ва чекланган соҳаларида амал қилувчи ўзига хос хусу-

сий қонунларни аниқ, хусусий фанлар ўрганади. Улар орасида амал қиладиган энг умумий қонунлар эса фалсафанинг ўрғаниш соҳасидир. Масалан, миқдорий муносабат ва фазовий ўринларни — математика, иссиқлик, нурланиш, электромагнит ва ядро жараёнларини — физика, ўсимлик ва ҳайвонот оламини — ботаника ва биология фанлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини, ишлаб чиқариш усули ва тақсимлаш кабиларни — иқтисодий фанлар ўрганади. Фалсафа алоҳида фанлар сингари дунёнинг у ёки бу соҳасини эмас, балки уни бир бутунлигича ўрганади, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунларини текширади, кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятини тўғри йўлга солади. У оламни материя ва онгнинг қандай боғланганлиги, уларнинг қайси бири бирламчи-ю, қайси бири иккиламчи эканлиги нуқтаи назаридан ўрганади.

Фалсафа асосий масаласининг иккинчи томони — дунёни билиш мумкинлиги масаласи ҳам унинг предметига киради. Фалсафа агностицизм ва скептицизмнинг илмий жиҳатдан асосsizлигини, метафизик материализм билиш назариясининг бир томовлама эканлигини, умуман билиш жараёнининг характери ва диалектикасини кўрсатиб беради.

Тарихни диалектик-материалистик тушуниш жамият ҳақидаги фанлар тараққиётида жуда катта илмий аҳамиятга эгадир. Бир вақтнинг ўзиде ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг турли соҳаларини ўрганувчи фанлар ютуқларини умумлаштирмасдан тарихни диалектик-материалистик асослаш мумкин эмас.

Шундай қилиб, фалсафа онгнинг материяга, ижтимоий онгнинг ижтимоий борлиққа муносабати ҳақидаги, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фандир. Шунга мувофиқ бу фаннинг асосий ҳал қилиш лозим бўлган масалалари — инсон онгининг ташқи дунёга муносабати, объектив олам қонунларининг инсон онгида акс этиши, дунёнинг объективлиги ва унинг мавжудлик шакллари ҳамда ривожланиш қонуниятлари, инсон билишининг табиати ва характери, дунёни инқилобий ўзгартириш йўллари ва умуман диалектика, логика ва билиш назарияси каби масалалардир.

Фалсафани бошқа фанлардан ажратиш мумкин эмас. Ҳар бир фан оламнинг аниқ бир томонини ўрганар экан, демак бу фаннинг ёлғиз ўзи олам ҳақида бир бутун илмий тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўла олмайди. Олам ҳақидаги яхлит илмий тасаввурни табиатшунослик фанларининг барчаси ҳам ҳосил қила олмайди. Табиатшунослик фанлари табиат ва унинг ривожланиш қонуларини ўрганади. Олам ҳақидаги ягона илмий тасаввур эса жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги билимларни ҳам ўз ичига олади. Демак, олам ҳақидаги энг умумий билим барча фанлар ўрганадиган муаммоларни системалаштириш, бир-бирига боғлаш ва умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Ана шу вазифани фалсафа фани бажаради. Бу фан барча фанларнинг амалий фаолияти жараёнида тўпланган далилларни системага

солиш, олам ҳақида, уни билиш ва унга амалий таъсир кўрсатиш йўлларини очади.

Фалсафа аниқ фанларнинг ютуқларига бефарқ қарамайди, балки энг янги кашфиётларни чуқур ўрганиш, назарий умумлаштириш заминида ўсиб, ижодий ривожланиб боради. Шу маънода фалсафанинг ижодий бойиши ва ривожланиши бу фанларнинг тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

Марксизм асосчилари табиатшуносликнинг ривожланишини диққат билан кузатиб борганлар ва уларни фалсафий умумлаштирганлар. К. Маркснинг «Капитал», «Фалсафа қашшоқлиги», «Фейербах тўғрисида тезислар», Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм», «Фалсафа дафтарлари», «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» ва бошқа асарлари бунинг ёрқин далилидир.

Фалсафа ҳамма фанларнинг назарий асоси, умумий илмий билиш усулидир. Ҳодисалар ўзаро боғлиқ ҳолда, ўзгариш ва ривожланиш ҳолида тадқиқ қилинган пайтдагина илмий билишни амалга ошириш мумкин. Ф. Энгельс: «...фақат диалектика табиатда юз берадиган тараққиёт жараёнлари учун, табиатнинг умумий алоқадорликлари учун, бир тадқиқот соҳасидан иккинчи тадқиқот соҳасига ўтиш учун аналогдир ва шу билан бирга изоҳлаш усулидир»¹, — деган эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг энг катта хизматларидан бири шу бўлдики, улар илмий фалсафа ва табиатшуносликнинг ўзаро алоқадорлиги қонун-қоидаларини ишлаб чиқдилар. Агар материалистик диалектика табиатшунослар учун воқеликни ўрганиш ва ўзгартиришда тўғри усул бўлиб хизмат қилса, ўз навбатида, табиат илми ютуқлари ҳам материалистик диалектиканинг қонун-қоидаларини тасдиқлашда катта роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олиб, Ф. Энгельс: «Табиат диалектиканинг синов тошидир ва айтиш керакки, ҳозирги замон табиёти бу синов учун жуда ҳам бой, кундан-кун кўпайиб борадиган материал берди ва шу материал билан исбот қилдики, табиатда пировард натижада ҳамма нарса метафизик тарзда эмас, балки диалектик тарзда юз беради»², — деб таъкидлаган эди.

Кўриниб турганидек, фалсафий таълимотга асосланиш аниқ фанлар моҳиятини билишга, уларнинг кашфиётларини тўғри умумлаштиришга имкон беради. Илмий фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг истиқболини, моҳиятини чуқурроқ била олади.

Агар ҳар бир фан ўзича ривожлана борса, кашфиётлар бир-бири билан боғланмаса ва умумлаштирилмаса, у вақтда олам ҳақида ягона билим ҳосил қилиш, унинг моҳиятини, қонун ва қонуниятларини чуқур билиш мумкин бўлмай қоларди. Шунинг

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1979, 326-бет.

² Уша жойда, 19-бет.

учув ҳам аниқ фанлар билан фалсафанинг ўзаро алоқадорлигига бўлган зарурият ҳар доим сақланиб ва кучайиб бораверади.

Фалсафа дунё ва ундаги ҳодисаларни изоҳлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки уни ўзгартириш қуроли ҳамдир. К. Маркс «Фейербах тўғрисида тезислар»да кўрсатадики, файласуфлар оламни турлича изоҳлаб келдилар холос, лекин гап уни ўзгартиришдадир. Фалсафа ижтимоий тараққиётни, ҳозирги замон жамиятида содир бўлаётган ўзгаришларни инсоннинг маънафати ва қадр-қиммати нуқтаи назаридан олиб қарайди.

Ҳозирги давр муаммолари, фан ва техниканинг гуркираб ривожланиши фалсафа фани олдига янгидан-янги методологик масалаларни илмий-материалистик ҳал қилиш вазифаларини қўймоқда. Чунки у ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш-ни жадаллаштиришда, янги сиёсий тафаккурни ҳосил қилишда, умуман мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёнида муҳим ўрин тутати.

Фалсафа муаммолари доимо янгиланиб туради. Чунки эски андазалар ўз аҳамиятини йўқотмоқда, янгилари эса чуқур мазмун касб этмоқда. Булар эса фалсафанинг ҳозирги замон талабларига мос келадиган фалсафий тафаккур даражасига кўтарилиш лозимлигини талаб этади.

II Б О Б. ФАЛСАФАНИНГ ТАРИХИЙ ТИПЛАРИ

1. ИЛК ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР. ҚАДИМГИ ФАЛСАФА

Дастлабки содда материалистик қарашлар қадимги Шарқ мамлакатлари — Миср ва Вавилонияда эраимздан аввалги III асрнинг охири ва II аср бошларида пайдо бўлди. Аммо бу қарашлар узук-юлуқ ва системали эмас эди. Дунёга бўлган қарашлар системаси сифатида материалистик фалсафа эраимздан аввалги асрларда нисбатан юқори тараққиёт босқичида турган Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларида пайдо бўла бошлади.

Дастлабки материалистик дунёқараш Ҳиндистон маданиятининг қадимий ёзма эсдалиги бўлган *ведаларда* (диний билимлар) талқин қилинган диний дунёқарашга қарши кураш жараёнида пайдо бўлди. Гимнлар, дуолар тўпламларидан иборат бўлган ведалар бир неча юз йиллар давомида яратилган бўлиб, уларнинг биринчиси «Ригведа» эраимздан аввалги XV асрда пайдо бўлган. Эраимздан аввалги I аср бошларида эса ведаларни изоҳлашга қаратилган ҳамда фалсафий мавзулардаги суҳбат ва ҳикоялар тўпламидан иборат бўлган *упанишадалар* (сирли таълимот) пайдо бўла бошлади. Упанишадалар қадимги ҳинд фалсафасининг дастлабки кўриниши бўлиб, уларда дунёнинг асоси, инсон руҳининг табиати, коинотнинг моҳияти ҳақида ва бошқа материалистик фикрлар учрайди.

Эраимзгача бўлган VIII—VII асрларда Ҳиндистонда материалистик йўналишдаги *Локаяти* (фақат шу локани тан олувчи ки-

пиларнинг қарашлари) таълимоти шакллана бошлайди. Бу таълимотнинг асосчиси Брхаспати ва унинг издошлари ведаларда баён этилган диний қарашларни танқид қилиб, ердан бошқа тарздаги ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрни илгари сурдилар.


Локаятанинг энг ривожланган оқими— *Чарваклар* (эр. авв. VI аср) таълимотидир. Бу таълимотга кўра дунё 4 элементдан: тупроқ, ҳаво, сув ва оловдан ташкил топган бўлиб, барча нарса ва ҳодисалар шу тўрт элементнинг турли бирикмасидан иборатдир. Улар дунёни билиш мумкин ва бу билишнинг мавбаи идрокдир деб, билишда ҳиссиётнинг ролини бўрттириб юборганлар, хулосалар ёлғон бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Хитойда материализм ҳинд фалсафаси билан тахминан бир вақтларда — эрамиздан аввалги IX—VII асрларда вужудга келди. Бу таълимотларда дунё абадий ва у беш элемент — олов, сув, ер, дарахт ва металлдан ташкил топган, деб уқтирилади. Эрамиздан олдинги VII—VI асрларда эса *дао* қонунига биноан ҳаракат қилувчи ци элементининг мавжудлиги ҳақида фикр юргизилган. Дао ҳақидаги таълимот фалсафадаги қонун тушунчасини ҳосил қилишдаги дастлабки уринишдир. Даосизмнинг асосчиси Лао-цзи дунё абадий ҳаракат ва ўзгаришда бўлади, деб ҳисоблаган, қарама-қаршиликларнинг бирлиги (гўзаллик ва хунуқлик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва ёмонлик) ва уларнинг бир-бирига ўтиши ҳақида фикр юритган. Даосизм вакиллари билишда ҳиссий ва мантиқий жиҳатларнинг мавжудлиги масаласини ўртага қўйиб, билишда ҳиссиёт ва амалиётнинг аҳамиятини камситиб, ақлни бўрттириб юборганлар.

Эрамиздан аввалги VI асрларда Греция ва Рим мамлакатларида ҳам ўз даврининг энг такомиллашган фалсафий қарашлари пайдо бўлди.

Қадимги Грецияда материализм дин ва мифологияга қарши кураш жараёнида пайдо бўлиб, унинг йирик намоёндалари Милет мактабининг вакиллари — Фалес (эр. авв. 624—547 йиллар), Анаксимандр (эр. авв. 620—546 йиллар), Анаксимен (эр. авв. 588—525 йиллар) эдилар. Улар Ер, Қуёш, юлдузлар, ҳайвонлар ва одамнинг келиб чиқишини, кoinотдаги jismlарнинг миқдори ва шаклини, Қуёш тутилишининг сабабларини, йилнинг неча кундан иборат эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Фалес ҳамма нарса сувдан келиб чиққан ва сувга айланади, деб ҳисоблаган бўлса, Анаксимандр дунё ноаниқ материя — апейрондан ташкил топган дейди. Нарсалар, унинг фикрига кўра, апейрон ҳаракати ҳамда совуқлик ва иссиқлик, намлик ва қуруқлик каби қарама-қаршиликларнинг натижасида пайдо бўлади. Анаксименнинг фикрича, ҳамма нарса ҳаводан ҳосил бўлган ва унга айланади.

Эрамиздан аввалги VI асрнинг бошлари ва V асрнинг охириларида фалсафа оламига Гераклит (эр. авв. 530—470 йиллар) кириб келди. У дунёнинг асоси оловдан иборат, деб ҳисоблаган.



«Хамма нарсадан бир бутун бўлган оламни худолардан ҳам, одамлардан ҳам ҳеч ким яратмаган, балки қонуниятли тарзда алангаланадиган ва қонуниятли тарзда ўчадиган абадий барҳаёт олов бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлади»,— деган эди фйиласуф. Гераклит дунёдаги барча нарсалар оқим ҳолида оқиб, ўзгариб туради, оламда ўзгармайдиган, доимий бўлган бирон-бир нарсани топиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. «Оқиб турган дунёнинг суви доим янгилашиб туради, шунинг учун бир дарёнинг ўзига икки мартаба тушиш мумкин эмас».

Қадимги дунёда материалистик таълимотлар билан бир қаторда идеалистик қарашлар ҳам мавжуд бўлган. Идеализмнинг вакиллари Пифагор ва унинг издошларидир. Пифагор (эр. авв. тах. 580—500 йиллар) нуқтаи назарича, дунёнинг асосини сонлар ташкил қилади, сонлар — кoinотдаги тартибнинг ифодасидир. Дунёни билиш — уни бошқарувчи сонларни билишдир.

Пифагорчилар сонни материядан ажратиб, уни илоҳийлаштирган бўлсалар-да, математика фанини ривожлантириши, машҳур Пифагор теоремасини яратиши билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг мусиқа назарияси, меъморчилик, скульптура соҳасидаги хизматлари ҳам катта.

Қадимги замондаги элеатлар ҳам пифагорчилар сингари қулдорлар аристократиясининг вакиллари бўлганлар. Уларнинг кўзга кўринган вакилларида бири Парменид (эр. авв. VI асрнинг охири — V асрнинг боши) кўзгалмайдиган умумий ягона борлиқ ҳақиқий мавжудликдир, деб ҳисоблаган. Бу ҳақиқий мавжудлик, унингча, фикр билан айнийдир. Табиатда ўзгариб турадиган, турли-туман кўринишдаги ҳодисалар, Пармениднинг таълимоти бўйича, «ёлгон фикрлар»нинг маҳсулидир, билим эса фақатгина ақл ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин.

Зенон (эр. авв. V асрнинг ўрталари) ҳам Парменид сингари «ҳақиқий борлиқ» ҳаракатсиз бўлади ва уни ақл билан билиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Эраимздан олдинги V асрда пифагорчилар ва элеатларнинг идеалистик фалсафасига қарши курашган материалист-фйиласуфлар орасида Анаксагор, Эмпедокл, Левкиппларни алоҳида таъкидлаш керак.

Қадимги дунёнинг энг машҳур материалистларидан бири — Демокрит (эр. авв. 460—370 йиллар) дир. Лекин унинг асосий асари «Буюк диакосмос» бизгача сақланиб қолмаган. Демокритнинг нуқтаи назарича, дунё моддий, чексиз бўлиб, руҳ, онг материянинг маҳсулидир. У Левкиппнинг қарашларини ривожлантириб, дунёнинг асоси атомлар ва бўшлиқлардан иборат, нарса ва ҳодисаларнинг ранг-баранглиги атомлар бирикиш усуллари-нинг турли-туманлигидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Демокрит материя ва ҳаракатнинг ажралмаслигини, ҳаракат, фазонинг ҳам худди материя сингари объектив мавжуд эканлигини тан

¹ Қараг: В. И. Ленин. Асарлар, 38- жилд, 374- бет.

олиш лозим, дейди. Лекин у ҳаракатни атомларнинг бўшлиқдаги оддий ўрни алмашиши деб қарайди, ҳаракатнинг ўзини эса атомларнинг фазода ўзаро тўқнашуви натижасида ҳосил бўлади, деб ҳисоблайди. Демокрит оламни билиш мумкинлигини таъкидлаб, уни қоронги ва ҳақиқий билимлардан иборат дейди. У билиш жараёнида ҳиссиёт ва тафаккур ролини ҳам кўрсатиб ўтади.

Демокрит дин ва идеализмга қарши зарба бериб, қадимги юнон фалсафаси ривожига янги босқич — системалашган материалистик дунёқарашни яратди ва бу таълимот узоқ йиллар давомида фан ва фалсафа ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Демокрит атомларнинг асосан шакл ва миқдор жиҳатидан фарқини таъкидлаган бўлса, Эпикур (эр. авв .341—270 йиллар) эса уларнинг ҳажми ва оғирлиги жиҳатидан фарқини таъкидлайди ва атомистик материализмни яна бир қадам олга суради. Эпикур таълим берадики, атомлар доим бўшлиқда ҳаракат қиладди, ҳаракат эса — мангудир. Атомлар оғир бўлганидан ҳамма вақт пастга томон тўғри ҳаракат қиладди. Бундан ташқари улар ўзаро тўқнашув оқибатида тўғри йўлдан чекиниб, ён томонга ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Қулдорлик жамияти давридаги объектив идеализмнинг йприк вакили Платон (эр. авв. 427—347 йиллар) эди. У ўз асарларида юнон материалистларига, айниқса Гераклит ва Демокрит материализмига қарши курашди. Платон оламда «ғоялар дунёси» бирламчи бўлиб, моддий дунё эса иккиламчи, «ғоялар дунёси»нинг маҳсули, соясибди, деб ҳисоблайди. Унингча, «ғоялар дунёси» фазо ва вақтга боғлиқ бўлмай, абадий, ҳаракатсиз ва ўзгармасдир; у «ҳақиқий дунё»дир.

Платоннинг билиш назариясига кўра, билиш объекти «ғоялар дунёси»дир, моддий дунё ва ундаги нарса ва ҳодисалар ҳиссий билишнинг манбаидир. Ҳиссий билиш ҳақиқат эмас, чунки у орқали кишилар ғояни эмас, балки моддий предметларни сезадилар, улар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар. Моддий буюмларнинг асоси ва моҳияти бўлган «ғоялар дунёси»ни фақат соф тафаккур ёрдамида билиш мумкин.

Платон Юнонистондаги қулдорлар аристократияси давлатини энг адолатли ва идеал давлат деб ҳисоблади. У жамиятни уч табақага бўлади: 1. Давлат арбоблари — файласуфлар; 2. Соқчилар (ҳарбийлар); 3. Деҳқонлар ва ҳунармандлар. Бунда давлат файласуф-аристократлар қўлида бўлиши лозим, ҳарбийлар эса давлатнинг зўрлик ва зулм аппаратидан иборат бўлиб, қулдор аристократия давлатини мустаҳкамлаш учун хизмат қилишлари керак. Деҳқонлар ва ҳунармандларнинг асосий вазифаси жамият учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти қадимги дунёнинг энг буюк мутафаккири, қулдорларнинг ўрта табақа вакили Аристотель (эр. авв. 384—322 йиллар) томонидан қатъий танқид қилинган. Унинг кўрсатишича, моддий олам абадий ва объектив хусусиятга эга бўлиб, у ҳеч қандай Платон «ғоя»ларига муҳтож эмас. Табиат моддий асосга эга бўлган нарса ва ҳодисалар йнғин-

дисдан иборат, у ҳар доим ҳаракат ва ўзгаришдадир. Аристотель, Демокрит сингари, моддий дунёни табиатни билишнинг предмети ва сезгиларимизнинг объектив манбаидир, киши онгидан ташқаридаги моддий олам сезгиларни вужудга келтиради, деб эълон қилди.¹

Аристотель логиканинг барча муҳим масалаларини ишлаб чиқди. У кўрсатадики, логика — билиш учун зарур бўлган тафаккур шакллари ва исботлаш тўғрисидаги фандир. Фикрлар боғлиқлиги, Аристотель нуқтаи назарича, мавжуд объектив олам ҳодисалари боғланишларининг инъикосидир.

Аристотель қадимги дунёдаги содда диалектик фикрни энг ёрқин ифодалаган мутафаккирлардан бири эди. Қадимги юнон файласуфларининг ҳаммаси оламнинг умумий манзарасини тўғри изоҳлаб берган содда материалист ҳамда турма, стихияли диалектик эдилар. Улар орасида Аристотель диалектикаси алоҳида ажралиб турар эди.¹

2. УРТА АСР ФАЛСАФАСИ. УРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРИ

Қулдорлик ишлаб чиқариш усулидан феодал ишлаб чиқариш усулига ўтилиш билан синфий зулм йўқолмайди. Бу даврда феодаллар ҳукмрон синф бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва маънавий ҳаётида хўжайинлик қилади. Крепостной деҳқонлар феодал жамиятининг маълум ва қарам синфидир. Шахсий қарамликнинг иқтисодий асоси — ер-сувнинг феодал хусусий мулки эканлигидадир.

Қадимги цивилизацияни, қадимги фалсафа, сиёсат ва юриспруденцияни «ер билан яқсон қилиб» (Энгельс) ташлаган ўрта асрчилик даврида интеллектуал билим монополияси поплар қўлига ўтди, шунинг учун билимнинг ўзи диний характер олди. Диний расм-русмлар ва қоидалар сиёсий аксиома ва ахлоқий нормалар бўлиб қолди. Ф. Энгельснинг «Юридик социализм» асарида кўрсатилишича, «Ўрта асрнинг дунёқараши асосан теологик дунёқараш эди... Бундан ўз-ўзидан шу нарса келиб чиқадики, черков догмаси ҳар қандай тафаккурнинг бошланғич нуқтаси ва асоси бўлган»².

Феодализм даврида фалсафа амалиётдан ажралиб, схоластикага, илоҳиётга айланди, табиатни ўрганиш гувоҳ ҳисобланди, уни ўрганшга интилган кишилар даҳрийликда айбланди, қувғин қилинди. Ван тараққиётга диннинг ҳар қанча тўсқинлик қилишига қарамай, феодализм даврида маданий-маънавий тараққиёт юксалди, материалистик, атеистик қарашлар ва таълимотлар ривожланишдан тўхтамади. «Феодализмга қарши инқилобий ҳаракат, — дейди Ф. Энгельс «Германияда деҳқонлар уруши» асари-

¹ Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар. 20-жилд, 19-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1956, 80-бет.

ди, булар урта асрларда давом қилиб келди. Бу ҳаракат, эшоннинг шароитларига мувофиқ равишда, гоҳ мистика шаклида, гоҳ очиқдан-очиқ бидъат шаклида, гоҳ қуролли қўзғолон шаклида намоён бўлиб келди»¹.

Феодализм схоластик фалсафасида айниқса X—XIV асрлар давомида икки асосий оқим — *номинализм* ва *реализм* ўртасида кескин кураш давом этди. Бу икки оқим ўртасидаги курашнинг асосий масаласи — умумий тушунчалар моҳияти масаласи эди.

Номиналистлар Иоани Росделин (тах. 1265—1308 йиллар), Иоан Дунс Скотт (тах. 1265—1308 йиллар) ва Уильям Оккам (тах. 1300—1350 йиллар) алоҳида предметларгина реал мавжуддир, умумий тушунчалар (универсалиялар) эса номларни ифодалайди ва улар иккиламчидир, деб ҳисоблаган бўлсалар, реализм вакиллари (Ансельм Кентерберийский (1033—1109 йиллар) ва бошқалар) умумий тушунчалар объектив мавжуд бўлиб, аниқ предметлар уларнинг ифодаланиш шакллари дир, деб ҳисоблаганлар. Номинализм ўрта аср схоластикасидаги материалистик йўналишнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши эди. Табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг объектив мавжудлиги ҳақидаги номиналистлар таълимоти черков обрўининг пасайишига, дунёнинг худо томонидан яратилганлиги, руҳий нарсаларнинг бирламчилиги ва моддий ҳодисаларнинг иккиламчилиги ҳақидаги диний ақидаларга путур етказишга олиб келар эди.

XIII асрда италиялик художўй файласуф **Фома Аквинский** (1225—1274 йиллар) реализмнинг мўътадил намояндаси сифатида майдонга чиқди ва худонинг бирламчилиги, руҳнинг ўлмаслиги каби ғояларни тарғиб қилувчи *томизм* фалсафасига асос солди. Фома Аквинский Аристотелнинг шакл бирламчи, бошланғич ва фаол ижодий куч, моддий предметлар эса шаклнинг маҳсули ва пассив кучдир, деган фикрини давом эттириб, дунёда турли шакллар бор, жон ҳам шу шакллардан биридир, шаклларнинг шакли эса худодир, деб эълон қилди. Унинг таълимотига кўра, дунё фазода чегараланган ва вақтда чекланган бўлиб, у фақат табиатдан ташқаридаги куч орқали ҳаракат қилиши мумкин. Табиатдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни билиш мумкин, уларни сезгилар воситасида ақлга жойлаш мумкин, лекин одамнинг моҳияти, яъни умумий тушунча — худони билиш мумкин эмас. XIX асрнинг 70-йилларида Фома Аквинскийнинг бу фалсафий таълимоти католик черковининг расмий назарияси деб эълон қилинди, уни билиш ҳар бир диндор учун мажбурий бўлиб қолди.

Ўрта Оснё азалдан илм-фан ва маданиятнинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка олимлари жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан бойитдилар. унинг бир неча асрлик тараққиётига самарали таъсир қилдилар.

¹ Уша жойда, 81-бет.

VIII аср бошларида Ўрта Осиёни араблар зўрлик билан босиб олди. Ислоҳ аста-секин ўлкамизда ҳукмрон мафкурага айлана бошлади. «Ҳар бир даврда ҳокимлик қилувчи синфнинг фикрлари, — деб кўрсатган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс, — ўша даврнинг ҳокимлик қилувчи фикри бўлиб қолади, яъни жамиятнинг ҳокимлик қилувчи моддий кучига эга бўлган синф айна вақтда унинг ҳокимлик қилувчи руҳий кучи ҳамдир»¹.

VIII—XV асрларда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги даражасига кўтарила олди. Ф. Энгельс Ўрта ва Яқин Шарқнинг умуминсоний маданият тараққиётига қўшган ҳиссасига, хусусан ўша даврдаги илм-фан ютуқларига, фалсафий таълимотларига баҳо бериб, бу ютуқлар дунё цивилизацияси ривожига муҳим, зарурий ҳалқа бўлганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё мутафаккирлари диний жаҳолат чексиз ҳукмронлик қилган шароитларда ҳам оламнинг моҳияти, тараққиёти, қонотининг сирлари, касалликларнинг сабаблари ҳақида диний-идеалистик қарашларга бутунлай қарама-қарши бўлган фикрлари олдинга сурдилар, илғор дунёқараш ва табиатшунослик ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Бир қанча подир асарлар муаллифи Мусо ал-Хоразмий (780—847 йиллар) Шарқ ва Ғарбда ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси. Унинг астрономия, жуғрофия, табobat, тарихшунослик илми ривожига қўшган буюк ҳиссаси асло унутилмасдир. «Алгебра» ва «алгоритм» тушунчалари бевосита унинг номи билан боғлиқ.

Абу Наср Муҳаммад Форобий (870—950 йиллар) — Ўрта Осиё халқлари ва бутун Шарқнинг машҳур файласуфи, энциклопедист олими, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган йирик мутафаккирдир. Форобий материя оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосидир, дейди. Бутун мавжудот тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топади, осмон жисмлари ҳам, ердаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий фикрича, оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборат бўлиб, материя ҳам, шакл ҳам тенг аҳамиятга эга бўлган сабаблардир. Унинг таъкидлашича, ҳаракат — материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса ҳаракатнинг манбаидир; оламдаги нарса ва ҳодисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат ўзгаришининг сабаби эса бошланғич моддий элементларнинг турлича қўшилишидадир.

Форобий борлиқни қотиб қолган воқелик сифатида тушунмайди. Унингча, нарсалар ва ҳодисалар оламида чексиз ўзгариш, ривожланиш жараёни бўлиб турадики, бунинг натижасида табиат шу ҳолга етиб келган. Форобийнинг жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари хусусида баён этган фикрлари ҳам катта аҳамиятга эга. У ўзининг «Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари» номи рисоласида ҳар бир инсон ўз табиати билан

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-жилд, 45-бет.

шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги стукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва стукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди, деб айтиб ўтади.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу; у ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир, дейди.

Форобий давлатни бошқаришнинг турли шакллари ва ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши ўн икки инсоний фазилатни жо қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек у ҳар томонлама етук барча аҳолини илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги ҳаёлотни олға суради. «Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари» китобида Форобий давлатни бошқарувчи киши соғлом, жасур, ботир, ақлли ва маърифатпарвар, тинчликсевар, адолатпарвар бўлиши, кишилар билан муомала қилиш санъатини чуқур билиши ва бу билишни амалда усталик билан татбиқ эта олиши зарур, олижаноб инсоний фазилатлар бир кишида мужассамланар экан, у давлат бошлиғи бўлишга энг лойиқ одамдир, дейди.

Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Билиш масаласига у инсон моҳиятини тушувтириб беришнинг таркибий қисми сифатида қарайди. У инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб, ўз сифатлари билан ҳайвонот оламидан фарқ қилади, инсон — билиш субъекти, табиат эса унинг объекти, деб билади. Табиатнинг одамдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигига Форобий шубҳа қилмайди. Объект субъектга қадар мавжуд бўлади. Сезилувчи нарса сезгиларга қадар мавжуд бўлгани каби билинувчи нарса ҳам билишга қадар мавжуддир, дейди у. «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билишнинг билмасликдан билишга, сабабиятини билишдан оқибатини билишга қараб боришини таъкидлайди.

Форобий билишда йкки босқични — ҳиссий ва ақлий билишни фарқлайди: ҳиссий билишни борлиқнинг ташқи хоссалари ҳақида билим бериш манбаи деб қарайди. Шу билан бирга у ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга кела олмаслигини уқтиради.

Булар орқали биз Форобийнинг билиш назариясида материалистик фикрлар борлигини кўрамиз.

Форобий энг илгор олим, илм ва маърифат курашчиси бўлишига қарамай, барибир, ўз даврининг, ижтимоий муҳитнинг фарзанди эди. Ҳақиқатдаги ижтимоий муҳит, жамият ҳаётидаги индидиятлар унинг ижтимоий-фалсафий таълимоти ва дунёқарашида ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Форобийнинг дунёқараши ўша даврнинг фазилатларини ифодалади ва ҳукмрон ижтимоий-сиёсий тузум иллатларидан ҳоли бўла олмади.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинггина эмас, балки бутун инсопнинг ҳам ифтихори ва улуғ олимларидан ҳисобланган Абу Райҳон Беруний (973—1048 йиллар) ўрта аср илмининг турли соҳаларида самарали ижод қилди. Беруний ўзининг табиий-илмий ва фалсафий мулоҳазаларида материя нарсаларни яратади, уларнинг шаклларини ўзгартиради ва табиатдаги жараёнларни ифода этади, дейди. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида айтилишича, «Олам азалий... фалак чексиз бўшлиқда жойлашган».

Беруний материя доми ўзгариб, ҳаракат қилиб, янгилиниб, турли шаклга кириб туриши, моддий нарсалар ва уларнинг ҳаракати абадий эканлигини алоҳида қайд қилади. Унинг фикрича, оламда нарсалар ривожланиб туради, нарсаларнинг ниҳоятсиз равишда япиринликдан юзага чиқиши ривожланишга далилдир. Оламларнинг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши,— дейди у,— фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва жойлар табиатининг турличалигидан ҳамдир.

Беруний кинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги ҳақидаги, ҳаракатнинг индидиятга асослангани ҳақидаги илмий фикрларни ҳам илгари суради. Унингча, табиатда маълум қонуният бор, табиатдаги ҳодисаларни ўша қонуниятларга, табиатнинг ўзига асосланиб изох этиш, тушуниш керак. Табиатда ўз-ўзидамай майдонга келиб чиқадиган гайриқонуний, тартибсиз нарса йўқ. Юзаки қараганда тартибсизликка ўхшаган қонуният натижаси бўлиб кўринган ҳодисалар ҳам аслида маълум қонуният асосида майдонга келади.

Беруний табиатдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги диний тушунчаларга ўзининг материалистик фикрларини қарши қўяди. Ер Қуёш атрофида айланади, деган хулосага келиб, оламнинг гелиоцентрик назариясини ёқлашга илтилоқ қилди. Берунийнинг дунё олдидаги энг катта хизматларидан бири шундан иборатки, у Галилейдан бир неча аср олдин Ернинг думалоқ шаклда эканлиги ва Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фаразни ўртага ташлаган. У астрономия, геология, гидростатика ва жуғрофия соҳасидаги рационалистик фикрлари билан Коперник, Леонардо да Винчи ва бошқа олимларнинг кашфиётларини кўп жиҳатдан олдиндан пайқаган эди.

Фалсафа, тарих ва бошқа гуманитар фанлар соҳасида ҳам замонасининг илгор кишиларидан бири эди.

Беруний таълимотига кўра, табиатни билиш жараёни сезгилардан бошланиб тафаккурга кўтарилади, маълум нарсалардан номалум нарсалар ва ҳодисаларни билишга томон ривожланиб боради. Билиш жараёнида ҳиссий билиш — сезги, идрок, хотира кабиларга Беруний катта эътибор беради ва уларсиз табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Беруний жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг ролини кескин ошириш, мамлакатлараро маданий-илмий, савдосотиқ алоқаларини кучайтириш тарафдори эди. У ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли нодир асарида араб босқинчиси Қутайба ибн Муслимни Хоразм маданиятини оёқ ости қилгани учун қаттиқ қоралайди. «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада ишрин қолди», — дейди у.

Илм аҳли Абу Али ибн Сино (980—1037 йиллар)ни жаҳон фани ва маданиятнинг юқори чўққиси, машҳур энциклопедист олим сифатида билади ва юксак даражада эъзозлайди. Унинг илмий меросида фалсафий масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Ибн Сино қайси бир аниқ илмий масала устида фикр юритмасин, деб ёзган эди М. Хайруллаев, уни умумий фалсафий нуқтаи назардан баҳолайди, унга умумий билимлар системасининг бири сифатида ёндашади.

Ибн Сино фикрича, оламда, инсоният дунёсида ҳеч бир нарса ва ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар қапдай касаллик муайян бир сабабнинг, гоҳо ячки, гоҳо ташқи, гоҳо очиқ, гоҳо махфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш, — дейди аллома, — у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиш орқали ҳосил бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан етишилади»¹.

Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитларни ҳар томонлама билишга катта аҳамият беради. Касалликларни келтириб чиқарувчи ва ривожлантирувчи сабабларни у тўрттага бўлади. Булар: моддий, фаол, шаклий ва тугалловчи сабаблардир. «Фаол сабаблар, — дейди Ибн Сино, — одам гавдасининг ҳолатларини ўзгартирувчи ёки сақловчи сабаблардир. Улар эса ҳаволар ва уларга алоқадор нарсалар, овқатлар, сувлар, ичимликлар ва уларга алоқадор нарсалар, бўшалиш (ва унинг акси), тўхта-

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қовувлари. 1-китоб. Тошкент, ЎзССЖ Фанлар академияси нашриёти, 1954, 5—6-бетлар.

лиш, шаҳарлар, турар жойлар ва буларга алоқадор нарсалар, жисмоний ва нафсоний ҳаракат ва осойишталикдир. Уйқу ва уйғоқлик ҳам фаол сабаблардандир. Бир ёшдан бошқа бир ёшга ўтиш, ёш ва жинс эътибори билан фарқланиш, ҳунарлар, одатлар, одам гавдасига тегиб, унинг табиатига ё тескари бўлмай, ё тескари бўлиб тушадиган (дорилар каби) нарсалар фаол сабаблардир»¹.

Ибн Сино дунёнинг ҳеч нарсадан пайдо бўлмаганлигини, унинг йўқ бўлмаслигини, доимийлигини эътироф этади, реал дунё мангудир, деган фалсафий қарашни ривожлантиради. У ҳамма нарсаларнинг моҳиятини материя ташкил этади, материя турли-туман шаклларда намоён бўлади, жисмлар ва уларнинг шакллари ажратиб бўлмайди, материясиз жисм шакли, жисм шакллари сиз материя йўқ, деган фикрни илгари суради.

Ибн Сино жисмлар тўрт унсурдан ташкил топган, дейди. Бу тўрт унсур — ҳаво, сув, олов, тупроқ — ўзаро боғлиқ, улар бири-бирига таъсир этади. Шулардан у ёки бу нарса пайдо бўлади. Материянинг энг содда бўлакларга бўлинмайдиган шакли — тўрт элемент, яъни ҳаво, сув, ўт, тупроқдан иборатдир. Уларнинг ўзаро турлича бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг асоси — тўрт элемент ўзгармайди, йўқолмайди. Материя эса ҳаракат, вақт, фазо билан боғлиқдир. «Материя ва у билан бирга мавжуд бўлган хусусиятларнинг абадийлиги, табиатнинг ички қонуният асосида мавжудлиги, моддий детерминизм — ибн Сино фалсафасининг энг кучли, энг илғор, материалистик томонларидан биридир»², — деган эди М. Хайруллаев.

Энг мураккаб, ўта зиддиятли тарихий-ижтимоий муҳитда шакланган мутафаккирлардан ҳисобланган Улугбек (1394—1449 йиллар)нинг ўз даври илм-фани тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини инсоният ҳеч қачон унутмайди. Улугбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фанинг кейинги тараққиётига чуқур из қолдирди. Унинг «Зичи жадиди Кўрагоний» помли нодир асарига илгари сурилган илғор фикрлар материалистик қарашларнинг ривожланиши ҳамда илм-фан ва жаҳон маданиятининг бойишига замин яратди, хурофот ва бидъатга зарба берди.

Жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган даҳолар орасида фахрли ўрин эгаллайдиганлардан яна бири Алишер Навоийдир (1441—1501 йиллар). Унинг фалсафий, ахлоқий ижтимоий-сиёсий қарашларида умуминсоний аҳамиятга эга бўлган фикрлар беҳисобдир.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала — инсон, халқ, Ватан, уларнинг гул-

¹ Ўша жойда, 7-бет.

² М. Хайруллаев. Уйғониб даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971, 281-бет.

лаб-яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдир, халқ ва унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қиладиган кишиларни улуғлади. Одамлар хурсандчилигини ўз хурсандчилиги, нохушлигини нохушлик деб ҳисоблайдиган кишилар ҳақида ўзининг самимий фикрларини баён этди. Жумладан у шундай дейди: «Кимнинг халқ ғамида ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема. Бировнинг ўлимида севинган одам ё гўрков, ё югувчи, ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам табиатнинг кўрки нафрат билан тўлади. Лекин биров сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан сенга жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан буни ифодалай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши таъбиға осойиш бағишлайди»¹.

Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи, деб билади. Бутун мавжудотнинг тожи, олий нуқтаси бўлган инсонни безайдиган гўзал хислат ва фазилатлар сифатида одоб-ахлоқли, камтар, мурувватли, ростгўй, меҳнатсевар, саҳий бўлишни алоҳида таъкидлайди. Навоий меҳнатсеварликни текинхўрликка қарши қўяди, текинхўрликдан нафратланади.

Навоий деҳқонларга жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи куч деб қарайди, уларнинг меҳнатици юксак даражада баҳолайди. Деҳқон меҳнатидан ҳамма тирик жоң баҳра олади, деҳқон ҳаммага ризқ берувчидир. Бу жиҳатдан унинг «Маҳбубул-қулуб» асарида айтган қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «...Деҳқонки тузлук била донa сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочган донаси кўкаргунча, ўруб хирмоң қилиб маҳсулини кўтаргунча, қургу қуш андин баҳраманд, дашт ваҳшийлари аининг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод... Уроқчига андин рўзи, бошоқчининг андин ёруб кўзи».

Юқорида кўриб ўтилганидек, ўрта асрлар даврида Европа мамлакатларида илм-фан ва маданият инқирозга учраб турган бир пайтда Ўрта Осиё мутафаккирлари буюк кашфиётлар қилиб ва унга асослаиб материализмнинг янги бир шаклини вужудга келтириб, жаҳон фалсафаси ва маданиятини ривожлатиришига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Уларнинг бой илмий мероси халқимизнинг буюк ифтихоридир.

3. УЙҒОНИШ ВА ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

ХV аср охири ва ХVI аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатларида феодализм емирилиб, пшлаб чиқариш муносабатлари шакллана бошлади. Бу даврни одатда Ренессанс — Уйғониш даври деб атайдилар. Маънавий ҳаётда бу давр табиатни ўрганишнинг кучайиши, черков, дин таъсирига қарши курашнинг авж олиши, фалсафа ва бошқа гуманитар фанларнинг равнақи билан тавсифланади.]

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Рафур Гулом номиядаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974, 97—98-бетлар.

Ф. Энгельс Европада юз берган Уйғониш даврининг моҳиятини, унинг иқтисодий-сиёсий томонларини ва маънавий ҳаётдаги мазмунини очиб берди. «Табиат диалектикаси» асарининг кириш мақоласида Ф. Энгельс Уйғониш даврини ўша вақтгача ер юзиде бўлиб ўтган инқилоблар ичиде энг буюги бўлди, деб баҳолади. У яна давом этиб шундай дейди: «Бу ўша вақтга қадар инсоният бошидан кечирган тўнтаришлар ичиде энг буюк, илгор тўнтариш эди, бу буюк сиймоларга муҳтож давр эди, бу давр тафаккур кучи, завқу эҳтироси, феъл-атвори, серқирралиги ва билимдонлиги жиҳатидан буюк сиймоларни вужудга келтирди. Ҳозирги замон буржуазия ҳукмронлигига асос солган кишилар, турли тоифадап бўлса-бўлганлар-у, аммо буржуа манфаатлари билангица чекланиб қолган кишилар эмас эдилар. Аксинча, улар ўша замон учун хос руҳ билан, яъни саргузашт иловчи жасур кишилар руҳи билан оами-кўлми суғорилган эдилар. Ўша замоннинг улуғ кишилари орасида узоқ саёҳатлар қилмаган, тўрт ёки беш тилни билмаган, ижодиётнинг бир неча соҳасида донг чиқармаган битта ҳам киши бўлмаган деса бўлади... У замон қаҳрамонлари ҳали инсонни чеклаб қўювчи, бир томонламалик туғдирувчи тақсимотнинг қулларига айланмаган эдилар, уларнинг ворисларида эса бунинг таъсирини кўп кўрамыз. Лекин у замон қаҳрамонлари учун айниқса хос нарса шуки, уларнинг деярли ҳаммаси ўз замонасининг манфаатлари гирдобиде яшайдилар, амалий курашда қизгин иштирок этадилар, бирор партия томонида туриб, баъзилари сўз ва қалам билан, баъзилари қилч билан, баъзилари эса ҳам униси, ҳам буниси билан курашдилар. Уларни баркамол кишилар даражасига кўтарадиган мукамал ва кучли характер ана шундан келиб чиқади. У замонда хонашҳин олимлар камдан-кам учрайди; улар ё иккинчи ва учинчи даражали кишилар, ёки жонини ардоқловчи эҳтиёжкор филистёрлардир»¹.

«Табиат диалектикаси»да айтилишича, Уйғониш давридан бошлаб фан ғоят тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Табиётни илоҳиётдан халос қилиш ана шу вақтдан бошланди. Ер ва осмон жисмлари механикаси, шу билан бирга унга хизмат қилувчи математик усулларни кашф этиш ва такомиллаштириш соҳасида буюк ишлар қилинди. Декарт томонидан аналитик геометрия, Непер томонидан логарифмлар, Лейбниц томонидан дифференциал ва интеграл ҳисоб жорий қилинди. Келлер сайёраларнинг ҳаракати қонушини очди. Суюқ ва газсимон жисмлар механикаси Уйғониш даври охирида тўла ишлаб чиқилди. Шунингдек бу даврда материализмнинг янги хил тугила бошлаган, фалсафанинг антисхоластик йўналиши шакллана бошлаган, табиатнинг экспериментал-математик тадқиқот усуллари жорий этила бошлаган эди.

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1983, 7—8-бетлар.

Николай Коперник (1473—1543 йиллар) оламнинг гелиоцентрик системасини яратди. Бу назарияда айтилишича, оламнинг маркази Қуёш бўлиб, унинг атрофида бошқа сайёралар билан бир қаторда Ер ҳам айлашиб туради. Унинг бу таълимоти Птоломейнинг геоцентрик системаси билан алоқанинг узилишини билдиради. Бу назария, шунингдек, оламни худо яратганлиги ҳақидаги диний афсонага ҳам зарба берди. Коперникнинг гелиоцентрик назарияси материалистик дунёқараш умумий ривожининг табиий-илмий замини бўлди.

Жордано Бруно (1548—1600 йиллар) ҳам Уйғониш даврининг йирик вакилларидан бўлиб, схоластик фалсафага ва Рим, католик чирковига қарши кураш олиб борди. Бруно Коперник кашфиётидан фойдаланиб, мазкур фалсафий қонданинг физик ва астрономик мазмунини аниқлаштирди. У тунроқ, ҳаво, сув, олов ва эфирдан иборат Ер билан осмон оламининг физикавий яқка жинслигини тасдиқлайди.

Бруно таълимотича, моддий олам бирламчи бўлиб, онг эса иккиламчидир; моддий олам машгу, у ҳеч қандай худо томонидан яратилган эмас, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди; у сўнгсиз ва чексиздир; моддий олам чексиз турларда ифода этилади, лекин бу чексиз нарса ва ҳодисалар бир-бири билан ўзаро алоқада, бирликдадир. Қуёш системасидан ташқари яна сапоксиз дунёлар, қуёшлар, ерлар мавжуд, дунё — бепойвон, моддий олам унинг кичик бир қисмидир, ер эса бепойвон оламнинг заррачасидир.

Галилео Галилей (1564—1642 йиллар) ҳам Уйғониш даврининг энциклопедист олимларидан биридир. У оламдаги барча нарса ва ҳодисалар моддий асосга эга, олам бениҳоя, материя абадий, табиат ягона бўлиб, механика қонунига бўйсунди, деб тушунган. Механистик материализмнинг барча нуқсонлари Галилей дунёқарашига ҳам тааллуқлидир. У кузатиш, тажриба табиатни билишнинг бошланғич нуқтасидир, ҳодисаларнинг ички заруратини билиш эса билишнинг олий босқичидир, деб ҳисоблайди.

XVII аср инглиз материализмининг йирик вакилларидан бири **Френсис Бэкон (1561—1626 йиллар)**дир. У ўрта аср схоластик фалсафаси ва идеализмига қарши фаол кураш олиб борди. Маркс ва Энгельснинг ёзишларича, Бэкон инглиз материализмининг асосчисидир. Ҳақиқий фалсафа, Бэкон фикрича, амалиёт билан мустаҳкам алоқада бўлиши, кишилар меҳнати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Бэкон ўзининг «Янги органон», «Янги Атлантида» номли асарларида ўрта аср схоластикасини таъқид қилди ва табиатни материалистик тушунишни асослади. Билишнинг бирдан-бир тўғри йўли, унинг фикрича, тажриба, эксперимент, таҳлилдир. Шунингдек билиш алоҳидаликлардан, яъни хусусий далиллардан умумий, илмий назарчалар томон йўналиш асосида бўлишини уқтирди. Демак, Бэкон таълимотича, билишда асосий усул — индуктив усулдир. У мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисаларга илмий усуллар асосида видашшиш ғоясини илгари сурди.

Бэконнинг таъбирича, материя хилма-хил сифатга эга бўлиб, унинг миқдори ўзгармасдир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса вужудга келмайди, ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Материянинг бутун миқдори ёки суммаси ҳамма вақт ўзгармасдир, у камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам.

Бэкон материализмининг яна бир хусусияти шундаки, у материяни тўхтовсиз ҳаракатда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради, деб ҳисоблаб, ҳаракатнинг бу шаклини атрофлича таърифлади. Лекин у материя ҳаракати турларини ҳаракатнинг механик шакли билан чеклаб қўяди.

Томас Гоббс (1588—1679 йиллар) Бэкон материализмини системага солиб, унинг таълимотини ривожлантирган механистик усулга асосланувчи материалистдир. Материяни бирламчи, онг-ни эса иккиламчи деб ҳисоблаган Гоббс фақатгина реал жисмлар мавжуд, қолганлари эса тўқиб чиқарилган тасаввурлардир, деб ҳисоблайди. У «Тафаккуринг фикр қилувчи материядан ажратиб мумкин эмас» деган ғоят муҳим фикрни илгари суради. Гоббс билиш назариясида эмпирик эди: «Киши ақлида биронта тушунча йўқки, даставвал у сезги аъзоларимизда қисман ёки тўла вужудга келган бўлмасин».¹

Гоббс жамият ҳаётини таҳлил қилишга уриниб, давлатнинг келиб чиқиши ва унинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, давлат пайдо бўлишдан олдин хусусий мулкчилик бўлмаган, кишилар бир-бирларини ўлдириб юбормасликлари, таламасликлари учун келишган ҳолда айрим одамларнинг ҳуқуқини чегаралаб қўйишган, натижада давлат пайдо бўлган. Гоббс курашчан атеист бўлиб, дин кишиларга таъсир этишнинг алоҳида усулидир, деб ҳисоблайди. У математик эди, шунинг учун ҳам ҳар қандай тўғри чизиқ нуқталардан иборат деб, материянинг ранг-баранглигини ҳисобга олмай, табиатдаги барча нарсаларни геометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирар эди. К. Маркс Гоббс тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Гоббс Бэкон материализмини системага солувчидир. Сезувчанлик ўзининг очиқ рангларини йўқотади ва геометриянинг мавҳум сезувчанлигига қурбон қилинади. Геометрия асосий фан деб эълон қилинади»¹. Шунга қарамай, Гоббс таълимоти материализм тараққиётида муҳим босқич бўлиб хизмат қилган эди.

XVII асрнинг энг йирик мутафаккирларидан яна бири франциялик Рене Декарт (1596—1650 йиллар) эди. Декарт икки хил субстанция: материя ва руҳ ўзаро ёнма-ён равишда мавжуд бўлиб, улар худога бўйсунадилар, деб тушунтиргани ҳолда дуалистик нуқтаи назарда турди. У чексиз ва абадий бўлган табиат инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади ва мавжуд деб ҳисоблайди. К. Маркс Декарт тўғрисида шундай деб ёзди: «Декарт ўз физикасида материяга мустақил ижодий куч беради ва механик ҳаракатга материя ҳаётининг кўриниши деб қарайди. У ўз физикасини ўз метафизикасидан бутунлай ажратиб қўя-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида, 51-бет.

ди. Унинг физикаси доирасида материя борлиқ ва билишнинг бирдан-бир субстанциясидан, бирдан-бир асосидан иборат»¹.

Декарт ўзининг «Усул ҳақида мулоҳазалар» номи асарда математика, механика ва геометрияга асосланиб, билишнинг дедуктив усулини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. У рационализмнинг асосчиси ҳисобланади. Унингча, бизнинг сезги аъзоларимиз олам ҳақида тўғри тасаввур бера олмайди, шунинг учун ҳам ҳамма нарсага шубҳа қилиш мумкин, бироқ менинг фикр қилаётганимга, шубҳа қилаётганимга шубҳа қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб, «Мен фикр қиляпман, демек мен мавжудман» деб хулоса чиқаради.

Декарт томонидан яратилган дедуктив усулнинг талаблари қуйидагилардан иборат: 1. Билиш аниқ, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада бўлиши керак; 2. Текшириладиган муаммоларни имкони борича майда қисмларга бўлиб ўрганиш лозим; 3. Фикр юритганда, энг олдин оддий нарсдан бошлаб, сўнг мураккабига ўтиш керак; 4. Билиш жараёнида тадқиқотни тўла олиб бориш керак; ҳеч нарсани қолдириш мумкин эмас. Декартнинг мулоҳазалари материалистик фикр ривожига катта роль ўйнайди.

Голландиялик **Бенедикт Спиноза** (1631—1677 йиллар) XVII аср материалистларининг кўзга кўринган вакилидир. Спиноза ўз фалсафасининг мазмуни ва қонун-қоидаларини геометрик аксиома ва теоремалар шаклида баён қилган. Унинг дунёқарошида субстанция ҳақидаги таълимот асосий ўрин эгаллайди. Субстанция, табиат битта бўлиб, у ўзининг атрибутлари, яъни ажралмас хусусиятлари орқали намоён бўлади. Субстанция модуслар (ўтқинчи нарсалар)га эга бўлиб, модуслар табиатнинг, субстанциянинг ҳолатини тавсифлайдиган, пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб кетадиган нарсаларнинг ҳосса ва хусусиятларидан иборат.

Спиноза материя ва онининг муносабатини таҳлил қилар экан, тафаккур бутун материянинг хусусияти, у материядан ташқарида унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшаш мумкин эмас дейди. Инсон олами фақатгина тафаккур орқали, ақл орқали билиш мумкин, деб ҳисоблайди у.

Спиноза диннинг вужудга келиш асосий сабабини одамларнинг недоғлиги деб ҳисоблар эди ва маърифат тарқалиши билан дин барҳам топади деб билди, диннинг гносеологик ва ижтимоий илдизларини тушуна олмади.

Спиноза барча ҳодисалар табиий сабабларга эга, деб ҳисоблаб, эркинлик — билиб олинган зарурат эканлигини бир неча бор айтган эди. Унинг фикрича, оламда тасодифий нарсалар йўқ, барча нарса ва ҳодисалар заруратдан келиб чиқади ва ривожланади, бошқасига айланади.

Спиноза фалсафаси метафизик усулга асосланган эди. Унингча, субстанция ҳаракат қилмайди ва ривожланмайди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида, 48-бет.

Жон Локк (1632—1704 йиллар) ҳам XVII аср материализмнинг йирик намояндalarидан биридир. У кишилар билимини асосий манбаи — тажрибадир, деб ҳисоблайди. Тажриба, уни фикрича, иккига бўлинади: ички ва ташқи тажриба. Ташқи тажриба ўз маъмунига кўра объектив хусусиятга эга бўлса, ички тажриба эса бизнинг руҳий кечинмаларимиздан иборат. Локи киши руҳий кечинмасини мустақил деб эълон қилади.

Локк 1690 йилда ёзган «Инсон ақли ҳақида тажриба» ном. асарида Декартга қарши чиқиб, ҳеч қандай тузма ғоялар йў деб ҳисоблайди. Унинг таълимотига кўра, билиш инсон бил табиат орасидаги муносабат жараёнидан иборат бўлиб, киши ғояларининг, тушунчаларининг моддий олам предметларига мослиши ҳақиқатдир.

Локк сифат бирламчи ва иккиламчи сифатларга бўлиша деб тушунтиради. Бирламчи сифатлар предметларнинг ҳажми, шакли, ҳолати, ҳаракати кабилардир. Ранг, ҳид, таъм кабил иккиламчи сифатлардир. У бирламчи сифатлар инсонга, уни хоҳишига боғлиқ эмас, иккиламчи сифатлар эса инсоннинг субъектив кечинмаларига боғлиқ, деб нотўғри фикр қилади.

1688—1689 йилларда содир бўлган буржуа инқилобидан кейин буржуазия синфи Англияда ҳукмрон синфга айланди. Бу ҳол мафкура соҳасида ҳам ўз аксини топди. Инглиз буржуазия инқилобга материализм байроғи остида кириб келган бўлса, XVII аср охириларидан бошлаб у идеализм тарафига ўта бошлади ва материализм ҳамда атеизмга қарши кураша бошлади. Худди шу шароитда идеалистлардан Беркли ва Юм тарих санасига чиқдилар.

Субъектив идеализмнинг йирик вакили **Жорж Беркли (1685—1753 йиллар)** Локкнинг иккиламчи сифатлар ҳақидаги таълимотидан ўзининг идеалистик қарашларини асослашда фойдаланди. У ўзининг «Киши билишининг асослари ҳақида рисола» асарида субъектив бирламчи деб ҳисоблаб, барча нарсалар онгнинг ҳолатидан, сезгилар мажмуидан иборат, деб таълим беради. Беркли материяни, объектив реалликни бутунлай тан олмас эди. У оламда «мен» ва менинг сезгиларимдан бошқа ҳеч нарса йўқ, оламдаги нарсалар менинг сезгиларимдагива мавжуд, агар мен сезмасам, уларнинг мавжудлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Субъектив идеализмнинг яна бир йирик вакили **Давид Юм (1711—1776 йиллар)** дир. У объектив реалликнинг мавжудлиги шубҳа билан қаровчи скептицизмнинг асосчиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Юм объектив реалликнинг мавжудлигига ва у билан мумкинлигига шубҳа билан қараган эди. Унинг нуқта назарича, дунё қонунлари субъектив хусусиятга эга бўлиб, билишнинг сезгиларимизга боғлиқ, сабабият ва зарурият сезгиларимизнинг тартибидан, кетма-кетлигидан бошқа ҳеч нарса эмас. Шундай қилиб, Юм скептицизми агностицизмнинг турларидан бири сифатида моддий дунё қонунларини билишни инкор қилади ва фан тараққиётини чеклашга ҳаракат қилади.

XVII аср материализмга уртага қўйган барча фалсафий фанлар XVIII аср француз материализми томонидан янада ривожландирилди. Ламметри (1709—1751 йиллар), Гельвиций (1715—1771 йиллар), Дидро (1713—1784 йиллар) ва Гольбах (1723—1784 йиллар) унинг йирик намойидалари эдилар.

Француз материалистлари ҳамма моддий жисмлар ўзгармайдиган ва бўлимайдиган атомлардан (Гольбах) ёки молекулалардан (Дидро) ташкил топган, деб ҳисоблайдилар. Кўрамизки, улар материя тушунчасини модда тушунчаси билан бирдай қилиб қўйдилар. Лекин уларнинг айримлари, масалан, Гольбах материяни объектив реаллик сифатида фалсафий изоҳлашга ҳаракат қилади.

Француз материалистларининг материя ҳақидаги фалсафий таълимоти ривожлантиришга қўшган ҳиссаси шу бўлдики, улар материяни ҳаракатсиз, ҳаракатни эса материясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобладилар. Уларнинг таълимотига кўра, ҳаракат материянинг мавжудлик усулидир, материя ҳаракатга абдий ва мутлақ. Француз материалистларининг материянинг ички фаоллиги ҳақидаги таълимоти XVII аср материалистларининг материя ва ҳаракат ҳақидаги қарашларига нисбатан олға қўйилган йирик қадам эди. Аммо улар ҳаракат шакллариининг турли-туман эканлигини ва сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини тушуна олмадилар. Улар ҳаракатни жисмларнинг фақат оддий ўрин алмашиши кўрinishида тасаввур қилиб, ҳаракатнинг сабабини ташқи таъсирлардан қидирган эдилар. Шу сабабли улар ҳаракатнинг фақат битта шакли — механик ҳаракатни тан олар эдилар.

Дунёни билиш масаласида француз материалистлари сенсуалист эдилар. Улар барча билимларнинг манбаини моддий предметларнинг сезги аъзоларига таъсири натижасида ҳосил бўладиган сезгилардан иборат, деб билдилар. Сезгисиз, ҳис қилишсиз билиш жараёни ҳосил бўлмайди, деб ҳисоблар эди Гольбах. Сезги, унинг фикрича, миёда содир бўладиган фарқ қилувчи ўзгаришлардир, оғг эса бу ўзгаришларни идрок қилишдир.

Инсон фикри ва ғояларининг манбаи ташқи дунё эканлиги нуқтаи назаридан туриб, француз материалистлари Декартнинг туғма ғоялар назариясини ҳар томонлама танқид қилдилар. Улар кишиларда ҳеч қандай туғма ғояларнинг бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай фикр ва ғоя ташқи дунёнинг инсон миёсига таъсирдан кейингина ҳосил бўлади, деб ҳисоблар эдилар.

Француз материалистлари ҳақиқат ва унинг мезони масаласи билан ҳам алоҳида шуғулланганлар. Ҳақиқат, уларнинг таълимотига кўра, фикрлар, ғояларимизнинг предметлар ва улар орасидаги боғланишларга доимий мос келишидан иборат. Улар ҳақиқатнинг мутлақ ва нисбий томонларини ҳисобга олмадилар.

Француз материалистлари табиат ва унинг ҳодисаларини фалсафий изоҳлашда материалист ва атеист бўлсалар-да, лекин жамиятнинг идеализм нуқтаи назарида тушунтирганлар. Улар инсонга табиий мавжудот сифатида қараб, дунёни ақл идора қила-

ди деб ҳисоблаб, жамият тараққиётида моддий ишлаб чиқариш усулининг ҳал қилувчи ўрнини тушуниб етмадилар.

Диннинг келиб чиқиши, унинг моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида эса улар кўпгина ижобий фикрларни илгари сурдилар. В. И. Ленин ўзининг «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» асарида уларнинг динга қарши очиқ, ҳужумкор, кескин курашга қаратилган атеизмнинг жанговар хусусиятини алоҳида таъкидлади.

XVII—XVIII асрлардаги мутафаккирлар фалсафа фани тараққиётига катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда баъзи бир католикларга ҳам йўл қўйдилар. Бу камчиликлар улар томондан яратилган материализмнинг метафизик, механик мушоҳадачиликка асосланганлигида ҳамда жамият тараққиётини идеализм нуқтаи назаридан туриб талқин қилганликларида яққол кўрилади.

4. НЕМИС КЛАССИК ФАЛСАФАСИ. ГЕГЕЛЬ ДИАЛЕКТИКАСИ ВА ФЕЙЕРБАХ МАТЕРИАЛИЗМИ

XVIII—XIX асрларда Германияда фалсафий фикрларнинг шаклланишида, бир томондан, 1789—1794 йиллардаги француз инқилоби ва унинг кишилик жамиятнинг доимо ўзгариб туриши ҳақидаги хулосаси катта аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчи томондан, ўша давр Германиясидаги ижтимоий ҳаёт ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Германия бу даврда инсбатан қолоқ мамлакат бўлиб, немис буржуазияси инқилобдан қўрқар, шу билан бирга капитализмнинг ривожланишидан манфаатдор эди. Немис буржуазиясининг бу иккиёқламалиги ўша давр фалсафасида ҳам ўз ифодасини топди.

Немис классик фалсафасининг асосчиси Иммануил Кант (1724—1804 йиллар) бўлиб, унинг қарашларида идеалистик ва материалистик таълимотлар биргаликда учрайди. Кант фалсафасининг хусусияти шундаки, у материализмни идеализм билан келиштиришдан ҳамда бир-биринга қарама-қарши бўлган фалсафий оқимларни бир системада бирга қўшишдан иборатдир. Унинг фалсафасини икки даврга — танқидий фалсафагача бўлган (XVIII асрнинг 70-йилларигача) давр ва танқидий фалсафа даврига бўлиш мумкин. Кант ўз фалсафасининг дастлабки даврларида асосан табиатшуносликнинг фалсафий масалалари билан шуғулланди. У 1785 йилда ёзган энг йирик асари «Бутун умумий табиий тарих ва осмон назарияси»да Қуёш системаси коинотдаги бошланғич катта туманликни айланма ҳаракат қилиши натижасида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Бу жараённинг сабаби «дастлабки туртки» эмас, балки ўзаро тортилиш ва итарилиш орасидаги зиддиятдир. Шу сабабли Қуёш системасидаги барча сайёралар, жумладан Ер ҳам, Кант таълимотига кўра, узоқ давом этган табиий-тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Кантнинг бу хулосаси унинг табиат ҳодисаларини диалектик тарзда тушунганлигидан далолат беради. Лекин у илмий материализм

листик қарапшларини дин билан боғлашни лозим топади. Унингча, табиат ҳодисаларининг маълум тартибга, муайян қонуниятга бўйсунishiда худонинг қаромати бор.

XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кант фаолиятининг иккинчи даври бошланади ва «Соф ақлни танқид» (1781), «Прологоменлар» (1783), «Муҳокама қобилиятини танқид» (1790) каби асарларида ўзининг трансцендентал ёки танқидий идеалпэм системасини асослайди. Бу асарларида у ўз эътиборини инсоннинг билиш қобилияти ва имкониятларини таҳлил қилишга қаратиб, объектив реалликнинг мавжудлигини эътироф этади ва уни «нарсалар ўзида» деб атади. Лекин унингча «нарсалар ўзида»ни билиш мумкин эмас.

Кант инсон билимини икки гуруҳга ажратади; 1) Тажриба асосида ҳосил бўладиган билимлар (апостериори); 2) Тажрибагача ёки унга боғлиқ бўлмаган билимлар (априори). Фазо, вақт, сабабият каби тушунчалар априор билимлар шакли бўлиб, булар тажриба натижасида ҳосил қилинадиган билимлардан устун туради. Тажрибавий билимлар алоҳида-алоҳида олинган бир-бири билан боғланмаган ҳодисаларни ифодаласа, тажрибагача бўлган априор билимлар эса ҳодисалар ўртасидаги умумий, сабабий ва зарурий боғланишларни, яъни қонуниятларни ифодалайди.

Дунё қонунларининг объектив хусусиятга эга эканлигини Кант мутлақо тан олмайди. Унинг фикрига кўра, кишиларнинг гидроки табиатга қонунлар ато қилади, шунинг учун ҳам инсон ақли табиатга мослашиши керак эмас, балки табиат инсон ақлига мослашиши лозим.

Кантнинг фалсафа тараққиётидаги хизматларидан бири шу бўлдики, у кейинчалик Гегель томонидан диалектикани яратишда асос бўлиб хизмат қилган антиномияларни кўрсатиб ўтди. Кант ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор берди. Унинг нуқтаи назарича, жамиятдаги ҳар бир кишининг хуқ-атвори, иродаси объектив реалликдан тамомила ажралган ва ўзгармасдир. Ахлоқнинг асоси эса кишилар онгидаги ўзгармас амр-фармондир. Кант буржуа ахлоқи қонун-қоидаларини мутлақлаштиради, уни ҳамма давр, синф ва ижтимоий гуруҳлар учун умумий деб эълон қилади.

Гегель (1770—1831 йиллар) фалсафаси XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошларидаги немис идеализмининг чўққиси ва ниҳоясидир. Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафасидаги икки томонни — диалектик усул ва метафизик-консерватив системани фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзида «рационал магизни» — тараққиёт тўғрисидаги таълимотни гавдалантирган фалсафа шакли бўлса, унинг догматик идеалистик системаси эса консерватив бўлиб, тараққиётнинг тўхтаб қолишини талаб этади ва шунинг натижасида диалектик усулга тубдап зиддир.

Фалсафанинг асосий масаласини Гегель объектив идеализм нуқтаи назарида гуриб ҳал қилади. У «олам ақли», «олам руҳи», «мутлақ ғоя» билан ифодаланган қандайдир руҳий ибтидо табиат

ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг асосидир, реал дунёдан, табиат ва жамиятдан илгари руҳий ибтидо — «мутлақ ғоя» — худо мавжуд бўлган, деб ҳисоблайди.

Гегель таълимоти бўйича мутлақ ғоя ўз тараққиётида уч бор қилини: тезис, антитезис, синтезга босиб ўтади. Тараққиётнинг бу диалектик ғояси унинг «Логика фани» (1812—1816 йй.) деган асарида аниқ ифодаланган. Логика Гегель системасида марказий ўринни эгаллайди ва у уч бўлимдан иборат: 1) Борлиқ тўғрисидаги таълимот; 2) Моҳият тўғрисидаги таълимот; 3) Тушунма тўғрисидаги таълимот.

Моҳият борлиқнинг қандайдир антитезиси, инкоридир. Моҳият категорияларининг ўз-ўзидан ҳаракати тушунча категориялари тараққиёти бутун жараёнининг янада чуқурроқ асосини, чинакам ибтидоий асосини аниқлаб беради. Шундай қилиб, тушунча борлиқ ва моҳиятнинг синтези сифатида, инкорни инкор сифатида содир бўлади, рўёбга чиқади.

Марксизм асосчилари Гегель таълимотининг синфий ва гносеологик томонларини очиб бериб, унинг зиддиятларини аниқладилар ва идеалистик диалектикасини тубдан қайта ишладилар. Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида шундай деб ёзган эди: «Гегелнинг улуғ хизмати шуки, у биринчи бўлиб, бутун табиий, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, қайтадан тузилиб, тараққий қилиб турадиган ҳолда кўрсатди ва бу ҳаракат билан тараққиётнинг ички боғланишини очиб беришга уринди»¹. Бу фикрни Энгельс «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» асарида ҳам таъкидлаган эди.

В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари», «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «Карл Маркс», «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» асарларида Гегель диалектикасига юксак баҳо бериб, уни систематик тарзда ўрганиш зарурлигини кўрсатган эди.

Немис классик фалсафасининг охириги вакили математик, фаласуф Людвиг Фейербах (1804—1872 йиллар) бўлди. Унинг тарихий хизмати фалсафани узоқ давом этган идеализм ботқоғидан қутқарганлиги, материализмни қайта тиклаганлигидадир.

Фейербах фалсафада антропологик йўналиш тарафдори эди. Унинг таъбирича, инсон табиатнинг бир қисми, унинг гултожиدير. Шунинг учун дунёдаги ҳамма нарса инсонга хизмат қилиши лозим. Фалсафанинг предмети— инсон ва унинг фаолиятидир. Дин инсонга унинг вафотидаш кейинги дунё ҳақида йўл кўрсатса, фалсафа унга шу дунёда қандай яшаш кераклигини кўрсатади.

Фейербах кўрсатадики, табиат фақат инсон орқали ўз-ўзини пайқайди ва ўзи тўғрисида фикрлайди. Тафаккурни борлиқдан, онгни материядан ажратиб қўювчи идеалистларни у кескин таъқид қилиб, тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласи, энг

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 30-бет.

яввало инсон масаласи эканлигини таъкидлайди, чунки англаш ва фикр қилиш инсоннинг хусусиятидир. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Фейербах нуқтаи назарича, инсон аниқ бир шароитга, ижтимоий-сиёсий муносабатларга боғлиқ эмас, у соф «биологик» инсондир.

Фейербах таълимотига кўра, фазо ва вақт материянинг борлиқ шакллари, атрибутидир, ҳаракат эса материянинг мавжудлик усулидир. Лекин у материя ҳаракатининг турли-туманлигини кўра олмади ва шу сабабли материянинг ҳаракати масаласида XVII—XVIII аср материалистлари тугган йўлдан борди. Фейербах материя ҳаракатининг сабаби ички қарама-қаршиликлар кураши эканлигини англай олмади.

Фейербах Гегелнинг идеалистик фалсафаси дин билан яқин алоқада, деб ҳисоблади. Шу туфайли, унинг фикрича, диндап қутулиш учун Гегелнинг идеализмидан мутлақо озод бўлиш лозим, чунки Гегелнинг «мутлақ ғоя»си диндаги худо тушунчаси билан бирдайдир. Унинг 1841 йилда ёзилган «Христианликнинг моҳияти» асари, Энгельснинг кўрсатишича, бир зарба билан Гегель фалсафасидаги қарама-қаршиликни ҳал қилди ва янгидан материализм галабасини эълон қилди. Бироқ Фейербах Гегель фалсафасини, унинг идеализмини танқид қилиш жараёнида ундаги рационал мағизни кўра олмади, яъни у Гегелнинг диалектик усулини, ундаги ўзаро боғланиш ва тараққиёт принципини унинг идеализми билан бирга рад этди.

Фейербах дунё ва унинг қонунларини билиш мумкинлигини инкор қилувчи Кант агностицизмининг танқид қилди. Фейербах учун «нарсга ўзида», яъни биздан ташқарида мавжуд бўлган дунёни тўла билиш мумкин, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. У моддий дунёда инсон томонидан ҳали билинмаган нарса ва ҳодисалар жуда кўп эканлигини таъкидлайди, лекин инсон уларни фақат ва амалётнинг тараққиётг давомида билиб олишга қодир, деб ҳисоблайди. Фейербах нуқтаи назарича, билиш назариясининг асоси объектив олами инсон ва унинг тафаккурдан ташқарида мустақил мавжуд эканлигини эътироф этиш, билиш жараёни моддий дунёнинг инсон онгида акс этишини тан олишдан иборат.

Фейербах материалистик сенсуализм фикрида туради. Лекин у сезгини ижтимоий амалий фаолият билан боғлай олмайди. «Мавҳум тафаккурдан,— деб кўрсатади К. Маркс,— порози Фейербах ҳиссий кузатишга мурожаат қилади, лекин у ҳиссий тажрибавий, инсон ҳиссий фаолияти каби тушунмади»¹. Бу ерда Фейербах материализмининг суст, кузатувчанлик хусусияти аниқ қилиб кўрсатилган.

Фейербахнинг асосий камчиликларидан бири — унинг ўз материализмини жамият соҳасига татбиқ қила олмаганлигидадир. У фақат табиат ҳодисаларини тушунтиришда, яъни «пастдан» материалист, жамият ҳодисаларини изоҳлашда, яъни «юқоридан»

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-жилд, 2-бет.

идеалист эди. Бундан ташқари, маълумки, Фейербах атеист эди. У «Худо одамларни эмас, балки одамлар худони яратган», деган фикрни билдирган эди. Лекин у динни бутунлай тугатмоқчи эмас, балки мавжуд диннинг ўрнига янги динни яратмоқчи бўлади.

Буюк немис классик фалсафасининг асосчилари Гегель ва Фейербах ўз ўтмишдошларига нисбатан диалектика ва материализмга оид бир неча янги фалсафий ғояларни ишлаб чиқиб, бу фанни янада юксак босқичга кўтардилар. Шунинг учун ҳам уларнинг таълимоғи фалсафанинг назарий манбаларидан бўлиб ҳисобланиши бежиз эмас, албатта.†

5. XIX АСР РУС ИНҚИЛОБИЙ-ДЕМОКРАТЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛИЗМИ ВА ДИАЛЕКТИКАСИ

Материализм ва диалектикани ижодий ривожлантириш ва бойитишда XIX асрда ижод қилган рус инқилобий-демократларидан В. Г. Белинский (1811—1848 йиллар), А. И. Герцен (1828—1889 йиллар), Н. Г. Чернишевский (1828—1880 йиллар), Н. А. Добролюбов (1836—1861 йиллар) ва бошқаларнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар XVIII аср буюк олим ва мутафаккирларидан ҳисобланган М. В. Ломоносов, А. И. Радищев ҳамда немис файласуфлари Гегель ва Фейербахнинг илмий-фалсафий меросларини атрофлича ўрганиб, янги фалсафий таълимот яратдилар. Аммо рус инқилобий-демократлари Ломоносов ва Радищевнинг, Гегель ва Фейербахнинг оддий издошлари эмас эди, чунки улар рус материалистик фалсафаси ва немис классик фалсафасининг фақат илғор томонларини олиб, камчиликларини қаттиқ танқид қилдилар.

Фалсафанинг асосий масаласини, яъни тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга бўлган муносабатини рус инқилобий-демократлари изчил материализм нуқтаи назарида туриб ҳал қилдилар. Улар онг юксак даражада ташкил топган материянинг маҳсули, шу туфайли у иккиламчидир, деб ҳисобладилар. Добролюбов дунёдаги барча жисмлар ҳаракат ва ривожланишда бўлган ягона материянинг турли-туман ҳолатларидан иборат; материя абадий, у ҳеч ким томонидан яратилмаган ва йўқолиб кетмайди, у фақат ўзининг шаклини ўзгартиради холос, дунёда материядан ажралган ҳеч қандай куч йўқ, деб таъкидлайди.

Рус инқилобий-демократларининг катта ютуғи шу бўлдики, улар табиат қонунларининг объектив хусусиятга эга эканлигини илмий асосладилар. Уларнинг фикрича, фақат табиатгина эмас, уни бошқариб боровчи қонунлар ҳам объектив мавжуддир. Чернишевский Кант ва унинг издошларининг қонунлар фақат бизнинг онгимизда мавжуддир, деган хулосасига қарши чиқиб, табиат қонунлари инсон ақлининг маҳсули эмас, улар онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, дейди. В. И. Ленин Чернишевскийнинг бу фикрини юқори баҳолади ва ундан

Ўзининг машҳур «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида махчиларни танқид қилишда фойдаланди.

Чернишевский идеализмни ҳар томонлама чуқур танқид қилди. Унингча, табиатдан гоёларни излаш самарасиздир, чунки у ҳар хил сифатга эга бўлган турли-туман материядагина ташкил топган. Инсон материя тараққиётининг умумий завожирида жойлашган. Тошдан ўсимликкача, дарахтдан ҳайвонот дунёсигача, жумладан инсон ҳам материянинг турли уйғун бирикмаларидир, деб таъкидлайди у. Герцен материя ва руҳ чамбарчас боғланган, шунинг учун уларни бир-биридан ажратишга ҳожат йўқ, деб кўрсатади.

Рус инқилобий-демократлари динга қарши кескин кураш олиб бордилар. Уларнинг таъкидлашича, дин халқ оммаси онгини заҳарловчи, ҳукмрон синф манфаатларига хизмат қилувчи воситадир. Дин кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлигидан келиб чиққан.

Рус инқилобий-демократлари дунёни билиш мумкин, деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, билиш жараёни ҳиссий ва маънавий жиҳатлардан ташкил топган. Материалистик билиш назарияси нуқтан назарида турган рус инқилобий-демократлари объектив дунёни билиш мумкинлигини тан олмайдиган скептик ва агностикларни қаттиқ танқид остига олдилар. Белпский скептицизм ва агностицизмни оғир ва хавфли касалга ўхшатиб, «фикрнинг паралич бўлиши» деб тавсифлайди. Чернишевский кантчиликнинг «нарсга ўзида»ни билиш мумкин эмас, деган даъволарига қарши курашди: В. И. Ленин агностицизмнинг Чернишевскийча танқид қилинишини ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида юксак баҳолайди, уни ҳатто Ф. Энгельс билан барабар қўяди.

Рус инқилобий-демократлари курашчан материалист бўлиш билан бир қаторда, диалектика масалалари бўйича ҳам бир қатор чуқур фикрлар билдирганлар. Улар Гегель диалектикасини юқори баҳолаш билан бир қаторда, унинг таълимотидаги камчиликларни кенг ва атрофлича очиб ташладилар.

Инқилобий-демократлар метафизикага қарама-қарши ўлароқ, табиат ва ижтимоий ҳаётнинг доимо ривожланишида ва ўзгаришида, деб ҳисобладилар. Ҳаёт, Белпскийнинг кўрсатишича, бетиним ҳаракат қилувчи ривожланишидир. «Яшаш — олға қараб ривожланишидир», деган қоидага асосланган инқилобий-демократлар Гегелнинг «доира бўйлаб тараққиёт» таълимотига қарши чиқдилар.

Ҳаракат ва ривожланишнинг сабабини рус инқилобий-демократлари нарсга ва ҳодисаларнинг ўзидан қидирдилар. Уларнинг таъкидлашича, ривожланишнинг манбаи ички қарама-қаршиликлар курашидир.

Рус инқилобий-демократлари фалсафа тарихида биринчи бўлиб фалсафий таълимотларнинг синфлар ва сиёсий партиялар кураши билан суғорилганлигини кўрсатдилар. Улар сиёсий ва фалсафий назариялар ҳар доми ҳам юз бераётган ҳодисалар таъсирида бўлишини, булар эса ҳаёт ҳодисалари юз беришини тез-

лаштиришга ёки секинлаштиришга қаратилганлигини таъкидлашди.

Маркс ва Энгельс Россиядаги сиёсий воқеаларни диққат билан кузатиб борар эканлар, рус инқилобий-демократлари, хусусан Чернишевский ва Добролюбов асарларини қизиқиб ўрганишди. Уларнинг инқилобий, фалсафий ва адабий-танқидий фаоллигига юқори баҳо бердилар. В. И. Ленин Герценнинг Гегелдан ўзиб, диалектик материализмга жуда яқин келиб, тарихий материализм остипасида тўхтаб қолганлигини алоҳида таъкидлайди. Ленин шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, рус инқилобий-демократлари материализмни ижтимоий ҳодисаларга тўла татбиқ қила олмаганликлари сабабли баъзи бир муаммоларни ҳал қилишда материализмдан четга чиқдилар.

Рус инқилобий-демократларининг фалсафа тарихида тутган ўрни шундаки, улар дунё ҳодисаларини тушуниришда XVIII аср материалистларига нисбатан бир қадам олдинда эдилар. Шунингдек уларнинг фалсафаси олдинги материалистик таълимотлардан фарқли ўлароқ, жамият аъзоларини ҳаракатга, дунёни ўзгартиришга ундайдиган таълимот эди. Рус инқилобий-демократлари ўз таълимотларини мамлакатни инқилобий тарзда ўзгартиришга, деҳқонлар демократик инқилобига оғли равишда бағишладилар.

6. УРТА ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ

Шаҳон фани ва маданиятнинг ижтимоий-фалсафий ривожланиши ва гуллаб-яшнашида дунёдаги бошқа халқлар сингари Урта Осиё халқларининг, жумладан Ўзбекистон халқларининг ҳам беқийс улушлари борки, буни тарих ва бутун дунё биледи ва эътироф этади. Илм-фан, техника, адабиёт, санъат ва маданият алоҳида бир халқ, миллат ва элатнинг эмас, балки турли тарихий шароитларда яшаган ва яшаб келаётган барча халқларининг, умуминсониятнинг маънавий бойлиги, ақл-идроки ва тафаккури меваси, битмас-туганмас хазинасидир.

Бой қадимий тарихга эга бўлган Урта Осиё халқлари ва уларнинг сафидан етишиб чиққан зукко олимлар, тарихчи ва файласуфлар, шоир ва ёзувчилар бир вақтлар Муса ал-Хоразмий ва Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Улугбек ва Қозизода Румий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Қутб Хоразмий ва Лутфий, Дурбек ва Саккокий томонидан илм-фан ва маданиятни, илғор ижтимоий-фалсафий фикрларни ривожлантириш соҳасида бошлаб берилган буюк анъаналарни кейинги асрларда ҳам давом эттирди ва муносиб равишда ривожлантирди. XVII—XVIII асрларда ва ундан кейинги даврларда бу жараён гарчи ўта қийинчиликлар ва зиддиятлар асосида бўлса-да, ривожланишда давом этди. Бу даврларда ўлкамизда шоир ва ёзувчиларнинг, тарихчи ва файласуфларнинг буюк намоёндалари етишиб чиқди, янги илғор ғоялар илгар

сурилди. Ҳозирга қадар ҳам ўзининг қимматини йўқотмаган, материалининг бойлиги, ахлоқий, таълим-тарбиявий аҳамиятининг кучлилиги, нафислиги билан кишини чуқур ўйга солувчи ва унда катта завқ уйғотувчи ғазаллар, рубойлар, ҳикоялар, тарихий асарлар шу даврнинг маҳсулидир. Бу даврдаги илғор ижтимоий-фалсафий фикр Машраб, Махмур, Гулханий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат сингари ажойиб инсонлар номлари билан боғлиқдир.

Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб (1640—1711 йиллар) ана шу тарихий шароитда яшади ва ижод қилди. У шайх ва муллаларнинг фирибгарликларини фош қилган, истибод ва золимларни қоралаган исёнкор шоир эди. Шунинг учун ҳам руҳонийлар Машрабдан ўч оладилар. Балх ҳокими Маҳмуд Қатогон амри ва руҳонийлар фатвоси билан Машраб дорга осилади. Машраб ўз дунёқарашининг асосларида «Мабдаи нур» номи шеърини асарида ифода қилади. Дилда дардинг бўлмаса, дард дафтаринини ковлама, деган эди Машраб. Шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг катта фожиаси бўлди.

Туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули (тахаллуси Фирогий, 1733—1793 йиллар) ўз асарларида тенгсизликни, адолатсизликни, туркман халқининг маънавий қийфасини, фикр-туйғуларини, орзу-истакларини, умидларини ифода қилади. У рўй бераётган ҳар бир воқеага, сиёсий, иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлган масалаларга халқ томонидан туриб баҳо берди ва уларни асарларида бадий акс эттирди. Айли вақтда иқтисодий тушқунлик, моддий қолоқлик, туркманларнинг уруғ-қабилла, тоифаларга бўлиниши, уруғлар ўртасидаги адоватлар уларнинг аҳил бўлиб яшаши учун имкон бермаслигини тўғри, ҳаққоний кўрсатиб берди. Махтумқули ўзининг кўпгина шеърларида туркманларни ўзаро бирлашишга чақирди. Унинг:

Така, ёвмут, гўкланг, язир, алили —
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз¹,

каби мисраларни бунга мисол бўлади.

Шоирнинг «Кўрганинг», «Сўнгги доғ», «Гўклан», «Эл кўзлар», «Туркман биноси», «Илк замонлар», «Билинмас» каби қатор шеърлари унинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатидан далолат беради:

Ватанимда хон эдим
Хонларга фармон эдим.
Дардларга дармон эдим,
Мискинга макон эдим,
Жонсизларга жон эдим,
Найлай, энди бечораман².

¹ Махтумқули. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1958, 18-бет.

² Уша асар, 296-бет.

Махтумқули дунё абадий бўлиб, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини, у доимий равишда ривожланиб, ўзгариб турса-да, ammo тараққиёт ҳеч қачон тўхтамаслигини йирик файласуф олим сифатида ўз шеърларида чуқур баён этади. Масалан, унинг «Фигон тўхтамас» шеърида айтган қуйидаги фикрлари бундан дарак беради,

Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар,
Булбул сендан кетар, фигон тўхтамас,
Туманли, ёмғирли, оқ қорли тоғлар
Селлар сендан кетар, туман тўхтамас.

Одам яратилмиш баландли-пастли,
Ақлли, фикрли, онгли ва эсли,
Йигитлик умрда худди ёз фасли,
Баҳор сендан кетар, замон тўхтамас...¹

Ўтмишдаги бошқа мутафаккирлар каби Махтумқули ҳам ўз даврининг фарзандидир. У жамиятнинг тараққиёт қонунларини илмий равишда тушуниб етмади, бу ҳали мумкин ҳам эмас эди. Шунга қарамасдан у ўз халқининг фожиали аҳволда яшаётганлигини кўриб қайғу-алам чекди, унинг порлоқ истиқболи ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини асарларида атрофлича ифодалади.

Махтумқулининг адабий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий мероси нафақат Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг, балки умумбашириятнинг ҳам бебаҳо маънавий хазинасидир. Чунки унда ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган ва юксак даражада эъзозланган.

Ўзбек халқининг истеъдодли демократ шоири Махмур (XVIII аср охири — 1844 йиллар) ўзининг сатирик асарларида феодал тузумнинг адолатсизлигидан халқ оммасининг бутунлай норозилигини куйлади, зодагонларнинг иллатларини ва очкўзлигини фожия этди. У феодализм даврида халқнинг гоёта аянчли турмушини, мамлакатдаги вайронгарчиликни, кучайиб бораётган ижтимоий тенгсизликни, хусусан ўз оиласининг оч-яланғочлигини, болаларининг ҳатто баъзан ейишга нони йўқлигини алам билан ёзади. У ўзининг ночор аҳволи ҳақида шундай деб ёзган эди:

Кечалар ётгани на қўшим бор,
Кундузи ичгани на нўшим бор,
Бир ҳовуч на уйимда ғаллам бор,
Икки газ на бошимда саллам бор...

Махмурнинг «Хапалак» номли машҳур шеърида хон-амирлар зулми остида харобага айланган Ўзбекистон қишлоқларининг типик манзараси акс эттирилган. Унда Фарғона водийсидаги хароб қишлоқлардан бири шундай тасвирланади:

¹ Ўша асар, 296-бет.

Бору йўқ уйларини банда баён гар қилсам,
Бир катак, икки қапа, уч олачук, тўрт каталак...
Халқини кўрсанг агар, ўласию, қоқу, хароб
Очлигидин эгилиб қомати мисли камалак.
Ажиринг томири ўғурда майда туюб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Шоир замонасини қоралаб, зулмга нисбатан кескин норозилик билдирса-да, мавжуд ҳукмрон тузумни ағдариб ташлаш ҳақидаги фикрларни ўз асарларида ифодаламади.

Ўзбек масалнавис шоири ҳисобланган Муҳаммад Шариф Гулханий (XVIII аср охири — XIX аср боши) ўзининг машҳур «Зарбулмасал» («Япалоққуш ҳикояси») насрий асарида Мовароуннаҳр Қўқон холиғининг бебошликлари туфайли вайронага айланганини, ҳукмрон синфлар зулми ҳаддан ошганини, халқ оммаси турмушининг чидаб бўлмас даражада оғир эканини қушларнинг тилидан аллегорик усул билан моҳирона акс эттиради. Гулханий қушларнинг бир-бирига қуда бўлиш, тўй ҳозирлигини кўриш можароларини акс эттириш жараёнида ўша давр ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини асарда тасвирлай олди. Шунингдек, зодагонларнинг хасис, нодон ва халққа нисбатан шафқатсизлигини дадиллик билан кўрсатди.

Аҳмад Дониш (1827—1897 йиллар) «Наводирул вақое» («Подир воқеалар») номли машҳур тарихий, илмий-фалсафий асарида оламнинг абадийлиги, Ернинг юмалоқ шарлиги, сайёраларнинг ҳаракат қилиб туриши, Қуёш ва ой тугилишини олдиндан айтиб бериш мумкинлиги тўғрисида гапирган. «Ер қимирлаши сабабиз бўлмайди, — дейди у, — бунинг сабаби эса ҳароратлик, унинг Ер марказидан юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи жойлари бўшашиб кетгавлигидир... Ер остида тикилиб-сиккилиб ётган бугларнинг кучли ҳаракатларидан ўша ерда zilzila пайдо бўлади. Бундан тоғ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб, сув булоқлари оқади; ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда унда қаттиқ садолари товуш чиқади. Тоғ тепаликларининг оралари ажралиб, улардан унғур, тешиклар пайдо бўлади»¹.

Мутафаккир ер ости маъданларининг ҳосил бўлиши ҳақида фикр юритиб, тоғлардаги ҳамма маъданлар Ер марказида кам олган иссиқ бугдан пайдо бўлади, деб таъкидлайди. Шунингдек ой ва Қуёшнинг тугилиш сабабларини ҳам табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини айтиб ўтади. Агар биз билишга интиласак, — дейди бу ҳақда А. Дониш, — ой ва Қуёшнинг тугилиши биз учун билиб бўладиган, тушуниладиган нарсага айланади.

Аҳмад Донишнинг илгор фикрлари унинг замондоши Муҳаммад Амин Мирзахўжа ўғли Муқимий (1851—1903 йиллар)нинг фикрларига ҳамоҳангдир. Муқимийнинг энг катта хизмати ва жасорати шундаки, у халқни эзиб келаётган бойларни, судхўр-

¹ Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964, 101-бет.

ларни, мустамлакачи амалдорларни, заводчи ва фабрикантларни, дин арбоблари — «авлиё»ларнинг алдамчилиги, қаллоблиги ва фирибгарлигини дадиллик билан фош этган, ҳақиқатни айтишдан тап тортмаган, халқни деб халқ билан бирга яшаган. Бунга унинг, гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин, деган сўзи мисол бўлади.

Муқимий «Танобчилар», «Саёҳатнома», «Вексиль», «Баччагар», «Чойфуруш», «Туй», «Додхоҳим», «Бормикки» каби ўнлаб асарларининг ҳар бирида халқ манфаатини астойдил туриб ҳимоя қилади, феодал тузум иллатларини, ҳукмрон синфлар кирдикорларини очиб ташлайди, келажакка умид билан қарайди. Унинг, келар охир сенинг ҳам йўқлагудек бир замон яхши, деган яхши умид ва ишонч билан тўлган фикри ҳануз халқ ўртасида машҳурдир.

Ўзбек халқи ва бошқа қардош халқлар ижтимоий-фалсафий фикрларининг ривожланишида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858—1909 йиллар)нинг роли ва аҳамияти бошқа мутафаккирларникидан асло кам эмас. Унинг асарларида илгар сурилган илғор ғоялар, фикрлар шу қадар кўп ва хилма-хилки, уларнинг ҳаммасини бирма-бир кўрсатишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ватанини севиш, унинг ўтмиш тарихи ва маданиятини, тили, адабиёти ва санъатини ҳурматлаш, уларни катта ҳурмат билан ўрганиш ҳақида Фурқат шу қадар бебаҳо фикрлар айганки, унинг бу фикрлари ҳамон эъзозланмоқда. Фурқат оддий меҳнаткаш халқни, моддий ва маънавий бойликлар пждокорларини дил-дилидан севади, улар учун ачинган ажойиб инсонпарвар шоирдир. Фурқат чор амалдорлари, маҳаллий бойлар ва руҳонийларнинг манфаатпарастликлари, халққа ўтказаетган зулм-ситамларини ўзининг ўтли сатирик асарларида чуқур очиб ташлайди. Бунга унинг «Туф» шеърини мисол қилиб келтириш мумкин. Шеърда у егим-есирлар ҳақини еб, камбағалларни қон-қақшатиб даври даврон сурган Қўқон баёнларини, Захаров ва Морозов сингари фабрикантларни лаънатлайди:

Фурқато, бойларга туф деб қанча ёзсанг, шунча оз,
Рост эрур бу сўзларим, биллоҳки, ёлғонларга туф!

Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд» деб бошланадиган шеърини ўша даврдаги ҳақсизликларни, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликларни, синфий-сиёсий зулмларни бадий тасвирлаш ва рўй-рост фош этишнинг ажойиб намунасидир. «Илм ҳосияти», «Суворов», «Рус аскарлари таърифида» деган шеърларида эса у илғор рус фани ва маданияти, халқлар дўстлигининг тарғиботчиси сифатида гавдаланади.

Қозоқ адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир Абай (Иброҳим) Қўнонбоев (1845—1904 йиллар) Семипалатинск шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олиб юрган кезларида Навоий, Саъдий, Фирдавсий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз каби Шарқ классиклари асарларини севиб ўрганди. Семипалатинска сурғун

қилинган рус демократлари билан танишади. Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Салтиков-Шчедрин, Толстой, Пушкин, Лермонтов, Кривов асарларини мутолаа қилади ва улардан айримларини қозоқчага ўгиради. Суқрот, Аристотель, Флоробий, Гегель фалсафасидан, Байрон, Гёте ва бошқа мутафаккирларнинг ижодидан ҳам баҳраманд бўлади. Буларнинг ҳаммаси унинг билим савиясининг ўсиб, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларининг шаклланиб ва ривожланиб боришида катта таъсир кўрсатади.

Абай ўзининг шеърлари, ўланлари, поэмаларида халқни илмлаштиришга, инсонийликка, меҳнатни севишга, касб-ҳунарни эгаллашга даъват этади. Унинг «Йигитлар, ўйин арзон, кулги қиммат», «Қиз сўзи», «Илм топмай мақтанма», «Оч киши тинчланарми, тўймагунча» каби лирик шеърлари шулар жумласидандир. У ўзининг 45 та катта-кичик ҳикоячалардан ташкил топган «Насихатларида дунёда инсон инсонни севмасдан, дўст орттирмасдан яшай олмайди, деб таъкидлайди. «Ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири— дўст-ёр орттирмоқликдир. Дўст ўзгаларга яхши муносабатда бўлсанг ва қўлингдан келганча яхшилик қилсанг, меҳр-оқибат кўрсатсанг ортади ва кўпаяди, сен кимга дўстлик қилсанг, у ҳам сенга дўстлик қилади: сенга нисбатан ишончи, меҳр-муҳаббати ошади. Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма ҳамда ўзгалар ичида ўзингга оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама»¹.

Абай ўз асарларида инсон шаънига тўғри келмайдиган, одамни ерга урадиган хислатларни — дилозорлик, подонлик, журъатсизлик, танбалликни кескин фош этади. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди: «Одамзодни хор қиладиган учта нарса бор. Шундан аҳтиёт бўлмоқ керак. Биринчиси — подонлик, иккинчиси — эринчоқлик ва учинчиси — золимликдир. Подонлик — билимсизлик ва дунёдан хабари йўқликдир. Билимсизлик эса — ваҳшийликдир. Эринчоқлик — дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқади. Золимлик — бу инсонликнинг душманидир. Одам золим бўлди — у одамгарчиликдан айрилади, инсонлик қиёфасини йўқотади ва йиртқич ҳайвондан фарқи қолмайди»².

Абай оташин ватанпарвар шоир эди. У «Менинг элим — қозоғим», «Бойлар юрар молин ардоқлаб», «Адашганинг олди йўл» каби шеърларида уруғлар ўртасидаги ўзаро жанжаллардан юрт вайрон, халқ хор-зор бўлганлигини ачинаиб, қуйиб-ёниб тасвирлайди. Шоир ўзининг «Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим» шеърида ноаҳиллик қандай фалокатларга олиб келганлигини моҳирона тасвирлаб, қозоқ уруғларини бирлашишга чақиради, уруғлар ўртасидаги келишмовчиликларни тугатишга ундайди:

¹ Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар. Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1961, 196-бет.

² Уша асар, 197-бет.

Оталарга ўхшамай қолди, турқинг,
Еспирай мунча кетди, элим, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
Қани йиғган давлатинг, боққан йилқинг?...

Элат билан элат ёв бийлик учун,
Ога билан ини ёв сийлик учун,
Ўзоғим ўз-ўзингни ўйламасанг,
Бадбахт кунга қолмасми тақдир бутун?¹

Убайдулла Завқий (1853—1921 йиллар) ҳам ўзининг «Абду-
дурахмон шайтон», «Воқеаи Виктор», «Гудаслик бой ҳақи-
да, «Обид мингбоши ҳақида ҳажв», «Шоҳ Иноят қўрбоши
ҳақида ҳажв» ва бошқа асарларида меҳнаткашлар оммасининг
манфаатини биринчи ўринга қўйиб, уларнинг жабр-зулм, ҳақ-
сизликда яшашини акс эттиради. Жумладан, «Мунча кўп» шеъ-
рида меҳнаткаш омманинг оғир аҳволини қуйидаги мисраларда
моҳирлик билан тасвирлайди:

Қишлоқ эли шафтоли қоқи — пон тополмагай,
Қийган либосини тортса, (белини) ёполмагай,
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмагай,
Қўрдик бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Аваз Ўтар (1884—1919 йиллар) донишманд одам сифатида
халқ ўртасида маълум ва машҳурдир. У ўзи яшаган даврнинг
иллат ва маразларини халқчил шоир сифатида фош қилади. Чу-
нончи, шоир хонавайрон бўлган халқ номидан бундай дейди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.

Аваз Ўтар маърифатпарвар, инсонпарвар, демократ шоир си-
фатида халқ оммасининг бахтиёр кунларга етишини орау қи-
лади:

Бор умидим тезда бўлғуси ҳуррият куни,
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.

XVIII аср охири — XIX аср бошларидаги илғор ижтимоий-
фалсафий фикр олами билиш мумкинлигини тарғиб қилиб, та-
бий илмларни ривожлантиришга уринди, шунингдек меҳнаткаш
халқ турмушининг ночорлигини очиқ-ойдин баён этди. Ўлкамиз-
да яшаб ижод этган мутафаккирларнинг асарларида, халқ оғза-
ки ижодиётида, мақолларда, достонларда чуқур баён этилган
сиёсий, ахлоқий, бадий фикрлар халқларимизнинг асрлар оша
яратилган маданий меросининг ажралмас қисми сифатида беба-
ҳодир. Шунингдек улар катта илмий, тарбиявий аҳамиятга эга.

¹ Ўша асар, 33—34-бетлар.

III Б О Б. МАРКСЧА ФАЛСАФАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. МАРКСЧА ФАЛСАФА ПАЙДО БУЛИШИДАГИ ТАРИХИЯ ШАРОИТЛАР, УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, НАЗАРИЙ ВА ТАБИИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Марксча фалсафанинг вужудга келиши XIX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. У немис халқининг буюк фарзандлари, ишчилар синфийнинг дохийлари Карл Маркс (1818—1883 йиллар) ва Фридрих Энгельс (1820—1895 йиллар) томонидан яратилди. Марксизм ўзининг мазмуни ҳамда манбалари жиҳатидан чуқур байналмилал таълимотдир.

Марксизмнинг Германияда вужудга келиши тасодифий ҳодиса эмас. Германия буржуа тараққиёти йўлига Англия, Франция ва бошқа мамлакатлардан кейинроқ ўтгани учун иқтисодий жадал суръатлар билан ривожланиши керак эди. Бироқ мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги, дворянлар манфаатдор бўлган ўрта аср тартиблари, такаббур бюрократия ва поплар капиталистик муносабатларнинг ривожланишини кншанладилар ва буржуазия прозялигига сабаб бўлдилар.

Буржуазия эса баъзи демократик эркинликларни амалга ошириш талабгори эди, лекин дадил иш кўра олмасди. Немис буржуазиясини инқилобий ҳаракатлар чўчитарди. У тинч йўл билан феодал монархиясининг буржуа монархиясига айланишини ҳамма немис ерларининг Пруссия ва Австрия тожи атрофида бирлашишини орау қилар эди. Шундай қилиб, Германиянинг ўзига хос шароитлари туфайли немис буржуазияси ўзининг инқилобий йўли билан ажралмас эди.

Немис буржуазиясининг феодал кучлар билан келишишга иштилоши туфайли пролетариат ўзининг кам сонлиги ва уюшқоқлигининг бўшлигига қарамасдан буржуа-демократик ўзгаришлар учун дадил курашиши керак эди. Бу вазият немис пролетариатини халқаро ишчилар ҳаракатининг биринчи қаторига чиқарди, Германияни эса марксизмнинг ватани бўлишига олиб келди.

Марксизмнинг вужудга келиши муайян ижтимоий-иқтисодий, пазарий ва табиий-илмий заминларга боғлиқ эди. Унинг ижтимоий-иқтисодий замини капитализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятларидир. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Англия, Франция ва бошқа давлатларда феодализм емирилди. Капитализмнинг барпо бўлиши фан ва техниканинг, ишлаб чиқаришнинг юксалишига сабаб бўлди. Шунингдек капитализм иқтисодий танглик, ишсизлик, урушлар, қашшоқлик каби ижтимоий ҳодисаларни ҳам ўзи билан бирга олиб келди. Шу билан бирга у капиталистик тузумни йўқотишга ва социалистик ўзгаришларни амалга оширишга даъват этувчи инқилобий синфни ҳам вужудга келтирди. Бундай синф — пролетариатдир.

Капитализмнинг ривожланиб бориши билан пролетариат ҳам ёлланма қулчиликка қарши ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда мустақил куч сифатида фаол чиқа бошлади: 1831—1834 йилларда Лионда (Франция) кўзғолон бўлди; 1839—1843 йилларда Англиядаги чартистлар ҳаракати, 1843 йилда Богемия, 1844 йилда Силезия (Германия) тўқувчилари кўзғолон кўтардилар. Бу ўша давр пролетариатининг синфий жангларида, тарих саҳнасида капитализмнинг гўркови бўлишга қодир янги кучнинг чиққанидан дарак берарди.

Бироқ ишчиларнинг кураши тартибсиз, режасиз эди. Улар ҳали курашишлари керак бўлган мақсадларини аниқ тасаввур қила олмас, синфий душманлар билан курашиш йўллари, воситаларини билмас эдилар. Бундай шароитда пролетариатга ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш ва уни инқилобий ўзгартириш имкониятини берувчи илмий назария зарурияти пайдо бўлди.

Маркс ва Энгельс ўзларига қадар бўлган мутафаккирларнинг асарларини ҳар томонлама чуқур ўргандилар. Улар ўзларининг фалсафасини яратишда инсониятнинг бир неча минг йиллик илмий билим хазинасидан, жумладан немис классик фалсафасидан, яъни Гегель диалектикаси ва Фейербах материализмидан фойдаландилар. Маълумки, Гегель метафизик усулнинг узоқ давом этган ҳукмронлигидан кейин биринчи бўлиб умумий тараққиёт ҳақидаги фикрни илгари сурди. Бироқ унинг ўзи томонидан бу буюк ғоя бузилади, чунки у ривожланишни фақат «мутлақ ғоя» га, бошқача айтганда, худого боғлаб қўяди. Гегель диалектиканинг асосий қонунларини ифодалаб берди. У ривожланиш бекиндонра ичиди амалга ошмасдан, балки илгарилаб, қуйи шакллардан юқориларига борадиган, бунинг оқибатида миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтиш содир бўлишини, тараққиёт манбаи эвдийлар эканлигини кўрсатиб берди. Гегель диалектиканинг асосий тушунчалари бўлган категорияларга таъриф берди, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига ўтиб туришини кўрсатиб берди. Маркс ва Энгельс илмий материалистик таълимотни яратишда Гегелнинг ана шу қимматли фикрларини ўргандилар ва ундан танқидий равишда фойдаландилар.

Маркс ва Энгельс дунёқарашининг шаклланишида Фейербах материализми ҳам катта ўрин тутарди. Фейербах фалсафасидаги материалистик ғоялар Маркс ва Энгельсга Гегель идеализмидан қутиллишга ҳамда улар томонидан диалектик-материалистик таълимотнинг яратилишига ёрдам берди.

Марксизмни танқид қилувчилар диалектик материализм гўё Гегель диалектикаси ва Фейербах материализмининг қайтарилиши холос, унда ҳеч қандай янгилик йўқ, деб уқтирадилар. Бундай қараш тарафдорларига жавобан Маркс шундай деб ёзган эди: «Менинг диалектик усулим ўзининг моҳияти жиҳатидан Гегелнинг диалектик усулидан фарқ қилибгина қолмай, балки унга бугундай қарама-қаршидир. Гегель ғоя номи остида ҳатто мустақил субъектга айлантирган тафаккур жараёни, унинг фик-

рича, воқеликнинг демпурги (яратувчиси) дир, воқелик эса унинг ташқи кўривишидир, холос. Менинг фикримча эса, аксинча, гоё кишининг миясига кўчиб, унда бошқа шаклга кирган моддийликдан бошқа нарса эмас»¹.

Худди шунингдек, Маркс томонидан яратилган материализм Фейербах материализмидан тубдан фарқ қилади. Агар Фейербах буржуа метафизик материализмининг намояндаси бўлса, Маркс диалектик материализмининг яратувчисидир. Маркс фалсафий материализмни чуқурлаштириб ва ривожлантириб, уни кишилик жамиятини билишга татбиқ этди. Унинг материалистик таълимоти илмий Фикрнинг буюк ютуғи бўлди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, тарихий материализм яратилишигача тарихга ва сиёсатга қарашларда чалкашлик ва бошбошдоқлик ҳукм сураб эди, ондилликда бу соҳада гоёт мукамал ва мунтазам илмий назария, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши орқасида бир хил ижтимоий ҳаёт укладидан бошқа хил уклад, аввалгисидан юқорироқ уклад ривожланиб чиқишини, чушончи, крепостнойликдан капитализм ўсиб чиқишини кўрсатадиган илмий назария вужудга келди.

Маълумки, XVIII аср охиригача табиатшунослик йиғувчи фан бўлиб, унда метафизик усул ҳукмрон эди. Табиатни қотиб қолган, ўзгармайдиган нарсаларнинг йиғиндиси деб қаровчи бу усул дунёнинг моддий бирлиги, ноорганик табиатдан органик табиатга ўтиш ва уларнинг қонуний боғлиқлиги, онгнинг келиб чиқиши ва бошқа илмий дунёқараш учун аҳамиятли бўлган саволларни қониқарли тушултириб бера олмас эди. XVIII аср охирилари ва XIX аср бошларидан бошлаб табиатшуносликда катта ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бунда айниқса уч буюк кашфиёт: ҳужайра назарияси, энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчисига ўтиш қонуни ва Дарвиннинг эволюцион назарияси алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Рус ботаниги Г. Ф. Горянинов, чех олими Я. Пуркинъе ва немис табиатшунослари Т. Шван ва М. Шлейден ишлари асосида ҳужайра назарияси яратилди. Унга бивоан, ҳайвон ва ўсимликларнинг тузилиши ҳамда ривожланишининг асосида ҳужайра ётади. Ҳужайра назариясининг яратилиши билан ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бирлиги ва тараққиёти асослаб берилди ва оламга диний қарашларга зарба берилди.

1748 йилда рус олими М. В. Ломоносов модда ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини, XIX асрнинг 40-йиллари бошида эса инглиз физиги Д. Жоуль ва немис врач Р. Мейер бир-бирдан мустақил равишда тажриба йўли билан энергияни йўқ қилиб бўлмаслигини исботладилар. Бу илмий кашфиётлар материя ҳаракати ҳамма шакллариининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини ва уларнинг бир-бирига ўтиб туришини тушултирар эди.

1859 йилда инглиз олими Ч. Дарвин ўзининг «Турларнинг келиб чиқиши» асарида ҳозир ерда мавжуд бўлган жонли олам-

¹ К. Маркс. Кавитат, 1-жилд, 21-бет.

нинг табиий тапланиш асосида узоқ, қолувий ривожланиш меваси эканлигини рад қилиб бўлмайдиган даражада исбот қилиб берди. Дарвиннинг эволюцион назарияси авваллари ҳукмрон бўлган ҳамма тирик нарсалар худо томонидан яратилган ва ўша даврдан бошлаб ўзгармасдир, деган қарашларга кескин зарба бўлди.

Ф. Энгельс бу кашфлётларнинг тарихий аҳамиятига баҳо бериб шундай деган эди: «Эндиликда биз, мава шу уч буюк кашфиёт туфайли ва табиатшуносликнинг бошқа жуда катта муваффақиятлари натижасида табиатнинг айрим соҳаларидаги табиат жараёнлари ўртасида бўлган боғланишларнигина эмас, балки шу билан бирга, умуман мазкур айрим соҳалар ўртасида мавжуд бўлган боғланишни ҳам тоғиб однимиз мумкин, Шундай қилиб, эмпирик табиатшуносликнинг ўзи берган далиллар ёрдами билан бирмунча системалар шаклда табиатнинг умумий манзарасини кўрсатиб бериш — табиатни боғланган ва яхлит бир бутун нарса деб тасвир этиш мумкин»¹.

2. МАТЕРИАЛИСТИК СОЦИАЛ ФАЛСАФА АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Марксча фалсафанинг пужудга келиши ҳақида гапирганда Маркс ва Энгельснинг материалистик қарашлари уларнинг меҳнаткаш омманинг ижтимоий-сиёсий курашларида бевосита қатнашишлари туфайли шаклланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Маркс ва Энгельс инқилобчи ҳам эдилар.

Ўз фаолиятларининг дастлабки даврларида, 1843 йилнинг иккинчи ярмига қадар, Маркс ва Энгельс идеалист-диалектик эдилар, лекин ижтимоий-сиёсий қарашлари инқилобий-демократик эди. Бироқ 1842 йилдаёқ Кёльнда Прусс ҳукуматига қарши «Рейн газетаси»да муҳаррир бўлган Маркснинг, Англияда ишчилар аҳволини ўрганган Энгельснинг дунёқарашида идеализмдап материализмга ўтиш кўрина бошлайди. Уларнинг ўз дунёқарашлариши қайта кўриб чиқишларининг сабабларидан бири Гегель диалектикасининг кўпгина ижтимоий ҳодисаларни тунтутириб бера олмаслиги бўлди.

Марксга «Рейн газетаси»да ишлаб юрган даврларида, 1842—1843 йилларда, матбуотда ҳаётда моддий омилларнинг ўрни ва вазифаси ҳақида фикр билдиришга тўғри келди. Газета Мозель деҳқонларининг иқтисодий аҳволи, қонунсиз ўрмон кесиш, савдо ҳақида ва бошқа шу каби иқтисодий масалаларга ўз муносабатини билдириши керак эди. Маркс ўшаида иқтисодий фан соҳасидаги билимининг етарли эмаслигини сезади ва сиёсий иқтисодни чуқур ўрганишга қарор қилади. 1843 йил март ойида у «Рейн газетаси»дан кетади ва олдида турган муаммоларни ечишга киришади. 1843 йил октябрда Маркс Парижга келади, ишчилар йнгишларига қатнашиб, немис ва француз яширин ташкилотлари

¹ Марксча-ленинча фалсафа хрестоматияси, 581-бет.

раҳбарлари билан алоқа ўрнатади. 1843—1844 йилларда — Маркснинг «Рейн газетаси»да ишлаб юрган вақтидаёқ бошланган фалсафий дунёқараши бўйича — идеалистик диалектикадан материалистик диалектикага, сиёсий қарашлари бўйича эса — ишқилобий-демократик томондан илмий коммунизм томонига ўтиши асосан тугалланади. Бу ўтиш 1844 йил февралда. «Немис-француз йиллиги» журналинда нашр қилинган «Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси таъқидига доир» номли асарда ёрқин намоён бўлади. Бу асарда у шундай дейди: 1) Ҳуқуқий муносабатлар ва давлат шакллари моддий муносабатлар орқали белгиланади; 2) Жамият ҳаётида гоьлар катта роль ўйнайди. Назария омма томонидан эгалланганда катта моддий кучга айланади; 3) Агар пролетариат фалсафада ўзининг маънавий қуролини топса, фалсафа эса пролетариатда ўзининг моддий кучини топади.

Маркс билан бир вақтда тарихни материалистик тушунишнинг асосий қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга Энгельс киришди, буни унинг «Немис-француз йиллиги»да 1884 йил февралда нашр қилинган «Сиёсий иқтисод таъқидига доир хомакни ёзувлар» асарига кўриш мумкин. Энгельс 1844 йил августда Англиядан Германияга кетаётганда Маркс билан Парижда учрашди. Шу вақтдан бошлаб улар ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатилди. Энди улар биргаликда илмий материалистик таълимотни яратиш устида ишлай бошлайдилар.

1845 йилда улар ҳамкорликда ёзишган «Муқаддас оила» асарини нашр қиладилар. 1846 йилда «Немис мафқураси», 1847 йилда «Фалсафа қашшоқлиги», 1848 йилда эса «Коммунистик партия манифести»ни ёздилар. Бу билан диалектик-материалистик таълимотни яратиш тугалланади.

Маълумки, диалектика ҳам, материализм ҳам марксизмдан авча аввал вужудга келган. Бироқ олдинги фалсафада материализм ва диалектика бир-биридан ажралган эди. Шунинг учун диалектика кўпинча идеалистларда, материализм метафизикларда асирда эди. Мисол сифатида Гегелнинг идеалистик диалектикасини ва Фейербахнинг метафизик материализмини кўрсатиш мумкин. Маркс ва Энгельснинг хизматлари шунда бўлдики, улар материализм ва диалектикани бирлаштиришга эришдилар. Шунинг учун улар диалектикаси материалистик хусусиятга, материализми эса диалектик хусусиятга эга.

Маркс ва Энгельс томонидан амалга оширилган ишқилобий тўнтариш яна шунда ифодаланадики, улар фалсафа тарихида биринчи бўлиб ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини материалистик асосда тушунтириб бердилар. Марксга қадар бўлган файласуфлар нари борса табиатнигина материалистик тушунишни берар эдилар, жамият ҳаётини тушунтиришда эса идеализм мавқеида қолар эдилар. Улар ижтимоий ҳаёт бутунлай давлат тепасида турган буюк кишилар гоьларининг характери, назариялари ва қарашларига боғлиқ деб нотўғри ҳисоблар эдилар. Маркс ва Энгельс кишиларнинг ижтимоий онги уларнинг борлигини белгиламаслигини, балки, аксинча, ижтимоий борлиқ ва аввало мод-

дий неъматлар ишлаб чиқариш ижтимоий онгни белгилаб беришни, жамият тараққиёти моддий сабабларга боғлиқ бўлиб, кишиларнинг ғоялари, хоҳишлари, истакларига боғлиқ эмаслигини исботлаб бердилар. Натижада жамият тарихи бетартиб ҳодисалар эмас, балки кишилар онги ва яродасига боғлиқ бўлмаган қонуний табиий-тарихий жараён деб тушунила бошланди.

Марксча фалсафанинг пайдо бўлиши билан фалсафани эскича тушунишга хотима берилди. Утмишда фалсафа бошқа фанлар устида ҳукмронлик қиладиган ва олам ҳақида яккаю ягона маълумот берадиган илм сифатида ривожланиб келган эди.

Шунинг учун фалсафуфлар бир вақтнинг ўзида табиатшунос ҳам эдилар. Кейинчалик табиат ва жамият ҳақидаги махсус билимларнинг ривожланиши асосида фалсафадан секин-аста хусусий фанлар ажрала бошлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг тез ривожланишига сабаб бўлди.

Диалектик материализм аввалги фалсафадан фарқли ўлароқ, бошқа фанлар устида турмайди ва уларнинг ўрнини босмайди, балки ўзининг мустақил ўрганиш предметига эга. Унинг предмети, юқорида айтилганидек, материя ва инсон онги ўртасидаги муносабат, табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ташкил этади. У табиий ва ижтимоий фанлар маълумотлари ҳамда кишиларнинг ижтимоий амалиётини умумлаштириш асосида доимо ривожланиб боради.

Утмишда бўлгани каби ҳозирги пайтда ҳам ўзларини халқ оммаси туб манфаатларининг ҳимоячиларимиз, деган фалсафий ғоялар билан майдонга чиқаётган турли-партиялар, сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлмоқда. Лекин шуви назарда тутиш керакки, ҳар қандай партияларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғоялари улар эълон қилган мақсад-муддаоларига қараб эмас, балки амалий ишларига қараб белгиланади. Бу — қайта қуриш жараёнидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан биридир.

Диалектик материализм моҳият жиҳатидан инқилобий-танқидий фандир. Эски материализмдан фарқли ўлароқ, марксча фалсафа пролетариатнинг инқилобий кураши билан узвий боғланган. Унинг инқилобий-танқидий хусусияти жамиятимизнинг ҳозирги қайта қуриш жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Марксча фалсафа партиявий бўлиб, идеализмга тубдан қарма-қаршидир. Маркс, Энгельс ва Ленин марксизмнинг ҳамма душманларига, диалектик-материалистик таълимотдан озгина бўлса ҳам идеализм ва вульгар материализмга томон чекинишга қарши аёвсиз кураш олиб бордилар, улар фалсафасидаги хилма-хил оқимлар орасидан ҳозирги жамиятнинг турли синфлари ва партиялари манфаатларини ифодалайдиган курашни аниқ ажрата олдилар. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» деган асарида шундай деб кўрсатади: «Бундан икки минг йил муқаддам фалсафа партиявий бўлгани сингари, энг янги фалсафа ҳам партиявийдир. Сохта олимлик лўттибозлигидан иборат янги номлар билан ёки бефаросат партиясизлик ниқоби билан пардаланган асосий масала устида курашаётган партиялар ма-

терпализм билан идеализмдир»¹. Буржуа файласуфларининг фикрича, диалектик-материалистик таълимотнинг партиявийлиги гўё бу фаннинг объективлигини истисно қилар эмиш. Аслида эса, манфаатлари тарихий тараққиётнинг объектив йўналишига мос келувчи ва изчил инқилобий синф бўлган ишчилар синфи объектив, яъни ҳақиқий билишдан манфаатдордир.

Буржуа мафкурачилари ўз фалсафаларини синфдан ташқари, ундан устун турувчи, партиясиз, ўзларини эса синфдан ва унинг манфаатларидан четда турувчи кишилар, деб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Улар ўз назарияларининг объективлигини уқтирмақчи бўладилар, лекин бу объективлик ўз синфлари манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа нарса эмас.

Махчилар эса ўз таълимотларини материализм ва идеализм курашидан, синфлар курашидан юқори турувчи фалсафадаги «янги», «учинчи» йўналиш, деб тасаввур қилишга ҳаракат қиладилар. В. И. Ленин махизм ҳам субъектив идеализмнинг нозиклашган шакли эканлигини кўрсатиб берди.

Синфий жамиятда партиясиз фалсафанинг бўлиши мумкин эмас. Буржуа олимларининг ўз фалсафаларининг партиясизлиги ҳақидаги гаплари эса улар мафкурасининг ниҳоятда синфий йўналганлигини, партиявийлигини ўзига хос ниқобловчи усулдир. Чунки ҳар бир синфга ўзининг синфий онги, ғоялари, ҳаётга қарашлари хос. Фалсафий қарашлар тўғридан-тўғри ва бевосита синфларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий қарашлари билан боғлиқ бўлиб, буларнинг назарий асосидир. Табиат ва жамият тараққиётининг туб қонунлари ҳақида фикр юргизиш, фалсафа назариялари ҳамма вақт синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг синфий манфаатлари учун курашда ўткир мафкуравий қурол ролини бажарган ва бажармоқда. Шунинг учун марксизм фалсафада очик ва изчил партиявийлик принципини талаб қилади.

Марксча фалсафанинг партиявийлиги унинг умуминсопий манфаатлари ва қадриятларини инкор этади, деган маънони билдирмайди. Аксинча, марксча фалсафа ишчилар синфининг, халқ оммасининг манфаатларини умуминсопий манфаатларга мослаштириб, дунёда юз бераётган воқеаларни тўғри ва илмий асосда тушунишга имконият яратади.

3. МАРКСЧА ФАЛСАФАНИНГ В. И. ЛЕНИН ТОМОНИДАН РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Маркс ва Энгельс ўзлари томонидан яратилган илмий таълимотни ҳеч қачон ўзгармас, қотиб қолган, тугал ҳақиқат деб ҳисоблаган эмас эдилар. Аксинча, улар бошқа олимларнинг марксизмга бундай ёндашишларини қаттиқ танқид қилган эдилар. Ф. Энгельс ўзининг «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» асарига ҳатто табиий-илмий соҳада ҳам бу-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18- жилд, 427- бет.

тув бир давр очадиган ҳар бир кашфиёт муносабати билан материализм ўз шаклини муқаррар равишда ўзгартириб бориши лозим, деб кўрсатган эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида инсоният ҳаётида сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди — жаҳон капитализми ўзининг сўнгги, империалистик босқичига кирди. Пролетариатнинг инқилобий ҳаракати Европа мамлакатларида ва Россияда кенг ривожлана бошлади. Бу ҳаракат тобора уюшган, илмий социализм назариясига асосланган ҳаракатга айлана борди ва капитализм ички зиддиятларининг яна ҳам кескинлашишига олиб келди.

XX аср бошларида Россия жаҳон империализми зиддиятларининг жамланиш нуқтаси эди. Меҳнат билан капитал ўртасидаги, ривожланаётган капитализм билан феодал-крепостнойлик сарқитлари ўртасидаги, метрополия билан қолоқ чекка ўлкалар ўртасидаги зиддиятлар унга хос эди. Инқилобий ҳаракатнинг кучайиб бораётганидан ваҳимага тушиб қолган рус чоризми тарихан умрини яшаб бўлган қолоқ сиёсий тузумни сақлаб қолишга зўр бериб уринарди. 1905—1907 йиллардаги инқилоб бостирилгандан кейин мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида реакция янада авжига чиқди, полиция террори шафқатсиз равишда ўсди.

Мафкура соҳасида кураш айниқса кескин бўлди. Буржуа олимлари марксча фалсафага қарши чинакам ҳужум бошладилар. Маркс ва Энгельс диалектикасининг «эскириб қолганлиги» ҳақида гапириш, диалектик материализмдан тамомила юз ўгириш модага айланди. «Фалсафий адабиёт билан унча-мунча таниш бўлган ҳар бир киши, — деган эди В. И. Ленин, — материализмни бевосита ёки билвосита рад қилиш билан шуғулланмаган биронта ҳозирги замон фалсафа (ва теология) профессори тополмаслигини билса керак. Юз ва мингларча марта материализм рад қилинди, деб эълон этдилар ва ҳозирга қадар ҳам уш юз биринчи, минг биричи марта рад қилишни давом эттирмақдалар»¹. Ана шундай бир шароитда марксизм таълимотиин буржуача сохталаштириш, унинг инқилобий тигини ўтмаслаштиришга уринишларга кескин зарба бериш ва ҳимоя қилиш жуда катта ҳаётин заруриятга айланиб қолган эди. Бу вазифани В. И. Ленин шараф билан бажарди.

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм», «Фалсафа дафтарлари», «Карл Маркс», «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида», «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми» ва бошқа асарларида марксча фалсафанинг софлигини сақлаб қолиш ва бойитиш учун астойдиҳ кураш олиб борди ва Маркс билан Энгельсдан кейин пайдо бўлган фаннинг янги муаммоларини фалсафий жиҳатдан ишлаб чиқди.

XIX аср охирида табиёт фанлари соҳасида катта ўзгаришлар юзага келди. Электронлар ва радиоактивликнинг очилиши мате-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 13-бет.

риянинг тузилиши тўғрисидаги механик ва метафизик тасаввурларга зарба берди. Фан тараққиётида янги давр очувчи улуғвор кашфиётларни илмий умумлаштиришга қодир бўлмаган метафизик материалистлар материя йўқ бўлди, деган хулосага келиб, физик идеализмга томон ўтиб кетдилар. Буржуа мафкурачилари фан соҳасида рўй берган инқироздан марксизмга ва унинг фалсафий дунёқарошига қарши фойдаланмоқчи бўлдилар. Рус махчилари марксча фалсафани субъектив идеализм билан алмаштиришга, шу йўл билан пролетариатни ғоявий қуролсизлантиришга ҳаракат қилдилар. Хуллас, фан соҳасидаги янги кашфиётларни диалектик материализм таълимоти асосида умумлаштириш, рус махчилари таълимотини тор-мор қилиш, марксча фалсафани ривожлантириш ва унинг софлигини сақлаш ўша даврдаги асосий вазифа бўлиб қолди. Бу вазифани бажаришни В. Г. Плехановдан кутиб бўлмасди. Бу ишни ҳам Ленин бажарди. У ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» номли буюк асарида материянинг фалсафий тушунчасини биринчи бор чуқур илмий асосда таърифлаб берди, шунингдек материя ва ҳаракат, фазо ва вақт, сабабият ва оқибат, эркинлик ва зарурият, мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар, билиш назарияси тўғрисидаги марксистик фикрларни янги босқичга кўтарди.

В. И. Ленин метафизикларга қарши курашда материалистик диалектиканинг қонуни ва категориялари ҳақидаги марксистик таълимотни ҳимоя қилди ва ривожлантирди. Айниқса у диалектиканинг мағзи бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунига алоҳида аҳамият берди. У ўзининг «Диалектика масаласига доир» деган фалсафий мақоласида идеализмнинг гносеологик ва синфий илдилари, диалектик ва метафизик таълимотларнинг қарама-қаршилиги, умумийлик ва хусусийлик диалектикаси каби чуқур назарий масалалар йўналишини ёритиб берди.

В. И. Ленин материалистик диалектика билан бир қаторда тарихий материализм масалаларига ҳам жиддий эътибор берди. Чунки тарихий материализм масалаларини илмий жиҳатдан умумлаштириш, уларни Россия шароитига татбиқ этиш социалистик инқилоб кун тартибига турган тарихий вазиятда ниҳоятда катта аҳамиятга эга эди. Бу даврда жамият қонуналарини билиш, жамиятни инқилобий йўл билан ўзгартириш пролетариат ва унинг партияси олдида турган муаммолардан бири эди.

В. И. Ленин К. Маркс томонидан кашф этилган ижтимоий ривожланиш қонуналарини қотиб қолган ақидалар йиғиндисидан иборат, деб тушунмади, балки уни омманинг инқилобий фаолияти билан боғлаб чуқурлаштирди, янги тарихий шароитларда янада бойитди. У марксча таълимотга асосланиб ижтимоий ривожланиш диалектикасини, иқтисодиёт билан сиёсатнинг, базис билан устқурманинг, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онгнинг бир-бирига таъсирини, жамият тараққиётида синфий кураш ва ижтимоий инқилобнинг ролини, жамият, шахс ва йўлбошчиларнинг ўзаро муносабатини ва бошқа кўпгина масалаларни атроф-

лича тадқиқ қилди. / Ленин ижтимоий ривожланиш объектив шарт-шароитлари ва йўналишларининг ҳал қилувчи аҳамиятини таъкидлаб, тарихий вазиятни чуқур илмий таҳлил қилиш билан бирга омма, синфлар, партиялар ғайрати, ташаббускорлиги, овқиллиги, уюшқоқлигининг, шунингдек айрим шахслар фаолиятининг аҳамиятини эътироф қилди. /

Юқорида айтилганлар В. И. Лениннинг буюк файласуф эканлигини, унинг Маркс ва Энгельс таълимотини янги назарий хулосалар билан бойитганлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Афсуски, айрим олимлар, айёлилар унинг марксизм фанига қўшган бебаҳо хизматларини камситиш ниятида Ленин оддий марксист бўлган, унинг ғоллари фақат XIX аср охири ва XX аср бошларигагина тааллуқли бўлгани учун ҳозирги давр воқеаларини илмий таҳлил қилишга қодир эмас, аксинча у ҳозирги қайта қуриш жараёнида катта тўсиққа айланиб қолди, шунинг учун ҳам бизлар Ленин ва ленинизмдан воз кечишимиз керак, деган потўрг, ғайриилмий фикрларни илгари сурмоқдалар. Тўғри, ҳозирги ҳаётимизда рўй бериб турган барча мураккаб муаммоларни Ленин асарларидан келиб чиқиб ҳал этиш мумкин эмас, чунки бу масалалар унинг олдида турган, бунинг учун у бош қотирган эмас. В. И. Ленин ўз даврига хос бўлган муаммолар устида ишлаган, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берган. Масалага ана шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, ленинизмдаги айрим масалалар ҳозирги давр талабига жавоб бера олмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Бундан ленинизм эскириб қолган, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Ленин томонидан яратилган айрим қондалар, келтирилган ҳужжатлар эскирган бўлса-да, ленинизм эскирган эмас, эскирмайди ҳам. Шунинг учун Ленин томонидан яратилган фалсафий таълимотни чуқурроқ ўзлаштириб олиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

В. И. Лениндан сўнг мамлакатимизда фалсафа фани катта қийинчиликларга дуч келди. Шахсга сиғиниш ҳукмронлик қилган йилларда у раҳбариятнинг сиёсий, мафкуравий қуролига айлантирилиб, Сталиннинг асарларида баён этилган фикрларга бошқача нуқтан назардан ёндашувчи олимлар қаттиқ тазйиқ остига олинди. Ана шундай бир шароитда олимларимиз партиявий ва расмий ҳужжатларда баён этилган назарий қондаларни шунчаки бир шарҳлаш, ташвиқот қилиш билангина чекланиб қолдилар. Бу нарса мамлакатимизда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланишига ҳалақит қилди.

КПССнинг XX съезидан кейин фалсафанинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратила бошлади. Шундан фойдаланиб олимларимиз жаҳон фани ва маданияти ютуқларига асосланиб, фалсафанинг илгари эътиборга олинмай келинган бир неча муҳим муаммоларини ишлаб чиқдилар. Бу жараён айниқса 1985 йилдан кейин янада жадаллашди.

Марксча фалсафа ривожланиб турадиган таълимот бўлганлиги учун унинг қондаларини бойитишда ҳозирги пайтда вужудга келадиган сиёсий партиялар, оммавий-демократик ҳаракатлар,

ҳар хил ижтимоӣ ташкилотларнинг аҳамияти беқийсдир. Уни ҳаётга ижодий таъбиқ қилиш жамиятимиз олдида турган бир неча муҳим масалаларга янгича тафаккур асосида ёндашишга имкон берди. Бунга далил сифатида мамлакатимизда рўй бериб турган иқтисодий ва экологик тангликларни, миллатлараро муносабатлардаги қийинчиликларни, кўп партиявийлик, демократия ва ошкораликни ривожлантириш масалаларига ижодий ёндашишларни эслатиб ўтиш мумкин. Халқаро муносабатлар соҳасида ҳам кўпгина муаммоларни ижобий ҳал этишга кенг имкониятлар юзага келди. Булар қуйидагилардан иборат: инсониятни ҳаётотга солиб келаётган жаҳон уруши хавфни бартараф қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, жаҳон маданий меросини сақлаб қолиш ва ундан оқилона фойдаланиш, Умум Европа тинчлик хонадонини барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа масалалар.

IV Б О Б. XX АСРДАГИ ФАЛСАФИЯ ОҚИМЛАРИ

1. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНДАГИ ЯЊНАЛИШЛАР

Диалектик материализм нақадар илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлса-да, лекин у дунёда яккаю ягона фалсафий дунёқараш эмас. Унга қадар ҳам тилма-хил фалсафий оқимлар бўлган ва улар ҳозирги пайтда ҳам мавжуд. Илмий дунёқарашга эга бўлиш учун маркеча фалсафани билиш қанчалик зарур бўдса, ўз навбатида, ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги фалсафий оқимларни ҳам ўрганиш шу қадар муҳим. Бу — ҳозирги ошкоралик даврининг, янгича тафаккурнинг ҳам муҳим талабларидан биридир.

Марксизм классиклари мафкуравий кураш синфий жамиятдаги қонуний ижтимоӣ ҳодиса эканлигига асосланганлари ҳолда, уни синфий курашнинг махсус шакли деб билганлар ва унинг меҳнаткаш оқманнинг сиёсий онгини ўстиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берганлар. Улар буржуача, майда буржуача қарашларни таҳлил қилишнинг дастлабки шarti аввало уларни чуқур, ҳар томонлама ўрганитишдадир, деб ҳисоблаб, ўз дунёқарашлари ва сиёсий нуқтан назарларига зид бўлган турли-туман қарашларни қизиқиб ўрганганлар. В. И. Ленин буржуа иқтисодчилари, файласуфлари қарашларидан маълум томонларни топа билиш ва улардан ўз синфий манфаатлари йўлида фойдалана билиш зарур эканини таъкидлаган эди. Мухолифлар қарашларини чуқур ўрганиш партиявий принципалликни ижтимоӣ ҳодисаларга синфийлик нуқтан назаридан қараш зарурлигини инкор этмайди, аксинча, мафкуравий кураш жиддий асосга қурилгани лозимлигини талаб этади, мухолифларимиз қарашларидаги ижобий, диққатга сазовор томонларни пайқаб олиш имконини беради. Янгича сиёсий тафаккур эса мафкуравий курашга синфий нуқтан назардан ёндашиш зарурлигини инкор этмагани ҳолда

синфий манфаатларни умуминсоний манфаатлардан фарқлаш лозим эканлигини, уларни ўзаро диалектик алоқадорликда олиб ўрганишни талаб этади.

Ҳозирги замон мафкуравий кураши, аввало, фалсафий ғоялар ўртасидаги курашдир. Маълумки, инсоният турли-туман синфлар, ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган. Улар эса ўз маффаатларини турлича қарашларда акс эттирадилар ва турли-туман муаммоларни ўртага ташлайдилар. Бу ҳол оқибатда фалсафада талай йўналишларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳозирги замон фалсафий оқимлари ҳақида гап кетар экан, шу нарсани унутмаслик лозимки, улар, аввало, жаҳон маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади ва муайян синфлар манфаатларини ифода этади.

Ҳозирги замон фалсафаси турли-туман мактаблар, оқимлардан иборат бўлиб, улар асосан субъектив ва объектив идеализмнинг турли шаклларида намоён бўладилар. Субъектив идеалистик оқимлардан бири — *неопозитивизмдир*. Неопозитивизм латинча «positivus» сўздан келиб чиққан бўлиб, ижобий деган маънони билдиради.

XIX асрда фаннинг ривожланиши ғарб фалсафаси олдига бир қатор масалаларни кўндаланг қилиб қўйди, буларга жавоб топишга Европадаги мавжуд анъанавий спекулятив метафизика ожизлик қилар эди. Янги замон фалсафасининг ўзига хос хусусияти — фаннинг ва тадқиқ қилишнинг илмий усулини ҳар қандай билиш фаолиятининг воситаси, қуроли қилиб олишдан иборат эди. Позитивизм марксизм вужудга келмасдан бир оз олдин илмий фалсафа ролини бажаришни даъво қилиб чиққан эди. Унинг яратувчиси Кант эса фалсафий анъаналар билан алоқасини узганлигини эълоя қилди. Метафизик муаммоларга илмий руҳ бериш учун «мослашиш»га уринишларнинг пучга чиққанлиги, Кант фикрича, фан ўзидан устун турувчи ҳеч қандай фалсафага муҳтож эмас, деган хулосага олиб келади. Лекин у илмий билимларнинг бирикувини амалга оширувчи умумий фаннинг мавжуд бўлишларини инкор этмади. Мана шу фалсафада хусусий фанларда юз берадиган ишлар давом эттирилиши керак. Кант фикрига кўра, фалсафа билан айрим фанлар ўртасида чегара бўлмайди, фалсафа табиий ва илмий фанлар умумий хулосаларининг йиғиндисидан иборат қилиб қўйилади. Кант илмий фалсафанинг метафизик масалалар билан ҳеч қандай иши бўлмайди, у идеализмни ҳам, материализмни ҳам рад қилади дейди. У моҳият ва сабабни очиб берадиган даъвога тааллуқли метафизик қолдиқлар фандан бутунлай ҳайдаб чиқарилиши керак, фан ҳодисаларни изоҳламайди, балки излайди ва «внима учун?» деган саволга эмас, балки «қандай?» деган саволга жавоб беради, деган хулосага келади.

XIX аср позитивизми фалсафа бўлган ҳаваснинг тушуниш қондаларини онгли равишда билиш назарияси билан бирлаштириб юборади. Позитивизм табиий-илмий кашфиётларни фалсафий назарияларга қарама-қарши қўяди ва уларни мутлақ тўғри деб

қабул қилади. Табиатшунослик кашфиётларини бундай мутлақлаштириш позитивизмнинг биринчи тарихий шакли инқирозининг асосий сабабларидан бири эди. Табиатшуносликда юз берган инқилоб эса унга қақшатқич зарба берди.

Позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли — Р. Авенариус ва Э. Мах эмпириокритицизми (махизми) илгариги позитивизмдан фарқ қилиб, фалсафанинг вазифаси барча фанларнинг умумий хулосаларини системалаштирадиган «синтетик» системанинг назарияларидан иборат бўлмасдан, балки субъектив-идеалистик асосдаги илмий билиш назариясини яратишдан иборат деб биларди. Масалан, Мах сезгини инсон билиши мумкин бўлган ягона «реаллик» ёки бутун мавжудотнинг «элементи» деб қарайди. Позитивизмнинг бу шакли табиатшуносликдаги муҳим ижобий ўзгаришларнинг муқаррар оқибати эди. Махизм, идеалистик эмпиризм вақт синовиға бардош бера олмади. Шу тариқа унинг ўрнини неопозитивизм эгаллайди.

Неопозитивизмнинг вужудга келишида инглиз логик олими, математиги ва файласуфи Б. Рассел, Австрия файласуфлари Л. Витгенштейн ва М. Шлик томовидан ташкил қилинган (унинг қаторига кейинчалик Р. Карнап, О. Нейрет ва бошқалар келиб қўшилган) «Вена тўғараги», Берлиндаги «Эмпирик фалсафа жамияти» (Г. Рейхенбах, В. Дубислав), Львов-Варшава мактаби (К. Видуневич, Л. Хвистек) аъзолари катта роль ўйнадилар. Англияда эса бу қурашга А. Ж. Айер қўшилди. А. Пуанкаре конвенциализми ва прагматизмнинг бир қатор ғоялари билан тўлдирилган махизм ҳам неопозитивизмнинг асосий ғоявий манбаи ҳисобланади.

Неопозитивистлар дунё ҳақидаги барча билимларимизни фақат аниқ эмпирик фанлар беради, фалсафа хусусий фанлардан ташқари дунё ҳақида бирорта янги қонидани кўтариб чиқа олмайди, унинг вазифаси эса фанлар ва айрим билимларнинг хулосаларини логик таҳлил қилиш ва тушунтиришдан иборатдир, деб таъкидлайдилар. Улар логик таҳлил қилишнинг муҳим вазифаларидан бири мазмунга эга бўлган гапларни илмий нуқтаи назардан мазмундан маҳрум бўлган гаплардан узоқлаштириш ва фанни «мазмунсиз» гаплардан «тозалаш»дан иборат деб билардилар. Эмпирик тажрибада синаб кўрилган гаплар ҳақиқий, синаб кўрилмаганларини эса сохта деб ҳисоблайдилар. Ана шунга суяниб, неопозитивистлар фалсафанинг асосий масаласини ва бошқа масалаларни синаб кўрилиши мумкин бўлмаган сохта масалалар деб қарайдилар.

Верификация ёки синаб кўриш, неопозитивизм нуқтаи назарида, гапни тажриба («ҳиссий маълумотлар», кузатишлар)нинг айрим охириги далиллари билан таққослашдан, ёхуд уни худди шу далилни қайд қилардиган гап билан таққослашдан иборат. Шу тариқа гап сезги ёхуд сезгидан келиб чиқардиган гап билан таққосланади. Неопозитивизм шу тарзда ўз даврида инглиз файласуфлари Беркли ва Юм баёп қилган субъектив-идеалистик билиш назариясининг асосий ғояси («онгимиздаги далиллардан ёки

бу далиллар ҳақидаги фикрлардан бошқа нарсани билма олмай-миз ва билишимиз мумкин эмас)ни қайта тиклайди.

Верификация принципи фанда реал қўлланадиган синашнинг элементар принциpidир. Агар «кўчада ёмғир ёғмоқда» деган гапни тушунишимиз керак бўлса, уни биз кўчага қараб текшириб кўралиш. Бу элементар усулни умумий принципга айлантириш ногўғри бўлади, чунки фаннинг кўпгина, ҳақиқатини ҳиссий верификация билан билиш мумкин эмас.

Верификация принципининг танқид қилиниши «бўшаптириш» йўли билан унинг кўринишини ўзгартиришга сабаб бўлади: неопозитивистлар принцип жиҳатдан синаб кўрилиши мумкин бўлган гапни, фикр айтишни эмпириклик, яъни илмийлик деб ҳисоблайдилар. Бироқ верификация принципини бўшаптириш ҳам ваазифани енгиллаштирмайди. Бугунги кунда синаб кўриш мумкин бўлмаган, аммо кузатиш техникасини ривожлантириб эртанги кунда синаб кўришимиз мумкин бўлган билимлар ҳам бор.

Шундай қилиб, фалсафий аҳамияти жиҳатдан верификация принципи, у билан биргаликда неопозитивизмнинг обрў-эътибори аста-секин тўкила борди. Унга боғлиқ бўлган қийинчиликларни бартараф қилмасдан неопозитивизм когеренция ҳақиқийлиги мезонини, яъни илмий системанинг боғлиқлигини ва логик қарама-қарши эмаслигини тан олишга ўтди. Неопозитивистлар фикрича, когеренция бу системанинг логик ҳақиқийлигини, шунингдек унга кирган тушунчалар, атамаларнинг илмий англаб олилмаганлигини таъминлайди. Бу билан билиш тил ифодаси доирасига тамоман туташиб кетиб, фалсафада тутган объективлик аҳамиятини тобора йўқота бошлайди. Биз ҳеч қачон қилишимиз мумкин бўлмаган нарсани, — деб ёзади Айер, — бу тил доирасидан бутунлай чиқиш ва қайси система дунёни энг яхши тасвирлашини тушуниш учун ана шу ўнгай нуқтан назардан унга қарамоқ лозим. Фалсафа шу жиҳатдан фақат тил билан ёки шартли (конвенциаль) тарзда математик логика тили ёки кишилар кундалик ҳаётида фойдаланадиган табиий тил томонидан ишлаб чиқиладиган ва қўлланиладиган тил билан алоқа қилувчи фаслият бўлиб кўринади, холос. Агар фалсафа ўзини қўллаш майдони сифатида тил билан чегараланиб қоладиган бўлса, у вақтда бизни кўршаб олган дунёни ўзгартириш қуроли бўлмай қолади. Кўриниб турibdiki, неопозитивизмнинг объектив илмий-роми скептизм ва нигилизм дунёқарашининг тарғиб қилиш, илмий дунёқарашни эса инкор этишдан иборат бўлиб қолади.

Неопозитивистлар тилни мантиқий таҳлил қилишни, хусусан, бутун фалсафани қуруқ ва бефойла расмийчиликдан иборат қилиб қўйдилар. Натижада 30-йилларнинг ўрталарига келиб логик позитивистлар ўзларининг таълимотини қайта қуриб чиқишга мажбур бўлдилар. Агар илгарги улар фан тилининг мазмун томонига эътибор бермасдан фақат шаклан синтаксис қондалари билан шуғулланиб келган бўлсалар, 30-йилларнинг охирига келиб кўпгина семантик муаммоларга, яъни сўз ва ифодаларнинг

мазмунни муаммоларига эътибор бера бошладилар. Бу логик А. Тарский ва прагматизмга яқинроқ бўлган америкалик позитивист У. Морриснинг ишларида яққол кўрина бошлади. Шундан бошлаб тилни таҳлил қилиш уч соҳага ажралди: тилнинг уни қўллаётганларга муносабати — прагматика, унинг ёрдамида таъбир қилинаётган нарса ўртасидаги муносабат — семантика, тил ифодалари ўртасидаги муносабат — синтаксис. Уч қисмдан иборат бу таълимот семантика номини олди.

Неопозитивистлар сўз ва белгиларнинг мазмунига эътибор беришга ўтиш билан ўзларининг таҳлил қилиш объектига катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни киритдилар. Уларнинг илмий фаолияти айрим тарзда лингвистика, логика ва ҳоказолар соҳасида махсус тадқиқотлар характерига эга бўла бошлади. Семантика муаммосининг умумий заминида тилнинг коммуникация шакллари ва аҳамиятини таҳлил қилишга турли томондан ёндашадиган ҳар хил мактаблар ва оқимлар учрашдилар. Карнап ва Тарский гуруҳи математик логика масалалари билан боғланган символлик ифодаларни тадқиқ қилишга киришди. Ричард Огден тарафдорлари лингвистика билан боғлиқ ҳолда семантика муаммоларини ишлаш бошладилар. Коржибский, С. Чейз ва бошқаларнинг «умумий семантика» деб номланган гуруҳи ижтимоий муносабатларни «яхшилаш», ижтимоий эйддияларни «ҳал қилиш» учун тилни семантик таҳлил қилишдан фойдаланишга уриндилар. Сўнгги гуруҳ тарафдорларининг фикрига кўра, маънани сўзни ифодалайдиган, унга мос «референт» ёки ягона ҳиссий далилни топиш мумкин бўлган сўзларгина аҳамиятга эга бўлармиш. Бундан келиб чиқадики, айрим далилларни ифодаламайдиган «капитализм», «фашизм», «эксплуатация» каби кўпгина сўзлар ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Одамлар умумий тушунчалар реал маъжудлигини ўйлаб ўзида доимий ташвиш, эйддия ва низолар манбаини яратади. Урушлар, ғалбий курашлар, синфий тўқнашувларнинг сабаби сўзларни нотўғри қўллаш оқибати эмиш. Шунга кўра, капиталистик жамиятнинг эйддиялари ва курашлардан халос этиш учун «хавфли» сўзларни тилдан чиқариб, уларни ислоҳ қилиш зарур эмиш. Тилни такомиллаштириш ҳақидаги гаплар билан семантиклар капиталистик жамият моҳиятидан келиб чиққан синфий қарама-қаршиликларнинг сабабларини меҳнаткаш оммадан яширишга ҳаракат қилмоқдалар.

XIX асрнинг 70- йилларида Шимолий Америкада позитивизм йўналишида иш кўрган *прагматизм* пайдо бўлди. Прагматизм грекча «прагма» сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, ҳаракат маъноларини билдиради. Прагматизм фалсафаси ўрта табақа манфаатларини ифода этади, шунинг учун ҳам у энг кенг тарқалган қарашлардан биридир. Унинг асосий принциплари дастлаб Пирс томонидан ифодалаб берилди. Пирснинг фикрича, яшаш фойда келтиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Прагматизм йўналиши АҚШ ва Англия ўрта синфлари, эйлилари орасида XX асрнинг бошларида тарқала бошлади. Праг-

матизм инсонни фаол шаклланаётган реаллик, деб қарайди. Унинг турли-туман кўринишлари мавжуд бўлиб, булар экспериментализм ёки инструментализм, операционализм, гуманизм кабилардир. Прагматизм йўналишининг йирик вакилларидаан бири Дьюи бўлиб, у фалсафанинг мақсади далилларни тадқиқ этишдангина иборат бўлмай, балки у муайян қадриятларни ҳам пужудга келтиради дейди. Прагматизмнинг фалсафанинг инсоп-парварлик йўналганлиги ҳамда амалиёт ҳақиқат мезони эканлиги ҳақидаги фикрлари уни бир қарашда материалистик фалсафага ўхшашдек қилиб кўрсатади, лекин аслида у объектив реалликни инкор этади. Прагматизм объектлар биздан ташқарида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, фақат аллақандай ноаниқлик бор деб билади. Дьюи, масалан, борлиқнинг ўзи нима? деган саволни қўйишнинг ўзи мумкин эмас, борлиқ, реаллик аллақандай шаклсиз, муайян тузилишга эга бўлмаган ноаниқликдир. Инсон ўз фаолияти билан нарсаларга муайянлик бағишлайди, уларни тартибга келтиради. Бунда у асосан ўзининг интилишлари, ўз фойдасини ўйлайди деб ҳисоблайди.

Прагматизм амалиётни субъектив тарзда талқип қилади. Унинг нуқтаи назарича, амалиёт борлиқни ва ҳақиқатни муайян шаклга, тузилишга солишдир. Прагматизм ҳар қандай назария, ҳар қандай дунёқарашни фойда келтирган тақдирдагина ҳақиқат бўлиши мумкин, деб билади. Унингча, дин ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин, чунки у инсонни тинчлантиради, увга оғир кунларда ёрдам беради.

Ҳозирги замон буржуа мамлакатларида кенг тарқалган идеалистик фалсафий оқимлардан бирини *экзистенциализм* (лотинча *existencia* — яшаш, мавжудлик сўзидан олинган) ташкил этади. Экзистенциализм фалсафа сифатида XX асрнинг 20-йилларида вужудга келди. Унинг асосий вакиллари Германияда М. Хайдеггер, К. Ясперс, Францияда П. Марсель, Ж. Сартрлардир. Кейзер милитаризмининг инқирозидан келиб чиққан газабланиш ва таҳқирланиш, Россиядаги пролетар инқилоби ва Германиядаги инқилобий ҳаракат олдидаги қўрқув, келажакка бўлган туманли умид, куч тўплашга интилаётган реваншистик фашизм — мана шундай сиёсий ва маънавий шароит «яшаш фалсафаси»ни туғдирди.

Францияда асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда экзистенциализмнинг янги тўлқини кўтарила бошлади. Бир томондан, мағлубият алами ва миллий эзилиш, фашистик террор давридаги дахшатлар, иккинчи томондан, халқ ҳаракатининг кўтарилишидан вужудга келган француз буржуазиясидаги қўрқув — буларнинг ҳаммаси француз экзистенциализмининг вужудга келиши ва унинг буржуа доирасида тарқалишига асос бўлди.

Буржуа мафкурасининг кўлчилик оқимлари замнида индивидуализм ётади. Экзистенциалистлар ҳам энг охири даражага келтириб қўйилган буржуа индивидуализми нуқтаи назаридан туриб инсон ҳаёти муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилдилар.

Улар фалсафий хулосасининг оқибати барча манфаатлари фақат ўзига қаратилган якка-ёлғиз индивидга ва унинг умидсиз яшашига хизмат қилади. Экзистенциал муаммолар экзистенциалистлар учун фалсафий қарашларнинг барча соҳаларини ташкил қилади, яъни инсоннинг яшаш шартининг ўзидан келиб чиқадиган муаммолар ҳисобланади. Булар, экзистенциалистларнинг фикрига кўра, шахсий субъектив ва эмоционал қизиқишларни туғдириши лозим. Индивиднинг яшashi, туғилиши ва ўлими ёхуд «яшаш усули»нинг барчасидаги ташвишлар ва ўлим олдидаги доимий қўрқув — мана шуларнинг ҳаммаси экзистенциалистларни ҳаяжонлантирадиган асосий масалалардир.

Экзистенциалистлар фалсафанинг предмети борлиқ деб эълон қилдилар. Нарсаларнинг борлиги бутунлай англаб бўлмайдиган бўлса ҳам, экзистенциалистларнинг фикрича, борлиқнинг битта тури биз учун етарли даражада маълум: бу фақат ўзимизнинг мавжудлигимиздир. Лекин яшаш қандайдир ички ва ифодаланмайдиган тушунчадир; яшашлик ҳеч қачон объект бўлмайдиган нарса, чунки биз ўзимизга четдан қарашга қодир эмасмиз. Уни, шунингдек оқилона билиш ҳам мумкин эмас, уни тутишнинг бирдан-бир усули бевосита ички туйғуларимиз билан бошдан кечиришдан иборат.

Экзистенциализм — бу шундай фалсафаки, унинг ягона предмети инсоннинг яшашлиги, аниқроғи яшашлик кечинмасидир. Турли хил яшашликнинг борлиқ усуллари ичидан экзистенциалистлар яшашликни тўлароқ очиб берадиганларини излайдилар. Қўрқув яшашликни тўлароқ очиб берадиган усуллардан биридир. Даниялик С. Кьеркегор изидан бориб экзистенциалистлар ҳам қўрқувни барча яшашликнинг асосида ётадиган кечинма деб тасвирламоқдалар.

Қўрқувнинг билиш соҳасидаги аҳамияти, экзистенциалистларнинг кўрсатиб ўтишича шундан иборатки, у яшашликни ўзининг поёнига, ниҳоясига рўбарў қилиб қўяди, уни йўқлик ёки ҳеч нарса билан қарама-қарши қилиб таққослайди. Ҳеч нарсага бўлган яшашлик муносабатида яшашликнинг ўзи ойдинлашади. Қўрқув шароитида дунё қавсга олингандай бўлади ва инсон ўзи билан танҳоликда, ўзининг мавжудлигида, ҳеч нарсага қарама-қарши қўйишликда қолади.

Экзистенциализм фалсафасида христиан (Ясперс, Марсель ва бошқалар) ва атеистик (М. Хайдеггер, Ж. Сартр ва бошқалар) деб номланган икки йўналиш мавжуд. Иккаласи ҳам умидсизлик кайфияти билан суғорилган бўлиб, инсон ҳаётида фақат чиринди-ю хокни кўради, холос.

Экзистенциалистларнинг ўтмишдоши С. Кьеркегорнинг фикрича, инсон яшашлигининг чекланганлигини ошкора этувчи қўрқувда инсон ўлимига, ҳеч нарсага, ўзининг муносабатини таплаш заруратига рўпара келади, ана шу таплаш имконияти эса ўз навбатида эркинликни кўрсатади. Инсон ўзининг моҳиятини ўзи эркин таплайди, чунки эркинлик фақат инсонга хос бўлибгина қолмасдан, балки унинг яшашлигини ташкил қилади.

Экзистенциалистлар инсон эркин бўлса ҳам бу эркинлик тавлаш жараёнида юз берадиган муайян шароит билан чекланган деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, инсон ўзининг ҳаёт шароитини ўзи тавламайди, у тақдирнинг қулидир. Ташқи олам инсондан ташқарида мавжуд бўлган қандайдир нарса эмас, балки инсон яшашлиги ва у билан узвий боғлиқ бўлган, унинг муҳити, унинг ташвишлари, дунёси деб тасаввур қилинади. Бу қараш ҳозирги замон идеализмига хос бўлган субъект ва объект «принципиал координацияси» назариясидир.

Экзистенциалистлар ҳар бир инсон кишилар орасида бўлади ва улар билан муомала қилмасдан яшай олмайди, деб таъкидладилар, ammo бунга ўта индивидуализм нуқтаи назаридан туриб қарайдилар. Ҳар бир индивидуумнинг ҳаётини таъминлайдиган, унинг онгини ўстрадиган, шахсини шакллантирадиган жамият экзистенциалистлар томонидан индивидуалликни йўқ қиладиган ва бўғадиган, инсондан унинг борлигини тортиб оладиган, шахсга бир қолипдаги дид, урф-одат, дунёқараш, эътиқод ва хулқ-атворларни мажбуран қабул қилдирадиган умумий қиёфасиз куч деб тасвирланади. Экзистенциалистлар фикрича, таъқиб қилаётган қўрқув, ўлим даҳшатидан қўрққан инсон ўзича жамиятда жой излайди. Унга аралашиб кетиб, у одамларнинг умуман ўлишлиги билан ўзига-ўзи далда беради ва бу билан ўзининг ўлими ҳақидаги фикрни ҳайдайди.

Экзистенциализм фалсафасида қайта-қайта битта мавзу такрорланади: инсон ўлиш учун яшайди. Хайдеггер учун ўлим — бу инсоннинг сўнгги имконияти; Сартр учун бу — барча имкониятларнинг охири, барча экзистенциалистлар учун юқори трансцендент реаллик — бу ўлимдир. Экзистенциалистлар ўлимни яшашнинг мақсади, моҳиятига айлантириб, мазмунсиз ҳаёт ҳақида хулоса келтириб чиқаради.

XX асрда кенг тарқалган фалсафий оқимлардан яна бири *неотомизм* — католик черкови маркази Ватиканнинг расмий фалсафасидир. Унинг кўзга кўринган вакиллари М. Маритен, Э. Жильсон, Г. Манзер ва бошқалар ҳисобланади.

Неотомизм фалсафасининг асосий ғояси шундан иборатки, диний эътиқод ва билим ўртасида тўла монандлик мавжуд, худо томонидан берилган икки ҳақиқат манбаи сифатида улар бири-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Неотомистлар билим бўлмаган жойдагина эътиқод керак деб таъкидлади. Инсон «муқаддас китоблар» да ёзилган нарсаларга ишонини учун худонинг борлигига шак келтирмаган ва унга эътиқод қўйган бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини исботлаш — бу фалсафанинг иши ва буни у соф мантиқий воситалар билан амалга ошириши лозим.

Ҳозирги замон неотомистлари Фома Аквинский томонидан кпритилган худо борлигининг барча «далиллари»ни қабул қилдилар, шу билан бирга, дунёда худо иштирок этишининг янги «ғувоҳларини» излайдилар, бунинг учун у ёки бу муаммоларни ечишда фақ олдида турган қийинчиликлардан фойдаланадилар.

Неотомистлар дунёни ўзгарувчанликда ва нисбий доимийлик-
да ҳаракат ва сукунатда кўрадилар. Бироқ бу қарама-қаршилик-
лар ягона моддий дунёда қандай муносабатда бўлишлигини таҳ-
лил қилишда ҳаракатни, нарсаларнинг моддийлигини ўткинчи
ниҳояли нарсаларга, сукунат, турғувликни эса худога тиркаб
қўядилар. Бу билан неотомистлар ҳаракатни ўзидан келиб чиқ-
қан ҳолда тушунтириш мумкин эмас, балки уни тушувиш учун
ҳаракатсиз двигатель, худо тушунчасини киритмоқ лозим, деб
таъкидлайдилар.

Неотомистлар табиатдан ташқари моддий дунёни яратган
плодний куч ҳам бор, деб таъкидлаш билан бирга, моддий дунё-
нинг ўзи суғ материя ва фаол моддий бўлмаган нарса шаклида
дейди. Бу ерда шакл — худо ғоясидан бошқа нарса эмас.

2. ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Ҳозир дунёда ижтимоий муносабатларни фалсафий асослаш-
га уринаётган бир қатор оқимлар мавжуд. Улар орасида *тарих*
фалсафаси кенг ўрин тутди. Бу оқимнинг кўзга кўринган ва-
киллари А. Тойнби, П. Сорокин ва бошқалар жамиятни идеалист-
тик нуқтаи назардан тушунтириб, иқтисодий муносабатларнинг
жамият ҳаётидаги белгиловчилик ролини ҳисобга олмайдилар,
ижтимоий тузумнинг моҳиятини моддий ишлаб чиқариш муно-
сабатлари эмас, балки бошқа кўпгина омиллар, шу жумладан,
маданият, мафкура ва ҳоказолар белгилайди, деб ижтимоий та-
раққиётни инкор эттишга уринадилар.

Сўнгги йилларда Ғарб мамлакатларида «ягона индустриал
жамият» назарияси кенг тарқалди. Бу назарияда капитализм ва
социализм системалари ҳозирги даврдаги ягона индустриал жа-
миятнинг хилма-хил кўринишидир, деган ғоя тарғиб қилинади,
оқибат натижада буржуа жамиятининг устувлигини кўрсатишга
уриниш ётади. Бундай қарашларга кўра, ҳозирги даврда капита-
листик ва социалистик мамлакатлар кўп соҳаларда (иқтисодий,
сиёсий ва маданий соҳаларда) ўзаро яқинлашиб бормоқда.

Аслида бу фикрларда капитализм жамияти хусусий мулкчи-
ликка, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига
асосланганлиги, социализм эса эксплуатациянинг ҳар қандай
шакли тугатилган, кўп турли социалистик мулкчиликка асос-
ланганлиги ҳисобга олинмайди. Ҳозирги даврда шаклланган ян-
гича сиёсий тафаккур капитализм билан социализм ўртасидаги
иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг янада ривожланишини
тақозо этмоқда. Лекин бундан капитализм билан социализм
қўшилиб кетади, деган хулосани чиқариш учун асос йўқ.

Биологик йўналиш. Маъмур йўналиш тарафдорлари биологик
детерминизмни қурол қилиб олди, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини
биология уюшмалари асосида изоҳлашга уринадилар. Бундай
қараш айниқса *ижтимоий дарвинизм* вакиллари учун хусусият-
лидир.

Ижтимоий дарвинистлардан Ф. Ланге, О. Аммон, Б. Кидд ва бошқалар органик оламдаги табиий тавланиш ва яшаш учун кураш қонувларини ижтимоий ҳодисаларга татбиқ этишга уринадилар. Уларнинг фикрича, жамиятдаги кураш яшаш, тирик қолиш учун курашдан бошқа нарса эмас, бу курашда кучлилар, алоҳида қобилиятли кишилар етишиб чиқади ва омон қолади, заифлар эса ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ижтимоий дарвинистлар жамият билан ҳайвонот оламини асоссиз равишда айналштирадилар, уларнинг бир-бирга ўхшашлигини исботлашга уринадилар. Ваҳоланки, ижтимоий ҳаёт ҳайвонот олаmidан тәмомла фарқланади. Табиат қонуларини тўғридан-тўғри жамиятга кўчпириш мумкин бўлмагани сингари, ижтимоий қонувлар билан табиатни ҳам изоҳлаш мумкин эмас. Инсоният жамиятининг ҳайвонот олаmidан энг асосий фарқи шуки, ҳайвонлар жуда нари борганда тўплайдилар, кишилар эса ышлаб чиқарадилар. Шу асосий фарқнинг ўзигина ҳайвонот оламини тўғридан-тўғри инсоният жамиятига кўчпириш мумкин эмаслигидан далолат беради, деб таъкидлаб ўтган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз асарларида.

Ижтимоий дарвинистлар биологик қонувлар билан ижтимоий тараққиёт қонувларини айналштириш орқали капитализмнинг «абадийлигини», жамиятнинг синфларга бўлинишининг табиийлигини асослашга уринадилар. Улар инсоннинг жамиятда тутган ўрни унинг келиб чиқиш сифатига (генларига) боғлиқ, фақат ҳукмрон синфларгина тўла-тўқис ирсий хусусиятларга эга, халқ оммаси «паст ирсиятли», - деб ҳисоблайдилар. Унинг намояндalarидан бири Уильям жамиятдаги ҳукмрон синф алоҳида қобилиятли кишиларнинг табиий тавланишидан келиб чиққан, деб кўрсатади.

Ижтимоий дарвинизм билан бевосита боғлиқ биологик йўналишлардан бири — *ирқчилик назариясидир*. Ирқий назария тарафдорлари тарихда инсоният айрим гуруҳларининг биологик келиб чиқишини ҳал қилувчи омил, деб ҳисоблайдилар ва шу асосда ижтимоий муносабатлар ирқлар орасидаги ўзаро муносабатлар ва абадий курашдан бошқа нарса эмас, деб эътироф этидилар. Айрим халқлар, уларнинг фикрича, ўзларининг ирқий хусусиятларига кўра ақлий ва жисмоний жиҳатдан бошқаларидан устун турадилар, худди шунинг учун ҳам ҳукмронлик қиладилар. Шундай қилиб, айрим халқлар ва синфларнинг бошқаларидан иқтисодий ва маданий жиҳатдан устунлиги тарихий тараққиёт натижаси билан эмас, балки биологик омил билан исботланади. Улар ирқий бўлиниш абадий ва ўзгармас, бу бўлиниш табиий ва ижтимоий шароитлардан қатъи назар мавжуд бўлаверади, деб ҳисоблайдилар. Бундай қараш ҳақиқатга тўғри келмайди. Инсоният ирқлари алоҳида территорияларда тарихан пайдо бўлган кишилар гуруҳлари бўлиб, улар келиб чиқишлари ва айрим морфологик хусусиятларининг умумийлигига эга. Инсоният ирқлари, бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг тарихан таркиб топган биологик гуруҳларидир.

Антропология, биология ва бошқа фанлар турли халқларнинг ақлий фаолиятлари орасида жиддий физиологик фарқлар йўқлигини исботлайди. Мустамлакачилик сиёсатининг емирлиши, Африка ва Осиё халқларининг империализм зулмидан озод бўлиши, уларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти реакция хусусиятга эга бўлган ирқчилик назариясининг асоссиз эканлигидан далолат беради.

Ижтимоий дарвинизмга яқин бўлган йўналишлардан яна бири — *неомальтусчилик* ҳамда *геосиёсат назариялари*дир. Неомальтусчилик ижтимоий тараққиётнинг белгилловчи кучи аҳоли зичлигида деб билади, геосиёсат назарияси эса давлатнинг сиёсати географик чегаралар билан белгиланади, деган хато фикрга асосланади.

Юқорида кўриб ўтилган назариялар қанчалик турли-туман бўлмасин, уларнинг қарашларида энг муҳим умумийлик мавжуд. Уларнинг барчаси турли усулларда капиталистик тузумни, эксплуататорликнинг мавжудлигини ҳимоя қилади, жамиятнинг синфларга бўлиниши, кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши абадий эканлигига асосланади. Бу назарияларда империалистик буржуазиянинг зўравонлик сиёсати оқланади.

Рухий йўналиш. Бу йўналиш тарафдорлари ижтимоий ҳаёт ҳодисалари асосида инсон руҳияти ётади, деб биладилар. Уларнинг фикрича, инсон руҳиятини ўрганиш тарихий ҳаракатнинг умумий жараёни, давлатлар эволюциясини, синфлар, миллатлар орасидаги ўзаро муносабатларни, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва томонларини тушуниш шаклини беради. Улар руҳий усулни социология соҳасидаги ягона илмий усул деб биладилар.

Материализм кишилар, ижтимоий гуруҳлар руҳияти жамиятнинг кундалик моддий ҳаёт шароитлари таъсирида шаклланади, бу моддий ҳаёт шароитлари асосида ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу типни ётади, деб ҳисоблайди. Шунга кўра кишиларнинг руҳий ҳаёти уларнинг моддий ҳаётидан келиб чиқади ва унга боғлиқдир.

Рухий назарияда икки: *бихевиористик ва фрейдизм* кўринишлари мавжуд. Бихевиористлар инсон хулқ-атворлари асосида ташқи қўзғатувчиларга нисбатан онгсиз реакция таъсирланиши ётади, деб ҳисоблайдилар. Улар ташқи қўзғатувчилар деганда ўз-ўзини сақлаш, муносабат, жасорат, тан олиш, хавфсизлик импульсларини назарда тутадилар. Фрейдистлар эса ижтимоий ҳаёт туғма онг, инстинктлар билан белгиланади, бу инстинктларнинг энг асосий жинсий инстинкт — либидодир, деб ҳисоблайдилар.

Рухий йўналиш тарафдорлари фикрича, барча ижтимоий ҳодисалар инсоннинг у ёки бу инстинкти намоён бўлиши натижасидир. Улар шундай усул билан, масалан, синфларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтироқчи бўладилар. Уларнинг фикрича, жамиятнинг синфларга бўлиниши асосида, тарихий материализм таълим берганидек, моддий омиллар эмас, балки субъектив, руҳий омиллар ётади. Буларга кишиларнинг ўзлари ҳақидаги,

ўзларининг жамиятдаги тутган ўринлари ҳақидаги фикрлари, аъзолик, дахлдорлик ҳисси кабилар киради. Рухий йўналиш тарафдорларидан бири Р. Сентера «инсон синфи «мен» нинг қисми ҳисобланади, бу шундай ҳисси, унинг нимасидир мансубликни ифодалайди», дейди. Бундай тушуниш Ейзенк, Морган ва бошқаларга ҳам хос.

Синфларнинг моҳиятини идеалистик талқин этишга асосланган социологлар буржуа жамиятидаги синфий курашни руҳий субъектив омилларга боғлаб тушуштирадilar. Масалан, С. Герей ўзининг «Саноатда руҳият» китобида «хўжайишлар билан ишчилар тўқнашувининг асосий сабаби ҳар иккала томоннинг ўзаро бир-бирига муносабатида амал қиладиган хато, ёлгон қарашларидир», дейди. Бундай қарашларда капиталистик ишлаб чиқариш усулининг хусусиятидан келиб чиқадиган синфий курашнинг ҳақиқий сабаби кўрсатилмаган. Унда синфий қелишмовчиликларнинг сабаби ўзаро бир-бирини англамасликда деб билинади.

Рухий йўналиш тарафдорларининг қарашлари биология ва табобатда маълум бир заминларга таянса-да, лекин ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига татбиқан ўта субъективдир. Масалан, улар урушлар ҳар бир инсонга хос урушқоқлик, нафрат, душманлик инстинктларининг ўзига хос кўринишидир, деб даъво қиладилар. «Биз худди бизда бўлгани сингари қотиллик қонида бўлган авлодлардан келиб чиққанмиз»,— деб ёзган эди Фрейд бир вақтлар. Лекин одамлар урушнинг сабаблари инсон руҳиятига эмас, балки буржуача тузумда эканлигини яхши билиб олган. Уларнинг шунга ишончи комилки, кишилар урушларнинг вайронгарчиллик кучлари олдида ожиз эмас, капиталистик системанинг тугатилишигина кишиларни империалистик урушлардан халос қилиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, руҳий йўналиш тарафдорлари меҳнаткаш омма диққатини инқилобий курашдан чалғитишдан, капитализмга хос зиддиятларни хаспўшлаш, бўяб кўрсатишдан, синфий кураш объектив заруриятини инкор этишдан, моддий манфаатлар тўқнашувини ғоялар тўқнашуви деб кўрсатишдан манфаатдор.

Технократик назария. Бу назария тарафдорлари техник тараққиёт капиталистик ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ўзгаришлар оқибатида капитализм ўзига хос бўлган характерли хусусиятларидан халос бўлди, ҳозирги капитализм жамияти аслида капиталистик эмас, бу жамият энди «бошқарувчилар», «технократлар» жамиятига айланди, деб ҳисоблайдилар. Д. Бэрнхэм ўзининг «Бошқарувчилар инқилоби» китобида капитализм социализм билан эмас, балки техник эиёллар ва амалдорлар вакилларининг ҳокимияти билан алмашилади, деб исботлашга уринади. Унинг издошларидан Д. Эласко, А. Фриш, К. Боулдинлар эса ташкилотчи «менеджерлар инқилоби» амалга ошди, деб таъкидлайдилар. Улар Ғарбнинг тараққий этган мамлакатларида капитализм янги ижтимоий тузум билан алмашинади деб ҳисоблайди-

лар ва ҳатто бундай тузумни улардан айримлари «роҳат-фароғат» давлати, бошқалари эса «халқ капитализми» деб номлайдилар. Француз социологи Веральдининг ёзишича, ҳозир давлатнинг бошқариш функциялари мутахассислар томонидан бажарилмоқда, ана шу маънода ҳозирги давлатлар у ёки бу даражада технократикдир.

Буржуа социологлари техниканинг ижтимоий тараққиётдаги ролини мутлақлаштириб, уни халқаро ҳукмронликка эришишнинг муҳим омили деб баҳолайдилар ҳамда ягона «халқаро давлат» ни тузиш зарурияти пайдо бўлди, деб исботлашга уринадилар. Техника жараёнининг, айниқса атом бомбасининг кашф этилиши билан инсониятнинг ҳалок бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги масала кескин кўтарилди. «Атом қуроли,— деб ёзади Бэрнхэм, — биз «цивилизация» деб атаган нарсаларни емириши, инсон ҳаётини хавф остида қолдирадиган моддий имкониятларни яратиши мумкин. Бундай қийин вазиятдан қутулишнинг бирдан-бир чораси — «халқаро давлат»ни тузиш ва шу орқали янги техника билан «эскирган» ижтимоий институтлар орасидаги зиддиятни бартараф этишдир. Фақат «халқаро давлат» ҳокимиятигина атом, водород ва бошқа оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш устидан монополия ўрнатиши ва бу билан инсониятни ҳалокатдан қутқариб қолиши мумкин». Бундай халқаро ҳокимият тепасида АҚШ турмоғи лозим. Технократия назарияси тарафдорларининг асосий мақсадлари ана шундай.

Эмпирик йўналиш. Буржуа социологлари ижтимоий ҳаёт қатор ўзига хос мустақил соҳалардан иборат, шундай экан социология умумий социологик муаммоларни эмас, балки ҳаёт соҳаларини ўрганмоғи лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар бу фикрга асосланган ҳолда оила социологияси, диң социологияси, қишлоқ хўжалиги социологияси, савдо-сотиқ социологияси кабиларни ажратиб кўрсатадилар.

Микросоциологлар ўз қарашларини йирик кашфиёт сифатида реклама қиладилар. Улар ниҳоят жамиятнинг «чуқур жойлашган асосларини» топганликларини, бу асослардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги ҳаётдаги барча ижтимоий жараёнларни тушуниш, ижтимоий инқилоб ва капиталистик дунёдаги эксплуататорлик жамиятини ўзгартириш заруратини йўққа чиқара оладиган кишилар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар бирдамлигига эришиш йўллариини топиш мумкинлигини баён этадилар. Уларнинг фикрича, барча ижтимоий ҳодисаларни икки гуруҳга: микротузилмага (кўзга кўринмас муносабатлар) ҳамда макротузилмага (яъни сезиларли, кўринарли ҳодисаларга) бўлиш мумкин. Биринчиси барча ижтимоий муносабатларнинг асосини ташкил этади ва жамият ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Макротузилма инсоний муносабатлар омили фаол бўлган барча соҳаларда — иқтисодиётда, биологияда, ижтимоий патологияда, сиёсатда, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳал қилувчи таъсир ўтказди, деб ҳисоблайди. Морена ижти-

мой ҳаёт асосида кўзга кўринмас «ижтимоий микроэлементлар», «ижтимоий атом» ётади, айнан шулар оқибат натижада кишилар ўртасидаги барча муносабатларни боғлайди дейди. «Ижтимоий микроэлементлар» деганда социологлар кишиларнинг руҳий ҳаёти, улардаги дўстлик, хайрихоҳлик, муҳаббат, душманлик, нафрат каби ҳис-туйғуларни назарда тутадилар. Шунингдек Морено «ижтимоий атом»нинг интилиш ва нафратлар системаси, индивидлар руҳий алоқаси ва муносабатларининг мураккаб бирикishi эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, микросоциологлар жамият маънавий ҳаётининг ижтимоий ғояларнинг моддий ҳаёт шароитларига нисбатан бирламчилиги ғоясини илгари сурадилар. Ҳақиқатан ҳам аниқ ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Лекин далилларнинг ёлғиз ўзи, улар назарий жиҳатдан умумлаштирилмаган тақдирда, фан учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Микросоциологлар ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаларини ўрганишга чақириш орқали меҳнаткаш омма диққатини ҳозирги даврнинг туб ижтимоий муаммоларидан чалғитишга, капиталистик тузум зиддиятларининг асосий сабабларини яширишга уринадилар.

Юқорида кўрсатилганидек, буржуа фалсафаси ва социологияси бизнинг қарашларимизга мувофиқ эмас. Лекин бундан уларда илгари сурилган фикрларнинг барчасини тўғридан-тўғри инкор этмоқ лозим, деган хулосани чиқариб бўлмайди. Лекин шу нарса маълумки, «ошқора душманлик» кайфияти кўп йиллар мобайнида идеалистик қарашларнинг асосий мазмунини ташкил этган. Айниқса бу ҳол антикоммунистик назарияларда яққол кўзга ташланади.

Ҳозирги замон фалсафасидаги барча фикр-мулоҳазаларни тўғридан-тўғри инкор этиш, уларни реакцион, деб аташ нотўғри, балки муҳокамада оқилона, одилона йўл тутиш, материалистик қарашларни мантиқий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Янгича сиёсий тафаккур мафкуравий мухолифликни таҳлил қилишда душманлик кайфиятидан халос бўлишни, у ёки бу қарашларни ҳолисона баҳолашни талаб этади.

II БУЛИМ. ДУНЕНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

У БОБ. БОРЛИҚ, МАТЕРИЯ ВА СУБСТАНЦИЯ КАТЕГОРИЯЛАРИ

1. БОРЛИҚ ТУШУНЧАСИ. СУБСТАНЦИЯ МУАММОСИ. ДУНЕНИНГ МОДДИЯ БИРЛИГИ

Борлиқ умуман инсонга ва унинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни билдирувчи фалсафий тушунчадир. У мураккаб ва кўп қирралидир. Борлиқ моддий предмет кўринишида бўлиб, материя ҳаракатининг ҳар хил шаклларида намоён бўлади ҳамда улар бир-биридан ўзаро фарқланади. Идеал борлиқ инсоният маънавий қадриятларини, илмий билиш категориялари ва принципларини ўз ичига қамраб олади. Инсон борлиги эса ўзига хос манфаатга эга бўлиб, маълум бир ижтимоий гуруҳлар ва синфларга тегишлидир.

Борлиқ тушунчаси субстанция категорияси билан узвий боғлиқ. Бу фалсафий категория, одатда моддий субстрат ва нарса ўзгаришларининг бошланғич асоси сифатида ифодаланади. Субстанция материя ва унинг ҳаракатининг барча кўринишлари бирлигини ифодалайди, лекин у материя тушунчаси билан айнан ўхшаш эмас. Субстанция материя таърифномасининг умумий мантиқий шаклларида бўлиб, унинг ўзгаришининг фаол сабабчисидир. Демак, материя субстанцияга нисбатан кенгроқ тушунча.

Борлиқни материалистик тушунишнинг моҳияти фақат унинг объективлигини эътироф этишдангина иборат эмас. Борлиқнинг энг муҳим белгиси — унинг моддийлигидир. Материалистик фалсафанинг бу қондасини илм-фаннинг бутун тараққиёти тасдиқлаб келмоқда. Унда белгилаб берилганидек, борлиқ онгга нисбатан объектив, бирламчи, уни ҳосил қилади ва ривожланишини шартлайди. Онг эса иккиламчи бўлиб, борлиқнинг инъикосидир. Ана шу маънода борлиқ ва материя тушунчалари кўпинча айнан бир маънода ишлатилади.

Борлиқнинг онгга нисбатан бирламчилиги, онгнинг иккиламчилиги ҳақидаги материалистик таълимот жамият тараққиётига нисбатан таъбиқ этилганда ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга нисбатан бирламчи, асос ижтимоий онг эса унинг инъикоси эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолади. К. Маркснинг «Сийёсий иқтисод танқидига доир» асари сўз бошида таъкидланганидек, «Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча

уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди»¹. Материалистик диалектика уқтирганидек, материясиз ва ундан ташқарида борлиқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Борлиқни материядан ажратиш, уни бир-бирига қарама-қарши қўйиш муқаррар равишда идеализмга олиб келади.

Фалсафанинг бутун тарихи давомида, дунёнинг моддий бирлиги масаласи фалсафанинг асосий масаласи сннгари материализм билан идеализмнинг кескин курашига сабаб бўлиб келди ва сабаб бўлмоқда. Бу масалани идеализмнинг барча вакиллари фанга хилоф ва ақлга номувофиқ тарзда ҳал қилдилар. Уларнинг фикрича, дунёнинг моддий бирлиги барча нарсалар ва ҳодисалар табиатдан ташқарида ундан олдин мавжуд бўлган қандайдир ғоянинг маҳсулидир. Чунончи, Гегель таълимотига кўра, ҳамма нарсалар ва ҳодисалар «мутлақ ғоя»нинг маҳсулидир. Бинобарин, оламни яратувчи шу ғоя ундаги парса ва ҳодисаларнинг бирлигини ҳам белгилайди, дейилади идеалистик таълимотларда. Шунингдек диний қарашларда ҳам дунёнинг моддий бирлиги барча нарсалар ва ҳодисаларнинг худо томонидан яратилганлигида, деб тушунтирилади.

Дунёнинг моддий бирлиги масаласини тушунтиришда дуалистлар ҳам катта чалкашликларга йўл қўйдилар. Уларнинг фикрича, оламнинг асосида абадий мавжуд бўлган икки мутлақ асос ётади, яъни материя билан рух. Демак, улар барча нарсаларни материядан иборат эканини таъ олсалар-да, материя билан онгининг боғлиқлигини нотўғри ҳал этганликларидан учун оламнинг моддий бирлиги масаласини тўғри тушунтириб бера олмайдилар.

Метафизик материализмнинг вакилларида бўлган Е. Дюринг ҳам дунёнинг моддий бирлиги масаласини асослаб бермоқчи бўлади. Унинг кўрсатишича, дунёнинг моддий бирлиги унинг борлигида эмиш. Ф. Энгельс бу метафизик уйдирманинг бошдан-оёқ сохта, фанга хилоф эканини кўрсатиб: «Гарчи оламнинг борлиги унинг бирлиги учун зарур шарт бўлса-да (чунки олам *бир* бўлишдан илгари *мавжуд бўлиши* лозим), оламнинг бирлиги унинг борлигида эмасдир... Оламнинг ҳақиқий бирлиги унинг моддийлигидадир, бу моддийлик эса бир-икки найрангбозлик ибораси билан эмас, балки фалсафа ва табиётнинг узоқ ва қийин ривожланиши билан исбот қилинади»², — деб ёзган эди.

Ф. Энгельс эса илмий йўлни ўзига асос қилиб олиб, дунёнинг моддий бирлигини идеализмга ва метафизиккага тамомила қарама-қарши йўл билан тушунтириб беради. Диалектик материализмнинг дунёнинг моддий бирлиги тўғрисидаги таълимоти уч асосий назарий фикрга таянади:

1). Материя объектив реалликдир, у инсон онги, продаси, хоҳиши ва истагидан ташқарида реал мавжуддир. Демак, дунёнинг

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдик тавланган асарлар, 1-жилд, 536-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 39-бет.

моддий бирлиги инсоннинг сезгилари ва тушунчаларига боғлиқ бўлмай, бу birlik инсон онгидан ташқарида, ундан мустақил ва абадий мавжуд бўлган материянинг хусусиятлари билан ифодаланади;

2). Дунё моддийдир, барча нарсалар ва ҳодисалар материянинг турли шакллардаги кўринишидан иборат. Оламда фақат материя ва унинг аниқ сифати ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, оддий чанг заррасидан сув томчисигача, мураккаб молекуладан минералга қадар бўлган нарсаларни олиб кўрайлик. Булар турли кўринишга, сифат ва хусусиятга эга бўлиб, бир-биридан жуда фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси материянинг муайян бир кўринишидир, буларнинг замида ҳамма жисмлар учун умумий бўлган субстанция — материя ётади. Мана шуни birlik деб атаймиз. Бундай birlik ёлғиз бизнинг сайёрамиздагина эмас, балки чексиз коинотнинг барча бепоён томонларида, ҳамма жойларида объектив мавжуддир. Ф. Энгельснинг «дунёнинг бирлиги унинг моддийлигидадир», деган фикри худди шу масалани ҳисобга олишга асослангандир;

3). Оламдаги барча нарсалар ва ҳодисалар қандай мазмунга, шаклга эга бўлишидан ва коинотнинг қайси ерида жойлашишидан қатъи назар, ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир. Бу боғлиқлик оламнинг шундай бир умумий ва зарурий томоники, табиатдаги бирор предмет ёки жамиятдаги бирор ҳодиса шу боғланишдан четда қола олмайди. Барча мавжуд нарсалар ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги бу боғланиш ҳам оламнинг бирлигини кўрсатувчи далилдир.

Қадимги содда ва стихияли материализм вакиллари оламнинг моддий бирлигини тан олиб, бу birlikни барча нарсаларнинг асосида ётган қандайдир модданинг мавжудлиги билан исботламоқчи бўлган эдилар. Улар оламнинг ҳақиқий birlikини оддий кузатиш орқали фараз қилишган. Лекин масалани бу йўл билан илмий ёритиб бўлмас эди.

Дунёнинг моддий birlikи материалистик фалсафанинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, бунинг моҳияти оламдаги хилма-хил нарсалар ва ҳодисалар асосида бир бутун, ягона субстанция — материя мавжудлигини эътироф этишдан иборатдир. Диалектик-материалистик дунёқарашга биноан бизни қуршаб турган дунё ғоят турли-тумандир, ҳамма нарсалар ва ҳодисалар ўз хусусиятлари, хоссалари, сифати жиҳатидан айнан ўхшаш эмас. Органик ва ноорганик табиат, физик ҳодисалар ва кимё жараёнлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бир-бирига қанчалик яқин алоқа ва боғланишда бўлмасин, барибир, уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида қонуни, сифати ва хусусиятларига эгадир. Материалистик фалсафа оламдаги нарса ва ҳодисалар қанчалик бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан улар ўртасида birlik борлигини очиб беради. Бу birlik шундан иборатки, оламда юз берадиган барча хилма-хил ҳодисалар — материянинг турли хоссалари ва кўринишларидир. Уларнинг ҳаммаси моддий, яъни онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир.

Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилиб турувчи материя бутун мавжудотнинг негизи ва манбаидир.

Оламнинг моддий бирлиги масаласи диалектик материализмнинг бошқа масалалари сингари табиётшунослик фалларининг энг янги ва чуқур кашфиётлари билан исботланди. Шунинг учун ҳам Ф. Энгельс оламнинг моддий бирлиги бир-икки найрангбозлик ибораси билан эмас, балки фалсафа ва табиётшуносликнинг узоқ давом этган тараққиёти билан белгиланади, деб бежиз айтмаган эди. Шунингдек у «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» асарида дунёнинг моддий бирлигини, табиатда юз берадиган жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлигини исботлашда уч буюк кашфиёт катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади.

Дарвиннинг эволюцион назарияси тирик организмларнинг узоқ тарихий жараён натижасида шайдо бўлганлигини ва шунинг учун улар ўзларининг келиб чиқишларига сабаб қилиб бироп илоҳий куч борлигини пеш қилишга асло муҳтож эмаслигини исботлади.

Дунёнинг моддий бирлиги масаласини исботлашда энергия ва массанинг сақланиш қонунининг кашф этилиши ҳам катта аҳамиятга моликдир. Бу қонунни XIX асрнинг ўрталарида Мейер ва Жоуль очди. Бу қонун материянинг бордан йўқ бўлмаслигини, йўқдан бер бўлмаслигини, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туришини, шу жараёнда турли сифатга, хусусиятга эга бўлган нарсалар, ҳодисалар пайдо бўлиб ва ўзгариб туришини ҳам исботлаган эди. Буюк рус олими М. В. Ломоносов бу қонунни шарҳлаб, кимёвий реакциялар вақтида масса йўқолмаслигини, балки бошқа ҳолатга ўтишини кўрсатиб берган эди. Демак, оламдаги барча нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий асоси бўлмиш материя ҳаракат жараёнида турли шаклларда намоён бўла боради, лекин ўзининг умумий массасини йўқотмайди. Бизнинг асримизда эса шу икки қонунга таяниб масса билан энергиянинг бирлиги қонунини кашф этилди.

Моддий бирлик тирик организмлар ўртасида ҳам мавжуддир. Организмлар материя тараққиётининг турли босқичларида туради. Улар ўзларининг сифат ва хусусиятлари, моҳияти ва имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Лекин шунга қарамай, энг оддий организмдан бошлаб одамга қадар ҳаммаси ҳужайралар, оқсил моддалар ва бошқа мураккаб кимёвий бирикмалардан ташкил топганлиги маълум. Ўсимликлар ва ҳайвон организмларининг ҳужайрадан тузилиши тўғрисидаги таълимот оламнинг яна бир муҳим соҳасида ҳам моддий бирлик мавжуд эканлиги кўрсатади.

Моддий бирлик органик олам билан ноорганик олам ўртасида ҳам мавжуддир. Органик оламнинг асосий хусусияти ташқи муҳит билан модда алмашишдир. Модда алмашиш организм ташкилий тузилишининг маълум чегарасига қадар давом этади, холос. Агар организм таҳлил қилиниб, маълум чегарага қадар бўлинса, унинг тузилиши бузилади ва модда алмашиш тўхтаб

ди. Шу чегарадан кейин давом этадиган таҳлил органик оламнинг иоорганик олам билан умумий бўлган томонларини очиб беради.

Моддий оламдаги ипмаикки нарсани олиб текширсак, ҳаммасы материянинг турли шаклдаги кўриниши бўлади, уларни таҳлил қилсак таркибида албатта молекулалар, атомлар ва бошқа зарралар борлиги аниқланади.

Ҳозирги замон табиётшунослик фанлари оламнинг моддий бирлигини исботлаш учун янада янги далиллар бермоқда. Микрооламни ўрганиш, унинг ички қонувларини кашф этиш бу соҳада аича аҳамиятлидир. Электрон, протон, нейтрон, мезон кабилар материянинг шундай шаклларики, уларни оламдаги ҳар бир нарса ёки ҳодисани ташкил этган заминнинг бирчасидан топишимиз мумкин.

Моддий бирлик бутун борлиқнинг умумий қонунидир. Олимлар бешоён космологиянинг узоқ жойларида келган космик нурларда ҳам позитрон, мезон сингари зарралар мавжудлигини айтмоқдаларки, бу нурларни тажриба йўли билан ерда ҳам ҳосил қилиш мумкин. Оламнинг қайси бурчагига назар ташламайлик, ҳамма жойда материянинг бизга маълум бўлган турларини, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини, умумий қонуниятларини пайқаймиз. Узоқ юлдузлар таркибининг спектраль таҳлили ҳам буни исботламоқда.

Диалектик материализмнинг оламнинг моддий бирлиги тўғрисидаги таълимоти жамият ҳодисаларига ҳам дахлдордир. Жамият тараққиётининг асосида ҳам моддий ишлаб чиқариш ётади. Диалектик материализм жамиятнинг моддий ҳаёт шароитлари иктимой, сиёсий ва маданий тараққиётнинг асоси деб ҳисоблайди. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса жамиятнинг ўзи табиат тараққиётининг зарурий оқибатидир. Органик оламнинг тараққиёти маълум бир давр ва шароитларда одамнинг келиб чиқишига, унинг жамоа муносабатлари ва меҳнат жараёнида ўсишига, сўнгра кишилик жамиятининг ташкил топишига олиб келган. Шунинг учун ҳам табиат билан жамиятни бир-бирдан ажратиб қараш, уларни қарама-қарши қилиб қўйиш нотўғридир.

Дунёнинг моддий бирлиги тўғрисидаги таълимот мавжудликнинг ҳамма томони моддийдир, материядан иборатдир, деган маънони билдирмайди. Оламдаги барча мавжудотнинг материя ва унинг хусусиятларидан иборатлиги шубҳасиздир, албатта. Лекин материянинг хусусияти фақат моддий шаклдагина эмас, руҳий, маънавий шаклда ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, тафаккур материянинг ана шундай руҳий хусусиятидир.

2. МАТЕРИЯ КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ФАЛСАФА УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТИ

Диалектик материализм объектив борлиқ доимо ҳаракат қилиб турувчи материядан иборат деб эътироф қилади. Хўш, материя нима?

Моддий дунё беҳад хилма-хилдир, унда содир бўладиган ҳодисалар ҳам турли-тумандир. Уларнинг асосини нима ташкил қилади? деган савол кишиларни қадимдан қизиқтириб келади. Бу саволга фалсафа фан сифатида шаклланаётган даврдаёқ икки оқим икки хил жавоб берган. Идеалистик оқим вакиллари дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар асосини сезги, илоҳий ирода ёки мутлақ ғоя ташкил этади деб тушунтиради. Оламга бундай қарашга қарши бўлган материалистлар эса ҳодисаларни табиий изоҳлашга интилиб келганлар. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, табиатни ўз ҳолича, ҳеч қандай қўшимчасиз тушуниш материалистик таълимотнинг асосини ташкил этади. Материя — материалистик фалсафанинг асосий категорияларидан биридир. Бу илмий атаманинг келиб чиқиши оламни материалистик тушуниш билан боғлиқдир.

Ўтмишдаги материалистлар материяни реал нарсалар ва ҳодисаларнинг бирор аниқ шакллари билан таққослашга ҳаракат қилганлар. Қадимги содда материализмнинг вакилларидан бўлмиш Фалес дунёнинг асосини ташкил этувчи материал сув деб тушунган. Гераклит эса, ҳамма нарсанинг асоси, замини олов, деб ҳисоблаб, барча нарсалар ва ҳодисалар оловдан пайдо бўлади ва яна оловга айланиб кетади, деган қарашни олдинга сурган.

Бу материализмнинг яна баъзи бир вакиллари дунёда барча нарса ва ҳодисалар турли-туман, ранг-баранг бўлгани учун бирор аниқ бир материалдан эмас, балки бир неча хил материалларнинг бирлашмасидан ёки ўзаро муносабатидан ташкил топади деб ўйлаганлар. Натижада дунёни, унинг нарса ва ҳодисаларини ташкил этувчи материал — сув, олов, ҳаво, тупроқдан иборат бўлади, деган қарашлар ҳам келиб чиққан.

Оламни ташкил этадиган материалларни шу йўсинда тушунтирадиган материалистик таълимотлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Миср фалсафасида катта ўрин тутган эди. Бунинг мисоли сифатида Ҳиндистондаги кенг тарқалган чарвака таълимотини олиб кўришимиз мумкин. Бу таълимотга кўра, ер, сув, ҳаво, оловнинг ўзаро муносабати, алоқаси барча нарсалар ва ҳодисаларнинг келиб чиқишига асосдир деб қаралади.

Материализмнинг қадимги вакиллари нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқишини қандайдир бирор нарса, нарсалар бирлашишига боғламай, аксинча ҳамма нарса ва ҳодисалар учун умумий бўлган моддий асосни пеш қилишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, қадимги Хитой фалсафасидаги даосизм таълимоти, юнон материалисти Демокритнинг систематик назарияси, яъни оламнинг бирламчи ва бўлинмас зарраси «ғиштча»си ҳақидаги тасавури ана шундай қарашлардан эди.

XVII—XVIII аср материалистлари ҳам материя нима? деган саволга илмий жавоб бера олмаганлар. Улар материя категориясига фалсафанинг асосий масаласи билан бевосита алоқадор бўлган масалалар соҳасидагина мурожаат қилганлар, уни онгга нисбатан бирламчи ва абадий дунёнинг реал асоси деб тан олиш билан чекланганлар, холос.

Марксдан олдинги материалистларнинг материя ҳақидаги фикрлари бир ёқлама, чекланган, метафизик бўлса-да, катта аҳамиятга эга бўлди. К. Маркс ва Ф. Энгельс уларнинг қарашларига танқидий ёндашган ҳолда материя категориясининг фалсафий таърифини материалистик асосда ҳал қилиб берди.

Материя тушунчаси дунёнинг барча нарсалари ва ҳодисаларига хос бўлган энг умумий хусусиятни белгилайдиган мавҳум тушунчадир. Бу тушунчада нарсаларнинг энг умумий муҳим белгилари ва хусусиятлари ифодаланади. Демак, материя тушунчаси ифодалайдиган дунёдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белгиси, хусусияти шундан иборатки, улар бизнинг онгимиздан ташқарида мустақил, объектив равишда, онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Ҳамма нарсага хос бўлган умумий хусусият фалсафий категория бўлган материянинг ягона хусусиятларидир.

Юзани қараганда масаланинг шу тахлитда қўйилиши уни тушунишни қийинлаштирадиганга ўхшайди. Аслида бундай эмас. Биз объектив оламда ит, от, эчки, мол, туя, бўри, тулки, айиқ ва бошқаларни учратамиз. Буларнинг ҳаммасини «ҳайвон» деган умумий ном билан ифодалаймиз. «Ҳайвон» — умумий тушунча. Аммо оламда «умумий ҳайвон» йўқ, балки алоҳида ит, эчки, мол ва бошқалар мавжуд. Бу ўринда ҳайвон тушунчаси барча ҳайвонларда бор бўлган умумий сифат ва хусусиятларни ифодалайди. Демак, ҳар қандай умумий тушунча аниқ нарса ёки ҳодисалар бор бўлгани учунгина мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасида бор бўлган умумий сифат ва хусусиятларни ифодалайди. «Дарахт», «уй», «нисон» сингари умумий тушунчалар ҳам худди шундай.

В. И. Ленин материяга ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» деган асарига қўйидагича таъриф беради: «Материя объектив реалликни ифодалайдиган фалсафий категория бўлиб, бу объектив реалликни нисон ўз сезилари билан идрок қилади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, бизнинг сезгиларимиз ундан нусха олади, сурат олади, уни акс эттиради»¹. Бу классик таърифда материя онгимизнинг объектив манбаи эканлиги ва уни билиш мумкинлиги кўрсатилади, шу билан бирга материянинг объектив реаллигини инкор қилувчи идеализмнинг ҳар қандай кўринишларига зарба берилади. В. И. Лениннинг фикрича, материя тушунчаси, гносеологияк нуқтан назардан қаралганда, дунё объектив равишда биздан ташқарида мавжуд, у сезгиларимизда акс эттирилади, деган фикрдан бошқа ҳеч нимаши ифодаламайди.

Материянинг фалсафий тушунчаси фақат ҳозирги даврда фанга маълум бўлган объектларнинггина эмас, балки келгусида кашф қилинадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, бу маънода унинг методологияк аҳамияти каттадир. Материянинг диалектик-материалистик тушунчаси фақат табиатнинггина акс эттириб қол-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 146-бет.

масдан, балки жамиятнинг моддий ҳаётини ҳам акс эттиради, чунки у ҳам кишиларнинг онгига боғлиқ бўлмаган объектив реалликдир.

Материалистик диалектика материя абадий, бепоён, чексиз, йўқолмайди деб ўргатади. Материянинг абадийлиги унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, ҳамisha мавжуд бўлишини, ҳар бир янги кашфиёт туфайли унинг янги ва янги томонларининг очилишини билдиради. В. И. Ленин материя ҳақидаги материалистик таълимотни ривожлантирар экан, унинг фалсафий маъмуни материянинг тузилиши ҳақидаги табиий-илмий тасаввурлар билан алмаштириб юбормаслигини таъкидлайди. Материянинг гносеологик маънодаги маъмуни кенг, умумий ва абадийдир, ammo унинг хусусиятларини ва тузилишини аниқ фанлар соҳасида талқин қилиш эса нисбийдир.

Ҳозирги замон фан кашфиётлари материянинг битмас-туганмас хусусиятларини очишда унинг фалсафий маъмуни илмий материалистик маъмуни касб этаётганлигини тасдиқламоқда.

Кишилик жамиятининг ижтимоий тарихий амалиёти, инсоният билимининг бутун тарихи дунёнинг моддийлигини ва унинг объектив реаллигини таъкидлайди. Умуман табиат илми ва ижтимоий фанларнинг жами кашфиётлари, ютуқлари материалистик дунёқарашни илмий асослаб бериш учун далилдир. Айниқса, материя хусусиятларининг ҳозирги замон фанлари томонидан ўрганилиши таълимотнинг сермаъмуни таълимот эканлигини, унинг бошқа фанлар учун методологик асос эканлигини исботлайди. Янги кашфиётлар материя тузилиши ва унинг хусусиятлари ҳақидаги eski тушунчаларнинг камчиликларини бартараф қилиб, унинг бойиб, кенгайиб боришини кўрсатади.

Бундан икки минг йил илгари Левкипп, Демокритларнинг бўлиnmас зарра — атом ҳақидаги фаразлари материя тузилиши ҳақидаги бошланғич фикрлар эди. Рус олими М. В. Ломоносов ва итальян олими Лавуазьеларнинг турли моддаларнинг кимёвий ва физик хоссалари ҳақидаги назарияси материя ҳақидаги билимларнинг чуқурлашиб боришига сабаб бўлди. Кимё фанида А. Бутлеровнинг молекулаларнинг тузилиши соҳасидаги кашфиётлари, Д. И. Менделеевнинг «Элементлар даврий системаси қонуни»нинг очилиши материянинг тузилиши ҳақидаги ҳозирги замон таълимотига асос бўлди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги физикадаги энг янги кашфиётлар, чунончи, электроннинг очилиши, уран ва бошқа атомлар радиоактивлик хусусиятининг, рентген нурларининг кашф қилиниши атом ҳақидаги қарашларга бурилиш ясади. Электрон ҳаракат тезлигининг ўзгаришига қараб унинг массаси ҳам ўзгариб туришининг аниқланиши ($E=mc^2$) материянинг ҳозиргача маълум бўлмаган янги хусусиятларининг очиб берилганлигидан, моддаларнинг бир турдан иккинчи турга айланишида диалектик жараён борлигидан дарак беради.

Физика фани эришган бу ютуқлар диалектик материализм материя тушунчасининг объектив реалликини ифодаловчи хусу-

сиятининг тўғри эъкалливини исботлади. Бу кашфётлар атомнинг бўлинишини, унинг янги хусусиятларининг, айниқса масса хусусиятларининг сфат жиҳатдан аввалги хусусиятидан фарқ қилишини кўрсатади. Физикларни бу нарса шошилдириб қўйган эди. Шунинг учун уларнинг баъзи бирлари диалектикани тўғри тушуна олмаганлиги натижасида идеализм ботқоғига ботиб кетдилар. Бундан фойдаланган махчилар массанинг ўзгарувчан хусусиятвни материянинг йўқолиши деб идеалистик хулоса чиқардилар. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» номли асарида махчиларни тавқид қилиб, материя йўқ бўлганга деган гапнинг маъносини тушунтириб, материянинг биз ҳозиргача билган чегараси йўқолди, бизнинг билимларимиз чуқурлашяпти, материянинг аввалги ўзгармас деб ҳисобланган хусусияти ўзгармоқда деб таъкидлаган эди.

Материя тузилишининг ҳар бир шаклида ҳаракат ва тараққиётнинг ўзига хос қонуниятлари бўлиб, бу қонуниятларнинг ҳар бири атомнинг мураккаб ва туганмас хусусиятини, демак, материянинг тузилиши ва хоссалари мураккаб эканлигини кўрсатади. Электрон билан позитрон бир-бирига натижасида фотоннинг ҳосил бўлиши ҳам материянинг тузилиши мураккаблигини кўрсатади.

А. Эйнштейннинг $E=mc^2$ формуласида m — масса ва E — энергия асосидаги боғлиқлик материянинг ўзининг ҳаракат шаклининг энергияга айланишини кўрсатмайди, балки бир турдаги масса ва энергиянинг иккинчи турдаги масса ва энергия билан боғлиқлигини кўрсатади. Демак, материянинг фалсафий тушунчасини тинчлик массасига эга бўлган физик объект билан теплаштириб бўлмайди. Зарра қандай кўринишда бўлмасин, у массага эгами ёки йўқми, барибир, инсон онгидан ташқарида. Демак, объектив реал зарраларнинг бир-бирига таъсирида, уларнинг бир-бирига айланиши натижасида модда нурланади ёки электромагнит квантларни ҳосил қилади, улар моддалардан ҳосил бўлганга учун қандай кўринишда бўлмасин моддий деб биламиз. Бу ерда махчилар материянинг физик тузилиши ҳақидаги масалани унинг фалсафий тушунчаси билан алмаштириб юборган эдилар. В. И. Ленин уларни тавқид қилиб, моддий объектлар қандай кўринишда бўлмасин, қандай хусусиятга эга бўлмасин, улар биздан ташқарида объектив равишда мавжуд, билимларимизнинг ўзгариб, кенгайиб ва ривожланиб бориши реал дунёнинг объективлигини ҳеч қачон инкор қилмайди деб уқтирган эди. Унинг фикрини ҳозирги замон фаши тасдиқламоқда. Материянинг янги-дан-янги хусусиятлари ва тузилишига оид бўлган таълимотларни тасдиқловчи кашфётлар қўлга киритилмоқда. Атом ядросини ўрганишга оид исбийлик назарияси, квант мёханикаси, элементар зарралар физикасидаги ҳар бир ютуқ бунинг исботидир. «Элементар зарралар» физикаси ҳозирги вақтда атомнинг ички тузилишига оид янги фикрларни ҳам бермоқда.

Элементар зарралар бу хусусиятларининг очилиши материя тузилиши ва хусусиятлари ҳақидаги билимларимизнинг чегара-

си ҳеч қачон бўлмаслигини кўрсатади. Физикадаги бу кашфиётлар материянинг икки асосий кўринишида — модда ва майдон кўринишида мавжудлигини кўрсатади. Материянинг модда ва майдон кўриниши баъзи бир хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Модда кўринишидаги материя тинчлик массасига эга бўлиб, булар жумласига протон, нейтрон, электрон ва позитронларни, улардан ташкил топган атом ва молекулаларни киритиш мумкин. Молекулалардан таркиб топган макроскопик жисмлар ҳозирги замон фани берган маълумотларга асосан, ҳар хил ҳолатда бўлишлари мумкин: суюқ қаттиқ, газсимон, плазма, эниплазма, физик вакуум ҳолатда. Материянинг майдон кўриниши модда кўринишидан ҳаракатдаги массага эга бўлиши ва ёруғлик тезлигига яқин тезлик билан ҳаракат қилиши орқали фарқ қилади. Электромагнит майдон, ядро майдони, гравитацион майдон — булар материянинг майдон кўринишидир. Материя майдон кўринишининг мавжудлиги унинг сифат ва хусусиятларининг модда кўриниши билан алоқадорлиги, фарқи, электромагнит майдонининг тўлароқ ўрганилиши асосида очиб берилади.

Ёруғлик оқими электромагнит майдон тўлкинидан иборат бўлиб, у ҳаракатдаги массага эга бўлган заррача — фотонлардан ташкил топган. Фотон эса секундига 300 минг км тезликда ҳаракат қилади. Материянинг майдон кўриниши ана шу хусусиятига кўра модда кўринишидан фарқ қилади. Ёруғлик масса ва энергияга эга, демак электромагнит майдон ҳам массага, ҳам энергияга эга, бу материянинг модда кўриниши билан майдон кўриниши хусусиятига кўра ўхшашлигини кўрсатади.

Ҳар қандай модда масса ва энергияга эга. Тажрибалар материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланишини аниқлади. Демак, материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланиши зарраларнинг зарра ва антизаррадан ташкил топганлигини кўрсатади. Материянинг бу хилдаги кўринишларининг бўлиши В. И. Ленин фикрининг тўғрилигини, илмийлигини ява бир бор исботлади.

Материянинг бевихоялиги ва чексиз тузилиши, мураккаб хусусиятлари ҳақидаги масала моддий оламнинг сифат жиҳатидан битмас-туганмаслигини ўз ичига олади. У органик жиҳатдаш дунёнинг моддий бирлиги принципи билан боғлиқ.

Оламни моддий, материяни эса бизнинг онгимиздан ташқарида, мустақил, объектив реаллик, битмас-туганмас деб билиш уни қандай бўлса шундайлигича, қўшимчаларсиз тушунишга йўналтиради. Бу фикр табиатшуносларга идеализм ва агностицизмга қарши курашда илмий тадқиқот йўлида вужудга келадиган қийинчиликлардан чиқишга, турли-туман ҳодисалар занжирини асосий ҳалқани аниқлаш учун муҳим бўлган тарихий ёндашишга ёрдам беради. Диалектиканинг оламнинг моддийлиги ҳақидаги таълимоти свёсий партиялар фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Агар олам моддий бўлса, ижтимоий ҳаёт ҳам моддийдир ва у ўз қонуниятларига асосан ривожланади. Агар материя бирламчи, кишилар онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд экан, аввало

кипиларнинг моддий ҳаётларида ўзгартириш зарур. Диалектиканинг дунёнинг моддийлиги ҳақидаги таълимотидан келиб чиқадиган баъзи бир хулосалар шулардан иборат.

3. ҲАРАКАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ТУШУНЧАСИ. ҲАРАКАТНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ҳаракатда, ўзгаришда, ўзаро таъсирда ва ўрин алмашишдадир. Ҳеч бир мутлақ тинч турган, ҳаракатсиз нарса йўқ. Оламдаги нарсалар ҳаракатда бўлиб, улар бир-бирига айланади, бири иккинчисини йўқотади, бири иккинчисидан пайдо бўлади. Ҳеч нарса иссиқ йўқ бўлмайди. Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» асарига, бутун табиат — энг кичик заррадан тортиб, энг катта жисмларгача, қум донасидан тортиб, қуёшгача, протистдан тортиб одамзодгача доимо пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш, узлуксиз оқиш, бетўхтов ҳаракат қилиш ва ўзгариш ҳолатини кечириб туришини таъкидлаб ўтади.

Теварак-атрофимиздаги оламни билиб борар эканмиз, унда ўзгармайдиган ҳеч нарса йўқлигини, ҳамма нарса ҳаракатда бўлиб, бир шаклда иккинчи бир шаклга ўтиб туришини кўрамиз. Барча моддий объектларда элементар зарралар, атомлар, молекулаларнинг ҳаракати содир бўлиб туради, ҳар бир объект уни қуршаб турган муҳит билан ўзаро бир-бирига таъсир қилиб туради, бу ўзаро таъсир эса у ёки бошқа турдаги ҳаракатни ўз ичига олади. Ҳар бир жисм, ҳатто Ерга нисбатан осойишта турган жисм ҳам у билан бирга Қуёш атрофида айланади, Қуёш билан Ер эса Галактиканинг бошқа юлдуз системаларига нисбатан ўрин алмаштириб туради ва ҳоказо.

Агар қаттиқ жисмлар олиб қараладиган бўлса, уларнинг тузилиши ва шаклининг барқарорлиги уларни ташкил этувчи микророзаралар ўртасидаги муайян ўзаро таъсирга боғлиқ эканлигини кўриш мумкин; фазо ва вақтда кенгайиб борувчи ҳар қандай ўзаро таъсир эса ҳаракат сифатида юзага чиқади, худди шунингдек, ҳар қандай ҳаракат ҳам материя турли элементларнинг ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Буржуа файласуфлари ҳаракатни материядан ажратиб, унга материяга ташқаридан берилган куч деб қарайдилар. Чунончи, механиканинг фан сифатида шаклланишига асос солганлардан бири Ньютон сайёралар Қуёш атрофида доимий ҳаракат қилиб туради деб тўғри таъкидлаш билан бирга бу ҳаракатнинг маъбани илоҳий биринчи туртки деб ҳисоблар эди. XIX аср немис метафизиги Е. Дюринг эса материя абваллари қотиб қолган ҳолда бўлган, кейинроқ у механик ҳаракатга эга бўлди деб таъкидлайди.

Материя барча ўзгаришларнинг субстанциявий негизидир; материядан ажралган ҳаракат, «соф ҳаракат» йўқ. XIX асрнинг иккинчи ярмида йirik пемис физиги В. Оствальд материя ва ҳаракатнинг боғлиқлигини инкор этувчи ўзининг энергетизм назари

рияси билан чиқди. Энергетизмнинг вакиллари материясиз ҳаракат мавжуд бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурдилар. Улар материядан ажралган, қандайдир номоддий нарсага айлантирилган «соф энергия»ни барча ўзгаришларнинг бирдан-бир негизи деб ҳисоблар эдилар. Ҳақиқатда эса энергия — материянинг хоссасидир, бу хосса ҳаракатнинг миқдорий меъёридан иборат бўлиб, моддий системаларнинг ички ўзгаришлар асосида муайян ишни амалга оширишга қобилияти борлигини ифодалайди. Энергия материядан айрим ҳолда мавжуд бўлмайди ва ҳамisha моддий жисмларнинг бошқа хоссалари билан биргаликда юзага чиқади. Ҳаракатни материядан ажратишга уринишларнинг асосис эканлигини Ф. Энгельс «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарларида кескин танқид қилади. В. И. Ленин махчиларнинг материяни модда билан айнийлаштириб, уни йўққа чиқаришга ва ҳаракатни материядан ажратишга уринишларини танқид қилиб шундай деб ёзади: «Материалистнинг идеалистик фалсафа тарафдоридан асосий фарқи шуки, материалист сезгини, идрокни, тасаввурни ва умуман инсон онгини объектив реалликнинг образи деб билади. Олам — онгимиз акс эттирадиган ана шу объектив реалликнинг ҳаракатидир. Тасаввурнинг, идрокларнинг ва ҳоказоларнинг ҳаракатига мендан ташқаридаги материянинг ҳаракати мувофиқдир. Материя тушунчаси биз сезги билан идрок қиладиган объектив реалликдан бошқа ҳеч нимани ифодаламайди. Шу сабабдан, ҳаракатни материядан ажратиш тафаккурни объектив реалликдан ажратиш билан, менинг сезгиларимни ташқи оламдан ажратиш билан, яъни идеализм томонига ўтиш билан барабардир»¹.

Диалектик материализм эски метафизик материализмнинг материя ва ҳаракатга оид қарашларидаги камчиликларга ҳам чек қўйди. Метафизик материализм ҳаракатнинг фақат механик шакли, яъни оддий кўчиш, маконда алмашишни тан олиб, материяга ташқи турткининг берилиши билан олам ҳаракатга келади деб ҳаракатни материядан ажратиб қўяди. Материя ҳаракатининг мавжудлиги ички сифат ўзгаришларига боғлиқ ҳолда бўлиб, тараққиёт инкор этилган. Шунингдек улар табиат ва жамиятни бир-биридан ажратиб, табиат қонунилари билан жамият қонунилари орасидаги умумий боғланишни кўра олмаганлар, механика қонуниларини ҳамма соҳанинг ривожланиш қонуни деб билганлар.

Материя ва ҳаракатнинг бир-бирига боғлиқлигини диалектик материализмгина тўғри тушунтириб беради. Ҳаракатнинг фалсафий маъноси шуки, у материянинг борлиқ шаклидир. Материя ҳаракати қандай шаклда бўлмасин, у объектин равишда материядан ажралмаган ҳолда содир бўлади. Материянинг мавжудлик шакли бўлгани учун ҳаракатнинг объектив реал бўлиш хусусияти материянинг ҳам хусусияти ҳисобланади.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 317-бет.

Харакат ҳам материя каби объектив реалдир. Материя ўзига хос ички қарама-қаршиликларга кўра ҳаракат қилади, ривожланади. Материя ҳаракати ҳеч қандай ташқи турткига, ғайритабиий кучга муҳтож эмас. Материя ҳаракати ва тараққиётининг мавбаи ички қарама-қаршиликлардир. Ҳаракатнинг фалсафий мазмунини материя ҳаракати шакллари тўғрисидаги табиий-илмий тасаввурлар билан аралаштирмаслик зарур. Маълумки, метафизиклар материя ҳаракатини оддий механик кўчишга тенглаштирган эдилар.

Диалектик материализм ҳаракат деганда объектив реалликда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни тушунади. Ҳаракатни ривожланиш тушуничаси билан адаштирмаслик керак. Ҳаракат реал воқеаликда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни ўз ичига олади. Ривожланиш деганда эса жадал суръатлар билан илгарилаб борувчи ўзгаришлар тушунилади. Ривожланиш сифат ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, бу ўзгариш нарсая ва ҳодисалардаги қарама-қарши томонлар орасидаги курашнинг натижасидир. Бундай ўзгаришлар натижасида эскининг ўрнида яниси пайдо бўлади, қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга ўтиш содир бўлади. Шунинг учун «ҳаракат» тушуничаси «ривожланиш» тушуничасига қараганда кенгроқ тушуничадир.

Материянинг мавжудлик шакли бўлган ҳаракат мутлақдир. Ҳаракатнинг аниқ кўриниш шакли нисбийдир. Табиатнинг бир қисми ҳисобланган жамият ҳам табиат сингари бетўхтов ҳаракатда ва ривожланишдадир. Демак, ҳаракат фақат ўрни алмашишдан иборат эмас. Ҳаракат материянинг умумий хусусияти бўлиб, турли-туман кўринишларда бўлади. Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарига ҳаракат материянинг атрибути эканлигини кўрсатиб, ҳаракат — эйдият демакдир, деган эди. Материя кўринишлари сифат ва хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилади, шу сингари материя ҳаракатининг шакллари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ф. Энгельс «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси» асарларида ҳаракат шаклларининг қуйидаги туркумларини кўрсатиб ўтади: 1). Механик ҳаракат; 2). Физик ҳаракат; 3) Химик ҳаракат; 4). Биологик ҳаракат; 5). Ижтимоий ҳаракат. Бундан кўриниб турибдики, Ф. Энгельс материянинг ҳаракат шакллари мураккаблашиб бориши тартибда таъкидлаб ўтади.

Ҳозирги замон фани макрожисмларнинг оддий механик ҳаракати ҳаракатнинг бошланғич шакли эмаслигини кўрсатиб берди. У микрозарралар ҳаракатига нисбатан «юқорироқ» туради. Микрозарралар ҳаракати эса макрожисмлар ҳаракатининг асосини ташкил қилади. Микрозарралар ҳаракатининг асосида эса янада чуқурроқ жараёнлар ётади.

Микрозарралар ҳаракати квант механикаси қонунарига бўйсуннади. Микрозарралар ҳаракати узунлиги массанинг катталиги ва масса ҳаракатининг теълигига боғлиқ бўлган тўлқин билан боғлиқдир. «Элементар» зарралар ва майдонлар даражасидаги ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятли фарқларидан бири электромагнит ҳаракат шаклидир. Унинг моддий асоси электромагнит май-

дон ва унинг зарраси — фотонлардир. Электромагнит майдондаги ўзаро таъсирнинг тарқалиши тўлқин қонунарига ва ёруғлик тезлиги доимийлиги қонунига бўйсунди. Фотонлар электромагнит майдон квантлари бўлиб, доимий бирликда бўлган ҳаракатдагица мавжуддир. Бу ҳаракат — материянинг мавжудлик шаклидир деган фалсафий қонданн тўла тасдиқлайди.

Электромагнит майдондан ташқари яна физик майдонлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳаммасига ҳаракатнинг алоҳида шакли мувофиқ келади. Ядро ҳаракати элементар зарралар ва майдонлар ҳаракатига нисбатан анча мураккабдир. Ҳаракатнинг ядро шакли нуклонларнинг (протон ва нейтронлар) ҳаракати асосида вужудга келади. Бу ҳаракат шаклидан ҳам мураккаброғи атом ичидаги ҳаракатдир. Унинг сифат хусусиятини ядро ва электронлар, шунингдек электронларнинг ўзлари ўртасидаги ўзаро таъсир ташкил қилади.

Демак, ҳаракатнинг физик шакли иссиқлик, электрон, магнит, атом ичидаги ва бошқа жараёнларни қамраб олади. Ф. Энгельс физик ҳаракатни фақат молекуляр жараёнлар билан боғлаб тушунтирган эди.

Материя ва унинг ҳаракат шакллариининг мураккаблашиб бориши янги ўзига хос ҳаракат шакли — атом ёки химик шаклига олиб келади. Унинг ташувчиси атом ва молекулалардир. Ҳаракатнинг химик шакли турли-туман атомларнинг бирикишларида ва ажралишларида, молекулалар ички тузилишининг ўзгаришида, уларнинг турли кимёвий жараёнларда ўзаро ўзгаришларида намоён бўлади.

Материя ҳаракатининг мураккаброқ шакли бўлган биологик ҳаракатининг бошқа шакллардан сифат жиҳатдан фарқи тирик организмларнинг озиқланиши ва модда алмашинув туфайли кимёвий таркибининг ўзлари секин-аста янгилаб боришларидадир.

Материя ҳаракатининг энг мураккаб шакли ижтимоий ҳаракатдир. Бу ҳаракат шакли инсоннинг пайдо бўлиши туфайли келиб чиқди. Унинг ўзига хос хусусияти моддий ишлаб чиқариш жараёни, шунингдек ишлаб чиқариш усули хусусиятидан келиб чиқадиған ижтимоий ҳодисалар: снфий, миллий, оилавий ва кишилар ўртасидаги бошқа муносабатлардир.

Ҳаракатининг кўриниши қандай шаклда бўлмасин, у моддий асосга эга. Олам ҳодисалари доимо ўзгаришда, ўсишда, қотиб қолган нарса йўқ. Демак, материя ҳаракати шакллари ҳар хил бўлмасин, улар бпр-бирига боғлиқдир. Материя ҳаракатининг ҳар бир шакли ўзининг қонунига эга. Масалан, механик ҳаракат классик механика қонунига, иссиқлик ҳаракати термодинамика қонунига, химик ҳаракат моддаларнинг ажралиш ва биркиши реакцияси қонунига, биологик ҳаракат ассимиляция ва диссимиляция қонунига асосланади. Ҳаракатнинг ҳар бир шакли бир-бирдан ўзига хос қонунияти билан сифат жиҳатидан фарқ қилади.

Диалектик материализм материя ҳаракатининг сифат жиҳатдан хилма-хил эканлигини илмий асослаш билан бирга, тинчлик, мувозанат тушунчаси борлигини ҳам эътироф этади. Тинч-

лик ҳаракатнинг ифодаси, ўлчови натижасидир. Тивчлик нисбий ва вақтинча, ҳаракат эса мутлақдир. Ҳаракатнинг кўриниши қандай шаклда бўлмасин, у нисбий ҳарактерга эгадир.

Ҳар бир нарса бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, табиат азалдан мавжуд. Ломоносовнинг моддаларнинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонунининг амалий равишда исботланиши материя ҳаракатининг шакллари сифат жиҳатидан ўзгариши билан ҳаракат миқдори сақланиб қолишини кўрсатади. Демак, материализмнинг ҳеч бир нарса йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди деган мулоҳазаси яна бир бор исботланади.

Ҳаракатни материядан ажратиш тафаккурни борлиқдан ажратиб, уни бирламчи деб эътироф қилишдир. Бу эски идеализмнинг ўзгинасидир. Ҳозирги замон физикасининг асосчиси Гейзенберг сингари физиклар бу масалани тушунтиришда энергетизм фикрини кенгайтирадилар. Гейзенберг ўзининг «Ядро физикасининг фалсафий муаммолари» китобида ҳамма нарсанинг асоси битта субстанциядан иборат, бу субстанция энергиядир деб таъкидлайди.

Метафизика материянинг ҳаракатсиз мавжудлигини эътироф қилади. Бунга қарама-қарши диалектик материализм материя ва ҳаракатнинг бирлиги, уларнинг ажралмаслигини фан кашфиётлари билан боғлаб илмий жиҳатдан асослаб берди. Ҳаракатсиз материя, материясиз ҳаракат бўлиши мумкин эмаслигини ҳозирги табиёт ва ижтимоий фанлар ҳам исботлади.

4. ФАЗО ВА ВАҚТ. МАТЕРИЯ, ҲАРАКАТ, ФАЗО ВА ВАҚТНИНГ БИРЛИГИ

Материяда чексиз равишда содир бўлиб турадиган ҳаракат, ўсиш, ўзгариш ва тараққиёт ҳамиша фазо билан вақтда юз беради. Ҳаракат сингари фазо ва вақт ҳам материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Демак, ҳаракатни материядан ажратиш мумкин эмас экан, шунингдек фазо билан вақтни ҳам материядан ажратиб бўлмайди.

Ҳаракат фазо билан вақтнинг моҳиятидир. Бошқача айтганда, ҳаракат фазо билан вақтнинг бирлигидир. Фазо билан вақт ўз табиатининг мавжудлигини материя ҳаракатида очиқ-ойдин кўрсатади.

Фазо — ҳаракатдаги материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Фазо тушунчаси моддий объектларнинг бир вақтда мавжуд бўлиб туришини, уларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро жойлашувини ва шунга ўхшашларни ифодалайди. Табиатдаги ҳамма жисмлар, жумладан, инсоннинг ўзи ҳам, объектив оламда содир бўладиган ҳамма моддий жараёнлар фазода ўрин тутади, муайян масофага эга бўлади. Оламда мавжуд бўлган предметлар бир-биридан сифат жиҳатидангина эмас, узунлиги, кенглиги, ҳажми, баланд-пастлиги, катта-кичиклиги, ўрни жиҳатидан ҳам фарқланади. Уларнинг ҳар бири бир-бирига нисбатан

яқин ёки узоқ, қуйи ёки юқори, чап ёки ўнгда жойлашган бўлади. Буларнинг ҳаммаси фазо тушунчасида ифодаланади.

Вақт ҳам материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараёнларнинг амалга ошиш кетма-кетлигини тавсифлайди. Ҳар бир нарса ўз ўтмиши, ҳозирги келгусига эга. Нарсалар, ҳодисаларнинг баъзи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ бўлади. Булар эса вақт тушунчасини ифодалайди.

Фазо ва вақт ҳам материя каби объектив хусусиятга эга. Идеалистлар фазо ва вақтнинг объективлигини инкор қиладилар. Улар фазо билан вақт онгда мавжуд бўлган қандайдир нарсадир, деб исботлашга ҳаракат қиладилар. Ф. Энгельс фазо ва вақтнинг объективлигини инкор қилиш назарий жиҳатдан чалкашлиқдан, амалий жиҳатдан эса фидеизм олдида таслим бўлиш, ожиз қолишдан иборатлигини таъкидлаб, «...ҳар қандай борлиқнинг асосий шакллари макон ва вақтдир; макондан ташқаридаги борлиқ қандай катта бемаънилик бўлса, вақтдан ташқаридаги борлиқ ҳам шундай катта бемаъниликдир»¹, — деган эди.

Фазо билан вақтнинг моҳиятини бузиш ва уларнинг объективлигини инкор қилишда немис файласуфи идеалист Кант Дюрингдан қолишмайди. Кант айтган эдики, онга боғлиқ бўлмаган фазо ва вақт йўқ, фазо ва вақт инсоннинг ҳодисаларини мушоҳада қилиш усулларидир, холос. Инсон онги бўлмаса, фазо ва вақт ҳам бўлмайди. Беркли фазо ва вақтни субъектив ҳиссиётлар шаклидир деб қарайди. Гегель эса фазо ва вақтни бир-биридан ажратиб ташлайди ва натижада табиатнинг фазо ичида, лекин вақтдан ташқарида ривожланиши тўғрисидаги фикрini илгарти суради.

Диалектик материализм идеалистик фикрларга қарама-қарши ўлароқ, фазо ва вақтнинг объективлигини, яъни инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмаслигини, ондан ташқарида ва мустақил эканлигини эътироф этиб, улар ўртасида умумий ўхшаш томонлар ҳамда жуда катта фарқлар мавжудлигини таъкидлайди. Фазо билан вақтнинг объективлиги, инсон онги, продаси ва гояларига боғлиқ эмаслиги улар ўртасидаги умумийликнинг муҳим томонларидан бирини ташкил этади. Бу биринчидан. Иккинчидан, фазо билан вақт абадий, азалийдир. Фазо билан вақтнинг абадийлиги материянинг абадийлигидан келиб чиқади. Учинчидан, фазо билан вақт чексиз-чегарасиз ва бепоёндыр.

Фазонинг ўзига хос хусусияти ва вақтдан фарқи унинг уч ўлчовга эга бўлишидир. Бу уч ўлчов материя бўйига ва баланглигига қараб унинг чексиз эканлигини кўрсатади. У турли нарса ва ҳодисаларда ҳар хил бўлади. Ҳозирги замон физикасининг инсобилик назариясида тўрт ўлчовли геометрик фазо ҳақида сўз боради. Бунда тўртинчи ўлчов сифатида вақт олинган. В. И. Ленин фазонинг уч ўлчовли эканини инкор қилувчи, реал фазони тўрт ёки ундан ҳам кўпроқ ўлчовга эга деб олувчиларни таъқид қилиб бундай деб ёзган эди: «Табиийёт 1872 йилда ҳам, 1906 йил-

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 48-бет.

да ҳам электр атомини, электронни, уч ўлчовли макондан излаб келди... бинобарин, бу модданинг зарраларини, гарчи улар кўзимизга кўринмас даражада майда бўлса ҳам, «албатта», «худди ана шу ўлчовли маконда деб ҳисоблайди»¹.

Вақт фазо билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин ўзининг айрим хусусиятлари билан ундан фарқ қилади. Вақтнинг муҳим хусусияти унинг бир ўлчовлигидадир, қайтарилмаслигидадир. Моддий нарсалар фазода ҳар хил жойлашишлари, турли томонга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин вақтга келганда улар фақат бир томонга қараб йўналишда бўлади, вақт ҳеч қачон орқага қараб ҳаракат қилмайди. Утган замоннинг қайтарилиши ва ҳозирги замоннинг йўқ қилиниши мумкин эмас.

Вақтнинг ўзига ҳос томонларидан яна бири унинг чексизлигидадир. Вақт чексизлигининг маъноси шуки, моддий дунёнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ ва бўлмайди.

Инсоннинг фазо ва вақт ҳақидаги тушунчалари, тасаввурлари қотиб қолган эмас, балки нисбий, яъни ўзгарувчан, ривожланиб бориш хусусиятига эгадир. Материя фазода чексиз, вақтда абадийдир, деган фикрнинг моҳияти шундан иборатки, фазонинг ҳеч қандай чегараси, маркази, тамом бўладиган жойи, охири нуқтаси йўқ, у чексиз ва чегарасиздир, бепоёндир. Ҳозирги замон табиётшунослик фанлари оламнинг фазо ва вақтда боши ҳам, охири ҳам йўқлиги тўғрисидаги материалистик таълимнинг асословчи янгидан-янги далилларни қўлга киритди. Уларнинг кўрсатишчи, бизнинг галактикамиз кинотда яккаю-ягона эмас, балки чексиз юлдузлар системасининг биридир.

Н. И. Лобачевский геометрияси фазонинг материя билан чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлаб, мутлақ чегара ва система бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. У Эвклид геометриясига нисбатан фазонинг геометрик хусусиятларининг ўзгаришини чуқур тушунтиради. Эвклид геометриясида фазо материядан ажралган ҳолда, абадий ва ҳамма ерда бир хил хусусиятга эга шаклда тушунтирилган. Бу фазо ҳақидаги метафизик тушунтириш усулидир. Лобачевский фазо ва вақтнинг хусусиятларини материя ва унинг ҳаракати билан боғлиқ равишда тушунтиради. Унинг геометрияси Эйнштейннинг нисбийлик назариясида яна ҳам кенгроқ мазмунга эга бўлди.

Фазо ва вақтнинг бир бутунлигини ифодалашда моддий жараёнларни ҳам фазодан, ҳам вақтдан ажратмай, бир бутун ҳолда олиб текшириш зарур. Ҳозирги замон фанида кўп ўлчовликни қўйидагича тушунтириш мумкин. Немис олими Герман Минковский уч ўлчовли фазо ва вақтни кўп ўлчовли деб олади. Бу ерда уч ўлчовли фазо ва тўртинчиси сифатида вақт олинган. Нисбийлик назариясида фазо ва вақт орасидаги боғланишни кўрсатишда жисм ҳаракатига кучли майдон тортиш кучининг таъсири ҳам ҳисобга олинади. Лекин бу кашфётлар нисбийлик назариясидаги фазо ва вақт орасидаги боғланиш тугал аниқланди деган ху-

¹ В. И Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 209—210-бетлар.

лосага олиб келмайди, аксинча бу соҳадаги билимларимиз яна ҳам ашиқлавиши ва чуқур бўлиши мумкин. Фазо ва вақтнинг реаллик хусусияти ўзгармайди. Фазо ва вақт тўғрисидаги билимларимизнинг мазмуни кенгайиши мумкин. Фазо ва вақт бир-бири билан зиддиятли боғланган. Бу боғланишви фазонинг чексиз, вақтнинг эса абадий бўлишида кўриш мумкин.

Маълумки, моддий объектларнинг ҳаракати бир вақтда бир жойда рўй бермайди. Материянинг ҳаракати турли фазода турли вақтда бўлиши мумкин. Моддий объектлар турли хил ўринда турли хил масофалар орасида жойлашган бўлиб, улар доим ҳаракатда. Бу ҳаракат секин ёки тез бўлиши мумкин. Бу масалани физика фанининг нисбийлик назарияси ҳал қилиб беради.

Диалектик материализм нуқтаи назаридан материя ҳеч қачон ва ҳеч ерда чегараланмаган. Вақтнинг чексизлиги дунёнинг бепонелигини билдиради, бу фазонинг ҳам чегараси йўқлигини кўрсатади. Шундай қилиб қуйидагича хулосага келиш мумкин:

1. Фазо ва вақт ҳаракатдаги материянинг объектив яшаш усулидир;

2. Материяга ҳос хусусиятлар фазо ва вақтга ҳам ҳосдир, материянинг тузилиши ва ҳоссаларини тўла билиш мумкин бўлмаганидек, фазо ва вақт тўғрисидаги билимларимиз ҳам чексиз ортлб боради.

3. Материя фазода чексиз, вақтда абадийдир. Вақтнинг чексизлиги дунёнинг чексизлигини, боши ва охири йўқлигини кўрсатади.

Табиат ва жамият ҳодисалари ҳамма вақт кетма-кет содир бўлади ва ҳаракат қилади. Материя фазо ва вақтда ҳаракат қилади, демак, материя, ҳаракат, фазо ва вақт диалектик боғланган. Уларнинг диалектик бирлиги умумий аниқ фанлар учун амалий жиҳатдан методологик асос ҳисобланади.

VI БОБ. ДИАЛЕКТИКА ВА УНИНГ МУҚОБИЛЛАРИ. РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАР

1. МАТЕРИАЛИСТИК ДИАЛЕКТИКА — АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ. ДИАЛЕКТИКА ВА МЕТАФИЗИКА

Материалистик диалектика — бутун инсоният илмий тафаккури ва фалсафий фикр тараққиётининг маҳсули ва катта ютуғи, марксистик дунёқарашнинг «жони» ва туб назарий негизидир. У оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишининг сабабларини ва моҳиятини очиб берадиган илмий методологик қуролдир. Материалистик диалектика, марксизм классикларининг таърифига кўра, умумий алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги таълимот, фан демакдир. Нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва доимий ривожланиши унинг асосий принципи ҳисобланади.

Дунё — моддий, бир бутундир, ундаги хилма-хил, ранг-баранг нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади. «Ҳаракатдаги материяни текшираётганда кўзимизга ташланадиган биринчи нарса, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — айрим жисмларнинг айрим ҳаракатларининг ўзаро алоқадорлигидир, уларнинг бир-бирини тақозо этишидир»¹.

Табиат ва жамиятда ҳеч бир ҳодиса бошқа ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшамайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Сиртдан қараганда улар бир-бирларидан ажралгандек бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса улар ўзаро алоқада бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади, бир-бирини тақозо қилиб туради. Ер Қуёш системасининг бир сайёраси бўлиб, Қуёш атрофида айланиб туради, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қуёшга ва унинг атрофидаги бошқа сайёраларга боғлиқдир. Нарса, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ички боғлиқлик, алоқадорлик ва бир-биринга таъсир қилишлик — объектив қонуний ҳолдир. Ана шу қонуниятни очиб бериш ҳар бир фаннинг вазифасидир.

XIX асргача табиёт фанлари етарлича ривожланмаган, кимё ва биология фан бўлиб етишмаган эди, чунки у даврда кимёвий, биологик ва қисман физик ҳодисаларнинг ички алоқалари ва боғланишлари, қонуниятлари кашф қилинмаган, ижтимоий назариялар ва қарашлар ҳали илмий фан сифатида шаклланмаган эди. Энергиянинг сақланиш ва бир-бирига ўтиш қонунининг кашф этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Эндilikда табиатдаги ҳамма ҳаракатнинг бирлиги фақат фалсафий мулоҳаза бўлиб қолмасдан, балки табиий-илмий асос бўлиб қолди. Бу қонуни кашф этилишидан олдин табиатшунослар материянинг ҳаракат шакллари ўзаро боғлиқ бўлмаган, бир-бирларидан мутлақо ажралган ҳодисалар, деб тушунардилар. Энергиянинг сақланиш ва бир-бирига ўтиш қонунининг кашф этилиши бундай қарашнинг нотўри, юзаси, метафизик эканлигини кўрсатиб, механик ҳаракат ўз моҳияти жиҳатидан иссиқлик, ёруғлик ва электрик ҳодисалар бир-бирларига боғлиқ ва бир-бирларига ўтиб турувчи материя ҳаракатининг турли шакллари эканлигини исботлаб берди.

Метафизика нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни инкор қилади. Метафизик қарашга кўра, нарса ва ҳодисалар бир-бирдан бутунлай ажралган, мустақил, шароит, фазо ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайди. Шунинг учун ҳам метафизик қараш гайриилмийдир.

XVII аср швед олими Карл Линней (1707—1778 йшлар) тарихда биринчи бўлиб ҳайвонлар ва ўсимликларни туркумлаган кишидир. У турли ҳайвонлар ва ўсимликлар тўғрисидаги барча маълумотларни маълум тартиб ва системага солади, лекин унинг қарашини ўзининг моҳият эътибори билан метафизик эди. Карл Линней таълимотига кўра, ҳайвонлар ва ўсимликлар бир-бирларидан бутунлай ажралган икки дунёдир, уларнинг турлари ҳам

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 198-бет.

ўзаро боғлиқ эмас, ўзгариб ҳам турмайди: улар дастлаб қандай турда яратилган бўлса, шу тарзда доимий сақланиб қолади.

XIX асрда табиётшунослик фанлари эришган ютуқлар метафизик усул асосига қурилган Линней таълимотининг нотўғри эканлигини исботлади. Органик материянинг ҳужайрадан тузилганлиги тўғрисидаги илмий кашфиёт ҳайрон ва ўсимликларнинг ўзаро боғлиқлигини, бирлигини аниқ исботлаб берди. Улуғ инглиз олими Ч. Дарвин «Турларнинг келиб чиқиши ҳақида» деган машҳур асарида барча мураккаб организм шакллари узоқ эволюция натижасида оддий тирик шакллардан келиб чиққанлигини ва уларнинг шароитга қараб ўзгарганлигини кўрсатиб берди. Фаннинг сўнгги тараққиёти ҳам дастлабки жуда оддий тирик шаклларнинг органик жисмлардан, органик жисмлар эса ноорганик табиатнинг узоқ ривожланиши натижасида келиб чиққанлигини асослаб берди ва бермоқда. Ҳозирги замон агробиология фани ҳам организмнинг ташқи муҳитга боғлиқлигини, уни ўзгартиш йўли билан организм шаклларини ўзгартиш имкончилигини исботлаб бермоқда.

Улуғ рус олими Д. И. Менделеевгача табиатда ўзаро боғлиқ бўлмаган, бир-бирларидан бутунлай ажралган кимёвий элементлар мавжуддир, деган метафизик қараш ҳукм сураб эди. Д. И. Менделеев ўзининг «Кимёвий элементлар даврий системаси» деб ном олган машҳур илмий жадвалини яратиб, юқорида таъкидланган нотўғри қарашга қакшатқич зарба берди. У кимёвий элементларнинг алоқа ва боғланиш қонуниятларини очиб, табиат ўзаро боғланган бир бутунда эборат эканлигини исбот қилди.

Совет физиологик академик И. П. Павловнинг шартли ва шартсиз рефлекслар ҳақидаги таълимоти, руҳий ҳодисаларнинг физиологик жараёнлар ҳамда нерв системаси билан, нерв системаси орқали эса ташқи муҳит билан боғлиқлиги тўғрисидаги назарияси ҳам жуда катта фалсафий аҳамиятга эга бўлди. Бу таълимот руҳий ҳодисаларни ташқи муҳитдан ажратувчи метафизик қарашни, моддий ҳаётда нерв системасига боғлиқ бўлмаган қандайдир «жон» бор деган идеалистик қарашни фож қилди, бу билан марксистик диалектика қондаларининг тўғрилигини тасдиқлади. Павлов таълимотича, инсонда ва ҳайвонда ҳеч қандай «жон» йўқ, балки руҳий ҳодисалар (ҳис, рефлекс, фикр, туш кўриш ва бошқалар) бор, улар нерв системасининг функцияси, хоссасидир; нерв системаси йўқ жойда руҳий ҳодисалар ҳам бўлмайди; нерв системаси ва миёна мураккаб тузиллишга эга бўлганлиги сабабли одам фикр қилиш ва гапирish қобилиятига эга; нерв системасининг, жумладан, миёнанинг бузилиши эси пастлик, жиншиллик, тентаклик каби руҳий касалликларга олиб келади.

Дунё ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги жамият тараққиётида ҳам тасдиқланди. Жамият — табиатнинг бир қисмидир, уни табиатдан бутунлай ажратиб қараш мумкин эмас. Географик муҳит жамият моддий ҳаёт шароитларининг зарур бир омилidir. Жамиятнинг моддий, иқтисодий ҳаёти унинг

маънавий ҳаётни белгилайди. Маънавий ҳаёт (сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, диний, фалсафий қарашлар ва ҳоказо), ўз навбатида, жамиятнинг иқтисодий асосига таъсир қилади, яъни жамият ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, боғланиш ва ўзаро таъсир фақат ҳодисалар ўртасидагина мавжуд бўлмасдан, ҳар бир ҳодисанинг баъзи томонлари, хоссалари орасида ҳам мавжуддир, «ҳар бир ҳодисанинг ҳамма томонларининг бир-бирига боғлиқ бўлиши ва бир-бири билан жуда маҳкам ва чамбарчас алоқадор бўлиши»¹ қонунийдир. Чунончи, ишлаб чиқаришнинг бир-бирига боғлиқ икки томони бор: ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари. Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш маъмуниши, ишлаб чиқариш муносабатлари эса ишлаб чиқариш шаклиши ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи кучларсиз (иш кучи ва ишлаб чиқариш қуролларисиз) моддий неъматларни ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунингдек ишлаб чиқариш муносабатларисиз ҳам ишлаб чиқариш бўлмайди. Чунки моддий неъматларни ишлаб чиқариш учун кишилар ўзаро муносабатда бўлишлари, биргалишиб ҳаракат қилишлари шарт. Улар моддий неъматларни ҳеч қачон бир-бирларидан ажралган ҳолда ишлаб чиқара олмайдилар. Демак, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо қилади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг маълум даражасига мувофиқ келадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндисини ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг, иқтисодий тузумнинг иқтисодий асосини, базисини ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга ишлаб чиқариш муносабатлари, ўз навбатида, ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқарувчи кучларга таъсир қилади, уларнинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

Тарбия соҳасидан ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Ешларни, чунончи талабаларни янги жамият қурилишининг фаол бинокорлари қилиб етиштириш учун уларга фақат илм-фан асосларини ўргатиш билан kifояланмаслик лозим. Шунингдек уларга умуминсоний ахлоқ нормаларини, қондаларини синғдириш, уларда илғор дунёқарашни шакллантириш, меҳнат қилиш ва ижодий фикр қилиш хислатларини тарбиялаш, уларни байналмилал ва ватанпарвар қилиб етиштириш лозим. Тарбия ишлари ўқиш вақтидагина эмас, балки ўқиш жараёнидан ташқари вақтда ҳам олиб борилиши зарур. Буларни бир-бирига боғлаб олиб бормасдан янги жамият кишини тарбиялаб бўлмайди.

Шундай қилиб, табиатда ҳам, жамиятда ҳам нарсалар, ҳодисалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирларига таъсир қилиб туради. Ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини билиш учун уни теварак-атрофдаги ҳодисаларга, жой, вақт ва шароитларга боғлаган ҳолда ўрганмоқ лозим. Бундан диалектиканинг тарихий воқеалар замири-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 21-жилд, 43-бет.

даги асосий ҳалқа тўғрисидаги қондаси келиб чиқади. Тарихий ривожланишнинг маълум бир шароитида айрим ҳодисалар, иккинчи бир шароитида бошқа хил ҳодисалар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мазкур вазият шароитида ҳодисалар занжирида (боғланишида) воқеалар йўналишини белгиловчи ҳодисани асосий ҳалқа деб атаймиз. Ҳар бир аниқ тарихий вазиятда ҳодисалар боғланишидаги асосий ҳалқани топа билиш керак. «Бутун занжирни қўлдан чиқармаслик, бу занжирнинг бир бандидан иккинчи бандига ўтишга мустаҳкам тайёрлик кўрмоқ учун,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— қайси пайтда қайси банднинг муҳим эканлигини топа билиш ва шу бандни маҳкам ушлаб олиш керак»¹.

Материалистик диалектика нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб беришнинг ўзи воқеликни билиш, ўрганиш учун етарли эмас, деб ҳисоблайди. Чунки алоқа ва боғланишлар ҳар хил бўлади: сабаб ва оқибат, бевосита ва билвосита, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий. Шунинг учун турли шаклдаги боғланишларни бир-биридан ажрата билиш керак. Объектив дунёдаги ҳодисаларнинг бу хилма-хил боғланишлари кишиларнинг англаш, билишларида турли тушунча ва категориялар шаклида ифода этилади. Бу категориялар ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтилади.

✓ Ҳодисалар боғланишида бевосита (тўппа-тўғри) боғланишни воситали (бошқа нарсалар орқали) боғланишдан ажрата билишнинг катта аҳамияти бор. Чунки, капитализм феодализм жамиятидан бевосита келиб чиқди. Капиталистик жамиятнинг қўлдорлик жамияти билан ҳам тарихий жиҳатдан боғланиши бор, албатта. Лекин бу боғланиш воситали боғланиш, феодализм орқали бўлган боғланишдир.

Табиат ва жамият ҳодисаларини билишда муҳим алоқа ва боғланишларни ажрата билмоқ керак. Ҳодисалар жуда кўп жиҳатлар билан ўзаро боғлиқдир, улар кўп қиррали, мураккаб, алоқадор бўладилар. Воқеаларнинг мазмун ва моҳиятини билишда муҳим, ички боғланишларни белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Муҳим боғланишларни номуҳим, иккинчи даражали боғланишлар билан аралаштириб ёки уларни айви бир нарса деб тушувиш метафизик, эклектик қарашга олиб келади. Мисол тариқасида қуйидагини айтиб ўтиш мумкин. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши Совет Иттифоқининг тарихий ғалабаси билан тугади. Айрим буржуа мафкурачвлари Совет Иттифоқининг фашист босқинчилари устидан қозонган ғалабасининг сабабини иқлимнинг совуқлигига, мамлакат ҳудудининг кенглигига ва бошқа шу каби омилларга боғлашга уриндилар. Бу омилларнинг маълум даражада таъсири бўлди. Лекин бу омиллар иккинчи ва учинчи даражали омиллардир. Совет Иттифоқи ғалабасининг асосий сабаблари социалистик ижтимоий тузумнинг мавжудлиги, совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги, қардош халқлар ўр-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-жилд, 233-бет.

тасидаги бузилмас дўстлик, совет ватанпарварлиги, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги бўлди. Муҳим ҳал қилувчи боғланиш мапа шулардан иборатдир.

Материалистик диалектика ҳодисалар боғланишида заруриятни тасодифдан ажрата билишни талаб қилади. Зарурият ёки зарурий боғланиш деб муайян шароитларда чуқур илдиз ёйган ва муқаррар юз берадиган воқеа ва ҳодисаларга айтилади. Масалан, организм ташқи муҳитга боғлиқ, унинг ташқи муҳитнинг (ҳаёт шароитларининг) ўзгаришига қараб ўзгариши — зарурият; озиқ-ланish, юриш-туриш, иқлим ва бошқа шароитлар ҳайвон ва ўсимлик организмларига таъсир қилиб туради.

Тасодиф ёки тасодифий боғланиш деб мазкур шароитдан муқаррар келиб чиқмайдиган, мазкур боғланиш учун типик бўлмаган воқеа ва ҳодисаларга айтилади. Тасодифлар номуҳим, муваққат хусусиятга эга, бирисиз иккинчисининг яшаши мумкин, тасодиф — юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодисалардир. Масалан, жумҳуриятимизнинг баъзи жойларида пахта экиш даврида дўл ёғиши тасодифий ҳодисадир. Чунки бу ҳодисанинг экиш даврига алоқаси йўқ ва пахтачиликдан келиб чиқадиган нарса эмас. Дўл пахтачиликка зарар етказса-да, унинг зарари, умуман олганда, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Тасодифлар воқеаларнинг боришини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин, лекин уларнинг моҳиятини, асосий йўналишини ўзгартира олмайди.

Ҳан тасодифларга асосланиб хулосалар чиқара олмайди, у зарурий, қонуний боғланишларга асосланади. Лекин бундан Ҳан тасодифни инкор этади деган фикр келиб чиқмайди. Тасодифлар зарурият билан боғлиқ бўлиб, унинг кўриниш шакллари-дандир. Масалан, қишдан сўнг баҳорнинг келиши — зарурийдир, чунки бу Ернинг Қуёш атрофида айланиш қонуниятидан келиб чиқади. Баҳор ҳар йили бир вақтда, бир хил об-ҳаво шароитида бошламайди, балки бир йил сал илгарироқ, кейинги йилда сал кейинроқ, бир йил ёгингарчилик билан, иккинчи йилда бошқача-роқ шароитда бошланади. Бу хил ҳодисалар — тасодифийдир.

Метафизиклар зарурият билан тасодиф ўртасидаги исбот ва боғланишни тушувмайдилар. Уларнинг айримлари заруриятни бутунлай инкор этиб, ҳамма нарса ва ҳодисалар тасодифлардан иборат, деб ҳисоблайдилар. Бундай қараш объектив қонуниятни, дунёни билишни, воқеаларнинг боришини олдиндан кўриш мумкинлигини рад қилади. Иккинчи хил метафизиклар тасодифни инкор этиб, ҳамма нарса ва ҳодисалар зарурийдир деб ҳисоблайди. Улар заруриятни тасодиф маъносида тушуниб, ҳамма нарса тақдирга боғлиқ, деган фикрни олға сурадилар. Бу хил метафизик қараш ҳам бутунлай нотўғридир.

Табиат ва жамият ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсир қилиб туриши уларнинг доимий ҳаракатда, ривожланиш ва ўзгаришда бўлиб туришини билдиради. Ҳамма ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Дунё абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Метафизика

нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишларини инкор этиш билан биргаликда, уларнинг ҳаракатда ва ўзгаришда бўлиб туришини ҳам инкор этади.

Илмий билишнинг асосий мақсади табиатдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам нарсаларни ўрганишда метафизик усул дастлаб табиётшунослик заминида таркиб топа бошлаган. Софистик тафаккурга қарши ўлароқ вужудга келган бу усул фақат ривожланиши тарихида ўзига яраша ижобий роль ўйнайди. Табиётшунослик тўпловчи фақат сифатида кўринган даврларда буюмларни ўрганиш усули бўлган метафизик усул воқеликда алоҳида олинган нарсалар ҳақидаги жуда кўп таҳлилий материалларни тўплашда олимларга ёрдам берди. Табиатдаги аниқ нарса ёки жараёнларни билмасдан туриб дунёнинг умумий кўриниши тўғрисида тасаввур қилиш мумкин эмас. Масалан, ўсимликларни туркумлаш учун аввало ҳар бир турни алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун маълум шароитда яшаётган ўсимликлардан таялаб олиниб, тажрибахоҳонага кўчирилади. У ерда фиксацияланиб (қотирилиб) таҳлил қилиш йўли билан унинг ички тузилиши, кимёвий таркиби ҳамда бошқа томонлари ўрганилади. «Лекин бу текшириш усули,— дейди Ф. Энгельс,— табиатдаги буюмлар ва жараёнларни бир-биридан ажратилган ҳолда, улар ўртасидаги буюм умумий боғланишдан ташқарида текширишга ва шунинг натижасида ҳаракат ҳолатида эмас, балки ҳаракатсиз ҳолатида, муҳим даражада ўзгарадиган нарсалар сифатида эмас, балки абадий ўзгармайдиган нарсалар сифатида, тирик эмас, балки ўлик нарсалар сифатида текширишга бизни одатлантириб қўйган. Баски билан Локк томонидан табиёт соҳасидан фалсафа соҳасига кўчирилган бу тушуниш усули сўнги асрларнинг ўзига хос маҳдудлиги бўлган метафизик тафаккур усулини вужудга келтирди»¹.

Табиат предметларини мукамал ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга интилиш метафизик тафаккур услубининг ижобий томонини ташкил этади. Унинг тарихий ҳақиқийлиги ҳам шундадир. Бу шу билан тавсифланадиги, метафизик тафаккур услубидан фақат табиатшуносларгина эмас, балки XVII—XVIII аср буржуа материалистлари ҳам унумли фойдаланганлар. Лекин метафизик тафаккур услубининг асосий камчилиги нарса ва ҳодисаларни ўзаро бир-бири билан алоқадор боғлиқликда, уларнинг узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда эканлигини кўра билмасликда ва кўришни ҳам истамаслигидадир. «Метафизик назарияда,— деган эди Ф. Энгельс,— буюмлар ва уларнинг фикрдаги инъикоси, яъни тушунчалар бир-биридан кейин ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда текширилиши лозим бўлган айрим-айрим, ўзгармас, қотиб қолган, ҳаммаша бир зайлда турадиган нарсалардир. Метафизик бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган қарама-қаршиликлар воситаси билан фикр қилади; унинг сўзи: «ҳа-ҳа, йўқ-йўқ; бундан бопқаси — шайтоннинг

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. Тошкент, Уздавнашр, 1957, 27-бет.

ниш»,— дейишдан иборат. Унинг назарида буюм ё мавжуддир, ёки мавжуд эмасдир ва, худди шунингдек, бир буюм айни замонда шу буюмнинг ўзи ва яна бошқача нарса бўла олмайдди. Мусбат нарса билан манфий нарса бир-бирини мутлақо истисно қилади: сабаб билан натижа ҳам бир-бирига писбатан қотиб қолган эидиятдадир»¹.

Бизни ўраб турган воқеликдаги ҳар бир нарса бошқа нарсалар билан ўзаро чамбарчас боғланган. Улар узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишдадир. Шу жараён натижасида эса предметлар ўзининг қарама-қарши томонларига ўтадилар. Масалан, ҳар қандай органик мавжудот ҳам маълум вақтда ўз моҳиятини сақлаб турса, маълум вақтда эса ўз моҳиятини сақлай олмайдди, чунки маълум вақтда ташқи муҳитдан олган ҳаётний заруриятини қайта ишлаб, ўзидан бошқа модда чиқаради. Ҳар бир дақиқада баъзи бир ҳужайралар ўз фаолиятини тугатсалар, баъзи бирлари эса ўз фаолиятларини янгидан бошлайдилар. Шу тариқа, оз ёки кўп вақт давомида организм таркибидаги моддалар янги атомни моддалар билан алмашинади. Шунинг учун ҳам органик мавжудот ёки жисм бир пайтда шу жойда бўлмайди. Аммо бу маънода тушунмиш метафизик тафаккур донрасига тўғри келмайди. У тараққиёт моҳиятини бошқача тушунади.

Диалектик ва метафизик йўналишларининг туб қарама-қаршилигини очиб, В. И. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «Тараққиётнинг (эволюциянинг) икки асосий йўналиши (ёки эҳтимол тугилган, ёки тарихда учрайдиган икки йўналишимикиси?): камайиш ва кўнайиш сифатидаги, такрорланиш сифатидаги тараққиёт *ҳамда* қарама-қаршиликлар бирлиги сифатидаги тараққиётдир (бир бутуннинг иккига — бир-бирини истисно қилувчи қарама қаршиликларга бўлишиб кетиши ва улар ўртасидаги муносабат).

Ҳаракатнинг биринчи йўналишида *ўз-ўзидан* ҳаракат, унинг *ҳаракатлангирувчи* кучи, унинг манбаи, унинг мотиви хираланиш қолади (ёки бу манба *ташқарига* кўчирилади — худо — субъект етс.). Иккинчи йўналишда асосий эътибор худди «*ўз-ўзидан*» ҳаракат *манбаини* билишга қаратилган.

Биринчи йўналиш — ўлик, спйқа, қуруқ. Иккинчиси — ҳаётний. *Фақат* иккинчи йўналишгина бутун мавжудотнинг «*ўз-ўзидан* ҳаракати» ни билиш қадитини беради; фақат шунгина «сакрашлар»ни, «тадрижотнинг узилиши»ни, «қарама-қаршиликка айланниши»ни, эскининг йўқ бўлиши ва янгиининг пайдо бўлишини билиш қадитини беради»².

Материалистик диалектиканинг умумий алоқадорлик ва ривожланиш тўғрисидаги таълимоти бошқа фанлар ва амалий фаолият учун катта аҳамиятга эга.

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 19-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-جلд, 339-бет.

2. ДИАЛЕКТИКА ҚОНУНЛАРИ — ОБЪЕКТИВ ОЛАМДАГИ ЭНГ УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ИНЪИКОСИ, БИЛИШ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИДИР

Материялистик диалектика умумий қонун ва категориялар системасидан иборат бўлиб, уларнинг йиғиндиси объектив дунёнинг бир бутунлигини ифодалайди ва у доимий ўзгаришда, ривожланишдадир. Қонун деганда нима тушунилади? Бунга жавоб еришда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, энг умумий шаклда қонун — моддий оламдаги турли хил нарса ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро алоқалар демакдир. «...қонун тушунчаси жаҳон жараёнининг бирлиги ва алоқадорчилиги, ўзаро боғлиқлиги ва бир бутунлигини кишининг билиш оқичларидан биридир»¹,— деган эди В. И. Ленин. Лекин бундан қонун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулосани иқармаслик керак. Масалан, муҳим ва номуҳим, тасодиф ва зарурий, барқарор ва беқарор, умумий ва алоҳида муносабатлар юр. Қонун бу муносабатларнинг барчасини қамрай олмайди. Турли-туман алоқалар, боғланишлар йиғиндиси ичидан у энг аввало муҳим алоқаларни, яъни шундай муносабатларни ифодагайдикки, булар ташқи шароитлардан эмас, балки нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, унинг ички алоқаларидан келиб чиққан бўлади.

Шунингдек, қонун — зарурий муносабатдир. Чунки табиат ва камиятдаги ҳар қандай қонунга хос характерли белги зарурийлик ҳисобланади. Қонун тушунчасининг ўзи мажбурийлик, зарурийликни билдиради. Зарурийлик қонуннинг муҳим белгиси сифатида ундан келиб чиқадиган натижаларнинг мажбурий йўналишини кўрсатиб беради.

Қонуннинг муҳим белгиларидан бири — нарса ва ҳодисалардаги умумий муносабатларни ифодалашдир. В. И. Ленин «зарурийат умумийдан ажралмасдир»², деб кўрсатган эди. Агар қонун шак-шубҳасиз юз бериши мумкин бўлган (зарурий белгиси) муносабатларни ифодалар экан, табиий равишда бу муносабатлар бир хил шароитда доимий ва ҳамма жойда (умумийлик) намоён бўлади. Ана шу маънода қонун — умумий муносабатлардир.

Қонун барқарор муносабатлардан иборатки, зеро у муайян ҳодисанинг ички табиатида, унинг моҳиятида келиб чиқадиغان моддий дунё нарса ва ҳодисаларининг алоқаларини ифодалайди. Қонун гоҳ вужудга келиб, гоҳ йўқолиб кетадиган алоқаларга асосланиши мумкин эмас. У нисбий барқарор муносабатларни тақозо этади. Қонуннинг барқарор, доимий характердалиги шу билан изоҳланадигки, у бир хил шароитларда ўзининг барча белгиларини такрорлайди. Такрорийлик қонуннинг муҳим хусусиятлари сифатида табиатдаги нарса ва ҳодисалардагина

¹ Уша жойда, 141-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 74-бет.

эмас, балки пжтимоий ҳаётдаги воқеаларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Шундай қилиб, қонун кўп қиррали алоқалар ва муносабатларнинг йиғиндиси бўлиб, объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарорлигини ифодалайди. Бу билан қонуннинг таърифини етарли дейиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас! Чунки: биринчидан, биз қонун — бу муҳим, зарурий, умумий барқарор муносабатлар дер эканмиз, қонунда ифодаланиб, унинг объектив асосини ташкил қиладиган алоқаларнигина кўрсатиб ўтган бўламиз-у, ammo бошқа категориялардан фарқ қилиб, ўзига хос ҳаракатда намоён бўладиган шу қонуннинг хусусиятларига тўхталмай ўтамиз; иккинчидан, муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар қонундагина эмас, балки фалсафий категорияларда, жумладан, сабабият, зарурият, мазмун, моҳият ва бошқаларда ҳам ифодаланади. Шубҳасиз, юқорида санаб ўтилган белгилар ҳам қонуннинг ўзига хос хусусияти ҳақдаги тасаввурни тўла очиб бера олмайди; учинчидан, қонунга таъриф берганда, юқоридаги объектив алоқалар шакллари оддий тарзда санаб ўтадиган бўлсак, унда қонун билан мазкур объектив алоқалар турларини ойдинлаштирган бўламиз.

Шунинг учун қонунни таърифлашда унинг шундай хусусиятини ажратиш керакки, у мазкур категориянинг бошқаларидан фарқ қиладиган ўзига хос томонини белгилашга имкон туғдирсин. Бу хусусият шундан иборатки, табиат ва жамиятдаги ҳар қандай қонун воқеаларнинг ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгилаб беради, воқеаларнинг оқими қатъий аниқ йўналишда бўлишини тақозо этади. Маълум бир шароитда бўлишига қарамай, бир ўринда бир хил, иккинчи ўринда бошқа хил тарзда содир бўладиган жараёнлар ва воқеаларни қонуний деб тан олиб бўлмайди. Биз бу жараён ёки воқеа қонун кучига эга дер эканмиз, ундаги муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносабатларнинг ифодаланишинигина эмас, балки муайян воқеалар оқимини, қатъий натижалар тақозо қилинишини назарда тутамиз.

Қонун воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини билдирар экан, у ўзининг аниқлиги билан фарқ қилади. Шунинг учун қонуннинг пировард оқибати кишиларнинг муваффақиятли фаолиятининг зарурий шarti бўлган ҳар томонлама ҳисоб, унга мувофиқ келадиган талаб тарзида зоҳир бўлади.

Қонун муайян бир шароитда намоён бўлади; моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун маълум шароит қонуннинг кўриниши, ҳаракати учун ҳам мажбурийдир. Шароит деганда воқеадаги нарса ва ҳодисаларнинг яшashi ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив омиллар йиғиндиси тушунилади. Қонун ва шароит бир-бири билан узвий боғлиқдир, айни бир вақтда уларни бир-бирига қориштириб, ёхуд айнанлаштириб юбормаслик керак. Шароитнинг ўзгариши бир қонуннинг бошқаси билан алмашилишига, унинг ҳаракат доirasини торайтириш, ёхуд кенгайтиришга олиб келади.

Илгари мавжуд бўлган шароит тўла йўқолиб кетган тақдирда унинг заминида амал қилган қонунлар ўз ўрнини янги шароитга тўғри келадиган янги қонунларга бўшатиб беради; айрим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароитлар қулайроқ бўлса, эски қонунлар ўз ҳаракатини давом эттиради, аммо унинг кўриниш доираси чегараланган бўлади ва ниҳоят, айрим ҳолатда илгари мавжуд бўлган шароит анчайин қулай бўлса, қонунларнинг амал қилиши учун ҳам кенг уфқлар очилади.

У ёки бу қонун амал қиладиган объектив шароитларни билиш катта амалий аҳамиятга эга. Маълумки, кишилар объектив қонунлар талабларидан келиб чиқиб, уларга таянсалар, ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олсалар тўғри ҳаракат қила оладилар. Бироқ қонуннинг ҳаракати кўзга ташланса-да, бу ҳаракатни қандай бўлса, шундайлигича ҳис қилиш мумкин эмас. Лекин кишилар у ёки бу қонун намоён бўладиган шароитни билар ва унга таъсир этар эканлар, бу билан ўзлари истаган натижаларга эриша оладилар.

Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонунини ўзининг учта томони билан тавсифланади, чунончи: а) қонун объектив асосга эга бўлиб, муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносабатларни ифодалайди; б) қонуннинг ҳаракати ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, воқеалар ривожланиши қатъий муайян йўналиш натижасида туғилади; в) қонун маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлади. Бу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **қонун — муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, исбий, барқарор муносабатларидир.**

Қонун илмий-назарий ва амалий фаолиятда объектив ўзаро алоқаларнинг барча шакллари синчковлик билан ҳисобга олишни тақозо этади. Бу эса уларнинг ичида муҳим, зарурий, умумий, барқарор алоқаларни белгилашга ёрдам беради, аини замонда объектив қонунларни тушунишимизга имкон беради.

Қонун муайян бир натижаларни туғдириб, воқеалар ривожланишининг хусусияти ва йўналишини белгилаб берар экан, бу нарса илмий ва амалий фаолиятда объектив қонунлар асосида ҳаракат қиладиган муҳим, зарурий, умумий ва барқарор муносабатларни кўрсатибгина қолмай, балки келажакда улар ривожининг йўналишларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонунини маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлар экан, у илмий билиш жараёнида ва амалий фаолиятида муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқалар маълум бир натижаларни кўзгаши мумкинлигини билишга имкон туғдиради. Моддий воқеликдаги қонунлар кўп қирраллилик билан тавсифланади. Табиат ва жамият қонунлари объектив жараёнларни акс эттиришига қараб бир-биридан фарқланади.

Табиат қонунлари ер юзиде инсон бўлмаган чоқда ҳам мавжуд бўлган. Жамият қонунлари эса инсон фаолияти натижасида

пайдо бўлган шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда юзага келган. Ф. Энгельснинг таъкидлашича, жамият қонунари кишиларнинг ижтимоий муносабатларидаги энг умумий, муҳим боғланишни кўрсатади. Яна бир фарқи шуки, жамият қонунарига нисбатан табиат қонунари аста-секинлик билан ўзгариб боради. Ижтимоий қонунари эса маълум давр мобайнида амал қилиб, сўнгра ўз ўрнини янги қонунарига бўшатиб беради, баъзилари ўз кучини йўқотади. Ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, фесдал ва капиталистик тузумларга хос қонунарининг ўзгариши бунга мисол бўлиши мумкин.

Ҳаракат қилиш доирасига қараб қонунари: энг умумий, умумий ва хусусийларга бўлинади. Энг умумий қонунарига материалистик диалектика қонунари киради. Булар — миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, инкорни-инкор қонунаридир. Моддаларнинг сақланиши ва айланиши қонуни, энергиянинг бир турдан иккинчи турга ўтиши қонуни умумий қонунарига, хусусий қонунарига эса, масалан, физикадаги Кулон қонуни, химиядаги Менделеевнинг кимёвий элементларнинг даврий системаси шу фанларнинг қонуни ҳисобланади. Булар ҳам объектив қонунаридир.

Фанда динамик ва статик хусусиятга эга бўлган қонунари ҳам мавжуд. Статик қонунари мутлақ маънодаги зарурий қонунари эмас, улар эҳтимолик сабабига мувофиқ бўлган боғланишларни ифодалайди ва динамик қонунаридан фарқ қилади. Статик қонунари маълум шароитда бўлиш эҳтимолини билдиради. Динамик қонунари сабабий боғланиш шакли бўлиб, бунда системанинг муайян ҳолати унинг кейинги ҳамма ҳолатларини бир маъноли тарзда аниқлайди. Бунинг натижасида бошланғич шартларни билиш системанинг янада ривожланишини олдиндан аниқ айтиш имкониятини беради. Динамик қонунари ташқи таъсирларга камроқ боғлиқ бўлиб, нисбатан озроқ сонли элементларга эга бўлган барча системаларда ўзинга хос тарзда амал қилади.

3. ДИАЛЕКТИКА — ОБЪЕКТИВ ВОҚЕЛИКНИ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА УНИ ЎЗГАРТИШНИНГ ЭНГ УМУМИЙ УСУЛИ. СОФИСТИКА ВА ЭКЛЕКТИКА

Материалистик диалектика илмий билишда муҳим методологик функцияни бажаради. У воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларнинг тараққиёт қонунарини билиш ва оламда юз берадиган ҳодисаларни онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади.

В. И. Ленин диалектикани марксизмнинг «жон» деб атаган эди. У ўзларини марксист деб ҳисоблаган, лекин марксизмни бузиб, педантларча тушунган меньшевикларни қаттиқ танқид қилади. Чунки меньшевиклар марксизмдаги асосий ва ҳал қилувчи нарса — диалектикани умуман тан олмас эдилар. В. И. Лениннинг барча назарий ва амалий фаолияти диалектикани,

унинг принциплари, қонун ва категорияларини фанга ва амалиётга моҳирлик билан татбиқ қилишнинг ёрқин мисолидир.

Айрим олимлар ҳозирги замон илмий-техника инқилоби энг янги тафаккур усули — «система — структура» усулини яратади, деган фикрни олдинга сурмоқчи бўладилар. Уларнинг бу қарашда диалектик усулнинг эскирганлиги, шунинг учун у «система — структура» усули билан алмаштирилиши лозимлиги ҳақидаги фикр ётади. Аммо бундай ҳукм чиқариш асоссиздир. Тўғри, ҳозирги замон табиётшунослиги, хусусан биология ва бошқа айрим фанларнинг эришган ютуқлари текширилаётган ҳодисалардаги илгари номаълум бўлган қонуниятларни янада тўла ва чуқур тушунишда «система — структура» усулининг самарадор ва истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатмоқда. Лекин бу ҳол уни диалектикадан фарқ қиладиган янги фикр усулининг пайдо бўлиши билан боғлашга асос бўла олмайди.

«Система — структура» нуқтаи назардан ёндашиш ўзининг объективлиги, ўрганглаётган предметлардаги барча алоқаларни ҳисобга олиши билан тафаккурнинг диалектик усулига таркибий қисм бўлиб кирса-да, лекин у билан тўлалгича мос тушмайди¹. К. Маркс «Капитал»да капиталистик ишлаб чиқариш усулининг тараққиёт қонунларини ўрганишда «система — структура» таҳлилининг муваффақиятли татбиқ қилган эди. В. И. Ленин ҳам бу усулдан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам «система — структура» нуқтаи назардан ёндашишни диалектик усулга қарама-қарши қўйиш, қолаверса у орқали тафаккур усулининг ўзгариши ҳақида гапириш нотўғридир. Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби диалектика илмий тафаккурнинг ягона усули эканлигини ва шундай бўлиб қолишини яна бир қарра исботламоқда. Ф. Энгельс ҳам ўз даврида диалектика, унинг қонун ва категорияларининг табиий-илмий билишдаги ролини таъкидлаб, шундай деган эди: «...фақат диалектика табиатда юз берадиган тараққиёт жараёнлари учун, табиатнинг умумий алоқадорликлари учун, бир тадқиқот соҳасидан иккинчи тадқиқот соҳасига ўтиш учун аналогдир ва шу билан бирга изоҳлаш усулидир»².

Ҳозирги замон илмий-техника инқилоби натижасида фан объектив оламнинг энг мураккаб соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда, шунинг учун аниқ, хусусий фан вакиллари олдида тафаккурнинг диалектик усулини ижодий эгаллаш вазифаси туради. Фалсафанинг табиётшунослик билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам унинг муваффақиятли ривожланиши учун зарурий омилдир.

Тафаккурнинг диалектик усули ижтимоий фанлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Табиатнинг тараққиёт қонунлари инсон оғида тўғри акс этиши фавқулодда мураккаб ва қийин жараён бўлиб, ижтимоий ҳодисаларнинг унда акс этиши эса ундан ҳам қийиндир. К. Маркс таъкидлаганидек, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда микроскопдан ҳам, кимёвий реакциядан ҳам

¹ Қаранг: З. М. Оруджев. Диалектика как система. М., 1973, 185-бет.

² Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 27-бет.

Фойдаланиб бўлмайди, бу ерда уларнинг ўрнини инсоннинг маъ-
хум тафаккур кучи эгаллайди.

Ҳаётдаги мураккаб ҳодисаларни чалкаштириб юбормасликла-
ри учун ижтимоий фан вакиллари материалистик диалектика
билан қуролланишлари лозим. Ҳар бир олим ўз соҳасида тўғри
йўлдан бормоғи, илмий тадқиқотнинг ўзига хос йўлини белгила-
моғи учун албатта бу таълимотни эгаллаши керак бўлади.

Материалистик диалектика энг умумий қонуи ва категория-
лар системаси сифатида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга ҳар
томонлама ёндашишни талаб этади. Инсон ўз амалий фаолияти
ва илмий билиш жараёнида диалектиканинг ранг-баранглигини,
хусусиятларини ҳисобга олиши, уларни аниқлаши ва англаши
лозим, яъни у диалектиканинг ўзига диалектик усул билан ёнда-
ша билиши керак.

Табиий ва ижтимоий фанларнинг энг кейинги ютуқлари обь-
ектив оламдаги ўзаро алоқалар, улар асосида ётувчи қонуи-
лар жуда мураккаб ва кўп қиррали эканлигидан, шунингдек бу жа-
раёи-лар тўғрисидаги билимларимиз ҳам нисбий, ўзгарувчан экан-
лигидан далолат бермоқда. Моддий оламдаги бу умумий алоқа ва
қонуи-ятларнинг мураккаб шакллари диалектиканинг қонуи ва
категорияларида мумкин қадар тўла ва чуқурроқ акс этиш-
ни ҳисобга олиш лозим. Бу — илмий билишнинг ягона, тўғри ва за-
рурий шартидир.

Материалистик диалектиканинг қонуи ва категориялари бир-
галикда олинганда, ягона системани ташкил қилгандагина дунё-
ни билиш ва уни ўзгартиришнинг умумий усули вази-
фасини ба-
жаради. Диалектиканинг қонуи ва категориялари системаси
моддий дунёдаги маълум бир системани ташкил қилувчи нарса
ва ҳодисалар умумий ўзаро алоқаси ва тараққиётининг инъико-
сидир. Ф. Энгельс бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Биз била
оладиган бутун табиат қандайдир системани, жисмларнинг қан-
дайдир алоқалари йиғиндисини ташкил этади, буида биз жисм
деганда юлдузлардан торт-
иб то атомлар ва ҳатто эфир заррача-
ларигача ҳамма моддий реалликни тушуна-
миз»¹.

Материалистик диалектика қонуи-лари биргаликда амал қи-
лишининг асоси — объектив реалликдир, бу қонуи-ларнинг мод-
дий дунёдаги нарса ва ҳодисалар тараққиёти ва умумий алоқа-
дорлигини яхлит, бир бутун ҳолда ифода этишидир. Маълум-
ки, бизни қуршаб олган барча нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқада
ва ривожланишда. Ф. Энгельс ёзган эдики, «Биз табиатни ёки ин-
соният тарихини, ёхуд ўзимизнинг маънавий фаолиятимизни
фикран назардан кечирганимизда, энг аввал алоқа ва ўзаро
таъсирларнинг бир-бирига беш-
хоят чирмашиб кетган манзараси
кўз олдимизга келадик-
и, бу манзарада ҳеч нарса ҳаракатсиз ва
ўзгармасдан қолмайди, ҳамма нарса ҳаракат қилади, ўзгаради,
пайдо бўлади ва йўқолади»².

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 51-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 28-бет.

Материалистик диалектиканинг қонувлари алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда олинганда нарса ва ҳодисалар ҳақида яхлит, бир бутун тасаввур ҳосил бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири умумий алоқадорлик ва ривожланишнинг қандайдир аниқ томонини ифодалайди. Улар биргаликда олинган тақдирда бир-бирларини тўлдирди, натижада моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқа ва тараққиёти ҳақида яхлит бир бутун манзара ҳосил қилади.

Диалектиканинг қонун ва категорияларидан илмий билишда фойдаланишда улар ихчамлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур. Диалектиканинг қонун ва категориялари мапткий шакллар сифатида нарсалар ҳаракатини айнан акс эттириши, бунинг учун эса улар ўз мазмунига мос келиши лозим. Моддий дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятлилиги, бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига ўтиши ва ривожланиб бориши туфайли диалектиканинг категориялари ҳам зиддиятли бўлиб, улар бир-бирига ўтиб туради ва ривожланади. Уларнинг ихчамлиги ана шундан иборатдир.

Демак, диалектик қонун ва категориялар табиатни тавсифлаганда, шунингдек илмий билиш жараёнида улардан фойдаланганда объектив диалектиканинг субъектив нъикоси бўлган тушунчаларнинг ҳар томонлама ихчамликда эканлигини ҳисобга олиш талаб қилинади. «Тушунчаларнинг ҳар тарафлама ихчамлиги, — деб ёзади В. И. Ленин, — қарама-қаршиликларнинг айниқлиги даражасига кўтариладиган ихчамлик, — масаланинг моҳияти мана шунда»¹. Бусиз фалсафий қонун ва категориялар мазмунини ҳар томонлама ва кенг баён қилиш, диалектикани тўлалигича тушуниш мумкин эмас. Илмий билиш тараққиётининг ҳозирги босқичида диалектиканинг қонун ва категориялари ихчамлигини ҳисобга олмасдан туриб, воқеликни билишнинг илмий методологик қуроли ва дунёни ўзгартириш учун асосий восита бўлган диалектик материализмни ҳам ҳар томонлама, изчил ёритиш мумкин эмас.

В. И. Ленин диалектик категориялар ихчамлиги — диалектик логиканинг асосий мазмуни, деб, ҳисоблаган эди. Бу ҳақда у «Фалсафа дафтарлари»да тушунчаларнинг муносабатлари логиканинг энг асосий мазмунидир, шунинг учун тушунчаларни таҳлил қилиш, уларни ўрганиш, улардан фойдаланиш маҳорати ҳаминша тушунчалар ҳаракатини, уларнинг алоқадорлигини, уларнинг бир-бирларига ўтишларини ўрганишни талаб этади, деб уқтиради.

Илмий билишда бир томонламаликка барҳам бериш учун диалектиканинг муҳим талаби бўлган категорияларнинг ихчамлигини ҳисобга олиш жуда зарурдир. Диалектика категорияларида нарсаларнинг зиддиятли муносабатлари ифодаланганлиги сабабли, аниқ фанлар тушунчаларини ҳам зиддиятли деб қара-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 102-бет.

моқ керак. Бу — тушунчалар диалектикаси нарсалар диалектикасини қамраб олиши учун зарурий шартдир.

Бу ҳолнинг фан тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёруғлик табати ҳақида инсон тасаввурларининг қандай ўзгариб бориши нисолида кўриш мумкин. Маълумки, XVIII аср физикасида ёруғлик корпускуляр хусусиятга эга, деган фикр ҳукмрон эди. Аммо кейинчалик физиклар ёруғликнинг тўлқин хусусиятига эгаллиги ҳақида гапира бошладилар. Ёруғликнинг ҳам корпускуляр, ҳам тўлқин хусусиятига эга бўлган эйдият-ли табиатини ҳисобга олмаганлиги учун бу иккала қараш ҳам ўз характерига кўра бир томонлама эди. Шунинг учун XX асрда ёруғлик бир вақтда иккала хусусиятга эгаллигини кўрсатувчи назария пайдо бўлди ва у амалпётда исбот қилинди.

Илмий билишда диалектикадаги қонун ва категорияларнинг ихчамлигини ҳар томонлама ҳисобга олиш олимларни бир томонламалиқдан, қолоқлиқдан халос қилади, уларни диалектик фикрлашга, нарса ва ҳодисалар тараққиёти мантиқига қатъий мос ҳукм чиқаришга, яъни тушунчалардаги айниийликда тафовутни, тафовутда эса айниийликни, маълум бир категорияда бошқаришнинг элементи борлигини, барқарорликда — ўзгарувчанликни, ўзгарувчанликда эса барқарорлик жиҳати борлигини кўришга мажбур қилади. Бундай ёндашиш ҳозирги замон фанини ҳам табиат, ҳам ижтимоий соҳалардаги билимлари бойиб боришига олиб келувчи ягона тўғри фикр қилиш усулидир.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари инсон ақлининг соф маҳсули бўлмасдан, балки табиат тараққиётидаги ҳақиқий қонунларнинг ифодасидир. Ф. Энгельс диалектика қонунлари тарихий тараққиёт шу ҳар иккала фазасининг, шунингдек тафаккурнинг энг умумий қонунларидан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаб ўтади. Борлиқнинг энг умумий қонунлари ўз мазмунига кўра объектив бўлиши билан бир қаторда, билиш қонунлари ҳамдир. Демак, диалектика борлиқ тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги таълимот бўлиш билан бирга, билиш назариясининг, яъни тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги фан ҳамдир.

Диалектика, логика ва билиш назарияси ягона предметга эга; уларнинг барчаси объектив олам, шунингдек тафаккур ва билиш тараққиётидаги энг умумий қонунларнинг ифодасидир. Бундан диалектика, логика ва билиш назариясининг мазмуниан мос эканлиги келиб чиқади. Ф. Энгельс субъектив тафаккур билан объектив дунёнинг бир хил қонунларга бўйсунганини уқтиради. Демак, улар ўз натижаларига кўра бир-бирига қарама-қарши эмас, балки мосдир.

В. И. Ленин ҳам диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлигини қайта-қайта такрорлаган эди. Чунотчи, у «Карл Маркс» номли мақолаида бундай дейди: «Диалектика эса Маркснинг тушунишича ва Гегелнинг ҳам фикрича, ҳозирги кунда билиш назарияси деб, гносеология деб аталган нарсани ўз ичига олади, бу назария ўз предметини тарихий жиҳатдан қараб,

билишнинг келиб чиқиши ва ривожланишини, билмасликдан билишга ўтилишини ўрганиши ва умумлаштириб бериши лозим»¹.

В. И. Ленин «Гегель диалектикаси (логикаси)нинг плани» қўлёзмасида диалектика ва билиш назариясининг бирлиги ҳақидаги формулага логикани ҳам қўшиб, уни кенгайтиради. У шундай деган эди: «Гарчи Маркс *«Логика»* қолдирмаган бўлса-да, у *«Капитал»* логикасини ёзиб қолдирди, мана шундан мазкур масалада чуқур фойдаланиш зарур эди. *«Капитал»*да битта фанга логика, диалектика ва матерпализмнинг билиш назарияси қўлланилган, Маркс Гегелдан энг қимматли нарсаларнинг ҳаммасини олиб, бу қимматли фикрларни олға сурди»².

Диалектика, билиш назарияси ва логиканинг бирлиги фалсафанинг ҳар қандай масаласини — унинг асосий масаласидан аниқ махсус масалаларигача — ҳам диалектика, ҳам материализм, ҳам логика талабларини бир вақтда ҳисобга олган ҳолда ёритишни талаб қилади. Аммо тафаккур ва объектив дунё қонувларининг умумийлиги асосида диалектика, логика ва билиш назариясининг ўзаро мос келишидан уларнинг мутлақ айнанлиги келиб чиқмайди. Улар орасида моддий дунё, тафаккур ва билиш жараёнида умумий қонувларнинг ўзига хос амал қилиши билан боғлиқ бўлган тафовутлар мавжуд. Лекин бу тафовутларни ҳам мутлақлаштириб бўлмайди, чунки диалектика, билиш назарияси ва логика яхлит фалсафа фақининг турли томонларидир.

Материалистик диалектика табиат, кампаят ва инсон тафаккуридаги чексиз ривожланишни асослаб қолмай, балки кишиларга дунёни ўзгартириш, ўлаштириш йўллариини ҳам кўрсатади. Бу эса диалектик усулнинг энг аҳамиятли томонидир. «Бу диалектика, — деган эди Маркс, — ҳеч кимга сажда қилмайди ва ўз моҳияти билан таъқидий ва инқилобийдир»³.

Материалистик диалектика доимо ривожланиб борувчи борлиқнинг ҳолисона чуқур илмий таҳлили натижасидир. Шунинг учун ҳам у янгича сиёсий тафаккурнинг методологик асоси сифатида хизмат қилади. У иқтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарада гоит кенг кўламдалиги, кўп қирралиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишда курашнинг тўғри йўналишлари, шакллари ва усулларини танилаб олишга, кескин тарихий бузилишларда ўзини дадил ҳис қилишга ўргатади.

Материалистик диалектиканинг принциплари софистика, эклектикага тубдан қарама-қаршидир.

Фалсафа тарихида турли тафаккур услублари ҳақиқатни очиб бера оладиган тафаккурнинг универсал услуби ўрнини босишга ҳаракат қилиб келган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 60-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 320-бет.

³ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 23-бет.

тараққипёт жараёнида давр талабига жавоб бера олмаганлиги учун иякор этилган. *Софистик* тафаккур ҳам шулар жумласидандир. Қадимги дунёда шаклланган софистик тафаккур ўрта асрларда айниқса кең тараққий қилди. Дастлабки даврларда қадимги Грецияда бироқ-бир соҳани, жумладан, ҳунар, мусиқа ва ҳоказони мукамал эгаллаган кишиларни софистлар деб атардилар. Кейинчалик эса бу сўз аста-секин бошқача маъмуи касбга бошлади: ноқиқлик ва донишмандлик билан ном чиқарган кишиларни, билимдон файласуфларни софистлар деб атай бошладилар; ундай кейинги даврларда эса сўз билан кишиларнинг бошини қотириш усулларини усталик билан қўллаб, уларни чалгитадиган одамларга nisбатан ҳам софист ибораси қўлланган.

Софистлар сўз ва ибораларни бир-бирига тўқнаштириш йўли билан, уларнинг сирли маъноси ва аҳамиятини очиш орқали ҳақиқатни билиш мумкин, деб тушунар эдилар. Аслида эса улар табиий тилнинг қатор камчиликлари, жумладан, омонимия, амфиболция, сўзларни ноўрин боғлаш, икки маъноли талаффуз, фикрнинг инфодалашнинг грамматик шакллари ва ҳоказолардан фойдаланиб, **сохта ҳақиқат** **ияқоби** остида ҳақиқий билимларни ёлгон билан алмаштиришга уринадилар. Форобий логиканинг ҳақиқатга эришиш қуроли сифатидаги ролини асослашга бағишланган рисоаларида софистик тафаккурнинг асоссиизлигини кўрсатиб беради.

Софистика номи, Форобийнинг таъкидига кўра, суфий (донолик) ҳамда истият (ёлгон) сўзларидан олинган бўлиб, «ёлгондакам донолик» маъносини англатади. «Софист,— деб ёзган эди Форобий, — (борлиққа) тескари бўлган (йўқ) нарсаларни тасаввур қилишга мажбур этиш орқали тингловчинини адаштиради, шундай қилиб у (тингловчи) бор нарсани йўқ, йўқ нарсани бор, деб тасаввур қилади»¹.

Софистик тафаккур, Форобий фикрича, ўзига хос усуллардан ташкил топган бўлиб, улар ўрганилиши лозим бўлган нарсаларни ўрганишда ақлни тўғри йўлдан чалкаштиради ва ёлгонни рост шаклда тасаввур қилишга мажбур қилади, ўрганмоқчи бўлган кишини тўғри йўлдан адаштиради. Худди шу усуллар билан сўзловчи тингловчинини шундай чалкаштирадики, агар у (тингловчи) нимавидир талаб қилса, ёки эҳтиёж сезса — у (яъни, сўзловчи) уни (яъни тингловчинини) талаб қилмасдан ва олмасдан туриб, талаб қилгани ва олганига ишонтириши мумкин. Худди шундай усул ёрдамида ёқламагани (ҳимоя қилмагани) ва қаршилик кўрсатмагани ҳолда, у (сўзловчи) уни (тингловчинини) (нимаидир) қаттиқ туриб ҳимоя қилгани ёки (нимагадир) қаршилик кўрсатганига ишонтириши мумкин. Агар у (тингловчи) ё жавобгар, ё адвокат, ёкинки оқловчи бўлса, у ҳолда шундай усуллар ёрдамида у (сўзловчи) уни (яъни тингловчинини) аслида ҳақиқатга жавоб бермагани ва (кимдир) ёқламагани ҳолда уни

¹ *Аль-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1975, 531-бет.*

да (тингловчида) жавоб берганлиги ва ёқлагани ҳақида тасаввур ҳосил қилдириши мумкин¹.

Бундай усуллар бизга маълум бўлгандан кейин (бизга айтиладиган нарсани) кўриб чиқишимизда, биз исботлайдиган ва бошқалар исботлайдиганига нисбатан улар ҳаракатидан қандай қилиб четлашиш биз учун сир бўлмай қолади.

Форобий логика қонунарига қатъий бўйсуниладиган бўлса, инсон ақли софистик тафаккурдан халос бўлиши мумкин, деб таъкидлаган эди. Силлогизмларни ўрганадиган бўлсак, нарсаларнинг бир-биридан фарқларини ишонч билан топа оламиз ва агар биз эътибор қилсак, мунозараларда англашилмовчиликларга ва чалкашликларга йўл қўймаймиз²,— деган эди у.

Кўриниб турибдики, софистик тафаккур тушунчалар, сўзлар ва улар маъноларининг икки ёқламалигидан келиб чиқар экан, демак, у ўз-ўзидан келиб чиқмаган, унинг ўзига хос гносеологик илдиэлари бор. Маълумки, инсон тушунчалари ҳаракатчан, ўзгарувчан, ихчам, ўзаро алоқадор, зиддиятли, бири иккинчисига ўтиб туради. Агар ана шу тушунчалар инсон томонидан ўз ҳолича, субъектив фойдаланилса, осонгина софистикага тойиб кетиш мумкин. Софистик усулда тушунчалар шундай воқеалар комбинациясига тушиб қоладик, тушунчаларнинг манвияқий образи бўлган нарсалар ўз ўрнини топа олмай қолади. В. И. Ленин тушунчаларнинг ҳар тарафлама ихчамлиги ҳақида: «Бу ихчамлик субъектив тарзда татбиқ этилса; эклектика ва софистикадир. Бу ихчамлик объектив тарзда татбиқ этилса, яъни моддий жараёнининг ҳар томонламалигини ва унинг бирлигини акс эттирса; диалектикадан иборатдир, дунёнинг абадий тараққиётининг тўғри инъикосидир»³, — деб ёзади.

Софистик тафаккурда бир хил тушунчалар, сўзлар, ибораларнинг бошқалари билан расмий боғланиш зарурияти биринчи галдаги ваазифадир. Бу аслида маъносиз фразеология ўйинидан бошқа нарса эмас. Софистик тафаккур предметли асосга эга бўлган сўзлар, тушунчалар билан қизиқмайди. Шунинг учун ҳам сўз тузилишлари доирасида ўралиб қолади. Ф. Бэкон таъбири билан айтганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда эса улардан ҳеч қандай наф йўқ. Софистик тафаккур расмий таърифлар билан чекланганлиги учун ҳам тараққиётдаги чуқур ички жараёнларни тушунишга қодир эмас. В. И. Лениннинг таърифида, софистлар учун ҳақиқат ҳам, янглишпш ҳам мавжуд эмас, фақат оддий муваффақият бор.

Софистика ижтимоий-синфий илдиэларга ҳам эга. Софистик усул ҳақиқатни атайлаб бузиб, ёлғовни ҳақиқат деб кўрсатиб ҳукмрон синфлар манфаатини ҳимоя қилади. Ҳозирги замон буржуазияси ўз тадбир-чораларини, ҳақиқий мақсадларини халқ оmmasидан яшириш мақсадида софистик услубга тез-тез муро-

¹ Қаранг: Ўша асар, 364—365-бетлар.

² Қаранг: Ўша асар, 438-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 102-бет.

жаат қилиб турмоқда. В. И. Ленин либерал сийсий софизмлар буржуазия синфий табиатини ифодалашини, яъни либерализмнинг сийсий сафсаталари инқилобий пролетариатга буржуазиянинг ҳатто илгор элементларининг ҳақиқий синфий башараси билан ташишмоқ учун озгина бўлса ҳам, лекин қимматли материал беришини уқтирган эди.

Эклектика ҳам кең тарқалган тафаккур услубларидан бўлиб, дустлаб грек фалсафасининг охирги босқичларида юзага келган. Эклектик тафаккур услуби ўрта аср ва янги замон схоластикларининг тортишувларида кең қўлланган. Ҳозирги замон буржуа фалсафасида эклектиканинг турли кўринишлари материализм билан идеализмни, фан билан динни келиштиришга қаратилган урнинишларда ҳам намойи бўлмоқда.

Эклектика («танлайман» деган грекча сўздан олинган) муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва иккинчи даражали боғланишлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олмайдиган, тасодифий методологик услубдир. Эклектика парса ва ҳодисаларнинг турли томонлари ва хоссаларини механик равишда бириктиради ва «бир томондан», «иккинчи томондан» деган принцинга амал қилади. Обьектив дунё нарса ва ҳодисаларидаги алоқа ва муносабатлар мажмуидан реал ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожлавишда асосий ҳал қилувчи алоқаларни ажрата билмаслик эклектик тафаккурнинг асосий методологик нуқсонидир. В. И. Ленин ўзининг «Яна касаба уюшмалари ҳақида» деган асарида Бухарин фикрларининг асоссизлигини танқид қилиб, эклектик тафаккурнинг гайриилмийлигини кўрсатиб беради. Бухарин 1920 йил 30 декабрда бўлиб ўтган касаба уюшмалари ҳақидаги тортишувда Зиновьевнинг «касаба уюшмалари — коммунизм мактаби», Троцкийнинг «касаба уюшмалари — ишлаб чиқаришни бошқарувчи аппарат» деган фикрларини келтиришга уринган эди. Ҳақиқатда аса, Бухарин, касаба уюшмалари — ҳам коммунизм мактаби, ҳам бошқарув аппарати, демак юқоридаги фикрларнинг иккови ҳам тўғри демоқчи бўлади. В. И. Ленин Бухариннинг бу хулосаларини эклектик хулоса деб кўрсатади. «Буниси ҳам, униси ҳам», «бир томондан, иккинчи томондан» — Бухариннинг назарий нуқтаи назари ана шу. Худди ана шунинг ўзи эклектицизмдир. Диалектика гоҳ ундан, гоҳ бундан парча-пурча юлқиб олишни эмас, балки нисбатларнинг аниқ ривожлавишида уларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади»¹, — деган эди В. И. Ленин.

Бухарин фикрларининг гайриилмий, эклектик эканлигини ва ўз қарашларини асослаш учун В. И. Ленин унинг стакан ҳақидаги мисолидан фойдаланиб, стакан ҳам, пиша цилиндр ҳам сув ичишга мўлжалланган идиш эканлигини таъкидлаб, у яна бошқа сифат ва белгилар билан ифодаланишини уқтиради.

«Формал логика, дейди у.—Формал таърифларни олиб қарайди ва энг оддий бўлган ёки ҳаммадан кўпроқ кўзга ташланадиган нарсаларни асос қилиб олади ва шулардан нарига ўтмайди.

¹ Маркста-ленинча фалсафа хрестоматияси, 2-жилд, 742-бет.

Агар шу билан бирга бир-биридан фарқ қиладиган икки ёки ундан кўпроқ таъриф олиниб, тамоман тасодиф равишда бирга қўшилса (ҳам шиша цилиндр, ҳам сув ичадиган асбоб), у вақтда биз предметнинг турли томонларини кўрсатадиган эклектик таърифга эга бўламиз, холос»¹.

Диалектик логика биздан япада илгарилаб кетишни талаб қилади. Предметни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма томонларини, алоқаларини ва воситаларини бирга олиб текширмоқ керак. Биз унга ҳеч қачон тўла-тўқис эриша олмаймиз, лекин ҳар томонлама ўрганиш талаби бизни хатолардан ва ўликлик ҳолатидан сақлаб қолади. «Бу биринчидан, иккинчидан, диалектик мантиқ билан предметни унинг ривожланишида, «ўз ҳаракатида» (баъзан Гегель шундай дейди), ўзгариб туришида олиб қарашни талаб қилади. Стаканга нисбатан бу дарҳол равшан бўлмайди, лекин стакан ҳам ўзгармасдан қолмайди, балки, айниқса унинг вазифаси, унинг ишлатилиши, унинг теварак-атрофидаги олам билан алоқаси ўзгариб туради, Учинчидан, инсоннинг бутун амалий фаолияти ҳам ҳақиқат мезони сифатида ҳамда предметнинг ишига лозим бўлган нарса билан алоқасини амалий суратда аниқлаб берувчи омил сифатида предметнинг тўла «таърифи» кирмоғи лозим. Тўртинчидан, диалектик логика... «мутлақ ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамisha аниқдир»,— деб ўргатади»².

Амалий ҳаракатда эклектик ёндашиш нарса ва ҳодисаларнинг воқеалар замирида асосий бўғинни топшига, тараққиётнинг у ёки бу босқичларида энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган тадбирларни белгилашга тўқиблик қилади. Айниқса, эклектика диалектика ниқоби остида кириб олгудек бўлса жуда катта зарар етказилади. Шу боисдан Ленин бундай деган эди: «...эклектицизмни диалектика қилиб сохталаш оммани ҳаммадан яхшироқ алдайди, қаноатлантиривдай бўлади, гўё жараённинг ҳамма томонларини, тараққиётнинг ҳамма йўналишларини, ҳамма эҳдиқатли таъсирларни ва ҳоказоларни эътиборга олганидай бўлади, амалда эса ижтимоий тараққиёт жараёнини тўла-тўқис ва ишқилобий тарзда тушунириб бермайди»³.

VII БОБ. ДИАЛЕКТИКАНИНГ АСОСИЯ ҚОНУНЛАРИ

1. МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА УТИШ ҚОНУНИ

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни диалектиканиннг асосий қонунларидан биридир. Бу қонуннинг моҳияти шундай иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

¹ Уша ерда, 745-бет.

² Уша ерда, 746-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-жилд, 25-бет.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат — нарсанинг ички муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятларининг бирлигидир. Сифат нарса қақдай бўлса, уш шундайлигича аниқлаб беради. Нарсаларнинг сифати эса уларнинг хоссалари орқали намоён бўлади. Хосса нарса сифатининг бошқа нарсалар билан ўзаро алоқадорлигидаги ташқи намоён бўлишидир. Биз нарсаларнинг ички сифатини маълум бир хоссаларда намоён бўлиши орқали биламиз. Ҳар бир нарса кўплаб хоссаларга, яъни асосий ва иккинчи даражали хоссаларга эга бўлади. Масалан, металл эичлик, сиқувчанлик, пессиклик ўтказувчанлик, чўзилувчанлик каби хоссаларга эга. Сифат — жисмининг барча хоссаларини биргаликда боғловчидир. Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йигиндисидир. Лекин сифат ва хосса айван бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши муқаррар суръатда хоссанинг ўзгаришига олиб келади, бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Ҳар бир нарса муайян системада бир-бири билан боғлиқ бўлади. Нарса қайси боғланишлар системасига кирса, шу системага боғлиқ равишда турли сифатларга эга бўлади. Чунончи, «стол» муайян табиий материалдан, яъни дарахтдан ясалган бўлиб, табиий сифатга эга. Шунинг учун у табиий қонуниятларга бўйсунди. Айни замонда стол муайян инсон меҳнатининг натижаси бўлиб, ижтимоий сифатга ҳам эга ва ижтимоий қонуниятларга бўйсунди. Ижтимоий сифатлар, К. Маркс таъкидлаб ўтганидек, икки гуруҳга: биринчи тартибдаги ижтимоий сифатларга ва иккинчи тартибдаги ижтимоий сифатларга бўлинади. Худди ўша стол, модомки, инсоннинг муайян эҳтиёжини қондирар экан, «аниқ (амалий) ҳис» этиладиган нарса сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан, стол модомки қийматга эга экан, у товар сифатида гавдаланади. Бу ўринда стол «ҳаддан ташқари ҳис этиладиган нарса» тариқасида гавдаланади. Бу эса иккинчи тартибли ижтимоий сифатларга мансубдир.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу каби хоссалари билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга; бир ижтимоий формация бошқа ижтимоий формациядан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти, суръати даражаси, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам фарқ қилади.

Нарса ва ҳодисалардаги миқдорий ва сифатий томонлар доимо бир-бирини тақозо қилиб, бирликда бўлади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган нарса йўқ. Шунинг учун ҳам нарсага миқдорий ва сифатий томондан берилган тавсиф тўлиқ бўлади.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёр — бу миқдорий муносабатлар ва объект сифатига мос тузилмаларнинг мувофиқлигидир. Объектнинг миқдори ушбу сифат доирасидан чиқмасдан муайян ораликда ўзгаради. Бу оралик чегаралари эса предмет муайянлигини, сифат ва миқдор бирлиги сифатида меъёрни ифодалайди. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади. Меъёр ҳар бир нарса ва ҳодисадаги миқдор билан сифат ўртасидаги ўзаро муносабатни ифода этади. Бу ўринда ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос ўлчовга эга бўлади, чунки ушбу сифат хусусияти ҳар қандай миқдор билан эмас, балки муайян миқдор билан уйғунлашади. Ушбу объектга хос бўлган миқдорий ўзгаришлар доирасидан чиқиш шу объектга хос бўлган меъёрнинг бузилишига ва унинг янги сифатга ўтишига олиб келади.

Меъёрнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, назарий билимлар системасида у қуйидагиларга ажратилади: 1) оддий меъёр — алоҳида, ўз-ўзича олинган предмет ўлчови; 2) системали, субстанцияли меъёр — ушбу системанинг элементи, бўлагчи бўлган предмет ўлчови; 3) реал меъёр — барча ҳақиқий муносабатлар йиғиндисини бўлган предмет ўлчови. Ижтимоий ҳаёт қондаларини ҳам ғоят турли-туман меъёр муносабатларига эга¹.

Бир меъёрдан иккинчи меъёрга ўтиш жараёни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш негизини (ёки нуқтасини) дейилса, бир миқдорий сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишнинг барча ҳалқасини эса меъёрнинг марказий чизиғини дейилади.

Сифат, миқдор ва меъёр категорияларида кишиларнинг оғлига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг объектив ва энг умумий тавсифи ифодаланади. Шунинг учун ҳам айрим буржуа файласуфларининг нарсалар сифатини субъектив тушунча деб таъкидлашлари назарий жиҳатдан асоссиздир.

Миқдор ва сифатнинг моҳияти, хусусияти ҳақида Р. Декарт, Б. Спиноза, Г. В. Лейбниц, Ж. Локк, М. В. Ломоносов, XVIII аср француз материалистлари И. Кант ва бошқалар бир қатор муҳим фикрларни баён этганлар. Бироқ улар метафизик усулнинг устунлиғи сабабли бу категорияларнинг мос хусусиятларини аниқлай олмадилар, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишини кўра билмадилар.

VII аср инглиз файласуфи Ж. Локк материянинг ҳиссий идрок қилинадиган барча хоссаларини бирламчи ва иккиламчи сифатларга ажратди. Бирламчи сифат таркибига у зичлик, фигура,

¹ Қаранг: История марксистской диалектики, М., «Мысль», 1976, 170—185-бетлар.

шакл, узуплик, ҳаракатчанлик, сукуватни киритди. Унинг фикрича, бу сифатлар ондан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив мавжуддир, улар бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этади ва мувофиқ келадиган сезгини уйғотади, бу сезгилар нарсаларнинг образидир. Улардан фарқли ўлароқ, Ж. Локк ранг, товуш, ҳид, иссиқлик, қаттиқлик, маза кабиларни иккинчи даражали сифат деб атайти. Бу каби сифатлар, унинг таъкидлашича, субъектив хусусиятга эга бўлиб, улар кишидагина мавжуддир, нарсаларнинг ўзида ранг, ҳид, товуш, иссиқлик, маза йўқдир — бу фақат инсон онгида фигура, ҳажм, зичлик, яъни бирламчи сифатлар таъсири натижасида келиб чиқадиган сезгилардир. Ж. Локк иккиламчи сифатларни нарсалар образи сифатида тан олмаси-да, нарсалар билан ўхшашликка эга бўлмаган шартли белгилар деб ҳисоблайди.

Ж. Локк иккиламчи сифатларнинг субъектив хусусиятга эгаллигини исботлаш мақсадида қатор далилларни келтиради. Буларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

1). Бирламчи сифат — узуплик, ҳаракат, шакл — беистисно барча нарсаларга хосдир, аммо ранг, ҳид, маза — иккиламчи сифат бўлиб, умумийликка эга эмасдир;

2). Айнан бир нарса ёшлар ва қариялар, кучли ва кучсизлар томонидан турлича ҳис этилади. Асал соғлом одам учун ширин, касал учун аччиқдир. Демак, дейди Ж. Локк, маза субъектив хусусиятга эга;

3). Оқ қозоқ ёруғликда оқ ранг, сояда тўқ кул рангини, қоронғиликда — кул рангини сезиш имконини беради. Демак, ранг ҳам инсонга боғлиқдир. Ж. Локкнинг иккиламчи сифатларнинг субъектив хусусиятга эгаллигини таъкидлаши нарсаларнинг бирламчи ва иккиламчи сифатларини инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда мавжуд деб ҳисоблайдиган фан далилларига тўғридан-тўғри қарама-қаршидир.

Умуман олганда, предметлар билан боғланмаган на сифат, на миқдор мавжуд бўлмай, балки миқдорий ва сифатий муайянликка эга бўлган нарсалар мавжуддир. «...мавжуд нарса сифатлар эмас, — деб таъкидлаган эди Ф. Энгельс, — балки сифатларга, шунинг билан бирга, беҳад кўп сифатларга эга бўлган нарсалардир, холос»¹. Модомики, нарсалар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив мавжуд экан, миқдор ва сифат ҳам объектив мавжуддир. Бирламчи сифатлар қай тарада объектив бўлса, иккиламчи сифатлар ҳам шу ҳолда объективдир. Бизнинг сезгиларимиз, тафаккуримиз, субъектив идеалистлар таъкидлаганидек, ҳодисаларнинг сифатини яратмайди, балки билиш жараёнида уларни тобора тўлиқ ва тўғри акс эттиради.

Миқдор ва сифатни бир-бирига қарама-қарши, мутлақ категория деб қаровчи, барча сифат ўзгаришларини миқдор ўзгаришларига тенглаштирувчи метафизикларга қарама-қарши ўлароқ, диалектика миқдор ва сифатни бирликда, доимий ҳаракатда

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 201- бет.

деб қарайди. Миқдор сифатга ва аксинча, маълум шаронда сифат миқдорга ўтади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифати объектив бўлса-да, нисбийдир, чунки улар ўртасидаги чегара ўзгарувчан бўлиб, уларни мутлақлаштириш мумкин эмас. Худди шуингдек, нарсаларнинг миқдорий муайявлиги ҳам ўзгарувчандир. Модомки, объектив олам доимий ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда экан, нарсаларнинг миқдори ва сифатий муайявлиги, уларнинг хоссалари ҳам ўзгариш ва ривожланишдадир. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг аниқ ҳолатини билиш фан ва ижтимоий амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдорий ўзгаришлар билан сифатий ўзгаришлар ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш масаласига, ўз навбатида, қадимги файласуфлар ҳам эътибор берганлар. Қадимги грек файласуфларининг «ялтироқ бой» ва «ғарам» номи билан келтирган мисоллари маълумдир. Суҳбатдошга қуйидаги савол берилади: агар бошдан бир дона соч толаси юлиб олинса, бош ялтираб қеладики, агар ғарамдан бир дона уруғ олинса, у ғарамлик ҳолатини йўқотадими? Натижада йўқ деган жавоб бўларди. Бу ҳол бош ялтирамагунча, ғарам эса йўқ бўлмагунча давом этарди. Қадимги файласуфлар бу каби ҳодисаларни энг умумий қонуниятларнинг намоён бўлиши натижаси деб эмас, балки соф мантиқий ғайри табиийлик деб қарар эдилар.

Миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни объектив бўлиб, реал воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хосдир. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдорий ўзгаришлардан бошланади. Миқдор ўзгаришлар муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига (турғувлигига) таъсир этмайди. Миқдор ўзгаришларининг чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади, натижада сифат ўзгаришлари содир бўлиб, эски сифат йўқолиб, янги сифат юзга келади. Бу эса айнан миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишидир. Миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни табиат, жамият ва тафаккур тараққиётида амал қилади. Бу ҳолни биз кимё фанида яққол кўришимиз мумкин. Масалан, икки атом водород билан бир атом кислород сувнинг молекуласини ташкил этади. Агар бу элементларни бошқача нисбатда, яъни икки атом водородни бириктирсак, у ҳолда биз янги нарса — водород пероксида ҳосил қиламиз.

Ижтимоий ҳаётда ҳам миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ҳар бир қадамда исботланади. Бироқ у, Ф. Энгельс таъкидлаганидек, аниқ фанлар соҳасида яққол намоён бўлади, чунки уларда миқдор ўзгаришларини аниқ ўл-

чаш ва қузатиш мумкин. Ижтимоий ҳаётда бу қонуннинг намоён бўлиши кенг доирага эга бўлишига қарамай, миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтишида сабаб бўлган жараёни аниқлаш анча қийиндир. Масалан, В. И. Ленин ўзининг «Давлат ва инқилоб» деган асарида буржуа демократиясининг социалистик демократия билан алмашилиш жараёнини миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтиш ҳодисасининг бири эканлигини кўрсатади.

Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиш билан бирга, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари натижасида вужудга келган янги сифат муайян вақтга мувофиқ келадиган барқарорликка эга бўлиб, шу миқдор ўзгаришлари жараёни давом этиши учун шароит яратиб беради. Бу — сифат ўзгаришларининг миқдор ўзгаришларига ўтишидир.

Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи:

биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача предметга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимидан 100°C гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди. Сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, уни бошқа ҳодисага айлантиришни тақозо қилади;

учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин ўтади ва кўп ҳолларда (муайян давргача) сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади;

тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгаришлар ҳисобланади.

Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонунининг моҳиятини материалистик диалектика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш бу қонунни метафизик таҳлил қилишга тубдан қарама-қаршидир. Кўпчилик буржуа файласуфлари миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришларини ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўядилар, айримлари эса фақат миқдорий ўзгаришларнигина тан оладилар. Чунончи, биологияда фақат миқдорий ўзгаришларни тан оладиган метафизик преформизм оқими мавжуд бўлиб, унинг вакиллари тирик организм эмбриони ҳар томонлама камол топган бўлиб, фақат у микроскопик ўлчамда бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бундан организмнинг ривожланиши шу эмбрионнинг оддий миқдорий ўсишидан иборат, деган метафизик қараш вужудга келади.

Иккинчи бир гуруҳ метафизиклар фақат сифат ўзгаришларини тан оладилар. Масалан, бельгиялик олим де Фризнинг (XIX аср) фикрича, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳар бир янги тури ол-

динги турнинг портлаши натижасида тўсатдан келиб чиққан (мутация). Бу гоёни унинг маслакдошлари Коржинский, Чемберлен, Жинс ва бошқалар ҳам қаттиқ туриб тарғиб қиладилар.

Тараққиётни оддий миқдор ўзгаришларидан иборат жараён деб тушуниш — капитализмнинг социализмга тинч ўсиб ўтиш гоёсини тарғиб қиладиган оппортунизм билан реформизм стратегия ва тактикасининг фалсафий-назарий асосидир. Э. Бернштейн, К. Каутский ва уларнинг ҳозирги издошлари коммунистик ҳаракат билан ишчилар ҳаракатида капитализмдан социализмга инқилобларсиз, ислохотлар ёрдамида аста-секин миқдорий ўзгаришлар йўли билан ўтиш мумкин, деган хомхаёлларни тарқатмоқдалар. Материалистик диалектика айрим ҳолларда меҳнаткаш омма сиқуви натижасида буржуа ҳукумати томонидан амалга ошириладиган ислохотлар меҳнаткашлар ҳаётини бирмунча яхшилашини инкор этмайди ва шу билан бирга ҳар қандай ислохотларни ҳам асоссиз рад этмайди. В. И. Ленин айтганидек, инқилобийликни бўрттириш ва курашнинг реформистик шакллари билмаслик ҳақиқий инқилобчи учун энг катта хавфдир.

Бироқ ислохот учун кураш инқилобчиларнинг бирдан-бир мақсади бўлмай, у эски тузумни ағдариб, янги тузум ўрнатиш учун олиб бориладиган умумий курашнинг таркибий қисмидир. Ислохотлар инқилобнинг қўшимча омилларидан бўлиб, улар эски капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини йўқ қила олмайди, пролетариатни капитал зулмидан озод қилолмайди. Бу масала фақат социалистик инқилобни амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Анархизм тактикасининг асосида тараққиёт тасодифий портлаш, ҳалокатдан иборат, деган метафизик тушувиш ётади. Бунинг моҳиятини В. И. Ленин «Давлат ва инқилоб» асарида аниқ кўрсатиб берган. «Марксистлар билан анархистлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, — деган эди В. И. Ленин, — (1) марксистлар давлатни батамом йўқ қилишни ўзларига мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу мақсадни социалистик инқилоб синфларни йўқ қилгандан кейингина амалга ошириладиган мақсад деб, давлатнинг барҳам топишига олиб борадиган социализмнинг барпо қилиш натижаси деб эътироф қиладилар; анархистлар давлатни бугун-эрта бутунлай йўқ қилмоқчи бўладилар, бундай қилишни амалга ошириш шароитларини тушунмайдилар. (2) Марксистлар пролетариат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиб, эски давлат машинасини батамом емириши, уни қуролланган ишчиларнинг Коммуна типигаги ташкилотидан иборат бўлган янги давлат машинаси билан алмаштириш зарур деб эътироф қиладилар; анархистлар давлат машинасини емириш фикрини ёқлаганлари ҳолда, пролетариатнинг бу машинани *нима билан* алмаштиришини ва унинг инқилобий ҳокимиятдан қандай фойдаланишини аниқ тасаввур қила олмайдилар; анархистлар ҳатто давлат ҳокимиятидан инқилобий пролетариатнинг фойдаланишини, унинг инқилобий диктатурасини инкор қиладилар. (3) Марксистлар ҳозирги давлатдан фойдаланиш йўли билан пролетариатни

инқилобга тайёрлашни талаб қиладилар; анархистлар буни инкор қиладилар»¹.

Анархизм билан реформизм ўртасида ташқи жиҳатдан фарқ бўлишига қарамай, буларнинг ҳар иккаласи ҳам умумий томонларга эга бўлиб, социалистик инқилобга, пролетарнат диктатурасига қарши чиқади.

Миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёнини таҳлил қилар эканмиз, назарий ҳамда амалий фаолиятда амалга ошаётган ўзгаришлар механизмининггина эмас, балки уларнинг чуқурлиги ва аҳамиятини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Шунга асосан рўй берадиган ўзгаришларни инқилобий ва тадрижий (эволюцион)га ажратиш мумкин. Инқилобий ўзгариш оқибатида нарсанинг асосий сифати бузилади, бир нарса сифат жиҳатдан бошқа нарсага айланади (бу ўзгариш қандай амалга ошишидан қатъи назар). Тадрижий ўзгариш шундай ўзгаришки, бунда нарсанинг асосий сифати сақланиб қолади. Масалан, капитализмдан социализмга ўтиш инқилобий бўлса, монополистик капитализмгача бўлган капитализмдан монополистик капитализмга ўтиш тадрижийдир.

Шунинг айтиб ўтиш керакки, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ҳаётимизнинг ҳамма томонларини қамраб олган қайта қуриш ривожланишининг инқилобий шаклига киради. Қайта қуриш бу — тургун жараёнларни қатъий енгил, тормозлаш механизмини сивдириш, совет жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг ишончли механизмини яратишдир. Стратегиямизнинг асосий мақсади илмий-техника инқилоби ютуқларини иқтисодиёт билан қўшиш ва социализмнинг ҳамма имкониятларини ишга солишдир.

Бир сифат ҳолатдан иккинчи сифат ҳолатга ўтиш сакраш йўли билан амалга ошади. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари» да шундай деган эди: «Диалектик ўтиш подиалектик ўтишдан нима билан фарқланади? Сакраш билан. Зиддият билан. Тадрижийликнинг узилиши билан. Борлиқ ва йўқлиқнинг бирлиги (айниийлиги) билан»².

Сакраш нима? Сакраш табват ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий категориядир. Масалан, капитализмдан социализмга ўтиш меҳнаткаш омманинг уюшқоқлиги ва опглилигининг ўсиши туфайли унинг партияси томонидан тайёрланиб, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви, яъни аста-секин миқдор ўзгаришлари туфайли сакраш йўли билан содир бўлган. Сакраш олдинги тараққиёт томонидан зарурий тайёрланадиган объектив ва қонуний жараёндир.

Ноорганик материядан органик материяга ўтиш ҳам сакрашдир. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, ҳаракатнинг бир шаклидан иккинчисига ўтишнинг ҳар қандай тадрижийлиги ҳал қилувчи бурилишдан, сакрашдан иборат бўлиб қолади.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-жилд, 131-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 271-бет.

Сакраш тараққийетнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган шаклидир. Бу — тараққийетнинг жадал суръатли даври бўлиб, эски, умри тугаганлари қайта ўзгартирилиб, янгилари учун, тараққийетнинг энг юқори босқичи учун йўл очади. «...кўп қарама-қаршиликлар,— деб ёзади В. И. Ленин, — худди шундай даврларда ҳал қилинади. Худди шундай даврларда турли синфларнинг ижтимоий ҳаёт шакллари белгилашдаги бевосита роллари жуда очиқ намоён бўлади, сиёсий «устқурма» нинг асослари барпо этилади, кейин бу «устқурма» янгиланган ишлаб чиқариш муносабатлари асосида узоқ вақт сақланиб туради»¹.

Материалистик диалектика сакрашни кишилар онги ҳамда продасига боғлиқ бўлмаган объектив ва қонуний ҳодиса деб қарайди. К. Маркс «Сиёсий иқтисод таъқидига доир» асарыда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари тараққийет диалектикасини таҳлил қилиб, ижтимоий иқтисод ижтимоий тараққийетда туб сакраш бўлиб, қонуний суратда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади, деб таъкидлайди.

Диалектик сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишни, узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакрашлар доим аста-секинлик билан миқдор ўзгаришлари натижасида тайёрланади. Бунда шунинг назарда тутиш керакки, миқдор ўзгаришлари нарса ва ҳодисанинг барча томонларини бир текисда оддий кўпайтириш ёки камайитиришдан иборат эмас. Миқдор ўзгаришлари нарса ва ҳодисаларнинг ижобий томонларини аста-секин ўстириб, мустаҳкамлашни ҳамда салбий томонларини аста-секин сусайтиришни тақозо этади. Масалан, феодализмдан капитализмга ўтиш феодаллар мавқеининг заифлашиб, буржуазиянинг кучайишини билдиради. Капитализм ҳалокати учун эса буржуазия кучларини заифлаштириб, пролетариат кучларини кучайтириш зарур. Бундан маълумки, янги сифат ташкил топиши учун миқдор ўзгаришларининг муайян нисбатини предметнинг вужудга келаётган, ривожланаётган томонлари доирасига ўзгартириш шартдир. Бироқ маълум миқдор ўзгаришларидан ташқари, янги сифатнинг вужудга келиши учун муайян шароит ҳам зарурдир. Агар бундай шароитлар мавжуд бўлмаса, сакраш содир бўлмайди. Миқдор ўзгаришлари фақатгина эски сифатдан янги сифатга ўтиш учун имконият яратиб берадики, натижада бу имкониятлар унга мос келадиган шароит мавжуд бўлгандагина амалга ошади. Масалан, капитализмнинг ривожланиши объектив суратда социалистик ишқилоб галабаси учун имконият яратади. Бинобарин, бу имконият фақат мос келадиган объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлгандагина воқеликка айланиши мумкин. В. И. Ленин «II Интернационалнинг ҳалокати» деган асарыда буни жуда аниқ кўрсатиб ўтган эди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 16-жилд, 27-бет.

Сакраш шунингдек, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишидир. В. И. Ленин жаҳон тараққиёти деб аталувчи даврда аста-секин тўпланиб келган кўпгина зиддиятлар ижтимоий илқилоблар даврида ҳал қилинади, деб ёзган эди. Сакраш натижасида эски сифат билан унинг асосида ҳаракат қиладиган қарама-қаршилиқлар бирлиги тугатиш ва янги қарама-қаршилиқлар бирлигига эга бўлган янги синфнинг вужудга келиши содир бўлади. Масалан, феодализмдан капитализмга ўтиш эски сифатдан янги сифатга ўтишни авлатиш билан бирга, феодаллар билан крепостной деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлар ҳал қилинишини ва буржуазия билан пролетариат тимсолида янги қарама-қаршилиқлар бирлиги келиб чиқишини билдиради. Худди шунингдек, буржуа ҳокимиятининг ағдарлиши ва пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши янги сифатга ўтиш билан бир қаторда, ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишини ва янги қарама-қаршилиқлар бирлиги келиб чиқишини билдиради.

Ниҳоят, сакраш — эски сифатнинг инкор этилиши ва янги сифатнинг қарор топишидир. Ҳар қапдай нарса ва ҳодиса янгилик бунёд бўладиган, эскилик барҳам топадиган элементларни ўз ичига олиб, икки қарама-қарши томонларга бўлинади. Сакраш — илғор томоннинг ғалабаси ва консерватив (мутаассиб) томоннинг ҳалокати, тугатилишидир. Сакраш натижасида эскидан янгига ўтиш амалга ошади. Шунга кўра, нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши илгарилаб борадиган йўлдан боради.

Шундай қилиб, диалектик сакраш қуйидаги жиҳатларга эга: **биринчидан**, сакраш — тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараён; **иккинчидан**, сакраш — тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтиши; **учинчидан**, сакраш — эски қарама-қаршилиқлар бирлигини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган қарама-қаршилиқларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишидир;

тўртинчидан, сакраш — нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир. Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шариоитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида, аниқ сакраш шаклига эгадир.

Амалга ошиш муддатига боғлиқ равишда аста-секинлик билан амалга ошадиган сакрашдан бир зумда шиддат билан содир бўладиган сакрашни фарқлаш керак. Бинобарин, кимёвий элементларни бириктириш жараёнида туб сифат ўзгаришлари шиддат билан, жуда тез содир бўлади, аммо ҳайвонлар билан ўсимликларнинг ривожланиш жараёнида эски сифатдан янги сифатга ўтиш бирмунча секин содир бўлади. Тез содир бўладиган сакрашлар билан аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли билан со-

дир бўладиган сакрашларнинг бир-биридан фарқ қилишини ҳисобга олиш лозим. Тез сакраш шундай хусусиятларга эгаки, у, биринчидан, ҳал қилувчи зарбанинг бирдан-бир акси сифатида бажарилади. Бу сифатий ўтиш бўлиб, даставвал, бирданига эски тугатилади ва сўнгра янги бунёд этилади. Иккинчидан, у беҳосдан тез содир бўлади. Ижтимоий ҳаётда тез сакрашга эски ижтимоий тузумни тугатиб, янги тузумни ўрнагадиган иккилоблар мисол бўла олади.

Аста-секин миқдор ўзгаришлари йўли билан содир бўладиган сакрашлар эскини бир йўла тугатиш билан эмас, балки узоқ вақт давомида эски сифатни янги сифатга айлантириш билан тавсифланади. Бундай сакрашга ҳаётнинг, инсоннинг пайдо бўлиши ва ҳоказолар мисол бўла олади.

Демак, сакрашлар турли-туман шаклларда амалга ошириши мумкин. Бунда парса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш шакллариининг турли-туманлиги нимага боғлиқ? деган савол келиб чиқади. Ўтиш шакллариининг турли-туманлиги, биринчидан, нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва хусусиятларига, иккинчидан, унга мувофиқ келадиган шароитга боғлиқдир. Масалан, ижтимоий ҳаётда содир бўладиган миқдорий ўзгаришлар табиатдаги сакрашлардан тубдан фарқ қилади. Социалистик тузум шароитидаги сакрашлар моҳияти жиҳатидан синфий жамиятлардаги сакрашлардан фарқ қилади.

Ҳозирги қайта қуриш шароитида жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида рўй бераётган жараёслар ўз моҳиятига кўра туб сифатий ўзгаришларга киради. Шулар натижасида давлатимиз янги бир юксак босқичга кўтарилади. Булар ўз-ўзидан эмас, балки кенг халқ оммасининг ижодий фаолияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасида амалга оширилади. Бу туб ўзгаришлар равон, сип-силлиқ йўл билан эмас, балки индиитларни бартараф этиш асосида кечади. Шунинг учун ҳам айрим пайтларда жамиятимиз тараққиёти секинлашиб, денениб, орқага қараб кетиши ҳам мумкин. Лекин пировард оқибатда диалектика қонунарига биноан унинг янги сифатга ўтиши муқаррардир. Кўриниб турганидек, бу қонун жамиятимизни илмий бошқариш ва унинг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

2. ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА ҚУРАШИ ҚОНУНИ

Қарама-қаршилиқлар бирлиги ва қураш қонуни материалистик диалектиканинг асосий қонунари ичида марказий ўринни эгаллайди. Бу қонунга мувофиқ ҳар бир нарса, ҳодиса бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини истисно этувчи қарама-қарши томонларга, кучларга эга. Бу қарама-қарши томон ва кучлар ўртасидаги қураш тараққиётнинг манбаини яқинлаштириб, эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади.

Маълумки, нарсалар турли-тумандир. Ҳамма томонлари билан айван ўхшаш бўлган икки нарсанинг ўзи йўқ. Нарсаларнинг тафовут даражаси ҳам бир хил эмас: муҳим ва номуҳим тафовутлар мавжуд.

Нарса ва ҳодисалардаги тафовутлар қарама-қаршиликлар асосини ташкил этади. Қарама-қаршиликлар деб шунга айтиладики, табиатдаги нарса ва ҳодисаларда мавжуд бўлган томонлар, хоссалар ва йўналишлар бир-бирини инкор қилади, бир вақтнинг ўзида бир-бирини тақозо ҳам қилади. Масалан, магнитдаги шимолий ва жанубий қутблар, электрнинг манфий ва мусбат зарядлари, атомдаги тортилиш ва итарилиш, ижтимоий ҳаётда пролетариат ва буржуазия ўзаро бир-бирини инкор этади, айни вақтда бири иккинчисиз яшай олмайди.

Нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари ўртасидаги муносабат зиддият деб аталади. Тўқнашув тушунчаси зиддиятдан фарқли ўлароқ, нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари кескинлашиб, уларнинг эски чегарада биргаликда яшashi мумкин бўлмай қолган ҳолатини белгилайди. Зиддиятлар ҳамма вақт ҳам тўқнашув билан тугамай, балки алоҳида шароитдагина шундай ҳолда бўлиши мумкин. Мана шу реал муносабатлар қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунида акс этиб, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, диалектиканинг мантии ва маъини ташкил этади.

Ҳамма нарса ва ҳодисалар ички зиддиятларга ва бир-бирига қарама-қарши бўлган томонларга эга. В. И. Ленин бундай ҳолатни кўрсатиб: «Қисқа қилиб, диалектикани қарама-қаршиликлар бирлиги тўғрисидаги таълимот деб таърифлаш мумкин. Бу билан диалектиканинг маъни қамраб олинган бўлади»¹, — деган эди.

Ҳар қандай ҳаракат зиддиятлар орқали содир бўлади. Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида бундай деб ёзади: «Ҳаракатнинг ўзи зиддиятдир: оддий механик ўзгартириш фақат шундай бир йўсинда юзага кела оладикки, жисм айни бир пайтда ҳам шу жойда, ҳам бошқа жойда бўлади, жисм ҳам шу жойда бўлади, ҳам шу жойда бўлмайди. Бу зиддиятнинг юзага келиши ва айни вақтда ҳал қилиниши — ҳаракатнинг ўзгирмасидир»².

Ф. Энгельснинг бу фикрига қарама-қарши махчилар вакили Чернов ҳаракатдаги предмет маълум дақиқада шу жойда, бошқа бир дақиқада бошқа жойда бўлади, бинобарин, Ф. Энгельс ҳақ эмас, деб таъкидлайди. Чернов мулоҳазаси ноўғрилигини таъкидлаб, В. И. Ленин у узлуксиз ҳаракатни предметларнинг фақат қатор ҳаракатсиз ҳолати йиғиндиси билан алмаштириб қўймоқда деб кўрсатади. Ҳақиқатан эса, ҳаракатдаги тана ўз йўлидаги муайян нуқталардан ўтиб бориб, шу дақиқанинг ўзида ана шу муайян нуқталардан узоқлашади ҳам. Ана шу зиддиятсиз, узлуклили ва узлуксизлик, фазо ва вақт бирлигисиз ҳаракат содир бўлиши мумкин эмас.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 213-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 152-бет.

Узлуксизлик бпр-бири билан узвий боғлиқ бўлган чексиз бўлаклар мавжудлигини белгилайди, алоҳида бўлаклар эса унинг томонлари, яъни узлуксизликнинг узилиши ҳисобланади. В. И. Ленин: «Ҳаракат узлуксизлик (вақт билан маконнинг) билан узлуклиликнинг (вақт билан маконнинг) бирлигидир. Ҳаракат зиддиятдир, зиддиятлар бирлигидир»¹, — деган эди.

Қуёш системаси ҳам қарама-қаршиликлар бирлигининг мураккаб намуналаридан ҳисобланади. Сайёралар системасининг маркази ҳисобланган Қуёш билан бошқа сайёралар ўртасида шундай алоқадорлик мавжудки, бу алоқадорлик марказга интилувчи тортиш кучи ва марказдан қочувчи, итарилувчи кучлар таъсирда юзага келади. Шу қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш Қуёш системасининг яшashi ва ривожланишининг асосий қонуниятларини белгилайди.

Агар атомни олсак, ҳар бир атом моддаси ҳам, аввало, муқабат ва манфий электр зарядлари протон ва электрон каби мураккаб қарама-қарши томонларнинг йиғиндисидир. Атом ядросининг ўзида тортилиш ва итарилиш каби қарама-қарши кучлар мавжуддир.

Органик дунёдаги ривожланишни ҳам қарама-қаршиликлар курашисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳаётнинг ўзи шундай зид, қарама-қарши жараёндирки, унда яратилиш ва емирилиш, ассимиляция ва диссимляция каби қарама-қарши муносабатда бўлган томонлар мавжуд.

Организм яшаб турган вақтда унинг ҳужайралари тўхтовсиз ўлиб, унинг ўришга янгилари пайдо бўлади. Мана шу икки қарама-қарши йўналиш организмнинг яшashi учун зарур шароитни яратади. Бу жараённинг тўхташи организмнинг ҳалок бўлишига олиб келади. Ф. Энгельс: «Ҳаёт ҳам — нарсалар ва жараёнларнинг ўзида мавжуд бўлган, тинмай ўз-ўзини туғдириб ва ўз-ўзини ҳал этадиган зиддиятдан иборат, бу зиддият тўхтаб қолиши биланоқ ҳаёт ҳам тўхтаб қолади, ўлим юз беради»², — деган эди. ✓

Ижтимоий ҳаётни олсак, ҳар қандай синфий жамият ички зиддиятли организмнинг ўзгинасидир. Қулдорлик жамияти қул ва қулдор, феодализм — феодал ва крепостной, капитализм — буржуазия ва ишчилар каби қарама-қарши синфлардан ташкил топган. Социалистик жамиятда ҳам ўзига хос зиддиятлар мавжуд. Ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги зиддиятлар социализм ҳаётидаги зиддиятлардан ҳисобланади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни билиш жараёнида ҳам ўз ифодасини топади. Маълумки, билиш жараёни бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ҳиссий ва рационал билишдан иборатдир. Ҳиссий билиш орқали киши нарса ва ҳодисаларнинг

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 244-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 133-бет.

фақат ташқи томонлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумот олади, мавҳум тафаккур орқали эса уларнинг ички муносабатларини белгилловчи қонуниятларни билади. Бу ерда ҳиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, ammo бир-биридан фарқ қилувчи муҳим томонларидир.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг умумийлик хусусияти моддий дунёдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларга хос эканлигидагина эмас, балки зиддиятлар нарса ва ҳодисаларга, уларнинг пайдо бўлишидан тортиб ҳалок бўлишигача, бошидан охиригача сингиб кетган. Бир моҳиятнинг турли томонларини ифодалагани учун ҳам қарама-қаршиликлар бирлиги қуйидаги шароитларда юзага келади:

Биринчидан, қарама-қаршиликлар — бир нарса ва ҳодисадагина мавжуддир, чунончи, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тафаккурга мансубдир;

Иккинчидан, қарама-қаршиликлар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади, бири бўлмаса, иккинчиси мавжуд бўлмайди, ёки аксинча. Масалаи, буржуазиянинг синф сифатида яшашга сабаб унга қарама-қарши бўлган, ўз меҳнати билан буржуазия учун қўшимча қиймат яратаётган синф — пролетариатнинг мавжудлигидир. Худди шунингдек, базис ва устқурма, ишлаб чиқариш ва истеъмол каби тушунчалар ҳам бири иккинчиси мавжудлигини тақозо қилади;

Учинчидан, қарама-қаршиликлар бири иккинчисига ўтади ва ўзаро бир-бирига сингиб кетади. Масалаи, позитрон ва электрон маълум шароитда фотонларга айланади. Бу билан материянинг бошқа турп келиб чиқади. Биринчи жаҳон уруши босқинчилик ҳолатида бошланиб, адолатли урушга айланиб кетди. Капитализм шароитида ишчилар эзилувчи синфга, социалистик жамаиятда эса ҳукмрон синфга айланади. Шу борада В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да шундай деган эди: «*Диалектика — қарама-қаршиликлар қандай тарзда ва қай йўсинда айний бўладилар (бўлиб қоладилар), қандай шароитларда бир-бирларига айланиб, айний бўладилар, — нега киши ақли бу қарама-қаршиликларни ўлик, қотиб қолган ҳолда эмас, балки жонли, шартли, ҳаракатчан, бири иккинчисига айланадиган ҳолда олиб қараши кераклиги тўғрисидаги таълимдир*»¹.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ўрганилаётган қонуннинг фақат бир томонини ташкил этади, қарама-қарши томонларнинг ўртасидаги ўзаро кураш эса унинг бошқа томонига хосдир. Қарама-қаршиликлар бир-бирларини тақозо қилибгина қолмай, ўзаро инкор ҳам қиладилар. Қарама-қаршиликларнинг бири эски, емирайлаётган, ҳалокатга учраган, иккинчиси — янги, вужудга келаётган, ривожланаётган томонларни ифода этади. Қарама-қаршиликнинг бир томони — консерватив, иккинчиси — инқилобий, бири мавжуд нарса ва ҳодисани сақлаб қолишга, иккинчиси — йўқотишга, ўзгартиришга интилади. Шундан маълумки,

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 101-бет.

қарама-қаршиликлар кураш ҳолатида бўлиб, бу кураш моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишида ички манба ҳисобланади.

Шундай қилиб материалистик диалектика ички зиддият ҳаракат ва ўзгаришни, нарса ва ҳодиса тараққиётининг йўналишини, унинг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб ўтишини ифодаловчи манба деб қарайди. Бинобарин, нарса ва ҳодисалар моҳиятини ундаги қарама-қарши йўналишлар, зиддиятлар асосида тўғри тушуниш мумкин.

✓ Табиат, жамиятдаги ички зиддиятларни метафизикларча инкор этиш моддий бўлмаган, ғайритабиий ҳаракат манбаларининг мавжудлигини тан олишга олиб келади. Бутун олам тортилиш ва марказга интилш қонунини очган Ньютон табиатда қарама-қарши кучлар мавжудлигини сезмай, марказдан қочма куч инерциясини тушунтириб бера олмайди, натижада у табиатга «бирламчи туртки» худо томонидан берилган деган хулосага келади.

Организмдаги ўзгаришларни содир қилувчи кучларнинг туб моҳиятини билмаслик натижасида буржуа олимлари янги организм пайдо бўлишида қандайдир мўъжизавий «ҳаётий куч» унга манба бўлиб хизмат қилади деб уқтирмоқчи бўлдилар. Ҳозирги замон шароитида буржуа мамлакатларида ички зиддиятларни метафизикларча тушуниш капиталистик реакциянинг ишчилар ҳаракатига қарши курашида мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилмоқда. ✓

Қарама-қарши томонлар бирлиги ба кураши нарса ва ҳодисаларда узвий боғланган бўлса-да, мавқен жиҳатдан бир хилдир. Бу ҳақда В. И. Ленин: «Қарама-қаршиликлар бирлиги (мослиги, бирдайлиги, тенг таъсир қилиши) шартли, вақтли, ўткинчи, релятивдир. Тараққиёт, ҳаракат мутлақ бўлгани сингари, бир-бирини истисно қилувчи қарама-қаршиликлар кураши ҳам мутлақдир»,— деган эди¹.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик зиддият тугаши билан йўқ бўлади, бу эса қарама-қаршиликлар бирлиги нисбийлигини, бошқа нарсага боғлиқлигини ифода этади.

Қарама-қарши томонларнинг бирлиги нисбий, ўткинчи хусусиятга эга бўлиши билан бирга улар ўртасидаги кураш мутлақдир. Давр ўтиши билан курашнинг баъзи аниқ шакллари йўналиши мумкин, аммо қарама-қарши томонлар ўртасидаги кураш ҳар доим бўлган ва бўлаверади. Шу билан бир қаторда, қарама-қарши томонлар тараққиёт давомида турли хил вазифани бажаради. Қарама-қаршиликнинг консерватив томони нарса ва ҳодисани қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолишга интилса, илғор томони ушн ўзгартиришга, ёки уни барбод қилиб, янгисини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Диалектик зиддиятлар ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистиклиги билан бир-биридан

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 339-бет.

фарқ қилади. Шунингдек баъзилар зиддиятларни умумий ва хусусий, зарурий ва тасодифий, имконийлик ва ҳақиқийлик тарихисиди ҳам ажратишни тавсия қиладилар.

Нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат моҳиятидан келиб чиқадиган зиддиятларга ички зиддият деб айтилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш билан истеъмол, меҳнат билан капитал, бойлик билан қашшоқлик ўртасидаги зиддиятлар ички зиддиятлардир. Чунки улар капиталистик ишлаб чиқариш усулининг моҳиятидан келиб чиқади.

Ташқи зиддиятлар деб турли нарса ва ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликларга айтилади. Масалан, капиталистик система билан социалистик система, жамият билан табиат ўртасидаги зиддиятлар шулар жумласидандир.

Зиддиятларни ички ва ташқи зиддиятларга бўлиш нисбийдир, чунки улар бир-бирига ўтиб туради. Маълум бир зиддият бошқа нарса ва ҳодисага нисбатан ички ёки бошқа бир муносабатда ташқи зиддият бўлиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, маданий ўсимликлар билан бегона ўтлар ўртасидаги ўзаро муносабат ташқи зиддиятдир. У айни пайтда ўсимликлар олами учун ички зиддиятни ташкил қилади. Капиталистик система билан социалистик система ўртасидаги зиддият бир-бирига нисбатан ташқи зиддиятдан иборат бўлса, айни вақтда умуман кишилик жамиятининг ички зиддиятини ташкил қилади.

Ташқи зиддиятлар ички зиддиятлардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ташқи нарса ва ҳодисаларнинг ички нарса ва ҳодисаларга таъсир жараёнини тушуниш учун ички зиддиятларнинг тараққиётда асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини ҳисобга олиш зарур. Материалистик диалектика ички ва ташқи зиддиятларнинг бирлигини ҳисобга олиш билан бирга, уларнинг тараққиётдаги ролига баҳо беришда ҳар томонлама ёндашишни талаб қилади.

Метафизиклар фақат ташқи зиддиятларни тан олиб, нарса ва ҳодисаларда ички зиддиятлар мавжудлигини инкор этади. Улар тараққиёт манбаини нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига қарама-қарши тўқнашувидан келиб чиққан ташқи зиддиятдан иборат деб қарайди.

Шундай қилиб, ҳар қандай тараққиёт жараёни ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятлар кураши ва уларнинг ҳал қилинишига боғлиқ. Ички ва ташқи зиддиятлар ўртасидаги ўзаро боғланишни тўғри таҳлил қила олиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар ҳам фарқ қилинади. Асосий зиддиятлар деганда ҳодисанинг мавжудлиги ва ривожланиши, вужудга келиши ва йўқ қилиниши ёки янги сифатнинг тугилишини ўз ичига оладиган, энг чуқур моҳиятини ифодалайдиган зиддиятлар тушунилади. Асосий бўлмаган зиддиятлар эса маълум бир тараққиёт босқичида нарса ва ҳодисалар моҳиятининг у ёки бу томонини акс эттириб, уни белгилаш ёки ўзгартириш кучига эга бўлмаган зиддиятлардир.

Асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлардан бош ва бош бўл-

маган иккинчи даражали зиддиятларни фарқлаш лозим. Бош зиддиятлар деб ривожлавишининг у ёки бу босқичининг моҳиятини белгилаб берадиган зиддиятларга айтилади. Ҳодисалар тараққиёти босқичида бош ва бош бўлмаган зиддиятлар ўрни алмашиши, яъни бир шароитда бош бўлган зиддият янги бир шароитда бош бўлмаган зиддиятга айланиши ҳам мумкин. Масалан, Россиядаги буржуа-демократик викилоби жараёнида қашшоқ деҳқонлар билан қулоқлар ўртасидаги қарама-қаршиликда деҳқонлар бош бўлмаган зиддият бўлган бўлса, социалистик инқилоб босқичига кўтарилганда эса у бош зиддиятлардан бирига айланди.

Бош ва иккинчи даражали зиддиятларни тўғри ҳисобга олиш ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ишчилар сийфи партиясининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишда ва унинг фаолиятида аниқ даврларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Зиддиятлар ўз хусусияти жиҳатидан антагонистик ва поантагонистик бўлиши мумкин. Сийфий жамиятларда антагонистик зиддият бир-бирига қарама-қарши бўлган асосий сийфлар зиддиятидан ташкил топади. Чунанчи, қул ва қулдор, крепостной деҳқон ва помещик, пролетариат ва буржуазия ўртасидаги муносабатлардир. Манфаатлари бутунлай қарама-қарши, ўзаро инкор қилувчи бўлганлиги учун ҳам бу сийфлар ўртасидаги зиддият антагонистикдир. Бу зиддиятларнинг иқтисодий асосини ва ижтимоий антагонизмни ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва кишини киши томонидан эксплуатация қилиш ташкил қилади. Хусусий мулкчилик жамиятни душман сийфларга ажратиб, улар ўртасида антагонистик зиддиятни келтириб чиқаради. Жамият иқтисодиётида, сиёсати ва мафкурасида ва бошқа соҳаларида ҳам антагонистик зиддиятлар шафқатсиз сийфий курашларда ўз ифодасини топади.

Антагонистик зиддиятларни фақат сийфий муносабатлар соҳаси билан чегаралаб қўймаслик лозим. Тарихий тажриба, ижтимоий амалиёт шуни кўрсатяптики, бундай зиддиятлар жамиятнинг барча томонларини қамраб олади. Улар фақат сийфий негизда эмас, балки этник, миллий, диний, ирқий ва шунга ўхшаш негизларда ҳам вужудга келиши мумкин. Бундай антагонистик зиддиятлар жамият ва алоҳида шахслар ўртасида, турли давлатлар, ижтимоий-сиёсий системалар ўртасида, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар ўртасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Антагонистик зиддиятларнинг муҳим хусусияти уларни ҳал этишда мавжуд ҳолатни бузишга олиб келадиган воситаларни қўллашдир. Худди мана шундай кенг маънодаги антагонистик зиддиятлар бугунги кунда жамиятимизда мавжуд. Турли регионларда юз бераётган хавfli ва салбий жараёнлар, ўта ташвишли ҳолатлар бундан гувоҳлик берибди.

Ижтимоий ҳаётдаги поантагонистик зиддиятларга туб манфаатлар ва мақсадлари умумий бўлган сийфлар, ижтимоий кучлар ўртасидаги муносабатлар, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳ-

нат билан жисмоний меҳнат ўртасида мавжуд бўлган тафовутлар ва бошқалар мисол бўла олади. Уларни бартараф қилиш ҳам антагонистик зиддиятлар сингари кураш асосида амалга оширилади, лекин бу кураш шакли, хусусияти жиҳатидаги бошқачароқдир. Поантагонистик зиддиятлар синфий тўқнашувлар, иқтилоб шаклида бўлмай, балки эски сифат элементларининг секин-аста йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг пужудга келиши билан бартараф қилинади.

Антагонистик ва поантагонистик зиддиятлар қотиб қолган эмас, улар бир-бирига ҳам ўтиб туради. Агар поантагонистик зиддиятлар ўз вақтида бартараф этилмаса, маълум бир шароитда улар тўпланиб ва кескинлашиб, антагонистик зиддиятларга айланиб кетиши мумкин. Янгича тафаккурлаш руҳида мавжуд зиддиятларни ҳал этишнинг шакл ва усуллари ҳақидаги масалани ҳам қайта кўриб чиқишимиз керак бўлади. Зиддиятлар хилма-хил шаклларда бартараф этилиши мумкин. Улардан бири, эскининг емирилиб, янгининг қарор топишидир, яъни халқ хўжалигини маъмурий бошқаришдан янги иқтисодий бошқариш шаклига, иқтисодиётни режа асосида олиб боришдан бозор муносабатларига ўтиш орқали ривожлаштиришдир. Шунингдек қарама-қаршилиқларни ўзаро оингли равишда қўшиб, улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, шу асосда тараққиётда илгарилаб боришдан иборатдир.

Зиддиятларни бартараф этишнинг самарали шаклларидан яна бири — консенсус (ўзаро келишув)дир. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларида бўлиб ҳисобланади. У халқларимизни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир. Консенсус мулоқотлар, референдумлар, оммавий ахборот воситалари орқали энг муҳим қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш ва ҳоказо йўллар билан амалга оширилади.

В. И. Лениннинг биз, коммунистлар ўзимизнинг амалий фаолиятимизда неча мартаба қарама-қарши томонларни боғлаганимиз, бироқ уларни боғлашимизга қараб, у қакафония ҳам, симфония ҳам бўлиши мумкин, деган фикрлари бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қайта қуриш тажрибаси шунинг кўрсатиштики, қарама-қарши томонларни моҳирона ва уйғун тарзда бирлаштира олсак, улар илгарига қараб боришимизнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунончи, ССЖИ ва мустақил жумҳуриятлар ўртасидаги мубоабалар қарама-қаршилиқлар бирлигининг аниқ кўриниши бўлиб, улар ўртасида турли хил зиддиятлар тугилмоқда. Мутлақо равшанки, уларнинг ҳал этилиши жумҳуриятлар ролини камайтириш ва иттифоқ ҳуқуқларини бир томонлама кенгайтириш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Аксинча, бу марказ ва мустақил жумҳуриятлар манфаатларининг диалектик тарзда қўшиб олиб бориб ҳал этишни талаб этади. Бу нарса ижтимоий, кооператив мулкчилик билан фуқароларнинг шахсий мулкчили-

ги ўртасидаги, бир партиялилик билан кўп партиялилик ўртасидаги, социалистик мовизм билан кўп фикрлилик ўртасидаги, миллийлик билан байналмилаллик ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқлидир.

Қайта қуришнинг тақдири жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишимиз учун соғлом кучларни қанчалик бирлаштиришимизга боғлиқдир. Шу нуқтада назардан қарама-қаршиликларни бирлаштириш вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишнинг шакли сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, диалектик зиддиятларни ҳал этишнинг хусусияти ва йўлларини тўғри тушуна билишлик кундалик амалий фаолиятимида тўғри мўлжал олишга имкон беради, социализмни сифат жиҳатдан янгилашдан иборат бўлган қайта қуриш вазифаларини илмий асосланган, ҳар томонлама ўйланган тарзда ҳал этиш ишга ёрдам беради.

3. ИНКОРНИ ИНКОР ҚОНУНИ

Объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади. Ривожланиш бурама шаклда, маълум ишбий такрорланишлар асосида, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига қараб боради.

В. И. Ленин ўзининг фалсафий асарларида инкорни диалектиканинг энг муҳим элементи сифатида билади. У «Карл Маркс» номли мақоласида тараққиётни диалектик тушунишнинг моҳиятини тавсифлаб, «Босиб ўтилган босқичларни такрорлаётгандек бўлиб кўринадиган, лекин уларни бошқача, янада юқорироқ базада такрорлайдиган тараққиёт («инкорни инкор этиш»), тўғри чизиқ билан эмас, айтайлик бурама тарзда борадиган тараққиёт...»¹, дейди.

Диалектик инкор метафизик инкорга бутунлай қарама-қаршидир. Метафизик йўналиш инкорнинг ижодий яратувчилик ролинини тан олмайди, янгилик ҳеч қачон эскиликни енгиб ўта олмайди, деб ҳисоблайди. Бундан фарқли ўлароқ, диалектик қараш эски нарсани янги нарса инкор қилиниши илгари суради. К. Маркс таъкидлаганидек, мазмунидан қатъи назар, ҳар қандай ривожланишни бир иккинчисининг инкори тарзида бир-бири билан боғланган бир қатор турли тараққиёт босқичлари деб тасаввур қилиш мумкин. Ҳеч бир соҳада ўзининг илгариги яшаш шакллариини инкор эгмайдиган ривожланиш содир бўлиши мумкин эмас².

Ҳар бир жараён инкор қилиш жиҳатига эга. Ички зиддиятлар туфайли тараққиёт жараёни эртами-кечми эски нарсанинг емирилишига ва янги нарсанинг вужудга келишига олиб келади. Ву-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 60-бет.

² Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 4-жилд, 296—297-бетлар.

жудга келган бу янги нарса эскининг инкор қилинишидир. Эскининг янги томонидан инкор қилиниши натижасида моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг илгарилема ҳаракати содир бўлади.

Эскининг ривожланиш жараёнида емирилиши — инкорни инкор қонунининг фақат бир томонидир. Унинг бошқа томони эскининг емирилиш жараёни билан бир вақтда вужудга келадиган янги нарса ташкил этади. Бу янги нарса эскининг ўрнини эгаллаб, ундаги ижобий нарсаларни сақлаб қолган ҳолда янги, янада юксакроқ, илғор ҳолатни ифодалайди.

Шундай қилиб, тараққиёт бир-бирини алмаштириб турадиган босқичлардан иборат бўлиб, бир босқич иккинчи босқич томонидан, иккинчиси эса учинчиси томонидан инкор этилади. Чунинчи, жамият тараққиётида бундан кейинги ижтимоий-иқтисодий формация аввалгисининг инкори ҳисобланади. Эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлиши тараққиёт жараёнида диалектик инкорнинг икки муҳим ва ажралмас жиҳатидир.

Материалистик диалектиканинг инкор ҳақидаги таълимоти қуйидаги бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади:

Биринчидан, эскининг янги томонидан инкор этилиши — кишиларнинг онги ва иродасига боглиқ бўлмаган объектив жараён дидир. Инкор субъектив, ташқаридан киритилган фикр эмас, балки объектив жараён тараққиётининг босқичидир.

Буржуа файласуфлари инкорнинг объективлигини тан олмайдилар. Д. С. Миллнинг фикрича, инкор субъектнинг «соф» руҳий ҳолатини ифодалайди; бизнинг билишимиз ё ижобий, ё салбий хусусиятга эга бўлган ишонч билан ҳамроҳ эмиш, биз билишимиз ва даъволаримизнинг тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилганимизда ижобий хусусиятга эга бўлар эмиш аксинча, келтирилган даъволаримизнинг бутунлай нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қилганимизда у инкорга айланадиган эмиш. Инкорни субъектив тарзда бундай талқин қилиш Х. Р. Зигварт, Мерло-Понти ва бошқа буржуа мафкурачиларига ҳам хосдир. Бундай қарашлардан фарқли ўлароқ, диалектика инкорнинг объективлигини эътироф этади: инкор кишиларнинг фикрида эмас, балки объектив реалликда содир бўлади;

Иккинчидан, материалистик диалектика инкорни ташқаридан киритилган куч ёки ҳолат эмас, балки нарса ва ҳодисанинг ички ривожланиши натижаси, ўзини-ўзи инкор қилиши деб қарайди. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, диалектик инкор нарсани бутунлай йўқ қилиб юбориладиган фаолият билан ўхшаш эмас, у шундай инкорки, бунинг натижасида ривожланиш давом этишига, янги инкор содир бўлишига имкон яратилади. Биз, чунинчи, домини янчиб, унга айлантурсак, албатта инкор содир бўлади, яъни домини ўрнига ун ҳосил бўлади. Лекин бундай инкор доминнинг кейинги ривожланишига имкон бермайди, яъни янчилган домини ўсиб чиқиш хусусиятини йўқотади. Бу инкор доминнинг ички табиатида келиб чиқмасдан, балки ташқи таъсирининг натижасидир. «Диалектикада, — деган эди. Ф. Энгельс, — инкор қилиш тўғридан-тўғри йўқ

демак эмасдир, ёки нарсани мавжуд эмас деб эълон қилмоқ уни ҳар қандай усул билан йўқ қилмоқ демак эмасдир... Мен бирон-бир нарсани инкор қилибгина қолмасдан, балки бу инкорни яна олиб ташлашим лозим бўлади. Демак, мен биринчи инкорни шундай қилишим лозимки, натижада иккинчи инкор қолсин ёки мумкин бўлсин¹.

Ҳар бир нарса ва ҳодисада консерватив ва инкор томонларга эга бўлган хусусий инкор мавжуд. Ҳа-ҳазини инкор қилиш фан ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчадап ҳар бир ҳодисанинг қонуний ривожланишига ёрдам берувчи, уни инкор қилувчи элементларни топиш керак деган муҳим талаб келиб чиқади;

учинчидан, материалистик диалектика ҳар бир нарса ва ҳодиса учун инкорнинг аниқ тури мавжуддир деб ҳисоблайди. Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «...тасаввур ва тушунчаларнинг ҳар бир тури сингари, буюмларнинг ҳар бир турининг ҳам ўзига алоҳида инкор тури борки, бунда тараққиёт содир бўлади»²;

тўртинчидан, диалектик инкор тўлиқ инкор бўлмасдап, балки эскили янги билан боғлаб турувчи жиҳатдир. Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги ворисликни тавсифлайди. В. И. Ленин диалектик инкор моҳиятини тавсифлаб шундай деган эди: «Диалектика учун қуруқдап-қуруқ инкор, бекордан-бекорга инкор, скептик инкор, иккиланиш, гумонсираш характерли эмас ва муҳим эмас, — диалектика, шубҳасиз, ўзида инкор элементига эга ва у диалектиканинг энг муҳим элементи ҳисобланади, — йўқ, диалектика учун алоқадорликнинг жиҳати сифатидаги, тараққиётнинг жиҳати сифатидаги инкор, ижобий сақлаб қолиш йўли билан бўладиган, яъни ҳар қандай иккиланишларсиз, ҳар қандай эклектикасиз инкор характерлидир»³;

бешинчидан, диалектик инкор тараққиётнинг оддийдап мураккабга, қуйидан юқорига боришнинг тавсифлайди, бир сифатдан бошқа сифатга ўтилади.

Инкорни инкор қонуни объектив оламнинг ва билишнинг турли соҳаларида кўплаб учрайдиган, кенг таъсир доирасига эга бўлган қонундир. Ф. Энгельс инкорни инкор қонунининг умумий хосиятини кўрсатиш мақсадида қуйидаги мисолларни келтиради: арпапи олайлик. Агар арпа сувга экилса, у иссиқлик ва намлик таъсирида кўкаради ва ундан ўсимлик пайдо бўлади. Эндилликда арпа (дон) ўзини (ўзи) инкор этади. Ўсимлик ўсади, гуллайди, чапганади ва, ниҳоят, янгидан арпа (дон) етишади, донлар етилади, пояси қуриydi, яъни инкор этилади. Инкорни инкорнинг натижаси сифатида биз бунда яна аввалги арпа (дон)ни кўрамыз, лекин энди бир дон эмас, бир неча дон бўлганини кўрамыз.

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 179-бет.

² Уша жойда.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 217-бет.

Инкорни инкор қонуни жамият маънавий ҳаётида ҳам намоён бўлади. Масалан, қадимги фалсафа ибтидоий стихияли материализм эдики, у тафаккурнинг материяга муносабати оид иборатлаштириб бера олмас эди. Лекин бу масалани ҳал қилиш зарурияти танадан чиқиб кетадиган жон тўғрисидаги таълимотга, сўнгра бу жоннинг ўлмаслиги тўғрисидаги даъвога, ниҳоят монотеизмга олиб келади. Шундай қилиб, идеализм эски материализмни инкор қилди. Лекин фалсафа яна тараққий қилиб борishi билан идеализм ҳам асоссиз бўлиб чиқди ва ҳозирги замон материализми томонидан инкор этилди. Ҳозирги замон материализми эски материализмнинг оддийгина тикланишидан иборат бўлмай, балки унинг мустақкам асосларига фалсафа ва табиъатнинг иккиining йиллик тараққиётида эришилган ютуқларини қўшади. Умуман, энди бу фалсафа эмас, балки дунёқарашдир ва махсус реал фанларда тасдиқланиши ва ўзини кўрсатиши лозим.

Баъзи бир файласуфлар ва астрономлар (М. Н. Руткевич, С. Всехсвятский, В. Казютинский ва бошқалар) инкорни инкор қонуни диалектиканинг умумий қонуни эмас, деб ҳисоблайдилар. Улар ноорганик табиатда, хусусан астрономияда пастдан юқорига қараб илгарилаб борувчи тараққиёт бўлмайди, деб таъкидлайдилар. Аммо бундай фикр билан келишиб бўлмайди. Албатта, тараққиёт тушунчасини, сўзсиз, ноорганик табиатга ишлатиб бўлмайди, у ерда ривожланиш фақат илгарилаб борувчи тармоққа эга бўлиб қолмай, қуйига қараб борувчи тармоққа ҳам эга. Қонинот системаларининг тараққиётида маълум бир йўналиш йўқ. Илгари ўтган нарсанинг такрорланиши доимо юқори эмас, балки янги асосда содир бўлади ва ҳоказо. Лекин бу инкорни инкор қонунини чегараланган деб қарашга асос бўла олмайди. Ноорганик табиатда инкорнинг инкор қонуни махсус ҳолда намоён бўлади, яъни ўтилган босқичларнинг элементлари такрорланишларида янги асосда содир бўлган сифат ўзгаришлари қайтмаслигини ифодалайди.

Фалсафада инкорни инкор қонуни биринчи бор тўлароқ тарзда Гегель томонидан таърифланган эди. К. Маркс «Фалсафа қашшоқлиги» асарида Гегелнинг бу фикри соф фикр зиддиятли тараққиётининг қонуни эканлигини кўрсатиб ўтган эди. Дастлабки бир бутун фикр (тезис) бир-бирига зид бўлган ижобий ва салбий, «ҳа» ва «йўқ» дан иборат икки фикрга бўлилади. Бутуннинг иккига бўлиниши антитезис, инкордир. Қарама-қарши фикрлар қураши охирида бирикиб, янги фикрни (синтез, инкорни инкор) ҳосил қилади. Шундай қилиб, Гегелнинг фикрича, соф гоё ўз тараққиётида уч босқичдан ўтади: тезис, антитезис ва синтез. Гегелнинг таълимотига кўра, нимаики соф гоёнинг ривожланишига мансуб бўлса, у моддий борлиқнинг ҳамма нарса ва ҳодисаларига ҳам мансубдир. Гегелнинг бу фикрини умумлаштириб, К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Соф ақл ҳаракати нимадан иборат? Шундан иборатки, у ўзини фараз қилади, ўзини ўзига қарама-қарши қўяди ва ўзи билан ўзи қўшилади, шундан иборатки, у ўзини тезис, антитезис ва синтез сифатида шаклланти-

ради ёки яна шундан иборатки, у ўзини тасдиқлайди, ўзини инкор қилади ва ўз инкорини инкор қилади¹.

Инкорни инкор қонуни Гегель таърифида бир қатор хусусиятларга эга:

биринчидан, инкор Гегелда билиш жараёнининг чексиз ифодаланишидир. Билиш жараёнида олдинги инкор навбатдаги инкорга замин бўлиб хизмат қилади. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да шундай дейди: «Инкорни инкорнинг натижаси, бу учинчи... «тургун ҳолатдаги учинчи эмас, балки бу бирликдир» (қарама-қаршилиқлар бирлигидир), «у ўзини ўзи билан восита-лаштирувчи ҳаракат ва фаолиятдир».

«Учинчига», синтезга ана шу диалектик тарзда айланишнинг натижаси янги асосдир, қарор топиш етс дир: булар яна галдаги анализнинг манбаи бўлади. Лекин унга, бу «учинчи» босқичга билишнинг «*мазмун*» кириб бўлган...»²;

иккинчидан, инкорни инкор қуруқ инкор бўлмасдан, балки илгариги тараққиётнинг бир томонламаликларини «олиб ташловчи» ва уларни янги асосда бирлаштирувчи бўлиб чиқади;

учинчидан, инкорни инкор Гегель диалектикасида ички эйдиятларни очиш шаклидир, бу эйдиятларни очиш натижасида эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши содир бўлади.

Лекин инкорни инкор қонуни Гегель таърифида бир қатор камчиликларга эга. Даставвал Гегель объектив идеалист эди. У оламни табиат ва инсонлар жамиятидан олдин мавжуд бўлган «мутлақ ғоя», «дунёвий рух»нинг маъсули деб қарар эди. Шунинг учун ҳам Гегелда инкор қонуни «мутлақ ғоя»нинг ҳаракатини ифодалайди. Гегелнинг инкорни инкор қонуни қарама-қаршилиқлар курашидан иборат бўлмай, балки муросага келтириш диалектикасидир, яъни учинчи босқич гўё олдинги икки босқичнинг қарама-қаршилиқларини муросага келтиради.

Гегель тараққиёт жараёнини сунъий равишда триада орқали ифодалашга ҳаракат қилади. У триадани гўё тараққиётнинг энг умумий шакли деб мутлақлаштиради. Лекин ҳаёт доим триадада кўрсатилганидай бўлавермайди. Масалан, биз инсоният тарихида оешта ижтимоий-иқтисодий формациянинг изчиллик билан бири-кетин алмашинишини кўрамыз: ибтидоий жамият, қулдорлик жамияти, феодализм жамияти, капитализм ва социализм жамиятлари. Объектив воқеликдаги ривожланиш ҳар доим ҳам триада шаклига киравермайди. Жонли воқеликка триадани априор йўл-йўриқ сифатида зўрлаб ўтказмасдан, табиат, жамият ва билиш диалектикасини ўрганиш лозим. Бу борада К. Маркс ва Ф. Энгельснинг хизматлари шундан иборатки, улар Гегелнинг инкорни инкор қонунидан идеалистик бир ёқламаликни олиб ташлаб, унинг «рационал мағз»ни олиб қолдилар.

¹ К. Маркс. Фалсафа қашшоқлиги. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1984, 94-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 221-бет.

Марксизм мухолифлари К. Марксни гегелчиликда айблайдилар. Чувончи, эклектик фалсафа тарафдори Е. Дюринг, Маркс капитализмнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ҳалокатини Гегелнинг триадаси асосида тушунтиради деб даъво қилади. Дюрингнинг бундай даъволари асоссизлигини фош қилиб, Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида бундай деган эди: «Маркс тарихий йўсинда исбот қилади ва бунда қисқача яқунлаб айтадик, бир вақтлар худди майда ишлаб чиқариш ўз ривож билан заруратан ўзининг йўқ қилиниши учун шароит туғдиргани, яъни майда мулкчиларни экспроприация қилиш учун шароит туғдиргани сингари, энди капиталистик ишлаб чиқаришнинг ўзи шундай бир моддий шароит туғдирдики, бу шароит нағижасида у ҳалок бўлмоғи лозим. Тарихий жараён ана шундай, хўш, модомики, бу жараён айни замонда диалектик жараён бўлиб чиқар экан, жавоб Дюрингга бу нақадар машъум бўлиб кўринса-да, бунда Маркс айбдор эмас»¹.

Марксизм асосчилари объектив воқеликни ўрганш асосларини мавҳум формулаларнинг оддий далиллари билан алмаштиришга ҳеч қачон ҳаракат қилмаганлар. Улар, аксинча, илмий изланиш материали буткул ўзлаштириб олинишини, уни тараққиётнинг турли кўринишларида таҳлил қилиб кўришни, уларнинг ички боғланишларини кузатишни ва аниқ материални олдиндан тайёрлаб қўйилган жадвалга зўрлаб ҳеч қачон киритмасликни қайта-қайта таъкидлаб ўтганлар.

Диалектик инкор янги маркс эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илгор бўлса-да, у йўқ жойда пайдо бўлмайди, балки эскининг қобиғида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам эскидан янгига ўтиладётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланишини давом эттиради. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

К. Маркс 1846 йил 28 декабрда П. В. Анненковга ёзган хатида бир ижтимоий-иқтисодий формациядан бошқасига ўтишда эски ишлаб чиқарувчи кучлар ташлаб юборилмасдан сақлаб қоллинишини таъкидлайди. «Кишилар, — дейди у, — ўзларининг бутун тарихларининг асосини ташкил қиладиган *ишлаб чиқарувчи кучларини* ўз хоҳишлари билан танлай олмасликларини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки ҳар қандай ишлаб чиқарувчи куч қўлга киритилган кучдир, илгариги фаоллигининг маҳсулидир... Ҳар бир авлод ўздан илгариги авлод ҳосил қилган ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлиши ва бу ишлаб чиқарувчи кучлар унга янги ишлаб чиқариш учун хом материал бўлиши туфайли, — ана шу факт туфайли, кишилик тарихида боғланиш ҳосил бўлади, кишилик тарихи ҳосил бўлади; кишиларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, демак, уларнинг ижтимоий муносабатла-

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 169-бет.

ри нақадар кўп тараққий қилган бўлса, маъкур тарих ҳам шу қадар кўп даражада кишилиқ тарихи бўла боради»¹.

К. Маркснинг бу хулосалари тўғрилигини тарих иботлади. Фан соҳасида ворисликни марксизмнинг шаклланишида кўришимиз мумкин. Маркс ва Энгельс фалсафа, сиёсий иқтисод ва ҳаёлий социализм соҳасида ўзларига қадар яратилган ҳамма ижобий ва қимматли нарсаларни танқидий пшлаб чиқиб, янги, мукамал плмпий назария яратдилар. «Фалсафа тарихи, ва ижтимоий фан тарихи, — деган эди В. И. Ленин, — марксизмда «сектачиликка» ўхшаган нарсадан асар ҳам йўқлигини, яъни марксизм жаҳон цивилизацияси тараққийсининг асосий йўлидан четда пайдо бўлган, қандайдир биқиқ ва қотиб қолган таълимот эмаслигини тамомила равшан қилиб кўрсатиб турибди. Аксинча, Маркснинг бутун доҳийлиги шундаки, у инсониятнинг илгор мутафаккирлари қўйган масалага жавоб берди. Унинг таълимоти фалсафа, сиёсий иқтисод ва социализмнинг энг буюк намоёндалари таълимотининг тўғридан-тўғри ва бевосита *давоми* тариқасида пайдо бўлди»².

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик (илгарилаб бориш, анъанавийлик) ва қайтариувчанликнинг (даврийлик, эскига қайтиш каби) бирлигини тавсифлайди. Натижада тараққиёт тўғри чизиқли эмас, балки «бурама» шаклда амалга ошади.

Тараққиёт жараёнининг илгарилаб бориш хусусияти эски ўрнига келадиган янги доимо янги бўлиб қолмасдан, вақт ўтиши билан у ҳам эскиради ва, ўз навбатида, инкор қилинади, деган маънони англатади. Бунинг натижасида тараққиёт жараёни иккиланма инкор сифатида кўринади.

Диалектик инкор тараққиётни ифодалайди. Масалан, сув қиздирилганда бутга айланади, совитилганда эса яна сувга айланади. Металл қиздирилганда суюқ ҳолатга, совитилганда эса қаттиқ ҳолатга ўтади. Бу ерда биз бир ҳолатнинг бошқа ҳолат томондан инкор этилишини кўрамыз. Лекин бу ерда ривожланиш содир бўлмайди, балки бир ҳодисанинг бошқа ҳодиса билан алмашиниш содир бўлади. Диалектик инкор юқорида кўрсатилган инкордан фарқли ўлароқ, шундай зиддиятларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўядики, бунинг натижасида тараққиётда юқори босқичга эришилади.

Диалектик инкорнинг яна бир муҳим хусусиятини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи инкор эскини емирибгина қолмай, олдинги ривожланишдаги бутун ижобий томонларни умумлаштиради, яъни синтез қилади. Бироқ бу синтез олдинги ривожланишнинг айрим томонларини механик тарзда бирлаштириш эмас. Диалектик синтезда ўтмишнинг айрим элементлари «осиб ташлангандир», яъни бутунлай ўзгартирилиб, юқори босқичда бирлаштирилгандир.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жыллик танланган асарлар, 1-жилд, 572—573-бетлар.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-жилд, 45-бет.

Инкорни инкор ривожланишнинг маълум бир даврини тугаллайди, лекин у шу билан бирга кейинги ҳаракат учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Иккинчи инкор ҳаракатнинг шарт-шароитларини ифодалайди. Кўришиб турибдики, инкор тушунчаси даврни ҳам ифодалайди. Бу давр шундан иборатки, маълум жараённинг тугалланиш Ҳазаси янги диалектик давр учун бошланғич нуқта бўлиб қолади ва шундай ҳол чексиз давом этади. Бир муносабатда синтез бўлган нарса бошқа муносабатда янги ривожланишнинг бошланғич нуқтасидан иборат бўлади.

Даврийлик тараққиёт маромини характерлайди. Даврийлик туфайли ҳаракат қуйидан юқорига қараб бурама шаклида амалга ошади. Бу эса тараққиётнинг юқори босқичида бошланғич нуқтага маълум даражада қайтади, лекин бу қайтиш унинг янги, юқори асосда такрорланишини билдиради. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да тараққиётнинг асосий элементларини тавсифлаб, бундай деган эди: «...юксак боқсичда қуйи босқичнинг муайян белгилари, хусусиятлари етсизнинг такрорланиши ва гўёки илгариги ҳолатга қайтиш (инкорни инкор)»¹.

Диалектик тараққиёт — тўғри чизиқли ҳаракат бўлмай, балки аста-секин кўтарилиб, кенгайиб борадиган, бир-бири билан умумий ворислик йўли билан боғланган, юксак босқичда бошланғич нуқта жиҳатини ўз ичига оладиган бурама ҳаракатдан иборат.

Тараққиёт айрим ҳолларда қуйига қараб боради. Бунга моддий системаларнинг емирилиши, материя ҳаракатининг мураккаб шаклларга ўтиши мисол бўла олади. 1905—1907 йиллардаги биринчи рус инқилобининг мағлубияти ҳам суст тараққиётдир. Аммо шунга айтиш керакки, тараққиётнинг орқага қайтиши илгарилама ҳаракатдан вақтинча четлашишдир.

Айрим буржуа файласуф ва социологлари тараққиётнинг қуйига қараб бориш шаклини дунёнинг умумий ҳалокати деб тарғиб қилмоқдалар. Коинот учун, шунингдек барча оддий одамлар учун, — дейди инглиз астрофизиги Жинс, — яшашнинг бирдан-бир имконияти нариги дунё томон ҳаракат қилишдан иборатдир. В. Фогт эса чўчқаларга ўхшаб бир ифлос вайроналарда яшаш учун қияликдан пастга томон қулаб кетяпмиз, дейди.

Шунга асосланиб, улар ижтимоий тараққиёт тушунчасидан воз кечишни ва унинг ўрнига «ижтимоий ўзгаришлар» деган тушунчани киритишни талаб қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, бундай ўзгаришлар тасодифий хусусиятга эга бўлиб, турли ҳолатлар натижасида исталган йўналишда кетиши мумкин. Бундай қараш, Ғарбий Германия социологи Л. фон Визе таъкидлаганидек, тараққиёт илгарига кетяптими ёки орқага кетяптими, эски билан янги, шунингдек бугунги кун билан келажак ўртасида салбий боғланишлар мавжудми, йўқми — буларнинг барчаси фикрлардан холис бўлишга ва оддий ўзгаришларни аниқлаш билан чекланишга ёрдам берар эмиш, холос.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд. 212-бет.

Ижтимоий тараққийёт жамиятнинг ривожланиши ҳеч қачон тўхтаб қолмайдиган, доимо ўзгариш ва тараққийётда бўлган ишлаб чиқариш усулининг табиатидан келиб чиққан қонуний ва ўзгартириб бўлмайдиган жараёндир. У вақтинча бўлган тебраниш ва чекланишларга қарамасдан ибтидоий жамоа тузумидан ҳозирги давргача юқорига кўтарилувчи йўл бўйлаб келмоқда. Ижтимоий ривожланишнинг объективлиги ва такрорланмаслиги бунда ёрқин намоён бўлади. Ривожланишнинг пастдан юқорига кўтарилувчи йўналишини диалектик тушуниш доира бўйлаб ҳаракат тўғрисидаги метафизик назария билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Баъзи буржуа олимлари дунёда бўлаётган баъзи босқичларнинг қайтарилишини оддий эскиликка қайтиш деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, табиат ва жамият ҳаётининг ибтидоси ва интиҳоси бутунлай мос келувчи маълум давр, цикл ёки айланма бўйича бўлади. XVIII аср италян файласуфи Ж. Б. Виконинг таъкидлашича, жамият ўзининг тараққийётида уч даврни босиб ўтади, чунончи: 1) Болалик даври. Бу даврда диний дунёқараш ва зўравонлик ҳукмронлик қилади; 2) Ўсмирлик даври. Бу даврда аристократлик, рицарлик ва етуклик равнақ топади; 3) Сўнгра жамият инқирозга юз тутади, жамият яна кўрсатилган ривожланиш циклини давом эттиради. Шундай қилиб, ривожланиш жараёнида оддий босиб ўтилган босқичда такрорланиш вужудга келади.

Яна бир буржуа файласуфи О. Шпинглер жамият ўзининг ривожланишида бунёд бўлиш (1), гуллаб-яшнаш (2) ва инқирозга юз тутиш (3) даврларини бошдан кечиради, дейди. Унинг фикрича, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи инқирозлар давридирки, шунга кўра ҳозирги замон маданиятининг барча ютуқлари бутунлай йўқ қилиниши лозим эмиш.

Инглиз тарихчиси Тойнби таъбирича, жамият тарихи қоронғи ва ўзаро алоқада бўлмаган цивилизациядан иборат. Ҳар қандай цивилизация бир хил йўл, босқичларни босиб ўтади: баҳор ва ёз, куз ва қиш ёки болалик, ўсмирлик, етуклик ва қарлик. Тойнбининг кўрсатишича, ҳозирги замон шароитида Ғарб цивилизацияси етуклик босқичидадир ва у келажақда ривожланиш хусусиятига эга. Америкалик профессор Райт эса жамият тарихи маълум бир босқичлардан, яъни қаҳрамонлик асри, ғалаёнлик вақти ва тикланиш даврларидан, шу тахлитда такрорланишдан иборат, деб тасвирлаб беради. Унинг фикрича, ҳозирги буржуа цивилизациясидан кейин инсоният фақат орқага қайтиш билан ривожланармиш.

Тараққийёт юқорига кўтарилиш хусусиятига эга бўлиб, у оддийдан мураккабга, пастдан юқорига томон боради. Масалан, микрооламда ривожланишнинг илгарилаб бориши элементларда — атом ядроси, атомларнинг молекулаларга ва кейинроқ микроскоп жисмларга айланишида, коинотда эса унинг жисмларининг газ ва чангсимон материядан вужудга келишида намоён бўлади. Ноорганик материянинг органик материяга айланиши, ҳайвонот оламидан инсониятнинг ажралиб чиқиши — тараққийёт-

даги материя ҳаракатининг биологик шаклига ёрқин мисол бўла олади. Ижтимоий ривожланиш ҳам тараққиёт сари борапти. Энгельснинг ёзишича, билим бепоён бўлгани каби, тарих ҳам бепоёндир, инсоният ҳеч вақт тамоман тугал, мукамал, идеал ҳолатга эриша олмайди, мукамал жамият, мукамал «давлат» деган нарсалар фақат ҳаёлдагина бўлиши мумкин.

Эскининг ўрнига янгининг келиши, унинг кундан-кунга мустаҳкамланиши, ривожланиши ва уларнинг ажралмаслиги тараққиётнинг бошланиш хусусиятини белгилайди. Янги эскининг ўрнини эгаллаб боришда эскидан ижобий, муҳим томонлари ўзида мужассамлаштириб, юқорироқ сифат хусусиятларга айланади. Эскининг ўрнига келган янгилик дастлаб имконият кўринишида бўлади. Бу имкониятнинг воқеликка айланиши автоматик равишда эмас, балки маълум шарт-шароитлардагина амалга ошади. Ижтимоий ҳаётда янгиликнинг ғалабага эришувини таъминлашда кишиларнинг фаол фаолияти зарурдир. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, янгилик куртакларини диққат билан кузатиш ва уни волга етказишга катта эътибор бериш керак. Шундагина янгилик эскилик устидан ғалаба қозониши ва мустаҳкамланиши мумкин.

Инокори инкор қонуни қайта қуриш жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этапти. Қайта қуриш эришилган мавжуд бойликлардан воз кечиб, улар ўрнига ҳамма нарсани янгидан барпо этишни билдирмайди. Аксинча, жамиятимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ютуқларни сақлаб қолиш, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Бу мазкур қонуннинг талабидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан биридир.

VIII БОБ. ДИАЛЕКТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИ

1. ДИАЛЕКТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ МОҲИАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Фалсафий категориялар¹ — объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим томонларини, хусусиятлари ва муносабатларини акс эттирувчи тушунчадир. Ҳар бир фан ўзининг категория системасига эга бўлиб, у орқали материя ҳаракати шакллариининг у ёки бу қонуниятларини ўрганади. Материалистик диалектика категориялари бошқа фанлар категорияларидан бир қатор муҳим хусусиятлари билан фарқ қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, диалектик материализм категориялари — объектив дунё энг умумий қонунилари тараққиётининг инъикосидир.

Диалектик категорияларнинг объектив мазмуни инсон онгига

¹ «Категория» сўзи грекча бўлиб, лугавий маъноси «гувоҳ», «таъриф», «ифодаловчи» демакдир.

боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган моддий воқелик ҳаракатининг энг умумий қонунларидир. Демак, фалсафий категориялар объектив дунё тараққиётининг энг умумий қонунларидан бўлак нарса эмас. Фалсафа диалектик категориялар орқали ўз предмети мазмунини тўлароқ, чуқурроқ очиб беради. Барча фалсафий категориялар объектив дунё қонунлари инъикоси бўлгани учун объектив мазмунга эгадир.

Иккинчидан, диалектик категориялар энг умумий тушунчалар сифатида инсон фикри шакллари бўлиб, шу тахлитда улар мантиқий мазмунга ҳам эгадирлар. Категорияларнинг мантиқий мазмуни деганда инсон тафаккурининг нарса ва ҳодисалар моҳиятига кириб бориши, унинг чуқурлашув даражаси кўзда тутилади. Диалектик категориялар объектив дунёнинг энг умумий ва муҳим томонларини ифодалабгина қолмай, билишнинг поғоналари ва таянч нуқтаси ҳам ҳисобланади. Уларни ўрганиш орқали инсоннинг назарий ва амалий фаолияти учун муҳим бўлган дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий қонуниятлари очиб берилади.

Диалектик категориялар мазмун жиҳатдан ташқи олам қонуниятларига мос келади, лекин улар ўзларининг мавжудлик шакллариغا қараб фарқ қилади. Бу ҳақда Ф. Энгельс бундай деган эди: «Материалистик нуқтаи назарга қайтганимиздан кейин қараб кўрсак, ҳақиқий нарсалар тараққиётнинг муайян босқичида турган мутлақ тушунчанинг суратлари эмас экан, балки киши тушунчалари ҳақиқий нарсаларнинг суратлари экан. Шундай қилиб, диалектика ҳам ташқи-дунё, ҳам киши тафаккури ҳаракатининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлиб қолди; икки туркуمني ташкил этган бу қонулар моҳият эътибори билан бирдай бўлса ҳам, ифодаланиши жиҳатидан турличадир, шунчалик турличадирки, киши мияси уларни онгли суратда татбиқ этиши мумкин, аммо табиатда, ҳанузгача аксари инсоният тарихида ҳам, — улар онгсиз ҳолда, ташқи зарурият шаклида, бениҳоя кўп зоҳирий тасодифлар орасида ўзларига йўл топадилар. Бинобарин, тушунчалар диалектикасининг ўзи ҳақиқий дунё диалектик ҳаракатининг англаган инъикоси бўлиб қолди»¹.

Диалектик категориялар ўз манбаи, мазмуни жиҳатидан объективдир, лекин шакл жиҳатидан — субъективдир. Агар нарсалар ва уларнинг тараққиёт қонунлари моддий бўлиб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда мавжуд экан, тафаккур категориялари маънавий бўлиб, фақат кишилар миясидагина мавжуддир. Моддийлик ва маънавийлик — булар бир нарса эмас. Диалектика категорияларининг объектив манбаи реал равишда мавжуд бўлса ҳам, улар инсон фикрининг шакллари бўлгани учун уни суратга олиш, қўл билан ушлаб кўриш мумкин эмас. «Логика қонунлари, — деган эди В. И. Ленин, — объектив нарсанинг киши субъектив онгида инъикос этишидир»².

¹ Ф. Энгельс. Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири. «Ўзбекистон» нашриёти, 1965, 41-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 171-бет.

Учинчидан, диалектика категориялари илмий билишда муҳим методологик вазифани бажаради. Объектив дунё ҳодисаларининг энг умумий қонувлари ҳаракатини ўрганиб, фалсафий категориялар, бир томондан, нарсаларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишга ёрдам беради; иккинчи томондан, объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида янги билимлар олишга ва тўплашга сабаб бўлади. Шунингдек улар ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни тўғри акс эттирганликлари ҳамда уларни ўзаро боғлиқ ва ривожланишда деб билганликлари учун билиш ҳаракатининг энг умумий усули родини бажаради.

Диалектика категориялари фақат мавжуд нарсалар ҳақидагина эмас, балки келажакда мавжуд бўлиши керак бўлган нарсалар ҳақида ҳам ахборот беради. Шу асосда улар янги билимларни эгаллаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси диалектик материализм категориялари ўзларининг гносеологик табиатига кўра бевосита амалиётга айланиш мумкинлигини исбот қилади.

Тўртинчидан, диалектика категориялари шаклланиши ва ривожланишининг асосида инсон моддий ҳиссий фаолиятининг йиғиндиси бўлган амалиёт ётади. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий амалиётнинг маҳсули ҳисобланади. Бу ерда инсон назарий ва амалий фаолиятининг бирлиги яққол намоён бўлади. Моддий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида инсон субъект сифатида ташқи оламдаги нарсаларга нисбатан ўз фаолиятининг объекти сифатида муносабатда бўлади. Субъект билан объект ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро таъсири жараёнида мантиқий категориялар вужудга келади. Ташқи дунё қонуниятларининг тафаккур шаклида акс этиши ҳам амалиёт асосида юз беради. Инсон амалиётда мантиқий категориялар орқали олинган билимлар ҳақиқийлигини текшириб кўради. Шундай қилиб, тафаккуримиз мазмунининг объективлиги, тафаккур қонувларининг борлиқ, табиат қонуналарига мос келиши амалиёт асосида бўлади ва унинг ёрдамида исботланади.

Диалектика категорияларининг бу белгилари маълум даражада хусусий фанлар категорияларига ҳам хосдир. Хусусий фанларнинг асосий тушунчалари ҳам объектив дунёдаги ҳодисалар ҳаракатининг қонуниятларини акс эттиради, улар нарсаларнинг идеал образи бўлганлиги учун билиш ва амалиёт тараққиётига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фалсафий категориялар алоҳида фанлар категориялари билан узвий алоқададир. Аммо фалсафий категорияларни хусусий фанлар категориялари билан айналаштириш ёки хусусий фанлар категориялари мазмунини диалектик материализм категорияларидан келтириб чиқариш мумкин эмас.

Хусусий фанлар категорияларидан фарqli ўлароқ, фалсафий категориялар ташқи дунёнинг энг умумий қонуналарини ифодалайди. Шунинг учун ҳам улардан материя ҳаракатининг муайян шаклини ўрганишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Бундан диалектик материализм категорияларини билишнинг ўзи

бизга объектив дунёдаги барча ҳодисаларни тушунишимиз учун имкон тугдиради деган маъно келиб чиқмайди. Фалсафий категориялар айни бир вақтда табиатга ҳам, жамиятга ҳам, тафаккурга ҳам тегишли бўлган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракатининг энг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини ифодалайди. Бироқ улар табиат, жамият ҳодисалари ва тафаккурга ҳос бўлган айрим хусусий боғланишларни қамраб олмайди. Бу алоқалар эса хусусий фанлар категорияларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун объектив дунё ҳодисалари ривожланишининг энг умумий қонуналарини билшш учун хусусий фанлар категорияларидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун хусусий фанлар категориялари орқали диалектика категориялари мазмунини очиш зарур. Ўз навбатида, фалсафий категориялар хусусий фанлар барча категорияларини ўзида қамраб олиши зарур. Бу диалектик бирлик фалсафа фани ҳамда хусусий фанларнинг самарали ривожланишига хизмат қилади.

2. ЯККАЛИК, ХУСУСИЙЛИК ВА УМУМИЙЛИК

Бу категориялар ўзларининг шаклланиши, ривожланиши ва изчиллигига кўра материалистик диалектика категориялари системасида муҳим аҳамиятга эга. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик бошқа категориялар сингари билишнинг айрим муҳим томонларини инсон фикрининг алоҳида шакллари сифатида тавсифлайди, объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва тараққиётини акс эттиради. Бунинг учун дастлаб мазкур категорияларнинг моҳиятини баён қилиш, кейин эса уларнинг ўзаро диалектик муносабатини, ижтимоий амалиёт ва илмий билишда қандай методологик роль ўйнашини кўрсатиш лозим.

Яккалик — алоҳида сифат ва миқдор аниқлигига эга бўлган нарса, ҳодиса ёки жараёндр.

Умумийлик деганда объектив реалликнинг барча ёки бир қанча нарса ёки ҳодисаларидаги объектив мавжуд бўлган томонлар, хоссалар ва белгиларининг мажмуи, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг ўхшашлиги тушунилади.

Хусусийлик шундай нарса ёки ҳодисалар гуруҳидирки, улар маълум маънода умумий бўлса-да, лекин ундан ҳам умумийроқ бўлган бошқа бир гуруҳга киради ва бу гуруҳда у алоҳидалик ёки яккаликдир, бутуннинг қисмидир. Хусусийлик нарса ёки ҳодисаларнинг шундай доирасики, бунда улар маълум бир муносабатда умумий, бошқасида эса яккалик, алоҳидаликдир.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари фалсафанинг асосий масаласи, яъни тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқдир. Материянинг бирламчилигини эътироф этувчи материалистлар умумийлик, хусусийлик ва яккалик категориялари ифодалайдиган алоқа ва боғланишлар ўз мазмунига кўра объективдир, деб ҳисоблайдилар. Онгнинг, руҳнинг бирламчилигини эътироф этувчи идеалистлар эса, аксинча, яккалик, хусусийлик ва умумийлик-

нинг табиатини у ёки бу тарзда бузиб тушунтирадilar. Объектив идеализм фақат умумийликни тан олади. Қадимги грек идеалисти Платон таълимотига кўра, умумий «ғоялар дунёсигина реал мавжуд бўлиб, нарсалар дунёси эса иккиламчи, унинг ҳосиласидир. Бошқача қилиб айтганда, унинг таълимотида реал нарсалар мустақил, ўз-ўзича яшовчи умумий тушунчаларнинг тимсоли сифатида қаралади. Масалан, реал столлар — стол ҳақидаги тушунчадир. Умумийликни бундай тушунишни В. И. Ленин қуйидагича танқид қилган эди: «Ибтидоий идеализм: умумий (тушунча, ғоя) — айрим мавжудотдир. Бу нарса ғалати, ғоят (тўғрироғи: болаларча) бемаънилик бўлиб туюлади. Лекин ҳозирги замон идеализми, Кант, Гегель, худо ғояси худди шу тарзда (мутлақо шу тарзда) эмасми? Столлар, стуллар билан стол ва стул ғоялари; дунё билан дунё ғояси (худо); нарса билан «нумен», билиб бўлмас «нарса ўзида», ер билан қуёшнинг, умуман табиатнинг алоқаси — ва қонун логос худо»¹.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари немис файласуфлари И. Кант ва Гегель томонидан идеалистик нуқтаи назардан ишлаб чиқилган. Гегель «мутлақ ғоя», яъни умумийлик ҳақиқий реалликка эга, «яккалик» эса бу «мутлақ ғоя»нинг ўз-ўзида бегоналашувидир, деб тушунтирган эди. «Умумийлик, — деган эди Гегель, — яккаликнинг субстанцияси ва илдизи, асоси ва негизидир»². Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, яккалик ва умумийлик ўртасидаги муносабат Гегель томонидан бир ёқлама тушунтирилган. Унинг фикрича, нарсаларнинг хусусияти ғояни эмас, аксинча, умумийлик ғоя сифатида нарсаларнинг хусусиятини аниқлайди.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари ҳозирги замон буржуа файласуфлари томонидан ҳам бузиб талқин қилинмоқда. Персонализм ва неоготизм вакиллари якка предметлар ғайритабiiий маънавий шахс, яъни худо томонидан яратилади, шунинг учун инсоннинг мавҳум тушунчаси бирламчи, якка предметлар иккиламчи деб ҳисоблайди.

Семантизм фалсафаси тарафдорлари умумийликнинг ўз мазмунига кўра объективлигини тан олишга қарши чиқадilar. Бу таълимотга кўра, тушунчалар реал нарсалар ва улар ўртасидаги муносабатни ифодалайди, шу сабабли улар мазмунсиз тушунчалардир. Умумий тушунчаларга воқеликда ҳеч нарса мос келмаслигини семантизм вакили Чейз бундай деб тушунтиришга уринади: агар «ҳой. инсоният» деб чақирсангиз, ҳеч ким бунга жавоб бермаса, «инсоният» тушунчаси ҳеч қандай нарсага тўғри келмайди, деган хулосани чиқаради.

Субъектив идеалистлар яккаликка «сезгилар комплекси» сифатида қараганликлари учун уни фақат шу маънода реалдир, деб хулоса қиладilar. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категорияларини субъектив идеалистик тарзда талқин қилиш

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 353—354-бетлар.

² Гегель. Асарлар, 1930, 1-жилд, 283-бет.

Ж. Беркли, Д. Юм, махчилар фалсафасига, шунингдек прагматизм ва неотомизм каби ҳозирги замон буржуа фалсафасининг кўпчилиги кўринишларига ҳам хосдир. Э. Мах, Р. Авенариус ва уларнинг издошлари яқка субъектнинг сезгиси ягона реаллик бўлиб, моддий дунё, табиат ва жамият маъмур субъект сезгиларининг маҳсулидир, деб таълим беради.

Шундай қилиб, барча кўринишдаги идеалистлар яккаликка, хусусийлик ва умумийликка хос бўлган объективликни инкор қилади. Идеализмга тубдан қарама-қарши бўлган диалектик материализм фан ва ижтимоий амалиёт далиллари асосида яккалик, хусусийлик ва умумийлик категорияларида инсоннинг онги ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг реал алоқа ва боғланишлари ақс этади, деб кўрсатади.

Яккалик ва умумийлик категориялари ўзаро мураккаб диалектик алоқада бўлиб, бу алоқа қуйидагиларда кўринади:

умумийлик ва яккалик диалектик бирликни ташкил қилади, шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. В. И. Ленин бу далилни қуйидагича ифодалайди: «Умумий фақат алоҳида, алоҳида орқали яшайди. Ҳар қандай алоҳида (у ёки бу тарзда) умумийдир. Ҳар қандай умумий — алоҳиданинг (бир қисми ёки бир томони ёки моҳиятидир). Ҳар қандай умумий ҳамма алоҳида буюмларни фақат тахминангина ўз ичига олади. Ҳар қандай алоҳида умумийга тўла кирмайди ва ҳоказо олади. Ҳар қандай умумийга тўла кирмайди ва ҳоказо»¹. Бизни қуршаб олган дунё, табиат ва жамият умумийлик ва хусусийликнинг ўзаро таъсир натижасида бир вақтда узлукли ва узлуксиз жараён тарзида намён бўлади;

умумийлик нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий томовлари орасидаги алоқаларни ўзида ақс эттириб, ўз кўринишини фақат яккаликлар орқали аниқлаштиради. Бунга қуйидаги мисоллар орқали яшонч ҳосил қилиш мумкин: маълумки, тирик организмлар мавжудлигининг зарурий шарти улардаги модда алмашивидир. Тирик организмлар тараққиётининг бу умумий қонуни ўсимлик ва ҳайвонлар ривожланишининг хусусий қонунилари орқали намён бўлади. Табиатдаги ноорганик бирикмаларни ўзлаштира оладиган ўсимликларда ҳайвонларга нисбатан ассимиляция жуда чуқур ва мураккабдир. Ҳайвонлар организми истеъмол қилинадиган овқатдаги органик бирикмаларнинг тайёр маҳсулотларининггина қайта ишлайди;

умумийлик ва яккалик биргаликда бир бутунликни ташкил қилса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Ҳар қандай умумийлик бир қанча яккаликларга хос бўлган томонлар, белги ва хоссаларни ўз ичига олганлиги учун уни қандайдир яккалик билан тенг қилиш мумкин эмас. Яккаликлар орқали намён бўладиган, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида ақс эттирадиган умумийлик ўзининг мустақил қийматига эга. Масалан, қиймат қонуни капитализмнинг энг умумий қонуни сифатида ишлаб чиқариш нархи қонуни орқали намён бўлса-да, у

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29- жилд, 340—341-бетлар.

ўз мустақиллигига эга эканлиги маълум. Шу билан бирга, яккаликни умумийликка аралаштириб юбормаслик керак. Ҳар бир яккалик умумийликни ифодалайдиган хосса, белги ва томонлар билан бир қаторда, фақат ўзига хос бўлган ва шу орқали бошқа яккаликлардан фарқ қиладиган хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусият ва белгилар умумийлик томонидан қамраб олинмай, фақат яккаликда яшайди;

умумийлик ва яккаликни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Умумийликни яккаликка ва, аксинча, яккаликни умумийликка қарши қўйиш амалий жиҳатдан катта хато ва зарarli ҳулосаларга олиб келиши мумкин. Диалектик материализм социализм қуришнинг умумий қонунларини кўрсатиш билан бирга ҳар бир мамлакатда социализм қуриш усул ва шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши ва уларни ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди.

Социалистик жамият қуришда миллий хусусиятларни ҳисобга олмаслик мумкин бўлмаганидек, уларни социализм қуришнинг умумий қонунларига қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас. Акс ҳолда алоҳида мамлакатлар тажрибасини бошқа мамлакатга механик тарзда кўчиришга, бу эса айрим ҳолларда алоҳида халқларнинг миллий ҳисларини тан олмайдиган буюк давлатчилик шовинизмига олиб келиши мумкин. Айрим мамлакатлардаги ўзига хос жиҳатларни тан олмаслик сектантлик элементларини вужудга келтиради.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги диалектик муносабат текширилганда ҳар бир яккаликнинг бошқа бир турдаги яккаликлар билан кўплаб алоқалар орқали боғланишдалигини ҳисобга олиш зарур. Бошқа турдаги яккалик билан боғлиқ бўлмаган яккаликнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. В. И. Ленин «Диалектика масаласига доир» фрагментда «ҳар қандай алоҳида минглаб воситалар орқали бошқа жинсдаги алоҳида (нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар) билан боғланган»¹, — деб таъкидлайди.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари илмий билиш ва амалий учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек ўзаро диалектик алоқасини билиш воқеликдаги ҳодисалар таҳлиliga аниқ тарихий ёндашишнинг зарурий шартидир. Ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек унинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан умумий томонлари ҳисобга олинган тақдирдагина тўғри тушунилиши мумкин. У ёки бу айрим ҳодисани ёки унинг бир томонини бошқаларининг зарари ҳисобига бир томонлама ажратиб қарайдиган софистик усулни танқид қилиб, В. И. Ленин ижтимоий ҳодисалар соҳасида айрим-айрим кичик далилларни юлб олишдан, мисолбозликдан ортық жуда кўп тарқалган ва замини жуда бўш бир усул йўқдир, умуман мисоллар йиғиб олиш— ҳеч бир қийин иш эмас, лекин унинг ҳеч бир аҳамияти

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 343-бет.

ҳам бўлмайдн, ёки фақат салбий аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, далиллар агар улар бутунлигича, бир-бирига боғлаб олинса, фақат «ўжар нарса» эмас, балки шубҳасиз далил бўла оладиган нарса ҳамдир. Кичик далиллар агар улар бутун ҳолича бир-бирига боғлаб олинмаса, агар улар бўлак-бўлак ва ўрннсиз бўлса, худди фақат ўйинчоқ ёки ундан ҳам багтар бир нарса бўлади.

Илмий билиш ҳар қандай ҳодисани текширишда унинг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда маъкур ҳодисанинг атрофдаги бошқа ҳодисалар билан умумий бўлган белгиларини ҳисобга олишни талаб қилади.

3. МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА

Моҳиятни билиш фаннинг пировард мақсади ҳисобланади, чунки у нарса ва ҳодисалар ҳаракати ва ривожланишининг асосида ётган қонуниятларни очишга имкон беради.

Моҳият — ҳодисанинг ичида яширинган моддий оламнинг турли-туман ҳодисаларида юз берадиган чуқур, нисбий барқарор алоқаларни ифодалайдиган воқеликнинг ички томонидир. Ҳодиса эса моҳиятнинг у ёки бу ҳолда учратилишини ифодаловчи объектив воқеликнинг ўзгарувчан, ҳаракат хусусиятларига, белгиларига бой бўлган томонидир.

Ҳар бир нарсада моҳият ва ҳодиса ажралмас бирликда бўлади. Моҳият ҳодисада зоҳир бўлади. «Ҳодиса моҳиятлидир»¹. Ҳар қандай моҳият албатта ҳодисаларда кўринади, намоён бўлади. Ҳар қандай ҳодиса моҳият намоён бўлишини ифодалайди.

Моҳият ва ҳодиса категориялари умумий ва ўзига хос жиҳатларга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, моҳият ички алоқани, ҳодисалар эса ташқи алоқаларни ифодалайди. Масалан, одам ўрмонда баргларнинг шитирлашини, қушларнинг сайрашини эшитади. Бу келтирилган ҳодисаларнинг сабаблари турлича бўлса-да, моҳиятлари бирдир, яъни ҳаво заррачаларининг тебранишидир. Лекин одам буни бирдан пайқамайди. Дастлаб у ҳодиса сиртида юз берган нарсани фаҳмлайди, сўнгра нарсаларнинг моҳиятини била бошлайди; иккинчидан, моҳият нарсаларнинг ички, ҳодиса эса ташқи томонларини ифода этади. Шунинг учун моҳият сезгиларимиз орқали бевосита идрок этилмайди. У биздан яширинган ҳолда мавжуд бўлади. Моҳият нарсаларнинг сиртида эмас, балки ичида бўлгани учун чуқур илмий таҳлил қилиш ва излавиш натижасида амалий жараёнда юзага чиқиши мумкин. Ҳодиса эса, аксинча, инсон томонидан ҳиссий аъзолар орқали бевосита идрок қилинади. У ҳиссий аъзоларимизга тўғридан-тўғри таъсир этиб, у ёки бу сезгини уйғотади.

Моҳият билан ҳодиса бевосита мос келганида уни билиш учун уриниш керак бўлмас эди. Моҳият ҳодисаларнинг ичига яширин-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 239-бет.

ган бўлиб, уни топишга анча вақт керак бўлади. Масала, капиталистик жамият пайдо бўлганидан бери кишилар буржуазия меҳнаткаш халқ меҳнати эвазига яшашини билсалар-да, лекин капиталистик эксплуатация сирини очиб бера олмадилар. К. Марксни қўшимча қиймат назарияси асосида капиталистлар фойдасининг маъбаи нимада эканлигини очиб беришга муваффақ бўлди;

учинчидан, моҳият доимийлиги ва барқарорлиги билан фарқ қилади. Ҳодисалар ҳаракатчан бўлиб, баъзан йўқолиши, баъзан янгидан пайдо бўлиши мумкин, бироқ моҳият эса ўзини туғдирган объектив шароит мавжуд экан, у сақланиб тураверади. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да моҳият ва ҳодиса категорияларини дарёнинг юзидаги кўпиклар билан остдаги тез оқимларга ўхшатиб, вомухим, зоҳирий, юзаки томонлар тез-тез йўқолиб туради, «моҳият»дан фарқли ўлароқ «маҳкам» жойлашмаган бўлади, «мустаҳкам сақланмайди», дарёнинг ҳаракати — юзидаги кўпиклар ва остдаги тез оқимлар. Лекин кўпик ҳам моҳиятнинг ифодасидир деб таъкидлайди. Моҳиятнинг доимийлиги ва барқарорлигини тан олиш билан бирга уни мутлақлаштирмаслик лозим. Моҳият ҳам ўзгаради, лекин у ҳодисага қараганда жуда секин ўзгаради. «...факат ҳодисаларгина ўткинчи, ҳаракатчан, оқувчан, шартли чегаралар билангина ажралган эмас, балки нарсаларнинг моҳиятлари ҳам шундайдир»¹, — дейди В. И. Ленин;

тўртинчидан, моҳият нарсаларнинг ички томонини ифодалайди. Шунинг учун у нарсаларни ҳодисага қараганда чуқурроқ тавсифлайди. Моҳиятни билиш объектив воқеликдаги нарсалар ривожланишининг умумий асосларини ва қонунларини белгилашга имкон беради. Лекин ҳодиса нарсаларни ҳар томонлама тавсифлайди. Шунинг учун ҳам ҳодиса моҳиятга нисбатан бойроқдир.

Моҳият билан ҳодиса ўртасидаги фарқни алоҳидалик билан турли-туманлик ўртасидаги муносабатга тенглаштириш мумкин. Ҳодиса моҳият намоён бўлишининг турли-туманлигини кўрсатса, моҳият эса табиатдаги турли-туман ҳодисаларда мавжуд бўлган умумийликни ифодалайди.

Моҳият ва ҳодиса, шунингдек умумий томонларга ҳам эгадир. Чунончи, биринчидан, ҳар қандай моҳият у ёки бу тарзда намоён бўлади, ҳодиса эса моҳиятнинг у ёки бу ҳолдаги кўринишидир; иккинчидан, моҳият ва ҳодиса объектив хусусиятга эга бўлиб, пайсал олинганда боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир; учинчидан эса моҳият ҳам, ҳодиса ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Моҳиятнинг ўзгариши ёки йўқолиши ҳодисанинг йўқолишига ёки ўзгаришига олиб келади.

Нарса — намоён бўладиган моҳиятга эгадир. Лекин бу моҳият андешияли хусусиятга эга. Объектив оламда нарса ва ҳодисалар икки қарама-қарши томонга бўлинади ва улар бир-бирини тақозо қилади. Моҳият ва ҳодиса категориялари ҳам нарсаларда мав-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 239-бет.

жуд бўлган реал эиддиятларни акс эттиради. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек: «Асл маънода диалектика буюмларнинг ўа моҳиятидаги эиддиятни ўрганиш демакдир»¹.

Моҳиятнинг эиддиятли табиати ҳақида гапирганда шу нарса ни кўзда тутиш керакки, ҳар бир моҳиятнинг ўзинга хос маҳсус эиддиятлари бўлади. Нарсаларнинг эиддиятли моҳиятини билиш нарса ва ҳодисаларнинг ички манбаини ва ривожлашни йўналишларини очишга имкон беради.

Ҳиссий билиш жараёнида айрим ҳодисалар ҳақиқатан қандай бўлса шундайлигича бизга билинмайди. Сиртдан қараганда бундай туюлганлик — бизнинг онгимизнинг соф маҳсули эмас. Бу кузатиш реал муносабатларнинг субъектга таъсир натижасидан келиб чиқади.

Ҳодиса ҳеч қачон моҳиятга тўла ва мутлақ мувофиқ келмайди. Айни бир моҳият бирон-бир ҳодисада ифодаланмай, балки турли-туман ҳодисаларда ифодаланishi мумкин. Масалан, металлнинг моҳияти унинг товланишида, иссиқлик ўтказиш хусусиятида, эриш ва қотиш ҳароратида ва ҳоказода намоён бўлади.

Моҳият ва ҳодиса категорияларини диалектик материализм асосида тушунтириш — идеалистик қарашларга тубдан қарама-қаршидир. Субъектив идеализмнинг вакиллари Беркли, Юм ва маҳчилар ҳамма нарса ва ҳодисаларни инсон онгининг, сезгиларининг маҳсули, деб биладилар. Масалан, Берклининг фикрича, «нарсалар биз фаҳмлаганимиз ва сезганимиз учунгина мавжуд» эмиш. Маҳчилар эса нарсаларни сезгиларимиз бирикмасидан иборат қилиб қўйдилар. «Сезгилар «нарсаларнинг символлари» эмасдир. Балки «наrsa» нисбий барқарорликка эга бўлган сезгилар комплекси учун фикрий символдир. «Дунёнинг ҳақиқий элементлари нарсалар (жисмлар) эмас, балки ранглар, товушлар, таъсирлар, маконлар, вақтлардир (биз одатда сезгилар деб атайдиган нарсалардир)»², — деган эди В. И. Ленин.

Шундай қилиб, субъектив идеалистлар нарсаларнинг объектив равишда мавжудлигини, зотан моҳиятини ҳам рад этадилар. Бу ҳол уларни оқибат натижада мистикага олиб боради.

Моҳиятни бундай субъективистик тушуниш ҳозирги замон буржуа фалсафасининг вакилларига ҳам тегишлидир. Инглиз файласуфи Б. Расселнинг таъкидлашича, оламда «мантқиқий конструкциялар»дан, яъни инсон онгининг маҳсулидан бўлак нарса йўқ эмиш. Шу сабабли фаннинг вазифаси мавжуд қонунларни билишдан эмас, балки ҳодисаларни тасвирлашдан иборат бўлиши керак эмиш. Экзистенциализмнинг вакилларида биринчи бўлган К. Ясперснинг фикрича, дунё қонуниятсиз «алданган кўринишдан» иборатдир.

Объектив идеализм вакиллари моҳиятни мутлақлаштиридилар, яъни улар моҳиятни идеал ибтидо деб қабул қиладилар. Масалан, қадимги грек файласуфи Платоннинг фикрича, гоғлар дунёси

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 239-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 35—36-бетлар.

нарсанинг моҳиятини ташкил этади, сезги орқали идрок қилинадиган нарсалар эса ғоялар дунёсининг сояларидир. Гегель моҳият ва ҳодиса ўртасидаги муносабатни метафизик тушунишни танқид қилса-да, ammo нарсаларнинг моҳиятини мутлақ ғоя билан боғлайди. Объектив идеалистлар, неотомистлар, персоналистлар ва бошқалар эса нарсаларнинг моҳияти, асоси деб худони аниқлайдилар. Уларнинг фикрича, бирдан-бир реал ва олпий моҳият — бу худодир.

Метафизиклар моҳият ва ҳодиса категориялари ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас ғовни кўрадилар ва нарсаларнинг моҳиятини билиб бўлмайди деб ҳисоблайдилар. И. Кант ва кейинчалик махчиларнинг фикрича, инсон онги ҳодисалар дунёси билан чекланган, нарсанинг моҳиятини билиб бўлмайди, чунки «наrsa ўзида»дир, деб ҳисоблайдилар. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарыда бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳодиса билан наrsa ўзида ўртасида ҳеч қандай принципал фарқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Фарқ фақат билиб олинган наrsa билан билиб олинмаган наrsa ўртасида бор, холос, билиб олинган наrsa билан билиб олинмаган наrsa орасида махсус чегара борлиги ҳақидаги, наrsa ўзиданинг ҳодисалардан «бошқа дунёда» бўлиши ҳақидаги (Кант) фалсафий уйдирмалар, ёки ҳали бир қисми билиб олинмаган, ammo биздан ташқаридаги оламда мавжуд бўлган наrsa масаласидан ўзни қандайдир фалсафий девор билан айириб тўсиб олиш мумкин ва лозимлиги ҳақидаги (Юм) фалсафий уйдирмалар, — буларнинг ҳаммаси пуч сафсата... найрангбозлик, уйдирмадир»¹.

Нарсалар моҳиятини ҳодисалар орқали билиш мураккаб жараёндыр. Нарсаларнинг моҳияти — битмас-туганмасдыр. Уни дарҳол бутунлигича мутлақ билиш мумкин эмас. Объектив реалликнинг барча наrsa ва ҳодисалари каби нарсаларнинг ички моҳияти ҳам янгидан-янги хусусиятларни яратиб, доимо ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам бизнинг онгимиз нарсаларнинг моҳиятига сингиб, унда янгидан-янги томонларни очишга муваффақ бўлади. «Инсон фикри, — деган эди В. И. Ленин, — ҳодисадан моҳиятга томон, айтайлик, биринчи тартибдаги моҳиятдан иккинчи тартибдаги моҳиятга ва ҳоказоларга томон чексиз чуқурлашиб бораверади»².

Бундан ташқари, ҳодисаларнинг моҳиятини билиш муайян давр, фан тараққиёти, ижтимоий амалиёт ва инсон тафаккурининг даражаси билан чеклангандир. Буларнинг ҳаммаси шундай шароитлар яратадики, у ҳолда, В. И. Ленин айтганидек, «инсон бутун табиати, мукамал ҳолда, унинг «бевосита яхлитлиги» ҳолида қамраб — акс эттириб-тасвирлаб беролмайди, у абстракциялар, тушунчалар, қонунлар, дунёнинг илмий манзараси ва ҳоказо ва шу сингариларни ҳосил этиб, бунга *абдий* яқинлашиб бориши мумкин, холос»³.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 113-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 239-бет.

³ Уша жойда, 170-бет.

✓ Нарсаларнинг моҳиятини билишда ижтимоий амалиёт муҳим аҳамиятга эга, чунки у нарсалар ва ҳодисаларга юзаки қарашдан моҳиятга кириб, уларнинг ривожланиш қонуниятларини англаб, жамият учун хизмат қилдиришни тақозо этади.

Нарсаларнинг моҳиятини билиш нарса ва ҳодисанинг ички жараёнларини чуқур эгаллашга ёрдам беради. К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан яратилган тарихчи материалистик тушуниш тўғрисидаги таълимот нарсалар моҳиятини билиб олишга ёрқин мисол бўла олади. Улар ана шу таълимот асосида ижтимоий ғоялар, қарашлар, назариялар ишлаб чиқариш усули билан белгиланишини исботлаб бердилар.

Нарсаларнинг моҳиятига сивгиб бориш нарса ва ҳодисалар ривожланишининг қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Маълумки, қонунларни билиш кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг асосидир, у ҳозирда рўй бераётган воқеаларни чуқурроқ тушунишга ва уларнинг келажакдаги ривожланиш йўналишларини олдиндан кўра билишга ёрдам беради.

4. МАЗМУН ВА ШАКЛ

✓ Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқатан ҳозирда қандай эканлигини ва келажакда қандай ривожланишини мазмун ва шакл категорияларини билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди. Мазмун ва шакл категорияларида инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган нарсаларнинг умумий тавсифномаси акс этади.

Мазмун — муайян нарса ва ҳодисаларни тавсифловчи ички элементлар ва ўзгаришларнинг мажмуидан иборат. *Шакл* эса мазмунни ифодалаш усули, ташкил этувчисидир. Масалан, атомнинг мазмуни уни ташкил этган элементар заррачалар ва уларнинг ҳаракатида, атомнинг шакли эса бу элементар заррачаларнинг жойлашиш тартиби ва тузилмасидан иборат.

Барча жонли организмлар ҳам мазмун ва шаклга эга. Ижтимоий ҳаётда ҳам худди шундай. Маълумки, моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули бир-бири билан узвий боғланган икки томонга — ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларига эга. Ишлаб чиқарувчи кучлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг шаклини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш усули доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлган ҳар иккала томоннинг бирлигидан иборат.

Демак, мазмун нарсаларнинг ички жараёнлари, хоссалари, алоқалари, ривожланиши, зиддиятлари ва йўналишларининг мажмуидан иборат. Шакл эса мазмун элементларининг нисбатан тургун, муайян алоқалари ва ўзаро таъсирлари, унинг таркибий тузилишидир. Шакл ички ва ташқининг бирлигидан иборат. Масалан, бивонинг меъморий тузилиши — ташқи шаклдир. Бу ташқи шакл бивонинг кўпгина ички тузилиши бирлигининг натижасидир. Шакл нарса мазмунидаги юзаки, мазмун устига қўйил-

ган қандайдир ташқи нарса эмас, балки мазмунга хос бўлган ички нарсадир. Ташқи шакл мазмун билан боғлангандир.

Мазмун билан шакл категориялари моҳият ва ҳодиса категорияларига жуда яқиндир. Лекин булар айнан ўхшаш тушунчалар эмас. Мазмун — нарсанинг барча элементлари ва жараёнларидир. Моҳият эса нарсанинг ички, асосий, муайян муносабатларидир. Агар мазмун моҳиятга нисбатан бойроқ бўлса, моҳият ҳам маълум муносабатда мазмунга нисбатан чуқурроқдир. Худди шунингдек, шакл ва ҳодиса тушунчалари ҳам айнан бир тушунча эмас. Шакл — мазмуinning тузилиши, ҳодиса эса моҳиятнинг намоён бўлишидир. Биз ҳодисани дастлаб идрок қилганда олдин шаклга, кейин мазмунга, ниҳоят унинг моҳиятига кириб борамиз.

Ҳар бир нарса ва ҳодисада мазмун билан шакл ажралмас бирликда бўлади. Мазмунга эга бўлиб шаклга эга бўлмаган ёки шаклга эга бўлиб мазмунга эга бўлмаган ҳодисалар йўқ.

Мазмун билан шакл бирлигида мазмун ҳал қилувчи, асосийдир. Мазмун шаклни белгилайди. Олдин мазмун, сўнгра шакл ўзгаради. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш мазмунини ташкил қилувчи ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгариши унинг шакли, яъни ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаришига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий базис ўзгариши билан устқурма ҳам ўзгаради.

Шакл нисбий мустақилликка эга бўлиб, мазмун ривожланишига фаол таъсир этади. Буни Ф. Энгельс базис билан устқурманинг ўзаро муносабати мисолида яққол кўрсатиб беради. «Иқтисодий аҳвол базисдир; — деган эди Ф. Энгельс, — лекин устқурманинг турли жиҳатлари, яъни синфий курашнинг синфий формалари ва бу курашнинг натижалари галаба қилган синф томонидан галабадан кейин жорий қилинган конституциялар ва ҳоказолар ҳуқуқий формалар ва ҳатто ҳақиқий курашларнинг ҳаммасида иштирок қилганларнинг миёсида ҳосил бўлган шу курашларнинг инъикоси, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий назариялар, диний эътиқодлар ва уларнинг ривожланиб, бора-бора догмалар системасига айланиши тарихий курашнинг боришига таъсир қилади ва кўпинча шу курашнинг *формасини* асосан белгилаб беради»¹.

Шаклнинг нисбий мустақиллиги яна қуйидагиларда ўзифодасини топади: шакл моҳиятнинг ривожини тезлаштириши ва секинлаштириши мумкин. Шакл мазмунга мос келган ҳолларда мазмуinning ривожланишига ёрдам беради. Аксинча, эйд келганда эса унинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Буни Ф. Энгельс жамиятнинг устқурмаси бўлган давлатнинг иқтисодий базисга таъсири мисолида кўрсатиб беради. «Давлат ҳокимиятнинг иқтисодий ривожланишига акс таъсири — деган эди Ф. Энгельс — уч хил йўл билан бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти иқтисодий ривожланиш ҳаракат қилаётган томонга таъсир кўрсатиши

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 2-жилд, Ўздавнашр, 1959, 535-бет.

мумкин, — бу ҳолда иш тезроқ боради; давлат ҳокимиятининг таъсири иқтисодий ривожланишга қарши бўлиши мумкин, — бу ҳолда ҳозирги замонда ҳар бир катта халқда давлат ҳокимияти маълум вақт ўтгандан кейин ҳалокатга учрайди; ёки давлат ҳокимияти иқтисодий ривожланишининг муайян томонларига тўсиқлик қилиб, бошқа томонларини илгари суриши мумкин. Бу ҳол, пировардида, юқориди кўрсатиб ўтилган ҳолларнинг биридан иборат бўлиб қолади. Лекин шуниси равшанки, иккинчи ва учинчи ҳолларда сиёсий ҳокимият иқтисодий ривожланишга жуда катта зарар етказиши ҳамда куч ва материалларнинг жуда кўп исроф этилишига сабаб бўлиши мумкин»¹.

Шакл муайян шароитларда мазмуннинг ривожланишидан орқада қолади. Буни ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари мисолида кўриш мумкин. Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқаришнинг энг ҳаракатчан элементи бўлиб, улар ўз ривожиди барқарорлик йўналишига эга бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожидан олдинда боради. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлардан орқада қолади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожиди даражасидан орқада қолиши муайян шароитларда зиддиятларга олиб келадиган, бу эса ижтимоий инқилобнинг иқтисодий асосини ташкил этади.

Шаклнинг нисбий мустақиллигини яна шунда кўришимиз мумкин, яъни бир мазмун турли кўрinishларда ифодаланиши мумкин. В. И. Ленин давлатнинг турли шакллари мавжудлигини бир қатор асарларида кўрсатиб ўтган эди. Масалан, қулдорлик давлати монархия, аристократия, жумҳурият ва демократия, феодал давлати эса кўпинча монархия ва жумҳурият шаклларида мавжуд эди. Ҳозирги замон давлати икки асосий шаклда: буржуа демократияси ва фашистик диктатура шаклида мавжуддир. Шунингдек, социалистик давлатларнинг шакллари ҳам хилма-хилдир.

Шакл ва мазмуннинг бирлиги улар орасидаги зиддиятни истисно қилмайди. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни диалектиканинг умумий қонуни сифатида мазмун ва шакл категорияларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мазмун ва шаклнинг ривожланиши улар ўртасида вужудга келадиган зиддиятлар йўли билан амалга ошади. В. И. Ленин мазмун билан шакл ўртасидаги зиддият шаклни улоқтириб ташлашга, мазмунни эса қайта қуришга олиб келади, деб кўрсатиб ўтган эди. Шунинг назарда тутиш керакки, ривожланиш жараёнида эски шакл ҳар доим ташлаб юборилмайди. У янги мазмун билан тўллатилган ҳолда узоқ вақт яшаши мумкин. Масалан, бизда ҳозир ҳам социализм даврига қадар мавжуд бўлган банклар, молия ҳисоблаш муассасалари каби эски шакллар мавжуддир. Лекин улар социалистик тузумнинг руҳи билан тўлдирилган янги мазмунга эгадир.

¹ Уша жойда, 540-бет.

Тараққидёт жараёнида янги мазмун ўткинчи шакллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Ўткинчи шакллар ҳар бир аниқ ҳодисанинг хусусиятларига мос келувчи, сифат жиҳатдан турлича бўлган шакллар элементларининг бир бутун бўлиб бирикишини тавсиялайди ва улар барқарор бўлмаган, вақтинчалик хусусиятга эгадир. Улар мос шароитлар ўзгариши билан янги мазмунга мос янги шакл билан алмаштирилади. Уларнинг ривожланиш диалектикаси ана шулардан иборат.

Зиддият эски шакл билан янги мазмун орасидагипа мавжуд бўлмай, балки янги шакл билан эскирган мазмун ўртасида ҳам бўлади. Бу ҳолда зиддиятлар эскирган мазмуни янги шаклга мослаштириш йўли билан ҳал қилинади.

Нарса ва ҳодисалар ривожининг илгарилаб бориши мазмун шаклига мос келган ҳолдагина юз бериши мумкин. Маълумки, бадний шакл санъатда катта аҳамиятга эга. Аммо бадний асарнинг қиймати шакл билангина белгиланмасдан, балки, биринчи навбатда, мазмуни, унда ҳаёт қанчалик ҳаққоний тасвирлангани билан ҳам белгиланади. Агар мусаввир асарнинг шакли билан қизиқиб кетиб ҳаётни тўғри тасвирлашни унутиб қўйса, асар ўз ҳаққонийлигини йўқотади. Ҳақиқий санъат асарида юксак бадний шакл доимо гоёвий мазмун билан мувофиқликда бўлади.

Мазмун ва шакл категориялари фақат амалиёт учун катта методологик аҳамиятга эга. Маълумки, аввал мазмун ўзгаради сўнгра шакл ўзгаради. Демак, мазмун — бирламчи, шакл эса — иккиламчидир. Бундан кўришиб турибдики, коммунистлар ва ишчи партиялар ўзларининг амалий фаолиятларида мазмун ривожланишига иккинчи яратиб, сўнгра шаклни янги мазмунга мос ҳолда юретишлари керак.

Шакл мазмунга нисбатан суут эмас, у мазмун ривожланишига фаол таъсир қилиб, уни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Бундан сиёсий ташкилотлар учун амалий фаолиятда раҳбарлик шакллари доимо мукаммаллаштириш ва ривожлантириш бориш, жамият ҳаётининг турли томонларига раҳбарлик қилишида олдинга силжишга ёрдам берадиган шакллари қидириб топши ва ишга солиш каби муҳим ҳулосалар келиб чиқади. Агар шакл ва мазмун ўртасидаги зиддият қонуний ҳодиса тарзида кўрилса, бу зиддиятни бўйиб, текислаб ўтирмасдан, уларни ўз вақтида бартараф қилиш керак. Агар янги мазмун эски шаклда тез-тез намоён бўлиб турса мазмунининг ривожланишига қулай шароит яратиб бериш учун амалий фаолиятда янги шакллар билан бир қаторда эски шаклдан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. БУТУН ВА БУЛАК, СТРУКТУРА, ЭЛЕМЕНТ

Биз мазмун ва шакл диалектикаси ҳақида гапирганимизда нарсани ташкил қилган элементларнинг, бир томондан, ўзаро боғлиқлигини, уларнинг ўзаро таъсири ва шу таъсир туфайли нарсалардаги ўзгаришларни, иккинчи томондан, нарсанинг тузилишини ташкил қилган нисбатан тўғри боғланишлар системаси-

ни назарда тутган эдик. Аммо моддий нарсанинг маъмунини муфассал текширадиган бўлсак бу маъмуниниг алоҳида томонлари ва тузилиши ўртасидаги муносабатларни очиб қарурати вужудга келади. Бундай муносабатлардан, масалан, нарсага ташкил қилувчи элементлар билан улар ўртасидаги боғланишларнинг турғун системасини олиш мумкин. Бу муносабатлар диалектикаси «элемент» ва «структура» категорияларида акс этади.

Элемент — бу ўзаро алоқада бўладиган, бир бутун системани ташкил этувчи нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисми. *Структура* эса бутунли (нарса) ташкил қиладиган элементларнинг боғланиш усули, қонуни, бутун доирасидаги муносабатлар системасидир. Структура тушунчаси системанинг турғунлигини, турли ташқи ва ички жараёнларга писбатак бузилмаслигини ифодалайди.

Структуранинг таркибий қисмида элемент муҳим ўрнини эгаллайди. Лекин на элемент, на уларнинг муносабатлари ўз ҳолича объектининг тўла структурасини бермайди; элементларнинг муносабатлари турғун, ички боғланишлар характериға эга бўлгандагина улар структурасини ташкил қилади ва шу асосда системанинг ташқи боғланишларида ифодаланадиган яхлит хоссалари қилиб чиқади.

Элемент ва структура бир-бири билан узини боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тақозо қилади. Бутунли ташкил қилган элементларнинг боғланиш хусусияти, уларнинг бутун доирасидаги муносабатлар системаси шу элементларнинг табиатиға, уларнинг сифати ва миқдорига боғлиқ, элементларнинг сифати, хусусияти, ўрни, роли ва аҳамияти эса улар иштирок этаётган боғланишлар системаси, яъни бутунлининг структурасига боғлиқ. Бутунли ташкил қилган у ёки бу элементларнинг ўзгариши структуранинг ўзгаришиға сабаб бўлади, янги структуранинг пайдо бўлиши эса унинг таркибига кирган элементларда тегишли ўзгаришларға олиб келади. Уларда янги хусусият, янги сифат ва миқдор характеристикалари пайдо бўлади. Масалан, изомерия ҳодисасини олайлик. Бир хил таркибға ва бир хил молекуляр оғирликға эга бўлган турли сифатдаги моддаларнинг мавжудлигини А. М. Бутлеров ўзининг кимёвий тузилиш назариясида исбот қилиб берди. Бу назарияға мувофиқ кимёвий бирикманинг сифати унинг молекуласи таркибига кирган атомлар сони ва хусусияти билангина белгиланмасдан, балки унинг структураси билан ҳам белгиланади. А. М. Бутлеров кимёвий модданинг тузилиши ва уни ташкил қилган атомларнинг валентлигини ҳисобға олган ҳолда назарий жиҳатдан мумкин бўлган бир хил таркибға, лекин молекуладаги атомлар боғланишларининг турлилиги билан белгиланадиган турли физик ва кимёвий хоссаларға эга бўлган кимёвий бирикмаларни олдиндан айтиб бериш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Элемент ва структура қарама-қаршилиқларнинг бирлигини ташкил қилади. Элементлар доимо ўзаро таъсирда бўлиб, ўзгариб туради, структура эса турғунликка, ўзгармасликка интилади. Бу зиддият тараққиётнинг маълум босқичида, ўзгарган элементлар-

га мавжуд структура мос келмай қолганда эски структуранинг бузилиши ва янги структуранинг ташкил топиши билан барҳам топади. Янги структуранинг ташкил топиши моддий нарсаларнинг янги сифат ҳолатга, ривожланишнинг янги босқичига ўтишини англатади. Бу ерда худди мазмун ва шаклнинг ўзаро боғланишидаги қонуниятлар намоён бўлади. Бу тасодиф эмас, чуққ элемент мазмуннинг муҳим томонини ташкил этса, структура эса унинг шакли (ички томони) сифатида чиқади. Шундай қилиб, элемент ва структуранинг боғланиш диалектикаси мазмун ва шакл ўзаро боғланиш диалектикасини аниқлаштиради.

Биз кўриб чиққан бутун системанинг мазмунини, муҳим томонини ташкил қилган элементларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар ҳосил қилган турғун боғланишлар йиғиндиси бутун элементларнинг ўзаро боғланиш қонуниятларини очиқ бера олмайди. Лекин улар моддий системаларнинг ишлаши ва тараққиёт механизминини тушунишда муҳим роль ўйнайди. Бу турқум қонуниятларни акс эттириш учун структура ва функция категориялари вужудга келади. Функция категорияси бутун системанинг барқарор мавжудлигини таъминловчи элементларнинг бир-бирга ўзаро таъсири ва унинг бошқа системалар (нарсалар) билан ўзаро таъсирини акс эттиради.

Структура ва функция категориялари бутун система ҳар бир элементининг ўзаро боғланиш жиҳатини акс эттиради. Ҳар қандай ташкил топган структура бутун системада у ёки бу элементнинг ўрнини белгилаш билан бирга, унинг функцияси, йўналиши ва ўзаро таъсир хусусиятини ҳам белгилаб беради. Система элементлари функциясининг ўзгариши моддий система структурасининг ўзгаришига, тараққиётнинг янги босқичига ўтиш ёки бошқа моддий нарсага айланишга оlib келади.

Структура ва функция қарама-қарши йўналишларга эга. Структура системадаги барқарорликни акс эттира, функция ҳаракат, ўзгариш, фаолиятни ифодалайди. Структура ва функциянинг ўзаро таъсири система мавжудлигининг асоси бўлган, унинг ишлаши ва тараққиётини белгилаб берадиган зиддиятни ифодалайди. Мавжуд структура доирасидаги системанинг элементлари ва системанинг бошқа системалар билан ўзаро таъсири унинг бутунлигини таъминлайди. Системани ташкил қилган элементлар функцияси ўзгаришларининг йиғилиб бориши натижасида унинг структурасининг қайта ташкил қилиниши системанинг янги сифат ҳолатга, унинг бошқа системага айланишини ифода этади. Шундай қилиб, нарса ва ҳодисаларни структура ва функция категориялари ёрдамида аниқлаш уларнинг мавжудлик давридаги тараққиёт босқичларини ажратиб имконини беради.

Илмий билиш тараққиётининг ҳозирги босқичида структура ва элемент билан бир қаторда бутун ва бўлак категориялари ҳам фалсафий тушунчалар мақомига эга бўлади. Бутунлик — моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий хоссасидир. Ҳар қандай материянинг бўлагини омайлик, у ўзига хос бутундир, шу билан бирга катта бутуннинг бўлагидир.

Предметларнинг асосан бўлиниш чегараси йўқ. Ҳар қандай бутун маълум бўлақлар сонига эга бўлиб, уларнинг бўлиниши сифат жиҳатдан янги бутунга ўтишни билдиради.

Материя ҳаракатининг ҳар бир шаклига муайян бутунлик типн хосдир. Бинобарин, ҳар бир ўзаро боғлиқ бўлақлардан тузилган мустақил борлиқ бутундир. Бизнинг фикримиз қамраб олган ҳар қандай бутун чексиз катта бутуннинг бўлагидир.

Метафизик материализм тарафдорлари бутуннинг сифат хусусиятлари бўлақлар йиғиндисини деб қараганликлари учун уни кўра олмайдилар. Улар бутуннинг сифати деганда бўлақлар сифатининг йиғиндисини тушунадилар.

Метафизик материализм ғоясида туриб бутун ва бўлақ категорияларининг диалектикасини, уларнинг бир-бирига ўтишини кўрсатиб бўлмайди. Бутун ва бўлақ қарама-қаршилиқлардир. Ҳар қандай қарама-қаршилиқлар сингари улар ҳам бир-бирдан ажралган ҳолда яшай олмайдилар. Улар сифат жиҳатидан фарқ қилиши билан бирга бир-бирига ўтадилар ҳам. Бўлақ ўзида «бошқасининг ўзининг белгиси», яъни бутунни сақламайдиган, ундан фазовий ажралган бир нарса эмас. У бутун билан узвий боғланган. Шунинг учун бўлақни бутунга нисбатан қандайдир бошқа нарса деб эмас, балки шу бутуннинг «ўзининг бошқаси» деб қараш керак. Шу муносабат билан В. И. Ленин: «Жуда тўғри ва муҳим: «ўзга» ўзининг ўзгаси сифатида ўз қарама-қаршисига ривожланиб ўтиш»¹, — дейди.

Бўлақ фақат бошқа бўлақлар билан муносабатдагина ўзи бўлади, чунки у ҳар доим бутуннинг бўлағи, демак, бутунсиз у бўла олмайди. Аниқ бутунликлардан ташқари бўлақларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ўз маъносини йўқотади.

Бутун турли-туманликнинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Бўлақларнинг турли-туманлиги, уларнинг тафовутлари бутунда баргараф қилинади, «олиб қўйилади». В. И. Ленин «Бир бутун — муҳим бирликдир»² деган қондан тасодифан ажратиб кўрсатмаган. Демак, бутуннинг сифат хусусияти бўлақларнинг оддий йиғиндисини, уларнинг ташқи бирлашмаси эмас, балки бўлақларнинг ички ўзаро таъсири ва ўзаро бир-бирига ўтишини ифодалайди.

В. И. Ленин ўзининг «Фалсафа дафтарлари»да бўлақнинг турли сифатлилиги ҳақида муҳим қондан ажратади: «...бу қисм ҳар қандай қисмлар сингари, фақат битта аниқ чекланган функцияни... бажариши мумкин»³. Бу қонда бутуннинг турли-туман бирлиги сифатидаги зиддиятли табиатидан объектив равишда келиб чиқади. Бўлақларнинг ўзаро муносабати бутуннинг ишлаб туриш асосини ташкил қиладиган муҳим зарурий муносабатни ифодалайди. Бироқ бутун ва бўлақ диалектикасида, уларнинг зиддиятида бутун белгилловчи роль ўйнайди. Чунки, тананинг

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 248-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 135-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 484-бет.

бўлаклари унинг аъзоларидир (қўл, бош), «тананинг айрим аъзолари фақат ўз алоқадорлигидагина қандай мавжуд бўлса шундайди»¹.

Бутун ва бўлак категориялари ҳодисаларни, айниқса моддий воқеликнинг мураккаб даражаларини ўрганишда катта методологик роль ўйнайди.

Структура ва элемент, бутун ва бўлак категориялари турли соҳаларда кенг тарқалган системали — структурали тадқиқотларда кенг фойдаланилади.

6. САБАБ ВА ОҚИБАТ. ДЕТЕРМИНИЗМ

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги диалектик муносабатларни янада чуқурроқ билиш зарурлиги объектив оламдаги сабабий боғланишлар табиатини ўрганишни тақозо қилади. Сабабият — объектив оламдаги ҳодисалар умумий боғланишининг алоҳида кўринишидир. Сабабият ҳодисалар ўртасидаги шундай ички алоқадорликки, ҳар доим бир ҳодиса мавжуд бўлар экан, унинг кетидан муқаррар равишда иккинчиси ҳам келади. Ф. Энгельс ёзган эдики, «айрим ҳодисаларни тушунмоқ учун биз уларни умумий алоқадорликдан айриб олишимиз ҳамда уларни алоҳида-алоҳида текширишимиз лозим, *бундай ҳолда эса бир-бири билан алмашиб туривчи ҳаркатлардан бири сабаб тарзида, бошқаси таъсир тарзида олдимизда намоён бўлади*»².

Сабаб — бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижа келтириб чиқарувчидир. Сабаб таъсирида келиб чиқадиган натижа эса — оқибатдир. Масалан, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва қарама-қарши сифлارнинг пайдо бўлиши давлатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, давлат — ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва ижтимоий сифлар пайдо бўлишининг оқибатидир.

Сабаб бирор таъсирнинг бошланиши бўлиб, у маълум бир натижа, яъни оқибатни келтириб чиқаради. Ф. Энгельснинг таъкидлашича, «таъсир қилмайдиган сабаб асло сабаб эмасдир»³.

Объектив олам ҳодисалари ўртасида сабаб ва оқибат боғланишларига хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Биринчидан, ҳодисаларнинг сабаб-оқибат алоқадорлиги умумий хусусиятга эга. Ҳар қандай ҳодиса, ҳатто у кўзга ташлашмайди даражада бўлса ҳам, ўзининг бирор табиий сабабига эга ва, ўз навбатида, маълум бир оқибатни келтириб чиқаради. Айрим ҳодисаларнинг сабаби ҳозирча маълум бўлмаса ҳам у кейинчалик фан ва ижтимоий амалиёт тараққиёти давомида билиб олинади. Дунёда ҳеч қандай ҳодиса сабабсиз юз бермайди;

иккинчидан, сабаб ва оқибат категориялари якка, алоҳида ҳодисаларнинг юз беришни билдиради. Чунки у ёки бу ҳодиса-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 192-бет.

² Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 200—201-бетлар.

³ Уша ерда, 222-бет.

ни ўрганиш учун уни бошқа ҳодисалардан ажратиб олиш лозим. Шундагина ҳодисалардан бири сабаб, бошқаси эса оқибат сифатида кўзга ташланади. Диалектика нуқтаи назаридан қараганда, сабабият — воқеликдаги нарса ва ҳодиса жараёнларининг келиб чиқишини аниқлайдиган генетик боғланишдир;

ушунчидан, сабаб ва оқибат боғланишларининг хусусияти шундан иборатки, маълум вақт ва шароит мавжуд бўлган тақдирдагина бир ҳодиса бошқа ҳодисани келтириб чиқаради. Масалан, инқилоб содир бўлиши учун инқилобий вазиятнинг мавжуд бўлиши зарурдир. Ҳозирги даврда урушнинг олдини олиш учун ҳам маълум шарт-шароит талаб қилинади. Шароит — бу воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг юзага келиши, мавжуд бўлиб туриши ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив омиллар мажмуидир;

тўртинчидан, сабаб ва оқибат боғланишларининг асосий белгиларидан бири — сабаб ва оқибатнинг вақтда кетма-кет келишидир. Сабаб вақт нуқтаи назаридан оқибатдан олдин келади ва уни келтириб чиқаради. Бу ерда шунини ҳисобга олиш лозимки, кетма-кет келувчи ҳар қандай нарса ёки ҳодисалар сабаб ва оқибат боғланишларини ифодамайвермайди. Масалан, кундуздан кейин кеча, кечадан кейин эса кундуз келади. Бундан кундуз кечанинг, кеча эса кундузнинг бўлиш сабаби, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Чунки кундуз ва кечанинг алмашиб келиши — Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиб туришидир.

Сабабни баҳопадан фарқ қилиш лозим. Баҳона ўзидан бошқа ҳодисадан олдин келадиган, унинг пайдо бўлишига туртки берадиган, лекин уни келтириб чиқармайдиган воқеадир. Сабаб билан баҳона ўртасида маълум алоқа ва боғланиш бўлиб, бу — ташқи боғланиш ёки алоқадир. Масалан, биринчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига Австрия-Венгрия шаҳодасининг серб миллатчиси томонидан ўлдирилиши баҳона бўлган эди. Сабаб ва оқибат ўртасида янги органик боғланиш бўлиб, бундай боғланиш баҳона ва сабаб ўртасида мавжуд эмас;

бешинчидан, сабаб ва оқибат боғланишларининг муҳим хусусиятларидан яна бири — бу боғланишнинг зарурий хусусиятга эгалигидир. Сабаб ва оқибат боғланишларининг ўз хусусиятига ўра зарурийлиги бирор ҳодисанинг барча сабаб ва шароитлар инвентарисидан биргаликда аниқ бир ҳодиса — оқибатни келтириб чиқаришини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, шароитлар йилан бир хил бўлганда бир хил сабаб ҳар доим бир хил оқибатни келтириб чиқаради.

Сабаб ва оқибат боғланишлари турли-туман кўринишларда ифодланади. Диалектик материализм бош ва иккинчи даражали, яъни ва ташқи, объектив ва субъектив сабабларни бир-бирдан арқ қилиш лозимлигини таъкидлайди. Нарса ёки ҳодиса учун ол қилувчи аҳамиятга эга бўлган, уларнинг умумий зарур белгиларини кўрсатиб берадиган сабаб бош сабабдир. Иккинчи даражали сабаблар эса нарса ва ҳодисанинг ўткинчи, беқарор, ало-

ҳида хусусиятларини аниқлайдиган, уларнинг тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган сабаблардир.

Маълумки, жамият тараққиётига ишлаб чиқариш усули билан бир қаторда географик муҳит ва аҳоли зичлиги ҳам маълум даражада таъсир қилади, чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш маълум табиий муҳитни ва маълум даражадаги аҳолининг талаб қилади. Аммо географик муҳит ва аҳоли зичлигининг таъсири жамият тараққиётини белгилаб берувчи бош сабаб бўла олмайди. Ижтимоий ғоялар, назариялар, қарашлар ва сиёсий муассасалар географик муҳит ва аҳоли зичлиги орқали эмас, балки ишлаб чиқариш усули орқали белгиланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш усули жамиятнинг тузилишини, унинг маънавий ҳаёти ва бир ижтимоий тузумдан бошқасига ўтишини белгилаб берувчи бош сабабдир.

Бош ва иккинчи даражали сабаблар тараққиётга турлича таъсир кўрсатганликлари учун амалий фаолиятда уларни бир-биридан ажрата олиш жуда муҳимдир. Метафизик ва эклектик усулга асосланган фалсафа вакиллари бош ва иккинчи даражали сабабларни чалкаштириб юбордилар.

Ички сабаблар — парса ёки ҳодисаларнинг ўзида амал қиладиган, тараққиёт давомида уларнинг сифат белгиларига мувофиқ тайёрланадиган ва пайдо бўладиган сабаблардир. Ташқи сабаб эса ўз таъсирини бошқа предмет ёки восита орқали ўтказадиган сабабдир.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёти ички ва ташқи сабабларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Бунда ташқи сабаблар ўз таъсирини ички сабаблар орқали ўтказди ва ички сабаблар ташқи сабабларнинг таъсири учун замин бўлиб хизмат қилади.

Ф. Энгельс «Аптя-Дюрнинг»да хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг келиб чиқиш сабабини кучли халқларнинг кучсиз халқлар устидан зўравонлик қилиши билан боғлаган. Ф. Энгельс кўрсатадиги, зўравонлик хусусий мулкчилик, синфлар ва давлатнинг келиб чиқишини — агар бунинг учун ички шароитлар пишиб етилган бўлса — тезлаштириши мумкин. Лекин хусусий мулкчилик, синфлар ва давлат келиб чиқишининг бош сабаби ички омиллардир.

Метафизиклар ички ва ташқи сабабларнинг ўзаро боғлиқлигини тан олмайдилар. Бундан ташқари, улар нарса ва ҳодисалар тараққиётининг бош манбаи — фақат ташқи сабаблардир, деб ҳисоблайдилар. XVII асрнинг йирик олими И. Ньютон осмон jismlарининг ҳаракат сабабини тушунтиришда худди шундай нуқтан назарда турган эди.

Ижтимоий ҳаётда объектив ва субъектив сабаблар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Объектив сабаблар — иқтисодий омиллар тараққиёти натижасида келиб чиқадиган, синфлар ва сиёсий партиялар хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблардир. Субъектив сабаблар эса синфлар ва партияларнинг, шунингдек маълум иж-

тимой ҳодисаларнинг юз беришини тезлаштира ёки секинлаштира оладиган шахсларнинг амалий фаолияти, стратегияси ва тактикасидир.

Табийи фанларда тўла ва ўзига хос сабаблар фарқ қилинади. Тўла сабаб — маълум оқибатнинг юзага келишига олиб келадиган барча воқеалар йиғиндисиدير. У нисбатан кўп бўлмаган элементлардан тузилган оддий воқеаларда содир бўлади. Ўзига хос сабаб эса ўзаро таъсир натижасида маълум оқибат келтириб чиқарувчи бир қанча ҳолатларнинг мажмуидир. Муайян шарт-шароитда тўла сабаб элементларнинг энг муҳимлари ўзига хос сабабни ташкил қилади.

Шундай қилиб, диалектик матерпализм сабаб ва оқибат боғланишларининг турли-туманлигига асосланади. Шунинг учун у барча сабаб боғланишларни нуқул таъсир сифатида талқин қиладиган механик детерминизмга тубдан қарама-қаршидир. Бу турдаги детерминизм вакиллари материя ҳаракатининг турли шаклларига хос бўлган ўзига хос сифат қонуниятларни ҳисобга олмайдилар. Шунинг учун механик детерминизм ёрдамида ҳаракатнинг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шаклларини ифодалайдиган ҳодисалар тушунтирилиши мумкин эмас. Материя ҳаракатининг ҳар бир шакли сифат жиҳатидан ўзига хос сабаб ва оқибат боғланишларига эга. Материя ҳаракатининг турли шаклларида амал қиладиган турли-туман сабаб ва оқибат боғланишларини ҳисобга ола билиш — тараққиётнинг муҳим шартидир.

Идеалистлар сабабиятни субъектив категория сифатида тушунганликлари туфайли уни бузиб талқин қиладилар. Масалан, Д. Юм сабабият такрорланувчи ҳодисалар кузатилиши натижасида ҳосил бўладиган сезги кўникмаларининг оддий боғланиши деб ҳисоблаган эди. И. Кант бу масалага Д. Юмдан бошқачароқ ёндашгани ҳолда, сабабиятни инсон ақлидан келтириб чиқарди. Унинг фикрича, сабабият тушунчаси бизнинг миёмизда азалдан бор бўлиб, кейинчалик у табиатга кўчирилган.

Д. Юм ва И. Кантнинг сабабият тўғрисидаги бундай қарашлари махчилар томонидан кенг тарғиб қилинди. Э. Мах ўзининг «Механика» асарига табиатда сабаб ҳам, оқибат ҳам йўқдир, деб ёзади. Унинг фикрича, сабабият соф мантиқий категория бўлиб, унинг ёрдамида инсон ўз сезгиларини тарғибга келтиради.

Э. Махнинг издоши А. Богданов ҳам сабабиятни инсон ақлининг маҳсули бўлган субъектив категория сифатида тушунади. «Ҳодисаларнинг умумий сабабий боғланиши, — деб ёзган эди у, — инсон онгининг энг камолга етган ва энг яхши маҳсулидир; бу — умумий қонун бўлиб, файласуфнинг сўзлари билан айтганда, инсон ақли табиатга буюрадиган қонунларнинг энг олийсидир»¹. Инглиз файласуфи Б. Рассел эса бундай дейди: «Тажрибанинг маълум бир туркумининг ташқи сабабиятига ишониш ўта

¹ Қаранг: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 18-жилд, 194-бет.

содаллик бўлиб, у маълум маънода ҳайвон хатти-ҳаракатига тааллуқлидир»¹.

Сабабиятнинг объективлигини инкор қилиш ҳозирги замон буржуа табиатшунослигида ҳам кенг тарқалган. Буржуа табиатшунослари ҳозирги замон физикаси ютуқларини бузиб кўрсатиб, сабабият тушунчасини микрожараёнларга татбиқ қилиш мумкин эмаслигини «исботлаш»га уринмоқдалар. Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошлаб физикада очилган кашфиётлар сабабият масаласини энг кичик моддий заррачаларга ҳам татбиқ қилишни тақозо этган эди. Электрон ва шунга ўхшаш элементар заррачалар ҳаракатини ўрганиш XVII—XVIII аср табиатшунослигида кенг тарқалган механик детерминизмнинг камчиликларини очиб ташлади. Бу далил буржуа табиатшуносларини «детерминизмнинг ҳалокати», «микродуёда «сабабият умуман мавжуд эмас», электрон «эркин прода»га эга ва у ҳеч қандай қонунга амал қилмасдан «қасрга хоҳласа, ўша ерга» қараб ҳаракат қила олади, деган хулосаларга олиб келади. Аслида эса микродуёда қатъий қонунят ҳукмронлик қилади. Детерминизм қонун-қондалари табиатнинг барча соҳаларига татбиқ қилиниши мумкин бўлганидек, микродуёда ҳам мумкинлидир.

Ҳозирги замон фалсафий адабиётларда детерминизм йўналиши ва сабабият бир-бирдан асосли равишда фарқланипти. Детерминизм йўналиши табиат қонунларининг мавжудлигини, яъни ҳар қандай нарсанинг мавжудлиги унинг боғланишлари, бошқа нарсалар билан ўзаро таъсири туфайли аниқланишини тап олади. Бунда детерминизм йўналиши илгаридан белгиланган реал боғланишлар ва ўзаро таъсирларнинг аниқ шаклларини назарда тутмайди, балки воқеликдаги қонуниятли боғланишлар битмас-туганмаслигининг мавжудлиги имкониятидан келиб чиқади. Сабабият эса фақат генетик, ҳамма дунёвий боғланишлар ичида келтириб чиқарувчи боғланишларни акс эттиради.

Гаъзи буржуа физиклари сабабиятни инкор қилишни микроҳодисаларда зарранинг ҳолати ва импульсини бир вақтда аниқ белгилаб олиш мумкин эмаслигини рўқач қилиб «исботламоқчи» бўладилар. «Электрон продасининг эркинлиги» назарияси тарафдорлари таъкидлайдиларки, бевосита кузатиш мумкин бўлган физик катталиклар соҳасида физик назарияларга амал қилиш мумкин. Уларнинг фикрича, Квант механикаси қонунлари микрообъектларнинг ҳаракат қонунлари тўғрисида аниқ маълумот бермайди. Масалан, атом ичидаги электроннинг ҳаракат траекториясини кузатиш учун атом нурланиш (масалан, гамма-нур билан) лозим. Бунда электрон гамма-квант билан дастлабки тўқнашишдаёқ ўз орбитасидан чиқиб кетишга мажбур қиладиган кучли зарба олади ва кейинги кузатиш пайтида у ўзининг олдинги траекториясидан анча четга чиқиб кетади. Улар шуни назарда тутиб, Квант назариясида сабабият ўрилли эмас деб ҳисоб-

² Б. Рассел. Человеческое познание. М., Изд-во Иностран. лит., 1957, 489-бет.

лайдилар. Бунинг ўрнига улар «тўлдириш» қондасини тавсия қиладилар. Бу қондага кўра атом объектларини «ўз-ўзича» кузатиб бўлмайди ва бу объект хоссаларини билиш учун у билан турлича ўзаро таъсир қилувчи «классик» асбоблар қўллаш талаб қилинади. Шунинг учун атомнинг объекти ҳолатини тасвирлайдиган физик назариялар маълум туркумдаги асбобга нисбатан тузилган тақдирдагина илмийлик хусусиятига эга бўлади. Шунга кўра буржуа физикларининг фикрича, атомни «соф» ҳолича ўрганиш мумкин бўлмаганлиги туфайли микроҳодисаларда сабабият борлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Буржуа олимларининг микрообъектларда сабабиятнинг йўқлиги ҳақидаги қарашлари воқеликка бутунлай тўғри келмайди. Ҳозирги замон физикаси сабабият қонунининг умумийлиги ва унинг турли-туман кўринишларда намоён бўлиши мумкинлигини тасдиқловчи бой материалларга эгадир.

Фалсафа ва фан тарихида сабабиятни идеалистларча инкор қилиш телеология шаклида ҳам намоён бўлган ва бўлмоқда. Бу назарияга кўра, табиат ва жамиятда ҳар бир ҳодиса тараққиёти объектив табиий сабаблар асосида эмас, балки олдиндан белгиланган мақсад бўйича йўналтирадиган сирли, мистик куч таъсирида содир бўлади.

Органик табиатни телеологик нуқтан назардан тушунтириш XVII—XVIII аср бислогия назарияларида кенг тарқалган эди. Ч. Дарвиннинг эволюцион назарияси жонли мавжудотлар тараққиётининг мақсадга мувофиқлиги нисбий эканлигини исботлади ва бу билан биологияда телеология назарияси ҳукмронлигига қатъий зарба берди.

Ҳайвон ва ўсимликлар тузилишининг мураккаблиги бир неча асрлар давомида телеологик хулосалар чиқаришга асос бўлиб келди. Ч. Дарвин кўрсатадики, организм ўзининг табиий тараққиётида уни қуршаб олган муҳитнинг таъсирига олдиндан белгилаб кўйилган мақсад билан эмас, балки аниқ сабаблар — табиий тавлаш, ирсият ва эволюция жараёнидаги ўзгаришга мослаша оладиган айрим органлар орқали эришади.

Ҳозирги замон буржуа олимлари телеологияни сақлаб қолишга, уни янада ривожлантиришга уринмоқдалар. Масалан, баъзи бир физиологларнинг «исбот» қилишича, организмлар «ички» мақсадга мувофиқ ривожланадилар, организм тузилиши аса унинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг маҳсулидир; анланган мақсаднинг борлиги организмнинг «бир бутунлигида» кўринади. Демак, жонли организмда «руҳий бошлапш» мавжуд ва ҳоказо.

Диалектик материализм телеологияга тубдан қарама-қаршидир. Табиатда инсондан ташқарида ҳеч қандай мақсадга мувофиқ фаолият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Мақсадга мувофиқ йўналган фаолият фақат инсонга хосдир. Киши нимаики қилмоқчи бўлса, ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, аввало ўз ҳаракатини ўйлайди, фикр қилади, ўз олдига маълум бир мақсад қўяди, кейин ҳаракат қилади.

Мақсад категорияси инсоннинг ўз эҳтиёжлари ва уни қуршаб олган воқеликка айлантириш имкониятини англашни ифодалайди. Мақсад инсоннинг ўзи томонидан қўйилганлиги сабабли ташқи шароитга боғлиқ бўлмагандай туюлади. Лекин аслида инсоннинг мақсади объектив сабаблар туфайли пайдо бўлади. Умуман олганда ижтимоий ҳаётда сабабият инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти орқали амалга ошади. Табиатда эса ҳеч қандай мақсад йўқ, у ерда сабабият онгсиз, стихияли кучлар орқали амал қилади.

Сабабиятнинг объективлигини идеалистларча инкор қилишнинг ноўрин эканлиги ижтимоий амалиётда исботланди. Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси»да кўрсатишича, инсон фаолияти туфайли сабабият ҳақидаги тасаввур бир ҳаракат бошқа бир ҳаракатнинг сабаби эканлиги ҳақидаги тасаввур билан асосланди... Одам фаолияти сабабият асосида текширилади¹.

Сабаб ва оқибат мураккаб диалектик боғланишда бўлиб, бу боғланиш ҳар доим бир хил эмас, балки ўзгарувчан, нисбийдир. Буни қуйидагилардан кўриш мумкин:

а) битта сабаб бир қанча оқибатни келтириб чиқара олади. Чувоччи, электр токи лампочка ёниши, станок ҳаракати ва бошқаларнинг сабаби бўлиши мумкин;

б) битта сабаб бир қанча сабаблар орқали, яъни жисмнинг исии қуёш нури, электр токи, ишқаланиш каби ҳодисаларнинг ҳар бири орқали юз бериши мумкин;

в) сабаб ва оқибатнинг ўзаро таъсири уларнинг ўз ўринларини алмашлаб туришлари орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Метафизиклар учун маълум бир ҳодиса ё сабаб ёки оқибатгина бўлиши мумкин. Улар сабаб ва оқибатнинг бир-бирига ўтишини, ўз жойларини алмашлаб туришини кўрмайдилар. Диалектик нуқтан назардан эса бир боғланишда сабаб бўлиб келган ҳодисалар бошқа боғланишда оқибат ва аксинча бўлиши мумкин. Масалан, мамлакатимизда меҳнат унвдорлигини ошириш меҳнатқашлар турмушида моддий ва маънавий фаровонликнинг кўтарилишига сабаб бўлди. Халқимиз моддий фаровонлигининг кўтарилиши эса, ўз навбатида, меҳнат унвдорлигини янада оширишга сабаб бўлмоқда. Бундан кўринадики, ҳар қандай оқибат ўзини келтириб чиқарган сабабга фаол таъсир кўрсата олади.

Ҳар бир ҳодиса бевосита ёки билвосита қандайдир бошқа ҳодисалар билан боғланган. Бирор ҳодисанинг бевосита сабабини аниқлаш учун биз берилган ҳодисани дунё ҳодисаларининг умумий боғланишидан ажратиб олишимиз керак. Бунда ҳақиқий боғланиш бирмунча сийқалаштирилади. «Инсоннинг сабаб ва оқибат ҳақидаги тушунчаси,— деган эди В. И. Ленин,— табиат қондаларининг объектив боғланишини ҳамisha бирмунча сийқалаштириб, бу боғланишни тахминангина акс эттиради, бир бутундан иборат бўлган ягона олам жараёнининг айрим томонларини сунъий равишда ажратиб-якқалаб қўйди»².

¹ Қаранг: Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 199-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 179-бет.

Шундай қилиб, сабаб ва оқибат боғланишларини диалектик-материалистик асосда тушувиш — бу масалани ҳам идеалистик, ҳам метафизик маънода ҳал қилишга тубдан қарама-қаршидир.

Сабаб ва оқибат категориялари илмий билишда муҳим аҳамиятга эгадир. Оламни билиш аниқ далиллар ва улар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини ўрганишдан бошланади. Сабаб ва оқибат категориялари ҳодисалар ўзаро алоқадорлигини билишнинг дастлабки босқичи эканлигини В. И. Ленин қуйидагича тавсифлаган эди: «Ёнма-ён яшашдан каузалликка ва алоқадорлик ҳамда ўзаро боғлиқликнинг бир шаклидан бошқасига, янада чуқурроқ, янада умумийроқ шаклга томон бориш»¹.

Дунё ҳодисаларини сабабият нуқтаи назаридан тушунтириш табиий кучларга ўрин қолдирмайди, балки дунё бир бутун, ўзининг объектив қонуниятлари асосида ривожланади деган фикрга келишга имкон туғдиради. Дунёдаги сабаб ва оқибат боғланишларини билиш — кишилар томонидан ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган амалий масалаларни ижобий ҳал қилишда муҳим омилдир.

7. ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ

Диалектик материализм нуқтаи назаридан, зарурият — нарсa, ҳодиса ва жараёнларнинг тараққиёти билан аниқланадиган, ички муҳим боғланишлар орқали қонуний келиб чиқадиган ва шунинг учун юз бериши муқаррар бўлган ҳодисадир. Зарурият шу билан тавсифланадигани, унга мос шарт-шароит мавжуд бўлганда ҳодисанинг юз бериш жараёни маълум тартиб бўйича қатъийлик билан боради: биринчидан, заруриятнинг сабаби ўзида бўлиб, у мазкур ҳодиса ёки жараённинг ички табиатидан келиб чиқади; иккинчидан, зарурият воқеликдаги нарсa ёки ҳодисаларнинг чуқур, муҳим, қайтарилиб турадиган ички боғланишларидан келиб чиқади; учинчидан, зарурият олдинги тараққиёт орқали қонуний тайёрланади; тўртинчидан, зарурият муқаррарлик хусусиятига эга, мувофиқ шарт-шароит мавжуд бўлганда зарурият ҳодиса жараёнини муқаррар суратда маълум йўналишга солади; бешинчидан, зарурият умумий, оммавий, шунинг учун ҳам у типик хусусиятга эга.

Тасодиф эса моҳиятдан, мазкур жараённинг қонуний ривожланишидан келиб чиқмайдиган ҳодисадир. Тасодиф ҳодисалар ўртасидаги ташқи боғланишдан ҳосил бўлади ва шунинг учун у ноаниқлиги, мажбурий эмаслиги билан фарқланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, тасодифнинг юз бериши, ёки юз бермаслиги мумкин. Масалан, уруғи ташланиб, қулай ҳарорат ва тупроқ шароитида униб чиққан ўт қуш ёки ҳайвон еб қўйганлиги сабабли ўсмаслиги мумкин. Қулай шароитга тушган уруғнинг ўсимлик бўлиб чиқмаганлиги — тасодифдир. Бу ердаги шароитда уруғ ри-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29- жилд, 212- бет.

вожланишига бошқа ҳодиса аралашиб, у уруғнинг ўсимлик бўлмаслигига сабаб бўлади.

Тасодиф заруриятдан фарқ қилгани ҳолда қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: биринчидан, тасодифнинг сабаби ўзида эмас, балки бошқа нарса ёки ҳодисалардадир, у ички эмас, балки ташқи сабабдан келиб чиқади; иккинчидан, у воқеликдаги муҳим бўлмаган ва иккинчи даражали боғланишлардан келиб чиқади; учинчидан, заруриятдан фарқ қилган ҳолда тасодиф ҳодисанинг бутун тараққиёти давомида тайёрланмайди, балки ўз табиатига кўра турлича бўлган жараёнларнинг аралашуви натижасида содир бўлади; тўртинчидан, тасодиф ривожланиш йўналишини белгилаб бермайди ва шунинг учун у муқаррар эмас; бешинчидан, тасодиф типик бўлмаган, алоҳида хусусиятга эга.

Зарурият ва тасодиф қонуни ва қонуният категориялари билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин уларни бир хил деб тушуниш ярамайди. Заруриятни қонуният билан айнанлаштириш тасодифий ҳодисаларни қонуниятли деб ҳисоблашга олиб келади. Чунки тасодиф заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг чамбарчас боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлиги бизни табиатда қатъий зарурият ҳукмронлик қилади, деган тасаввурга олиб келади. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар ривожига кузатиладиган заруриятни идеалистлар онг, тафаккурнинг хусусиятлари билан боғлаб тушувтиради. Идеализмга қарама-қарши ўлароқ, материалистлар дунёда қатъий зарурият ҳукмронлик қилади ва барча ҳодисалар ғайритабиий кучлар иштирокисиз юз беради, деб таъкидлайдилар.

Воқеалар оқими қатъий йўналиш бўйича боришини тақозо қиладиган нарса ва ҳодисаларнинг узвий боғлиқлиги материядаги заруриятнинг ўзидир. Заруриятнинг жами томонини таъкидлаб В. И. Ленин: «Зарурият — «борлиқнинг умумийси» (борлиқдаги умумийликдир) (боғлиқлик, «мутлақ воситалаштиришдир»)»¹,— деган эди. В. И. Лениннинг бу мулоҳазасидан кўринадики, зарурият объектив оламдаги ўзаро муносабатлар, «воситалилик»нинг барча шаклларини ўз ичига олади. Диалектик материализмнинг табиатда қатъий зарурият ҳукмронлик қилади, деган муҳим ғояси ана шунга асосланган. Бундай умумий маънода зарурият қонуниятга нисбатан кенг тушунча бўлиб ҳисобланади.

Зарурият ўзаро боғланишларининг барча кўрипишларини ўзида қамраб олса, қонуният эса объектив алоқаларнинг нарсалар ички табиатидан муқаррар келиб чиқадиган ва маълум ҳодиса жараёнини белгилайдиган кўрипишларининггина ифода-лайди.

Шундай қилиб, зарурият ва қонуният айнан бир хил тушунча эмас. Алоқа ва ўзаро муносабатларнинг барча кўрипишларини ўзида акс эттирувчи зарурият қонуният учун асос бўлиб келади,

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 250—251-бетлар.

муқаррар суратда юз берувчи жараёнларнинг инъикоси сифатида зарурият қонуниятнинг муҳим белгиси сифатида кўринади, ҳодиса юз бериш жараёнининг аниқ бир йўналишини белгилашда эса зарурият қонуният сифатида намоён бўлади.

Зарурият ва тасодиф сабабият категорияси билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу боғланиш турли кўринишга эга. Зарурият ички муҳим сабаблар билан боғлиқ бўлганлиги учун аниқ ҳодисанинг ривожланиш йўналишини белгилайди. Тасодифий ҳодисалар алоҳидалик сифатида бир қатор ташқи сабаблар тўқнашувининг натижасидир. Шунга кўра, тасодиф юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин.

Зарурият ва тасодиф моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар ўзaro алоқасининг турли кўринишлари сифатида объективдир, яъни уларнинг мавжудлиги инсон онги ва хоҳишига боғлиқ эмас. Зарурият ва тасодифнинг объективлиги амалиётда исбот қилинади; «...заруриятнинг далили инсон фаолиятида, экспериментда, меҳнатдадир»¹.

Зарурият ва тасодиф турли-туман кўринишларга эга. Масалан, зарурият иккига: ички ва ташқи заруриятга бўлинади. Ҳодиса ёки жараённинг ўз табиатидан келиб чиқадиган зарурият ички заруриятдир. Мазкур ҳодисадан ташқарида келиб чиқадиган зарурият эса ташқи заруриятдир. Ф. Энгельс «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» асарида қонулар табиатда «онгсиз равишда, ташқи зарурият шаклида, бениҳоят кўп зоҳирий тасодифлар орасида йўл топадилар»² деб таъкидлайди.

Ташқи ва ички заруриятлар бир-бирига ўтиб турса-да, ҳодиса ривожини фақат ички зарурият белгилаб беради. Ташқи зарурият эса бу ривожланишга у ёки бу даражада таъсир этади. Ички заруриятнинг амал қилиши учун ташқи зарурият қатнашмоғи лозим.

Зарурият амал қилиш доирасига кўра энг умумий (барча материяга тааллуқли), хусусий (маълум ҳодисалар доирасида амал қилувчи) ва алоҳида кўринишларда бўлиши мумкин.

Зарурият яна оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий зарурият амал қилиш имконияти ягона бўлган заруриятдир. Бир қанча имкониятлар орқали амал қиладиган зарурият эса мураккаб заруриятдир. Оддий ва мураккаб заруриятларга динамик ва статик қонуларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Динамик қонуният яқка моддий объект ёки системалар ўртасидаги муҳим алоқаларни ифодаладиган зарурият бўлиб, статик қонуният эса нисбатан бир жишли ва системаларнинг кўп совли миқдорлари ўртасидаги муҳим алоқаларни акс эттиради.

Тасодифлар ҳам бир қанча турга бўлинади. Масалан, заруриятнинг намоён бўлиш шаклидаги тасодиф билан заруриятни тўлдирувчи тасодиф бир-биридан фарқ қилади.

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 193-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Тапланган асарлар, 2-жилд, 423-бет.

Зарурият ва тасодиф — ўзаро диалектик алоқададир. Бу уларнинг «соф» ҳолда учрамасдан, балки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлишида кўринади. Заруриятдан ажралган тасодифнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, тасодиф билан боғлиқ бўлмаган зарурият ҳам мавжуд эмас. «Тасодиф,— деган эди Ф. Энгельс,— ўзаро боғлиқликнинг бир қутбидир холос, унинг иккинчи қутби зарурият деб аталади»¹.

Реал воқеликда «соф» ҳодисалар учрамаслигини таъкидлаб В. И. Ленин: «Табиатда ҳам, жамиятда ҳам «соф» ҳодисалар йўқ ва бўлиши мумкин эмас — Маркс диалектикаси ҳам бизга худди ана шундай таълим беради, бу диалектика бизга софлик деган тушунчанинг ўзи киши билимининг бир қадар тор ва бир томонлама эканлигини кўрсатади...»²,— деган эди. Демак, ҳар бир ҳодиса зарурият ва тасодифнинг бирлигидан иборат. Масалан, буюк шахсларнинг дунёга келиши ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқадиган тарихий заруриятдир. Аммо маълум аниқ шахснинг давлат ёки партия бошлиғи бўлиши «соф» тасодифдир. «Маълум бир мамлакатда, муайян бир вақтда,— деган эди Ф. Энгельс,— худди ана шу буюк кишининг пайдо бўлиши соф тасодифдан бошқа нарса эмас. Лекин, агарда биз бу кишини рад қилсак, унинг ўрнига бошқа кишини қўйиш аҳтиёжи пайдо бўлади, бундай ўринбосар топилиб ҳам қолади,— яхшими ёмонми, ҳар ҳолда ахийри бориб топилиб қолади. Корсикалик Наполеоннинг ўзгинаси уруш натижасида қолдан тойган Франция жумҳуриятига зарур бўлиб қолган ҳарбий диктатор бўлиши тасодифий бир нарса эди. Лекин, агарда Наполеон бўлмаса эди, унинг ролини бошқа биров бажарган бўлар эди. Бу ҳол шу билан исбот қилинадикки, шундай киши керак бўлиб қолганида ҳамма вақт топилаверган»³.

Зарурият ва тасодифнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг нисбийлигида ҳам кўринади: воқеликдаги якка нарса ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида ҳам зарурий, ҳам тасодифий бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир алоқа ва муносабатлар йиғиндисига нисбатан зарурий бўлган ҳодиса бошқа алоқа ва муносабатларга нисбатан тасодифий ва аксинча бўлиши мумкин. XIX асрнинг 40-йилларида Мейер, Жоуль, Гельмгольцлар томонидан энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунининг кашф этилиши етилган объектив заруриятдир, чунки турли мамлакат олимлари бу қонун кашф этилгунга қадар материя ва ҳаракатнинг йўқолмаслиги ҳақида фикр юритган эдилар.

XVII аср француз файласуфи Р. Декарт ҳаракат миқдорининг ўзгармаслиги ҳақида тахмин қилган эди. Рус олими М. В. Ломоносов 1748 йилда модда оғирлиги ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини кашф этди. Шунинг учун ҳам юқорида қайд қилинган қонун эртами-кечми кимнингдир томонидан кашф эти-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21-жилд, 174-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 277-бет.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Таъланган асарлар, 2-жилд, 553—554-бетлар.

лиши муқаррар эди. Демак, энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунининг Мейер, Жоуль ва Гельмгольцлар томонидан кашф этилиши тасодиф бўлиб, бу қонуннинг объективлиги — эртами-кечми кашф этилиши заруриятдир.

Зарурият ва тасодифнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг маълум шарт-шароитда бир-бирига ўтиши орқали ифодаланади, чунончи, маълум шарт-шароитда тасодиф бўлган ҳодисалар бошқа шарт-шароитда зарурий ва аксинча бўлиши мумкин. Ч. Дарвин ўзининг жуда кўп кузатишлари орқали организмнинг тараққиёти давомида аниқ шароитлар билан белгиланадиган тасодифий белгилар пайдо бўлиши ва бу белгилар кейинги авлодларда мустаҳкамланиб, мазкур турнинг зарурий белгисига айланиб қолиши мумкинлигини исбот қилди.

Зарурият ва тасодиф категорияларининг материалистик тушуниш — бу масалага идеалистик ва метафизик қарашга тубдан қарама-қаршидир. Биз юқорида барча нарса ва ҳодисалар ўз сабабига эга, сабабсиз ҳеч нарса юз бермайди деб кўрсатган эдик. Лекин айрим файласуфлар дунёда ҳамма нарса зарурий, унда тасодифий ҳодисанинг бўлиши мумкин эмас деган хулосага келдилар. Масалан, қадимги дунёнинг йирик материалисти Демокрит, XVII аср француз файласуфи Гольбах ҳам худди шу нуқтага назарда турган эдилар. П. Гольбахнинг фикрича, табиатда ҳеч нарса тасодифий юз бермайди, ундаги ҳамма ҳодиса маълум бир қонунга амал қилади, бу қонун — маълум оқибатнинг ўз сабабий ва зарурий боғланишидан иборат. Тасодифни тан олмаслик П. Гольбахни, инсон — табиат ва жамият олдида ожизлик қилди. чунки у олдиндан белгилаб қўйилган йўл билан ривожланади, деган фаталистик хулосага олиб келди. Заруриятни бундай тушуниш ўз моҳиятига кўра идеалистик нуқтага назарга олиб келади. Заруриятни тан олиб, тасодифни инкор қилиш — тақдирга, яъни инсон ҳаётидаги ҳамма ҳодисанинг олдиндан аниқланган эканлигига ишонишдир.

Бошқа бир гуруҳга кирувчи файласуфлар фақат тасодифни тан олиб, заруриятнинг ҳар қандай кўринишларини инкор этадилар. Бунда яна шу нарса хусусиятлики, улар тасодифнинг объективлиги билан ҳисоблашмасдан, унга субъектив категория сифатидагина қарайдилар. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида заруриятнинг объективлигини инкор этувчи махчилар, кантчилар, позитивистларни қаттиқ танқид қилган эди. «...ҳозирги замон позитивизми,— деган эди В. И. Ленин, — табиатнинг ҳар қандай «билиш»дан ва ҳар қандай инсондан илгари ва ундан ташқарида мавжуд бўлган объектив заруриятини инкор қилувчи агностицизмдан иборат»¹.

Шундай қилиб, метафизик усул тарафдорлари зарурият ва тасодифни азалдан ва доимий бир-бирини истисно қилувчи категория деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, бирон-бир нарса, муносабат ёки жараён ё зарурий, ё тасодифдир. Униси ҳам, буниси

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 194-бет.

ҳам бирданига бўлиши мумкин эмас. Аммо объектив дувё айримлари тасодифий, бошқалари эса зарурий бўлган турли-туман парса ва ҳодисаларни ўз ичига оладики, ҳамма гап уларни бири бири билан чалкаштириб юбормасликдадир.

Ф. Энгельснинг таъкидлашича, зарурият ва тасодифни бири биридан ажратиб қаровчи метафизикларнинг зарурият илмий аҳамиятга эга, тасодиф эса фан учун аҳамиятсиз дейишлари бутунлай асоссиздир. Агар уларнинг бу фикрига қўшиладиган бўлсак, ҳар қандай фанни инкор қилган бўламыз. Зотан, ҳар бир тадқиқотчи фанда номаълум нарсани қидиради

Зарурият ва тасодиф категориялари илмий билиш учун муҳим методологик аҳамиятга эга. Дувёда қатъий зарурият ҳукмронлик қилса, у ҳолда инсон илмий билиш жараёнида тасодифий ҳодисалар асосида яширилиб ётган объектив қонуниятларни кашф этишга интилиши лозим. Ҳозирги кунда ҳаммага маълум бўлган «Фан — тасодиф душманидир», деган фикр ана шу асосда келиб чиққан эди. Аммо бундан фан барча тасодифларни инкор қилади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. «Фан — тасодиф душманидир» деганда жамият ва табиат тасодифий нарса ёки ҳодисалар, уларнинг тартибсиз муносабатларидан иборат эмас, балки қатъий зарурият ва қонуниятга бўйсунадиган жараён деб тушунилади. Фан тасодифда тўхталиб қолмасдан, унинг ичида яширилиб ётган зарурият ва қонуниятларни топишга интилган тақдирдагина ўз қимматишни йўқотмайди, балки оширади. Ана шундагина фан кишиларни тасодифга кўр-кўрона бўйсунишдан қутқаради, уларни англаган зарурият бўйича онгли ҳаракат қилишга ундайди.

Зарурият ва тасодифни диалектик-материалистик тушуниш амалий фаолиятда жуда қўл келади. Объектив зарурият талабларини билиш бизни ўраб олган муҳитга нусбатан онгли ҳаракат қилиш, уни кишига керакли йўналиш бўйича ўзгартириш, табиатдаги «кўр-кўрона» кучлар устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Демак, заруриятни билиш кишиларнинг эркин фаолияти учун асосдир.

8. ИМКОНИЯТ ВА ВОҒЕЛИК

Табиат ва жамият ҳодисаларининг ривожланиши уларнинг имконият ҳолатидан воқеликка айланишидан иборатдир. Имкониятнинг амалга ошиши зиддиятли хусусиятга эга. Буни тушунтира олмаган метафизик материалистлар ҳар қандай имконият муқаррар воқеликка айланади деб исботлашга уринадилар. Имконият билан воқелик категориялари ўртасидаги муносабатларни бундай фаталистларча тушуниш кишиларни воқеликка суэт муносабатда бўлишга олиб келади. Метафизик материалистлар ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш имкониятлари буюк шахсларнинг ақли, назариялари ва қарашлари билан белгиланади, деб ҳисоблаганлар.

Идеалистлар имконият ва воқелик категорияларига реал дунёдан ажратиб олинган, унга боғлиқ бўлмаган маъҳум бир нарса тарзида қарайдилар. Масалан, Аристотель имкониятни объектив борлиққа қарама-қарши қўйган эди. И. Кант эса имконият ва воқеликни тафаккурга тааллуқли тушунча-сифатида қараб, унинг ташқи оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ҳисоблаган. Бошқа бир немис файласуфи Шеллингнинг фикрича, имконият ва воқелик объектив реалликка тегишли эмас, у «билиш усулининг нарсага бўлган муносабатини» ифодалайди ва бунда воқелик тушунчаси ҳам, имконият тушунчаси ҳам нарсага ҳеч қандай янги муайянлик бағишламайди. Гегель ҳам имконият ва воқелик реал борлиқнинг эмас, балки мантиқий ғоялар ривожланишининг жиҳатларидир деб қараган. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, Гегель идеалистик асосда бўлса ҳам буржуа фалсафаси тарихида имконият билан воқелик ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кўрсатиб беради.

Имконият ва воқеликнинг чинакам илмий мазмун диалектик материализм томонидан ёритилди. Имконият — ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлиб, воқеликка айлана оладиган ҳодисадир. Бундан кўринадики, имкониятнинг воқеликка айланиши ривожланиш жараёнини ифодалайди.

Воқелик ҳар доим имкониятдан келиб чиқади ва, ўз навбатида, ривожланиш давомида воқеликка айланиб борадиган янгидан-янги имкониятларни туғдиради, бу жараён — чексиздир. Демак, имконият ва воқелик — ривожланишнинг йўналишини, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини ифодалайдиган жиҳатлардир. Имконият ва воқелик категориялари кишиларнинг овғи ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган қопун томонидан белгиланувчи ривожланишнинг турли томонларини ифодалайди.

Метафизиклар воқеликка мутлақ тасодиф сифатида қарайдилар. Масалан, буржуа мафкурачилари миллий озодлик ҳаракати ривожланиши қонуний эканлигини тан олмасдан, империализм мустамлакачилик системасининг емирилиши ташқи мамлакатлар таъсири натижасида содир бўлмоқда деб, ҳисоблайдилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиши метрополия ва мустамлакалар ўртасида кучайиб кетган зиддиятларнинг қонуний натижасидир.

Ҳар қандай воқеликнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги маълум қонуниятларнинг таъсири билан белгиланади. Агар ана шу шарт бузилса, у ҳолда воқелик ўзининг заруриятлик хусусиятидан, мавжуд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Масалан, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунилари асосида пайдо бўлган капитализм ҳозирги даврда кишилик жамияти тараққиётига тўсқинлик қилаётганлиги туфайли ҳалокатга учраши муқаррардир. У ёки бу тарадаги имконият пайдо бўлишининг асоси — объектив қонуниятлардир. Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунилари билан белгиланадиган, унга мос келадиган ҳодисаларгина имконият ҳолида юз бериши мумкин.

Имкониятнинг тескараси — имкониятсизликдир. Имкониятсизлик объектив олам қонунарига зид бўлиб, унга мос келмасликдир. Масалан, доимий двигател қуриш имконияти мавжуд эмас, чунки у энергиянинг сақланиш ва бир турда иккинчи турга айланиш қонунига зид бўлиб, унга мос келмайди. Магнитдаги шимолий қутбни жанубий қутбдан ажратиб имконияти ҳам йўқ, чунки бу ҳол қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунига зиддир.

Имконият имкониятсизликдан фарқ қилиб, у маълум даражадаги эҳтимолликка эга. Эҳтимоллик — имконият ривожланишининг объектив даражаси, унинг ўлчовидир. Ҳозирги давр «физик идеалистлари» эҳтимолликни «кутиш меъёри» сифатида қараб, субъектив категория тарзида талқин қиладилар. Аслида ҳодисанинг юз бериш эҳтимоллиги уни қуршаб олган объектив шарт-шароитга тамомила боғлиқдир. Бунда эҳтимоллик имкониятнинг воқеликка айланишида объектив ўлчов бўлиб хизмат қилади.

Имкониятсизлик эҳтимолликка эга эмас, чунки у моддий дунё қонунарига зиддир. Имконият пайдо бўлиши учун қуйи, камолотга етишиши, воқеликка айланиши учун юқори даражадаги эҳтимолликка эга бўлиши шарт. Имкониятлар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Масалан, сепилган уруғ шарт-шароит бор-йўқлигидан қатъи назар, ўсимлик бўлиб чиқиш имкониятига эга. Бу — уруғнинг ички табиатидан келиб чиқади. Агар уруғни қушлар еб кетган бўлса, у ҳолда уруғ ўсиб чиқмайди. Бу далил уруғ ўсиб чиқиши учун ташқи имконият зарурлигини кўрсатади.

Ички ва ташқи имкониятлар турли мавқега эга бўлганликлари учун ҳодисалар ривожланишида бир хил роль ўйнай олмайди. Ички имконият нарса ва ҳодисалар ривожланишида зарурийат, қонуният билан боғланган бўлиб, ташқи имконият сабаби эса бошқа нарса ёки ҳодисаларда бўладиган тасодиф билан боғлиқдир.

Формал, мавҳум ва реал имкониятларни ҳам бир-биридан фарқ қилиш лозим. Формал имконият деганда объектив қонуналарга зид бўлмаса-да, воқеликка айланиши учун ҳеч қандай шароитга эга бўлмаган имкониятлар тушунилади.

Амалга ошиши учун ҳали шарт-шароитлар тўла бўлмаган имконият мавҳум имконият дейилади. Мавҳум имконият формал имкониятдан тўла бўлмаган баъзи бир шарт-шароит мавжудлиги билангина фарқ қилади.

Реал имконият амалга ошиши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган имкониятдир. Реал имконият доимо аниқ характерга эга.

Формал ва мавҳум имкониятлар имкониятсизлик билан бир хил эмас, чунки улар ҳам объектив борлиқда ўзларининг асоси ва заминига эга. Масалан, рақ касалликларини тугатиш имкониятлари мавжуд бўлса-да, у ҳали аниқ эмас. Шунинг учун ҳам бу имконият мавҳумдир, чунки у фаннинг реал имкониятидан келиб чиқмайди. Реал имконият эса аниқ шароит ва шу асосда амал қи-

лувчи қонуниятлардан келиб чиқади. Шундай имкониятгина воқеликка айланиши мумкин.

Мавҳум имконият тараққиёт давомида реал имкониятга айланиши мумкин. Масалан, одамлар фазога учишни аллақачон орзу қилгаплар. Аммо яқин пайтгача буниңг учун зарур шарт-шароит йўқ эди. Шу сабабли кишиларнинг фазога учиш ҳақидаги орзу-си мавҳум имконият бўлиб қолар эди. Совет давлати кониог кемаларини биринчи бўлиб фазога муваффақиятли учирганидан кейин одамнинг фазога учиши реал имкониятга айланди. Бундав кўришиб турибдики, мавҳум имконият янги реал имконият туғилишига замин бўлиши мумкин.

Имкониятлар, бир томондан, янги, энди туғила бошлаган, илғор, иккинчи томондан, ўз умрини тугатаётган, консерватив бўлиши мумкин. Илғор ва консерватив имкониятларнинг ўзаро курашида консерватив имкониятлар вақтинча воқеликка айланиши мумкин. Чунки ривожланиш олдипга йўналган тўғри чизиқли ҳаракат эмас, балки у четга чиқиш, вақтинчалик чекинишларни ҳам ўз ичига олади. Вақтинча ғалабага эришган консерватив имкониятлар муқаррар суратда ўз ўрнини илғор имкониятлар амалга ошиши учун бўшатиб беради. Илғор имкониятнинг ўсиб бориши ва мустаҳкамланиши ривожланишда янгининг енгилмаслигини ифодалайди. Янги, биринчидан, тарихий заруриятдан келиб чиққачлиги ва ривожланишнинг сўнгги, юқори босқичига кўтарилиш талабини ифода этганлиги, иккинчидан, кун сайин мустаҳкамланиб ва ривожланиб борганлиги учун енгилмасдир. Унинг тескарисини бўлган эски эса консерватив бўлиб, янги шарт-шароитга мос келмайди, кун сайин кучсизланиб, оқибат-натияжада ҳалокатга учрайди. Шундай қилиб, ҳодисалар ривожланишининг маъниқ илғор имкониятнинг ғалабаси ва унинг воқеликка айланишини тақозо қилади.

✓ Табиат билан жамиятда имкопият билан воқелик ўртасида диалектик боғланиш бор. Бу боғланиш аввало имкопият ва воқеликнинг бир-бирига ўтиб туриши, имкониятнинг маълум шарт-шароитларда воқеликка айланиши, воқеликнинг эса янгидап-янги имкопиятлар яратишида ифодаланади.

Имкониятни воқеликдан ажратиш мумкин эмас, чунки воқелик имконият томонидан тайёрланади. Шу билан бирга, имкопиятни воқеликка тепглаштириш ҳам ярамайди, чунки барча имкониятлар ҳам воқеликка айланавермайди. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи илғор, илгарилама тараққиёт билан биргаликда чекиниш, чекланишни ҳам ўз ичига олади. Аммо бундай имкониятлар зарур бўлмаганлиги учун воқеликка ҳар доим айланавермайди.

Имкониятнинг воқеликка айланиши ва воқеликнинг янгидап-янги реал имкониятлар яратиши зиддиятли жараёндир. Бу зиддият, биринчидан, имкониятларнинг ўз табиатига кўра қарама-қаршилиқлар бирлигидан иборат эканлигида кўрилади; иккинчидан, имконият ва воқелик ўртасидаги зиддиятлар объектив боғланишда турли жиҳатларни билдирадиган қарама-қарши ка-

тегориялар сифатида ифодаланади. Имконият ҳали амалга ошмаганликни билдирса, воқелик реал мавжудликдир; учинчидан, имконият ва воқелик ўртасидаги эиддият шуидан иборатки, воқеликка айланган имконият янгида турли-туман имкониятларни тўхтовсиз тугдираверади; тўртинчидан, имконият ва воқелик ўртасидаги эиддият имкониятнинг замонда воқеликдан олдин келиши орқали ифодаланади. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, тарихий тараққиёт маҳсули бўлган воқелик сўнги ривожланишнинг бошланиши ҳисобланади. Ҳар қандай имконият маълум воқеликда пайдо бўлади ва амалга ошади, у ҳозиргининг келажагидир.

Имкониятнинг воқеликка айланиши табиатда стихияли равишда амалга ошади. Жамиятда эса имкониятнинг воқеликка айланиши учун объектив шарт-шароитдан ташқари, субъектив шарт-шароит ҳам мавжуд бўлиши лозим. Ижтимоий имкониятларнинг амалга ошишида субъектив омиллар — халқ оммаси, синфлар ва партияларнинг фаолиги ва ҳоказолар катта аҳамиятга эга.

Маълум бир ҳодисанинг юз бериш имконияти уни қўриша олган шарт-шароит билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда шарт-шароит кўпинча бир-бирига истисно қилувчи бир қанча имкониятлар билан биргаликда бўлади. Шунинг учун ҳам бу имкониятлардан қайси бири воқеликка айланиши кишиларнинг ҳаракатига боғлиқ.

Имкониятларнинг воқеликка айланишида фан муҳим аҳамиятга эга. Фан табиат ва жамият қонунларини ўргана бориб, табиат кучларини жамият маънаватлари йўлида ўзгартиради ва фойдаланади. Ҳозирги шароитда имкониятнинг воқеликка айланишида фаннинг роли янада ортди. Ҳозирги даврда илмий тадқиқотларни системали йўлга қўймасдан туриб ишлаб чиқарувчи кучларни юқори даражада ўстиришга, техника тараққиётига эришиш мумкин эмас. Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши кишилар меҳнат фаолияти характерини тубдан ўзгартириб юборади.

Кишилар ўз амалий фаолиятларида маълум реал имкониятлар билан иш кўрадилар. Шунинг учун мавжуд имконият, реалликнинг қай даражада эканлигини аниқлаш — фан учун қимматлидир. Агар имконият реал бўлмаса, кишилар ўз амалий фаолиятларида хатога йўл қўйишлари мумкин.

9. ЭРКИНЛИК ВА ЗАРУРИЯТ

Диалектик материализм эркинликни ишни кўзини билган ҳолда қарор қабул қилиш заруриятини билиб олиш асосида кишиларнинг табиат ва жамият муносабатлари устидан ҳукмронлиги сифатида белгилайди. Демак, эркинликнинг асосий тавсифи шундан иборатки, у — аниқланган заруриятдир, ишни кўзини билган ҳолда қарор қабул қилиш қобилиятидир.

Эркинлик ва зарурият категорияларини диалектик тушуниш идеалистик ва метафизик тушунишга тубдан қарама-қаршидир. Субъектив идеалистлар объектив оламнинг реал мавжудлигини

инкор этганликлари учун зарурият ва эркинликни табиат ва жамиятдан ажратиб тушунтирадилар. Экзистенциалист Сартр, эркинлик бу — қарорни ихтиёрий асоссиз тавлаш, яъни у ёки бу масалани ҳал қилиш объектив сабаблар билан эмас, балки инсоннинг субъектив хоҳиши билан амалга ошади деб таъкидлайди.

Субъектив идеалистлардан фарқли ўлароқ, объектив идеалистлар заруриятни тап оладилар, лекин уни блий ақлнинг инсондан юқори турувчи ғайритабиий мавжудотнинг иродасини намоеъ бўлиши деб ҳисоблайдилар. Масалан, Гегель зарурият деганда «мавҳум» ғоянинг зарурий давишда ривожланиб боришини тушунади. У Марксга қадар бўлган фалсафадаги билиб бўлмайдиган «кўр зарурият» тушунчасини танқид қилади. Унинг фикрича, зарурият тушунилмагани учун кўрдир. Гегель идеалист бўлгани учун заруриятни, моддий оламнинг ўзига хослигини инкор этади, шунинг учун унда эркинлик ҳам хаёлий бўлиб қолади.

Эркинлик категориясини тушунишда баъзи метафизик материалистлар ҳам идеалистик фикрда турадилар. Масалан, XVII—XVIII аср метафизик материалистларидан Гоббс ва Локк эркинлик деганда инсоннинг ўз ҳолича, ўз хоҳишига мувофиқ иш кўришини тушунадилар.

Ҳозирги замон буржуа файласуфлари ҳам (неотомистлар, персоналистлар) табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонуларини билишни ва улардан кишилар томонидан фойдаланишни инкор қилмоқдалар. Улар меҳнаткашларга эркинликка маънавий камолотга етиш, шахсий сифатларни ривожлантириш, сивфий курашдан воз кечиш орқали эришиш мумкин деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан улар халқ оммасини капиталистик тартибларга қарши курашишдан чалғитмоқчи бўладилар.

Диалектик материализм зарурият ва эркинликни идеалистик ва метафизик тушунишга қарши изчил кураш олиб боради. У эркинлик заруриятдан мустақил мавжуд бўлиши мумкин эмас, балки ундан келиб чиқади деб ўргатади. Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида эркинлик ва заруриятнинг ўзаро муносабатини қуйидагича тавсифлайди: «Эркинлик табиат қонунларига хаёлан боғлиқ бўлмасликдан иборат эмас, балки шу қонунларни билишдан ва шу билишга асосланган имконият доирасида табиат қонунларини маълум мақсадлар учун амал қилишга режали равишда мажбур этишдан иборат»¹.

В. И. Ленин ўзининг «Халқ дўстлари нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» китобида объектив заруриятни тап олиш билан халқ оммасининг онгли ҳаракати ўртасида «зиддият»ни кўрган Михайловскийни қаттиқ танқид қилади. Михайловский халқ оммасининг онгли фаолияти ҳар қандай заруриятни истисно қилади деб тушунади. В. И. Ленин шундай ёзади: «...детерминизм билан ахлоқ ўртасидаги, тарихий зарурият билан шахснинг аҳамияти ўртасидаги зиддият тўғрисидаги ғол

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 144-бет.

субъектив файласуфнинг дастмояларидан биридир... Ҳақиқатда эса бунда ҳеч қандай зиддият йўқ: уни ж. Михайловский ўйлаб чиқарган, чунки у шу қадар яхши кўрадиган мешчанларча ахлоқнинг негизини детерминизм емириб ташлайди деб қўрққан (қўрқилишнинг асоси ҳам бор). Детерминизм ғояси инсон хатти-ҳаракатларининг зарурлигини таъкидлаб ўтиб, ирода эркинлиги тўғрисидаги бемаъни эртакни рад қилар экан, инсоннинг ақлини ҳам, виждонини ҳам, унинг ҳаракатларининг қадр-қимматини ҳам заррача йўқ қилмайди. Тамоман аксинча, фақат детерминизм нуқтаи назардан қарагандагина эркин ирода устига ҳамма нарсани ағдаравермасдан, жиддий ва тўғри баҳо бериш мумкин»¹. Демак, эркинлик заруриятни истисно қилмайди, балки объектив зарурият талабларини онгли ҳисобга олиш инсонга эркин, ишқи кўзини билган ҳолда ҳаракат қилиш имкониятини беради.

Шундай қилиб эркинлик ва зарурият масаласини диалектик материализм мавҳум эмас, балки амалиёт билан боғлаб тушунтиради. Бунда оламнинг зарурияти, қонуниятни тўлароқ ва чуқуроқ очилади ва инсон эркинроқ бўлади.

Эркинлик — тарихий категориядир. У инсоннинг табиат кучлари билан ва енгиш қобилиятига боғлиқ равишда ривожланди. Ф. Энгельс айтганидек, ҳайвонот оламидан эндигина ажралиб чиққан дастлабки кишилар ҳайвонлар каби эркин эмас эдилар, лекин маданиятга томон қўйилган ҳар бир қадам эркинлик томон қўйилган қадам бўлди.

Оловнинг ҳосил қилиниши инсонга биринчи марта табиатнинг муайян кучлари устидан ҳукмронликни берди ва шу билан уни ҳайвонот оламидан узил-кесил ажратди. Бироқ инсоннинг табиат кучлари устидан бўлган ҳукмронлигининг унинг эркинлигидан далолат бера олмайди. Инсон фақат табиий муҳитдагина яшайди, у ижтимоий муҳитда ҳам яшайди. Шунинг учун эркинлик ҳажми кишиларнинг ижтимоий кучлар устидан қанчалик ҳукмронлик қила олишларига ҳам боғлиқ. Бу ўринда биз бу соҳадаги инсон эркинлиги табиат кучлари устидан ҳукмронликка нисбатан ҳозиргача бир қадар чекланганлигини айтиб ўтишимизга тўғри келади. Бир қатор идеалистик, диний таълимотларда жамият тараққиётининг сабаблари илоҳий кучларга боғланади. Уларда инсоннинг тақдири, қисмати, хатти-ҳаракати азалдан худо томонидан белгиланган, деб даъво қилинади. Бундай фаталистик таълимотларда кўрсатилишича, жамият ривожланиши ҳеч қандай қонуниятларга боғлиқ бўлмаган ҳолда илоҳий кучлар томонидан олдиндан белгиланган зарурият асосида амалга ошади. Волонтаристик таълимотларда жамият тараққиётининг сабаблари инсон продасига, айрим шахслар, қахрамонларнинг хоҳиши ва пиятига боғлиқ, деб талқин қилинади. Улар табиий заруриятни, қонуниятни инкор этиб, инсон батамом эркиндир, у ҳатто нимани хоҳласа унинг урдасидан чиқа олади, дейдилар. Буржуа мафкурачилари капиталистик мамлакатларда шахснинг «эркинлиги»

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 172-бет.

ҳақида кўплаб гапирмоқдалар. Уларнинг фикрича, капитализм даврида инсон хоҳлаган мақсадига эришиши мумкин эмис. Эркинлик фақат зарурият доирасидагина бўлиши мумкин. Эркинлик қонуларни йўқ қилишни билдирмайди, балки объектив қонулар талабини билиб олиш, уларга таяниш орқали биз жамият манфаати учун объектив жараёнларни онгли бошқара оламиз.

Эркинлик ва зарурият категориялари фан ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эгадир. Синфлар, партиялар, халқ оммасиянинг амалий фаолияти объектив зарурият талабига риоя қилгандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Объектив заруриятни ҳар қандай тан олмаслик жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

10. ДИАЛЕКТИКА АСОСИЙ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТОМОНЛАРИ ВА ФАРҚЛАРИ

Материалистик диалектика асосий қонун ва категорияларининг ўзаро алоқадорлигини билиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Фалсафанинг ўзи, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категорияларидан иборат. Шу жиҳатдан қараганда, диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ўртасидаги муносабат қандай? Улар ўртасида умумий ва ўзаро фарқ қиладиган томонлар борми? деган савол туғилади. Бу саволларга жавоб беришда олдин шунча айтиш керакки, диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни айнанлик ва тафовут орасидаги муносабат деб таърифласак бўлади. Улар ўртасида айнанлик ҳам, тафовут ҳам мавжуд.

Материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари моддий оламни шакл ва объект бўйича инъикос этишга, кишиларнинг билиш ва амалий фаолиятидаги дунёқараш ва методологик функцияларга ҳамда унинг хусусиятига қараб бир қатор умумий жиҳатларга эгадир. Модомики, диалектик материализм табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонуларини ўрганар экан, у ҳолда унинг асосий қонун ва категориялари моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонуларининг инсон онгида инъикос этишидан иборат. Бу ўринда диалектиканинг қонун ва категориялари бир-бирларига мос келади. Шунга кўра, категорияларни асосий бўлмаган қонулар дейиш ҳам тасодифий эмас.

Диалектик категориялар қонуларга мансуб бўлган ҳамма белгиларга эга. Юқорида қонун тушунчасини кўриб чиқиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонун асосий негизга эга, деб қайд қилиб ўтган эдик. Чунки у: биринчидан, объектив асосга эга. яъни нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди; иккинчидан, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятига эга. яъни воқеалар ривожланиши ва йўналишини белгилайди; учинчидан, маълум бир шароитларда намоён бўлади.

Бу белгилар диалектика категорияларига ҳам хосдир. Диалектиканинг ҳар бир категорияси алоҳида ва биргалликда умумий

алоқадорлик ва ривожланишнинг мувофиқ шаклларини ифодалайди, воқеалар ривожланишнинг қатъий, муайян равишда бериши таъминлайди ва маълум бир мувофиқ шароитларда намоён бўлади. Масалан, зарурият ва тасодиф категорияларини олиб кўрайлик. Бошқа категориялар каби улар ҳам моддий оламда мавжуд бўлган объектив боғланишларни акс эттиради. Демак, у объектив асосга эга, бу асос эса шу воқеликда мавжуддир.

Нарса ва ҳодисаларнинг умумий алоқадорлик шакллари бўлган зарурият ва тасодиф шу алоқадорликнинг турли томонларини ифодалайди. Шунинг учун уларнинг ҳар бири қатъий, муайян натижаларни юзага келтиради. Зарурият нарсаларнинг ички боғланишларини ифодалайди, у сабаби ва асоси ўзида бўлган, воқеалар ривожига жараёнда қонуний ва муқаррар равишда рўй берадиган ҳодисадир. Заруриятдан фарқли ўлароқ, тасодиф ташқи алоқаларни ифодалайди, у айни шароитда рўй бериши ҳам, рўй бермаслиги ҳам мумкин. Бундан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф қатъий муайян натижаларни келтириб чиқаради. Демак, улар фаолиятнинг ўзига хос хусусиятига эга. Шунинг учун зарурият ва тасодиф категориялари ҳам бошқа категориялар каби ўз фаолиятлари учун маълум бир шароитни талаб қилади. Улар муайян шароитларда ва ўз талабларига мос равишда муайян натижаларни келтириб чиқаришлари мумкин. Шароитнинг бўлмаслиги категориялар фаолиятини йўққа чиқаради. Бу ҳолда шароит диалектик категориялар фаолиятининг зарурий негизи бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, зарурият ва тасодиф категориялари диалектика қонунининг ҳамма асосий белгиларига эгадир. Шунингдек алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса ва бошқа категорияларни ҳам қонунлар деб аташимиз мумкин.

«Қонун» ва «категория» тушунчаларининг мос келиши мазмуни моддий оламнинг энг умумий қонуниятлари ташкил қилганига бўлмай, балки диалектиканинг қонунлари ҳам ўз навбатида фалсафий категориялардир. Қонунда оламнинг нарса ва ҳодисалари ўртасидаги объектив, муҳим, тақрорланадиган, исбий, тургун, аниқ муайянлик ва моҳият билан умумий боғланиш ва алоқадорлик ўз ифодасини топади. Бу умумий боғланиш ва алоқадорликлар маълум шарт-шароитларда воқеалар ривожининг йўналиши ва хусусиятини белгилаб беради. Бундан кўришиб турибдики, диалектика қонунлари фақат категориялар орқали таърифланиши ва ифодаланиши мумкин. Демак, категориялар қонуннинг белгиларига эга бўлибгина қолмай, балки қонунлар ҳам категория белгиларига эгадир. Шунинг учун «қонун» ва «категория» тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғридир.

Диалектиканинг қонун ва категориялари янъикос қилишнинг умумий объектига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг умумий алоқадорлик шакллари ана шундай объект ҳисобланади. Бунда диа-

лектик қонуи ва категорияларнинг антологик томонлари борлиги иққол намойи бўлади. Лекин уларнинг ўхшашлиги шу билан тугамайди. Диалектиканинг қонуи ва категориялари умумий гносеологик табиатга ҳам эгадир. Умумий ўзаро боғланишларнинг маълум бир турлари диалектиканинг қонуи ва категорияларида ифтикоҳ этади. Улар инсон фикрининг кўриниши сифатида нарсаларнинг умумий хусусияти ақс этадиган фалсафий тушунчаларга мансубдир. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да таъкидлаганидек, тушунчалар, қонуилар, категориялар инсон билишида табииатнинг ифтикоҳ этиш шаклидир.

Фалсафа — фандир. Шунинг учун ҳам унинг қонуи ва категориялари хусусий фаилар қонуиларига мансубдир ва унга хос бўлган барча белгиларга эгадир. Хусусий фаилар қонуилари олами билиш босқичидир. Инсон объектив оламга ўзаро таъсири жараёнида ҳодисалар орқали нарсаларнинг ички моҳиятига киради, муайян фан қонуилари кўринишида киши идрок қиладиган нарсаларнинг ички хусусиятлари ва муносабатларини билади. Фан қонуилари воқелик қонуиларидан нарсаларнинг маантиқий образларини англатиш билан фарқ қиладди. Шунингдек, объектив қонуилар билан фан қонуилари бир нарса эмас. Улар ўз маибалари ва маъмуи жиҳатидан бир-бирига мос келади, лекин шакл жиҳатидан фарқ қиладди. Агар объектив қонуилар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, фан қонуилари инсон томонидан кашф этилади ва таърифланади. Фан қонуилари нарсаларнинг объектив хусусиятини ақс эттирувчи маантиқий шакллардир.

Шундай қилиб, диалектиканинг қонуи ва категориялари ўз ҳаракатининг хусусияти билан ҳам бир-бирига мос келади. Чунки диалектик қонуи ва категориялар фаолиятининг ҳаракат доираси жуда кенг, улар ҳамма жойда ифтикоҳ бўлади. Шу нарсани эсда тутиш керакки, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ва воқеалар «жисмлар алоқасининг мажмуи»ни ташкил қилган ҳолда диалектик ўзаро боғлиқликда бўлади. Табиатгами, жамиятгами, ёки тафаккургами тегишли бўлган ҳар қандай ҳодисани олмайлик — ҳамма ерда диалектиканинг ҳамма элементлари биргаликда намойи бўлишини кўрини мумкин: «... ҳар қандай ганда «ячейка» («хужайрача») — дегни сингари диалектиканинг барча элементлари куртагини очиб бериш ва шу тариқа кишининг бутун билишига диалектика умуман хослигини кўрсатиш мумкин (ва лозим). Табиёт эса бизга объектив табиатнинг иши ўша сифатларини, алоҳиданинг умумийга, тасодифнинг заруриятга айланшини, ўтишларини, тулқинланишларини, қарама-қаршиликларнинг ўзаро алоқасини кўрсатади (буни ҳам *исталган бир оддий мисолда кўрсатиш керак*)»¹. — деб ўзган эди В. И. Ленин.

Материалистик диалектика қонуи ва категорияларининг умумийлиги, шундай қилиб, икки ҳолда ифодаланади: биринчидан, улар ҳар доим ва ҳамма ерда мавжуд; иккинчидан, ҳар қандай

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 20-жилд, 343-бет.

ҳодисада диалектика элементларининг барча куртаклари намоён бўлади.

Диалектиканинг қонун ва категориялари ўз фаолиятларининг хусусияти бўйича умумий бўлиб, ўзларининг намоён бўлиш усули бўйича алоҳидадир. Бу ҳол улар таъсир қиладиган муносабатларининг сифат жиҳатда ўзига хослиги билан изоҳланади. Бу муносабатлар баъзида табиат ҳодисаларида, бошқа ҳолда ижтимоий ҳаёт ва инсон тафаккурида намоён бўлиб, ҳар сафар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Лекин ҳар қанча ўзига хос тарзда бўлмасин, биронта ҳам ҳодиса диалектиканинг қонун ва категорияларининг ҳаракат доирасидан четда қолмайди. Диалектик элементларининг умумий хусусияти аша шунда ўз ифодасини топади.

Диалектика қонун ва категорияларининг ҳаракат қилиш хусусияти бўйича мос келиши муайян қатъий натижаларни келтириб чиқаради ва воқеалар ривожланишининг йўналишини белгилайди. Унинг алоҳида бир қонуни ёки категориясининг мазмунини билиш орқали моддий оламнинг у ёки бу соҳасида воқеалар йўналиши ва ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин. Шунингдек, бу воқеаларнинг ўзгаришига қараб ўз хатти-ҳаракатларининг уларнинг талабларига мос равишда олиб бора оламиз.

Диалектиканинг асосий қонун ва категорияларининг ўхшашлиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади. Чунки, улар илмий билишда кишиларнинг амалий фаолиятларида бир хил методологик ва дунёқарашлик вазифаларини бажарадилар. Фалсафанинг фан сифатидаги муҳим томони шунда иборатки, у дунёқараш хусусиятига эга бўлган фандир. Бошқа фанлар объектив оламнинг айрим қонуниятларини ўргангани учун ҳам олам ҳақида бир бутун дунёқараш бўла олмайди. Фалсафа улардан фарқли ўлароқ, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонуниятларини ўрғанади. Шу асосда у дунё ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Олам ҳақидаги бир бутун тасаввурга воқелик қонуниятларининг мантиқий ўхшашлигини англатувчи диалектиканинг асосий қонуни ва категориялари ёрдамида эришилади. Шу билан бирга, улар илмий билишда ва кишиларнинг амалий фаолиятида бир хил методологик вазифаларни бажаради, фаннинг турли соҳаси вакилларини оламни тубдан ўзгартиришнинг умумий усули билан қуроллантиради. Чунки «... коинот ҳақидаги ва унинг тараққиёти ҳамда инсониятнинг тараққиёти ҳақидаги, шунингдек бу тараққиётнинг одамлар миёсида инъикоси ҳақидаги тасаввур фақат диалектик йўл билан ҳосил қилиниши мумкин; аммо бунда пайдо бўлиш билан йўқ бўлиш ўртасидаги, илгор ўзгаришлар билан регрессив ўзгаришлар ўртасидаги умумий ўзаро таъсирга ҳамisha диққат ва эътибор бериш шарт»¹. В. И. Ленин қайд қилиб ўтганидек, инсон билан ташқи олам ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида ва ижтимоий амалиётнинг эҳтиёжлари асосида вужудга келган диалектиканинг асосий қонун ва категориялари «кишиларга амалиётда («жонли мазмунни руҳий ишлаб чиқишда, фикрлар ҳо-

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 29—30-бетлар.

сил этиш ва буларни алмашишда») хизмат қилади»¹. Бу ерда материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категорияларининг билиш ва амалий фаолиятдаги ролининг бирлиги яққол намоён бўлади.

Материалистик диалектиканинг асосий қонун ва категориялари талабларини билиш — кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятларининг асосидир. Бу ерда ҳам уларнинг бирлиги намоён бўлади. Диалектик қонун ва категориялар талабларини ҳар томонлама ҳисобга олиш содир бўлаётган воқеаларни онгли равишда тушувишга, уларнинг ривожланиш йўналишларини олдиндан кўра билишга имкон беради.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, диалектик қонун ва категориялар моддий оламда нарса ва ҳодисаларнинг объектив муносабатларини инъикос этади ва маълум бир шароитларда воқеалар оқимининг қатъий, муайян йўналишда боришини келтириб чиқаради. Шунинг учун объектив жараёнларнинг ўзаро тақозо қилинишини билиб олган ҳолда воқеалар ривожини ҳозирда қайси йўналишда боришини аниқлабгина қолмай, балки унинг келгусида қандай йўналишда боришини ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Олдиндан айтиш фақат объектив қонунлар талабларини билиш асосида мумкин бўлади.

Моддий воқеликнинг зарурий алоқаларини очмасдан туриб башорат қилиш, уларнинг кейинги ривожланишига таъсир этиш мумкин эмас. Қонунларни чуқур англаш натижасида воқеалар ва жараёнларнинг ички маъниқини очиб, уларнинг сабабий боғланишларини топиш, ривожланиши қачон бошлапганлиги ва қаёққа олиб бориши мумкинлигини кўрсатиш жонзодир. Шу билан бирга, илмий башорат қилиш учун материалистик диалектиканинг сабаб ва оқибат, имкониёт ва воқелик, зарурият ва тасодиқф, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса ва ҳоказо категориялари талабларини ҳар томонлама ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ўртасидаги бирликни ҳар қандай фарқни истисно қилувчи мутлақ тўла айнанлик деб тушунмаслик керак. Диалектик қонун ва категориялар ўртасида умумий бирлик бўлиши билан бир қаторда ривожланиш жараёнининг ўзига хос муносабатларида ва ўзаро алоқадорликнинг умумий шаклларида намоён бўладиган муайян фарқлар ҳам бор. Агар диалектиканинг асосий қонун ва категорияларига моддий олам тараққиётининг энг умумий қонуниятларига бўлган муносабат нуқтани назардан қаралса, киши тафаккурда умумдиалектик қонуниятлар шаклида акс этадиган диалектиканинг асосий қонунлари нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорликлари ва ривожланишларининг асосий томонларини ҳам ифодалашига ишониб қийин эмас. Юқорида кўриб ўтганимиздек, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қилиши миқдор ва сифат ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро боғланишнинг ифодалайди ва шу асосда ривожланиш жараёнининг механиз-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29- том, 84- бет.

миви кўрсатади, ривожланиш қандай юз беради? деган саволга жавоб беради; қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни қарама-қарши кучлар тўқнашувида ҳаракатга туртки бўладиган ички ўзаро алоқадорликларни ифодалайди, ривожланиш нима учун рўй беради? деган саволга жавоб беради; ипкорни ипкор қонуни илми билан эски ўртасидаги алоқаларни ва уларнинг ворислик хусусиятини, нарса ва ҳодисалар ривожланиш илгарилаб, қуйидан юқорига қараб боришини ифодалайди, ривожланишнинг йўналишини кўрсатади, бу ривожланиш қайси томонга кетяпти? деган саволга жавоб беради.

Шундай қилиб, диалектиканинг асосий қонуни ва категориялари ривожланиш жараёнининг ҳамма асосий томонларини, яъни унинг манбаини, механизмини ва йўналишини тавсифлайди. Ривожланиш жараёни фақат бу билан чегараланмайди. Ривожланиш турли-туман томонлар, хусусиятлар ва жиҳатлар билан тавсифлашувчи кўп жараёнлар. Унга ривожланишнинг объективлиги ва умумийлиги, қонунийлиги ва орқага қайтмаслиги, янгиликни енгиб бўлмаглиги ва ҳоказолар киради. Ривожланишнинг бу томонларини билиш амалий фаолиятда ва оламни билишда катта илмий ва методологик аҳамиятга эга.

Ривожланиш жараёнининг механизмини, манбаини ва йўналишини тавсифловчи диалектиканинг уч асосий қонунидан фарқли ўлароқ, диалектика категориялари ривожланишнинг аҳамият жиҳатидан кам бўлмаган томонларини ифодалайди. Адабиётимизда диалектик категорияларга объектив воқелик нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини, муайян мос шакллари асос этирилуви философия тушунчалардир, деб қаралади. Лекин афсуски, унинг биронтасида ҳам категориялар тараққиёт жараёнининг энг муҳим бўлган айрим томонларини ҳам асос этиришлари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Шунинг учун ҳам диалектик категорияларда тараққиётнинг қандай томонлари асос этишини ўрганиш, бизнинг фикримизча, диалектик материализм масалалари билан шуғулланувчи файласуфларнинг бирдан-бир муҳим вазифасидир.

Материалистик диалектиканинг асосий қонуни ва категориялари биргаликда мураккаб, кўп қиррали тараққиёт жараёнининг бутун механизмини тўлароқ ва чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун сиёсий партиялар илмий билишда ва амалий фаолиятда диалектиканинг асосий уч қонуни талабларини билиш билан кифояланмай, асосий бўлмаган қонунилар, яъни диалектик категориялар талабларини ҳам билишлари зарур.

Диалектик қонуни ва категориялар ўртасидаги фарқли тараққиёт жараёнига бўлган муносабатлардагина эмас, балки ўзаро алоқадорлик умумий шаклларига бўлган муносабатларда ҳам қўриш мумкин. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, диалектика қонунилари нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив, муҳим, зарурий, такрорланадиган, нисбий, тургун, умумий муносабатларни ва алоқадорликларни асос этиради. Нарсаларнинг бир-бириги истисно қилувчи томонларга бўлишини ва уларнинг кураши, миқ-

дор ўзгариларининг сифат ўзгариларига ўтиши, диалектик инкор жараёнида янги билан эски ўртасидаги ворислик моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларга хос бўлган муҳим, зарурий, умумий ва барқарор алоқадорликка киради. Лекин илмий билишда муҳим бўлмаган, тасодифий, ўткинчи боғланишларни ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки ривожланиш жараёнида муҳим бўлмаган боғланишлар муҳим боғланишга, тасодифий боғланишлар зарурий боғланишга, алоҳида боғланишлар умумий боғланишга, ўткинчи боғланишлар турғун боғланишга айланиши мумкин.

Исталган нарса ёки ҳодисани ўрганишда ҳамма томонлар ва боғланишларни, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Бу — мавҳум талаб эмас. Реал воқеликда нарсалар яқка ўзи, бошқа нарсалардан ажралган ҳолда яшамайди, балки бир-бирлари билан яқин алоқада бўлади. Шунинг учун ҳам нарсалар мантиқини акс эттирувчи инсон тафаккури мантиқий объект оламдаги нарса ва ҳодисалар ташқи олам билан жонли, кўп қиррали алоқада эканлигини ҳисобга олмоғи лозим. Нарса ва ҳодисаларнинг барча томонларини ва ўзаро муносабатларини ўрганиб чиқишига кишиларга ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради. Бизнинг билишимиз мутлақ ҳақиқатнинг у ёки бу томонларини ўрганиш натижасида бойиб боради. Шу билан бирга, мутлақ ҳақиқат тўлалигича билишга олиб боради. «Ҳодисанинг, воқеликнинг,— деган эди В. И. Ленин,— барча томонларининг ва уларнинг (ўзаро) муносабатларининг мажмуи — ҳақиқат ана шулардан таркиб топади»¹. Билиш жараёни беҳисоб, рангбаранг, чегарасиз, бой мазмуни ўз ичига олади. «Предметни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва воситаланишларини» бирга олиб текширмоқ керак. Биз бунга ҳеч қачон тўла-тўқис эриша олмаймиз, лекин ҳар томонлама ўрганиш талаби бизни хатолардан ва ўлик ҳолатида сақлаб қолади»²,— деб ёзган эди В. И. Ленин.

Материалистик диалектиканинг ҳодисаларнинг ҳар томонлама муносабатларини таҳлил қилиш ҳақидаги талаби софистик қондага тубдан қарама-қаршидир. Софистик қонда бўйича, ҳодисанинг биронта томони юлиб олиниб, бошқа ҳодисалардан ажралган ҳолда талқин қилинади. Воқеаларни уларнинг аниқ боғланишларидан юлиб олиб, бир соҳа қонуниятларини ихтиёрий равишда бошқа соҳа воқеаларига ўтказиш, бир тарихий давр қонуниятларини бошқа давр воқеалари билан алмаштириш — софистик усул учун хосдир. Бир бутундан алоҳида томонларни ажратиб қараш материализм душманлари қўллайдиган усулдир. Бу усул улар томонидан ижтимоий ҳодисаларни шарҳлашда айниқса кенг қўлланилади. «Ижтимоий ҳодисалар соҳасида,— деган эди В. И. Ленин.— айрим кичик далилларни юлиб олиб, мисолбоз қилиш усулидан ортиқ жуда кўп тарқалган ва замини жуда бўш бир усул йўқдир. Умуман мисоллар йиғиб олиш — ҳеч бир қийин

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 186-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-жилд, 343-бет.

эмас, лекин унинг ҳоч бир аҳамияти ҳам бўлмайди, ёки фақат салбий аҳамиятга эга бўлади, чунки бутун гап айрим ҳодисаларнинг тарихий аниқ шароитидадир. Далиллар, агар улар *бутунли-мича*, бир-бирига *боглаб* олинса, фақат «ўжар марсагина» эмас, балки шубҳасиз далил ҳам бўла оладиган нарсалардир. Кичик далиллар, агар улар бутун ҳолича, бир-бирига *боглаб* олинмаса, агар бўлак-бўлак ва ўринсиз бўлса, худди фақат ўйинчоқ ёки ундан ҳам баттар бир нарса бўлади»¹. Кўриниб турибдики, В. И. Ленин далилларда фойдаланишни инкор этмайди, балки, аксинча, уларни далил бўла оладиган нарса деб уқтириб ўтади. Шу билан бирга, у илмий тадқиқот ҳар доим ўз ҳолича, субъектив бўлган далиллар, мисоллар йиғиндисиغا айланиб қолишига қарши чиқади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги материалистик диалектиканинг асосий қонуни ва категорияларида илмий асосида. Диалектиканинг асосий қонуниларида фақат воқеалар ривожининг муайян шароитларида унинг йўналишини ва хусусиятини аниқловчи муҳим, зарурий, умумий, турғун боғланишлар илмий асосида. Улардан фарқли ўлароқ, диалектиканинг асосий категорияларида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги умумий объектив шаклларининг барча томонлари, яъни муҳим ва муҳим бўлмаган, зарурий ва тасодифий, умумий ва алоҳида, турғун ва ўткинчи ва ҳоказо томонлари ифодаланади. Бу муносабатларда категориялар қонуниларга нисбатан бой мазмунига ва кенг маънога эга. Лекин диалектика қонунилари боғланишларнинг муҳим бўлмаган, тасодифий, алоҳида, вақтинча шаклларини четлаб ўтса-да, моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни категорияларга нисбатан чуқурроқ ифодалайди. Вундан муҳим методологик талаб келиб чиқади. Бу талабнинг моҳияти билиш жараёнида ва кишиларнинг амалий фаолиятларида материалистик диалектика қонуни ва категориялари системаси барча томонларидан бир бутунликда кенгроқ фойдаланиш заруригидан иборатдир. Диалектиканинг асосий қонуни ва категориялари бир-биридан ажратилганда ёки ҳар бири айрим ҳолда олинганда объектив оламнинг умумий қонуниятлари ҳақида тўғри ва тўла тасаввур ҳосил қилишга имкон бермайди. Диалектиканинг қонуни ва категориялари бир-бирларини тўлдириб ва яхлит системалар маъмуасидагина меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, душда ўзгартирishi ва билишнинг умумий усули ва ролини бажара олади.

Материалистик диалектиканинг асосий қонуни ва категориялари ўзаро алоқадорлигининг баъзи бир тафсилотлари ана шулардан иборат. Диалектик қонуни ва категориялар ўртасидаги муносабатларни тўғри ҳал этиш илмий изланишлар учун долзарб ва истиқбол йўллари бўлиб хизмат қилади.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 30-жилд, 404-бет.

IX БОБ. ТАБИАТ — ФАЛСАФИЙ АНГЛАШ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

1. ТАБИАТ ТУШУНЧАСИ. ИНСОН ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЯШАШНИНГ ТАБИЙ ВА ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ

Инсонни қуршаб турган табиатни, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини фалсафий нуқтаи назардан фаҳмлаш илмий билиш ва амалиётда катта аҳамият касб этади. Табиат бениҳоят хилма-хил шакл ва кўринишлари билан инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун борлиқдан иборатдир. У кенг маънода олганда материя, коинот тушунчаларини ҳам қамраб олади.

Табиатнинг мавжудлиги инсонга, унинг онги ва сезгисига боғлиқ эмас. Бундан миллион йиллар муқаддам Ер шундай бир ҳолатда бўлганки, унда ўзининг сезгилари ва онгига эга бўлган инсон у ёқда турсин, ҳатто бошқа ҳар қандай жонли мавжудотларнинг ҳам яшаши учун ҳеч бир имконият бўлмаган. Бу далил шундан далолат берадики, Ер, Қуёш системаси, умуман табиат ҳар қандай онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Киши онги табиат тараққиётининг фақат муайян босқичидагина унинг маҳсули сифатида вужудга келган. «Ер бир вақтлар шундай бир ҳолатда бўлганки,— дейди бу ҳақда В. И. Ленин,— унда на инсон, на умуман бошқа бирон жонзот бўлмаганини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини табиёт ижобий равишда тасдиқлайди»¹.

Онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив мавжуд бўлган табиатнинг на боши, на охири, на ибтидоси ва на интиҳоси бор. Табиат фазода чексиз-чегарасиз, бепоен, вақтда эса абадийдир. Табиат фазода чексиз, деган фалсафий фикр оламнинг ҳеч қандай чегараси йўқ деган маънони билдиради.

Диний таълимотларнинг ҳаммасида оламнинг, табиатнинг чегараси борлиги тўғрисида, коинот, ундаги ой, Қуёш, юлдузлар илоҳий кучлар томонидан яратилганлиги ҳақида гапирилади. Агар дунёнинг чегараси бўлса, табиий равишда, у чегаранинг нариги томонида нима бор? деган савол туғилади. Рухонийлар бундай саволларга жавоб бериш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг қўйилишига ҳам қарши чиқадилар. Бу уларнинг, биричидан, оламнинг тузилишини тушунтириб беришдан ожиз эканликларидан далолат берса, иккинчидан, табиатнинг тузилиши ва чексизлигини тўғри билишдан манфаатдор эмасликларини кўрсатади.

Ҳозирги замон фанлари оламнинг, табиатнинг чексиз, бениҳоялиги тўғрисидаги илмий материалистик таълимотни тасдиқловчи янгидан-янги далиллар бермоқда. Фан соҳасидаги ютуқларнинг кўрсатишича, бизнинг галактикамиз коинотда яққоюягона эмас, балки чексиз юлдузлар системасининг биридир. Бизнинг галактикамиздан ташқарида жойлашган сон-сапоқсиз юлдузлар системалари ҳам борки, у фаида металактика дейилади.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 78-бет.

Табиат, бутун моддий олам доимий ҳаракатда, тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишдадир. Галактика ва метагалактикадаги жисмлар, ой, Қуёш, сайёралар, метеоритлар фазода доимий равишда ҳаракатда. Табиатнинг, материянинг фазода чексиз ва вақтда абадий бўлган тинимсиз ҳаракати жараёнида баъзи бир нарсалар емирилади, янгилари пайдо бўлади.

Табиатнинг миллион йиллар ичидаги тадрижий тараққиёти жараёнида ноорганик дунёдан органик дунё келиб чиқди. Органик дунёнинг пайдо бўлиши табиатнинг, материянинг чексиз кинотдаги тараққиётидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларидан биридир. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «Органик материя кейинроқ юз берган ҳодисадир, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир»¹.

Органик табиат ҳам, ноорганик табиат ҳам пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб ҳаракат қилиб туради. Тараққиёт уларнинг ҳар иккаласида ҳам бир оз бошқачароқ шаклда амалга ошади. Ривожланиш ҳаракатининг зарурий оқибати сифатида ноорганик табиатда ҳам намойён бўлади. Ернинг қуқур қатламларига назар ташлар эканмиз, унда кўпгина ўзгаришларни кўрамиз. Туманликлардан юлдузлар пайдо бўлиши, бу юлдузлар портлаб яна туманликларга айланиши ноорганик табиатга хос бўлган ҳаракатга мисол бўлади. «... нотирик жисмлар ҳам,— дейди Ф. Энгельс,— табиий процесс жараёнида ўзгаради, парчаланган ёки комбинациялашади, лекин бундай бўлганда улар ўз ҳолича қолмайди. Шамол таъсиридан емирилган қоя энди қоя эмасдир; металл оксидланиш натижасида зағир босган темиртаққа айланади»².

Органик табиатнинг ривожланиши тобора пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон боради. Бу тараққиёт ўсимлик ва ҳайвон турларининг ривожланишида, шароитга мослаша олмаган турларнинг йўқолиб, янги шароитларда ривожлана оладиган турларнинг майдонга келишида кўринади. Маълум давр ўтиши билан мавжуд ўсимлик ва ҳайвон турларининг баъзилари йўқолиб, янгилари пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Органик ҳаёт табиат тараққиётининг маълум босқичидаги кўринишидир. Органик табиат моддий оламнинг кичик бир қисмини ташкил этгани учун унга хос бўлган хусусиятларни ноорганик оламга механик шаклда ёйиб бўлмайди.

Материалистик фалсафа жонли — органик табиат билан жонсиз — ноорганик табиат ўртасида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ йўқ, деб таълим беради. Улар бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилишига қарамай бир-бири билан боғлиқ ҳамдир. Жонли табиат абадий мавжуд бўлган эмас, балки жонсиз табиат тараққиётининг маълум бир босқичида маълум объектив шароитлар асосида вужудга келган. Жонли табиат билан жонсиз табиат асосида ҳам ягона моддий субстанция — материя ётади. Демак, жонли табиат

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18- жилд, 78- бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 78- бет.

блал жонсиз табият ўртасидаги асосий боғланиш уларнинг моддий бирлигида яққол кўринади.

Жонли табият билан жонсиз табият ўртасидаги моддий бирлик уларнинг кимёвий таркибида ҳам жуда аниқ кўринади. Одам организмдаги кислород, углерод, олтингургурт, азот, кальций, фосфор, магний, натрий, калий, хлор, темир сингари элементлари жонсиз табиятда ҳам учратамиз. Организмларни ташкил этувчи оқсил таркибида ҳам шундай элементлар бор.

Жонли табият билан жонсиз табият ўртасида умумий томонлардан ташқари уларнинг ҳар бирига хос бўлган фарқли томонлари ҳам мавжуд. Жонли организмларнинг асосий хусусияти шунки, улар ташқи муҳит билан модда алмашинади. Бу эса материянинг мураккаб ва юқори шаклларига тегишли бўлган хусусиятдир.

Ҳаётнинг энг асосий хусусияти — ассимиляция ва диссимиляция жараёнининг амалга ошиши, яъни ташқи муҳит билан модда алмашишидир. Ҳар қандай тирик организм теварак-атрофдаги муҳитда керакли моддаларни олиб уларни ассимиляциялаштиради, жисмининг эскироқ зарралари эса парчаланиб кетади ва ажралиб чиқади. «Озиқланиш ва ажратиб чиқариш воситаси билан юз берадиган моддалар алмашинувидан, — оқсилнинг муҳим функцияси ташкил этувчи бу алмашинувдан, — ва оқсилга хос бўлган пластикликдап ҳаётнинг бутун бошқа энг оддий омиллари: оқсил билан унинг озиги орасидаги ўзаро таъсирдаёқ мавжуд бўлган таъсирлавиш, озикни ютганда жуда қўйи босқичдаёқ намоён бўладиган қисқариш, энг қўйи босқичда бўлиниш йўли билан урчиб кўпайишни ҳам ўз ичига оладиган ўсиш қобилияти, агар бўлмаса озикнинг ютилиши ҳам, ассимиляцияланиши ҳам бўлиши мумкин бўлмаган ички ҳаракат келиб чиқади»¹, — деган эди Ф. Энгельс.

Тирик жисмларнинг энг муҳим хусусияти — моддалар алмашинувидан, органик тузилмаларнинг бузилиши ва янгидан тузилишидан, ассимиляция ва диссимиляциядан иборат. Ана шулар органик жисмлар яшашининг асосий шартидир. Ҳаётнинг асосий белгилари Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» асаридаги машҳур таърифда ифодаланган: «Ҳаёт — оқсил жисмларнинг яшаш усулидир, бу яшаш усули эса ўз моҳияти билан маакур жисмларнинг кимёвий таркибий қисмларининг доимо ўз-ўзини янгилаб туршидан иборат»².

Табият тараққиётининг юксак чўққиси жонли организмларнинг келиб чиқишидан иборат. Бир ҳужайрали организмларнинг вужудга келиши организмлар тараққиётидаги дастлабки босқичдир. Дастлаб вужудга келган организмлар ўзининг тузилиши ва хусусияти жиҳатидан ҳозирги ҳайвол ва ўсимликларнинг энг содалари сингари бўлган. Органик бирикмаларнинг бир неча

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 78-бет.

² Ўша жойда, 77-бет.

миллион йил давом этган тараққиёти натижасида ҳайвонларнинг ҳозирги турлари вужудга келди.

Органик табиат инсоннинг пайдо бўлиши учун ҳамма зарур шарт-шароитни ҳозирлади. Одам жонли организмларнинг узоқ вақт давомида рўй берган тараққиётнинг қонуний маҳсулидир. Одамнинг пайдо бўлишини органик табиатнинг ўшангача бўлган тараққиётдан ажратиб бўлмайди. Одам ўзининг физиологик тузилиши, биологик хусусиятлари жиҳатидан тараққиётнинг юқорироқ босқичларида турган ҳайвонларга, айниқса одамсимон маймунга ўхшайди. Дарвин ва бошқа олимларнинг кўрсатишларича, одамсимон маймун одамга энг яқин ҳайвондир. У ўзининг жуда кўп хусусиятларига кўра одамга яқин. Одамсимон маймунлар асосан икки оёқлаб юради. Унинг қўли юриш билан боғлиқ функцияларнигина эмас, балки бошқа мураккаб функцияларни ҳам бажаради. Одамсимон маймунларнинг қон томири, мускули, скелети ва ички аъзолари, уларнинг тузилиши одамникига ниҳоятда ўхшайди. Улар қонининг таркиби ҳам одамникига яқин. Олимлар одамсимон маймунлар билан одам ўртасидаги шунга ўхшаш баъзи умумийликларни назарда тутиб одам одамсимон маймунлардан келиб чиққан бўлса керак, деган тахминларни ўртага ташлаган эдилар.

Одамни қандайдир сирли кучлар вужудга келтирган эмас. Одам ҳайвонот дунёсидан келиб чиққан. У табиатнинг бир қисмидир, унинг олий маҳсулидир. Одамсимон маймуннинг одамга айланиши бир лаҳзада, фавқулодда рўй берган эмас. Маймуннинг одамга айланиши жуда кўп муддатни ўз ичига олган жараёндан иборат. Ф. Энгельс «Маймуннинг одамга айланиш жараёнида меҳнатнинг роли» асарида шундай деб ёзади: «Дарахтларда тирмашиб яшайдиган маймунлар галасидан кишилик жамияти пайдо бўлгунча, эҳтимол, Ер тарихида одамлар турмушидаги бир секунддан ортиқ аҳамиятга эга бўлмаган юз минг йиллар ўтгандир»¹.

Маданиятнинг илк босқичларида, одамлар ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан кезларда аجدодларимиз жуда ночор ҳаёт кечирганлар. Улар табиат кучларига қарам бўлганлар. «Кишилар аввал бошда ҳайвонот олаmidан (торроқ маънода) қай тарзда ажралиб чиққан бўлсалар,— деган эди Ф. Энгельс,— улар тарихга ҳам худди шу тарзда қадам қўйганлар: улар ҳали ярим ҳайвон сингари яшаганлар, ҳали ёввойи бўлганлар, табиат кучлари олдида ҳали ожиз бўлганлар, ўз кучларини ҳали тушуниб етмаганлар; шунинг учун улар ҳайвонлар сингари камбағал бўлганлар ва ўз унумдорликлари жиҳатидан ҳайвонлардан унча юқори бўлмаганлар»².

Маданиятнинг тарихгача бўлган даврларида, ёввойилик ва варварликнинг қўйи, ўрта ва юқори босқичларида кишилар тропик ёки субтропик ўрмонларда турганлар, мевалар, ёғочлар, ил-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик таъланган асарлар, 3-жилд, 75-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 172-бет.

дизлар билан овқатланганлар, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштирганлар. Ф. Энгельс «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асарида «... ёввойилик — асосан табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштириш давридир; инсон сунъий равишда ҳосил қилган маҳсулотлар асосан бундай ўзлаштиришнинг ёрдамчи қуроллари бўлиб хизмат қилади. Варварлик — чорвачилик ва деҳқончилиكنи жорий қилиш давридир, инсон фаолиятининг ёрдами билан табиат маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш усуллари ни эгаллаб олиш давридир. Цивилизация — табиат маҳсулотларини янада ишлашни ўрганган даври, том маъноси билан сапоат ва санъат давридир»¹, — дейди.

Меҳнат туфайли, меҳнат қуроллари яшаш, моддий ва маънавий бойликларни яратиш асосида инсон киндиги ҳайвонникидан узилди, кишилик жамияти пайдо бўлди ва ривожланди. Жамият билан табиат ўртасидаги алоқадорлик заминида, инсоннинг фаол амалий фаолиятида меҳнат ётади. Маркснинг таърифига кўра, «Меҳнат, аввало, одам билан табиат ўртасида юз берадиган жараёндыр; одам шу жараёнда ўз фаолияти билан ўзи ила табиат ўртасида моддалар айирбошланишига воситачилик қилади, бу айирбошланиш тартибга солади ва назорат қилади. Одамнинг ўзи, табиат кучи сифатида, табиат моддасига қарама-қарши туради. Одам табиат моддасини ўз ҳаёти учун яроқли бўлган маълум бир шаклда ўзлаштириб олиш учун, ўз баданининг табиий кучларини: қўл ва оёқларини, бош ва бармоқларини ҳаракатга келтиради. Шу ҳаракат воситаси билан ташқи табиатга таъсир қилиб ва уни ўзгартириб, одам шу билан бирга, ўз табиатини ҳам ўзгартиради»². Кишилар моддий бойликлар яратиш, меҳнат қилиш асосида табиат кучларига таъсир этганлар, маданият тарихини, ижтимоий муносабатлар дунёсини яратишга муваффақ бўлганлар.

Тараққиётнинг энг қадимий босқичида кишиларнинг табиат кучларига қарши олиб борган курашдаги катта ғалабаларидан бири — оловни кашф этганликларидир. Ана шу кашфиёт туфайли овқат пишириш, ишлаб чиқариш қуроллари ни дурустроқ тайёрлаш, ваҳший ҳайвонлардан қўрқмасдан совуқ иқлимли жойларда ҳам яшаш имконияти туғилди. Темир тишли омондан фойдаланиш орқасида кенг миқёсда деҳқончилик иши билан шуғулланишга йўл очилди. Деҳқончиликнинг ривожланиши чорвачиликни юзага келтирди. Ана шуларнинг ҳаммаси одамнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиш жараёнини беҳад тезлаштирди.

Кишилар моддий пезматлар ишлаб чиқариш натижасидаги па ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққанлар, табиат кучларини енгиш ва маданиятни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Ҳайвонлар ва паррандалар ўсимликларни, ҳар хил гиёҳларни ейдилар, улар тирикчилик воситаларини табиатдан тайёр ҳолда оладилар. Шунинг учун ҳам улар табиатга мутлақо қарамдилар, табиатга

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жыллик тавланган асарлар, 3-жилд, 241-бет.

² К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 201-бет.

мослашадилар. Одам эса табиатга фаол таъсир кўрсатади. Меҳнат ёрдамида инсон табиат кучларидан ўз мақсади йўлида фойдаланади. Кишилар табиат буюмларини ўзгартириб меҳнат қуролиларини ва тирикчилик воситаларини тайёрлайдилар. Одамнинг ҳайвондан фарқ қиладиган муҳим томонларидан бири ана шунда.

Сиртдан қараганда баъзи бир ҳайвонлар меҳнат қилгандай бўлиб кўринади. Улар эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қуролидан эмас, балки ўзларининг табиий аъзолари — тирноқлари, қозиқ тишлари, ўткир кўзларидан фойдаланадилар. Бирорта ҳам ҳайвон ҳеч қачон, ҳатто энг оддий меҳнат қуролини ҳам яратган эмас. Меҳнат қуролини ясаш ва ундан фойдаланиш — бу фақат инсонга хос хусусиятдир. Меҳнат қуроли табиатнинг инсонга ҳадяси эмас, балки у инсон ақлий ва жисмоний меҳнатининг патижасидир.

Меҳнат кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Меҳнат туфайли одамнинг эҳтиёжи қондирилади. «Меҳнат жарасини... мақсадга мувофиқ қилинадиган фаолиятдир, табиат яратган нарсаларни киши истеъмоллари учун ўзлаштириб олишдир, киши билан табиат ўртасида моддалар алмашинишининг умумий шартидир, киши ҳаётининг абадий-табиий шартидир»¹.

Меҳнат, ишлаб чиқариш инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланишининг, унинг табиатдан ажралиб чиқишининг негизидир. Маркс ва Энгельснинг ибораси билан айтганда, инсонлар тирикчилик учун зарур воситаларни ишлаб чиқара бошлашлари биланоқ ўзларни ҳайвонлардан фарқ эта бошлайдилар. Меҳнат қилиш натижасида одам ўзининг табиий аъзолари фаолиятини ўзгартиради, мускуллари, пайлари, тоғайлари, оёқ ва қўллари ривожланади. Шунингдек одамнинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари ҳам ривожланади, мияси ва сезги аъзолари тараққий этади. Бешта сезги меҳнатнинг, ижтимоий муносабатларнинг, инсон амалий фаолиятининг маҳсулидир.

Инсон табиат фарзанди сифатида пайдо бўлган бўлса-да, лекин инсонга хос деб эътироф этилган хусусиятлардан бирортасини ҳам унга табиат берган эмас. Инсон туғилган вақтидаёқ онгга, нутққа, инсоний эмоцияларга эга бўлиши у ёқда турсин, ҳатто тикка оёқ босиб туриш, ўтириш, юриш-туриш, жилмайиш, фаҳмлаш, сўзлаш, фикр юритишни ҳам билмайди. Буларнинг ҳаммасига у жамиятга бевосита аралашини, таълим-тарбия олиш, меҳнат қилиш орқасида эришди.

Меҳнатнинг роли ва аҳамияти айниқса иккита нарсада кучлироқ сезилади. Биринчидан, инсон аждодлари организми меҳнат таъсирида биологик мавжудотга хос бўлган белгилардан ижтимоий мазмунга томон ўзгара бошлади. Тик юриш, қўл ва оёқ вазибаларининг фарқланиши, қўлнинг, бош миянинг ривожланиши меҳнат туфайлидир. Иккинчидан, меҳнат аниқ гапприш, алоқа ўрнатиш, ижтимоий тажриба орттириш, инсон онги, тил ва тафаккури пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ҳам асосдир.

¹ К. Маркс. Капитал. Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 208-бет.

Инсонда ҳеч қандай тугма ақл-идрок, онг йўқ. Одамнинг онг ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. Инсонга хос бўлган онг фақат меҳнат жараёнида ривожланади. Санъат, фан, маданият ва техника тараққиёти тарихи бизнинг барча фикрларимиз, ғояларимиз меҳнат жараёнида туғилганлигини ва ривожланиб борганлигини кўрсатиб турибди.

Кишилар ўрнатилган энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳам меҳнат билан бевосита боғлиқ. Тилнинг, нутқнинг, тафаккурнинг келиб чиқишидаги асосий омиллар устида фикр юритиб, Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Қўлнинг тараққий қилиши натижасида, меҳнат натижасида табиат устидан бошланган ҳукмронлик илгарига қараб босилган ҳар бир янги қадам сайин одамнинг билим даражасини кенгайтира борди. У табиат предметларида доимий равишда янги, шу вақтгача маълум бўлмаган хусусиятларни очиб берди. Иккинчи томондан, зарурят орқасида меҳнатнинг ривожланиши жамият аъзоларининг янада яқинроқ жипслашувига ёрдам берди... Қисқача айтганда, уюшган кишилар шу даражага етидиларки, уларда бир-бирларига *ниманидир айтиш эҳтиёжи* туғилди. Бу эҳтиёж ўзига керакли органик вужудга келтирди...»¹.

Инсонга хос бўлган барча хислат ва фаилатларнинг юзага келиши ва ривожланиши меҳнат билан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан узвий боғлиқ. Биргаликда қилинадиган ҳар қандай меҳнат кишиларнинг бир-бири билан муайян алоқа ва муносабатда бўлишларини тақозо этади. Кишилар ана шу алоқа ва муносабат асосида бир-бирларига ва табиатга таъсир этадилар.

Инсон меҳнат тўғрисида табиатдан ажралиб чиқди. У ўзининг маълум мақсадга қаратилган амалий фаолияти жараёнида табиатни беҳад ўзгартирди. Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида ўсимликларнинг шундай янги навлари ва ҳайвонларнинг табиат яратмаган зотлари яратилдики, буни кўриб ажабланмаслик мумкин эмас. Дунё харитасида янгидан-янги мамлакатлар, ўлкалар, вилоятларнинг пайдо бўлганлиги ва бўлаётганлиги, ер шарни флораси ва фаунасининг ўзгариб бораётганлиги, сув омборлари, тўғонлар, сунъий денгизларнинг пайдо бўлаётганлиги, қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилаётганлиги, сапоат корхоналарининг бунёд этилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси инсоннинг табиатга таъсири кучайиб бораётганлигининг муҳим кўрсаткичларидир. Ер шарининг, жаҳон океанининг инсон амалий фаолияти таъсири остида бирон-бир даражада ўзгармаётган нуқтаси деярли йўқ.

Инсон ўзининг ақл-идроки, фан ва техникаси ёрдамда озиқ-овқатнинг, қурилиш материалларининг, кийим-кечак учун ишлатиладиган матоларнинг, сунъий толарнинг табиат яратмаган янгидан-янги турларини ихтиро қилди ва қилмоқда. Инсоннинг табиатга таъсири ижтимоий тараққиётнинг бирон-бир босқичида

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар, 3-жилд, 73-бет.

ҳозирги даврдагидек бўлган эмас. Ҳозирги пайтда инсоннинг ишаш масқанининг табиий муҳити ўзгармоқда. Бу муҳит инсон цивилизацияси «танаси»нинг бир қисмига айланди. Бошқача айтганда, «иккинчи табиат» — инсоният маданий дунёси вужудга келтирилди, яъни шундай нарсалар ва жараёнлар вужудга келтирилдики, уларнинг табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлиши у ёқда турсин, ҳатто улар табиатнинг ўз кучлари таъсири остида ҳам пайдо бўлолмайди. Бундан эъдиликда табиат ўз мавжудлигининг объектив хусусиятини йўқотди, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Табиат илгарилари объектив ва бирламчи бўлганидек, ҳозир ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолаверади.

Юқорида айтилганлардан қўйидаги хулосага келиш мумкин: биричидан, инсон ва инсоният дунёси табиатдан ажралмасдир, унинг олий маҳсулидир, иккинчидан, кишини табиат вужудга келтирган бўлса, уни жамият, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар камол топтирди ва унга ижтимоий қиёфа берди, учинчидан, одамнинг ўзини ҳам, онгини ҳам меҳнат яратди ва ривожлаштирди, тўртинчидан, табиий муҳит инсон амалий фаолияти жараёнида беҳад ўзгариб, Маркс айтганидек, «инсоннинг аноргаик танаси»га айлацди.

2. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ, УЛАРНИНГ УЗВИЯ БОҒЛИҚЛИГИ ВА АЛОҚАДОРЛИГИ

Жамият табиатнинг алоҳида, яъни ўзига хос пайдо бўлиш, ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш қонунарига эга бўлган қисмидир. Жамият табиатнинг олий маҳсули, унинг бир бўлагидир. Кишилик жамиятини, одамни қақдайдир сирли, гайритабиий кучлар яратган эмас, балки у табиатнинг, моддий оламнинг миллион-миллион йиллар давомида амалга ошган тадрижий тараққиётининг қонуний маҳсулидир.

Кишилик жамияти табиат тараққиётининг маълум бир босқичида ҳайвонлар олами эволюцияси заминида инсонлар жамоаси келиб чиққан даврда юзага келган. Демак, жамият тарихи ва унинг тараққиёти одамсимон маймуналрдан ибтидоий одам ажралиб чиққан даврда бошлаб эмас, балки улар маълум жамоага бирлашиб меҳнат қилган, ишлаб чиқариш қуроладини яратган, маълум ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланган даврда бошланади.

Жамият тарихи — кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий муносабатлар тарихидир. Жамият ривожланиши эса шу муносабатларнинг ўсиши ва такомиллашиши шаклида бўлади. Жамият тарихи табиат ривожланиши тарихининг маълум бир давридан бошланади.

Шундай қилиб, инсон ва жамият табиатнинг ажралмас бир қисми бўлиши билан бирга, унинг алоҳида овгли қисмидир. Жамият ҳаммша табиат билан ўзаро алоқада бўлади. Инсон ҳар доим табиатнинг бағрида яшайди. Ф. Энгельс томонидан таъкидланганидек, «... биз жисмиимиз, қонимиз ва миамиз билан табиат-

пикимиз ва унинг ичида яшаймиз, унинг устидан ҳукм суришимиз шундан иборатки, биз бутун бошқа маҳлуқлардан фарқ қилиб, унинг қонунларини англаб оламиз ва улардан тўғри фойдалана биламиз»¹.

Инсон ҳеч қачон табиатдан ташқарида, у билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Табиат билан жамият, табиат билан инсон, табиат тарихи билан жамият тарихи диалектик бирликда, таъсир ва акс таъсирдадир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Алоҳида инсон ҳам, умуман жамият ва инсоният дунёси ҳам пазарий, жисмоний, амалий жиҳатдан табиат билан узвий алоқадорликда яшайди. К. Маркс «1844 йилги иқтисодий-фалсафий кўлэмалари»да жамиятнинг табиат билан алоқадорлигининг объектив хусусиятга хос эканлигини, одамнинг табиат билан тирикчилигини чуқур илмий далиллар асосида кўрсатади. Бу ҳақда у шундай дейди: «Амалий жиҳатдан одамнинг универсаллиги худди шу универсалликда намоён бўладики, у бутун табиатни одамнинг *жонсиз* жисмига айлантиради, чунки табиат, биринчидан, одам учун бевосита тирикчилик воситаси бўлиб, иккинчидан эса, унинг тириклик фаолиятининг материяси, предмети ва қуроли бўлиб хизмат қилади. Табиат, тўғрироғи — табиатнинг ўзи одам жисмидан иборат бўлмаган қисми доирасида у одамнинг *жонсиз жисмидир*. Одам табиат билан *тирик*. Демак, табиат одамнинг *жисмидир*, одам ўлмаслик учун шу жисм билан доимий алоқа жараёнида қолиши керак... чунки одам табиатнинг бир қисмидир»².

Табиат — табиий ресурслар манбаидир. Табиий ресурслар, яъни ёнилги, нафас олинadиган ҳаво, ичиладиган сув, ҳар хил металлар бўлмаса инсон ва жамият яшай олмайди, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни юксалтириб бўлмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг биринчи манбаи сифатида ҳам, соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас-туганмас манбаи сифатида ҳам ўзининг гоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Табиатнинг эпг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ер кишиларнинг озиқ-овқат омбори, унинг дастлабки меҳнат воситаларининг хазинасидир. Ер — инсон тирикчилигининг манбаи. Ерда инсон ўзи учун хазина ундиради. Ер инсонни боқади. Вильям Петти айтганидек, меҳнат бойлигининг отаси бўлса, ер унинг опасидир. Одамлар бир неча минг йиллар давомида унинг иссиқ бағрида унди, вояга етди. Инсоннинг кундалик ҳаёти ва севиқчлари ҳам Ер туфайлидир. Шундай экан, инсон учун гоят даражада муҳим ва зарур бўлган Ерни эъозламаслик мумкин эмас!

Кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариши учун муайян табиий шароитлар талаб қилинади. Табиатнинг жамият

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жыллик тавлаванган асарлар, 3-жилд, 80-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Сапъат тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1975, 1-жилд, 149-бет.

билап яқиндан алоқа боғлайдиган, унинг тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатадиган қисми табиий муҳит деб аталади. Ер ва ер ости бойликлари, дарёлар, об-ҳаво шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жойнинг рельефи ва бошқа шу қабилар табиий муҳитни ташкил этади.

К. Маркс «Капитал» асарида табиий муҳит жамият тараққиётига таъсир этувчи омил эканини ҳисобга олиб, ҳамма ташқи табиий шароитларни икки катта туркумга бўлади. Улардан бири тирикчилик воситаларидан иборат табиий бойликлар, яъни ернинг ҳосилдорлиги, сувда балиқнинг кўплигидан иборат бўлса, иккинчиси меҳнат воситалари (мавжуд шаршаралар, кема қатнайдиган дарёлар, дарахлар, металллар, кўмир ва бошқалар)дир. Унинг фикрича, маданиятнинг бошланғич даврида ташқи табиий шароитларнинг биринчи хили, жамият тараққиётининг юқори босқичида иккинчи хили ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Табиий шароит жамият тараққиётига икки хил таъсир кўрсатади. Маълумки, тирикчилик воситалари ва табиий манбаларга бой бўлган мамлакатларда яшовчи халқлар ўз тирикчиликлари учун зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлашда маблағ ва кучни бундай табиий қулайликларга эга бўлмаган халқларга қараганда анча кам сарфлайдилар. Қулай табиий шароитлар жамият тараққиётига маълум даражада ёрдам беради. «Қондирилиши мутлақ зарур бўлган табиий эҳтиёжларнинг миқдори нақадар кам бўлса, ернинг табиий ҳосилдорлиги нақадар кўп бўлса ва иқлим нақадар қулай бўлса, ишлаб чиқарувчи ҳаётининг сақлавиш ва такрор ҳосил қилиниши учун зарур бўлган иш вақти шунча кам бўлади. Демак, унинг бошқаларга кетадиган ортиқча меҳнати унинг ўзига кетадиган меҳнатга нисбатан шунча кўп бўлиши мумкин»¹,— деган эди К. Маркс. Аксинча, табиий шароит ноқулай бўлиб, кишиларнинг асосий вақти, маблағ ва меҳнати тирикчилик воситаларини яратишга кўпроқ сарф бўлса, у ҳолда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари нисбатан секинроқ ривожланади. Ноқулай табиий шароит жамият тараққиётига бирмунча салбий таъсир кўрсатади.

Агар одамлар табиий шароитлар билан чекланиб, барча тирикчилик воситаларини табиатдан тайёр ҳолда олганларида (бундай бўлиши мумкин эмас, албатта) жамият тараққиёти жуда секин ривожланган бўларди, одамларда тараққиётга интилиш, меҳнат қуролларини ривожлантириш, табиат кучларига қарши курашиш зарурияти ҳам бўлмасди. Шунинг учун ҳам К. Маркс қулай табиий шароитларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари борлигини кўрсатиб, «Бениҳоя сахий табиат кишини, худди ёш боладек, қўлидан етаклаб боради»²,— деган эди.

Турли тарихий шароитларда табиий шароитларнинг жамият тараққиётига таъсири айнан бир хил бўлган эмас. Ибтидоий жа-

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 565-бет.

² Уша жойда, 566-бет.

моа тузумида одамлар ўзларини қуршаб олган табиатга бутунлай қарам бўлганлар. Улар табиатни эмас, балки табиат уларни ўзига бутунлай бўйсундирган. Чунки ҳали бу даврда фан-техника ўсмаган, маданият ривожланмаган, меҳнат қуроллари оддий бўлган. Шунинг учун ҳам одамларнинг ҳаёти табиий шароитлар қулайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Бошланғич даврда одамлар шунинг учун ҳам дарё бўйларида, тоғ-ёнбағирларида, тупроғи серҳосил жойларда, ўрмонлари ва ҳайвонот дунёси сероб бўлган жойларда яшашга ҳаракат қилганлар.

Қадимги даврларда тирикчилик воситаларининг табиий манбаларига бой бўлган жойлар жамият тараққиётига катта қулайлик туғдирган. Шунинг учун ҳам Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Урта Осиё, Закавказье, Урта Ер денгизи ҳавзаларининг маҳсулдор ерлари маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Маданиятнинг ибтидоий жамоа тузумидан кейинги юқори босқичларида одамларнинг табиатга бўлган таъсири анча кучайиб, табиат ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари анча келгайди. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарувчи кучларнинг, фан, техника ва маданиятнинг ривожланиб борганлигидадир.

Буржуа социологиясида географик детерминизм деб аталган назария кенг тарқалган бўлиб, унда айтилишича, жамиятнинг иқтисодий тузумини ҳам, унинг ижтимоий ва сиёсий тузилишини ҳам белгилайдиган нарса географик муҳитдир. Масалан, Монтескье «Қонулар руҳи тўғрисида» деган асарида капиталистик мамлакатлардаги миллионларча омманинг бошига тушаётган азоб-уқубатларнинг асл сабаби буржуазия зулми эмас, балки табиий сабаблардир дейди. Иқлим ҳукмронлиги,— деб сўзини давом эттиради у,— ҳамма ҳукмронликдан кучлироқдир. Бироқ географик детерминизм оқими нима учун бир хил табиий шароит мавжуд бўлгани ҳолда баъзи мамлакатлар тезроқ ривожланади-ю, баъзилари секинроқ ривожланади? деган масалаларни тушултириб бера олмайди.

Марксизм асосчилари табиий шароитлар ижтимоий тараққиётнинг боришини тезлаштириши, унга туртки бериши, ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, лекин жамиятнинг қиёфасини, ижтимоий тузумнинг хусусиятини, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишни белгилаб берувчи куч бўлолмайди, деб тушунтиради. Чунки жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши табиий шароитларнинг ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади. Табиий шароитларнинг сезиларли даражада ўзгариши учун миллион-миллион йиллар керак бўлса, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар бўлиши учун қисқа бир тарихий муддат кифоя қилади.

Европада географик шароит бундан 3 минг йил олдин қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам деярли ўшандай. Бироқ шу йиллар ичинда Европадаги давлатлар, халқлар ва миллатларнинг ҳаётида шу қадар кўп ва хилма-хил ўзгаришлар бўлди ва бўлмоқдаки, уларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиш асло мумкин эмас. Мамлакатимизда Октябрь социалистик инқилобидан кейин рўй берган

буюк ўзгаришлар жамият ҳаётида содир бўладиган ҳар қандай ўсиш, ўзгариш ва ривожланишларнинг географик муҳит ўзгаришига нисбатан тезроқ амалга ошишини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: 1. Инсоннинг табиат билан алоқаси Ерда инсон пайдо бўлган вақтларданоқ юзага келган бўлиб, бу зарурий объектив алоқадорлик ўз аҳамиятини бундан кейин ҳам ҳеч қачон йўқотмайди. 2. Табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорлик, жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятдир. 3. Жамият билан табиатнинг объектив алоқадорлиги, табиий шартитларнинг жамият таракқиётига кўрсатадиган таъсири жаҳондаги айрим бир халқлар ва мамлакатларга тааллуқлигига бўлиб қолмай, балки бутун инсоният учун, барча жамиятлар ва ижтимоий-иқтисодий формациялар учун бир хилда умумийдир. 4. Табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий, абадий ва зарурий шартидир.

3. ЭКОЛОГИК МУАММО ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙУЛЛАРИ

Одам пайдо бўлган даврдан то ҳозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни батамом ўзгартириб юборди. Кейинги минг йилликлар давомида инсон меҳнат фаолияти натижасида Ер шари юзаси, иқлими, ўсимлиги, ҳайвонот дунёсининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Эътироф этиш керакки, инсоннинг истиқболни ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, кўр-кўрона қилмишлари туфайли табиат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Ҳар хил космик чағлар, иссиқлик электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, радиоактив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Бундай даҳшатли ҳодисалар дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида тез-тез бўлиб турибди. Атроф-муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларнинг, дарё ва кўллардаги, сув омборлари ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер устининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса цивилизация ҳалок бўлиши мумкин дейишмоқда. Совет академиги А. Е. Ферсманнинг фикрича, агар атмосфера таркибидаги карбонат ангидрид миқдори 2 баравар кўпайса, бу нарса ер юзидаги ҳароратнинг 4 даража кўтарилишига олиб боради. Унинг ҳисобича, бу воқеа 500 йилдан кейин содир бўлиши керак.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, кўллар, шимолий Қутб музликлари, денгизлар, сув омборлари ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овқат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги вақтда инсон цивилизация-

си қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн миллион тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушади. Сапоат чиқиндиларидан, транспорт ҳаракатидан, нефть маҳсулотларидан ҳосил бўлаётган қўйқа ёғлардан, захарли гаалардан жаҳон океанлари озор чекмоқда, натижада қўшлар ва балиқлар қирилмоқда.

Инсон ўзининг 20 асрлик хўжалик фаолиятида 72 ҳайвон турини бутунилай йўқ қилиб юборди. Ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам турон йўлбарси, йўлли сиртлон каби ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Оққуйруқ, қорақулоқ, Устюрт қўйлари, жайрон, Бухоро бугуси, оқтирпоқли кўнғир айиқ кабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди.

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё саҳроси марказидаги энг буюк сув ҳавзаси — Орол денгизининг тақдири кўпчиликни ташвишга солмоқда. Инсоният тарихи ҳалигача чорак аср давомида бир авлод одамларининг кўз ўнгиде акваторияси 6 миллион гектардан зиёд ва чуқурлиги 69 метргача бўлган денгизнинг ер юзидан ғойиб бўлиб кетганлиги мисолини билган эмас эди. Бугунги кунда Орол денгизи қарийб ярмигача қуриб бўлди. Суви кетиб қолган жойларда 2 миллион гектарга яқин қум ва туздан иборат саҳролар пайдо бўлди. Бир вақтлар йирик порт ва балиқчилик саноати маркази бўлган Мўйноқ денгиздан 35 километр ташқарида бепойн саҳрода жойлашган шаҳарга айланди.

Денгиз сатҳининг пасайиши, сув запасларининг минераллашуви, чанг-тўзон ва тузнинг кўпайиши туфайли кейинги йилларда дельтадаги минглаб гектар яшил тўқайзорлар, қамишзорлар қуриб кетди, кўплаб турдаги ҳайвонлар, қўшлар, чучук сувда яшайдиган балиқлар йўқолиб бормоқда. Истиқбол эса бундан ҳам аянчли.

Катта-катта экип майдонларини Орол атрофидан учиб келаётган қум ва тузлар қоплаб олмоқда. Кескин равишда кўпайиб бораётган қум ва чанг бўронлари чорвачиликка ҳам хавф солмоқда. Ҳосил бўлган қум барханлари йилига бир километрга тезликда жануб томон босиб келмоқда. Денгизнинг захарли нафаси Орол бўйидагина эмас, Бухоро, Навоий, Самарқандда ҳам сезилмоқда. Оқибат натижада аҳолининг сиҳат-саломатлиги жиддий равишда ёмплашиб бормоқда. Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллардаги аҳоли истётмоқ қиладиган ичимлик суви таркибида ўғитлар, турли-туман туаларнинг миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шамоқ учириб келаётган қум ва чанг зарралари йилига 50 миллион тоннани ташкил этмоқда.

Орол денгизининг бугунги қисмати табиат томонидан инсонга қилинаётган катта огоҳлаштиришдир. Орол тақдири учун авлодлар олдида, тарих олдида жавобгармиз. Оролнинг тақдирига ҳеч ким бефарқ қараши мумкин эмас. Оролнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайдди. Уни қутқариб қолишни халқимиз манфаати, бутун инсоният манфаати тақозо этади. Оролни сақлаб қолиш масаласи нафақат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ма-

сала, балки долзарб маънавий масала ҳамдир. Буни эътибордан четда қолдириш асло мумкин эмас.

Жамиятнинг табиатга таъсири ҳамisha онгли, мақсадга мувофиқ, оқилона бўлиши керак. Агарда бунинг аксича бўладиган бўлса, табиат инсондан жуда қаттиқ ўч олиши, қўлга киритган барча ютуқларини ер билан яксон қилиб юбориши ҳеч гап эмас. Ф. Энгельс томонидан огоҳлантирилганидек, «табиат устидан қилган ғалабаларимиздан ортиқ талтайиб кетмайлик. Бундай ҳар бир ғалаба учун у биздан ўч олади. Дуруст, бу ғалабаларимиздан ҳар биттаси бириинчи навбатда биз мўлжаллаган натижалари беради, лекин иккинчи ва учинчи навбатларда бутунлай бошқа, кутилмаган, кўп вақтда бириинчисининг аҳамиятини йўқотадиган натижаларни беради... бизлар ҳеч қачон табиат устидан забт этувчининг бегона халқ устидан ҳокимлик қилгани каби ҳокимлик қила олмаймиз, табиатдан четда бўлган бирор кимса сингари ҳокимлик қила олмаймиз»¹.

Ҳақиқатан ҳам табиатга нотўғри муносабатда бўлиш, унинг қонуниятларини эътиборга олмасдан туриб иш тутиш кутилмаган натижаларга олиб келиши, ҳатто бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. К. Маркс таъкидлаганидек, маданият агарда онгли тарзда бошқариб турилмасдан стихияли равишда ривожланса, ҳамма ёқни тап-тақир чўл қилади, қўяди. Бошқача айтганда, инсоннинг табиатга нисбатан ҳар бир нотўғри хатти-ҳаракати албатта жавоб реакциясига сабаб бўлади.

Айтилганлардан кўришиб турганидек, табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг энг ўтқир ва долзарб умумбашарий муаммоларидан бирidir. Бунинг маъноси нимадан иборат? Табиатни муҳофаза қилиш — инсониятнинг эртанги куни ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бу — ер юзидаги барча инсоният учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган сайёрамизнинг тақдири тўғрисида жон куйдириш, уни тинч-тотув сақлаб қолиш демакдир! Бу — инсонни боққан ва ўстирган, барча ноз-неъматлар манбаи бўлган ерни севиш ва ардоқлаш, унинг касалланиб яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун зарур бўлган меҳнат, куч-ғайрат, ақл-идрок ва маблағни аямасликдир. Шунинг учун ҳам бу шарафли ва олижапоб ишдан ўзини четда тутадиган биронта ҳам инсон, биронта ҳам халқ, элат ва миллат, бирон-бир ижтимоий-иқтисодий формация бўлиши мумкин эмас.

Олдимизда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаси кескин бўлиб турибди. Ишлаб чиқаришни режали равишда ташкил этадиган ва инсонпарварлик дунёқарашига эга бўлган адолатли тузум жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга уйғунлик бахш этишга қодир. Ер ва ер ости бойлиқларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвотот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда оқилона фойдаланиш, ҳазво ва сувни тоза сақлаш, табиат бойлиқларини узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, атроф-му-

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, 152—153-бетлар.

хитни яхшилаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш адолатли жамиятнинг умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муаммоларидир.

Табиий муҳитни муҳофаза этишти, ёки бошқача айтганимизда, экологик хавфсизликка алоҳида эътибор беришни пайсалга солиб бўлмайди. Бу соҳадаги ҳозирги аҳвол таҳликали бўлиб турибди. Вазият зудлик билан ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Агар биз ўзимиз яшайдиган муҳит билан ҳозирдан шуғулланмасак, бошимизга яна кулфат орттиришимиз мумкин. Бундай кулфат остонага келиб қолди, айтиш мумкинки, биз у билан тўқнашиб турибмиз. Табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари атмосфера ва сув муҳитини муҳофаза қилиш, ердан ва ер ости бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, минерал хом ашёни муҳофаза қилиш, дарёлар ва ўрмонларни, ҳайвонот дунёсини авайлаб-асраш ва бошқа шу кабилардан иборатдир.

Х БОБ. ЖАМИЯТ ВА УНИ ФАЛСАФИЙ АНГЛАШ АСОСЛАРИ

1-§. ЖАМИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МАЪНОСИ

Кишиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда жамиятнинг келиб чиқини ва ривожланиш қонуниятларини фалсафий нуқтаи назардан англаб олиш жуда катта аҳамиятга эга.

Фалсафа ва социологияда жамият кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода бу тушунча табиатдан ажралиб чиққан моддий дунёнинг бир таркибий қисми, ўз-ўзидан ривожланиб турадиган кишилар ҳаётини фаолиятларининг мажмуини ифодалайди, тор маънода у кишилик тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий системанинг аниқ типини (капиталистик жамият ва шунга ўхшаш)ни англатади.

Кишилик жамияти ўзига хос ижтимоий организм бўлиб, моддий ишлаб чиқариш алоқалари, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланади.

Кишилик жамияти табиат тадрижий тараққиётининг муайян бир босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси. Кишилик жамияти тараққиётини оламда рўй бераётган умумий диалектик жараённинг муҳим бир таркибий қисмини ташкил этади ва у табиатда рўй бераётган диалектик ривожланиш билан бевосита боғлангандир.

Табиат тараққиётининг олий маҳсули бўлган жамиятни кишиларнинг фаолияти яратади, шу билан бирга одамнинг ўзини ҳам тарихнинг, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маҳсулидир. «Жамият,— деб ёзган эди К. Маркс П. В. Анненковга 1846 йил 28 декабрда ёзган хатида,— кишиларнинг бир-бирларига таъсир қилишларининг маҳсулидир. Кишилар жамиятнинг бирор шаклини ўз хоҳишлари билан танлай оладиларми? Асло танлай олмайдилар. Агар кишиларнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишидаги муайян босқични олиб қарасангиз, айирбошлаш... ва

истеъмолнинг муайян шаклини кўрасиз. Агар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол тараққиётининг муайян босқичини олиб қарасангиз, муайян ижтимоий тузумни, онла, табақа ёки синфларнинг муайян равишда уюшувиши, ҳуллас, муайян гражданлик жамиятини кўрасиз. Агар муайян гражданлик жамиятини олиб қарасангиз, гражданлик жамиятининг фақат расмий ифодасигина бўлган муайян сиёсий тузумни кўрасиз»¹.

Кишилик жамияти одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти асосида вужудга келган. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўзаро муайян ижтимоий алоқа ва муносабатда бўладилар. Бу алоқа ва муносабатлар барча ижтимоий муносабатларнинг, шу жумладан кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатларнинг ҳам асосидир. Ана шуларни ҳисобга олиб К. Маркс жамиятга қўйидагича таърифни беради: *«Ишлаб чиқариш муносабатларининг жами ижтимоий муносабатлар деб аталадиган нарсани, жамият деб аталадиган нарсани вужудга келтиради, вужудга келтирганда ҳам тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган жамиятни... вужудга келтиради»*².

Кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ҳаётининг асосини ташкил этади. Бошқача айтганда, моддий неъматлар ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ҳаёти барча томонларининг мазмунини белгилайди. Шунинг учун барча ижтимоий муносабатлар ичида энг асосийси, сиёсий ва ҳуқуқий устқурма учун ҳақиқий базис бўладиган, ижтимоий онг шакллари белгилайдиган муносабатлар — моддий муносабатлардир. «Мафкуравий муносабатлар,— деган эди В. И. Ленин,— моддий муносабатлар устидаги устқурмадангина иборат бўлиб, бу моддий муносабатлар кишининг иродаси ва онгидан ташқари... вужудга келади»³. Моддий муносабатлар сингари мафкуравий ва бошқа муносабатлар ҳам объектив равишда мавжуд бўлади, объектив қонунларга кўра ривожланади, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг объектив шароитлари сифатида намоён бўлади.

Материалистик фалсафа жамиятга мавҳум, ғайритарихий қарашга, яъни уни вақт билан ва унинг ўзи турган муайян тараққиёт босқичи билан боғланмаган ҳолда изоҳлашга асосланган метафизик тушувиши кескин танқид қилиб, умуман жамият йўқ ва бўлмайди, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамият мавжуддир, деб ҳисоблайди. Жамият тараққиёти зарурий, қонуний жараён бўлиб, бу тараққиёт кишилар иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонунлар асосида амалга ошади. «Дарвин, ҳайвонот ва ўсимликларнинг турлари ҳеч нарса билан боғланмаган, тасодифий, «худо яратган» ва ўзгармас турлардир, деган қарашга хотима бериб, турларнинг ўзгарувчанлигини ва улар ўртасидаги ирсиятни

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тапланган асарлар, 1-жилд 572-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тапланган асарлар, 1-жилд, 164-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 160—161-бетлар.

аниқлаб, биологияни биринчи марта тамоман илмий асосга қўйгани сингари,— деган эди В. И. Ленин.— Маркс ҳам, жамият индивидларнинг бошлиқлар иродасига қараб... ҳар қанақасига ўзгартирса бўлаверади, тасодифий пайдо бўлиб, тасодифий ўзгариб турадиган механик агрегатидан иборат, деган қарашга хотима берди ва ижтимоий-иқтисодий формация тушунчасининг маълум ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуидан иборат эканлигини, бундай формацияларнинг тараққиёти табиий-тарихий жараён эканлигини аниқлаб, социологияни биринчи марта илмий асосга қўйди»¹.

Жамият қотиб қолган эмас. Инсоният сингари ҳар бир алоҳида жамият ҳам кишилар иродаси, истагидан қатъи назар, ўзига хос объектив қонушларга биноан ривожланади, эскиси янгиси билан алмашади. Инсоният жамияти ўтмишдан келажакка томон юксалиб, илгарилаб бораверади. Жамият тараққиёти асосини меҳнат, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларга мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади. «Кишилар ўзларининг бутун тарихларининг асосини ташкил қиладиган *ишлаб чиқарувчи кучларини* ўз хоҳишлари билан танлай олмаслиқларини гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ, чунки ҳар қандай ишлаб чиқарувчи куч қўлга киритилган кучдир. илгариги фаолият маҳсулдир. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучлар — кишиларнинг амалий куч-гайратининг натижасидир, лекин бу куч-гайратнинг ўзини кишилар яшайдиган шароит, илгари қўлга киритилган ишлаб чиқарувчи кучлар, шу кишилардан олдин мавжуд бўлган, улар яратмаган, балки илгариги авлод яратган ижтимоий форма белгилайди... Кишиларнинг моддий муносабатлари уларнинг ҳамма муносабатларининг асосини ташкил этади...»²,— деган эди К. Маркс. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усули ўзгарса, унинг тарихий бир типи ўрнида бошқаси юзага келса, унга мувофиқ равишда жамият ҳам ўзгаради. Кишилар янги ишлаб чиқарувчи кучларни ҳосил қила борганлари сари ўзларининг ишлаб чиқариш усуллари ҳам ўзгартира борадилар.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг маълум босқичига мувофиқ келадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси ҳар бир жамиятнинг иқтисодий негизини, моддий-техника базасини ташкил қилади. Бирор тарздаги ижтимоий тузумнинг пайдо бўлиши, кишилар ўртасидаги муайян ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши учун тегишли моддий-техника база бўлиши зарур. Уни муайян ишлаб чиқариш воситалари (биринчи галда меҳнат қуроллари), ишлаб чиқариш усули, меҳнатни ташкил этиш даражаси ҳамда жамият иқтисодиётини ташкил қилиш, техник жиҳатдан қайта қуришга қодир бўлган йирик машина саноати тавсифлаб беради. Жамиятнинг моддий-техника базаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг таркибий қисми бўлиб, иш кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан муайян ша-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 149-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик ташланган асарлар, 1-жилд, 572—573-бетлар.

қлда қўшилишини тақозо этади. Ҳар бир жамият ишлаб чиқариш техникасини олға силжитиш билан ўзига хос моддий-техника базасини вужудга келтиради. Ана шу база у ёки бу жамиятда мавжуд ижтимоий тараққиёт имкониятларини амалга оширишга ёрдам беради.

Инсониятга маълум бўлган барча жамиятнинг ҳар бири ўзига хос бўлган моддий-техника базасига эга. Уларнинг моддий-техника базаси бир-биридан сифат жиҳатдангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Тош ва ёғочдан ясалган қўпол қуроллар ишлатиш, ёйнинг ихтиро қилиниши ва ов қилиш, оловдан фойдаланишнинг кашф этилиши, темирдан фойдаланишнинг ихтиро қилиниши, металлдан меҳнат қуроллари яшаш ва бошқа шу қабилар ҳаммаси ибтидоий жамият моддий-техника базаси учун характерлидир. Бир оз такомиллашган меҳнат қуролларидан деҳқончилик, ҳувармандчилик ва қурилиш ишларида фойдаланиш, оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган барча соҳаларда қўл меҳнатида шафқатсизларча фойдаланиш қўлдорлик жамиятининг моддий-техника базаси учун хос белгилардир. Шамол ва сув тегирмонларидан фойдаланиш, металлларни эритиш ва уларни қайта ишлаш йўлларини яхшилаш феодал жамиятига тааллуқли моддий-техника базадир. Йирик машинали ишлаб чиқариш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш — буларнинг ҳаммаси капитализм моддий-техника базасини вужудга келтириш ва ривожлаштириш учун замин яратди. Маълумки, капитализм навбатдаги жамият учун моддий замин тайёрлайди. Лекин шунга қарамастан кейинги жамият ҳам ўзининг ривожланиши жараёнида моддий-техника база яратади. Бу моддий-техника база индустриаллаштириш, мамлакатни электрлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳар томонлама фойдаланиш асосида вужудга келади ва ривожлана боради.

Иқтисодий муносабатлар жамият маънавий ҳаётини, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик муносабатларини белгилайди. Синфлар, миллатлар, давлат, сиёсий партиялар, турли уюшмалар, жамиятлар, касаба уюшмалари, диний муассасалардан иборат бўлган жамият сиёсий ташкилотининг моҳиятини ва фаолиятини йўналишини жамиятдаги ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти белгилайди.

2-§. ЖАМИЯТ ҲАҚИДА УТМИШДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Ўтмиш мутафаккирларидан кўпчилиги жамиятнинг ижтимоий тузумини, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдилар-у, ammo тарихни материалистик асосда тушува олмаганликлари туфайли ижтимоий воқеаларнинг ҳақиқий сабабини, жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш йўлларини кўрсата олмадилар. Улар «кишиларнинг тарихий фаолиятининг

ғоявий сабаблариниғна текшириб, бу сабабларнинг нимадан келиб чиқишини текширмас эди, ижтимоий муносабатлар системасининг тарққиётидаги объектив қонуниятни пайқамас эди, шу муносабатлар илдизини моддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражасидан қидирмас эди»¹. Масалан, Гегелнинг кўрсатишича, жамиятнинг тарихий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва снәсий ўзгаришларнинг асосий сабаби «мутлақ ғоя»га боғлиқдир. У ўзининг «Фалсафа тарихи» асарида «мутлақ ғоя» кишилиқ жамияти тарихини ҳаракатга келтирувчи куч, деб кўрсатади. Гегель очиқдан-очиқ оламни худо идора қилади, бу идора қилишнинг мазмуни бутун олам тарихидир, деган эди. Шунингдек у буюк кишилар, саркардаларни бутун олам руҳининг ишончли кишилари ва халқларни бошқарувчилардир, деб билди. Табиат масалаларида бўлгани сингари жамият масалаларида ҳам у объектив идеализм нуқтаи назарида туради. Табиат ва жамиятнинг тараққиёти ҳам, ижтимоий муносабатлар тараққиёти ҳам руҳ тараққиётидан келиб чиқади, деган қараш Гегель фалсафасининг асосий ғоясини ташкил этади.

Гегелнинг идеалистик фикрларини таҳлил қилиб Ф. Энгельс қуйидагиларни ёзган эди: «Гегель идеалист эди, яъни унинг назарида бизнинг миғиздаги фикрлар воқеий буюмлар ва жараёнларнинг озми-кўпми мавҳум ипъикослари эмас эди, балки, аксинча, буюмлар ва уларнинг тараққийси, Гегель назарида, одам ҳали вужудга келмасдан илгари аллақердадир мавжуд бўлган қандайдир «ғоянинг» фақат мужассамлашган ипъикослари эди, холос. Шундай қилиб ҳамма нарса тўнтарилиб боши билан қўйилган эди ва дунёдаги ҳодисалар ўртасидаги ҳақиқий боғланиш бутунлай бузиб кўрсатилган эди... Гегель системаси ўзлигича чала тутилган каттақон бир бола эди, лекин бу охириги бола эди»².

Жамият тараққиёти сабабларини идеяга боғлаб тушувтириш, дунёни ақл идора қилади, деб ҳисоблаш фақат Гегель таълимоти учушига эмас, балки Фейербах фалсафасига ҳам хос хусусиятдир. Табиатни тушувишда Фейербах материалист бўлса, жамият масаласида эса метафизик. Ф. Энгельснинг кўрсатишича, тарих Фейербахнинг назар-этиборидан четда қолган; тарих масаласида у ҳеч қачон материалист бўлган эмас, ундаги материализм билан тарих бир-бирдан тамомила ажратиб ташланган.

Фейербах жамият тараққиётини динга боғлиқ деб билди ва уни диний тараққиётдан келтириб чиқармоқчи бўлди. У «Христианликнинг моҳияти» деган асарида жамият тарихида рўй берган барча ўзгаришлар диний таълимотлар, қарашлар ўзгаришидан келиб чиқади, деган фикрни илгари суради. Динни такомиллаштириш ёки янги бир дин ўйлаб топиш, Фейербахнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш йўли ҳисобланади.

Фейербах одамни ижтимоий мавжудот, барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи деб эмас, балки физиологик, биологик зот

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 63-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 21-бет.

деб тушунар эди. У ижтимоий мuposабатларни кескин равишда ўзгартаришда инсоннинг фаол амалий фаолияти ролини англаб етмади. Фейербах табиатга ва одамга бор кучи билан ёпишди. Лекин у айтган табиат ҳам, одам ҳам қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Ф. Энгельс ибораси билан айтганда, у ҳақиқий табиат тўғрисида ҳам, ҳақиқий одам тўғрисида ҳам муайян бир фикр айтмайди.

Фейербах материализмининг тор ва тарихий чекланганлигини унинг, орқага қайтганимда тамомла материалистлар билан биргамаи, олдинга борганимда улар билан бирга эмасми, деган сўздан ҳам билиб олдиш мумкин. Дарҳақиқат, у жамият ва унинг ривожланиши масалаларини тушуниб өтишда ҳеч ҳам «олдинга» кетмади.

Ўтмишдаги материализм каби Фейербах материализмининг ҳам асосий камчилиги — мушоҳадага асосланганлигидир. К. Маркснинг «Фейербах тўғрисида тезислари»да таъкидланганича, «Бундан аввалги материализмининг — шу жумладан Фейербах материализмининг ҳам — асосий камчилиги шундан иборатки, нарсав, воқелик, ҳиссиёт *кишининг ҳиссий фаолияти, амалиёт* тарафда эмас, субъектив тарафда эмас, балки *объект* шаклида ёки мушоҳада шаклида олиб текширилади»¹.

Фейербах материализми тор, пonzичил, бир ёқлама ва мукамал эмаслигига қарамай, унда тарихий материализмининг «қуртаклари» борлигининг ўзи (Ленин) катта аҳамиятга эгадир. Фейербах материализмининг «асосий мағзи», яъни унинг материянинг бирламчилиги ва онининг иккиламчилиги тўғрисидаги таълимоти материалистик фалсафанинг олдинга кетишида катта роль ўйнади. Фейербах гегелчилик касали ижтимоий фикр соҳасида ҳукмронлик қилаётган бир шароитда материализм ҳуқуқини қайта тиклашда хизмат қилди. У Гегель таълимотига қарши чиққан бўлса ҳам уни таъқидий снга олмади, енгилшга қодир ҳам эмас эди.

Ўтмишда яшаган социологлар орасида жамият ҳақидаги фанга илгор гонлар қўшган бир қатор олимлар ҳам бўлган. Тарихий тараққиёт қонуларини тўғри тушуниш соҳасида Уйғониш даврининг тарихчилари — Тьерри, Гизо, Минье ва бошқалар марксизмга қадар бўлган социологлар орасида анча олға кетдилар. Улар жамиятнинг синфларга бўлиниши, бу синфлар ўртасида бораётган кураш ва унинг сабаблари ҳақида айрим тўғри фикрларни ўртага ташлаган эдилар. К. Маркс «Буржуа тарихчилари синфлар ўртасидаги шу курашнинг тарихий ривожланишини, буржуа иқтисодчилари эса — синфларнинг иқтисодий анатомиясини менга қадар анча илгарч баён қилиб ўтган эдилар»², деганда, шубҳасиз, Уйғониш даври тарихчиларини назарда тутган эди.

Жамият тараққиёти қонуларини маълум даражада тўғри изохлаш соҳасида руе инқилобий демократлари марксизмдан

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдик танланган асарлар, 1-жилд, 1-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдик танланган асарлар, 1-жилд, 583-бет.

олдпги барча тарихчи ва соцвологлардан анча ўзиб кетдилар. Уларнинг тарихий ривожланиш тўғрисидаги қарашлари синфий кураш руҳи билан сугорилгандир. Тарихий шахслар, улуғ арбобларнинг ҳаракати кенг омма билан боғланган тақдирдагина, — деб таъкидлаган эди рус инқилобий демократлари, — юксак натижаларга олиб келиши мумкин. Уларнинг фикрича, халқ — тарихнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Шунинг учун улар маълум деҳқонлар инқилобига умид боғлаб, деҳқонларни бўлажак жамият ғалабасини амалга оширадиган ягона куч, деб билдилар. Лекин пролетариатнинг жамиятни инқилобий асосда ўзгартирувчи ва социалистик жамиятга ўтишни таъминловчи асосий куч эканлигини рус инқилобий демократлари ҳам тушуниб етмаган эдилар. Чунки бу даврларда Россияда пролетариат айтарли йўқ эди, саноат ривожланмаган эди, деҳқонлар эса мамлакатда кўпчиликни ташкил этар эди. Шунинг учун ҳам рус инқилобий демократлари деҳқонларнинг мафкурачилари бўлиб қолган эдилар.

Рус инқилобий демократларидан Белинский, Чернишевский, Герцен, Добролюбов, Огарёв, Писарёв диалектик материалист даражасига бориб етдилар. Бироқ улар диалектиканинг қонуни ва категорияларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда, тарихни илмий, материалистик асосда тушунишда бир қатор камчиликларга йўл қўйдилар. В. И. Ленин Герценнинг фалсафий қарашларини таърифлаб, бундай деб ёзган эди: «XIX асрнинг 40- йиллари давридаги крепостной Россияда у шундай юксакликка кўтарила олдики, ўз замонасининг энг улуғ мутафаккирлари даражасига етди. У Гегель диалектикасини ўрганди. Бу диалектика «инқилоб алгебраси» экаплигини тушунди. У Гегелдан ўтиб, Фейербах излаб материаллизм сари борди... Герцен диалектик материализмга жуда ҳам яқинлашиб, тарихий материализмга келиб тўхтади»¹. XIX аср ўрталарида Россиядаги ижтимоий муносабатларнинг етук бўлмаганлиги рус инқилобий демократларнинг эътиборини деҳқонларга қаратишга олиб келди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, асарларидан синфий кураш руҳи барқ уриб турган Н. Г. Чернишевский ҳам бундай хатоликлардан холи эмас эди.

В. И. Ленин рус инқилобий демократларнинг жамият ҳаётига қарашда йўл қўйган камчиликлари ва нуқсонларининг тарихий илмизлари, манбаларини чуқур таҳлил қилиб берди. «...Рус ҳаётининг қоқоқлиги орқасида, Чернишевский Маркс ва Энгельснинг диалектик материализми даражасига кўтарила билмади, тўғриси: кўтарила олмади»², — деган эди у.

Шундай қилиб, жамият ва унинг тараққиёти қонунилари ҳақида марксизмга қадар қилинган ишлар жамиятни тўғри, илмий тушуниш йўлини излашдан ва унга яқинлашишдангина иборат эди, холос. Бу ҳали илмий назария, тарихий жараёнга бир бутун, мукамал, мунтазам қараш эмас эди. «Марксгача бўлган «соцно-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 21- жилд, 292- бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18- жилд, 431- бет.

логия» ва историография жуда нари борганда парча-парча қилиб олинган хом далиллар йиғиндисини берар ва тарихий жараённинг айрим томонларинингина тасвирлаб берар эди»¹,— деган эди В. И. Ленин.

Ўтмишдаги социологларнинг жамият масалаларини тушунтиришдаги камчиликларини қуйидагича кўрсатиш мумкин. Улар, биринчидан, ижтимоий борлиқ ижтимоий олғини белгилашини тушуниб етмадилар. Иккинчидан, ижтимоий ҳаёт ривожланишида халқ оммаси асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини кўрсата олмадилар. Учинчидан, кишилик жамиятида ҳам табиатдаги сингари ўзига хос объектив ривожланиш қонунлари борлигини, ижтимоий ҳаётнинг бир бутун ва яхлитлигини, тарихий воқеаларнинг илдизи моддий ишлаб чиқаришда эканлигини англаб етмадилар. Тўртинчидан, материалистик қонун-қоидаларни ижтимоий ҳаётга, тарихни билишга татбиқ эта олмадилар ва бу соҳада идеалистик нуқтаи назарда қолдилар.

3. ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ТАРИХИГА ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИСТИК АСОСДА ЕНДАШИШ

Жамият ва унинг тарихи ҳақидаги бирдан-бир илмий ва мукамал таълимотни биринчи бор марксизм асосчилари яратди. К. Маркс фалсафаси, В. И. Ленин таърифи билан айтганимизда, тугалланган ва мунтазам фалсафий материализмдир.

Жамиятни диалектик-материалистик тушуниш турли идеалистик таълимотларга қарши олиб борилган кескин назарий кураш натижасида юзага келди ва мустаҳкамланди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс эски метафизик материализмда бўлган камчиликларга, кишилик тарихини идеалистик тушунишга хотима бериб, материалистик назарияни табиёт фанларининг ютуқлари ва пролетариат инқилобий ҳаракати тажрибаси билан боғладилар. Улар эски материализмнинг тарихий чекланганлигини, охиригача илмий ва изчил эмаслигини кўрсатиб бердилар. Марксизмга қадар бўлган материалистлар материализмни ижтимоий ҳаёт соҳасига татбиқ қила олмаган эдилар. Улар жамият тараққиётини, тарихий ҳодисаларнинг қонунига мувофиқлигини эътироф қиларди-ю, лекин бу хулосаларнинг тарихий тараққиётни табиий-тарихий тараққиёт деб тушуна олмас эдилар. Шунингдек улар одамларнинг ижтимоий ғоя ва мақсадлари илдизини ишлаб чиқариш муносабатларидан қидирмасдан, фақат одамларнинг апа шу ижтимоий ғоя ва мақсадларининг ўзинингина текшириш билан чегараланиб келган эдилар.

В. И. Ленин К. Маркснинг фалсафий материализмни чуқурлаштириб, ривожлантириб охирига етказганлигини, унинг табиатни билиш усулини инсоният жамиятини билишга ҳам татбиқ этганлигини таъкидлаб ўтади. К. Маркс жамият тараққиётини одамларнинг иродасига қараб ҳар қанақасига ўзгартирса бўлаве-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26- жилд, 63- бет.

радиган, тасодифий пайдо бўлиб, тасодифий ўзгариб турадиган жараёндан иборатдир, деган хато қарашларга кескин зарба берди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс кишилик жамияти тараққиёти сабабини илоҳий кучларга, айрим шахсларнинг фаолиятига, турли ижтимоий ғояларга боғлаб кўрсатувчи идеалистик-метафизик таълимотларни танқид остига олиб, кишилик жамияти тарихида рўй берган барча ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларнинг сабабини жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларидан излаш керак, деб кўрсатдилар. Жамиятдиалектик-материалистик асосда тушуниш жамият ва унинг тараққиёт қонунилари ҳақида бир бутун, илмий ва мукамал қарашнинг пайдо бўлишига асосий замин бўлди.

Илмий материалистик таълимот асосчилари материянинг бирламчилиги, онининг иккиламчилиги тўғрисидаги материалистик таълимотни жамиятни ўрганишга татбиқ этиб, жамият ҳаётида ҳам ижтимоий борлиқ бирламчилигини, ижтимоий ояг иккиламчилигини кўрсатиб бердилар. Ижтимоий борлиқ моддий ҳаётнинг бирламчи эканлигини кўрсатилиши жуда кўп масалаларни ялғича, илмий асосда ҳал қилиш учун имконият яратиб берди. Ана шу фикрда жамиятдаги ижтимоий ғоялар, сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий қарашлар, ахлоқ нормалари ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсули, деган хулосага келинди.

Моддий ишлаб чиқариш — жамият ҳаётининг асосидир. Кишиларнинг маънавий ҳаёти моддий ҳаётнинг натижаси, атрибутидан иборат, деган ғоя социологиянинг туб масалаларидан биридир. К. Маркс жамият тараққиёти сабабларини кишиларнинг орзу-истакларидан эмас, балки моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулида, ишлаб чиқариш муносабатларидан қидириш кераклигини ўзининг бир қатор асарларида қайд қилиб ўтган эди. Чунончи, у ўзининг «Сиёсий иқтисод танқидига доир» деган асарининг сўз бошисида тарихни материалистик асосда тушунишнинг моҳиятини кенг ва атрофлича ишлаб чиқди. «Кишилар ўз ҳаётларини ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян, зарур, ўзларининг иродаларига боғлиқ бўлмаган муносабатларда — ишлаб чиқариш муносабатларида бўладилар,— деб ёзган эди К. Маркс,— бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади. Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаммаси жамиятнинг иқтисодий структурасини, реал базисни ташкил этади, юридик ва сиёсий устқурма шу реал базис устига қурилади ҳамда ижтимоий оннинг муайян шакллари бу базисга мувофиқ келади. Моддий ҳаётнинг ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади. Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онини белгилайди»¹. Бу фикр жамият

К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлаваган асарлар, 1-жилд, 555—556-бетлар.

ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларнинг сабабини кишиларнинг тушунчаларидан, хоҳиш ва истакларидан эмас, балки моддий бойликларни яратиш билан боғлиқ бўлган амалий жараёнлардан излашга, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва вжтимоий ҳаётини илмий ёритишга замин бўлиб хизмат қилади.

Кишилар ҳукмронлик учун курашмоқлари, фан, санъат, ахлоқ ва фалсафа билан шуғулланмоқлари учун энг аввало емоқчиликларини, турар жойга эга бўлмоқлари, кийинмоқлари, бунинг учун эса меҳнат қилмоқлари керак. Жамиятда яшаш — меҳнат қилиш демакдир. Бу меҳнат яқка тартибда эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида бирлашган кишиларнинг жамоа ҳаракати натижасида амалга ошади.

Ижтимоий организм бўлган инсоннинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, у ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳайвонлар сингари табиатга мослашмайди, балки унга фаол таъсир этиб, ўз эҳтиёжларига биноан уни амалий ўзгартиради. Инсон ўз меҳнатининг оқибатини олдиндан англайди. Инсон қўйган ҳар бир қадам олдиндан кўзланилган, англанилган бирор мақсадни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тарихни диалектик-материалистик асосда тушунишнинг пайдо бўлиши жамият тараққиётини табиий-тарихий жараён деб қарашга олиб келди. Табиий-тарихий жараён жамиятда ҳам табиатда бўлгани сингари объектив қонулар ҳукм суршини ифода қилади. Бу қонуларнинг амал қилиши инсон иродасига боғлиқ эмас. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам табиатдаги сингари умумий диалектик қонулар асосида амалга ошади. Табиат ва жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар бир хил эмас, улар ўртасида жуда катта фарқлар мавжуд. Жамият ўзининг шундай томонларига ҳам эгаки, уларни табиатда рўй бераётган диалектик тараққиётда айнан учратиб бўлмайди.

Жамиятнинг тараққиёт диалектикаси табиатда рўй бераётган ўзгаришлар сингари абадий мавжуд жараён эмас. Табиат азалий бўлгани сингари унинг турли шаклларда вамоён бўладиган мураккаб диалектик ҳаракати ҳам абадийдир. Кишилик жамияти тарихи табиат ривожланиши тарихининг маълум бир даврдан бошланади. Кишилик жамияти ривожланиши объектив қонулар асосида рўй беради, кишиларнинг фаол амалий фаолиятисиз рўйбга чиқмайди. Тарихий тараққиёт такрорланишдан ёки доира бўйлаб айланишдан иборат бўлмайди, абадий олға қараб такомилликка, юксакликка жадал ривожланиб боришдан иборат.

Илгари тарих ва сиёсат тўғрисидаги фикрлар соҳасида чалкашлик ва бош-бошиқликлар ҳукм суриб келган бўлса, жамиятнинг диалектик-материалистик тушунишнинг кашф этилиши билан бу соҳада ғоят мукамал ва мунотазам илмий назария — жамият тараққиётидаги ҳар бир вжтимоий-иқтисодий формация ўзидан олдинги формациядақ қонуний, зарурий келиб чиқишини, унинг ўзи ҳам ривожланиб, янги ижтимоий формация юзага келиши учун шароит туғдиришини кўрсатадиган назария вужудга келди. Марксизм асосчилари жамият ривожланиши инсоннинг хоҳиши

ва истагияга боғлиқ бўлмаган объектив қонувлар асосида амалга оширилиши, жамиятдаги илғор ўзгаришлар ишлаб чиқарувчи кучлар талабларига мос келган янги ишлаб чиқариш муносабатлари юзга келиши шаклида бўлишини исботлаб бердилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс жамиятви диалектик-материалистик асосда тушуниш назариясини кашф қилиб, кишилик жамияти тараққиёти истиқболини тушуниш қалитини бердилар. В. И. Ленин алоҳида таъкидлаганидек, бунгача социологлар жуда мураккаб ижтимоий ҳодисалар орасида қайси бири муҳим ва қайси бири муҳим эмаслигини ажрата олмасдан қийналар эдилар (социологияда субъективизмнинг илдизи ҳам ана шунда) ва бундай ажратиб олиш учун лозим бўлган объектив ўлчовни топа билмаган эдилар¹. Марксизм тамомила объектив бир ўлчов топиб берди: жамиятнинг асоси — ишлаб чиқариш муносабатларидир.

Жамиятнинг ривожланиш тарихини марксизмга қадар бўлган социологлар кишиларнинг миёсида, уларнинг қарашлари ва ғояларидан қидирган эдилар. Аслида эса буни ҳар бир муайян тарихий даврдаги ишлаб чиқариш усулидан, жамиятнинг иқтисодий ҳаётидан излаш керак эди. Марксизм исбот қилиб берганидек, жамиятнинг ривожланиш тарихи даставвал ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тарихи, асрлар мобайнида бирининг ўрнини иккинчиси олиб турадиган ишлаб чиқариш усуллари тарихидан иборатдир. Жамиятнинг ривожланиш тарихи ўзининг пешапа тери, ақл-идроки, меҳнати билан барча моддий ва маънавий возеъматлар яратган ва яратаётган меҳнаткаш омма тарихидир.

К. Маркснинг инсоният олдидagi қилган буюк хизматларидан бири — жамиятнинг тараққиёт қонунини кашф қилганлигидир. «Дарвин органик дунёнинг тараққиёт қонунини кашф этгани силгари Маркс инсоният тарихининг тараққиёт қонунини кашф этди»²,— деган эди Ф. Энгельс. Тарихни ҳаракатга келтирувчи куч атоқли шахслар, йўлбошчилар, қаҳрамонлар эмас, балки халқ, меҳнаткаш омадир.

Кишилар ўз тарихларини ўзбошимчалик билан эмас, балки ўтган авлодлардан мерос қилиб олган объектив моддий шароитлар асосида яратадилар.

4. ИЖТИМОИЯ АМАЛИЁТДА ОБЪЕКТИВЛИК ВА СУБЪЕКТИВЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ, УЛАРНИНГ МОДДИЙЛИК ВА МАЪНАВИЙЛИК БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Кишилар ўртасида содир бўладиган хилма-хил алоқа ва муносабатлар, уларнинг объектив реалликка, табиатга бўлган муносабатлари амалиётда ўз ифодасини топади. Илмий материалистик фалсафа амалиётни инсониятнинг объектив олами ўрганиш ва ўзгартиришга қаратилган фаол амалий фаолияти деб қарай-

¹ Қараг: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жпд. 146-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлапган асарлар, 3-жпд, 185-бет.

ди. «Амалиёт — кишиларнинг шундай фаолиятидирки, бу фаолият жамиятнинг яшашини ва ривожланишини таъминлайди, у аввало моддий ишлаб чиқаришнинг объектив жараёндир, бу жараён кишилар ҳаётининг асосини ташкил қилади, шунингдек у синфларнинг инқилобий-ўзгартирувчи фаолиятидан ва амалий-ижтимоий фаолиятнинг дунёни ўзгартишга олиб борувчи ҳамма бошқа хилдаги шаклларида иборатдир»¹.

Инсон ўзининг амалий фаолиятида объектив оламга таъсир этади, уни ўз эҳтиёжлари асосида ўзгартиради. Шу жиҳатдан унинг амалий фаолияти ҳайвонларнинг ташқи муҳитга мослашувчи фаолиятидан анча фарқ қилади. Инсон ўз амалий фаолияти жараёнида ижтимоий муносабатларни ривожлантиради, моддий бойликлар яратади, маданиятни юксалтиради. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши инсон ижтимоий амалиёти тарзида содир бўладигани, унинг олий босқичи — ижтимоий инқилобдир.

Амалиёт ижтимоий-тарихий хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам К. Маркс ижтимоий ҳаёт аслида амалий ҳаётдир, деган эди. Ижтимоий-тарихий амалиёт диалектик материализмнинг тарихий қонуният ва кишиларнинг онгли фаолияти масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Тарихий қонуният ва кишиларнинг онгли фаолияти ўзаро диалектик алоқадорликдадир. Буни назария ҳам, амалиёт ҳам исботлайди. Тарихий зарурият — объектив қонуниятдир. Бошқача айтганда, кишилик жамиятининг маълум объектив қонуниятлар асосида ривожланиб бориши тарихий заруриятдан иборатдир. Унинг юзага чиқиши, амалга ошиши эса муқаррардир. Бу жараённи тўхтатиб қолиш мумкин эмас. Жамият тараққиёти тўхтовсиз илгарилаб бориш жараёнидан иборат.

Инсониятнинг тараққиёт сари ташлаган ҳар бир қадами эркинлик сари ташланган қадамдир. Эркинлик англашилган заруриятдир. Эркинлик объектив заруриятнинг кишилар томонидан билиб олинishi ва ундан жамият манфаатлари йўлида онгли фойдаланишдир. Ижтимоий зарурият кишиларнинг амалий фаолияти заминида амалга ошса ҳам уларнинг истак ва хоҳишларига боғлиқ бўлмайди. Эркинлик объектив заруриятни инкор этиш деган сўз эмас, балки ундан фойдаланишдир.

Инсонлар ўз тарихларини ўзлари яратадилар, лекин уни ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда яратадилар. Кишиларнинг онгли, продасига боғлиқ бўлмаган, улар фаолияти мазмунини белгилайдиган шароитлар объектив шарт-шароитлар деб аталади. Субъектив омил дейилганда эса халқ оммаси, партиялар, алоҳида кишиларнинг янги жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги фаол ва онгли иштирок этишлари, иродаси, уюшгаплиги назарда тутилади.

Объектив шарт-шароитлар ва субъектив омил ўзаро диалектик алоқадорликдадир. Улар бир-бирини тўлдиради, ўзаро бир-бирга таъсир кўрсатади. Аммо субъектив омилнинг хусусиятини,

¹ Фалсафа лугати. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 333-бет.

тузилишини ва йўпалишини объектив шарт-шароитлар белгилаб беради. В. И. Лениннинг «Фалсафа дафтарлари»да айтилишича, «инсон ўз амалий фаолиятида объектив оламга дуч келади, унга боғлиқ бўлади, ўз фаолиятини у билан белгилайди»¹. Объектив шарт-шароитлар етилган бўлмаса, жамият тараққиёти пастдан юқорига, ўтмишдан келажакка, оддийдап мураккабга томон ривожлана олмайди.

Кишилик жамияти ривожланиши объектив қонулар асосида рўй берса-да, лекин у кишиларнинг фаол амалий фаолиятсиз рўёбга чиқа олмайди. Бу жамият ривожланишини кишилар ўзлари хоҳлаган томонга буриб юбора оладилар, деган маънони билдирмайди. Тарихни кишилар ўз фаолиятлари асосида ривожлаштирадилар-да, ammo уни умумий тараққиёт қонунарига тескари бўлган йўлга буриб юбора олмайдилар.

Кишилар фаолияти тасодифий равишда рўй берадиган кўркўропа жараён эмас. Кишилар ўз олдларига аниқ мақсадларни қўйиб, уни амалга оширишга интилар эканлар, бу интилишларнинг заминида объектив ривожланиш қонунарини билиш ётади. Табиат ва жамиятга таъсир этишда объектив қонуналарга асосланиш — инсон фаолиятининг эркин бўлишига олиб келади. Жамият тараққиётида инсоннинг билими ва фаол амалий фаолияти катта роль ўйнашига қарамай, унда объектив қонун ва боғланишларни ифода этувчи объектив шарт-шароитлар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жамият тараққий этиши учун фақат объектив шарт-шароитларнинг танҳо ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун субъектив омиллар ҳам етилган бўлиши зарур. Тарихда шундай даврлар бўладикки, жамиятда туб ўзгаришлар қилиш, реакцион синфларни ағдариб ташлаш учун объектив шароитлар етилган бўлса-да, лекин субъектив омиллар нишиб етилмаганлиги сабабли инқилоб амалга ошмайди. «Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шароитлари туфайли инқилоб жуда етилиб қолган вақтда, инқилоб қилиш учун инқилобий синфларда ҳамма вақт етарли куч бўлади, деб ўйлаш хато бўлур эди,— деган эди В. И. Ленин. Йўқ, кишилик жамияти илгор кишилар учун айтарли яхши ва у қадар «қулай» тузилган эмас. Инқилоб етилиб қолиши мумкин, лекин бу инқилобнинг инқилобий ижодкорларида уни амалга ошириш учун етарли куч бўлмай қолиши мумкин,— бундай вақтда жамият чирий бошлайди ва бу чирий баъзан бир неча ўн йил давом этади»².

Бирон-бир олий мақсадга олгли равишда интилиш ва уни амалга ошириш учун объектив қонуналарни билиш керак бўлади. Демак, жамият аъзолари қанча олгли бўлса, яъни субъектив омил роли тез ўсиб борса жамият тараққиёти шунчалик тезлашади.

Инсон амалий фаолиятида объектив шарт-шароитлар билан субъектив омилларнинг диалектик бирлиги ҳақидаги илмий-ма-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 176-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 11-жилд, 420-бет.

териалистик таълимот жамият моддий ва маънавий ҳаёти моҳиятини англаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг, шунингдек инсон моддий ва маънавий фаолиятининг диалектик бирлиги асосида амалга ошади.

Ҳўш, моддий ҳаёт нима? Жамиятнинг моддий ҳаёти деганда биринчи навбатда одамларнинг яшашлари, олга томон ривожланишлари, эркин камол топишлари, умуман тирикчиликлари учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилги ва бошқа хилма-хил парсалар, маҳсулотлар, ҳамики бойликларни ижтимоий тарзда такрор ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида таркиб топадиган муносабатлар назарда тутилади.

Моддий ҳаёт кишиларнинг ижтимоий-тарихий муносабатларини ифодалайди. У ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми, кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўзгариши билан вужудга келади ва ривожланади. Моддий неъматлар ишлаб чиқарилмаса ва истеъмол қилинмаса ижтимоий ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш — киши ҳаётининг асосий ҳал қилувчи шартидир.

Табиат, борлиқ, моддий дунё бирламчи, оил, тафаккур иккиламчи бўлгани каби жамиятнинг моддий ҳаёти, унинг турмуши маънавий ҳаётни белгилайди. Жамиятнинг моддий ҳаёти кишиларнинг продасига боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайдиган объектив реалликдир. Жамиятнинг маънавий ҳаёти эса бу объектив реалликнинг, моддий ҳаётнинг ишъикосидир. Демак, жамият маънавий ҳаётининг тузилиш манбаини, унда бўлиб турадиган ўзгаришлар сабабини унинг ўзидан эмас, балки жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларидан, ижтимоий турмушдан қидирмоқ керак. Жамиятнинг моддий турмуш шароитлари қандай бўлса, маънавий ҳаёт ҳам шундай бўлади. Бошқача айтганда, маънавийликни моддийликдан, жамият маънавий ҳаётини моддий турмуш шароитларидан ажратиб бўлмайди. Улар диалектик бирликда, ўзаро таъсир ва ақс таъсирдадир.

Жамиятнинг моддий ҳаёти белгилувчи асосдир, маънавий ҳаёт эса моддий ҳаётнинг ишъикосидир, деб айтиш жамият маънавий ҳаётининг аҳамиятига, ижтимоий ҳаётда, тарихда ғояларнинг, назарияларнинг, оил, ақл, фан ва санъатнинг ролига материалистларнинг сира аҳамият бермасликларини ёки уларни камситишларини билдирмайди. Инсон моддий ҳаёти ривожига маънавий ҳаётнинг кўрсатадиган таъсири анча мураккаб масала. Буни эътиборга олмаслик қўпол хатодир.

Материалистик фалсафада инсон маънавий ҳаётининг: илм-фан, маориф, таълим-тарбия, адабиёт ва санъат, ахлоқ, фалсафа, ҳуқуқ, мактаблар, кутубхоналар, театрлар ва музейлар, хуллас, барча интеллектуал бойликларнинг жамият тараққиётидаги роли ва аҳамиятига жуда катта баҳо берилади. Кишиларнинг маънавий ҳаёти гарчи улар моддий турмушининг ишъикоси сифати-

да юзага келган оулса-да, лекин у уш павоатида бутун ижтимоий тараққиётга гоит катта таъсир кўрсатади. Жамият тараққиётида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва такомиллашувида, меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришида илм-фан ва маданиятнинг, инсон ақл-идроки ва заковатининг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Моддий ва маънавий маданият ютуқлари ҳаётга қанчалик теъ ва оқилона татбиқ этилса бундап жамият жуда катта ваф кўради, энг асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган инсоннинг турмуш шароити яхшиланади, жисмоний меҳнатнинг одамларнинг тинкаматорияни қуритадиган турлари секин-аста тугаб, улар машина-механизмлар эиммасига юклатила боради.

Кишилик жамиятнинг ҳар бир тарихий босқичи, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формация моддий ишлаб чиқариш билан маънавий ишлаб чиқаришнинг диалектик бирлиги асосида ривожланади. Буни жамиятимизнинг тарихий тажрибаси очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз дунёга келган пайтдан бошлаб ҳозиргача ишлаб чиқарувчи кучларни, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, бугунги демократияни, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда ҳаммага маълум бўлган натижаларга эришди. Бошқа жумҳуриятларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам Октябрь инқилобидан кейин ўтган вақт ичида халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётида жуда кўп парселар ўзгарди: завод ва фабрикалар пайдо бўлди, машинасозликнинг замонавий турлари юзага келди, маҳаллий халқ орасидан ишчилар синфи ва зиёлилар шаклланди, табиий ва ижтимоий фанлар ривожланди, миллий тил ва маданиятда ижобий натижалар қўлга киритилди. Осиёдаги энг қадимий тиллардан ҳисобланган ўзбек тили Совет ҳокимияти йилларида миллий адабий тил даражасига кўтарилди, мактабларда, олий ўқув юртларида таълим-тарбия бериладиган тилга айланди. Аммо шунинг очиқ-ойдин айтиш керакки, жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичларида, айниқса шахсга сиғиниш авж олиб, турғунлик кучайиб кетган даврларда моддийлик билан маънавийликни ўзаро ажратган ҳолда ривожлаштириб бўлмаслиги ҳақидаги материалистик-фалсафий таълимотга маълум даражада путур етказилди. Бу нарса кўпроқ Сталин даврида юз берди. Шахсга сиғиниш йилларида юзага келган ва кескин авж олиб кетган қатағончилик ҳамма жойда кенг ёйилди. Бутун мамлакатда авж олиб кетган қатли ом Ўзбекистонда дастлаб баъзи бир раҳбарларни ишдан четлатиш ва партиянинг йўл билан жазолашдан бошланди. 30-йилларда инсон ақлига сиғмайдиган даражада олиб борилган умумий қиргин натижасида партияга, совет тузумига, халқимизга ҳалол хизмат қилган соф виждовли кўплаб кишилар адолатсизлик, қонунбузарликнинг қурбони бўлдилар. Халқимизнинг шонли ўғлонлари ҳисобланган Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовнинг аччиқ қисмати бунга инсол бўлади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам сохта айблар билан «халқлар отаси», «улуғ падар»нинг газабига дучор бўлиб, ежовчи жаллодлар қўлига топширилди. Ўзининг бутун ҳаёти ва тақдирини-

ни халқининг бахт-саодатига бахш этган, кўзга кўринган зиёлилар, илм-фаъ ва маданият арбоблари, истеъдодли шоир ва ёзувчилар «миллатчи», «пантуркист», «панисломист» деб қораланди. Миллатимизнинг асл фарзандларидан бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Бехбудий ва яна қанчадан-қанча чексиз истеъдод соҳиблари қатагон этилди. Ўзбек халқи энг яхши миллий кадрларининг йўқотилиши маданий-маънавий ҳаётимиз ривожига шу қадар зарба бўлиб тушдики, уш шўз билан таърифлаб бўлмайд.

Энг ёмон миллий алифбомизнинг таққиланиши бўлди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Миллий ёзуви бўлмаган халқ доим ўзгаларга қарам бўлиб қолиши бизга тарихдан маълум. Октябрь инқилобидан кейин ўзбек алифбоси уч марта ўзгарди. Оддий халқ амалда уч марта саводсиз бўлди, ҳамма нарса «волдан» бошланди. Эски тиллар ва ёзувларнинг, айниқса эски ўзбек имлосининг ўзгартирилиши ажодларимиз яратиб кетган буюк хазинадан бемалол баҳраманд бўлиш имкониятини қарийб йўққа чиқарди. Энг ачирарли нарса шундан иборат бўлдики, натижада халқимизнинг ифтихори бўлган, жаҳон маданияти юлдузлари ҳисобланган Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат асарларини дугатсиз ўқий олмайдиган бўлиб қолди. Буving оқибатида ўтмиш маданиятимиздан, бой қадимий тарихимиздан ажралиб қолди. Тарихидан ажралиб қолган халқнинг келажаги бўтмайди. Миллий онгимизни, тилимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни, маданий ва тарихий меросимизни йўқотиш учун қатагончилик ва турғунлик йилларида қилинган зўғим ва истибод ҳеч қачон унутилмайди!

Узоқ ўтмишда эмас, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам ўз мансабни сунистеъмом қилган айрим кимсалар мусулмон динини тарғиб қилади, одамлар онгини диний оғу билан заҳарлайди, деган баҳовада масжид ва мадрасаларни шафқатсизларча буздирдилар, эски қўлёмаларнинг чоп этилиши ва тадқиқ этилишига йўл бермадилар, диндорларни ижтимоий-сиёсий ишлардан атайин четлаштириб қўйдилар, обрўларига путур етказдилар, асрлар мобайнида амал қилиб келинган халқ анъаналари ва урф-одатларини зўрлик билан таққилаб қўйдилар. Халқимиз бошига тушган чексиз азоб-уқубатларни, кўрилган моддий ва маънавий зарарни бирма-бир айтиб ўтишнинг иложи йўқ. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда кучайиб кетган иқтисодий қийинчиликлар, озиқ-овқат муаммоси, миллий заминда рўй бериб турган зиддиятлар ва можаролар, экология соҳасидаги вайронгарчиликлар, болалар ўлимининг энг юқори даражага кўтарилганлиги — буларнинг ҳаммаси шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларидан қолган ярамас меросдир. Энг ачинарлиси — моддий ва маънавий қашшоқликнинг кучайиб кетганлигидир. Ижтимоий айнишлардан, қонунларимизни назар-писанд қилмасликдан, инсоний одоб-ахлоқ қоидалари ва нормаларининг беҳаёларча бузилишидан, порахўр-

лик, вазифани суниестемол қилиш, таниш-билишлик, тайёрга айёрлик, меҳнатсиз даромад топишга ружу қилишлар, қўшиб ёзишлар, илтизомнинг бўшашиб кетганлиги, жипоятчилик ва қонунабузарликларнинг авж олиб бораётганлигидан халқнинг сабр-қосаси тўлди. Ана шу ва бошқа ижтимоий иллат ва касофатлар халқимиз моддий турмуш шароитининг яхшилавишига, маънавий ҳаётининг тобора юксалиб боришига тўроноқ бўлди. Маънавий қашшоқлик, ахлоқий бузилиш, ижтимоий айвонлар иқтисодий, моддий таназулга муқаррар равишда олиб келади ва кучайтириб юборади.

Ҳамиятчи инқилобий асосда қайта қуриш, социалистик демократия ва ошкораликни таъминлаш моддийлик билан маънавийликни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий соҳадаги қашшоқликни тугатиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратмоқда. Ҳозирги пайтда халқимиз ўзининг қадимий ва бой маданияти, саъяти ва адабиётини, аъёнлари ва урф-одатларини мукамал ўрганиш ва ривожлантиришга жиддий киришди. Халқимиз тарихининг турли саҳифаларини ўзида чуқур ёритган қадимий қўлёзмаларни излаб топиш, ўрганиш, ташвиқот қилишга киришилди. Буюк алломаларнинг таваллуд топган вақтлари тавтанали нишонлашиб, асарлари такрор ва такрор чоп этиляпти. Фитратнинг «Қиёмат» қиссаси ва «Абулфайзхон» тарихий драмаси, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари, Аҳмад Яссавий қаламига мансуб шеърларнинг рўзнома ва жаридаларда эълон қилинганлиги маданий-маънавий ҳаётимиздаги улкан ютуқлардан бўлиб ҳисобланади. Илҳом маданияти хазинасининг бебаҳо бойликларидан ҳисобланган «Қуръон» китобининг ҳамда ислом динининг қимматли ёдгорлиги бўлган «Ҳадис»ларнинг чоп этила бошланганлиги хусусида ҳам бемалол шундай дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётда содир бўлган буюк тарихий ҳодисадир. Умуман олганда Ўзбекистон ССЖнинг тил ҳақидаги қонуни етмиш йилдан ортиқ совет даври тарихимизда улкан сиёсий аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир. Қонуни қабул қилиниши туфайли ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланиши йўлида шахсга сифиниш ва турғунлик йилларида юзага келган барча қийинчилик ва бир ёқламалықлар бартараф қилинмоқда. Эски ўзбек ёзувини қайтадан тиклашда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, инсон ҳаётининг моддий ва маънавий заминларини мустаҳкамлаш, уларни диалектик бирликда ривожлантириш жамият тараққиёти учун ҳам, шахс камолоти учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини тарих фани ва амалиёт очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

XI БОБ. ФАЛСАФАДА ИНСОН МУАММОСИ

1. ИНСОН МУАММОСИГА ФАЛСАФИЙ ЕНДАШИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Инсоннинг эркин бўлиши, фаровон ҳаёт кечирishi, ўз тақдирининг эгаси бўлиши ҳақидаги муаммо фалсафанинг марказий масалаларидан бўлиб ҳисобланади. Инсон сайёраимизда мавжуд бўлган ижтимоий организмларнинг олий босқичи, ижтимоий-тарихий фаолиятнинг ва маданиятнинг субъектидир. Инсон хилма-хил фан (социология, руҳият, педагогика, таъбиот ва бошқа)лар томонидан ўрганилади. Ана шу фанларнинг маълумотларига асослашиб фалсафа инсон ҳақида умумий тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилади.

«...Инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир»¹, деган эди К. Маркс. Унинг бу фикри инсонни жамиятда мавжуд бўлган хилма-хил алоқа ва муносабатлардан, айниқса ижтимоий-иқтисодий, синфий-сиёсий муносабатлардан узиб олиб, қандайдир мавҳум бир кўринишда қараган Л. Фейербахга қарши қаратилгандир. Фейербах одамни ўз материалистик таълимотига бошланғич нуқта қилиб олади. Бироқ у пазарда тутган одам ижтимоий муҳитдан ажралган ва фақат ўзаро «табиий воситалар» билан боғлангандир. Шу сабабли Фейербах инсон ижтимоий маҳсул эканини ва ўзи таҳлил қилаётган мавҳум индивид ҳақиқатда муайян ижтимоий кўринишга маъсуб эканлигини фаҳмламайди. Маркс билан Энгельс одамни ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан ажратиб мавҳум кўринишда талқин этгани, одам моҳиятини «улуғ» деб тушунгани учун уни кескин танқид қилган эдилар.

Фейербах инсоннинг фақат табиий хусусиятларига, биологияк ва физиологияк томонларига катта эътибор берди ва уларни очиб беришга уринди. Бироқ у инсоннинг ижтимоий моҳиятини, яъни муҳим ижтимоий-иқтисодий муносабатлар маҳсули эканини бутунлай четга суриб қўйди. Ф. Энгельс Фейербах антропологиянинг бу салбий, чекланган томонлари устида тўхталиб бундай деган эди: «Фейербах ўзи жуда ёмон кўрган абстракциялар оламида ҳақиқий воқеий дунёга йўл топиб чиқолмади. У табиатга ва одамга бор кучи билан ёпишади. Лекин у айтган табиат ҳам, одам ҳам қуруқ сўз бўлиб қолаверади. У ҳақиқий табиат тўғрисида ҳам, ҳақиқий одам тўғрисида ҳам муайян бир фикр айтолмайди»².

Ижтимоий мавжудот сифатида инсон ҳеч қачон жамиятдан ташқарида ва унга қадар яшамаган. Шунингдек, жамият ҳам инсондан олдин пайдо бўлган эмас. Инсон ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан олади. Жамиятда инсон ўз туйғу ва ақл-идрокини ривожлантиради, ҳаётининг мақсад ва маъносини тушу-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлашган асарлар, 1-жилд, 2-бет.

² Уша жойда, 3-жилд, 424-бет.

пади. Шунинг учун ҳам ўз мавқеини жамиятда ўзи белгилайдиган инсон ҳам, шахс ҳам йўқ, балки маълум тарихий, иқтисодий, ижтимоий шароитларда яшовчи, муайян бир синф, ижтимоий гуруҳ, халқ ва миллатга мансуб бўлган шахс мавжуддир. Жамиятнинг одамларга, одамларнинг эса жамиятга қиладиган таъсири хусусида фикр юритиб, Маркс билан Энгельс, худди жамият одамни одам қилгани каби унинг ўзини ҳам одам ҳосил қилади¹, деган эдилар.

Кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа улар амалий фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар билан белгиланади. Инсон ўзи мансуб бўлган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, синфий-сиёсий муносабатлар таъсирида шаклланади. Унинг бутун ҳаёти бошқа кишилар билан яқин алоқа ва муносабатда бўлиш асосида ўтади. Бинобарин, инсон ҳаётининг моҳияти ҳам, айрим шахс ҳаётининг моҳияти ҳам жамиятдан, ижтимоий муҳит таъсиридан четда мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам марксизм асосчилари инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги моҳиятини белгилашда ижтимоий муносабатларни асос қилиб оладилар: «Модомики, инсоннинг характери ни вазиятлар яратар экан, демак, вазиятларни инсоний вазиятларга айлантирмоқ керак. Модомики, инсон ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот экан, демак, у фақат жамиятдагина ўзининг ҳақиқий табиатини ривожлантира олади ва унинг табиатининг кучли таъсирида айрим индивидумларнинг кучига қараб эмас, балки бутун жамиятнинг кучига қараб муҳокама юритмоқ керак»².

Инсон муайян ижтимоий муҳитда ҳаёт кечиради, ўйлайди, фикр юритади, ҳаракат қиладди. Унинг ижтимоий тажрибаси, билим бойликлари, дунёқараши — у яшаб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири ва ижтимоий муносабатлар натижасидир. «Шунинг учун айрим бир шахс ўзи туғилган шароитдан субъектив равишда печоғлиқ юқорилаб кетса ҳам,— дейди Маркс,— ижтимоий маънода бу шароитнинг маҳсули бўлиб қолаверади ва уни шу шароит учун, бошқа ҳар қандай нуқтаи назарга қараганда менинг нуқтаи назаримда камроқ даражада жавобгар деб ҳисоблаш мумкин бўлади»³.

Кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа уларнинг амалий фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар билан белгиланади. Одам ўздан бошқа кишилар билан алоқада, муносабатда бўлиши, жамоа орасида ва жамият ичида яшаганлиги туфайли шахс сифатида шаклланади, ўзини ўраб турган муҳитни, ўз-ўзини, ўзининг инсоний моҳиятини англай бошлайди. Бу эса унинг муҳим белгисидир. Одамнинг ўз-ўзини англаши субъектив равишда ўзини «мен» деб ҳис қилишида ифодаланади ва у ижтимоий ҳаётда, бошқа кишилар билан муносабатда бўлиш асосида вужудга келади ва тараққий этади. К. Маркс шахс

¹ Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-жилд, 623-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-жилд, 145—146-бетлар.

³ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 10-бет.

билан жамият ўртасидаги муносабатлар мустақкам иқтисодий аамияга, ижтимоий муносабатларга асосланганлигини таъкидлайди. «Одам,— деб ёзади Маркс,— қўлида кўзгуси бўлмасдан ва «мен менман» дейдиган фиктечи файласуф бўлмасдан тугилади, шунинг учун одам аввал фақат ўзини ойнага солгандай бошқа одамга раам солади. Павел деган одамга ўзи сизгари одам деб қарар экан, Пётр шуидагина ўзини одам деб била бошлайди»¹. Шахс жамият аъзоси, унинг бир қисми бўлганлиги учун ҳам ўзи маъсуб бўлган муайян жамият билан боғланишдадир. Шахснинг онги, гоя ва қарашлари ўша шахс атрофидаги ижтимоий муҳитнинг, реал воқеликнинг инъикосидир. Инсон ижтимоий муносабатлар асосида шаклланиб, юксалиб борар экан, демак, унинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, ҳис-туйғулари ва тушунчаларининг ҳам уни қуршаб олган ижтимоий муҳит, иқтисодий ҳаёт белгилаб беради.

Жамият одамларнинг оддий бир йиғиндиси эмас, балки кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг алоҳида системаси, алоҳида шаклидир. Инсон ўз амалий фаолиятида ижтимоий тараққиёт қонунаригагина эмас, шу билан бирга табиат қонунарига, биологик қонунарга ҳам бўйсунди. Инсоннинг моҳияти маъкур ижтимоий тузум хусусияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин К. Маркснинг инсон ҳақидаги фикрини давом эттириб, ҳақиқий ижтимоий муносабатлар «тирик шахслар фаолиятининг маҳсулидир»,² деган ади

Инсонлар авлодининг ривожланиш тарихи — бу, даставвал, ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тарихидан иборатдир. Муайян тарихий шароитдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгарса, инсон шахсининг шаклланиш шароити ҳам унга боғлиқ равишда ўзгаради.

Инсон энг аввало ижтимоий мавжудотдир. Унинг инсоний белгиси шундаки, биринчидан, у ишлаб чиқарин қуролаари ёрдамида меҳнат қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади, иккинчида, мавҳум фикрлайди, учинчидан, ўз фикр-туйғуларини тил воситаси билан ифодалайди. Унинг муҳим хусусиятларидан бири — меҳнат қилиши, моддий ва маънавий бойликларни, маданият ва санъат асарларини ярата олишидир. Марксизм асосчилари шунинг учун ҳам инсоннинг ҳайвонот оламида ажратиб чиқиши, жамият тараққиётининг бошланиши ва ривожланиши масаласини меҳнатга, меҳнатнинг тақсимланиши, тилининг келиб чиқиши билан боғлаб қарадилар. Меҳнат қилиш, қурол ясаш ва улардан фойдаланиш жараёнида инсон ўзининг инсоний қобилият ва хусусиятларини ривожлаптиради, ўзининг алоҳида ижтимоий дунёсини яратади. Бу дунё ижтимоий муносабатлар маъмуи бўлган инсонга писбатан қапдайдир ташки парса бўймай, унинг моҳиятини ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлаштиради, унинг фаолиятининг ҳамма

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 7-жилд, 80-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 479-бет.

хусусиятларини, дувёқарашини, ақл-идрок ва тафаккурини наққошлариди ва белгилайди.

Инсонга хос бўлган асосий белгиларнинг ҳаммаси инсоннинг ижтимоий муносабатлар системасига, меҳнат жараёнига қўшилиши натижасида ижтимоий маданиятни ўзлаштириши ва тақрор ҳосил қилиши, ўзини қуршаб олган ижтимоий муҳитга қайта таъсир кўрсатиши жараёнида, амалиёт ва жамоа таъсири асосида шаклланади. Худди ана шу жараёнда инсон ўзини тақрор ҳосил қилиб туради.

Инсон жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. У машина ва механизмларни, меҳнат қуролларини яратади, илмий кашфиётлар қилади. Ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади.

Инсон — тарихни яратувчидир. «...Ҳамма нарсани қиладиган инсондир... Тарих... инсон фаолиятидан бошқа нарса эмасдир»¹, — деган эди Ф. Энгельс.

Одамнинг шахс сифатидаги муҳим белгиси унинг ижтимоий томонидир. Ўз навбатида инсоннинг ижтимоий моҳияти меҳнати билан, ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан, опгли, мақсадга мувофиқ амалий фаолияти билан, шунингдек унинг жамият тараққиётига, ижтимоий муносабатлар ривожланишига кўрсатадиган ақс таъсири даражаси билан белгиланади. Бир одам иккиччи бир одамдан ўзининг алоҳида хусусиятлари, жисмоний баркамоллиги, ташқи қиёфаси жиҳатида қанчалик фарқ қилмасин, ижтимоий моҳиятига кўра ўхшашдир. Шунинг учун ҳам марксизм асосчилари «алоҳида шахснинг «моҳиятини» унинг соқоли эмас, қоши эмас, унинг мавҳум жисмоний томони эмас, балки унинг ижтимоий сифати ташкил этади»², деган эдилар. Инсон фақат ижтимоий фаолият кўрсатувчигина эмас, балки ижтимоий фикр юритувчи ва ҳис қилувчи мавжудот ҳам бўлиб ҳисобланади. Одамларнинг фаолияти ижтимоий муносабатлар орқали рўёбга чиқарилади, бу муносабатлар орасида ишлаб чиқариш воситаларининг мулклиги етакчи ўрни тутади.

2. ИНСОНДА БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗАРО БИРЛИГИ, ИНСОН ВА ИНСОНИЯТ

Марксизм асосчилари томонидан кўрсатиб ўтилганидек, инсон камолотида ҳам ижтимоий, ҳам биологик омиллар катта ўрни тутади. Инсон фақат ижтимоий мавжудотгина бўлмай, балки у айни бир вақтда ҳам ижтимоий, ҳам биологик омилларнинг бирлигидан ташкил топган энг мураккаб мавжудотдир. Шу нарсани айтиб ўтиш ўришлики, кейинги йилларда жуда кўп совет олимлари одами биоижтимоий мавжудот сифатида таърифлашмоқда. Академик Н. П. Дубинин: «Инсон табиати бир-бири билан ўзаро мустаҳкам алоқадорликда бўлган икки нарса — биологик ва иж-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-жилд, 102-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-жилд, 36-бет.

тимой омиллариинг бирлиги билан тавсифланади»¹. — дейди. То-пиқли олимлардан И. Т. Фролов, В. Г. Афанасьев, М. С. Коган-лар одам айна бир вақтда биологик ва ижтимоий мавжудотдир, деб таъкидлашади. Фалсафа фаълари доктори В. П. Тугаринов-нинг кўрсатишича, бизни қуршаб турган объектив воқелик учта тузилишда: табиат — одам — жамиятдан иборат. Одам ана шу триаданинг ўрта бўғини бўлиб, табиат ва ижтимоий муносабат-ларни бирлаштириб туради. Жамият кишиларнинг оддий бир йи-гиндисигина эмас, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар-нинг алоҳида системасидир. Одам ўз амалий фаолиятида ижти-моий тараққиёт қонуларига, шу билан бирга, табиат қонулар-ига, биологик қонуларга ҳам бўйсунди. Одам биологик ва ижтимоий детерминациянинг бирлигидир. Ана шу икки соҳанинг диалектик бирлиги жамият тузилишини белгилайди. Ҳақиқатан ҳам инсон биологик фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг патижаси бўлиб, мураккаб, кўп қиррали биоижтимоий мавжудотдир.

Одамнинг ижтимоий моҳиятини, алоҳида хусусиятларини биологик омиллardan ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Одамни системали ўрганишда биологик ва ижтимоий омиллари-нинг ўзаро диалектик бирлигига асосланиш зарур. Одам организм-ида модда ва энергия алмашинувиининг узлуksиз давом этиши, тўқима органларининг тузилиши ва функциялари, инстинкт, шартли рефлекс, асаб системаси ва бошқа яхлит системалар биологик омиллари киради. Улар организмнинг товарак-атрофдаги муҳитга мослашувини таъминлайди, яъни улар ижтимоий функ-цияларни амалга оширувчи «ишчи механизмлар» ролини ўйнай-ди. Одамдаги ирсий белгилар ҳам биологик омиллариинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Ердаги барча тирик мавжудотлар ичнда фақат одам биоижти-моий мавжудотдир. Одам ижтимоий мавжудотлигининг маъноси шундан иборатки, у ижтимоий моҳиятга эга. Биологик мавжудот бўлишининг сабаби эса ана шу моҳият эгаси бўлган одам жонли организм эканлигидир. К. Маркс, индивид бизнинг кўз олдимиз-да «...организм, жонли инсон шахси эга бўлган ва у бирон-бир истеъмол қийматларини ишлаб чиқарган вақтида ҳар сафар ишга соладиган жисмоний ва маънавий қобилиятларнинг жами»² сифатида намоён бўлади, дейди.

Одамда биологик эҳтиёжлар (овқатланиш, модда алмашинуви, зурриёт қолдириш ва бошқалар)дан ташқари, яна аяча юксак эҳтиёжлар: билиш эҳтиёжлари, маънавий, эстетик ва бошқа шу каби эҳтиёжлар ҳам бор. Бу эҳтиёжлар турма, наслий эҳтиёжлар эмас, балки тарихий тараққиётнинг, ижтимоий-иқтисодий муно-сабатларнинг маҳсулидир. Одамнинг биологик мавжудот сифати-да такомиллашуви тарихий тараққиёт жараёнида, ижтимоий омилл-лар таъсири остида сифат жиҳатидан ўзгара борган. Меҳнат қи-

¹ Н. П. Дубинин. Биологические и социальные факторы развития чело-века. «Вопросы философии» журналы, 1977 йыл, 2-жилд, 46-бет.

² К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 189-бет.

лиш, қурол ясаш, табиатга таъсир этиш туфайли инсон биологик зотдан ижтимоий мавжудотга айланди. Ҳатто инсон организмнинг соф физиологик функциялари, қўл ва оёқларининг, бош ва бармоқларининг, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускулларининг тараққий этиши ҳам бевосита меҳнат билан боғлиқдир. Меҳнат туфайли мускулларнинг, пайларнинг тараққий этиши ва бу тараққийнинг наслдан-наслга ўтиши орқасида одам қўли тараққий этиб, ҳозирги даражага етганлигини Ф. Энгельс таъкидлаб ўтади. Одам гавдасининг ростланиши, шунингдек организмда модда ва энергия алмашишуви, ассимиляция ва диссимиляция жараёнида рўй берадиган ўзгаришларга ҳам меҳнат сабабчи бўлди.

Меҳнат, бундан ташқари, яна аниқ гапириб, алоқа, ижтимоий таъриба орттириш, жисмоний, ақлий, маданий ва маънавий камолот учун ҳам бирдан-бир асос ва шарт бўлди. Шунингдек миянинг тараққий этишини ҳам меҳнатдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон сезги аъзолари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. «Беш хил ташқи сезгиларнинг пайдо бўлганлиги шу вақтгача ўтган бутун дунё тарихининг натижасидир»¹,— деган эди К. Маркс. Меҳнат одамнинг кўзини равшанроқ кўралиган, қулоғини эса аниқроқ эшитадиган қилди. Меҳнатнинг таъсири билан кишида ҳис қилиш, фикр юритиш, фаолият кўрсатиш, табиат гўзалликларидан ҳузур-ҳаловат қилиш, бадиий ижод ва эстетик идрок қилиш каби хусусиятлар қарор топиб ва такомиллашиб борди.

Кўриниб турганидек, одамнинг етукликка томон қиладиган ҳаракати бир вақтнинг ўзида ҳам биологик, ҳам ижтимоий омилларнинг узвий бирлиги ва таъсири остида амалга ошади. Одам, жумладан, шахс тараққиётининг ўзаро мустаҳкам зарурий алоқада бўлган бу муҳим икки томонини бир-биридан ажратиш ҳам, уларни тенглаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва камолотида мазкур икки омилнинг ҳар бири ўзининг алоҳида ўрин ва аҳамиятига эгадир. Лекин одамнинг алоҳида тараққиётида белгилоччи ролни биологик омиллар эмас, балки ижтимоий омиллар ташкил этади. Улуғ рус мутафаккири В. Г. Белинский одамнинг камолотида роль ўйнайдиган ижтимоий ва биологик омилларнинг аҳамиятини таъкидлаб, одамни табиат вужудга келтиради, аммо уни жамият камол топтиради ва унга қиёфа беради. Ҳаётнинг ҳеч қандай воқеалари одамни жамиятнинг таъсиридан қутқариб қола олмайди ва ҳимоя эта олмайди, одам бу таъсирдан ҳеч қаерга яширина олмайди, ҳеч қайёққа қочиб қутила олмайди, деган эди. Аммо шу нарса аниқ ва равшанки, одамни табиат яратган бўлса-да, лекин у ўз-ўзидан инсонга ҳос деб эътироф қилинган хусусиятлардан бирортасини ҳам унга бера олмайди. Буларнинг ҳаммасига у жамиятга бевосита аралашиб, таълим-тарбия олиш, меҳнат қилиш орқасида эришади.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1975, 1-жилд, 135-бет.

Одам онадан шахс бўлиб туғилмайди, балки ундаги шахс сифатидаги хусусиятлар ижтимоий тараққиёт жараёнида шаклланиб ва ривожланиб боради. К. Маркс таъкидлаганидек, шахс жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ташқарида мавжуд бўлмайди ва кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа уларнинг фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабати билан белгиланади. Шахснинг ҳаёти ижтимоий муносабатларнинг намоён бўлишидир.

Буржуа фалсафаси ва социологияда шахснинг, умуман инсоннинг моҳиятини «табиий» (физик, биологик) ва руҳий омиллар белгилайди, деб таъкидлаётган назариялар ҳам мавжуд. Бу назарияларнинг моҳияти кишилик жамияти тараққиётининг тузилиши ва қонуनларини биологик ва руҳий омиллар ёрдами билан изоҳлаш, жамият ва инсон ҳаётида биологик омилларнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб юбориш, руҳиятни моддий шароитлардан ва уни тугдирувчи сабаблардан ажратиб қўйишдан иборатдир. Улар шахснинг шаклланишидаги тарихий шароитларни, ижтимоий-иқтисодий, синфий-снсий муносабатларни ва ижтимоий тараққиёт қонуनларини, шунингдек шахснинг фаол амалий фаолиятини эътиборга олмайдилар. Шунингдек улар инсоннинг руҳий ҳолати, истаклари, интилишлари ва майллари жамият ҳаётида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган нуқтаи назарга асосланади. Э. Фрейд ана шундай қарашларни илгари сурган кишилардан биридир. У инсондаги биологик ибтидоий ўз таълимотига асос қилиб олади ва инсон руҳиятини объектив оламдан, физиологик механизмлардан узиб қўяди ва шу тариқа уни инсон моддий ҳаёт шароитларидан ажралган, мутлақо мустақил соҳа деб кўрсатади. Фрейд инсон руҳиятини онгли ҳаракатларнинг ҳамда оқилона тарзда билиб бўлмайдиган ва онгсизлик оламини ташкил этадиган инстинктларнинг мураккаб комплекси деб тушунади ва бу онгсизликни «шахснинг табиий хусусияти» ёки «у» деб атайдди. Айрим олимлар шу тариқа одамнинг алоҳида камолотини руҳий, биологик омиллар, генетика белгилаб беради, деб даъво қиладилар. Америкалик психолог Э. Торндайкнинг кўрсатишича, одамнинг ақлий қобилияти, истакларини ҳам худди энг оддий жисмоний сифатлар сингари генетика — пренят белгилаб беради. У пренят кўрсаткичлар аввало болаларнинг юриш, югуриш, сакраш қобилиятларини белгилаб беради, сўнгра эса ўқиш-ўрганиш, касб-ҳунар кўникмалари, шахс сифатларини ҳосил қилади деб ҳисоблайди.

Инсон моҳиятини ҳаддан ташқари биологиялаштиришни бар тараф қилишга ҳаракат қилувчи ва айни вақтда ижтимоий омилларга мурожаат қиладиган назариялар ҳам бор. Масалап, Э. Фромм бу назариянинг таниқли вакилларида бўлиб, у ижтимоий тараққиёт руҳий ва ижтимоий омилларининг ўзаро механизмини тушуниш муаммосини ҳал қилишга уринади. Аммо Фромм «ижтимоий муҳит»ни таҳлил қилар экан, унинг синфий жиҳатдан бир хил эмаслигини фаҳмламайди, инсон ва бутун тарихий жараёнининг моҳиятини эса мавҳум руҳий тарзда тушуна-

ди. У ўзипинг «Маркснинг инсон ҳақидаги қарашлари», «Эркинликдан қочиб» деб помланган асарларида ҳозирги капитализмни руҳий касалга мубтало бўлган «хаста жамият» деб таърифлайди. Лекин у, барибир, оқибат натижада руҳий кучларнинг бирламчилиги ҳақидаги фрейдизм қондасига ҳодик бўлиб қолади ва фрейдизм билан марксизмни «синтезлаштириш»га уринади.

Хуллас, буржуа файласуфларининг фикрича, инсон табиати-ни ўзгартириш, уни қайта тарбиялаш мумкин эмас. Улар одам ҳар қандай шароитда ҳам хусусий мулкчи, индивидуалист бўлиб қолаверади дейдилар. Фалсафий материализм эса инсоннинг моҳиятини биологик ва руҳий омиллар белгилайди деб, ижтимоий омилларни эътиборга олмайдиган, шахснинг қарор топиши жамият, кишилар жамоаси, ижтимоий муҳит, моддий, маънавий, синфий, сиёсий муносабатлар билан белгиланишини инкор қилдиган ҳар қандай кўринишдаги таълимотларга бутунлай қарама-қаршидир. Инсон ҳеч қачон ўзгармайдиган, ҳаминша бир хилда турадиган мавҳум индивид эмас, балки, аксинча, ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришдадир. Кишилар тарихан ўзгариб турадиган ижтимоий шароитларнинг маҳсули бўлиб, бу шароитлар ўзгариши билан уларнинг ўзлари ҳам ўзгариб борадилар. Инсоннинг ўзгариши ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг, ишлаб чиқариш усулининг, кишилар ҳаёт тарзининг ўзгариши ва ривожланишига бевосита боғлиқдир. Жамият ўзгарса, ижтимоий муносабатларнинг маҳсули бўлган инсон ҳам зарурий равишда ўзгаради. Бошқача айтганда, жамият қандай бўлса, шу жамиятнинг маҳсули бўлган инсон ҳам шундай бўлади.

Инсон ижтимоий муҳитнинг, ижтимоий муносабатларнинг сўт маҳсули эмас. Инсон айни вақтда ўз теварак-атрофидаги муҳитга фаол таъсир кўрсатиш, уни ўзгартириш қобилиятига ҳам эгадир. «Дарҳақиқат, киши ўз теварак-атрофидаги муҳитга боғлиқ экан, киши характерининг бутун хусусиятлари муҳитнинг иши экан, демак, кишининг нуқсонлари ҳам муҳитнинг ишидир, бинобарин, агар сиз кишининг нуқсонларига қарши курашмоқчи экансиз, у ҳолда сиз кишининг теварак-атрофидаги муҳитни тегишли суратда ўзгартиришингиз керак, ўзгартирганда ҳам нақ ижтимоий муҳитни ўзгартириш керак, чунки табиат кишини яхши ҳам қилмайди, ёмон ҳам қилмайди»¹,— деган эди Г. В. Плеханов.

Ижтимоий муҳит ўз-ўзидан ўзгармайди. Ижтимоий муҳитнинг «нақ» ўзгариши кишиларнинг амалий фаолиятига, ҳаракатига бевосита боғлиқдир. Вазият одамни қай тарзда яратса, ўз навбатида, одамлар ҳам вазиятни — ижтимоий муҳитни шу тарзда яратиши ҳақида фикр юритиб, К. Маркс билан Ф. Энгельс «вазият ва киши фаолияти ўзгаришининг бир-бирига мос келишини фақат амалиёт тариқасида олиб текширмоқ ва тўғри тушувноқ

¹ Г. В. Плеханов. Тарихга монистик қарашнинг ривожланиш масаласига доир. Тошкент, Ўздавнашр, 1957, 8-бет.

мумкин¹, деган эдилар. Инсон жамият қонунларини, ўз ҳаёт шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган фаол фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни ўзгартира олади.

Ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, бахти бутун инсониятнинг тақдири билан узвий боғлиқдир. Юқорида айтилганидек, инсон биологик ва ижтимоий омилларнинг жамул-жамидир. Жамият биологик омилларнинг инсонни камол топтиришдаги аҳамиятини янада оширишга қодир эмас. Лекин инсонни мукамаллаштиришда асосий ўрин тутадиган ижтимоий омиллар ролини ошириш мумкин. Ана шу нуқтан назардан ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасида савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш инсоният олдида турган асосий вазифадир.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 2-жилд, Ўздавнашр, 1959, 441-бет.

III бўлим. ИНСОННИНГ ФАОЛИЯТЧАНЛИК МОҲИЯТИ

XII БОБ. АМАЛИЁТ — ИНСОННИНГ ОЛАМГА НИСБАТАН УЗИГА ХОС МУНОСАБАТИ

1. АМАЛИЁТ ТУШУНЧАСИ. АМАЛИЁТ — СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БИРЛИГИ

Амалиётни фалсафий нуқтаи назардан идрок қилиш ўтмишдаги ва ҳозирга даврдаги мутафаккирлар диққат-эътиборида турган муаммолардан биридир.

Амалиётнинг илмий билиш ва жамият ҳаётидаги мавқеи хусусида ўтмиш мутафаккирлари бир қатор ижобий фикрларни айтиб ўтганлар. Жумладан, XVIII аср инглиз материалисти Ф. Бэкон ўрта асрлар схоластикасига қарши чиқиб, амалиётни илмий билимлар билан боғлаш тарафдори бўлган эди. Лекин у амалиётни тор маънода, чекланган ҳолда тушушган. Бэкон амалиётни техникавий имкониятлардан юзага келувчи илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб, фаннинг техникавий яратувчанликка, инсон ҳаёт фаолиятидаги тажрибавий яратувчанликнинг очилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Бўлажак экспериментал фанлар юзага келишида Бэкон тажрибани (экспериментал тажрибани) билишда асосий ва бош қурол деб билади. Барча исботлар ичида энг яхшиси,— деган эди, у — бу тажрибадир, агарда у барча синовлар ичида ўз предмет моҳиятидан чиқмаган ҳолда бўлса. Тажрибани амалиёт шакллариининг биридан иборат эканлигини у тушунмаган эди.

Амалиётнинг билиш жараёнидаги ролини тушунишда ижобий қадам қўйган мутафаккирлар XVIII аср француз материалистларидир. Улар илмий билишнинг амалий эҳтиёжлар билан алоқадорлигини таъкидлаб, илмий билимлар одамларнинг эҳтиёжларига хизмат қилиши, умуминсоний манфаатларни ифода этиши керак деб ҳисоблаганлар. Улар тажрибаи гўё билишнинг ва ҳақиқат мезонининг воситаси сифатидагина қарашган эди. Биз,— деб ёзган эди Дидро,— уч асосий изланишлар воситасида ўрни эгаллаймиз: табиатни кузатишда, мушоҳада ва тажрибалар бора-сидадир. Кузатиш маълумотлар йиғишдан, мушоҳада уларни мужассамлаштиришдан, тажриба эса мужассамланган фикрларимизни текшириб кўришдан иборатдир. Лекин француз материалистлари тажрибаи амалиётнинг бир бўлими ёки алоҳида шаклларидан бири сифатида қарамаган эдилар. Уларнинг амалиётни тушунишда чекланганлигининг асоси шундан иборатки, улар

тажрибавий қизиқишлар ва алоҳида индивидлар фаолияти ёки илмий билимларда техникавий амал қилишлари билан қаноатланганлар.

XIX аср рус пикирловий демократлари ҳам онг ва амалиётнинг алоқадорлиги борасида бир қанча қимматли фикрлари илгари сурган. Улар идеалистларнинг назарияни амалиётда ажратиб кўрсатишга уришларини таъкид қилиб, фаннинг вазифаси одамларнинг маълум эҳтиёжларини қондиришга қаратилмоғи лозимлигини таъкидлайдилар. Чернышевский амалиёт тушунчаси моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий сиёсий фаолиятлар йиғиндисидан юзага келиши ҳақидаги фикрларга яқинлашади. Лекин рус пикирловий демократлари идеалистик тушунишдаги ижтимоий ҳаёт тараққиётининг яратилиши, жамият ҳаётида моддий пьёматларни ишлаб чиқаришига аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб бера олмадилар.

Амалиёт тўғрисидаги хато қарашлардап бири Э. Мах ва Р. Авенариуснинг субъектив идеалистик таълимотидир. Э. Мах ўзининг «Билиш ва янглишиш» асарида «билиш — биологик жиҳатдап фойдали бўлган руҳий кечинмадир, фақат муваффақиятгина билишни янглишишдан ажратади»,— деб ёзади. Демак, бу ўринда билиш ва ҳақиқат мезони масаласи амалиётдан бутунлай ажратиб ташланади. В. И. Ленин унинг бу қарашларини таъкид қилиб: «Э. Мах... ҳаёлий ҳақиқатдан ажратадиган амалиёт критерийсини фан доирасидан, билиш назарияси доирасидан ташқари чиқарар экан, бу чиндап ҳам профессорларча тўқиб чиқаришган уйдирма идеализмдир»,¹— деган эди.

Амалиёт тушунчасига тўла илмий таърифни марксизм классиклари бердилар. Амалиёт нима? Аввало шуни таъкидлаш керакки, амалиёт инсонларнинг ўзига хос амалий фаолияти бўлиб, фақат уларгагина тегишлидир. Амалиёт инсонларнинг тарихан юзага келиши жараёнида шаклланиб, барча жамиятлар тараққиёти йўлида ривожланди ва мукаммаллашди. Амалиёт тарихий тараққиёт субъекти ҳисобланган инсоннинг унинг учун объект ҳисобланган моддий олам билан боғланишидир. Бундай алоқадорлик жараёнида субъект фаол роль ўйнайди.

Амалий таъсир фақат объектга эмас, балки субъектнинг ўзини ҳам ўзгартиради. Амалиёт субъекти алоҳида инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, бутун жамият ҳам бўлиши мумкин. Қачоқки, бундай субъект сифатида инсон бўлар экан, амалиёт алоҳида фаолият тусини олади, чулки у бевосита шу индивидуум билан боғланган бўлади. Чунончи, ҳар бир инсон шу жамият аъзоси бўлар экан, ўзининг ҳаракатлари билан алоҳида жамоат аъзоси бўлиб майдонга келади. Шунинг учун ҳам алоҳида одам ижтимоий амалиётнинг бир бўлагини бўлиб ҳисобланади.

Амалиёт ҳамма вақт ижтимоий фаолият бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Одамларнинг ижтимоий фао-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 158-бет.

лиятлари ўзаро муносабат ва боғланиш жараёнида намоён бўлади. Ипсоннинг дунёга таъсири шу тариқа юзага чиқади.

Моддий алоқадорликларда ва бошқа муносабатларда ипсон билаб объектив дунё амалиёти субъектив ва объектив томоплари қўшиб олиб боради. Амалиёт ўзининг субъектив томопида шу нарса ифодалайдики, у субъектнинг фаолият натижаси бўлиб, унинг олгини мақсадга йўналтиради ва бошқаради. Субъект нафақат объект ва ўзининг фаолият мақсадини таплайди, балки қўйилган мақсадини муваффақиятли амалга ошириш йўллари ва воситаларини кўрсатиб беради. Чунинчи, субъект у ёки бу мақсадларни нафақат ойдиплаштиради, балки ипсоннинг реал аҳтиёжларини ифодалаб, ўз навбатида, субъектив жиҳатлар, объектив сабабларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Амалиётнинг объектив томонлари қуйидагилар билан белгиланади:

1. Амалиёт ипсонлар фаолиятида объект бўлиб, нарса ва ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд жараёнлардир;

2. Техникавий қурол ва воситалар ёрдамида амалиётнинг юзага чиқиши моддий предметлар маълум мажмуини ифодалайди; уларда ипсонларнинг ўтмиш билимлари ва амалий фаолиятларининг моддийлашув натижалари намоён бўлади;

3. Амалиётда нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариши объектив жараёндир.

Шундай қилиб, амалиёт субъектив ва объектив жиҳатларни ўзида бирлаштирган жараёндир. У овгли равишда мақсадга йўналтирилган субъект фаолияти бўлиб, шу билан биргаликда, ҳақли равишда объектив жараён тарзида намоён бўлиб, ёхуд субъект ва объектнинг ўзаро таъсири билан боғлапган, у ёки бу объектнинг ўзгариши билан рўёбга чиқадиган муносабатдир.

2. АМАЛИЁТ ТУРЛАРИ

Ижтимоий ҳаётнинг асоси бўлиб моддий ишлаб чиқариш амалёти ҳисобланади. Бу эса ипсон билан табиат ўртасидаги моддий алоқадорлик муносабатларида майдонга чиқади. Моддий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида ипсонлар ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида табиат предметларига таъсир этиб, уларни ўз аҳтиёжлари йўлида ўзгартирадилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти ўзига умуминсоний имкониятларни бириктириб, айни вақтда у ипсонларни моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан боғлайди. «Ҳар қандай меҳнат,— деган эди К. Маркс,— бир томондан, киши иш кучининг физиологик маълода сарф қилинишидир ва ўзининг апа шу сифати жиҳатидан бир хил бўлган ёки кишининг абстракт меҳнати бўлган меҳнат товарларнинг қийматини вужудга келтиради. Ҳар қандай меҳнат, иккинчи томондан, киши иш кучининг алоҳида мақсадга мувофиқ шаклда сарф қилинишидир»¹.

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 58-бет.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар пафақат табиат кучларига таъсир этади, балки бир-бирларига ҳам таъсир қиладилар. Шунинг учун моддий ишлаб чиқариш амалиёти доимо маълум ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида амал қилади.

Моддий ишлаб чиқариш амалиёти ижтимоий амалиётнинг асосий пегизини ташкил этиб, одамларнинг бошқа барча амалий фаолиятлари ривожланишини очиб беради. Бундан ташқари ижтимоий амалиётдан фарқли ўлароқ, инсон фаолиятининг барча томонларини ўзига қамраб олиб, ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги ижтимоий гуруҳлар ва синфлар муносабатларини мужассамлантирган ҳолда акс этади.

Синфий жамият шароитида ижтимоий амалиёт доимо синфий курашларни, миллий озоодлик ҳаракатларини, тинчлик тарафдорлари ва бошқа барча сиёсий амалиёт шакллари ҳаракатларини ўз ичига олади.

Пролетариат партияси ва унинг кураши янги жамият қуришга қаратилган бўлиб, бу инқилобий яратувчанлик амалиётининг фаолияти демакдир. Марксизм асосчилари инқилобий амалиётни ижтимоий ҳаётнинг қайта ташкил топишида асосий яратувчилик воситаси деб ҳисоблаганлар. Маркс ижтимоий инқилобни «тарих лоқомоти» деб атаган эди. Социалистик инқилоб — бу ижтимоий қайта ташкил топиш амалиётидан то пролетариат галабасига қадар бўлган даврнинг энг юқори босқичи демакдир.

Социалистик инқилоб галабасидан сўнг амалиёт тарихий ривожланишнинг янада юқори даврига кўтарилади ва у янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёт шакллари яратишга қаратилган бўлиб, туб моҳияти билан ўзида олдинги бошқа барча ижтимоий тараққиёт босқичларидан фарқ қилади. Инқилобий амалиётнинг муҳим хусусиятларидан бири бу — совет жамиятининг барча жабҳаларида қайта қуришнинг муваффақиятли амалга оширилишидир. Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик шароитида халқ хўжалигини бошқариш ва раҳбарлик амалиёти хўжалик механизмларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан биргаликда илмий изланишлар, таъбабат, бадий ижодиёт, суд-тергов амалиёти, халқ депутатлари советларининг амалиёти ва шунга ўхшаш бир қанча инсон амалий фаолияти турлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Хуллас, амалиёт жуда кўп қиррали бўлиб, у ўз ичига моддий ишлаб чиқариш мажмуининг барча томонларини, инсонларнинг ижтимоий қайта тиклаш фаолиятларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам амалиётнинг моҳиятини тўғри тушуниш катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Диалектик материализм эски метафизик материализмга қарама-қарши ўлароқ, амалиёт билишнинг асоси, деб қарайди. Инсон билимларининг объектив оламга мос келиши ёки келмаслиги амалиёт жараёнида текширилади. Амалиёт жараён бўлиб, бунда мунозарали масалалар, назарий муаммолар ҳал қилинади. Табиат ва жамият қонунлари тўғрисидаги билимлар ҳам амалиёт жараёнида текширилади.

Амалиёт ҳақиқат ўлчови эканлиги тўғрисидаги таълимот диалектик материализм билиш назариясининг энг муҳим принципларидан биридир. К. Маркс «Фейербах ҳақида тезислар»нинг иккинчи бандида предмет, ҳақиқат инсон тафаккурига мос келадими, ёки келмайдими? деган масалани амалиётдан ажратиб қараш мумкин эмаслигини изоҳлаб шундай деган эди: «Кишиларнинг тафаккури ҳақиқатда мавжудми ёки мавжуд эмасми, деган масала асло назарий масала эмас, балки *амалий* масаладир. Киши ўз тафаккурининг мавжудлигини, яъни воқеийлигини, қувватини, ҳақиқий оламга мансублигини амалда исбот қилиши лозим. Амалиётдан ажралган тафаккурнинг воқеийлиги ёки воқеий эмаслиги тўғрисидаги мунозара нуқул схоластик масаладир»¹. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида амалиёт ҳақиқатнинг мезони эканлиги тўғрисида К. Маркс таълимотини юқори босқичга кўтариб, шундай дейди: «Ҳаёт, амалиёт нуқтаи назари билиш назариясининг биринчи ва асосий нуқтаи назари бўлмоғи керак»².

Идеалистлар ҳақиқатга бутунлай қарама-қарши бўлганлиги учун инсон онгини ҳақиқат асоси деб биладилар. Прагматистлар эса амалиётни инсон истагини қондирувчи нарса деб биладилар. В. И. Ленин бу хилдаги идеалистик қарашларга қарши курашиб, фақат инсониятнинг амалий фаолияти ҳақиқат учун асос бўла олади деб таъкидлаган эди.

Диалектик материализм инсоннинг бутун ижтимоий-тарихий ва аввало моддий ишлаб чиқариш фаолиятини билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи асос деб билиб, унинг амалий моҳиятидан иборат эканлигини тарғиб этади. Кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти — амалиётнинг энг муҳим таркибий қисмидир, лекин одамларнинг илмий кузатишлари ва тажриба ҳам унинг таркибий қисмига киради. Шундай қилиб, амалиёт табиат ва жамиятни ўзгартиришга қаратилган фаолиятларнинг ҳамма томонини ўз ичига қамраб олади.

Инсон амалиёти объектив реал аҳамиятга эга. Инсон табиатни ўзгартиради ва бу нарсани амалиётда исботлайди. Қундалик ҳаётда инсон объектив олам тўғрисидаги билимларини оширади, уни мақсадига бўйсундиради ва унинг ҳақиқийлигини текширади. Агар бироқ предмет ҳақидаги тасаввур сохта бўлса, у ҳолда шу предметлардан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги бизнинг мулоҳазаларимиз ҳам сохта бўлиб қолади ва ундан фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уриниш муқаррар равишда муваффақиятсизликка олиб келади.

Одамларнинг билимини амалиёт тасдиқлайди, ижтимоий амалиёт эса ўзгартириб, ривожланиб туради. Демак, билимнинг ҳақиқийлиги муайян шароитдаги муайян амалиёт билан исбот қилинмасдан, келажакдаги амалиёт билан исботланади. Объектив дунёни билишнинг ўзи одамларнинг ижтимоий амалиётидан келиб

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик танланган асарлар, 2-жилд, 1-бет.
² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 162-бет.

чиққан, шунинг учун билиш жараёни ижтимоий-тарихий амалиёт билан боғланган ва унга суянган.

Инсон фаолияти сабабиятни исботлаш имкониятини беради. Масалан, механик ҳаракат иссиқликка айланади, яъни ишқаланиш натижасида ўт ҳосил бўлган, бу жуда қадимий кашфиёт. Кўп йиллардан кейин эса одамлар иссиқликдан механик ҳаракат вужудга келтириш имкониятига амалиёт асосида эга бўлди. Одамларнинг амалий эҳтиёжи табиат илмининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, астрономия фани фаслини билиш эҳтиёжи натижасида келиб чиқди. Демак, ҳар бир фан инсон амалий эҳтиёжи натижасида келиб чиқади. Худди шунингдек, билимнинг асоси ҳам амалий фаолиятдир.

Марксизм таълимоти ҳам тарихий амалиёт асосида пайдо бўлди. К. Маркс ва Ф. Энгельс пролетариатнинг инқилобий кураш амалиёти асосида ишчилар синфининг ҳаракат таърибасини ўрганиб, уни умумлаштирдилар ва пролетариат инқилобий ҳаракатининг назарий қуролига асос солдилар. Демак, кишиларнинг кўп йиллар давомида амалга ошган ижтимоий-амалий фаолиятлари якунини умумлаштириш натижасида назарий билимлар келиб чиққан. Амалиёт билан назарияни биргаликда олиб бориш керак. Назария бу — табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуларини тушунтиришгина эмас, балки унга фаол таъсир этиб, уни инқилобий асосда ўзгартириш ҳақидаги илмий ғоялар мажмуидир. Ҳақиқий фanning вазифаси оламни тушунтирибгина қолмасдан, унга фаол таъсир этиб, инсон мавфаати учун йўл кўрсатиши керак. Демак, инсон ўз билимларининг ҳақиқийлигини амалиётда билиб олади.

3. АМАЛИЁТ ВА НАЗАРИЯ БИРЛИГИ

Билиш жараёни назария ва амалиётни биргаликда, ўзаро таъсирда олиб қараш зарурлигини кўрсатади. Чунки улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Назария амалиётсиз ўлик, амалиёт эса илмий назариясиз кўрдир.

Марксизм классиклари ўз асарларида бир неча бор назария ва амалиёт бирлигини таъкидлаб ўтганлар. К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз таълимотини яратар эканлар, онгли равишда бу таълимотни пролетариат хизматида қўйдилар. Маркс фалсафа пролетариатда ўзининг моддий қуролини топганидек, пролетариат фалсафада ўзининг маънавий қуролини топади, деб ёзади. Шунингдек у «Фейербах ҳақида тезислар»да аввалги материализмнинг асосий камчиликлари назариянинг амалиётдан ажралганлигида ва пролетариатнинг инқилобий амалий фаолияти билан боғланмаганлигида, деб кўрсатади. В. И. Ленин ҳам ўз асарларида назария ва амалиёт бирлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади.

Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги амалиётнинг ҳамма вақт назарияни илгари суришида, унинг олдига масалалар қўйишида намоён бўлади. Ҳар қандай фanning вужудга келиши амалиётнинг у ёки бу талабига жавобдир. Марксизм ҳам проле-

тариат синфий кураши талабига жавобан келиб чиқди. Илмий тадқиқотларнинг йўналиши ҳам ижтимоий амалиёт талаби билан белгиланади. Бугунги кунда назария ва амалиёт бирлиги ва ўзаро таъсири принципи алоҳида аҳамиятга эга. Қайта қуриш ва социализм ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни фаол ҳал қилишни фандаш талаб қилмоқда.

Марксизмга илмий тадқиқотни амалиётдан ажратиб, илмий ишлар ва назарий изланишлар мавзунини ясама, сунъий танлаш хилофдир. Амалиёт бу ерда ҳам илмий тадқиқот предметини танловчи сифатида намоён бўлади, жамият ҳаётининг айнан шу босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган табиат ҳодисалари ва жараёнларини ўрганишга диққатни йўналтиради. Бироқ амалиёт назарияга нисбатан белгилувчи аҳамиятга эгалигидан назария амалиёт кетиждан эргашади деб ҳисоблаш нотўғридир. Назария амалиёт эҳтиёжидан келиб чиқиб, цисбий мустақилликка, ўзининг ички мантқиқига эга бўлиб, фақат натижадагина амалиёт тараққиётига асосан мос тушади. Шунинг учун баъзи назариялар бундай шароитда амалиёт билан бевосита алоқада бўлмасликлари табиийдир. Лекин улар ўзининг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганидек, фаннинг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Назария воқеликни тўғри акс эттирса, амалиётдан анча илгарилаб кетиши, кишиларни оламни амалий ўзгартиришда маънавий қуроллантириши мумкин. Марксизм классиклари назария оммани эгаллаши билан муҳим моддий кучга айланади, деб бир неча бор таъкидлаганлар.

Назария билан амалиёт ўзаро узвий боғлиқ бўлганлиги учун уларни бир-биридан ажратмаслик керак. Агар назария амалиётдан ажратилса, мутлақлаштирилса бу догматизмга, қироатхошликка олиб келади. Аксинча, амалиёт назариядан ажратиб, мутлақлаштирилса эмпиризмга олиб келади. Dogmatikлар марксизмга содиқлик байроғи остида назариянинг бир тарихий шароитда ишлаб чиқилган у ёки бу қондаларини бошқа шароитда механик кўчиришга ҳаракат қиладилар. Назарияга «содиқ»ликлари билан гурурланувчи догматикларга қарама-қарши эмпириклар амалиётни мутлақлаштирадилар, назарияга эса эътибор бермайдилар. Эмпирикларнинг фикрича, амалиёт ҳамма нарса, назария эса ҳеч нима. Назарияни бундай писанд қилмаслик бизнинг мамлакатимизда шахсга сиғишиш, турғуплик йилларида айниқса совет фанининг аҳволига салбий таъсир қилди. Диалектик материализм назария билан амалиётни узвий бирликда олиб қарашни талаб қилади. Назария билан амалиёт бирлиги назариянинг ҳам, амалиётнинг ҳам ривожланиш зарурий шартидир.

Бугунги кунда ижтимоий фанлар ҳаётдан ажралиб қолганлиги учун адолатли равишда танқид қилинмоқда. Бунинг кўпгина ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Ижтимоий фанларга салбий таъсир кўрсатган жиддий омиллардан бири фан ва сиёсат ўзаро муносабатларининг бузилишидир. В. И. Ленин сиёсий

қарорлар илмий жиҳатдан ишлаб чиқилганидан сўнгра қабул қилиниши керак деб ҳисоблар эди. Афсуски кейинги йилларда ушбу ленинча қонда қўпол равишда бузилди. Кўпинча аввал сиёсий қарорлар қабул қилинди, сўнгра эса олимлар олдига уни илмий-пазарий жиҳатдан асослаш вазифаси қўйилди. Бундай вазиятда жамиятшунослар асосан «юқоридан» берилган йўл-йўриқларни шарҳлаш ва тарғиб қилиш билангина чегараланиб қолдилар.

Қайта қуриш фаи ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тиклаш учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Ижтимоий фаилар, шубҳасиз, сиёсий қарорларни тарғиб қилишлари керак, лекин жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш йўлларини прогнослаш, Совет давлати ички ва ташқи сиёсатиинг илмий асосларини ишлаб чиқиш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун авторитар-догматик йўл-йўриқлар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаилар ривожини секиллаштираётган кўнгина андазалардан тезроқ қутулиш мақсадга мувофиқдир.

ХИИ БОБ. ОНГ ВА ИЖОДИЁТ

1. ОНГ — ВОҚЕЛИКНИ АКС ЭТТИРИШ ВА ИНСОН ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАКЛИ

Фалсафада онг нима, у моддий дунё билан қапдай муносабатда, онг материядан келиб чиққаними, ёки материя онгдан келиб чиққаними? деган масалалар қадим замонлардан бошлаб одамлар ақлини банд қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам у ҳозирги замон табиёт фаилари ва фалсафада муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ф. Энгельс «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» асарида айтганидек, инсон руҳининг табиатга, онгининг материяга, тафаккурининг борлиққа муносабати фалсафанинг асосий масаласини ташкил қилади. Ана шу масаланинг ҳал қилинишига қараб файласуфлар икки гуруҳ, икки оқимга бўлинганлар. Бу икки оқим: материализм ва идеализм ўртасида муносабатсиз кураш бўлиб келган.

Материализм киши онгига боғлиқ бўлмаган реал дунё маъжудлигини эътироф этса, идеализм эса маъжуд реал варааларнинг ҳаммаси руҳий асосга эга, яъни улар руҳ, гоё томонидан яратилган деган даъвоини илгари суради. «Ўзимиз ҳам маъсуб бўлган, биз ҳиссимиз билан идрок қиладиган моддий... дунё бирдан-бир ҳақиқий дунёдир», «бизнинг онгимиз ва тафаккуримиз қапчалик гайриҳиссий бўлиб кўринмасин, моддий, жисмоний органнинг, миаянинг маҳсулидир... Материя руҳнинг маҳсули эмас, балки руҳнинг ўзи материянинг олий маҳсулигинадир. Бу, албатта, соф материализмдир»¹,— деган эди В. И. Ленин. Идеализм эса бу материалистик нуқтаи пазарни рад қилади. Масалан, объектив идеалист Гегель борлиқ онгининг маҳсули дейди. Унинг фик-

¹ В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами, 18-жилд, 94-бет.

рича, онг инсоннинг оддий онги, руҳи эмас, балки кишига, субъектга боғлиқ бўлмаган, унда ташқаридаги онгдир, дунёвий руҳдир. Субъектив идеалистлар эса моддий дунёни онг вужудга келтиради деб даъво қиладилар ва бу онг субъект онгидан бошқа нарса эмас. Жумладан, Беркли бизни ўраб турган нарсалар фақат бизнинг сезгиларимизда мавжуд, реал нарса — бу онг, моддий дунё эса киши онгида, сезги ва тасаввуридагина мавжуддир, дейди.

Худди шундай фикрни XIX аср охири ва XX аср бошларида Гарбий Европада Мах ва Авенариус тарқата бошлаган. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида махизмнинг синфий, реакцион моҳиятини очиб, бу субъектив идеализмнинг янги кўринишидир деб кўрсатди.

Идеализм қандай шаклда намоён бўлмасин, унинг моҳияти битта, у ҳам бўлса онг, сезги, руҳ бирламчи, табиат, материя эса уларнинг маҳсулидир дейишдир. Дин эса дунё худо томонидан яратилган, деган даъвои очиқдан-очиқ илгари суради. Идеализмнинг ҳар қандай кўриниши шу фикрга асосланади.

Идеализмга қарши ўлароқ материализм эса онг — материянинг маҳсули, миyaning хусусияти деб уқтиради. Материя киши онгига боғлиқ бўлмасдан, ундан ташқарида мавжуд бўлиб, унда инъикос этиши мумкин. Материя билан онг муносабати мураккаб масала бўлиб, объектив реаликни инъикос эттириш инсон миясининг ишидир. Онг материядан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Материя ҳам тарихан, ҳам гнрсеологик нуқтаи назардан онгга нисбатан бирламчидир. Онг материяга нисбатан ҳосилладир. Онг — миyaning фаолияти, унинг руҳий функцияси, мия эса фикрлаш аъзоси, моддий, нарса. Шундай қилиб, материализм онг — инсон миясининг функциясидир, бу функциянинг моҳияти эса ташқи реал дунёни инъикос эттиришдан иборатдир, деб тушунилади. Диалектик материализмнинг онг масаласига доир қарашлар системаси инъикос принципига асосланади.

Инсон миеси ва уни ташқи олам билан боғлаб турувчи сезги каналлари бўлмаса, ҳеч қандай идроклар, тасаввурлар, тушунчалар ҳосил бўлиши мумкин эмас. Онг — мия фаолиятининг маҳсули, у сезги аъзолари орқали мияга ташқаридан келадиган таъсир патижасидагина бўлади. Миyaning сезги орқали ташқи олам билан боғланиши англаш дейилади.

Диалектик материализм онг — бу табиат узоқ тарихий тараққиётининг маҳсулидир, материя эволюцияси жараёнида вужудга келган руҳий ҳодисаларнинг хоссасидир деб ўргатади. Одам онги юксак даражада тузилган материянинг хоссасидир, ташқи олам, воқеликнинг инъикосидир. Бу хосса материянинг оддийдан мураккабликка, қуйидан юқорига қараб ривожланиш жараёнида пайдо бўлган. Материянинг ўзи, — деган эди Ф. Энгельс, — фикр қилувчи инсон миясини ривожлантиради. Онг фақат инсон миесига хос бўлган инъикос жараёнидир.

Хўш, ноорганик олам тараққиётидан қандай қилиб органик олам келиб чиқди, қандай шароитларда органик олам ривожлани-

ши онгнинг келиб чиқиши учун замин тайёрлади? Апа шу саволларга жавоб бериш учун Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, онгнинг илк тарихини ўрганишимиз лозим бўлади.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши, теварак-атрофимиздаги тирик мавжудотларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала табиат ва фалсафа фанининг энг муҳим масалаларидан биридир. Бу масалага ғоят жиддий эътибор бермаган бирорта фалсафий ёки диний таълимот, бирорта йирик мутафаккир йўқ. Ҳаётнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари масаласи турли даврларда ва маданиятнинг турли босқичларида турлича ҳал этиб келинди, лекин ҳар доим бу масала устида ўзаро қарама-қарши бўлган икки хил қараш ўртасида кескин ғоявий кураш давом этиб келди. Идеалистлар фикрича, ҳаёт қандайдир руҳий, ғайримоддий олий зотнинг — «жон», «дунёвий руҳ», «ҳаёт бахш этувчи қудрат», «илоҳиёт идроки» ва ҳоказоларнинг гавдаланишидир. Бу нуқтаназардан олиб қараганда материянинг ўзи ҳаётсиз ва қотиб қолган бир нарсадир. Бу материя тарих мавжудотлар яратиш учун хизмат қиладиган моддадангина иборатдир, тирик мавжудотлар эса бу моддага шакл ва муайян бир мақсадга мувофиқлик бахш этувчи жон кирсагина пайдо бўлиши ва янани мумкин.

Материализм ҳаётнинг моҳияти ҳақидаги масалага илмий материалистик нуқтаназардан ёндашади. Материалистик таълимотга кўра, ҳаёт — материя ҳаётининг қошуви вужудга келадиган ва қонуний емириладиган айрим бир шаклидангина иборатдир. Ҳаётни билишга олиб борадиган ишончли йўл объектив тажрибадан ва тирик табиатни кузатишдан иборатдир. Ф. Энгельснинг кўрсатишича, Ер юзида ҳаёт биринчи навбатда тирик бўлмаган моддадан пайдо бўлган, яъни ноорганик дунёдан органик дунё биологик қонуниятга кўра пайдо бўлган. Энг оддий тузилишга эга бўлган тирик мавжудотларнинг ўзи ҳам жуда узоқ даврлар мобайнида моддаларнинг алмашишуви натижасида вужудга келган.

Ф. Энгельс XIX аср ўрталарида табиатшунослик фахлари эришган ютуқларни умумлаштириб, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини уч асосий босқичга бўлиб кўрсатган эди: 1). Мураккаб ноорганик бирикмалардан оқсил ва ҳужайранинг келиб чиқиши; 2). Ҳужайралардан йирик, кўп ҳужайрали организмларнинг келиб чиқиши; 3). Организмлар тараққиётининг маълум босқичида одамнинг келиб чиқиши.

«Ер,— деб ёзган эди В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида,— бир вақтлар шундай бир ҳолатда бўлганки, унда на инсон, на умуман бошқа бирон жонзот бўлмаганини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини табиёт ижобий равишда тасдиқлайди. Органик материя кейинроқ юз берган ҳодисадир, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир¹. Ҳозирги замон табиатшунослик илмининг кўрсатишича, Ернинг ёши 4—5 миллиард йил

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 78-бет.

деб ҳисобланади. Айни пайтда ернинг атмосфераси эса қайтарилиш ҳолатидан оксидланиш ҳолатига бундан 700—800 миллион йил илгари ўтган деб тахмин қилинади.

Иккинчи босқич углеводородлардан оқсил молекулаларга ўтиш кейинчалик тирик мавжудотлар шаклланиши мумкин бўлган комплекс бирикмалар пайдо бўладиган мураккаб жараёндан иборатдир. Ерда ҳаёт 2—2,5 миллиард йил чамаси илгари пайдо бўлганлигини кейинги пайтлардаги илмий далиллар тасдиқлайди. Ҳаёт материянинг жуда узоқ даврлар давомида тараққий этиши ва ўзгариши натижасида пайдо бўлиб, Ернинг бундан буён ўзгариши, шубҳасиз, ҳаётнинг ўзгариши ва такомиллашиб боришига сабаб бўлган. Бу ерда энг муҳим нарса бирламчи Ер атмосфераси шароитида ҳар қандай тирик мавжудотнинг асоси бўлган оқсил моддалар ҳосил бўлиши мумкинми-йўқми эканлиги масаласидир. Академик А. Опарин ва америкалик олим Г. Юрий тасаввурларига кўра, дастлабки Ер атмосфераси ҳозиргидан жуда бошқача бўлиб, сув буғлари, метан, аммиак ва водород аралашмасидан иборат бўлган ва қарийб мутлақо эркин кислороди бўлмаган. Ҳозирги вақтда америкалик олим С. Миллер, ҳинд олими К. Бахадур ва бошқа тадқиқотчиларнинг тажрибаларига кўра, бундай шароитларда дастлабки аминокислоталар ҳосил бўлиши имконияти исбот қилинган.

Учинчи, энг муҳим босқич — мураккаб оқсилсимон моддаларнинг оддий тирик организмга айланишидир. Бу босқич мураккаб босқичдир. Материянинг ҳаракат шаклларида бири бўлмиш энг муҳим ҳаёт аломати, — деб ёзади академик А. Опарин, — оқсил жисмлар модда алмашуви — организм атрофидаги ташқи муҳит билан ўзаро таъсирдан иборатдир. Кишида баъзан ўз организми ўзгармайдиган жисмлар деган таассурот ҳосил бўлади. Мана шу ўзгармас бўлиб кўриниш танамиз таркибининг доимийлигини эмас, балки унда содир бўлувчи жараёнларнинг доимийлигини акс эттиради.

Шундай қилиб, тирик организм учун атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлиш — зарурий мавжуд бўлиш шarti ҳисобланади. Бошқа томондан олиб қараганда, оқсил, қанд, мой, яъни тирик организмни вужудга келтириш мумкин бўлган органик моддалар пихоят даражада беқарор бўлиб, ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда бўлганида тез бузилади. Органик моддаларнинг бузилишига қандай сабаблар таъсир этади? Биринчи навбатда, кислород таъсирдир. Юқорида айтилганидек, сайёрамизнинг бирламчи атмосферасида амалда эркин кислород бўлмай, қарийб бутун кислород сув ва металл оксидлари шаклида бўлган. Маълум бўлишича, физик муҳитнинг баъзи энг муҳим хоссалари организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида пайдо бўлган. Усимликлардан кислород чиқиб турмаса, сайёрамиз атмосферасида кислород бўлмасди.

Сайёрамизнинг дастлабки даврларида организмлар ва эркин кислород бўлмаган, органик модда жуда узоқ вақт мобайнида сақланиб қола олган. Уша вақтда мавжудотнинг ўз-ўзидан пай-

до бўлиб, эндиликда нима учун пайдо бўла олмаслигининг асосий сабаби ҳам мана шудир. Мана шу пайтдан бошлаб органик дунёнинг тараққиёт кучи бўлган табиий тавлаш қонуни ишга туша бошлаган. Табиий тавлаш натижасида кооперват томчилар тобора такомиллашиб, ташқи шароитларга борган сари мослашиб, барқарорлашиб борган. Ниҳоят улар шундай бир системага айланганки, бу системада атроф-муҳит билан модда алмашуви биз ҳаёт деб атовчи такомиллашган материя ҳаракат шаклига эришган. Демак, ҳаётнинг келиб чиқиши материянинг ўзгариб бораётган мураккаб шароитларда ривожланишидан заруран келиб чиққан оқибатдир, яъни материя тараққиётида муҳим сифат ўзгаришлари рўй беришига олиб келди.

Ҳаётнинг моддий асосини материя тараққиётининг мураккаб маҳсули бўлган оқсил таначалари ташкил этади. «*Ҳаёт*,— деб ёзган эди Ф. Энгельс «*Анти-Дюринг*» номли асарида,— *оқсил жисмларнинг яшаш усулидир*, бу яшаш усули эса ўз моҳияти билан мазкур жисмларнинг кимёвий таркибий қисмларининг доимий ўз-ўзини янгилаб туришидан иборат»¹. Демак, оқсиллар моддалар алмашинувида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юксак даражада тузилган материя одам ва ҳайвонларнинг руҳий фаолиятида ўзига хос хусусиятларини намоеъ қилади. Материянинг руҳий хоссалари ҳайвонот дунёсида сезгилар вужудга келган пайтдагина кўрина бошлайди. Сезувчи табиат диалектик тараққиёт жараёнида материя тараққиётининг янги, юксакроқ босқичи сифатида пайдо бўлгандир.

Шундай қилиб, сезги органик табиатнинг янги сифати бўлиб вужудга келди. Сезги етарлича мураккаб тузилган тирик мавжудотларнинг хоссасидир ва бу хосса тасодифий равишда, худонинг қудрати билан вужудга келган эмас, балки материянинг ўзидаги зарур ички жараёнлар натижасида келиб чиқди. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» деган асарида сезмайдиган табиатдан сезадиган табиатга ўтишда тарихий изчиллик борлигини кўрсатиб берди. У табиёт илми маълумотларига таяниб, материянинг юксак даражада ривожланган шаклларига хос бўлган сезги материянинг ўзича ҳаракатланиш қобилияти асосида ривожланган, бу қобилият «материя биносининг ўз пойдеворида бор» деган фикрни баён қилди. У бутун материянинг ана шу хоссасини акс эттириш хоссаси деб, сезгига ўхшайдиган, ammo у билан бир хил бўлмаган хосса деб қарайди. Кенг маънодаги акс эттириш (инъикос) хоссаси бутун моддий дунёда — органик табиатда ҳам, ноорганик табиатда ҳам бор.

Албатта, материянинг инъикос хоссаси турли шаклда намоеъ бўлади ва материя тараққиётида қуйи босқичдап юқорироқ босқичга ўтиш билан сифат жиҳатидан ўзгаради. Масалап, одамнинг сезгиси ва тафаккури юксак даражада тузилган материянинг хоссаси бўлиши билан бирга акс эттиришнинг мураккаброқ шакллари дир. Ноорганик табиатда эса акс эттириш қоби-

Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 103-бет.

ляти бирмунча содда механик, физик, кимёвий жараёнларда намоён бўлади. Акс эттиришнинг бу шакллари таъсирланувчанлик (изтиробланувчанлик), сезувчанлик, онг билан тенглаштириш ярамайди, чунки булар акс эттиришнинг мураккаброқ шакллари ҳисобланади.

В. И. Лениннинг ишъикос — бутун материянинг хоссасидир, деган фикрлари XVII—XVIII асрлардаги баъзи материалист-файласуфларнинг қарашларидан бутунлай ўзгачадир. Ана шу материалист-файласуфлар табиатдаги барча нарса, буюмларда бир қадар «сезувчанлик» билан «онг» бор деб даъво қилган эдилар. Марксизм классиклари бундай қарашларни доимо танқид қилар эдилар. Гилозоизмга¹ қарши ўлароқ, диалектик материализм ҳар қандай материянинг «онглиги» ҳақида эмас, балки фақат материя тараққиётининг турли босқичларида турлича кўринадиган акс эттириш хоссаси ҳақидагина фикр юритади.

В. И. Ленин сезмайдиган материя билан сезадиган материя ўртасидаги тарихий изчиллики, диалектик боғланишни очиб ташлаб, табиатуносларга энг чуқур илмий муаммолардан бирини, яъни сезмайдиган материядан сезадиган материяга қай тартиқа ўтилганлигини ҳал этиш учун гениал кўрсатмалар берди. Материя ҳаракатининг юксакроқ бўлган биологик шаклининг келиб чиққанлиги — акс эттиришнинг сифат жиҳатидан янги шакли — таъсирланувчанликка ўтиш учун зарур шарт бўлди. Таъсирланувчанлик эса ҳаёт билан бирга пайдо бўлган ва тирик материянинг энг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Тирик протоплазма бўлган ҳар бир жойда изтиробланиш реакцияси мавжуддир. Изтиробланиш хоссаси барча тирик организмларда бор. Бу тирик материянинг асосий хоссаси — модда алмашинуви билан муқаррар боғланган. Тирик оқсил вужудга келган ҳамон дарров таъсирланувчанлик кўринади. Бу тирик оқсил билан муҳитнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади. Барча мавжудотлар ташқи таъсирга жавобан бир қадар мустақил реакция кўрсатадиган, яъни таъсирланадиган бўлади.

Тирик табиатнинг тарихий тараққиёти натижасида сезгилар вужудга келди, ammo ўсимликларда сезги йўқлиги маълум. Ўсимлик дунёсининг ҳаёт шароити сезгига зарурат туғдирган эмас. Ўсимликлардаги таъсирчанликнинг энг тарқалган шакли бу — тропизм деган хоссадир. У ғоятда хилма-хил бўлади, масалан, унинг турларидан бири фототропизм шунда кўринадикки, яъни ўсимлик қуёш нурларининг таъсирига жавобан реакция кўрсатади. Яшил ўсимликлар ҳаётида ёруғлик жуда катта роль ўйнайди. Ёруғлик — яшил ўсимликлар учун энергия манбаидир. Ўсимликлар мумкин қадар нур энергиясини олмоқ учун ёруққа илтиладилар. Уларнинг баргларига офтоб нурлари қайси томондан кўпроқ тушса, барглар асосан ўша томонга қараб ўсади.

¹ Гилозоизм — табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларда сезувчанлик, тафаккур ва бошқа ҳаётий функциялар бор деган ғояни илгари сурувчи таълимот.

Ҳайвонот дунёсида таъсирлапувчавлик хоссаси тараққиётнинг муайян босқичида сезгиларнинг келиб чиқишига олиб келди. Дастлабки энг оддий сезгиларнинг майдонга келиши тирик табиат тараққиётидаги янги давр бўлди.

Акс эттиришнинг муайян шакли бўлган сезгилар ҳайвонот дунёси тараққиётининг илк босқичларида келиб чиқиш билан бирга одамда кўпроқ тараққий топди ва камолга отди. К. Маркс кўрсатиб ўтганидек, одамнинг сезги аъзолари бутуп жаҳон тарихининг маҳсулидир. В. И. Лениннинг инъикос назариясига мувофиқ, сезги объектив оламнинг субъектив образидир. Материя бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этиб, сезги ҳосил қилади. Сезги мизга, периларга, кўз тўр пардасига ва шу кабиларга, яъни муайян суратда тузилган материяга боғлиқ. Материянинг мавжудлиги эса сезгига боғлиқ эмас.

Одам мизси ва кишиларнинг ижтимоий табиатига кўра кўпроқ тараққий топган пери системаси ҳайвонларнинг сезгиларига қарама қарши ўлароқ, одам сезгиларининг янги сифат хусусиятларини келтириб чиқаради. Ҳайвонларнинг сезгилари ҳам, одамнинг сезгилари ҳам табиатда реал мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларнинг инъикосидир. Аммо одамнинг сезги аъзолари акс эттира оладиган ҳамма нарсаи ҳайвонларнинг сезги аъзолари акс эттиришга қодир эмас. Масалан, бургут одамга қараганда анча узоқни кўради, лекин одамнинг кўзи букюмларда бургутнинг кўзига қараганда анча кўп нарсаи ажратади. Одамга шибатаи ит анча кўп ноликроқ искаш қувватига эга, лекин у одам учуи турли нарсаларнинг муайян белгиларидан иборат бўлган ҳидларнинг юздан бир ҳиссасини ҳам фарқ қила олмайди.

Фан диний таълимотларни рад этиб, одам билан ҳайвонот дунёси ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара йўқлигини исботлади. Энг юксак даражада тузилган мавжудот — одам ҳайвонот дунёсидан келиб чиққан ва ҳақиқатдан ҳам тирик табиат тараққиётининг энг юксак маҳсули ҳисобланади. Биология фани жуда кўп тарихий ва асосли материалларга таяниб ҳайвонлардаги одий пери фаолиятининг ривожланиш тарихи одам онги тарихининг боши эканлигини кўрсатади. Модомки шундай экан, ҳайвонларнинг руҳий фаолиятини ўрганиш одам онгининг келиб чиқиш муаммосини ёритиб беради.

И. П. Павловнинг шартсиз ва шартли рефлекслар ҳақидаги таълимоти бу муаммони ҳал этишда муҳим роль ўйнади. Унинг бу таълимоти ҳайвонлар организмнинг ташқи муҳит билан доимий ва вақтинча боғланишлар ўрнатиш қонуниятларини очиб берди. Организмнинг ташқаридан бўладиган таъсирларга жавобан кўрсатадиган реакциялари рефлекслар деб аталади. Шартсиз рефлекслар — организмнинг ташқи дунё таъсирларига жавобан кўрсатадиган ирсий реакцияларидир. Одамнинг қўли ёки оёғи куйганда уни тортиб олиши, кўзини пяриллатиш, аксирш, ошқат еганда сўлак ажратиш ва шу кабилар шартсиз рефлексларнинг оддий мисоллари бўла олади. Шартли рефлекслар эса организмнинг алоҳида ривожланиш даврида касб этадиган реак-

цияларидир; улар доимий бўлмай, балки вақтинча бўлади. Масалан, итга овқат беришдан илгари қўнғироқ чалинса ва бу бир неча маротаба такрорланса, қўнғироқ овозига сўлак ажралиш рефлекси келиб чиқади. Бунда қўнғироқ овози шартли таъсирловчи ҳисобланади. И. П. Павлов бундай реакцияларга шартли рефлекслар деб ном берди.

Ҳайвон яшайдиган табиий шароитда шартли рефлекслар жуда хилма-хил бўлиб, ўзича вужудга келаверади. Организм бир қанча шартли рефлекслар ҳосил қилиш йўли билан муҳитга боғланади. Шартли рефлекслар шартсиз рефлексларга таянадиган вақтинча, аммо барқарор боғланишлардир. И. П. Павлов таълимотига мувофиқ, шартсиз ва шартли рефлекслар, яъни организм билан ташқи дунё ўртасидаги доимий ва вақтинча боғланишлар ҳайвонлар билан одамдаги бутун олий нерв фаолиятининг негизидир. Шартсиз рефлекслар билан шартли рефлекслар бир-бирига чамбарчас таъсир этиб туради.

Шартли рефлекслар шартсиз рефлекслар асосида вужудга келади. Аммо шартли рефлекс ҳам янги шартсиз рефлексни вужудга келтира олади. Бир қанча бўғинларнинг ҳаёт шароити бирдай сақланган тақдирда янги вужудга келувчи шартли рефлексларнинг узлуксиз равишда доимий, яъни шартсиз рефлексларга айланиши эҳтимолдан узоқ эмас, дейди И. П. Павлов.

Изчил материалист И. П. Павловнинг фикрича, ҳайвоннинг руҳий фаолияти ҳаёт шароити билан белгиланадиган рефлектор боғланишларнинг бойлигига ва хилма-хил эканлигига боғлиқдир. Организмнинг бутун ҳаёт фаолияти, ривожланиши ва феъл-атвори ҳаёт шароитига боғлиқдир. Организм ташқи табиий муҳит билан ўзаро таъсир этар экан, пассив бўлиб қолмайди. Теварак-атрофдаги воқеани фаол акс эттириш хоссаси фақат одамдагина эмас, балки ҳайвонларда ҳам бор, деб таъкидлаган эди Павлов.

Ҳайвонлар руҳиятининг муҳим хусусияти инстинктлардир. Инстинктлар — ҳайвонлар муайян турининг эволюция жараёнида тўплаган онгсиз ҳаётни, «тажрибаси»дир. Улар мутлақо ўзгармас нарса эмас, аксинча эволюция жараёнида ҳаёт шароитига қараб ўзгаради, янги инстинктлар билан алмашинади. Инстинктлар мураккаб шартсиз рефлекслар бўлиб, организмнинг ташқи таъсиротга жавобан кўрсатадиган кўпгина айрим реакцияларидан иборат. Инстинктларда ҳеч қандай ғайритабиий сир йўқ. Улар турли ҳайвонларда турлича намоён бўлади. Ҳайвонларнинг жуда мураккаб инстинктив ҳаракатлари маълум, масалан, асаларилар олти қиррали уялар қуради, чумолилар кўп қаватли уялар қуради, қушлар доимий йўллардан учиб ўтади, балиқлар ўзи бир вақт тухумдан чиққан жойига тухум ташлайди ва бошқа кўпгина мисоллар мавжуд. Демак, ҳайвонларга хос бўлган руҳий ҳодисалар улардаги ҳар хил сезги ва инстинктларда кўринади. Юқорида айтилганидек, инстинктлар мураккаб шартли боғланишлар сифатида юзага чиқади, ҳайвонларнинг юриш-туриши ана шу боғланишлар асосида вужудга келади. Аммо юқори даражадаги ҳайвонларнинг руҳияти шу ҳодисалар билангина чекланмайди.

Уларда идрок фаолиятининг элементлари, оинг бошлангичлари, англаб билиб акс эттиришнинг дастлабки энг оддий шакллари борлигини фан далиллар асосида исботлади. Бу эса одам руҳияти тасодифий, фанкулодда ҳодисадир, деган дивий қарашларга қарши курашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳайвонларда онгли, режали суратда ҳаракат қилиш қобилияти нерв системасининг тараққий этишига мувофиқ равишда ривожланади ва бу сут эмизувчи ҳайвонларда анча юксак даражада туради. Энгельс тулки овлагап вақтдаги тулкининг юриш-туришидан мисол келтиради. Тулки ўз кетига тушганлардан яшириши учун жой билан жуда яхши тапшишлигидап фойдалана билади.

Юқори даражадаги ҳайвонлар ажаблана олади, одамга боғланиш, уялиш, сиичковлик туйғуларини намойи қила олади. Маймуларнинг одам хатти-ҳаракатларига қандай яхши тақлид қилиши маълум. Кўнгина ҳайвонларнинг ажойиб хотираси бор. Ит эгасини неча йиллардан кейин ҳам таниб олади.

Юқори даражадаги ҳайвонларда элементар «тафаккур» асосан анализ ва синтез шаклида кўринади. И. П. Павловнинг фикрича, нерв системасининг асосий функцияларидан бири янги боғланишларни вужудга келтириш бўлса, иккинчи асосий функцияси теварак-атрофдаги дунди таҳлил қилиш, мураккаб элементларни оддий элементларга парчалашдап иборат.

Юқори даражадаги ҳайвонларда таъсирловчиларни уларнинг сифат хусусиятларига қараб ажратиш, фақат муайян таъсиротларни идрок этиш қобилияти бор. Ана шунинг ўзи апалидир. Ҳар хил ассоциаларни вужудга келтириш, уларни мияда қайд қилиш қобилияти билан бирга анализ қилувчи фаолият юқори даражадаги ҳайвонларда «тафаккур» жараёнининг асосий ташкил қилади.

Бу далиллар ҳайвонларда онг бошлангичлари борлигини, яъни ҳайвон ҳолатидан одамга ўтишда меҳнат фаолияти натижасида одам тафаккурининг ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароит борлигини кўрсатади. Аммо ҳайвонларнинг руҳияти билан одам тафаккури ўртасида сифат жиҳатдан жуда катта тафовут борлигини унутиб бўлмайди.

2. ОНГНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИДА МЕҲНАТНИНГ РОЛИ

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида сўзлаганда аввало одамнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишига сабаб бўлган асосий омил — меҳнатнинг родини айтиб ўтиш лозим. Меҳнат одамнинг ҳайвондан фарқ қилиши учун зарур бўлган ҳамма шароитни тугдирди. Меҳнат — инсоният ҳаётининг биринчи асосий шартидир. Энг қадимги одамларнинг аجدодлари ҳаётий эҳтиёж туфайли қўлини ерга тирамасдан, икки оёқлаб тик юришни ўрганишлари керак эди. Ана шу пайтдан бошлаб, Энгельс ёзганидек, маймундан одамга айланиш учун қатъий қадам қўйилди. Бир жойда турганда ва юрганда қўлларнинг ерга тиралмай бўш туриши

уларнинг меҳнат қуроли сифатида ривожланиши учун имконият берди. Қўл фақат меҳнат органигина эмас, балки у меҳнатнинг маҳсули ҳамдир.

Меҳнат жараёнига мувофиқлаша борган одам қўли меҳнат қуроллари яшаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида бўғиндан-бўғинга ўзгара бориб, гавдадаги бошқа аъзоларнинг ҳам ўзгаришига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилди. Қўл ва меҳнатнинг мияга таъсирини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Қўлнинг тараққий қилиши натижасида табиат устидан бошланган ҳукмронлик одамнинг билим даражасини илгарига қараб босилган ҳар бир янги қадам сайин кенгайтира борди. У табиат буюмларида доимий равишда янги, шу вақтгача маълум бўлмаган хусусиятлари оча борди.

Энгельс одамларнинг тарихгача бўлган тараққиётидаги икки муҳим ҳодиса: гўштли овқат истеъмол қила бошлаш ва ўтдан фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида гапиради. Гўштли овқат орқали мия ўзининг озиқланиши ва ривож топиши учун лозим бўлган моддаларни илгаригига қараганда кўпроқ ва тўлроқ олиш имконига эга бўлди. Энгельс гўштли овқат истеъмол қила бошлашнинг иккинчи аҳамияти овқатни пиширишда деб билди ва ҳайвон гўштини истеъмол қила бошлаш ўтдан фойдаланишга чамбарчас боғлиқ, деб кўрсатди.

Одамларнинг шаклланишида қўл, сўзлаш аъзолари ва миянинг биргалашиб ишлаши катта аҳамиятга эга бўлди. Булар орқали улар тобора мураккаброқ ишлари бажариш, ўз олдларига янада юқорироқ мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш қобилиятини ҳосил қилдилар.

Энгельснинг одамлардаги меҳнат фаолиятининг умумий моҳияти ҳақидаги фикрлари айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бу фикрлар одамнинг пайдо бўлишида меҳнатнинг ролини аниқ таърифлашга имкон беради. Энгельс ёзганидек, ҳайвон фақат ташқи табиатдан фойдаланади ва фақат ўзининг ҳозир бўлиши билангина унда ўзгариш ясади, одам эса ўзи киритган ўзгаришлари билан табиатни ўз мақсадларига хизмат қилишга мажбур этади, унинг устидан ҳукмронлик қилади. Ҳайвонлар жуда деганда йиғиб истеъмол қиладилар, одамлар эса ишлаб чиқарадилар.

Энгельс одамнинг аждоди бўлмиш одамсимон маймунларни энг қадимги одамлардан ажратадиган чегарани кўрсатиб, унинг меҳнат қуроллари тайёрлашдан бошланишини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга Энгельс одамларнинг тарихгача бўлган тараққиёт жараёнида ҳаракатга келтирувчи иккинчи кучнинг ҳолат катта аҳамиятини кўрсатиб ўтади. Бу куч — ижтимоий меҳнатдир. Энг қадимги одамларнинг меҳнат фаолияти бошланғич даражадаги янги ижтимоий шаклни вужудга келтирдикки, одамларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари бу ижтимоий шакл учун характерлидир. Меҳнатнинг ривожланиши жамият аъзоларининг янада яқинроқ жипшлашувига ёрдам беради, чунки шунинг орқасида бир-бирларига ёрдам қилиш, биргалашиб ишлаш тез-тез

учрайдиган ҳодисалардан бўлиб қолди. Биргаликда меҳнат қилишнинг фойдасини англаш эса жамият ҳар бир азоси учун тобора равшан бўла борди. Жамиятнинг ривожланиши ҳам одамнинг тараққиётига тобора кўпроқ таъсир қила борди. В. И. Ленин қадимги замон одамларининг тош қуруллар билан табиатга қарши курашда жиддий қийинчиликларга дуч келганлигини таъкидлаб, қадимги замон кишиси зарур нарсаларни табиатдан текин оларди дейиш — бу аҳмоқона бир афсонадир... Биздан бурунги замонларда ҳеч қандай олтин аср бўлмаган, қадимги замон кишиси ҳам тирикчилик қийинчиликлари, ҳам табиат билан кураш қийинчиликлари остида жуда кўп азоб тортган, деган эди.

Меҳнат одамлар ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолди. Меҳнатнинг таъсирида одам организми ва унинг барча хусусиятлари камолга етди. Маркс ёзганидек, одам ташқи табиатга таъсир этиш ва уни ўзгартириш билан бир вақтда ўзининг табиатини ҳам ўзгартиради.

Шунинг айтиш керакки, меҳнат қурулларини ясаш ва улардан фойдаланишга ўтиш — одамнинг шаклланиши ва тараққиётида асосий жиҳат ҳисобланади. Одамнинг шаклланиши узоқ ва мураккаб жараён дур. Одам ҳақиқий одамга айланмагунча унинг эволюцияси биологик жараёнлигича қолаверади. Ибтидоий одам шаклланишининг илк босқичида меҳнат қуруллари ишлаб чиқариш технологиясида ворислик бўлмаган, авлоддан-авлодга ўқув, малака эмас, балки қурулдан фойдаланишнинг ҳаётда зарурлиги, мақсадга мувофиқлиги ғояси ўтиб борган. Янги авлод фақат тошдан қурул ясашда олдинги авлодга тақлид қилган, холос. Буларнинг ҳаммаси ибтидоий одамнинг ноаниқ, тақомиллашмаган тафаккури билан боғлиқ дур. Маркс ёзганидек, ҳатто энг ёмон меъмор ҳам яхши асаларидан тубдан фарқ қилади, чунки асалари ўзига ивни фақат одат кучига кўра қилади, меъмор эса ҳар қандай бинони олдин ўз тасавурида, миясида яратади.

Меҳнат қурулларининг жонланиши ва тақомиллашуви неандерталь одам даврига тўғри келади. Бу даврга келиб унинг қийин ва узоқ давом этган одамга айланиш жараёни тугалланади; шу пайтдан бошлаб сайёра миэз бўйлаб ақлли одамнинг юриши бошлавади. Энгельс антропогенез жараёнини талқин қилишда биологик омилларга нисбатан ижтимоий омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини, шунингдек антропогенезнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатади. Тана аъзоларига, гўё янги куч бағишловчи сувъий аъзолар вазифасини бажарувчи меҳнат қурулларининг ишлаб чиқарилиши одамнинг ҳайвонлардан юқори кўтарилишига катта туртки бўлиб хизмат қилди ва ўзига хос йўл билан узоқ давом этган тадрижий ривожланиш натижасида одамсимон маймуннинг ердаги энг қудратли ва фаол мавжудотга айланишига имкон берди. Инсон қўлининг аста-секин тақомиллашиб бориши ва шу билан бир қаторда оёқнинг ривожланиши ва тик юришга мосланиши қадимги одам организмнинг тегишли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Энгельс кўрсатганидек, мия ва унга бўйсунадиган сезги аъзоларининг ривожланиб бо-

ришида онг шакллана борди, одамнинг абстракция ва зеҳн ишла-тиш қобилияти тараққий қилди ва булар, ўз навбатида, меҳнат ва тилга таъсир қилди, уларнинг ривожланишига туртки берди.

Онгнинг вужудга келиши ва ривожланишида меҳнат ҳал қилувчи омилдир. Инсоният ўзининг маълум мақсадга қаратилган онгли меҳнати туфайлигина ҳайвонот оламидан ажралиб чиқди. Инсон ўзининг меҳнати натижасида ижтимоий ҳаётни тубдан қайта қуришга қодир бўлган ягона кучдир. Шунинг учун ҳам меҳнат одамнинг бебаҳо бойлиги, унинг яшashi ва ҳаётининг асосий замини ҳисобланади. Инсоният кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни топиш жараёнида табиат предметлари-га дуч келиб, уларнинг хоссаларини била борган, уларни бир-бири билан таққослаб, ажрата бошлаган.

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат қуроallarини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёни онгнинг ривожланишига катта таъсир этганлиги шубҳасиздир. Меҳнат қуроallarининг авлоддан-авлодга ўтиб келиши, ўз навбатида, олдинги авлоднинг ишлаб чиқариш тажрибасини, билими ва онгини кейинги авлодларга ҳам олиб ўтган. Кейинги авлод эса ўз аجدодларининг меҳнат қуроallarини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усулларини билиб олиб, уларни янада такомиллаштириш имкониятига эга бўлган. Онгнинг ана шу тариқа меҳнат билан тафаккурнинг бирлиги асосида такомиллашиб борганлиги шубҳасиздир.

Шундай қилиб, кишиларнинг меҳнат фаолияти тафаккур органи бўлган мианинг ривожланишига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Меҳнат одам онгини шакллантирган ва камолга етказган асосий омил бўлди. Меҳнат туфайли «одам қўли камолотнинг шундай юқори босқичига эришдики, у бу босқичда, гўё сеҳр кучи билан Рафаэлнинг расмларини, Торвальдсеннинг ҳайкаллари, Паганинининг музикасини вужудга келтира олди»¹.

3. ОНГ, ТАФАККУР, ИРОДА, ҲИССИЁТ. ОНГ ВА ТИЛ

Онг — объектив воқелиқни акс эттиришнинг фақат инсонга хос онгли шаклидир. Онг ўз табиатига кўра ижтимоийдир. Онгнинг муҳим белгиларидан бири шуки, у тушуниб етилган билимдир. Унинг яна бир белгиси — ижодий хусусияти сифатидаги фаоллигидир. Онгнинг асоси — инсоннинг ижтимоий-тарихий амалёти, яшаш усули — тилдир. Инсон мия ёрдамида фикр қилади. Онгнинг маъноси предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. Онг фақат объектив олам инъикосини эмас, балки инсоннинг ўз руҳий фаолиятини англашини ҳам ўз ичига олади. Онг воқелиқнинг ҳам рационал, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Шунингдек у инсон ҳиссиётлари, иродасини ҳам ўз ичига олади.

Ирода — инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсадни амалга оширишда учрай-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 2-жилд, 82-бет.

диган жами тўсиқлар (қўрқинч, журъатсизлик, шубҳа)ларни енгишга бўлган қобилиятдир. Ирода амалий фаолият жараёнида шаклланади ҳамда инсоннинг ҳам ташқи олам предметларини, ҳам ўз шахсий имкониятларини билишга асосланади. Иродани шакллантириш ва мустаҳкамлашда кишиларнинг амалий фаолияти, меҳнат катта ўрин тутаетди. Ироданинг онгдаги фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, бу мақсадга эришиш воситалари ва йўл-йўриқларини олдиндан аниқлаб, маълум қарорга келишда намоён бўлатди. Ўзини тута билиш, дадиллик, қатъийлик, чидам ва тоқат, принципатлик, мустақиллик ва бошқа шу кабилар ироданинг муҳим белгиларидир. Ироданинг кучи ана шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади.

Барча руҳий жараёнлар сингари ҳиссий-эмоционал ҳолатлар ҳам мия фаолиятининг натижасидир. Ҳиссий ҳолатларнинг пайдо бўлишига ташқи оламда юз берадиган ўзгаришлар сабаб бўлатди. Инсоний ҳис-туйғулар ҳаётнинг ижтимоий шароитлари билан ўзгаради. Бошқача айтганда, у ижтимоий шароит билан боғлиқ ҳолда намоён бўлатди.

Эмоцияларнинг ифодаланishi, биринчидан, ифодали ҳаракатлар (мимик ва пантомимик ҳаракатлар)ни, иккинчидан, организмдаги турли ҳодисаларни, яъни ички аъзолар фаолиятининг ва ҳолатининг ўзгаришини (кўпчилик ҳолларда бу ўзгариш эмоция кечираётган одамнинг ташқи қиёфасида намоён бўлатди); учинчидан, гуморал характердаги, яъни организмнинг қон таркибидаги ва бошқа кимёвий ўзгаришларни, шунинг билан бирга модда алмашивувида бўладиган янада чуқур ўзгаришларни ўз таркибига олади.

Эмоционал жараёнлар ва ҳолатлар ёки эмоциялар ҳиссий кечинмаларнинг одатдаги асосий шаклидан иборатдир. Эмоция қандайдир бир ҳиссийётнинг бевосита кечирилишидир. Баъзи ҳолларда эмоциялар таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бундай эмоциялар одамни ҳаракатларга, мулоҳазалар айтишга ундовчи кучга айланади.

Эмоциялар қилинаётган ҳаракатларнинг мавзуси бўлиш билан бирга, баъзан фаолиятни ташкил қилувчи жиҳатга, баъзан эса фаолиятни бузувчи жиҳатларга айланади. Инсоннинг ҳақиқатни излашлари инсоний ҳиссийётларсиз ҳеч вақт бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Бошқа томондан олганда, ориқча эмоционаллик жуда кўп ҳолларда объектларни янглиш акс эттиришга, хулоса чиқариш ва баҳолашда мантиқий хатоларга олиб келаетди.

Тафаккур алоҳида тарзда тузилган материя — миянинг олий маҳсули, объектив оламнинг тушунчалар, муҳокамалар, назарлар ва ҳоказолардаги инъикосининг фаол жараёнидир. Бошқача айтганда, тафаккур объектив оламнинг инсон миясида мавҳумлашган, умумлашган, тил билан ифодаланадиган акс этишидир. Тафаккур аввало биологик эволюция билан эмас, балки ижтимоий тараққиёт билан боғлиқдир; у ўзининг пайдо бўлиш хусусиятлари жиҳатидан ҳам, фаолият усули жиҳатидан ҳам, ўз натижалари жиҳатидан ҳам ижтимоий маҳсулдир. Тафаккур киши-

ларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва воқеликнинг воситали инъикосини, унинг қонуниятли алоқаларини очиб беришни таъминлайди. Абстракция, анализ ва синтез, муайян вазифаларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топиш, гипотезаларни, ғояларни илгари суриш каби жараёнлар тафаккурга хос хусусиятлардир. Тафаккурнинг воқеликни умумлаштириб аке эттириши инсоннинг умумий тушунчалар тузиш қобилиятида ифодаланади.

Инсон онгининг тараққиётида нутқ, тил ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Тилнинг пайдо бўлиши бевосита меҳнат билан узвий равишда боғлиқ. Бу жараёни Ф. Энгельс қуйидагича баён қилади: «Зарурят орқасида меҳнатнинг ривожланиши жамият аъзоларининг янада яқинроқ жипшлашувига ёрдам берди, чулки бу ривожланиш туфайли бир-бирларига ёрдам қилиш, биргалашиб ишлаш тез-тез учрайдиган ҳодисалардан бўлиб қолди... Қисқача айтганда, уюшган кишилар шу даражага етдиларки, уларда бир-бирларига нимапидир айтиш эҳтиёжи тугилди. Бу эҳтиёж ўзига керакли аъзони вужудга келтирди: маймуннинг тараққий қилмаган ҳиқилдоғи аста-секин, лекин тўхтовсиз модуляция йўли билан тобора кўпроқ тараққий қилган модуляция учун ўзгариб борди, оғиз аъзолари эса аста-секин аниқ ва раванн товушлар чиқаришни ўрганди»¹. Шундай қилиб, одамнинг ўзини ҳам, тилни ҳам ижтимоий меҳнат яратди. Аввало меҳнат, сўнгра у билан бирга бурро-бурро қилиб сўзлаш эҳтиёжи маймуннинг миясини аста-секин одам миясига айлантирди.

Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон нутқи бўлмаса, тил воситалари бўлмаса фикрлаш ҳам бўлмайди. Нутқ—фикрлаш қуролидир. Тафаккур бўлмаса нутқ, тилнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Тил ва тафаккур бир-бирисиз мавжуд бўлмаса ҳам, бироқ улар айнан бир хил нарса эмас. Тафаккур — объектив реалликнинг инъикосидир, тил эса фикрни ифода этиш усули, уни қайд қилиш ва бошқа кишиларга етказиш, билдириш воситасидир. Тил фақат тафаккурнинг ифодаси эмас, балки унинг таянчи ва тараққиёт қуроли ҳамдир. Кишилиқ жамияти томонидан яратилган ва кашф этилган барча нарсалар, ҳодисалар, тушунчаларни ўзида аке эттирувчи тил буюк умумлаштирувчилик ролини бажаради.

Жамиятнинг тараққий этиши билан тафаккур сингари тил ҳам тараққий қилиб боради. Энгельс ёзганидек, тил ҳам онг каби қадимийдир. Тил — амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир; бинобарин, тил, онг сингари бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли, муомала қилиш ғоят зарурлиги туфайли пайдо бўлди.

Кишиларда нутқ меҳнат фаолияти жараёнида бир-бирлари билан алоқа қилиш воситаси сифатида ривожланди. Ҳайвонларда эса нутқ йўқ, бошқача айтганда, ҳайвонлар гапирмайди. Улар-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлапган асарлар, 3-жилд, 73-бет.

нинг ҳаёт шароити шундайки, натижада уларда сўзлашишга зарурат ва имконият йўқ. Ҳайвонларнинг алоқа қилишида ҳар хил сигналлар ахборот ўтказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу сигналлар товуш чиқариб ёки имо-ишора билан берилади. Маймунларда бу ҳол айниқса яққол кўринади. Аммо «сигнал бериш системалари»га нутқ бошланғичларининг вужудга келиши учун ягона шарт-шароит деб қараш керак. Нутқ — алоқа қилишнинг сифат жиҳатидан янги воситаси бўлиб, фақат одамга хосдир.

Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш воситаси ва фикрнинг бевосита ифодасидир. Кишилар фикр айирбошламасдан туриб, умуман зарур моддий бойликларни ишлаб чиқара олмаган, табиат кучларига қарши биргаликда кураша олмаган бўлур эди. Фикр айирбошлаш эса фақат тил ёрдамида юзага чиқиши мумкин. Тил — тафаккурнинг борлиқ шакли, тафаккур эса — тилнинг мазмунидир.

Демак, тафаккур ва онг инсон миъясининг маҳсулидир. Онгни, тафаккурни фикрлаш органи бўлган миъдан ажратиб бўлмайди. Аммо бу нисбатга асосланиб онгни моддий деб ҳисоблаш мумкин эмас. Онгни моддий деб ҳисоблаш, тафаккурни материянинг кўриниши ёки унинг бир бўлаги деб ўйлаш мутлақо нотўғридир. Онгни моддийлаштиришга уривувчи вульгар материалистлар фикр моддийдир деб даъво қиладилар. Унинг намояндаларидан Мошотт, Бюхнер, Фогтлар эса жигар зардоб айиргани сингари миъ ҳам фикр ажратади деган эдилар. Вульгар материалистлар онгни материядан иборат қилиб қўйиб, уни материя билан тенглаштириб, фикрни борлиқнинг моддий кўриниши деб ҳисоблайдилар ва шу тариқа материя билан онг ўртасидаги моддий ҳодиса билан идеал ҳодиса ўртасидаги фарқни инкор қиладилар.

Диалектик материализм онгни вульгар материалистик тушунишни рад этиш билан бирга, онг, тафаккур бутун материяга хосдир деган даъвои рад қилади. Бу нуқтаи назарнинг хатोलиги шунда эдики, у жонсиз материя билан жонли, аввало фикрловчи материя ўртасидаги сифат тафовутларини инкор этади. В. И. Ленин кўрсатганидек, аниқ ифодаланган шаклдаги сезги материянинг юқори, органик шаклларигагина хосдир, ҳолбуки бутун материя инъикос этириш хусусиятига, яъни ташқи муҳит таъсирига муайян жавоб бериш қобилиятига эгадир. Бу хусусият маълум даражада сезги билан ўхшашдир, лекин у билан бирдай эмас, шу туфайли тафаккур, онгни бутун материяга хос бўлган хусусият деб бўлмайди.

Ҳозирги даврда фанининг янги соҳаси бўлган кибернетиканинг муваффақиятлари муносабатин билан жонсиз табиат предметларида ҳам фикрлаш қобилияти бор деб кўрсатишга уриниш кучаймоқда. Турли бошқарувчи системаларни ва бошқарув жараёнларини ўрганувчи кибернетика фани асосида ажойиб машиналар яратилди. Улардан айримлари тайёраларни, поездларни ёки мурракб ишлаб чиқариш жараёнларини бошқара олса, бошқалари матини аниқ ва тез бир тилдан бошқа тилга таржима қилади, энг

қийин математик топшириқларни бажаради ва ҳоказо. Бу машиналар ташқаридан турли маълумотлар олишга, уларни «эсда сақлаб қолишга», қайта ишлашга, мақсадга мувофиқ ҳаракатларни қилишга лаёқатлидир. Бу эса айрим олимларнинг «ақлли» машиналар сезиш ва ҳатто фикрлаш қобилиятига эгадир, деб айтишларига баҳона бўлди.

Кибернетика базасида амалга оширилаётган тафаккур функцияларини моделлаштириш гоят фалсафий аҳамиятга эгадир. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор тафаккур функцияларини қайта ҳосил қиладиган кибернетика қурилмаларининг яратилиши фалсафий материализмнинг асосий қондаларидан бири, яъни алоҳида суръатда ташкил топган материянинг функциялар бўлиши тафаккур ҳақидаги қондани исботлаб бермоқда. Кибернетик машиналарни такомиллаштириш чегараси борми? Машиналар ўз яратувчиси бўлган инсондан ўзиб кетиши ва ундан ақллироқ чиқиши мумкинми? Бундай саволларга ҳозирча барча тан олган маълум жавоб йўқ. Бу баҳсларда турли нуқтаи назарлар таъриф мавжуд. Кибернетика асосчиси Н. Винер ҳисоб машиналарининг имкониятларини катталаштириб юбормаган ҳолда уларнинг фаҳм-фаросатга ўхшаш хислати бўлиши керак, деган фикрни айтган эди. Совет олими академик А. Колмагоровнинг фикрига кўра, автоматлар энг мураккаб системалар, масалап, тирик организмлар ва ҳатто инсон миясидек барча асосий хоссаларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай системалар учун автоматлар деган сўзнинг ўзи бирмунча шартли бўлиб, биз уларни принципиал «тирик мавжудотлар» деб аташимиз мумкин бўларди.

Невролог Поль Косса «Инсон ясаган машина унинг иштирокисиз ҳеч парса қила олмайди. Машина инсон хоҳлаган ҳолатдалигича, яъни ажойиб қурол ҳолидалигича қолаверади. Машинада фикр қилиш қобилияти бутунлай йўқ бўлиб, ижодчисининг фикрини акс эттиради, холос. Чунки у онгдан батамом маҳрумдир», деган фикрни айтган эди. Совет олими академик А. Берг эса кибернетика sanoatда ҳам, фанда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам инсон ўрнини боса олмайди, ҳеч қачон машина жамияти мавжуд бўла олмайди деб таъкидлайди.

Инсоният неча асрлардан бери мия фаолияти ҳақидаги билимларни тўплашга уриниб келди ва келмоқда. Мия кишига билиш, яратишдек катта бахт келтиради, коинот қаърига чиқиб боришга, бепоён ва бениҳоя атом сирларини билишга имкон беради.

Мия мураккаб биологик организм бўлиб, унинг ўртача вазни 1000—1400 грамм чамаси келади. Одам миясининг мутлақ вазни қарийб барча ҳайвонларнинг мияси вазнidan катта. Мия вазнининг гавда вазнига нисбати жиҳатидан эса инсон умуман барча ҳайвонлардан анча юқори туради. Инсон миясида 14 миллиарддан ортиқ нерв ҳужайралари бўлиб, уларнинг катталиги 5—200 микрон чамаси келади. Инсон хотираси мураккаблиги, самаралилиги жиҳатидан машина хотирасидан минглаб, миллионлаб марта устун туради. Кибернетик машинанинг «электрон мияси» иссиқда, совуқда, намликда, силкинишда ишлай олмагани ҳолда

инсон мияси эса бундай шароитга осовликча мослаша олади. Шунингдек инсон мияси тежамли ишлашидан ташқари, жуда пухта системадир. Кибернетик машинанинг бирон жойи ишдан чиқса бутун машинанинг иши тўхтаб қолиши мумкин.

Кибернетик қурилмада онг бўлиши мумкинми?

Фан ва техниканинг ҳар қандай тараққиёти, шу жумладан кибернетик машиналар тараққиёти ҳам инсонлар амалий фаолиятининг натижаси бўлиб, улар объектив дунё қонунларидан фойдаланади. Фикр ва сезги, прода ва феъл-атвор, умуман инсоннинг руҳий фаолиятини ташкил этган ҳамма нарса табиат маҳсули, юксак ташкил топган материя — инсон миясининг хосасидан иборатдир. Миянинг ўзи эса ўз ҳолича фикр қила олмайди. Кибернетик қурилма билан инсон мияси ўртасида жуда катта принципиал тафовут бор. Инсон мияси кимё, физик қонуниятлар билан бир қаторда биологик қонуниятларга, шунингдек ижтимоий қонуниятларга ҳам бўйсунди. Инсон жамиятдан ажралган ҳолда яшай олмаса, ҳар қандай кибернетик машина эса муайян шароитларда мутлақ ёлғиз мавжуд бўла олади ва ўз «қобилиятларига» зарар етказмайди. Инсон онги эса ижтимоий муносабатлар доирасига киргандагина пайдо бўлади ва ривожланади.

Демак, инсон онги барча ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, у ҳақиқатда ҳам жамият тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан, онг фақат инсон мияси фаолиятининг маҳсули бўлиб, бундай нарса кибернетик қурилманинг «электрон мия»сида ҳеч қачон бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Машинанинг имкониятлари қанчалик кенг ва чексиз бўлмасин уларга ижтимоий қонуниятлар мансуб эмас. Кибернетик машиналар билан инсон миясида содир бўладиган айрим жараёнлар ўхшаш бўлса-да, лекин улар ўртасида жуда катта фарқ бор. Инсон табиатнинг энг улуғ, ажойиб, қудратли ижоди-дир.

Шундай қилиб, пировардида инсон ақли кибернетик машиналарни анча такомиллашган ҳолда қуришга имкон беради. Балки инсон ақлига қараганда ақлirroқ машиналар ҳам яратилиши мумкин. Лекин инсон ақли бунинг натижасида ҳам янада ақлirroқ бўлиб қолади, чунки унинг ўзи «ақли» машиналарни яратади ва уни бошқаради. Машина инсонсиз ўлик бир нарсадир.

Инсон онги теваарак-атрофдаги воқеликнинг тараққиётида фаол ижодий роль ўйнайди. Инсоннинг онги маълум бир мақсадга қаратилган жараёндир. Инсон ташқи оламга боғлиқ бўлиб, ташқи олам инсоннинг бутун фаолиятини белгилайди, бироқ у инсонни қаноатлантирмайди. Шунинг учун инсон ўз амалий фаолияти билан ташқи оламни ўзгартиришга ҳаракат қилади, воқеликнинг ривожланиш қонуниятларини билишга интилади. Онгнинг фаол роли шундаки, у объектив дунё қонуниятларини акс эттиради, англайди, уларни билиб олади ҳамда уларга асосланган ҳолда ўз манфаатлари йўлида фойдаланади.

Одамларнинг амалий фаолияти асосида вужудга келадиган

онг ундан илгарилаб кетиши ва амалиётни йўналтириши, унга раҳбарлик қилиши мумкин. Онг инсон амалий фаолиятининг мақсади, усуллари ва хусусиятларини белгилайди. Айни вақтда идеал нарса ҳеч қачон ва ҳеч бир шароитда моддий нарсанинг ўрнини боса олмаслигини айтиб ўтиш лозим. Масалап, бивокор миясидаги, хаёлидаги бино бу ҳали амалда қурилган бино эмас, фақат инсоннинг амалий фаолияти натижасидаги идеал нарса моддий нарсага айланиши мумкин. Ғоялар умуман ҳеч нимани амалга ошира олмайди. Уларни амалга ошириш учун ўз амалий кучини ишга сола оладиган одамлар талаб қилинади.

Ижтимоий оғнинг таъсирчан роли янада каттароқдир. У жамият тараққиётига, умумий қонуналарга фаол таъсир этади. Бу қонуналар кишиларнинг оғи ва ирода-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда вужудга келади. Тарихий тараққиёт, инқилобий кураш таърибаси буни яққол кўрсатади.

Одам маълум бир мақсадни кўзлаб, табиатга таъсир этар экан, уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиради. Энгельс ёзганидек, кишилар ҳайвонлардан қанча кўп узоқлашса, уларнинг табиатга таъсири ўшанча кўпроқ режали ва оғли фаолият тусини олади. Одам табиат сирларини тобора чуқуроқ англайди ва унинг қонунларини билиб боради.

Ишлаб чиқариш усули ривожланиши ва такомиллашуви билан, инсоният билимлари ўсиши билан одамнинг табиатга таъсири кучая боради. Кишиларнинг меҳнати билан бунёд этиладиган моддий ва маданий бойликлар кўпаяди. Кишилар табиат ва ижтимоий тараққиёт қонуналарини қанча чуқур ва мукамал билиб олсалар, уларнинг иш-ҳаракатлари ўшанча режали ва бехато бўлади, улар ўзларининг меҳнат самараларини ўшанча тўғри ва ҳар томонлама ҳисобга оладилар.

4. ИЖТИМОЙ ВА АЛОҲИДА ОНГ, УЛАРНИНГ ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИ. ИЖТИМОЙ РУҲИЯТ ВА МАФКУРА

Ижтимоий борлиқ кишиларнинг реал яшаш шароитларидир ва у ижтимоий онгга тобе бўлмаган ҳолда мавжуддир. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онг ривожланишини белгилайди. Ижтимоий борлиқ ахлоқ, дин, ҳуқуқ, фан ва фалсафада, санъат асарлари ва мафкурада, айрим синфлар ва умуман инсониятнинг ижтимоий қарашларида акс этади. Ижтимоий онг томонидан акс эттирила-диган объект — бу кишиларнинг ижтимоий турмушидир.

Ижтимоий борлиқ бирламчи, ижтимоий онг эса иккиламчидир. Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан бирламчи эканлигининг икки сабаби бор. Биринчидан, инсонни қуршаб олган моддий борлиқ абадий мавжуддир. Ижтимоий онг бўлса кишилар жамоаси ўртасида маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар вужудга келган даврда келиб чиқади. Иккинчидан, ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга нисбатан мустақилдир. Ижтимоий борлиқнинг мавжуд бўлиши учун ижтимоий онгнинг бўлиши зарурий шарт бўла олмайди. Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онг-

га нисбатан ҳал этувчи роли тўғрисидаги қонун умумсоциология қонуни бўлиб, у барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда ўзига хос шаклда амал қилади.

Ижтимоий онг — ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Ижтимоий онгнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, ахлоқ, санъат, фан, фалсафа, дин каби шакллари мавжуд. Ижтимоий онг шакллари-нинг хилма-хиллиги у акс эттирадиган объектив оламнинг, кишилар ижтимоий борлиғининг ниҳоятда бой ва мураккаблиги билан белгиланади. Ижтимоий онгнинг ҳар бир шакли ижтимоий борлиқни ўзига хос кўринишда, масалан, фан ва фалсафа — маънавий тушунчалар, қонулар, назариялар орқали, санъат — бадний образлар ёрдами билан, ахлоқ — ахлоқий норма ва принциплар асосида, дин — диний ақида ва ривоятлар асосида акс эттиради.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари ўзаро боғлиқ ва айни пайтда бир-бирига таъсир ҳам кўрсатади. Бунга сиёсий ва ҳуқуқий ғояларнинг ахлоққа, фалсафага, санъатга, уларнинг эса ўз навбатида сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳамда қарашларга кўрсатадиган таъсири мисолида кўриш мумкин.

Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайдиган объектив реалликдир. Кишиларнинг ижтимоий борлиғи, моддий ҳаёт шароитлари қандай бўлса, ижтимоий онглари ҳам шундай бўлади. Лекин ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онгнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг айнан тенглигини билдирмайди.

В. И. Ленин ўзининг қатор асарларида диалектик материализм қондаларини ижодий ривожлантириб, ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан белгилувчилик ролинини бузиб кўрсатувчиларни фож этган эди. II Интернационал бошлиқлари ва ревизионистлар тарихий материализмни идеализм билан алмаштиришга, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онгнинг бирдайлигини «исботлашга» уринган эдилар. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида Богдановнинг «Табият ва жамиятда ҳаётнинг ривожланиши» деган мақоласидаги ижтимоий турмуш билан ижтимоий онг айнан бирдай нарсалардир, деган фикрининг асосsizлигини таъкидлайди. «Умуман турмуш билан умуман онг бирдай бўлмагани сивгари,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— ижтимоий турмуш билан ижтимоий онг ҳам мутлақо бирдай эмасдир. Одамлар бир-бирлари билан алоқа боғлашларидан ижтимоий онг ижтимоий турмуш билан айнан бирдайдир, деган хулоса асло келиб чиқмайди»¹.

Ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасида объектив алоқадорликдан ташқари маълум фарқлар ҳам мавжуд. В. И. Ленин: «Умуман материализм инсониятнинг онгига, сезгисига, таърибасига ва ҳоказоларига боғлиқ бўлмаган объектив реал борлиқни (материяни) эътироф қилади. Тарихий материализм ижтимоий турмушни инсониятнинг ижтимоий онгига боғлиқ эмас деб билади. Ҳар иккала ҳолда ҳам онг фақат борлиқнинг инъи-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18- жилд, 325- бет.

косидир, жуда деганда унинг тахминий тўғри (адекват, идеал алик) инъикосидир»¹,— деган эди.

Тарихий материализм ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онга нисбатан ҳал қилувчи ва белгиловчилик родини кўрсатиш билан бирга ижтимоий оннинг жамият тараққиётидаги фаол родини, унинг ижтимоий борлиққа қайта акс таъсирини, нисбий мустақиллигини ҳам уқтириб ўтади. Жамиятнинг моддий ҳаёти белгиловчи асосдир, дейиш билан у ижтимоий ғоялар ва назариялар аҳамиятини асло камситмайди, балки уларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ролига катта баҳо беради. «Иссоннинг онги объектив оламни инъикос эттирибгина қолмайди, балки уни яратади»²,— деган эди В. И. Ленин.

Ижтимоий онг ижтимоий борлиққа нисбатан нисбий мустақилликка эгадир. Ижтимоий оннинг нисбий мустақиллиги унинг ижтимоий борлиқдан, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсий фаолиятларидаш ўзиб кетиши ёки орқада қолиши шаклида ҳам намойи бўлиши мумкин. Демак, ижтимоий онг ижтимоий борлиқдан ўзиб кетиши ҳам мумкин.

Ижтимоий оннинг нисбий мустақиллиги унинг ривожланишидаги ворисликда ҳам кўринади. Жаҳон тарихи, бинобарин, халқлар ва миллатлар тарихи бир-бири билан боғлашиб кетган узвий жараёндан иборат. Агар тарихга кириб келган ҳар бир халқ, ҳар бир янги авлод ўзида илгарги яшаган авлодларнинг фани ва техникасидан, ишлаб чиқарувчи кучларидан, меҳнат қуролларидан, моддий ва маънавий ютуқларидан ижодий фойдаланмасдан уларнинг ҳар бирини ўзича янгидан яратишга киришганда эди, унда ижтимоий тараққиёт ҳам, тарих ҳам, бинобарин, авлодлар ўртасидаги зарурий алоқадорлик ҳам бўлмас эди. Ўтмиш авлодларнинг қўлга киритган ютуқлари янги авлод учун энг катта бойликдир. Бир авлод иккинчи авлоднинг ютуқларидан фойдаланганилиги туфайли, ворислик туфайли авлодлар ўртасида боғланиш содир бўлади, тарихда узилишлар бўлмайди. «Ҳар бир авлод илгариги авлод ҳосил қилган ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлиши ва бу ишлаб чиқарувчи кучлар унга янги ишлаб чиқариш учун хом материал бўлиши туфайли, ана шу далил туфайли,— деб ёзган эди К. Маркс П. В. Авпенковга,— кишилик тарихида боғланиш ҳосил бўлади, кишилик тарихи ҳосил бўлади. Кишиларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, демак, уларнинг ижтимоий муносабатлари нақадар кўп тараққий қилган бўлса, мазкур тарих ҳам шу қадар кўп даражада кишилик тарихи бўла боради»³.

Ўтмиш авлодлардан сақланиб қолган адабий, маданий, тарихий ёдгорликларга, ғоявий меросга тарихда турли синфлар тур-

¹ В. И. Ленин. Уша жойда, 388—398-бетлар.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 29-жилд, 202-бет.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. 4ч жилдлик таълағав асарлар, 1-жилд, 573-

лича муносабатда бўладилар. Жамиятдаги илгор синфлар маданий мероснинг қимматли томонларини қабул қилиб олади, уларни таъқидий ўрганиб чиқади, ижодий ривожлантиради, унинг фойдасиз, эскириб қолган жиҳатларидан бутунлай юз ўгиради. Илмий материалистик таълимот ҳам инсониятнинг бир печа минг йиллар мобайнида тўплаган илмий билимларининг қонуний даври сифатида юзага келди.

Ижтимоий онгнинг исбий мустақиллиги ғояларнинг жамият тараққиётидаги фаол роли орқали ҳам намоён бўлади. Илгор ғоя ва назариялар жамиятдаги илгор кучларнинг манфаати учун хизмат қилади, жамиятнинг олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, етилган ижтимоий масалаларни ҳал қилишга кўмаклашади, халқ оммасини эскириб қолган ижтимоий тузум ва синфларга қарши уюшишга, онгли равишда ҳаракат қилишга, жасорат кўрсатишга ундайди. Янги ғоя туфайли омма сиёсий курашда ўзининг мақсад ва вазифаларини англаб олади, унда куч-қувват олади. Агар уларнинг ташкилотчилик, сафарбар этувчилик ва ўзгарувчилик роли ва аҳамияти бўлмаса жамият ҳаёти ривожланишидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Ижтимоий онг объектив воқеликни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, ижтимоий туйғулар, одатлар ва ахлоқнинг йиғиндисидан иборат бўлса, алоҳида онг эса муайян бир синфга, ижтимоий гуруҳга, халқ, миллатга ва элатга мансуб бўлган аниқ бир кишининг онгидир. У алоҳида бир кишининг миёсида объектив воқеликнинг акс этиши жараёнида юзага келадиган фикрлари, туйғулари ва бошқа руҳий сифатларининг йиғиндисидир. Алоҳида онг ҳам ижтимоий онг каби моддий ҳаёт шароитларининг, ижтимоий борлиқнинг инсон миёсидаги инъикосидан бошқа нарса эмас. У воқеликнинг бирор шахснинг миёсида унинг мақсади ва манфаатлари билан боғлиқ акс этишидир ва киши ҳаётининг ўзига хос шароитларига қараб шаклланади. Шундай қилиб, онгнинг ҳар қандай шакли энг бошидан ижтимоий маҳсулдир, инсоният бор экан, у шундай бўлиб қолаверади.

Алоҳида онг билан ижтимоий онг ўртасидаги ўзаро муносабатларда ижтимоий онг асосий томон ҳисобланади. Ижтимоий онг инсон моддий ҳаёт шароитлари ва табиатни алоҳида онгга нисбатан бирмунча чуқур, мукамал ва ҳар томонлама акс эттиради ва унинг мазмунини бойитиб, тўлдириб туради. Демак, алоҳида онг ижтимоий онгнинг ажралмас бир қисмидир, улар ўзаро диалектик бирликдадир.

Ижтимоий руҳият — кишилар, синфлар, айрим ижтимоий гуруҳлар ва миллатлар ҳаётининг бевосита меҳнат ва турмуш, кундалик шароитлари таъсирида вужудга келадиган ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечипмалар, одатлар, фикрлар, ҳаёллар ва шу кабиларнинг тартибга тушмаган, пазарий жиҳатдан асосланмаган, системалашмаган характердаги йиғиндисидир. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ижтимоий руҳият ижтимоий борлиқнинг инъикоси сифатида кишиларнинг амалий фаолияти таъсири остида юзага келади ва

ривожланади. Ижтимоий руҳият ҳам ижтимоий борлиқни акс эттиради. Уни синчиқлаб ўрганмасдан ва тушуниб олмасдан туриб у ёки бу жамиятда яшайдиган кишилар турмуш тарзини ўрганиб бўлмайди.

Ижтимоий руҳият воқелиқни, кишилар ижтимоий борлиқини акс эттиришнинг бириччи, қуйи даражасини ташкил этади. Буни оддий оғ деб ҳам аташ мумкин. Оддий оғ воқелиқ ҳақида кенг илмий хулосалар чиқариш учун кифоя қилмайди. У онглиликнинг оғ содда, илмий системага тушмаган шаклидир, маълум маънода олганда, у алоҳида оғга бирмунча яқин туради. Бироқ оддий оғ воқелиқни акс эттиришнинг юқори шакли бўлган илмий, системалашган оғнинг ташкил топиши ва ривожланишида материал бўлиб хизмат қилади.

Мафкура — муайян синфнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашлар системасидир. Мафкура устқурманинг бир қисми бўлиб, жамият моддий ҳаёт шароитларидан вужудга келади ва иқтисодий муносабатларни акс эттиради. У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сипғари стихияли равишда юзага келмайди, балки инсон оғли фаолиятининг маҳсули сифатида тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. Мафкура воқелиқни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва чуқур акс эттиради ва уни у ёки бу синфнинг ўқимлиши вакиллари, файласуфлари, социологлари, ҳуқуқшунослари, иқтисодчилари ишлаб чиқади.

Мафкура ҳар қанча жозибали бўлмасин, агар у омманинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси билан қўшилиб кетмаса, ўз-ўзидан яхлит ва фаол дунёқарашни шакллантира олмайди. Ҳоялар умуман ҳеч нарсага амалга ошира олмайдилар. Уларни амалга ошириш учун амалий куч ишлатадиган одамлар керак бўлади¹. Ҳояларнинг амалга ошиши, моддий кучга айланиши учун, бирянчидан, уларни омма эгаллаб олган, уни амалга оширишга киришган бўлиши ва, иккинчидан, у кишиларнинг амалий фаолияти билан боғланган бўлиши лозим.

Синфий жамиятларда ижтимоий оғ шакллари каби мафкура ҳам синфий хусусиятга эгадир, яъни ҳукмрон синфлар ғояси ҳукмрон мафкура бўлади. Мазлум омма кўпинча ўз маффаатларига эид бўлса-да, ҳукмрон синфнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашларини қабул қилади. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Биричидан, моддий ишлаб чиқаришга ҳукмронлик қилувчи синф маънавий ишлаб чиқариш воситаларининг ҳам эгасидир. Иккинчидан, ҳукмрон синфлар ҳар қандай йўллар ва воситалар билан ўз иродалари, қарашлари ва тасаввурларини мазлум оммага зўрлаб сипғдиради. Ҳукмрон синфларнинг барча мафкуравий апарати ҳам уларнинг маффаатларини акс эттиради. Қарама-қарши синфларга бўлишган жамиятларда яғопа, яъни барча синфларга бир хилда тенг хизмат қиладиган мафкура бў-

¹ Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-жилд, 132-бет.

лиши мумкин эмас. Жамиятда қайси синф ҳукмрон бўлса, унинг мафкураси ҳам ҳукмрон бўлади. Синфий жамиятларда эзувчи ва эзилувчи синфлар ўзаро қарама-қарши бўлганларидек, улар мафкураси ҳам муросасиз бўлади.

5. ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Ижтимоий онг шакллари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ижтимоий онг шаклларида бири сиёсий онг бўлиб, у воқеликни, ижтимоий борлиқни ўзига хос усулда акс эттириши билан тавсифланади.

Сиёсат синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ фаолият бўлиб, унинг ўзаги давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш ва унда фойдаланиш муаммосидир. Сиёсат синфларнинг ҳокимият учун, жамиятда ҳукмронлик қилиши учун курашидир. «Сиёсат — синфлар ўртасидаги курашдир, сиёсат — жаҳон буржуазиясига қарши озодлик учун кураш олиб бораётган пролетариатнинг муносабатларидир»¹,— деган эди В. И. Ленин. Сиёсат соҳасига давлат тузилиши, давлатни бошқариш, синфларга раҳбарлик қилиш ҳам киради. Сиёсат давлат фаолиятида ифодаланади ва бу фаолиятнинг бош йўналишини ташкил қилади. В. И. Лениннинг «Давлатнинг роли тўғрисидаги масалага доир» мақоласи планида айтилишича, «...сиёсат давлат ишларида қатнашиш, давлатни йўлга солиб туриш, давлат фаолиятининг шакллари, вазифаларини мазмунини белгилаб бериш демакдир»².

Сиёсат ва сиёсий муносабатлар жамият тараққиётининг муайян босқичида, яъни хусусий мулк, синфлар ва синфий кураш пайдо бўлиши билан юзага келган. Сиёсатнинг юзага келиши жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, реал базис билан боғлиқ. «...сиёсат — иқтисодиётнинг жамлаштирилган ифодасидир»³, унинг умумлашуви ва охирига етишидир. Қарама-қарши синфларнинг иқтисодий манфаатлари худди шу сиёсатда тўла ва ҳар томонлама ифодаланади. Сиёсат ҳамisha ҳукмрон синфларнинг манфаатлари билан бевосита боғлиқдир ва иқтисодиётга, иқтисодий базисга фаол таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Сиёсат ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар ташқи сиёсат мазмунини ташкил этади. Давлат органлари ва ҳукмрон партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари ички сиёсат мазмунини ташкил этади. Синфий жамиятларда ички ва ташқи сиёсатнинг мақсади битта — у ҳам бўлса ҳукмрон синф мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдир. Мамлакатимиз сиёсатининг ҳозирги босқичдаги туб мақсади меҳнатқашлар учун хизмат қилиш, социалистик жамият тараққиёти-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-жилд, 456-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-жилд, 378-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-жилд, 328-бет.

ни янада тезлаштириш, қайта қуриш, ер юзиде тинчликни мустақкамлашдан иборат.

Сиёсий онг — синфларнинг давлат ҳокимиятига бўлган муносабатларини ифода этувчи кайфиятлар, қарашлар, ҳаёллар, тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар ва назариялар йиғиндисиدير. У ижтимоий борлиқни ўзига хос йўсинда акс эттиради. Сиёсий онгнинг муҳим хусусияти унинг синфлар иқтисодий манфаати билан узвий боғлиқлигидадир. Синфий жамиятларда сиёсий онг эддиатли бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Ҳуқуқий онг ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари кишилар ижтимоий борлигини ўзига хос кўринишларда акс эттиради. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгни жамиятнинг иқтисодий аҳволи белгилайди. Ҳуқуқ — ҳукмрон синф продасини ифодалайдиган, давлат томонидан белгиланган ва таъминланадиган мажбурий юриш-туриш қоидалари системасидир. У давлат ҳокимияти барқарор қилган ёки тасдиқлаган нормалар, қоидалар шаклида расмийлаштирилади. Ҳуқуқ инсон ҳаётининг айрим томонларига эмас, балки унинг жамиятдаги бутун ҳаётини ўз ичига олади. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан белгиланган ва одамлар эиммасига юкланган ўзини тутиш ва хулқ-атвор қоидаларидан иборатдир.

Давлатдан ташқари ҳуқуқнинг бўлиши мумкин эмас. Давлат органлари ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилайди, бекор қилади, ўзгартиради, мажбур қилиш чораларини қўллаш йўли билан уларнинг бажарилишини таъминлайди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, мажбуриловчи давлат аппаратисиз ҳуқуқ ҳеч нарса эмасдир. Бинобарин, давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ давлатсиз яшай олмайди. Давлат юридик нормаларни икки усул билан, яъни ўзига зарур бўлган турмуш қоидаларини белгилаш ёки уларни тасдиқлаш йўли билан яратади.

Сиёсат ва сиёсий онг сингари ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг ҳам жамият тараққиётининг муайян босқичида, яъни жамият синфларга бўлинган даврда пайдо бўлди. Давлат сингари ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг ҳам синфий хусусиятга эгадир. Синфий жамиятларда давлат бир синф томонидан иккинчи бир синфни сақлаб туриш учун хизмат қиладиган машина бўлгани сингари ҳуқуқ ҳам ҳукмрон синфларнинг иқтисодий, сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлайди, уларнинг хусусий мулкни дахлсиз деб билади, омманинг эзлиши, қашшоқликда ҳаёт кечиришини оқлайди. Ҳуқуқ-ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган продаси бўлиб, шу ҳукмрон синфнинг барча манфаатларини ошкора ҳимоя қилади. Ҳукмрон синфлар ҳуқуқ ёрдамида ўз продасини мазлум оммага мажбурлаб ўтказади. Бу вазифани давлат органлари — полиция, жандармерия, суд, прокуратура бажариб туради.

Ҳуқуқнинг тарихий типлари ижтимоий-иқтисодий формацияларга мувофиқ келади. Социалистик ҳуқуқ ҳуқуқнинг тарихий типларидан бири бўлиб, у қонун даражасига кўтарилган меҳнаткаш халқ продасидан иборатдир. У ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини, кишининг киши томонидан эксплуатация

тация қилиш йўқотилганлигини, меҳнат қилиш ва меҳнатга яраша ҳақ олишни таъминлайди. Социализмда инсоннинг меҳнат, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой, ижтимоий таъминот соҳасидаги муҳим эҳтиёжларининг кафолатлари меҳнатга қараб тақсимлаш принципини изчил ўтказиш билан, текисчилик ва текинхўрликнинг ҳар қандай кўринишларини батамом тугатиш билан қўшиб олиб борилади, унинг қобилиятлари, самарали меҳнати, маҳорати ва истеъдоди ҳамма нарсадан юқори қадрланади ҳамда моддий ва маънавий равишда тақдирланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги қайта қуриш, демократиялаш ва ошқоралик босқичида социалистик қонуңчиликни тақомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини яхшилаш, жамоатчилик фаоллигини ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Шунингдек меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам ошиб бормоқда. Бунёдкорлик ишларида, салбий ҳолатларни бартараф этишда, ҳуқуқимиз ва ахлоқимиз нормаларидан чекланишларни тугатишда бу тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ахлоқ ҳам ижтимоий онг шаклларида бири сифатида кишиларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш нормалари, принциплари, қоидалари, шунингдек уларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга бўлган муносабатларини ифодалайди. У ижтимоий онг шаклларида, жумладан, ҳуқуқдан фарқ қилади. Ҳуқуқнинг ахлоқдан асосий фарқи шундаки, ҳуқуқ нормаларининг бажарилишини давлат таъминлайди, ахлоқ қоидаларига риоя қилиниш эса жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одатда ишонтириш кучига таянади.

Ахлоқ жамият тараққиётининг илк босқичида пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлишида кишиларнинг меҳнат фаолиятлари, иқтисодий муносабатлари ҳал қилувчи роль ўйнаган. Инсон ҳаётидан, уларнинг моддий ҳаёт шароитларидан ажралиб юзага келган ахлоқ бўлмади. Ахлоқ жамиятда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини тартибга солувчи объектив эҳтиёжлар мавжуд бўлганлиги учун келиб чиқади.

Халқ оммаси моддий ва маънавий бойликларнинггина эмас, шу билан бирга инсоният ахлоқий қадриятларининг ҳам ижодкори, авайлаб-асровчиси ва ривожлантирувчисиدير. Жамият тараққиёти йўлида хизмат қилиб келаётган умуминсоний маданият, одоб-ахлоқ меҳнаткаш инсоннинг амалий фаолияти жараёнида ривожланиб борган. Халқ оммаси томонидан бир печа минг йиллар давомида яратилган мақоллар ва маталларда, ривоятлар ва фалсафий асарларда ҳалоллик ва поклик мадҳ этилган, бировларнинг ҳақиқа хиёнат қилиш, меҳнат қилмасдан кун кўриш, ўғирлик, порахўрлик, тамағирлик қаттиқ қораланган, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, беморларга ёрдам бериш, бошқа миллатлар ва халқларга мансуб бўлган кишиларнинг тили, тарихи, маданияти ва илғор удум ва анъаналарига ҳурмат билан қараш, табиат ва унинг бойликларини эъзозлаш уқтирилган, дўстлик, аҳиллик, ўзаро ҳамкорликда ҳаёт кечириш, тинчлик учун курашиш, уруш-

ларга, бесабаб қон тўкишлар ва хунрезликларга йўл қўймаслик даъват этилган. Шунинг учун ҳам умуминсоний маданият, ахлоқ ва ахлоқий қадриятлар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, улар инсониятнинг энг катта маънавий хазинасидир. Умуминсоний ахлоқий қадриятлардан фойдаланмасдан туриб инсоний муносабатларни мустақкамлаб, илм-фан ва маданиятни ривожлантириб бўлмайди.

Ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар қотиб қолган эмас, улар доимо ўзгариб туради. Кишиларнинг ҳаёт шароитлари, даставвал, моддий ҳаёт шароитлари, улар яшаб турган ижтимоий тузум ўзгариши билан ахлоқ ва ахлоқий тушунчалар ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради.

Социалистик ахлоқ меҳнаткаш омманинг туб манфаатлари учун, инсониятнинг келажаги учун хизмат қилади. У кишиларнинг ижтимоий адолатсизликка, синфий зулмга қарши олиб борган курашлари жараёнида туғилган умуминсоний ахлоқ нормаларига асосланади. Социалистик ахлоқ инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, совет кишиларини, ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва чипиқтиришга, ахлоқий ва жисмоний қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги даврда социалистик турмуш тарзига зид бўлган ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни, меҳнат интизомини бузишни, порахўрлик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, таниш-билишлик, вазифани сунистеъмом қилишни батамом тугатишга кўмаклашиш ғоявий-тарбиявий ишнинг асосий мақсадларидан бўлиб ҳисобланади.

Диний онг ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари воқеликни акс эттиради. Лекин инсонни қуршаб турган моддий олам, табиий ва ижтимоий ҳодисалар диний онгда бузиб, сохталаштириб акс эттирилади. Диний таълимотларда табиат ва жамиятдаги кучлар гайритабиий, фантастик шаклга киради, ҳодисалар инсон онгида бузилган, сохталаштирилган тарзда ўз ифодасини топади. «...Ҳар қандай дин кишиларнинг кундалик ҳаётида уларга ҳукмронлик қиладиган ташқи кучларнинг кишилар миёсида фантастик акс этишидан, дунёвий кучларнинг гайридунёвий кучлар шаклига кириб акс этишидан бошқа нарса эмас»,¹ — деган эди Ф. Энгельс.

Ибтидоий жамоа тузумида дин пайдо бўлишининг ижтимоий сабаблари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг паст даражада бўлганлигида ва инсоннинг табиат кучлари олдидаги ожизлигида эди. В. И. Ленин дин пайдо бўлишининг ижтимоий ва психологик илдиэлари устида фикр юритиб «Социализм ва дин» мақоласида шундай дейди: «Ваҳший одамнинг табиатга қарши курашдаги ожизлиги худоларга, шайтонларга, мўъжизаларга ва шу сингариларга ишоишни туғдиргани каби эксплуатация қилинувчи синфларнинг эксплуататорларга қарши курашдаги

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 310-бет.

ожишликлари ҳам, муқаррар равишда, охиратда яхши турмуш кечиршига ишонишни туғдиради»¹.

Синфий жамиятларда диннинг пайдо бўлиши сабабларига меҳнаткашларнинг синфий эзилиши, иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, ишсизлик таҳликаси, эртанги кун олдида даҳшатга тушиш ҳам қўшилади. Диннинг илдизлари инсон онги хусусиятларида, унинг ҳаёлий образлар, тасаввурлар ва тушунчалар яратиш қобилиятида ҳам мавжуддир.

Ҳар қандай диннинг муҳим белгиси — ғайритабиий кучлар (худодлар, руҳлар, шайтонлар, фаришталар) га ишониш ҳамда диний маросимлар, яъни ибодат қилиш, қурбонлик қилишдан иборатдир. Ҳозирги замон динлари буддизм, христианлик, ислом сингари жаҳон динларига ва бир қатор миллий динларга бўлинади.

Мамлакатимиз тараққиётининг муайян босқичида иқтисодий, маданий, миллий ва миллатлараро муносабатлар муаммоларида бўлгани сингари динларга, хусусан ислом динига муносабат масаласида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилди. Динга ишонувчиларнинг ҳис-туйғулари таҳқирланди, уларга ишончсизлик билдирилди. Диндорлар жуда кўплаб имтиёزلардан маҳрум қилинди, ижтимоий-сиёсий ишларга жалб этилмади. Ҳамма жойда диний ахлоқ ва маданиятнинг реакционлиги ҳақида гапирилди, миллий удум ва анъаналар, миллий қадриятлар камситилди, энг муҳим инсоний муносабатлар обрўсига путур етказилди.

Яқин ўтмишда атеистик тарғиботни кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари зўрлик билан барбод этилди, асрлар мобайнида қабул қилиб келинган маросимлар ва урф-одатлар тақиқланди. Қадимги замонлардан Шарқда нишонланиб келинган Наврўз байрами сунъий равишда ўйлаб чиқарилган Навбахор тантаналари билан алмаштирилди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши ва Шаҳрисабздаги баъзи бир маданий-тарихий обидалар, масжид ва мадрасалар асоссиз равишда бузиб ташланди. Халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихини ўзида жуда чуқур акс эттирган беҳисоб нодир асарлар диний мазмунга эга, деган баҳонада чоп этилмади. Бобур, Аҳмад Яссавий ва бошқа алломаларнинг илмий-фалсафий меросларига бир ёқлама муносабатда бўлинди. Динга қарши кураш баҳопасида олиб борилган бундай ноўрин хатти-ҳаракатлардан халқимиз беҳад кўп зарар кўрди. Афсуски, бундай чалкашликлар 20—30-йиллардагина эмас, балки бизнинг давримизда, 80-йилларда ҳам содир бўлди.

Ҳозир бу камчиликлар тузатишмоқда. Епиб қўйилган масжидлар очилди. Диний асарлари нашр этиш ижобий ҳал қилинмоқда. Қуръон ўзбек тилига таржима этиляпти. Руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик жамоат ташкилотларида ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқда. Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, ҳайъатининг раиси Совет Иттифоқи халқ депутатлигига сайланди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 12-жилд, 151—152-бетлар.

Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасы, ислом дини арбоблари ичкиликбозлики, нашлаванглики, қон тўкишларни гувоҳ деб қораламоқда. Ислом дини одамларни тинчликни сақлашга, ядро фалокатига йўл бермасликка, табиатни муҳозафа этишга, Оролни асраб қолишга, экологик ва демографик муаммоларни ижобий ҳал этишга, тарихий обидаларни, ўтмиш маданий меросини авайлаб-асрашга даъват этмоқда. Ислом маданияти жаҳон маданиятининг ажралмас бир таркибий қисмидир. Унда ўрганишга ва ҳозирги давр учун оқилона, тапқидий ва ижодий фойдаланишга арзийдиган жуда кўп ижобий фикрлар мавжуд.

Ижтимоий онг шаклларида яна бири эстетик онг воқеликни бадий образларда акс эттиради. Санъат дунёни бадий ўзлаштиришнинг муҳим усулларида ҳисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади ҳамда бадий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг меъморчилик, декоратив-амалий санъат, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, графика, мусиқа, хореография, театр, цирк, телевидение, кино, бадий адабиёт сингари турлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш ва боглиқдир.

Санъатнинг вужудга келиш ва ривожланиши ҳақида фикр юритганда шуни назарда тутиш керакки, илсон бадий фаолияти пайдо бўлиш ҳамда ривожланиш жараёнининг манбаи — меҳнат, иқтисодий муносабатлардир. Санъат кишиларга табиат кучларига қарши курашда ёрдам берган, меҳнат қилишга, моддий ва маънавий бойликлар яратишга ундаган. Меҳнат туфайли илсон воқеликни эстетик идрок қилиш имкониятига эга бўлди, табиий ва ижтимоий гўзалликдан завқланадиган, гўзаллик қонунларига мувофиқ ҳаёт кечирадиган, байтлар, аруз ва мусиқадан ҳузур-ҳаловат қиладиган бўлди. Санъат асарларининг, айниқса кўшиқ ва мусиқанинг илсоннинг руҳий, ахлоқий камолатига кўрсатадиган таъсири шу қадар кучлики, буни сўз билан тасвирлаш амри маҳол. Шарқнинг буюк файласуфи Абу Наср Форобий ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши» деган машҳур асарида мусиқа илмининг куч-қудрати ва хосияти ҳақида бундай деб таъкидлаган эди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тапаннинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди»¹.

Санъатнинг манбаи — воқелиқдир. Санъат — объектив воқеликни акс эттириш шаклидир. Воқеликнинг санъатда акс этиши мураккаб, зиддиятли жараён; бадий инъикос султ эмас, балки фаол жараёндир, санъат — воқеликни билиш ва ўзгартириш во-

¹ М. Хайруллаев. Форобий. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси нашриёти. Тошкент, 1963. 179-бет.

ситасидир; амалиёт — бадий тасвирнинг ҳақиқий, ҳақиқий эмаслигини билиш мезонидир.

Санъат жамият моддий ҳаёт имкониятлари асосида ривожланади ва унга хизмат қилади. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ворислик асосида ривожланиб боришидир. Ҳар қандай янги давр санъати ўзидан олдинги давр санъатида бўлган ҳамма илғор томонларни қабул қилиб олади ва ривожлантиради.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг фан, сиёсий онг, ахлоқий онг, ҳуқуқий онг сингари шакллари билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга улардан маълум жиҳатларига кўра фарқ ҳам қилади. Эстетик онг фандан шу билан фарқ қиладики, унда воқелик, ижтимоий борлиқ инсон миясида хулосалар, тушунчалар воситаси билан эмас, балки бадий образлар воситасида акс этади. Бадий образ илмий ва фалсафий тушунчалардан аниқ ҳиссий далилда кўрипиши, ҳаётнинг муҳим томонлари умумлашган тарзда акс этиши билан фарқ қилади. Санъат асарлари одамларга кучли таъсир этиб, уларда фикр, ҳис-туйғу, шодлик, ҳузурланиш, роҳатланиш, азобланиш, газабланиш каби ҳиссиёт ва кечинмаларни уйғотади.

Эстетик онг ҳам синфий жамиятларда синфий хусусиятга эга. Жамиятнинг иқтисодий шароитлари ўзгариши, янги синфларнинг майдонга келиши ва уларнинг сиёсий, ахлоқий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари ўзгариши билан кишиларнинг бадий қарашлари ҳам ўзгаради. Ҳар бир синф ўз манфаатларига мувофиқ келадиган санъат асарларини яратади.

Социалистик жамиятда санъат ўтмишнинг илғор санъатидан энг яхши жиҳатларни қабул қилиб олган бўлиб, санъат тараққий этишининг юксак bosқичидир. Социализмда санъат халқ учун, халқнинг кечаги, бугунги ва эртанги ҳаёти учун хизмат қилади. В. И. Ленин Клара Цеткин билан қилган суҳбатида шундай деган эди: «Санъат халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур илдиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. У шу омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, омmani кўтариши керак. Санъат омма орасида санъаткорлар етиштириб чиқариши ва уларни ўстириши керак»¹.

Социалистик санъатнинг асосий принципи воқеликни ҳаққоний ва чуқур акс этириш, халқчиллик ва партиявийлик, ҳаётни бадий тасвирлашда дадил новаторлик ҳамда ўтмиш маданиятининг энг илғор анъаналари асосида ривожлантириб боришдан иборатдир. Совет кишисининг дунёқарашини ва маънавий маданиятини шакллантиришда, замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда, янги давр қаҳрамонининг маънавий дунёсини очиб беришда, одамларни ахлоқий, маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда, совет турмуш тарзини ютуқларини кўрсатишда ёзувчилар, муоаввирлар, бастакорлар, актёрлар — совет

¹ В. И. Ленин. Маданият ва санъат тўғрисида. Тошкент, Ўздавнашр, 1962, 577-бет.

санъати ва адабиётнинг барча вакиллари жуда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Уларнинг асарлари одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жиҳатдан адабиёт ва санъат аҳволи билан белгиланади.

Фан, санъат, маданият ва бошқа ижтимоий онг шакллари-нинг ривожланишига сиёсат ва мафкура кучли таъсир кўрсатади. Кейинги вақтларда илмий ва ижодий зиёлиларнинг муайян қисми фан, адабиёт ва санъат сиёсат ва мафкурага боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши керак, деган фикрни ўртага ташламоқдалар. Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, ўтган баъзи бир раҳбарларнинг узоқни кўра олмайдиган сиёсати иқтисодий-тимизни ҳозирги аҳволга келтириб қўйди. Фан ривожланиши суръатлари секинлашди, адабиёт ва санъатнинг аҳволи ёмонлашди. Бунинг оқибатида мафкурамизга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди. Лекин бу сиёсат ва мафкурадан воз кечшимиз керак, деган маънони билдирмайди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, сиёсат, мафкура, адабиёт ва санъат бир-бири билан ўзвий боғлиқдир, уларни қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятда мавжуд бўлган сиёсат ва мафкурадан четда туриш мумкин эмас.

Қайта қуришга қарши бўлган кучлар социалистик идеалларимизнинг обрўини тушириш мақсадида социалистик мафкура, марксизм назарияси таназулга учради, бугунги кунда жамият олдида турган муаммоларни улар асосида ҳал қилиш мумкин эмас демоқдалар. Бироқ совет жамиятининг бугунги шароитида илмий мафкура ва реал сиёсат жуда зарур. У мавжуд воқеликни тўғри акс эттириб, халқнинг манфаатини ифодалаб, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам бермоғи лозим.

Ижтимоий онг шакллари хусусида фикр юритганда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

1. Ижтимоий онг шакллари кишилар ижтимоий борлигини акс эттирибгина қолмасдан нисбий мустақилликка ҳам эга. Ижтимоий онг шакллари-нинг инсоният моддий ҳаёт шароитларидан илгарилаб бораётганлигини ҳозирги шароитда жаҳон миқёсида, хусусан мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда миллионлаб кишиларнинг, ёш авлоднинг табиатни муҳофаза қилиш, ёқилги, энергия манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, урушларнинг бошланишига йўл қўймаслик, маданият бойликларидан унумли наф кўриш, турмушни яхшилаш, миллий ва давлатлараро низоларга йўл қўймаслик учун зўр бериб ҳаракат қилаётганлигида кўриш мумкин. Тобора кучайиб ва тўхтовсиз равишда авж олиб бораётган буюк инқилобий ҳаракатлар инсониятнинг онгли мақсадлар йўлида қилаётган ишларнинг қонуний натижасидан бошқа нарса эмас.

2. Ижтимоий онг шакллари-нинг ўзаро мустақиллиги, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги уларнинг диалектик бирликда эканлигини, ўзаро бир-бирига таъсирини, бири

иккинчисини мазмунан бойштиши ва тўлдиришини янкор этмайди. Ижтимоий онг шаклларида ҳисобланган сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг ахлоқий ва фалсафий онга, уларнинг эса ўз навбатида диний ва эстетик онга таъсири ва акс таъсири бунга мисол бўлади.

3. Ижтимоий онг шаклларида синфий ва партиявий эканлиги уларнинг ҳар бирида миллий ва умуммиллий, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган чуқур мазмун, муҳим ғоя ва инсоний қадриятлар ҳам борлигини йўққа чиқармайди. Ижтимоий онг шаклларида қайси бирини олиб кўрмайлик, унда биз алоҳида халқ ва миллатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг асрлар давомида қўлга киритган, авайлаб-асраб келган билим бойликлари, бой ҳаётий тажрибалари, амалий фаолиятлари якувлари акс этганлигини ҳам кўраемиз. Ҳар қандай табиий ва ижтимоий фан, маданият ва техника ютуқлари, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ахлоқий норма ва қондалар жаҳондаги алоҳида бир халқ ва миллатнинг, тор доирадаги кишилар гуруҳининг меҳнати самараси эмас, балки умуминсониятнинг амалий фаолияти якувидан иборатдир.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида фан ва маданиятнинг, ахлоқ, дин ва фалсафанинг, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг синфий ва партиявийлиги хусусида ҳаддан ташқари зўр бериб гапирилди, ammo уларнинг умуминсоний аҳамиятга эга бўладиган жиҳатлари хусусида деярли фикр юритилмади.

XIV БОБ. БИЛИШ. ИЛМИЙ БИЛИШ

1. БИЛИШ — ВОҚЕЛИКНИНГ ИНЪИКОСИДИР. БИЛИШНИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ

Дунёни билиш фалсафа асосий масаласининг иккинчи муҳим томонини ташкил этади. Энг қадимги материалистлар ҳам дунёни билиш мумкинлигини эътироф қилганлар. Масалан, атомистик материализмнинг асосчиси Демокрит оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлайди. У билиш жараёнида ҳиссий жиҳат ва тафаккур ролини оддий ва содда ҳолда кўрсатади.

Билиш назариясининг ривожланиш тарихида XVII—XVIII аср материализми муҳим ўрин тутди. Улар агностицизм, скептицизми қаттиқ танқид қилиб, оламни билиш мумкинлигини таъкидладилар. Масалан, инглиз материалисти Бэкон таълимотича, билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ бўлиши ва шуларга бевосита хизмат қилиши керак. Бэкон билиш назариясида эмпирик эди. У билиш сезишдан бошланади дейди ҳамда билишнинг манбаи тажриба эканлигини илгари суради. Унинг фикрича, объектив реаллик тўғрисида сезгиларимиз орқали олинган далиллар тафаккур ёрдамида ишлаб чиқилади. Бэкон биринчи бўлиб билиш жараёнида ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг бирлиги масаласини таъкидлади.

Француз материалисти Декарт эса билишнинг бирдан-бир манбаи тафаккур деб, сезги аъзоларимиз ва уларнинг фаолиятига ишонмади. Унинг таълимотича, кишилар билимининг ҳақиқатлиги тажриба билан эмас, балки ақл кўзи билан текширилади. Декартнинг билиш назариясида амалиёт ва сезгилар роли инкор этилади.

Француз материалистлари Дидро, Гольбах, Гельвецийлар дунёни билиш мумкинлиги масаласида сезгиларимиз тафаккурнинг асоси эканлигини таъкидлаш билан бирга сезги билишнинг қуйи босқичи, тафаккур эса мураккаб юқори босқичи эканини, сезгидан тафаккур даражасига боришни тушуна олмадилар. Улар билиш жараёнида амалиётнинг, инсоннинг фаол ролини инкор этдилар.

Рус инқилобий-демократлари билиш назариясини материалистик асосда ҳал қилдилар. Улар объектив реалликни инсон билиши мумкинлигини эътироф этдилар, агностицизмнинг ғайриилмий моҳиятини очиб ташладилар, скептицизмга қарши курашдилар. Масалан, Герцен фикрича, агностицизм илмий билишнинг объектив ҳақиқатлигини инкор этишга, ташқи оламга бефарқ қарашга олиб боради. Инқилобий-демократлар таълимотига кўра, кишилар онги моддий олам образидир, объектив реалликни билиш жараёни сезги ва ҳисларимиздан бошланади. Улар ҳиссий таассуротлар, образлар йиғилиб, қўшилиб ғояларни вужудга келтиришни кўрсатиб, билишда ҳиссий ва рационал жиҳатлар бирлигини таъкидлайди ва бу диалектик жараён орқали ҳақиқатга эришиш мумкинлигини исботлаб бердилар. Рус инқилобий-демократлари нисбий ва мутлақ ҳақиқат муносабатларини тўғри ҳал қилишга бирмунча илмий ёндашдилар, билиш жараёнида амалиётнинг роли масаласига тўхталиб, уни ҳақиқатни ёлғондан ажратиб берувчи восита деб билдилар.

Шундай қилиб марксизмгача бўлган материализм билиш назариясига катта эътибор берди, лекин уларнинг қарашларида маълум нуқсонлар ҳам бор эди. Жумладан, уларнинг билиш назарияси метафизик хусусиятга эга бўлиб, билишда ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг диалектик бирлигини кўрсата олмас эди; улар билиш жараёнининг зиддиятли эканлигини очиб бера олмадилар. Шунинг учун ҳам марксизмга қадар бўлган материалистларнинг билиш назарияси антидиалектик хусусиятга эга эди. Шунингдек улар кишилар ижтимоий-тарихий амалиёти ролини тушуна олмадилар, кишиларнинг онгли фаолияти масаласини инкор этдилар.

Марксизм классиклари ўтмиш материалистларининг билиш назариясини чуқур танқидий ўрганиш билан уларнинг назариясидан туб сифат жиҳатидан фарқ қиладиган билиш назариясини яратдилар. Улар, биринчидан, олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини, билишнинг аниқ йўлларини кўрсатиб бердилар, билиш назариясига амалиёт мезонини киритиб, тафаккурнинг ҳақиқатга мос келиши масаласи соф назарий масала бўлмай, амалий масала эканлигини таъкидладилар. Иккинчидан, билиш

назариясига диалектикани татбиқ этиб, ушунг мураккаб диалектик жараён эканлигини, воқеийлик, ташқи олам тўғрисидаги билимларимиз эндиятти муносабатларнинг ҳал қилиниши билан чуқурлашиб, кенгайиб боришини илмий асосда тушунтирдилар. Диалектик материализмнинг билиш назариясини К. Маркс «Капитал» асариде, Ф. Энгельс «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» номли асарларида ишлаб чиқдилар ва агностицизм ҳамда скептицизмнинг билиш назариясига доир қарашларининг пуч эканлигини очиб бердилар. Шунингдек улар билишда ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг диалектик бирлигини, ҳақиқат масаласини тушунтириш билан мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар диалектикасини асослаб бердилар.

Диалектик материализмнинг билиш назариясини В. И. Ленин ривожлантирди. У ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм», «Яна касеба уюшмалари тўғрисида», «Фалсафа дафтарлари» асарларида идеализм ва метафизиканинг билиш назариясига доир реакцион қарашларини фош қилиб, билиш жараёнида сезгининг аҳамияти, сезги воситаси билан объектив ҳақиқатни очиш масаласи, объектив ҳақиқатни очишда эса мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар диалектикаси муҳим аҳамиятга эга эканлигига, шу билан бирга билиш жараёнида амалиётнинг роли масаласига ҳам катта эътибор берди. В. И. Ленин амалиёт билимларимиз ҳақиқатлигининг мезони сифатида уни бирданга тасдиқламаслигини ёки рад этмаслигини, амалиётнинг тарихий, нисбий хусусиятга эгаллиги ҳамда ривожланиб борувчи жараён эканлигини кўрсатиб берди.

Диалектик материализм билиш назарияси идеализмнинг, механистик материализмнинг табиат ва жамият қопунларини билиш мумкинлигини инкор этувчи қарашларини фош қилади. Материализм билан идеализмнинг билиш назарияси бир-бирига бутунлай зиддир. Дунёни билиш мумкинлигини, билимларимизнинг тўғри ва аниқ эканлигини инкор этувчи идеалистик таълимот агностицизм ва скептицизм таълимотидир. Агностицизм ва унинг энг қадимги кўриниши скептицизм ҳам ўзининг синфий моҳиятга кўра оламни билиш мумкинлигини инкор этади. Агностицизмнинг энг йприк вакиллари инглиз файласуфи Давид Юм билан немис файласуфи Иммануэль Кантдир. Юмнинг фикрича, инсон ўз сезгилари чегарасидан ташқарига чиқа олмайди, у фақат ўз сезгиларинингива била олади. Реал воқеликни инсон асло била олмайди. Кант эса Юмга қарама-қарши ўлароқ, инсон онги ва сезгиларидан ташқарида объектив олам бор деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу объектив оламда асло билиб бўлмайдиган «нарса ўзида» бор. «Нарса ўзида» макоп ва замондан ташқарида бўлиб, уни асло билиш мумкин эмас. Инсон ақли ўз моҳияти жиҳатидан чекланган бўлиб, «нарса ўзида»ни била олмайди. Кант инсон билиши мумкин бўлган ҳодисалар оламини «биз учун бўлган нарсалар» деб, уни инсон ақли билан, фан воситаси билан билиши мумкин дейди. «Биз учун бўлган нарса»

билан «нарсa ўзида» бутунлай бир-бирига боғлиқ эмас, «нарсa ўзида» сөзги аъзоларимизга тартибсиз, аралаш ҳолда таъсир этиши билан билиш мумкин бўлган ҳодисалар юзага келади, инсон эса уни ўзининг апрор тушунчалари билан тартибга солади, деб тушунтиради Кант. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида Кант фалсафасининг асосий хусусияти материализмни идеализм билан келиштришга уришишдан иборат эканлигини кўрсатади. «Кант, бизнинг тасаввурларимизга биздап ташқарида бўлган бир нарса, қандайдир нарса ўзида мувофиқ келади, деганида, Кант — материалистдир. Кант, бу нарса ўзидани биллиб бўлмайдигани, трансцендент, у дунёга хос бир нарса, деб аълон қилганида, Кант — идеалистдир»¹, — дейди В. И. Ленин. Умуман, Кантнинг билиш назарияси бошдап-оёқ чалқаш, гайриилмий, реакцион бўлиб, ўз моҳият эътибори билан инсон ақлининг билиш имкониятларини, фаннинг ривожланиш истиқболларини инкор этишга қаратилган. Бу ҳилда инсон ақлининг билиш имкониятларини чеклаш идеализмнинг ҳамма кўринишларига хосдир.

XIX аср субъектив идеализмнинг вакиллари бўлган махчиларнинг билиш назариясидаги агностицизмни ҳам В. И. Ленин фоти қилди. Махчилар ҳам бошқа субъектив идеалистлар сингари дунёни билиш мумкинлигини инкор этадилар, бизнинг сөзгиларимиз аниқ, тўла инъикос ҳосил қилишига ишонмайдилар. В. И. Ленин агностицизмни танқид қилиб, олам биздап ташқари, бизнинг онгимиздан, сөзгиларимиздан мустақил равишда мавжуд, бизнинг сөзгиларимиз, онгимиз эса унинг инъикосидир, дейди. Унинг айтишича, «нарсa ўзида» билан ҳодиса ўртасида ҳеч қандай принципиал фарқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, билиш назариясида ҳам диалектик мулоҳаза қилиш лозим.²

Инсоният ижтимоий амалиёти ва илмий билиш тараққиётининг илгарилаб бориши билимни чегаралаб қўювчи агностицизмни пучга чиқармоқда. Инсон ўз ақли билан олам сирларини билиши мумкин эканлигини айниқса ҳозирги замон фани ютуқлари неботламоқда. Масалан, ҳозирги замон табиат фанлари, айниқса физика фани атом табиатини, тузилишини ва хусусиятларини ўрганиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Атомни парчалаш, атом ички энергиясидан фойдаланиш, атом ядро заррачаларининг бир-бирига боғлиқлиги, умуман микроламани билиш, астрономиядаги кванфитлар материалистик билиш назариясининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Инсоннинг билиш қобилияти чекланмаган, лекин ҳар бир аниқ тарихий даврдаги билиш имкониятлари чекланган, холос. Инсон ҳар бир тарихий даврда ўзи хоҳлаган барча нарса ва ҳодисаларни эмас, балки билиш имкони борларининггина билиб боради. Инсон бугун билимаган парасини эртага билади, эртага билимаганини кейинроқ билади. Лекин шуни айтиш керакки, ин-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 229-бет.

² Қаранг: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 112—113-бетлар.

сов билимининг чеки йўқ, чунки макро-микро оламнинг чексизлиги инсон билимининг ҳам чексизлигига кўрсатади.

Билиш нима? Билиш — моддий оламнинг инсон онгида инъикос этиш жараёнидир. Дунёнинг моддийлигини ва унинг ривожланиш қонуналарининг инсон онгида инъикос этишини эътироф қилиш диалектик материализм билиш назариясининг асосидир. Фан қонуналари табиат ва жамиятда инсон онига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берадиган объектив жараёнларнинг инъикосидан бошқа нарса эмас. Фалсафанинг билиш назарияси асосан қуйидагиларга асосланган:

— объектив олам бизнинг сезги ва тасаввурларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан ташқарида мавжуд. Объектив олам — инсон сезги ва тасаввурларининг манбаи;

— инсон дунё ва унинг ривожланиш қонуниятларини билиши мумкин. Инсон сезги, тасаввур ва тушунчаларида ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи олам мазмунини инъикос эттиради.

Демак, ташқи олам, ундаги ҳамма нарса ва ҳодисалар сезгиларга таъсир этиши билан сезги образлари ҳосил қилади. Сезги, тасаввур ва тушунчаларда объектив оламнинг субъектив инъикоси ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам билиш назарияси инъикос назарияси деб аталади.

Билиш назарияси предмет билан образ ва объект билан субъект орасидаги мупосабатни тўғри ҳал қилишни талаб қилади. Чунки билиш жараёнида объект билан субъект диалектикаси муҳим ўринга эга. У субъект, яъни инсон билан боғлиқ жараёндир. Инсонсиз билиш жараёни бўлиши мумкин эмас. Субъектнинг илмий билишдаги роли шундан иборатки, у объектив мавжуд бўлган қонуний боғланишларни очиб беради. Объектга нисбатан ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ёндашади.

Идеализм ҳодисалар моҳиятини билишни ишкор қилади. Субъектив идеалистлар тасаввур ва тушунча билан ташқи олам нарса ва ҳодисалари ўртасида ўхшашликка ва умумийликка эга бўлган шартли белгилар бор дейди. Уларнинг фикрича, одам сезгилари нарсалар образи эмас, балки шартли белги ҳисобланади.

Символлар назариясини немис физиолог Гелмгольц илгари суради. Унинг фикрича, инсон аввал ўз сезгиларида ташқи оламни яратади, ўз сезгиларини нарса, ҳодисага айлантиради, кейин эса уни билишга янтилади. Улар буюм образини буюмнинг ўзи билан тенглаштирад. Сезги объектив олам образи бўлмай оламнинг ўзи бўлиб қолади. Демак, символлар назариясига кўра, нарса билан нарсанинг образи орасида фарқ йўқ. Реал объектив олам фақат сезги ва тасаввурда бор, бу ҳолда ҳар қандай фаришта, жин ва бошқалар ҳам шартли белгиларни борлиги учун мавжуд бўлиши керак.

Диалектик материализм сезги мазмунини предметлар хоссалари билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган белгилар, символлар билан алмаштиришни таъқид қилади. Образ сезги аъзоларининг фаол фаолияти натижасида шаклланади. «Сурат ҳеч қачон модель билан тўла-тўқис тенглаша олмаслиги шуб-

ҳасиздир, — дейди В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм асарида, — аммо сурат бпр масалаю, символ, шартли белги бошқа масаладир»¹. Сизги образи моддий дунё нарса ва ҳодисаларининг инсон сизги аъзоларида акс этиши натижасида юзага келади. Демак, сизги ва тушунчада нарсанинг ўзи эмас, нарсага нисбатан пиклланган кўриниши ҳосил бўлади.

Образ сизги ва тушунчадан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги сабабли у идеал нарсадир. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин, сизги — объектив оламнинг субъектив образи, деб таъкидлаган эди. Шунинг учун субъективки, у инсон, субъект онгида вужудга келади. Лекин сизги объектив мазмунга эга. У моддий дунёнинг қайта ишланган мазмунини гавдалантиради, шунга кўра объективдир.

Образ субъектда унинг сизги ва тафаккурида ҳосил бўлади. Демак, образ субъект билан объект ўртасидаги бирликни кўрсатади. Сизги, тасаввур, тушунча шаклий жиҳатдан субъективдир, лекин мазмунига кўра объективдир. Чунки сизгида реал дунё инъикос этади. Демак, сизги — объектив оламнинг субъектив образидир.

Сезиш ва фикрлашни билиш жараёнининг икки мустақил босқичи сифатида қараш маълум маънога эга. Сезиш — умуман инсон билими тараққиётига нисбатан биринчи босқичдир. Инсониятнинг дастлабки билимлари, тушунчалари даставвал сизги аъзолари орқали олинган далиллар асосида юзага келади. Оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида сизги образлари, тасаввурлар билиш жараёнининг маълум босқичидагина шаклланади. В. И. Лениннинг фикрича, «...сизги онгининг ташқи олам билан ҳақиқага бевосита боғланишидир, ташқи таъсирланиш энергиясининг онг фактига айланишидир»². Демак, сезиш инсон миясининг ташқи олам билан дастлабки ва бевосита боғланишидир. Бевоситалик — сезиларнинг энг муҳим хусусиятидир. Сизги образи содир бўлиши учун уни ҳосил қилувчи нарса ёки ҳодиса объекти мавжуд бўлмоғи керак. Бу эса билиш жараёнидаги энг муҳим шартдир. Марксизмнинг билиш назарияси сизги объектив оламнинг субъектив образи дейиш билан бирга бу образ кўчирма, қотиб қолган, ўлик нарса эмас, балки билиш жараёнида унинг ўзгариб боришини исботлади.

Марксизмгача бўлган материалистлар ҳам билишни ташқи оламнинг инсон онгидаги инъикоси деб қараган. Лекин уларнинг қарашлари чекланган эди. Уларнинг хатоси шундан иборат эдики, биринчидан, диалектикани инъикос назариясига татиқ этолмадилар, иккинчидан, билиш масаласини амалиётдан, кишиларнинг амалий фаолиятидан ажратиб қарадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг назарияси мавҳум, қотиб қолган хусусиятга эга эди. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида билишга метафизик қарашни танқид қилиб шун-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 277-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 49-бет.

дай дейди: «Фалпнинг ҳамма бошиқа соҳаларида бўлгани сингари билиш назариясида ҳам диалектик тарада фикр юргизмоқ керак, яъни билишимизни тайёр ва ўзгармас билиш деб фараз қилмасдан, балки *билишнинг билмасликдан қай тарихқа юзага келишини, мукаммал ва аниқроқ бўлмаган билишнинг қай тарихқа мукаммалроқ ва аниқроқ бўла боришини* текшириб кўрмоқ керак»¹.

Билишнинг андқиятли жараёни эканлигини билимларимизнинг тўлароқ, чуқурроқ бўлиши учун далил ва маълумотлар тўпланиши, эски далил ва маълумотларнинг янгисига тўғри келмай қолганида кўришимиз мумкин. Зиддиятли муносабатлар ҳал қилиниши билан билиш жараёни ривожланиб боради. Билишнинг оптимиз эса шу тараққиётни ўзида аке эттириш билан бирга ҳодисаларнинг юзаси хусусиятларини билишдан моҳиятини билишга томон борувчи тарихий жараёни эканини кўрсатади.

Олам ва унинг қонуларини билиш мураккабдир. К. Маркс бу жараёнинг мураккаблигини, билишнинг наифаси олам ҳодисаларини оддий кузатиб қолмасдан уларнинг моҳиятини, яъни табиат ва жамият тараққиётининг қонуларини очиб ва улардан илсон ўз манфати учун фойдаланишидан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади. Демак, ҳодиса билан моҳият бирлигида (би диалектиканинг моҳият ва ҳодиса категорияларида кўрган эдик) фақат ҳодиса ўзгариб қолмай, моҳият ҳам ўзгариб туради. Илсон онгида моддий дунёнинг илтиқос этини — билиш жараёни «ҳодисадан моҳиятга томон, айтайлик, биринчи тартибдаги моҳиятдан иккинчи тартибдаги моҳиятга ва *ҳақозоларга томон чексиз чуқурланиб бораверади*»². Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, билиш — илсоннинг ўз сезгилари, ҳис ва тушунчалари билан дунёни илтиқос этини жараёнидир.

2. БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ДИАЛЕКТИК ХУСУСИЯТИ. ҲИССИЯ ВА МАНИҚИЯ БИЛИШ

Ташқи оламнинг илсон миёсида илтиқос қилиниши мураккаб диалектик жараёнидир. Билиш жараёнида нарсани, ҳодисани тўла ва мукаммал аке эттириш учун маълум бир йўл босиб ўтилади. Буни фалсафа тарихида дастлаб марксизм асосчилари илмий жиҳатдан ҳал қилиб бердилар. К. Маркс билишнинг илсоний босқичлари масаласини ҳал этини учун сезин билан тафаккурнинг бирлигини, боғлиқлигини тап олиш билан бирга кишиларнинг амалий фаолиятини эътибордан четда қолдириб кетмаслигини уқтирган эди. В. И. Ленининг фикрича, илсон билимларини ёдлаб олиниши керак бўлган тайёр формулалардан иборат деб тушунини хатодир. Билиш билмасликдан билишга ўтини, лавиқча ва тўла бўлмаган билимлардан аниқроқ, тўлароқ билимлар ҳосил қилиш дерақдир. В. И. Ленин «Билиш тафаккурнинг объектга абадий чексиз иқилланиб боришидир. Табиат-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18 жилд, 413-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 20-жилд, 239-бет.

нинг киши фикрида *инъикос этишими* «ўлпк» ҳолда эмас, «мавҳум» ҳолда эмас, *ҳаракатсиз*, *зиддиятларсиз* ҳолда эмас, балки мангу ҳаракат *жараёнида*, *зиддиятларнинг юзага келиши* ва ҳал этилиши ҳолатида тушуниши керак»¹,— деган эди.

Шунингдек у билишнинг зиддиятли, тарихий ва ривожланувчи жараён эканлигини кўрсатиш билан бирга унинг босиб ўтадиган йўлини тавсифлаб «жонли мушоҳададан мавҳум тафаккурга ва удан амалиётга — ҳақиқатни билишнинг, объектив реалликни билишнинг диалектик йўли ана шундай»²,— деган эди. В. И. Лениннинг бу фикридан билиш жараёни уч босқичдан иборат равишда содир бўлар экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Балки билиш икки босқичдан: жонли мушоҳада (сезиш) ва мавҳум тафаккур (фикрлаш)дан иборат бўлиб, амалий фаолият ҳар икки босқичнинг мезони ҳисобланади. Сезиш ҳам, фикрлаш ҳам фақат амалиёт асосида юзага келади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, сезиш ва фикрлаш босқичларини бир-биридан ажратиб қараш хатодир. Чунончи, биз бирор нарсани сезганимизда, албатта маълум мақсад асосида сезамиз, яъни у ҳақда фикр юритамиз. Демак, сезги фикрсиз, фикр эса сезгисиз содир бўлмайди.

Билишнинг бошланғич босқичи жонли мушоҳада, яъни объектив дунёнинг буюмларини бевосита сезги аъзолари ёрдамида акс эттиришдир. Жонли мушоҳаданинг билишдаги роли муҳимдир, унинг ёрдамида дунё ҳақида аниқ билимлар келиб чиқади. Лекин билишнинг бу босқичи маълум даражада чекланган. Бу босқичда нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бир томоплари ва хусусиятларинингипа билиб олиш мумкин.

Нарсанинг муҳим белгилари, уларнинг ички боғланишлари, моҳиятлари эса билишнинг иккинчи босқичида тушунча, ҳукм ва хулоса, яъни мавҳум тафаккур ёрдамида акс эттирилиши мумкин. Билишни бир босқичдан иккинчи босқичга кўтарадиган нарса амалиётдир. Меҳнат жараёни, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари нарса ва ҳодисалар асосида ётган қонуниятларни очишни талаб қилади.

Ҳиссий билишга, жонли мушоҳадага билишнинг сезги, идрок ва тасаввур шакллари кирadi. Ташқи дунёнинг бу инъикос шакллари бир-бири билан органик алоқада бўлиб, алоҳида-алоҳида учрамайди. Биз юқорида сезги ҳақида гапириб ўтган эдик. Жонли мушоҳада жараёнидаги сезги ташқи дунё нарса ва ҳодисаларини билишнинг биринчи қадамидир. Инсон миёсида ҳосил бўладиган тасаввур ва фикр ташқи дунё предметларининг сезги орқали таъсири натижасида юзага келиши мумкин.

Идеалистлар сезгини ташқи дунёдан ажратиб, упи нарса ва ҳодисага писбатап бирламчи деб уқтирмақчи бўладилар, сезгини ягона реаллик деб ҳисоблайдилар. Бу фикрни ўтган аср файла-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 184-бет.

² В. И. Ленин. Асарлар, 38-жилд, 171—172-бетлар.

суфларидан субъектив идеалистлар Беркли, Юм, Авенариуслар илгари сурган эдилар.

Биз сезгиларимиз ёрдамида нарса ва ҳодисаларни билиб оламиз ва идрок қиламиз, уларнинг хоссаларини, ўхшашликларини, фарқларини англаймиз. Масалан, кўриш билан предметнинг катта-кичиклиги, ранги ва шаклини, тана сезгиси орқали қаттиқ-юмшоқлигини, чўзилувчанлигини, эшитиш орқали оҳанг, куч ёки темпини ва бошқа аъзолар воситаси билан объектив мавжуд предметларнинг хилма-хиллигини биламиз.

Лекин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида сезги ҳаракат қилувчи материянинг образи эканлигини таъкидлаб ўтади. Сезги идрок учун асос бўлади. Идрок ҳам олгимизни ташқи дунё билан бевосита боғлайди. У сезгидан сифат жиҳатдан фарқ қилиб, предметнинг бутун образини беради. Идрок предметнинг турли хоссаларини қайта ишлаб, уларни бирлаштиради. Демак, идрок деганда турли сезги аъзолари берган маълумотлар асосида мияда ташқи қўзғатувчининг бир бутун образи ҳосил бўлиши тушунилади.

Сезги ва идрок ташқи дунё предметларининг объектив тўғри инъикосини беради. Бу инъикоснинг тўғри эканлиги амалиётда исботланади. Инсон ўзининг амалий фаолиятида ўзи идрок қилаётган предмет билан одамнинг ўзида шу предмет тўғрисида ҳосил бўлган сезги ва идрокнинг ўхшашлигини белгилайди. Инсон ташқи дунё предметларини ўзгартириши мумкин.

Асбоблардан фойдаланиш жонли мушоҳадада катта аҳамиятга эга. Масалан, биология, физиология соҳасида тажриба ўтказишда микроскопни қўллаш шу фаннинг ривожлавишини тезлаштиради. Чунки у инсон кўзи билан кўролмайдиган хусусиятларни кўришга ёрдам беради. Асбобнинг такомиллашиши янги кашфиётларни вужудга келтиради. Микроскоп ёрдамида организмларнинг ҳужайралардан тузилганлиги аниқланди, касалликларни тугдирувчи микроблар топилди. Электрон микроскоп микродунё ҳодисаларини ўрганиш соҳасида тажриба ўтказишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Амалий фаолият, фан ва техниканинг ривожланиб бориши одамга ҳар хил воситалар, асбоб ва ускуналар яратиш ва ҳиссий билиш чегарасини кенгайтириш имкониятини беради. Демак, сезги, ундан кейин эса идрок объектив оламнинг субъектив образини ҳосил қилади. Тасаввур мавҳум тафаккурга ўтишдаги охириги босқичдир. У нарса ва ҳодисаларнинг аввалги таъсири натижасида хотирамизда қолган таассуротларнинг қайтадан эсга олиниши билан боғлиқдир. Тасаввурдаги янги образлар илгариги образлар билан таққослаш орқали юзага келиши мумкин. У мавҳум тафаккур учун асос бўлади.

Билишдаги ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг роли масаласининг ҳал қилинишида эмпиризм ёки рационализмга берилиш масалани бир ёқлама тушунтиришга олиб келади. Эмпириклар ҳиссий билишни юқори қўядилар, назарий тафаккурни тап олмайдилар. Рационалистлар эса аксинча. Махчилар сезги билиш-

нинг манбаи эмас, балки дунёнинг асосидир, деб қарайди. Хуллас, марксизмгача бўлган баъзи материалистлар ҳиссий билишни, баъзилари мантиқий билишни билишнинг асоси деб таъкидлайдилар. Бу масалани тушунтиришда, албатта, моҳият ва ҳодиса боғланишини эслатиб ўтиш керак. Ҳодисада маълум аниқ томонлар гавдаланади. Моҳият эса қчки зарурият ва қонуний томонлар орасидаги боғланишни ифодалайди. Билишнинг биринчи босқичи бўлган жонли мушоҳада ҳодисадан нарига ўта олмайди (эшитиш, кўриш, таъм билиш). Лекин билиш шу билан тўхтамайди. Идрок қилинаётган нарсалар ва ҳодисалар ички қонуниятли боғланишларни очиш учун мавҳум тафаккурга ўтиш керак. Мавҳум тафаккур эса воқеани чуқур билишга имконият яратади.

Диалектик материализм ҳиссий билиш билан мавҳум тафаккурнинг боғлиқлигини кўрсатиб, фақат мавҳум тафаккур ёрдами билангина предметларни чуқур билиб олиш мумкин, уларнинг моҳиятини, қонуниятли боғланишини очиш мумкин дейди. Бу билиш айрим предметларни билишдан улар ўртасидаги ички моҳиятни, яъни уларнинг ривожланиш қонуниятларини билишга ўтиш демакдир. Ана шу қонуний боғланишни билиш учун ҳиссий маълумотлар, яъни аниқ билим бўлиши керак. Бу эса амалиёт туфайлигина ҳосил бўлиши мумкин. Ҳиссий билиш аниқ нарсалар образини ҳосил қилади, лекин у ҳодисалар моҳиятини очиб бера олмайди. Демак, ҳодисалар моҳиятини билиш учун айрим нарсаларга эмас, кўп нарсаларга хос бўлган умумийликни топмоқ керак.

Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. У бевосита аниқ битта предметдан узоқлашиб, бир нечтасига хос бўлган умумийликнинг моҳиятини аниқлаб беради, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Масалан, грамматика айрим сўзлар орқали умумийликни белгилаб берувчи инсон тафаккурининг мавҳумловчи ишидир. «Тафаккур категориялари кишининг қўлланмаси эмас, балки табиатнинг ҳам, инсоннинг ҳам қонуниятларининг ифодасидир»¹,— деган эди В. И. Ленин.

Шундай қилиб, ҳиссий билиш билан мавҳум тафаккур бир бутун билиш жараёнининг сифат жиҳатдан турлича бўлган ва айни вақтда бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичларидир. Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан келиб чиқади, жонли билиш эса қонуният билан ўсиб, мавҳум тафаккурга асос солади. Марксизмга қадар бўлган материалистлар бу масалани ҳал қила олмаганлар, яъни ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг роли масаласини ҳал қилишда бирёқламалikka йўл қўйганлар, натижада улар ё рационализмга, ёки эмпиризмга берилиб қолар эдилар. Эмпириклар ҳиссий билишнинг родини ошириб, назарий тафаккурга ишончсизлик билан қарар ёки баъзан эса таян олмас эдилар, рационалистлар эса аксинча, мавҳум тафаккурни ҳаддан ташқари

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29- жилд, 85- бет.

юқори кўтариб, ҳиссий билишнинг ролини камситар эдилар. Лекин эмпириклар ҳам, рационалистлар ҳам ҳақиқатдан узоқ эдилар. Фақат диалектик материализмга билимдаги ҳиссий ва рационал жиҳатларнинг бирлигини тўғри ҳал қилиб берди, бу бирлиkning асоси эса амалиёт экаплигини кўрсатди.

Маълумки, ҳиссий билиш нарсаларнинг айрим ташқи томонлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Ҳиссий билиш тор, чекланган бўлганини сабабли нарсаларнинг ички табиатини, уларнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятларини очиб бера олмайди. Билишнинг асосий вазифаси эса худди ана шундан иборат.

Мантиқий билиш инсон билишнинг ҳодисадаи моҳиятга, оё билишдан кўри билишга, чала, юзаки билишдан мукамалроқ билишга томон тўхтовсиз ривожланиб боришдан иборатдир. Мантиқий билиш — билишнинг ривожланишидаги сифат жиҳатдан янги, юқори поғонасидир. Мантиқий билишда инсон мантиқий тафаккур ёрдамида воқелиkning ривожланиш қонуниятларини билиб олади. Объектив реалликини билш диалектикасида сезги ва идрокнинг юзаки образлари тасаввур образидаги абстракция элементлари билан бирлашиб мавҳум тафаккурга қараб йўналади. Тафаккур эса гарчанд жонли мушоҳада материалларига асосланса-да, билиш жараёнининг сифат жиҳатидан мураккаб бўлган юқори босқичдир.

Энди биз тафаккурнинг асосий шаклларини кўриб чиқамиз. Юқорида қайд қилганимиздек, тафаккур гарчанд жонли мушоҳада материалларига асосланса-да, билиш жараёнининг сифат жиҳатидан мураккаб бўлган юқори босқичдир. Унинг жонли мушоҳада билан бўлган умумийлиги объектив оламнинг субъектив образи экаплигидир.

Бизга маълумки, сезги образлари ташқи оламнинг аксидир, яъни ташқи олам сезгимизга қандай таъсир қилса, шундайлигича акс этилади. Лекин тафаккур образларида бошқачароқ; унда ташқи оламнинг ички моҳияти, алоқа ва боғланишлари ҳамда ривожланиш қонуни ва қонуниятлари акс этади. Тафаккур образларининг учта асосий хусусияти бор:

1). Тафаккур образлари мавҳум хусусиятга эга, яъни тафаккур образлари ҳосил бўлиши учун ифода қилинаётган ташқи олам бевосита кўз олдимизда бўлиши шарт эмас. Тафаккурга ҳос бўлган ана шу жараёни абстракция дейилади.

2). Тафаккур образлари умумлашган хусусиятга эга. Умумлаштириш эса бизга таъсир этаётган нарса ёки ҳодисанинг барча сифат ва хусусиятларидаги муҳим бўлмаган иккинчи даражаларининг четга суриб, асосий томонларини таққослаш ва фикрларини бир-бири билан боғлашдир.

3). Тафаккур образлари тил билан боғланидир. Билиш жараёнида пайдо бўлаётган ҳар бир тушунча тил орқали рўёбга чиқаётган оғ омилдир.

Шундай қилиб, мавҳум тафаккур шакллари тушунча, муҳокама, худосадир. Тушунча тафаккурнинг алоҳида шакли бўлиб, у ташқи дунё нарса ва ҳодисаларининг умумий, зарурий томон-

ларини акс эттиради. Тушунча — аниқ нарса ва ҳодисаларнинг сифати, моҳияти ва муайянлигининг мияда алоҳида шаклда акс этишидир. Унда ҳодисадаги асосий томонлар умумлаштирилади. Масалан, материя тушунчаси умуман материянинг аниқ шакллари: тош, дарахт ва ҳоказоларнинг белгиларидан қатъи назар, уларнинг асосий белгиси — моддийлиги, материя тушунчасида акс эттирилади. Жумладан, дарахт деганда тол, терак, олма ва бошқа дарахтлар тушувилади. Дарахт тушунчаси орқали унинг турлари ва белгиларидан фикран узоқлашамиз ва улар учун энг умумий белгиларни оламиз. Фандаги тушунчалар ҳам худди шундай.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос тушунчалари бор. Масалан, астрономияда компот, сайёра каби тушунчалар, биологияда оқсил, ҳужайра, насл каби тушунчалар бор. Ҳар бир фанни билиш, тушуниш шу фандаги тушунчаларни билиш демакдир. Тушунча мазмунан объективдир.

Муҳокама орқали объектив дунёдаги қонуниятлар онгда акс эттирилади. Якка ҳукм айрим далилларда ўз аксини топса, умумий ҳукм умумий қонуиларни ифода этади. Масалан, энергиянинг айланиш шакли ёки ҳар бир ҳаракат шаклининг бирдан иккинчисига ўтиши ҳақидаги қонуилар. Биринчи мисол табиатнинг айрим томониға тўғри келса, иккинчиси умумий қонуини акс эттиради. Демак, ҳукм бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида бирор нима дейиш, уни тасдиқлаш, ёки инкор этишдир. Масалан, «ёмғир ёғди», «самолёт учди», «Аҳмад кулли». Бу тушунчалар системасидаги умумий боғланишнинг бир запжиридир. Ҳукмда икки тушунча бир-бири билан боғланиб, улар ўртасида муносабат пайдо бўлади. Унда тушунчаларнинг бизга боғлиқ бўлмаган қандайдир воқеалари акс этади.

Тафаккурнинг учинчи шакли ақлий хулоса чиқаришдир. Хулоса бир ёки бир неча ҳукмлардан чиқувчи билимдир. У орқали илгари маълум бўлган билимлар асосида янги билим пайдо бўлади.

Ақлий хулосада ҳукмлар мажмуаси бир-бирига боғланиб, янги бир хулоса келиб чиқади. Бундай хулосага асос бўлган икки ҳукм далил деб аталади. Демак, ақлий хулоса фикрни таққослайди, боғлайди, мавҳум тафаккур содир бўлиш жараёнини ифодалайди. Шундай қилиб инсониятнинг барча билимлари сезги материалларини мавҳум умумлаштириш орқали ҳосил бўлади.

Билиш жараёни мураккаб, кўп қиррали жараёндир. У албатта субъектнинг қобилияти, изланувчанлиги, мантиқий тафаккурнинг хусусияти, воқелик ҳодисаларини кузатиш, унинг моҳиятини очишда ҳар бир нарса ва ҳодисага ижодий ёвлашишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам билишда ижод катта ўрин эгаллайди.

Ижод — инсоннинг фан, техника, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиш, кашф этиш фаолияти; мураккаб руҳий жараёндир. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намойён бўлади. Форобий таъ-

бирича, ижод билиш жараёнида шундай улуг фазилаткич, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларни ишга солиши керак.

Айрым буржуа олимлари ижодий кашфиётларни маъниқ ва интеллект билан боғлиқ бўлмаган қандайдир тасодиқ натижаси деб қарайдилар. Масалан, Платон ижод илоҳият томонидан бахш этилади деса, Гартман ва Бергсонлар интуициянинг илоҳий шакли деб даъво қиладилар, Фрейд эса инстинктивнинг намойи бўлишидир дейди.

Совет олимлари эса ижодни И. П. Павловнинг физиологик таълимотига асосланиб ўрганади. Дialeктик материализмнинг билиш назариясига кўра, ижод дастлаб инсон тасаввурда туғилади, кейин ижодга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади. Ижод жараёнида бошқалар томонидан қўлга киритилган билимлар чуқур, атрофлича, тўққидий равишда ўрганилади, таҳлил этилади, кузатишлар, ҳисоблашлар ўтказилади, маъниқ хулосалар чиқарилади. Хулосаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тажрибада синалади. Агар хулоса нотўғри бўлса, тажриба натижаси аввалги билимга мос тушмайди, демек хулоса қайтадан ўрганилади. Ижодий изланиш натижасида келиб чиққан билим мазмуни турли шаклларда — бадний асар, математик формула, назария, қонун ва бошқалар орқали жамиятга тақдим этилади. Улардан жамият баҳраманд бўлсагина ҳақиқий, тўлиқ ижод бўлади. Ижод фан-техникани, маданиятни бойлатади, билишни ривожлантиради.

Ижодни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: илмий ижод ва бадний ижод. Илмий ижод, И. П. Павлов таълимотига кўра, иккинчи сигнал системаси, маъхум тафаккурни устун ривожланган кишиларга хос. Бадний ижод эса биринчи сигнал системаси иккинчисига нисбатан устун ривожланган, табиат ва инсон ҳаётидаги турли оҳанглар, манзаралар, туйгуларни воқик идрок қиладиган ҳиссиётли кишиларга хос.

Олимлар фаолияти илмий ижодга, ёзувчилар, санъаткорлар фаолияти бадний ижодга қаратилган. Баъзи кишиларда ҳар икки ижод ривожланган бўлиши мумкин. Илмий ижод жараёнида табиат ва жамият ҳаётининг объектив қонуниятлари акс этса, бадний ижодда маънавий ҳиссиёт муаммолар, санъаткорнинг субъектив, ўзига хос қарашлари, ҳис-туйгулари акс этади. Бадний ижодда ўзига хослик бўлмаса, бундай ижоднинг ижтимоий ва эстетик қиммати йўқолади.

Ижоднинг тараққий этишида, ижодий меҳнатни оммалаштиришда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социалистик тузумнинг барча соҳаларида инсоннинг ижод фаолиятига кенг имкониятлар яратилган.

Биз энди билишда тасаввур ва интуициянинг ижоддаги ролини кўриб чиқамиз. Тасаввур ҳиссий билишнинг юқори босқичи бўлиб, инсон амалий фаолияти натижасида мақсадга мувофиқ равишда ҳосил бўлади. Тасаввурнинг илмий, бадний, диний шакллари мавжуд. Олимнинг тасаввури орқали гипотеза, эксперимент

мент, моделнинг шаклланиши учун гоя вужудга келади, бу эса билиш учун ёрдам беради. Тасаввур айниқса бадиий ижодда катта аҳамиятга эга. Унинг жамиятни, ҳаётни билиш ва уни ўзгартириш қобилиятига эга эканлигини В. И. Ленин ўз асарларида таъкидлаб ўтади. Ҳақиқатни далил билан исботламасдан туриб, тўғридан-тўғри, бевосита билиб, англаб олиш қобилиятини қадимги фалсафа интуиция ҳиссий билиш шакли деб қараган. XVII аср материализми интуиция ишончли билим бермайди, фақат интеллектуал интуициягина ҳақиқий билим беради, деб ҳисоблаган. Ҳозирги замон буржуа файласуфлари (Бергсон, Фрейд) интуицияни бутун ижодий фаолиятни белгилловчи яширин, қоропли, онгсиз, бошланғич ижод деб қарайди. Бундай қараш эса нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш мумкин эмас дейишга олиб келади.

Интуиция (синчиклаб қараш деган маънони билдиради) билишнинг алоҳида босқичи эмас, балки жонли мушоҳада ва маъҳум тафаккур билан узвий боғланган, ёрдамчи роль ўйнайдиган шаклдир. Дунёни тажриба ва тафаккурга таянмасдан, фақат интуиция ёрдамида билиш мумкин деб даъво қилувчи субъектив идеалистик фалсафий оқим интуитивизм бўлиб, унинг тарафдорлари интуицияни онгнинг ижтимоий амалиёт ва тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида хусусияти деб тушунтиришга уринади. Диалектик материализм эса билиш жараёнида, яъни билимларнинг вужудга келишида интуиция маълум аҳамиятга эга деб таълим беради.

3. ҲАҚИҚАТ ТУШУНЧАСИ. ҲАҚИҚАТНИНГ ОБЪЕКТИВЛИГИ

Билиш назариясида ҳам бошқа фан соҳаларидагидек, диалектик тарада мулоҳаза қилиш лозим, яъни билиш жараёнини тайёр, қотиб қолган ҳолда эмас, балки тўла бўлмаган воқеа билимларимиз қандай қилиб тўлароқ ва аниқроқ билимга айлаштириши аниқлаш керак.

Олам доим ҳаракатда, ўзгариш ва тараққиётда. Тараққиётнинг, ҳаракатнинг ҳар бир янги босқичида моддий оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг янги сифат ва хусусиятлари вужудга келади. Шунинг учун оламни ва унинг тараққиёт қолунларини билиш учун имкопият чексиз. Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида билиш жараёни ўз табиатига кўра чексиз деб уқтиради. Ҳар бир тарихий даврда инсон ўзининг амалий фаолияти натижасида объектив оламни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи билимга эга бўлиб боради. Билим эса объектив реалликка мос келадими ёки йўқми? Бу масаланинг ҳал қилинишида ҳақиқат тўғрисидаги таълимот ўз ифодасини топади. Бу таълимот эса ўз-ўзидан ҳақиқат нима? деган масалани ҳал қилишни талаб қилади. Бу масалани ёритишда фалсафа тарихида материализм ва идеализм ўртасида доимо кураш бўлиб келди. Идеалистлар ҳақиқатни билимларимизнинг объектив мазмунидан, кишиларнинг фаол амалий фаолиятидан ажратиб қарайдилар. Материалистлар эса

билиш назариясини ҳал қилишда ҳақиқатни эътироф этганлар. улар ҳақиқат масаласини ўз материалистик билиш назариясига асосланиб ҳал қилдилар. Уларнинг фикрича, ҳақиқатни билиш асосан табиатни ўрганишдан иборатдир. Лекин улар ҳақиқатни тўғри тушуниш билан бирга, унинг диалектик хусусиятини, нисбий ва мутлақ ҳақиқат муносабатларини тушуна олмадилар. Ҳақиқат масаласини тушунтиришда улар амалиётни, кишиларнинг фаол ролини инкор этдилар, ҳақиқатни ўзгармас деб даъво қилдилар.

Ҳақиқат тўғрисидаги бир бутун илмий таълимотни К. Маркс ва Ф. Энгельс ишлаб чиқди. В. И. Ленин уни ижодий равишда ривожлантирди. Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида метафизик Дюрингнинг ҳақиқат ўзгармас, абадий деган фикрини таъкид қилиб, билиш жараёнида биз ҳамма вақт ҳодиса ва предметларни ҳар томонлама ўрганамиз, улар орасидаги зарурий, умумий боғланишларни очамиз, шу тариқа билишимиз ўзгариб, ривожланиб, мазмуни кенгайиб боради, деган эди. В. И. Ленин ҳақиқат тўғрисидаги таълимотни ривожлантириб, билимларимизнинг ҳақиқатлиги масаласини пиккига бўлади: «1). Объектив ҳақиқат борми, яъни инсон тасаввурларида субъектга боғлиқ бўлмаган, инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ бўлмаган мазмун бўлиши мумкинми? 2). Агар мумкин бўлса, у вақтда объектив ҳақиқатни ифода этадиган инсон тасаввурлари бу ҳақиқатни бирданига, тўла-тўқис, батамом, мутлақ равишда ифода эта оладими ёки тахминий, нисбий суратда ифода эта оладими? Бу иккинчи масала мутлақ ҳақиқат билан нисбий ҳақиқат ўртасидаги нисбат масаласидир»¹.

Ҳақиқат масаласини илмий асосда ҳал қилишнинг ягона йўли инсон билимлари билан объектив оламдаги реал нарса ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатни ёритишдир. Шундай экан, ҳақиқат объектив воқеликка мос келувчи нарсалар ва ҳодисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини, сифат ва хусусиятларини тўғри ақс эттирувчи ҳамда амалиётда синналган билимлардир.

В. И. Ленин сезгилар инсонни ташқи олам билан боғловчи воситадир, деб таъкидлайди. Инсон сезгилари унинг олгидан ташқаридаги объектив оламнинг инъикосини ҳосил қилади. Объектив оламнинг мавжудлигини эътироф этиш билан унинг тўғри инъикосининг ҳосил бўлиши объектив ҳақиқатдан иборатдир. Диалектик материализм объектив ҳақиқатни эътироф этиш билан уни бирданига билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Объектив ҳақиқатни билиш фан тараққийети, амалиёт асосида амалга ошиши мумкин. Ҳақиқатни билиш доимо пастдан юқорига қараб ривожланувчи жараёндир.

В. И. Ленин таълимотига кўра, объектив ҳақиқат инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган объектив реалликнинг тўғри инъи-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 137-бет.

косидан иборатдир. Бу инъикос инъикос этидувчи реалликка мос келиши керак. Табиат илмининг ер инсониятдан бурун мавжуд эди, деган фикри объектив ҳақиқатдир. Табиат ва жамият қонунлари объектив ҳақиқатдир. Бу қонунлар инсонга боғлиқ бўлмаган, ундан ташқарида мавжуд бўлган ички, зарурий, муҳим боғланишларни ифодалайди, бу қонунларни инсон бекор қила олмайди, ўз ихтиёри билан ўзгартира олмайди.

Субъектив идеализм, жумладан махизм объектив реал дунёни инкор этиб, дунё сезгилар комплекси деб билади ва ҳақиқатни ҳам субъектив шаклда тасвирлайди. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида рус махчиси Богдановни танқид қилган эди. Богданов фикрича, ҳақиқат мафкура шакли ёки инсон тажрибасини ташкил этувчи шаклдир. Унинг бу даъвоси фидеизмга, динни оқлашга, унинг даъволарига ишонилшга олиб келади. Объектив ҳақиқат тўғрисидаги Богданов изоҳи диний таълимотга батамом мос келади.

Худди шундай фикрни ҳозирги замон буржуа фалсафасида ҳам кўриш мумкин. Улар ҳам ҳар қандай диний хурофотларни ҳимоя қилиш мақсадида объектив ҳақиқатни инкор этишга уришмоқдалар. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида инсоннинг олам тўғрисидаги ҳар қандай билимини абадийлаштириш мумкин эмаслигини таъкидлаб, догматизмни танқид қилади. У инсон билимларида абадий ҳақиқат борлигини уқтирган эди. Масалан: $3 \times 3 = 9$ ёки Октябрь Социалистик инқилоби 1917 йилда ғалаба қозонди. Тошкент — Ўзбекистон жумҳуриятининг пойтахти. Буларни келажакда инкор этиб бўлмайди.

Диалектик материализм билимлар абадий бўлмай, улар такомиллашиб боради, билмасликдан билишга томон боради, нисбий ҳақиқатдан мутлақ ҳақиқатга боради, деб тушунтиради. Ҳақиқатан ҳам оламда инсон билиб олмайдиган нарса йўқ. Шунинг учун ҳам билиш жараёнининг ривожланиши чексиз, у бирор чегарада тўхташи мумкин эмас. Инсон эришган янги билими аввалги билимининг юқориси бўлса, келажак учун у чегара эмас. У янги билим учун зарурий босқич ҳисобланади. Демак, мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар диалектик муносабатда бўлади. В. И. Ленин мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар диалектикасини «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида ёритиб, инсон тафаккури ўз табиатига кўра мутлақ ҳақиқатни очиб имкониятига эга деб, мутлақ ҳақиқат нисбий ҳақиқатлар йиғиндисидан ташкил топганлигини кўрсатади. Ҳар бир фан соҳасидаги янги кашфиётлар мутлақ ҳақиқатга ҳисса қўшади ва бу кашфиёт нисбий чегарага эга, яъни у кенгайиши, ривожланиши мумкин.

Ҳар бир нисбий ҳақиқатда мутлақ ҳақиқат элементи, зарраси бор, чунки унда моддий дунёнинг маълум томонлари акс этади. Нисбий ҳақиқат объектив оламнинг инсон онгида нисбатан тўғри инъикос этишидир. Амалиёт ва фан тараққиётида бу ҳақиқат тобора такомиллашиб боради. Демак, объектив оламни тахминан тўғри инъикос этиладиган, тўла ва аниқ бўлмаган, инсон билимининг сўнги тараққиёти жараёнида аниқланиши

ва чуқурлашиши тобора тўлароқ бўлиб борадиган илимий билимлар (қонда, тушупча ва назариялар) нисбий ҳақиқатдир.

Нисбий ҳақиқатни эътироф қилиш мутлақ ҳақиқатни инкор этиш эмас. Чунки бизнинг билимларимиз тайёр ёки қотиб қолган билим бўлмай, мутлақ ҳақиқатни билиш нисбий ҳақиқатларни билиш билан боради. Мутлақ ҳақиқат бирданга билиб олинмайди, балки тўлиқ бўлмаган, тахминий, яъни нисбий ҳақиқатлар орқали билинади. Демак, билиш билмасликдан билишга, мукамал бўлмаган билимларнинг мукамаллашиб, аниқ бўлиб боришини аке эттирувчи чексиз жараёндир.

Олам чексиз, ундаги нарса ва ҳодисалар доим ҳаракатда. Демак, инсоннинг билиш имконияти ҳеч қачон охирига етмайди. Масалан, материянинг тузлиши туғрисидаги билимларимизни олиб кўрайлик. Материянинг энг кичик зарраси атом бўлинмас ҳисобланади эди. Бу нисбий ҳақиқат, чунки у материя тузлишининг тахминий туғри инъикоси эди. Бунда мутлақ ҳақиқат материя ҳақиқатан атомлардан иборат, деган тасаввур эди. Материя тузлиши туғрисидаги билимлар ривожланиб, XIX асрнинг охирида электрон-атомнинг таркибий қисми кашф қилинди. Бу кашфиёт материя тузлиши туғрисидаги тасаввурга мутлақ ҳақиқатнинг янги заррасини қўшиб, инсоннинг материя тузлиши туғрисидаги билимини янада чуқурлаштирди. В. И. Ленин электронинг ҳам атом сигари битмас-туганмаслигини таъкидлайди. Бу айни вақтда нисбий ҳақиқатдир. Ҳозирги замон табиёт илми атомнинг мураккаб тузлишини очиб бермоқда. Демак, фақ соҳасидаги ҳар бир янги қадам илгариги назарияга қараганда чуқурроқ, тўла ва аниқ билимни беради, бу билим бутунлай мутлақо билим бўлмайди. Чунки ҳар қандай инсон билими мазкур тарихий давр чегарасидан чиқиб кетмайди. У илм-фаннинг айрим соҳаларида ўз даври тафаккур тараққиётини ўн, ҳатто юз йиллаб ортда қолдириши мумкин, аммо ўз даври фарзанди бўлиб қолаверади.

Инсон ҳамма вақт табиатни охиригача билиш томон яқинлаша боради. Лекин у моддий олам қонун ва ҳодисаларини тўлатуқис билиш даражасига эриша олмайди. Бунинг сабаби шуки, табиат чексиз, у тўхтовсиз ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришда. Инсон билими эса ҳеч қачон моддий оламни бутунлай қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам инсон билимининг мутлақ ҳақиқатга яқинлашуви нисбийдир. Бундан бизнинг ҳамма билимларимиз нисбий экан, уларда объектив мазмун йўқ экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар қандай ҳақиқат нисбийлигига қарамай, унда мутлақ ҳақиқат элементлари сақланади. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатларни бир-бирига қарама-қарши қўймай, балки уларни ажралмас, бир бутун ҳолда олиб ўрганмоқ зарур.

Мутлақ ва нисбий ҳақиқатларнинг диалектик муносабатини билиш догматизм, агностицизм, релятивизм ва плюрализмга қарши курашда катта аҳамиятга эга. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» номли асарида мутлақ ва нисбий ҳақи-

қатларнинг ўзаро диалектик муносабатини тўғри ҳал қила олмаган маҳизмни танқид қилиш орқали релятивизмнинг реакцион моҳиятини очиб ташлади. Релятивизм инсон билимларини нисбий деб қараш билан бирга объектив ҳақиқатни бутунлай инкор этади. Релятивистлар билиш жараёнига диалектикани татбиқ эта олмаганлиги учун фақат нисбий ҳақиқатни эътироф этадилар ва уни мутлақлаштирадилар. Уларнинг асл мақсади мутлақ ҳақиқатни, шу билан бирга объектив ҳақиқатни инкор этиш ва агностицизмни ҳимоя қилишдир.

В. И. Лениннинг кўрсатишича, материалистик диалектикада ҳам релятивизм томонлари бор. Лекин бу релятивизм объектив ҳақиқатнинг мавжудлигини эътироф этади. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида шундай дейди: «Маркс билап Энгельснинг материалистик диалектикаси релятивизмни шубҳасиз ўз ичига олади, лекин бу диалектика релятивизмдан иборат эмасдир, яъни бу диалектика барча билимларимизнинг нисбийлигини эътироф қилади, аммо эътироф қилганда объектив ҳақиқатни инкор қилиш маъносида эмас, балки билимларимизнинг бу ҳақиқатга яқинлашиш чегаралари тарихан шартли эканлиги маъносида эътироф қилади»¹.

Инсон объектив оламни ўз амалий фаолиятида маълум тарихий ва илмий имкониятлар асосида билади. Имконият эса ҳамма вақт тўла бўлмайди. Билимларнинг нисбий томони чуқур билим олишга имкон бермайди. Илмий ҳақиқатлар аниқ тарихий шариоит билап боғлиқ бўлиб, аниқ шаклда намойё бўлади. Шунинг учун ҳақиқат мавҳум эмас, аниқ бўлади.

4. ИЛМИЙ БИЛИШ, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Фан — олам ҳақидаги назарий жиҳатдан системалашган билимлар йиғиндиси. Фаннинг асосий вазифаси ўзи ўрғапаётган нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёт қонуниятларини очиб беришдан иборат. Инсоният тараққиёт жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай фан ўз предмети ва тадқиқот усулларига эга. Ҳар бир фан назарий жиҳатдан системалашган билимлар йиғиндиси сифатида тадқиқот жараёнида хилма-хил илмий усуллардан фойдаланади.

Воқелик ҳодисаларини билиш оддий ҳаётий тиркичилик учун йўл топш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларнинг вужудга келишидан иборатдир. Билим инсоннинг тарихий амалий фаолияти негизида вужудга келади. Табиат ва жамиятнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг ҳодисаларининг ҳақиқий мазмунини, моҳиятини, ривожланиш қонуналирини билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқот ва изланишнинг йўналишини ифодалайди.

Илмий усул нима? Усул юнонча сўз бўлиб, тадқиқот, билиш йўли демакдир. Илмий усул илмий билиш жараёнида қўллани-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд 155-бет.

ладиган махсус билиш йўллари ҳамда воситаларини ифодалайди. Илмий билиш усули инсон амалий фаолияти негизда юзага келади. У табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри, объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради. Илмий билиш усули тадқиқот турларининг мазмуни ва изчиллигини ўз ичига олгани ҳолда амалда бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Усул илмий билишнинг таркибий қисми бўлиб, унинг объекти, таҳлил мавзуси, тадқиқот вазифалари уларни ҳал этиш учун зарур бўлган воситаларни ифодалайди.

Ҳар бир фан объектини ўрганувчи предметнинг аниқ изланиш усули бўлиб, бу усул хусусий, умумий ва энг умумий усул бўлиши мумкин. Илмий билиш масаласида усул муаммоси билан энг қадимги фалсафада Аристотель шуғулланган. Биринчи марта фанни усул системаси асосида ўрганиш масаласини инглиз файласуфи Ф. Бэкон илгари сурган. У илмий билишнинг индуктив ва эмпирик усулига асос солган. Д. Декарт эса билишда объект билан субъект муносабати масаласида тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатган. И. Кант билишни алоҳида шаклларга эга бўлган ўзига хос фаолият сифатида таҳлил қилишга асос солди. Бу масалани ҳал этишда айниқса Гегель қарашлари алоҳида аҳамият касб этди. У билишнинг, умуман маънавий фаолиятнинг умумий усули — диалектиканинг ролини гарчи идеалистик асосда бўлса-да, кўрсатиб берди.

Материалистик диалектика объектив воқеаликни илмий билишнинг асоси, умумий методологиясидир. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да «диалектика элементлари» орқали билишнинг маънавийни очиб беради, объективлик принципига эътибор беришни таъкидлайди. «Жонли, кўп томонлама томонлар сони доимо кўпайиб турган ҳолда билиш сифатидаги диалектика ва унинг воқеликка ҳар қандай ёндашиши, яқинлашишининг сон-сановсиз турлари, ҳар бир айрим турдан ўсиб бутунга айланувчи фалсафий системаси билан «метафизик» материализмга қараганда беқийёс даражада бой мазмун мана шундан иборат. «Метафизик» материализмнинг асосий иллоти — диалектикани Bildog tbeogio (инъикос назарияси)га, билишнинг диалектик жараёнига ва ривожланишига татбиқ эта билмаслигидир»¹,— деган эди В. И. Ленин.

Илмий тадқиқот жараёнида билишнинг аниқ шакл ва усуллари билан фойдаланиш орқали илмий билимлар вужудга келади, ривожлантирилади. Ҳар бир билим системасида илмий тадқиқот жараёнида келиб чиққан муаммо ёки масаланинг қўйилиши ва ҳал қилинишида махсус усуллардан фойдаланилади. Улар эса тарихий аниқ билиш жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шунинг учун ҳар бир фаннинг ўз предмети ва тадқиқот усули мавжуддирки, улар ўзи ўрганаётган объектга нисбатан махсус амалий ва назарий тадқиқот усули асосида ёндашади.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-жилд, 344-бет.

Демак, илмий билиш жараёнида ҳар бир фан ўзининг махсус хусусий усулларини ишлаб чиқиши зарур, шу билан бирга ўзининг маълум тадқиқот объектига эга бўлиши керак. Лекин баъзи бир фанлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонунилари ҳам бир-бирига яқиндир. Шу сабабга кўра, уларнинг тадқиқот усуллари ҳам бир-бирига яқиндир ва татбиқ қилиш чегарасига кўра бир-бирига самарали фойда келтириши мумкин. Демак, билишда хусусийлик ва умумийлик вазифасини бажарувчи усуллар ҳам мавжуддир. Кўпчилик фанларда қўлланиладиган усуллар умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланилиши доирасига кўра умумий, лекин ўз махсус вазифасига эга.

Бизни ўраб турган дунё нарса ва ҳодисалари кўп қиррали, кўп сифатлилик хусусиятига эга. Уларни бирдан, бир вақтда тушувиш, билиш мумкин эмас. Шунинг учун билиш методологияси бизга билишнинг умумий усули ва тафаккур усулининг ривожланиш қонуниларини асослаб беради. Ҳар бир аниқ фаннинг ўзи қўллайдиган хусусий усуллари асосида билим системаси чуқурлашиб борса, умумий усулни татбиқ қилиш орқали эса билиш доираси янада кенгайиб боради. Масалан, физика, кимё, биология сингари фанлар хусусий усуллари орқали изланиш билан бу предметлар билим доираси чуқурлашса, изланишнинг умумий усули (масалан, модда тузилишига кўра, энергиянинг сақланиш ва айланиш назариясига кўра) орқали эса уларнинг билим доираси янада кенгайди. Фан тарихида табиёт, ижтимоий, техник каби фанлар системаси ва ҳар бир системани ташкил этувчи аниқ предметлар вужудга келган экан, уларнинг ҳар бири аниқ тадқиқот усулига эга. Уларнинг тадқиқот усулларида эса умумий, ўхшаш томонлар бўлиши мумкин.

Илмий билишнинг ҳамма фан учун тегишли бўлган умумий усулларига анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, мантиқийлик ва тарихийлик, маъҳумликдан аниқликка бориш ёки аксинча ва бошқалар киради. Илмий билишнинг бу методлари фан тараққиётида гарчи умумий ҳисобланса ҳам, энг умумий материалистик диалектик усулга нисбатан хусусий бўлиши мумкин. Лекин бу усуллар (хусусий ҳолда) материалистик диалектик (умумий) усул билан боғлангандир. Хусусийлик билан умумийликнинг боғланиши қонуний жараёндир.

Ҳар бир аниқ усул илмий билиш жараёнида бир-бири билан боғлиқ ёки бир-бирига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир усулни қўллаш билимнинг ҳақиқий билим эканлигини исботлашда ва шу усул орқали билим янада чуқур ва кенг мазмун асосида бойиб бориши кўрсатади. Масалан, классик физиканинг ривожланиши натижасида нисбийлик назарияси, квант механикаси, элементар зарралар физикаси келиб чиқди. Микрофизика қонуниларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни классик физикага татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Шундай қилиб, билиш жараёнида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва энг умумий усуллари мавжуд бўлиб, улар ўзаро

бир-бири билан боғлиқ. Диалектик усул реал оламни илмий билишнинг энг умумий усули бўлиб, у барча фанлар учун методологиядир. Диалектик усул хусусий фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиб, уларнинг усуллари билан биргаликда ривожланади, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Хусусий, умумий ва энг умумий усуллар тадқиқотнинг яхлит системасини ташкил этади.

Ҳозирги замон фан тараққиёти билимларнинг тез ўсиши, унинг сифат ва миқдор жиҳатдан салмоғининг ошиб бориши билан тавсияланади. Бу жараённинг икки томони бўлиб, биринчидан, илмий билиш туфайли табиий ва ижтимоий воқеликнинг тобора мураккаб объектлари ўзлаштирилмоқда. Бу ҳол илмий билиш жараёнида тадқиқот усуллари ҳақидаги масала билишнинг принципиал масаласига айланаётганлигини исботламоқда. Иккинчидан, илмий-техника инқилоби шароитида илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари, тартиб қоидалари, мапшиқи ва тузилмаси фанда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш имкопьятларини яратиши керак.

Ҳозирги замон илмий жараёнида қуйидаги усуллар кенг қўлланилади: қузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент.

Қузатиш — воқеликдаги парса ва ҳодисаларни муайян мақсадга мувофиқ қаратилган ҳиссий билиш усулидир. Қузатишнинг қай даражада бўлиши қўйилган мақсаднинг аниқлигига, қузатилаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида олдиндан билимга эга бўлишга боғлиқдир. Қузатишда субъект асбоблардан фойдаланади. Асбоб қузатиш доирасини кенгайтиради, қузатилаётган парсага идрок қилиш қобилиятини кучайтиради. Қузатиш бевосита (асбобсиз) ёки воситали (асбоб билан) олиб борилади. Қузатиш жараёнида субъект объектининг миқдор ва сифат жиҳатларини ипъикос этиради ва аниқлаб олади.

Ўлчаш — билиш жараёнида парсанинг миқдор тавсифюмасини аниқлаш усулидир. Ўлчов одатда ўрғанилаётган предметни аниқ қайд этилган хосса ва белгиларга эга бўлган бошқа бирон-бир предмет билан нисбатлаш йўли орқали амалга оширилади. Ўлчаш усули орқали предметларнинг хоссаларини, масалан, мустаҳкамлигини, мураккаблигини ва бошқа томонларини аниқлаш мумкин.

Таққослаш — билиш фаолиятида татбиқ қилинадиган усул бўлиб, билимларнинг шаклланиши, ривожланишида алоҳида бир босқичдир. Обьектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларни «қайта ўрганиш» жараёнида маълум бўлган билимлар билиш операцияси бажарилаётган вақтда олишган билимлар билан таққосланади. Излапувчи аввалги маълум билимларга таянган ҳолда изланаётган объектга хос бўлган ўхшаш ва фарқли томонларни таққослаш орқали аниқлайди. Бу усул маълум даражада физика, математика, кимё, геология, табобат, биология ва бошқа фан соҳаларида кенг қўлланилади. Таққослаш бир нарса ёки ҳодисанинг иккинчи бир нарса ёки ҳодисадан фарқли ва ўхшаш томонларини ҳамда уларнинг муносабатларини ўрганиш усули ҳисобланади.

Эксперимент — тажрибада синаб кўриш орқали фанда ҳодисаларни билиш фаолиятида тадқиқ қилиш, ўрганиш усули ҳисобланади. Эксперимент кузатишга қараганда юқорироқ даражадаги билиш усулидир. Эксперимент объектга тегишли тажриба мосламаларини табиқ қилиш орқали объектга таъсир кўрсатиш, ўзлаштириш, билимларни бойитишга ёрдам берувчи усулдир. Илланувчи эксперимент усулини қўллаш орқали ўзини қизиқтирган объектнинг томонларини ўрганиши учун унга фаол таъсир кўрсатади, бунинг учун сувъий шароитлар яратади, шу шароитда текшириш олиб боради, маълумотлар тўплайди. Эксперимент усули ҳодисаларнинг муҳим белгилари ва хусусиятларини, уларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан муносабати, алоқа ва боғланишларини чуқурроқ ўрганишга имконият яратади. Бу усул илланувчига табиий шароитда кузатиш орқали ҳосил қилиш мумкин бўлмаган билимларни олиш имкониятини беради. Кузатиш эксперимент билан узвий боғланган. Илмий тадқиқотнинг соҳаларига қараб, тадқиқ қилинувчи предметларнинг табиатига қараб экспериментлар фикрий эксперимент ҳам бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда эксперимент усулининг зарурлиги келиб чиққанлиги ва қўлланилаётганлиги таъкидланмоқда. Биз кўриб чиққан билиш усуллари деярли билимнинг эмпирик даражасига хос бўлган усуллардир. Объектни фақат тажрибада эмас, балки бевосита мавҳум тафаккур йўли билан ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Абстракция — предметларнинг муайян муносабатдаги муҳим хоссаларини билиш усулидир. Абстракциялаш ҳодиса, нарсанинг хоссаларини, муносабатларини, тараққиёт босқичларини фикран билиш усулидир. Абстракциялаш усули анализ ва синтез воситаларини ўз ичига олади. Анализ ва синтез дунёни билиш жараёнида ишлатиладиган ўзаро бир-бири билан боғланган усуллардир.

Анализда ўрганилаётган нарса ва ҳодиса, фикр майда бўлакларга, яъни элементларга бўлинади ва улар ўртасидаги боғланишлар, ўзаро муносабат ва таъсир ўрганилади. Таркибий қисмларни синтез қилиш учун анализ қилинади. Элементларни яна қайтадан бирлаштириганимизда анализ натижалари ўрганилади. Инсоннинг атрофини ўраб турган объектив борлиқ мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, аниқ нарса ва ҳодисалардан иборат. Улар хилма-хил хусусият ва сифатларга эга. Ана шу кўп қиррали, мураккаб нарса ва ҳодисаларни ўрганиш ва билиш, улар тўғрисидаги тўшунчаларимизни чуқурлаштириш учун шу нарса ва ҳодисаларни таркибий қисмларга ажратиш — анализ қилиш керак. Лекин бу усул билан шу нарсаларни тўла билиш мумкин эмас, шунинг учун у синтез йўли билан тўлдирилади.

Синтез анализнинг натижаларига суяниб, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутун сифатини ўрганади. Синтез — анализ натижасида фикран бўлинган элементларни қайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлитликни фикран вужудга келтириш усулидир.

Анализ тадқиқот жараёнида билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи ҳисобланса, синтез уни яқунлайди. Анализ ва синтез натижасида умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади, улар ёрдамида ўрғапилаётган объектнинг сифати ва муайян қонуниятлари аниқланади, шаклланади.

Билиш жараёнида индукция ва дедукциянинг ҳам роли катта. Индукция ва дедукция ақлий хулосанинг асосий шакли бўлиб, билиш жараёнида маълумдан номаълумга томон бўлган фикр ҳаракатини ифодалайди.

Индукция — айрим фикрий билишдан умумий хулосалар чиқаришда қўлланиладиган муҳокама усули. Хусусийликни ўрғаниб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик нарса ва ҳодисалар билан узвий алоқада бўлади. Билишда индуктив усул асосида қонуниятлар очилади, тушунчалар майдонга келади. Бу усул нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини текшириш усули ҳисобланади. Индукция дедукция билан мустаҳкам боғланган.

Дедукция — умумийликдан хусусийликка олиб борувчи мантикий усул. Фандаги назариялар дедуктив усул натижасида юзга келади. Бу усул асосан далилий материаллар тўплаш натижасида уларни чуқур ўрганиш, системага солишда қўлланилади. Дедуктив усул турли шаклларда: аксиоматик, гипотетик-дедуктив усул шаклида учрайди. Дедуктив усул ақлий хулоса чиқаришнинг барча шакллари билан, биринчи навбатда, индукция билан боғлангандир. Индуктив ва дедуктив усуллар бир-бири билан диалектик боғлангандир, улар бир-бирларини тўлдиради. Шунинг учун уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки ажратиб қараш асло мумкин эмас.

Аналогия (мослик, айпанлик, ўхшашлик) — нарса ва ҳодисалар бирор хусусиятларининг ўхшашлигини ўрганиш усули. Бу усул ёрдамида икки предметнинг ўхшаш хусусиятлари ўрғапилади.

Идеаллаштириш — билиш жараёнида объектни қулайлаштириш усули. Бу усулда реал объект идеал объект билан алмаштирилади. Бу усул табиёт фанларининг тадқиқот усули ҳисобланади. Масалан, физикада шундай усул орқали физик объектлар: идеал газ, мутлақ қаттиқ қисм, мутлақ қора жисм, геометрия фани ўрғанаётган объектлар: тўғри чизиқ, квадрат, шар ва бошқаларни идеаллаштирилган объектлар деб қараш мумкин. Идеаллаштириш усули реал предмет эга бўлмаган хоссаларни ўрганиш усули ҳисобланади. У реалликнинг нисбатан ишончли маънасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу ҳол амалий мақсад учун етарли ҳисобланади.

Моделлаштириш — борлиқни билвосита ўрганишга асосланган илмий усуллар. Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади. Моделлаштириш усули илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, баъзи ҳолларда мураккаб объектларни ўрганишнинг ягона воситаси ҳисобланади. Бу усул ўрганиш қийин бўлган объектларни тадқиқ этишда қўлланилади. Масалан, Борнинг

атом модели атомнинг мураккаб хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Бу усул объектининг фақат маълум хусусият ва муносабатларининггина эмас, балки янги хусусият ва муносабатларини ҳам аниқлаш усули ҳисобланади.

Моделлар икки хил: моддий ва ғоявий бўлиши мумкин. Моддий нарсалардан ясалган моделлар моддий моделлар дейилади. Бу моделлар объектларнинг тараққиёт жўшқинлигини, уларнинг моҳиятини ифодаловчи зарурий қонуний алоқаларни, муносабатларни қайта ҳосил қилади. Ғоявий моделлар эса ғоя шаклида мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, математик моделлаш физик жараёнларнинг математик ифодаларидир. Математик моделлаш объектни яхлит текшириш ва тадқиқ масштабини ўрганиш имконини беради. Кибернетик мосламалар, ЭҲМлар бу усул асосида вужудга келган.

Ҳозирги илмий билиш жараёнида кенг қўлланиладиган усул — *системали* усулдир. Мураккаб объектларни илмий билишда бу усул қўлланилади. Системали усул муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган элементлар мажмуини ўрганишни ўз ичига қамраб олади. Бу усул асосида ўрганилаётган ёки изланаётган объектининг бошқа объект билан умумий боғланишлари, муносабатлари очилади. Ҳар бир тадқиқ объекти ва уни ташкил этувчи элементлар бир бутун система деб олинса, шу системани ташкил этувчи ҳар бир элемент бир-бири билан ўзининг тутган ўрни, вақти ва имкониятларига кўра бир-бири билан шу системада функционал боғланган. Бу элементларнинг бири билан ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу элементларни ўрганиш системали усулга асосланади. Ҳар бир системани ўрганишда уни бошқа системалар билан биргаликда олиб қараш керак. Лекин бу системаларни бирданига, бир вақтда билиш мумкин эмас, лекин уларни билиш, бир-биридан ажратиб, ўзаро боғлиқликда олиб қараш мумкин.

Билимнинг назарий даражасида илмий тадқиқотнинг кенг маънода қўлланиладиган *мавҳумлик* ва *аниқлик* усуллари мавжуддир. Аниқлик усули тадқиқот объектининг хоссалари, алоқалари, муносабатларининг кўп қиррали бирлиги сифатида назарий умумлаштириш воситаси ҳисобланади. Бу усул аниқ ҳодисалар ҳақидаги, барча алоқа ва муносабатларни ўз ичига олган воқелик ҳақидаги билимни юзага чиқаради. Аниқ воқеликнинг моҳияти ҳақидаги билиш воситаси мавҳумлик усули ҳисобланади. Тафаккурнинг ўзини абстракция воситаси билан воқеликни билиш усули деб қараш мумкин.

Абстракция предметни фикр билан билиб олишнинг энг муҳим усулидир. Абстракция воситаси билан муайян муносабатдаги муҳим хосса, муносабатлар моҳияти очилади. Абстракция усули воқелик ҳодисаларини чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ акс эттиради. Бу усул асосида тадқиқ қилинаётган объект фикран таҳлил қилинади, мавҳум таърифларга бўлинади. Бу таърифларнинг тузилиши янги аниқ билимга эришиш воситасидир. Фикрнинг бу

ҳаракати мавҳумликдан аниқликка томон юқорилаб бориш усули ҳисобланади. К. Маркс бу жараёни материалистик асосда ҳал қилиб беради. У бу усулни «Капитал» асарида буржуа муносабатларини ўрганишга татбиқ этади. «Аниқ нарса,— деб ёзади К. Маркс, — шунинг учун аниқки, у кўп таърифларнинг синтезидир, демак, хилма-хилликнинг бирлигидир. Шу сабабли тафаккурда аниқ нарса бошланғич нуқтадан ва бунинг натижасида мушоҳада ва тасаввурнинг бошланғич нуқтасидан ҳам иборат бўлса-да, балки синтез жараён сифатида, натижа сифатида юз беради. Биринчи йўлда тўла тасаввур мавҳум таъриф даражасига етиб, йўқолиб кетади, иккинчи йўлда мавҳум таърифлар тафаккур воситаси билан аниқ нарсанинг қайта ҳосил қилинишига олиб боради¹».

Аксиоматик усул тадқиқотнинг аксиомаларга асосланиб назарий ҳулосалар чиқариш усулидир. Асос қилиб олинган аксиомалар эса муайян назарий системада исботланмай ҳақиқий деб қабул қилинади. Назарий билимлар тўла равишда аксиомалардан дедуктив йўл билан чиқарилади. Аксиоматик усулга асосланувчи фан қондалари логика қондаларига мувофиқ натижалар сифатида улардан ҳулоса қилиб чиқарилади.

Аксиоматик усулга яқинроқ бўлган, лекин ундан фарқ қилувчи *гипотетик-дедуктив* усул бўлиб, бу усулнинг асоси аксиома эмас, балки тажриба маълумотлари мажмуидир. Гипотеза усули тажриба орқали илмий тадқиқотларда тасдиқланиши ёки нотўғри бўлиб чиқиши мумкин. Гипотеза усули, деган эди Ф. Энгельс, табиатшуносликнинг ривожланиш шаклидир, чунки табиатшунослик фикр қилади. Масалан, Опарин Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига доир хилма-хил илмий фаразларни фан тасдиқлаганлигини кўрсатиш билан фанда гипотезасиз иш кўриш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Гипотеза илмий тадқиқот жараёнини маълум томонга йўналтиради, янги-янги далилларни ва маълумотларни тўплашга ёрдам беради.

Назария муайян шаклда ривожланган, объектив борлиқнинг асосий томонлари муносабатларини билиш жараёнида келиб чиққан бой, чуқур маънодаги билимлар системасидир. Назария аниқ фанларнинг тараққиёти натижасида қўлга киритилган билимларни умумлаштириш, системалаштириш усулидир. Назария усули асосида умумлаштириш орқали янги илмий тадқиқотларга йўл очиб берилади. Бу тадқиқотлар ўз навбатида янги қонунлар ва назарияларнинг шаклланишига олиб келади. Янги қонун ва назарияларнинг шаклланишида тарихийлик ва маънавийлик усуллари асос бўлади.

Тарихийлик ва *маънавийлик* объектив дунё тараққиёт жараёнининг муҳим хусусиятларини билиш усулидир. Тарихийлик усули нарса ва ҳодисанинг рўй бериш вақти, даври, аниқ вужудга келиши, ривожланишини билиш усулидир. Ҳар бир ҳодисани фақат аниқ тарихий нуқтаи назардан, фақат тарихнинг аниқ таж-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 12-жилд, 727-бет.

рибаси билан боғлаб ўрگانмоқ зарур. Тарихийлик усулининг ўзинга хос хусусияти тарихий ҳаракатни унинг бутун бойлиги билан пайқаб олишга яптилишидир. Ҳар бир нарсанинг тарихини очиб бериш унинг тараққиётидаги асосий тарихий босқичлар, уларнинг алоқаларида ажратиб кўрсатишни талаб қилади. Бунинг учун эса унинг моҳияти ҳақида пазарий билим бўлиши керак. Маънавий усул предметнинг мазмунини пазарий шаклда тадқиқ қилиш усули ҳисобланади. Бу усул тадқиқот объектининг энг муҳим алоқаларини билиб олишга имкон беради. «Тарих нимадан бошланса,— деган эди Ф. Энгельс,— фикрларнинг бориши ҳам худди ўшандан бошламоғи лозим, бу жараённинг ундаи кейинги ҳаракати худди тарихий жараённинг мавҳум ва пазарий жиҳатдан изчил шаклдаги инъикосидан иборат бўлади; бу инъикос тузатилган ҳолда бўлади, яъни қонуларга мувофиқ тузатилган ҳолда бўлади, бу қонуларни эса ҳақиқий тарихий жараённинг ўзи беради, ammo унда ҳар бир жиҳат унинг шундай тараққиёт нуқтасида олиб қаралиши мумкинки, бу нуқтада жараён тўла етукликка, ўзининг классик шаклига эришган бўлади»¹.

К. Маркс «Капитал» асарида тадқиқотнинг маънавий усулини асос қилиб олгани ҳолда капитализмнинг иқтисодий структурасини капитализм тарихи билан, бу тарихни яқинловчи тушунчалар таҳлили билан баён қилиб беради. Маънавий билиш усули объектив реалликни, унинг алоқаларининг бутун рап-баранглигини аниқ эътириш вазифасини бажаради. Тафаккур услуби орқали вужудга келган пазарий билимлар-нисбатан тугалланган билимлар системаси бўлиб, бу система ўз тараққиёти жараёнида ўзгариб боради. Маънавийлик тафаккур услубида кўр-кўрона ҳаракат қилмайди, балки у билимларни умумлаштиради, аниқ-са тарихийликни тасодифий четлаштиришдан сақлайди.

Тадқиқотнинг тарихийлик ва маънавийлик усуллари ўзаро диалектик боғлашида. Диалектик материализм тарихийлик ва маънавийликнинг диалектик бирлигида аниқ тарихий билимлар асосида ҳар бир воқелик тарихининг асосий йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мумкинлигини таъкидлайди.

Билиш жараёнида ҳосил бўлган билимларимиз аниқ мазмунининг ифодаланishiда бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирига нисбатан сифат жиҳатида фарқ қилувчи ҳамда ўзинга хос хусусиятга эга бўлган билим даражаларига эътибор беришимиз керак. Улар эмпирик ва пазарий билим даражаларидир. Билимнинг эмпирик даражаси асосан тажриба билан боғланган билим бўлиб, у асосан асбоб орқали кузатиш, эксперимент асосида олинган маълумотлар натижасида вужудга келади. Билимнинг пазарий даражаси эса эмпирик даражадан фарқ қилиб, асосан пазарий тафаккур орқали ривожланади. Пазарий даража эмпирик даража билан бевосита ёки билвосита боғланади. Баъзан

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 13- жидд, 497- бет.

назарий билимлар тажриба маълумотига нисбатан ўзиб кетishi мумкин. Масалан, назарий физикадаги антипарралар ҳақидаги билим тажриба йўли билан эмас, балки назарий ҳисоблашлар орқали топилган. Баъзан эса тажриба қўйилмаганда назариянинг исботланиши ёки исботланмаслиги мумкин. Тажриба умуман янги назария учун манба бўлиб қолади. Тажрибанинг қиммати ҳам шундадир, деган эди совет физиги С. И. Вавилов. Демак, назарий даражада эмпирик билим умумлаштирилади, системалаштирилади, янги назариялар келиб чиқишига замин тайёрланади ёки эски назариялар тўлдирилади.

Билим даражалари ҳақида фикр юритганда билиш босқичлари билан билим даражаларини аралаштирмаслик керак. Билишнинг босқичлари ҳиссий ва рационал жиҳатлардир. Эмпирик ва назарий билим даражалари ҳам ҳиссий жиҳат, мавҳум тафаккур воситаси билан воқеликни билишга олиб келади. Эмпирик билим даражаси воқеликнинг яхлит, чуқур алоқаларини билиб олишга олиб келмайди, лекин ташқи муносабат ва алоқаларни билиб олиш имкониятини беради.

Объектнинг яхлит, ички ва ташқи моҳиятини, қонуний боғланишларини билимнинг назарий даражаси очиб беришга интилади. Инсон ҳеч қачон воқеликни тўла-тўқис қамраб олгани ҳолда билишга эриша олмайди, лекин уни ҳар томонлама билиб олишга интилади, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

5. ЖАМИЯТНИ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамият тараққиёти қонуниятларини билиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу масала ҳақида италиялик олим Вико ва немис файласуфи Гегелнинг айтган фикрлари катта аҳамият касб этади. Виконинг айтишича, жамият тарихи табаат тарихидан шу билан фарқ қиладики, биринчиси биз томоминадан, иккинчиси бизнинг иштирокимизсиз яратилган. У ижтимоий ҳодисаларни билишнинг принципиал имкониятларини асослаб беришга ҳаракат қилган эди. Миллатлар дунёси инсонлар томонидан яратилганлиги учун, дейди Вико, ҳаммаси учун ягона бошланғич, миллатларнинг келиб чиқиши ва мавжудлиги жараёнининг «энг умумий ва доимий асослари»ни топish мумкин. У тарихда одамийликнинг ўзида зарурий ўзаро келишувлари билан белгиланадиган фуқаролик дунёсини «энг умумий ва доимий тартибни» кўради. Бироқ тарихнинг «оқилона олға боришини» эълон қилган ҳолда Вико инсоният тарихини «доимий бир хил» бўлган механик қайтарилишдан иборат қилиб кўяди. Жамият алоҳида одамдек уч босқичли: болалик, ёшлик ва етукликни босиб ўтади. Болалик даврига худолар асри (давлатнинг бўлмаслиги, қоҳинлар кастасининг мутлақ ҳокимлиги), ёшлик даврига — қаҳрамонлар асри (аристократик давлат), етуклик даврига — одам асри (демократик жумҳурият ёки демократик озодликларга эга бўлган ваколатли монархия) тўғри келади. Жамият ривожланиши мана шу уч босқичли босиб ўтиб, бошланғич нуқтага қайтиб келади

ва ўз эволюциясини ўша айлана бўйлаб давом эттиришга мажбурдир.

Гегель фикрича, тарихда илоҳий, мутлақ, ҳар бир халқ ва ҳар бир алоҳида пировард мақсадга эришишга мажбурловчи, ҳар бир давр учун қайтарилмас ўзига хосликни таъминлаб турувчи, шу билан бирга уни инсониятнинг умумий тараққиётида зарурий босқичга айлантирувчи илоҳий мутлақ ақл ҳукмиронлик қилади. У жамият тараққиётини, ҳаракатлантирувчи кучларни тарихнинг ўзидан қидирмаган эди, аксинча, бу кучларни тарих соҳасига четдан, фалсафий мафкурадан келтирар эди.

Вико ҳам, Гегель ҳам ижтимоий билишнинг илмий асосларини ишлаб чиқа олмадилар, чунки улар ижтимоий тараққиёт қонуниятларини тушунтиришда идеализм нуқтаи назарида турар эдилар. Фақат диалектик-материалистик ёндашишгина ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб берувчи ижтимоий билишнинг илмий назариясини яратишга ёрдам беради.

Ижтимоий билиш муаммосини диалектик-материалистик ҳал қилишда марксизмнинг қуйидаги таълимоти пойдевор бўлиб ҳисобланади: «Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади» деган, тарихда пайдо бўлган барча ижтимоий муносабатларни ва давлат муносабатларини, барча диний ва ҳуқуқий системаларни, барча назарий қарашларни фақат ҳар бир тегишли даврдаги ҳаётнинг моддий шароитини тушунган ва уларни аша шу моддий шароитдан келтириб чиқарган вақтдагина тушуниш мумкин деган фикр ёлғиз сиёсий иқтисод учунгина эмас, балки тарихий фанларнинг ҳаммаси учун ҳам инқилобий кашфиёт бўлди¹. К. Маркс айтганидек, у ёки бу жамият нима ишлаб чиқаргани билан эмас, балки қай усулда ишлаб чиқариши билан тавсифланади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва алмашинуви табиий-тарихий хусусиятга эгадир, яъни ўз қонуниятларига асосан амалга ошиб, уни ўрганиш эса ижтимоий билишнинг асосий масаласини ташкил қилади.

Ижтимоий билишнинг объекти бўлиб жамият, предмети эса инсон ҳамда унинг фаолияти ва маданияти ҳисобланади. Инсоният жамияти табиат қонуноларидан фарқ қиладиган ўзига хос алоҳида қонунолар асосида ривожланади. Инсон ҳаёти ҳайвон ҳаётидан фарқлавиб, ижтимоий қонуниятлар томонидан бошқарилади, уларнинг ўзига хос белгилари эса, биринчи навбатда, меҳнат фаолияти уларнинг моддий ҳаётларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. К. Маркс ва Ф. Энгельс айтганидек, жамият тарихи инсоннинг ўз мақсадига эришишдаги фаолиятидан бошқа нарса эмас. Жамият тарихи инсонларнинг ўзаро таъсирлари маҳсулидир.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш субъект ва объектнинг ўзаро таъсиридан иборат бўлиб, бу таъсир натижасида субъект ҳам, объект ҳам ўзгаради. Субъект ва объектнинг ўзаро таъси-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдик танланган асарлар, 1-жилд, 562-бет.

ри жараёнда уларнинг бир-бирига ўтиши содир бўлади, субъект объективлашади, объект эса субъективлашади. Объективлашни жараёнда субъектдан маълум миқдорда субъектив энергиянинг ажралиши содир бўлиб, индивиднинг ўз индивидуаллигидан маълум бўлакнинг ажралиши ва унинг маҳсулотда ўтириб қолиши нэ беради. Демак, ипсон меҳнат жараёнда ўз субъектининг маълум қисмини объектв мавжуд предметга айлантиради. Субъективлашни эса ишлаб чиқариш жараёнда объектнинг субъект хусусиятларига эга бўла боришида намoғи бўлади. Ипсон ўз орзу ниятига мувофиқ предмет шаклини ўзгартиради, унга ўз эҳтиёжларига мувофиқ келадиган хусусиятлар бағишлайди. Буларнинг ҳаммаси жамият органик бирликин ташкил қилган субъект ва объектдан иборат экаплогидан далолат беради.

Табиатдан фарқ қилувчи жамият билиш объекти бўлмасдан, балки унинг субъекти ҳамдир. К. Маркс ипсоният жамиятини «субъект», бу ҳолат эса ҳамма тарихий фаиларда доимо илмий билишнинг дастлабки шартн қилиб олинини зарур деб таъкидлар эди. Жамиятин объект ва шу билан бирга билиш субъекти деб тасаввур қилиш ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги маркеча таълимот билан узвий боғлиқлар.

Ижтимоий билиш ижтимоий тараққиёт қонуниятларига амал қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган қийинчиликлар билан боғлиқлар. Ижтимоий муносабатлар беқидс турли-туманлиги билан тавсифланиб, унинг ҳамма гармонияларини биллиб олишга доимо иятидувчи ипсон бунинг уйдасидан тўла чиқа олмайди. В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» деган асарнда Богдановнинг ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқни айниёлаштирувчи тезисини тапқид қилиб шундай дейди: «Сиз яшаб, хўжалик-рўзгор иши билан шугулланасиз, бола тугдирасиз ва маҳсулот ишлаб чиқарасиз, бу маҳсулотларини айирбошлайсиз, аша шу ишлардан воқеаларнинг объектив зарурий силсиласи, сизнинг ижтимоий онгингизга боғлиқ бўлмаган, сизнинг онгингиз ҳеч қачон тўла-тўқис қамраб ололмайди-ган тараққиёт силсиласи вужудга кела беради»¹.

Ижтимоий жараёпларин билишдаги қийинчиликлар жамият қонуналарининг табиат қонуналаридан сифат жиҳатдан фарқидан келиб чиқиб, булар қуйидагилардир. Биринчидан, табиат қонунари оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг, стихияли кучларнинг ўзаро таъсири шаклида намoғи бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намoғи бўлади. Маркс ёзадики, «Эргимчакнинг иши тўқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя ясаб, баъзи кишиларни — мезморларни уятга қолдиради. Лекин энг ёмон мезмор ҳам энг яхши асаларидан аввало шу билан фарқ қиладики, у мумдан уя ясашдан олдин, бу уяни миясида қуради. Меҳнат жараёнининг охирида бу жараён бошланмасдан олдиноқ киши-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18- жилд, 388- бет.

нинг тасаввурида, яъни фикран мавжуд бўлган патижа ҳосил бўлади. Киши асаларидан табиат берган нарсанинг шаклини ўзгартириши билангина фарқ қилиб қолмайди; табиат берган нарсада у ўз оғли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, кишининг иш усулини ва бу ишнинг хусусиятини белгилаб беради ва киши ўз продасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим»¹.

Иккинчидан, узоқ вақт амал қилувчи табиат қонунаридан фарқ қилувчи жамият қонунари қисқароқ вақт ичида амал қилиш хусусиятига эга. Ижтимоий жараёнларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири — уларнинг биологик қонуниятлар ва барча дунё ҳаётларига қараганда юқори тезликда ривожланишидир. Табиатда шароитнинг ўзгариши билан янги қонуналарнинг келиб чиқиши одатда узоқ вақтларда — миллион ёки миллиард йилларда амалга ошади. Ижтимоий ҳаётда эса аҳвол бошқача бўлиб, бу шароитлар нисбатан тез ўзгаради. Кишилк жамиятининг кўпгина қонунари табиат қонунаридан фарқли ўлароқ, маълум тарихий даврдагина амал қилади, кейин улар ўз ўринларини янги қонуналарга бўшатиб беради. Бу ҳол инсонлар уларни бекор қилганликлари учун эмас, балки бу қонуналар амал қилувчи шароитлар ўзгарганлиги учун юз беради.

Учинчидан, табиатда янги қонуннинг кашф қилиниши ва қўлланилиши анча текис амалга ошади ва бевосита ижтимоий ларзаларга олиб келмайди. Табиат қонуналарини кашф қилиш ва фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва техниканинг такомиллашиши эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шунинг учун турли эҳтиқодли кишилар табиат қонуналарини очишлари ва ўз фойдалари учун ишлатишлари мумкин. Аксинча, ижтимоий тараққиёт қонунари кишиларнинг, жамиятдаги синфларнинг муносабатларини қамраб олиб тўғридан-тўғри, бевосита маълум синфлар манфаатларига таъсир қилмасдан қолмайди. Синфлар буни англаши ёки англамаслигидан қатъи назар, улар иқтисодий тараққиёт қонунари талабини бажарадилар, бунда уларнинг фаолияти тарихий қонуниятга мос келади ва улар ўз мақсадларига эриша оладилар, ёки бу талабларини бажармайдилар, бунда жамият тараққиётида зиддиятлар ва ижтимоий ларзалар юз беради.

Ижтимоий билишнинг субъекти — бу ўзининг аниқ мақсад, манфаат ва эҳтиёжларини қўзловчи маълум синфга, ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган аниқ шахсдир. Ижтимоий билиш, маълумки, инсоннинг оламга амалий фаол муносабати асосида амалга ошади. Бунда кишиларнинг амалий хулқи, уларнинг ижтимоий-синфий мансубликлари, хусусияти улар фаолияти амалга ошадиган маълум ижтимоий соҳалар таъсири остида тўпланган йўл-йўриқ, қиймат, андаза ва нормалар томонидан белгиланади. Бу ҳол ижтимоий билишда объектив ҳақиқат масаласини, шунингдек турли синф вакиллари томонидан ижтимоий жараён-

¹ К. Маркс. Капитал, 181-бет.

ларни баҳолашдаги ўлчов (мезон) муаммосининг долзарб эканлигини кўрсатади.

Синфий жамиятда ижтимоий ҳодисаларни билиш, уларни тушунтириш одатда шу жамиятнинг дунёқарashi, диний ва ахлоқий қоидаларига мувофиқ амалга ошади. Шунинг учун билишнинг мазмуни билаётган субъектнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлади. Ҳукмроп синфлар объектив билим олишдан манфаатдор эмаслар, улар мазкур жамият тартиботларини оқлаш ва мустаҳкамлашга, ёки айблаш ва ўзгартиришга ёрдам берадиган билим олишдан манфаатдордирлар.

Ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида ижтимоий ҳаётни объектив билишдан манфаатдор бўлган синф вужудга келиши билан жамият ҳақида объектив, субъектга тўла боғлиқ бўлмаган билим олишдан манфаатдор бўлган ҳақиқий фан пайдо бўлади. Илмий ҳақиқат ҳар доим ягона бўлиб, у объективдир. Бу маънода ҳақиқат синфларга бефарқдир, лекин синфлар унга писбатан бефарқ эмас. Шунинг учун реакцион синфлар қарashiда турувчи ҳақиқий илмий жамиятшунослик бўлиши мумкин эмас. Диалектик материализм ижтимоий ҳодисалар таҳлилига тарихий, синфий, партиявий нуқтан пазардан ёндашишни талаб қилади.

Марксизм ўзидан илгариги мавжуд бўлган ҳамма тарихий воқеликни объектив таҳлил қилиш принципига таянган ҳолда ижтимоий тараққиёт қонувлари табиат қонувлари каби объектив хусусиятга эга эканлигини исбот қилиб берди. Бу қонувлар кишиларнинг иродаси ва онига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, маълум шароитда кишилар бу қонувларни билишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин бу қонувларни улар бекор ёки йўқ қила олмайдилар. Шунинг учун буржуа файласуфларнинг ижтимоий ҳодисаларга синфий ёндашиш ҳақидаги марксизм таълимоти амалда бўлмаган «синфий ҳақиқат» га асосланади, деб ҳисоблашлари тўғри эмасдир. Бироқ маълумки, синфий ҳақиқат эмас, балки объектив ҳақиқат мавжуддир ва ўз фаолиятларини жамиятнинг объектив қонушларини билиш орқали амалга оширадиган ишчилар синфи ва ижтимоий манфаатлари фаннинг дунёқараш хулосаларига зид бўлган реакцион синфлар мавжуддир.

Шундай қилиб, синфий жамиятда объектив қонушларни билиш ва улардан фойдаланиш ижтимоий сабабга эга бўлиб, у мурасасиз синфий кураш жараёнида амалга ошади. Тарихан ўлимга маҳкум қилинган ва жамиятнинг илгарилаб борувчи тараққиётини тўхтатишга ҳаракат қилувчи реакцион синфлар тарихий жараён қонушларини билишдан манфаатдор эмаслар ва шунинг учун ҳам уларни инкор этишга ва сохталаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу мақсад йўлида улар курашнинг ҳар қандай шакли ва усулларида, ҳатто кўролли ҳаракатлардан ҳам қайтмайдилар, бироқ бу билан улар жамиятнинг олга қараб ривожланиб бориш йўлида ўз ўлимини тезлаштирадилар. Ижтимоий тараққиёт объектив қонушлари талабларини фақат манфаатлари ин-

совет жамиятининг илгарилаб ривожланиб бориш йўлига мос келадиган илгор ишчилар синфигина адекват акс эттира олади. Шунинг учун бу синф мафкурасида илмий объективлик билан диалектика мос келади.

Ижтимоий билиш умумий илмий билишнинг турли сифатида ўзаро қарама-қаршиликларнинг органик боғлиқлиги сифатидаги эмпирик ва назарий даражаларни ўз ичига олади. Эмпирик билиш даражасининг мақсади бевосита тажрибавий билимга эга бўлишдир. У далилларни йиғиш ва умумлаштиришга асосланади, унинг асосида ижтимоий воқелик ҳақида системалашган билимни ташкил қилган назария яратилади. Назарий билиш эса янги билимни воситали олиш жараёндир. Инсон тажриба берган маълумотларни мантиқий операциялар ёрдамида ўзлаштириб, тарихий воқеликлар ўртасидаги мавжуд боғланиш ва муносабатлар ҳақида билим ҳосил қилади, ижтимоий тараққиёт қонуларини умумлаштиради.

Тарихий ва ижтимоий далиллар деганда ижтимоий билиш тузилмасига кирган қандайдир йўналиш хусусиятини тавсифлайдиган ижтимоий аҳамиятли ҳодиса тушунилади. Ижтимоий амалиётни акс эттирадиган далиллар назарий умумлаштириш учун бошланғич материалдир, шу билан бирга у ёки бу назарий қарашлар тўғрилигининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий тараққиётда далиллардан фойдаланиш уларга синфий, партиявий ёндашишга боғлиқдир. Марксизм тарих ҳодисаларини тушуниш соҳасида нейтрал, партиясиз дувёқараш йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. В. И. Лениннинг таъкидлашича, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда алоҳида далилларни олмасдан, ўрганилаётган масалага тегишли бўлган ҳамма далилларни бирга олиш зарур, акс ҳолда улар ихтиёрий равишда танлаб олинган, деган шубҳа вужудга келиши мумкин.

Ижтимоий далиллар кузатишга ёки статистик маълумотларга асосланиши мумкин. Статистик маълумотларга жуда кўп алоҳида далилларни солиштириш имкониятини берувчи тадқиқотнинг статистик усулларини қўллаш йўли билан эришилади. Уларни ижтимоий ҳодисаларнинг махсус ташкил қилинган, оммавий кузатишга асосланган типик тавсифномаси деб белгиласа бўлади.

Ижтимоий далиллар ўзича илмий билимни ташкил қила олмайди. Илмий билим хусусиятига эга бўлиш учун ижтимоий далиллар муайян назарий хулосаларга тегишли бўлишлари ва улар ёрдамида тушултириши керак. Ана шундагина улар ижтимоий билишнинг зарурий элементига айланади. Демак, ижтимоий билишнинг аниқ тарихий далилларга таянган эмпирик даражаси назарий даража билан тўлдирилган бўлиши керак.

Билишнинг эмпирик даражасидан назарий даражага ўтиш мураккаб диалектик жараёндир. Ижтимоий билишнинг назарий даражаси ижтимоий воқеликни билишнинг юқорироқ босқичи бўлиб, алоҳида далилларни умумлаштириш асосида ижтимоий тараққиёт қонуниятларини очишга имкон беради. Шунинг учун ижтимоий назария системалашган билим бўлиб, маълум концеп-

ция таркибига кириши билан тавсифланади. Ижтимоий билиш далилларни текшириш ва уларни тегишли назарий қоидалар билан узвий боғлаш лозимлигини тақозо қилади. Бу ҳол ижтимоий далил ва ижтимоий назариянинг узвий бирлигидан далолат беради, шунинг учун ҳеч қачон уларнинг бирини иккинчиси ҳисобига мутлақлаштириш ва бўрттириш мумкин эмас. Ижтимоий далиллар ижтимоий назарияларнинг асосини ташкил қилади, ижтимоий назариялар эса ижтимоий далилларнинг умумлашмасидир.

Ижтимоий далиллар ва ижтимоий назарияларнинг бирлиги илмий олдиндан билиш ва прогнозлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Назарий, эмпирик маълумотлар, умумлаштириш ва ривожлантиришнинг объектив қонуниятларини ҳисобга олган ҳолдаги илмий олдиндан билиш — табиат ва жамиятнинг кузатиб бўлмайдиган ёки ҳали тажрибада аниқланмаган ҳодисаларини олдиндан айтишдир. Илмий олдиндан билиш ҳар доим табиат ва жамиятнинг билиб олинган қонунларининг номаълум ёки ҳали юз бермаган ҳодисаларда ҳам ўз кучини сақлаб қолишга ва уларнинг татбиқ қилинишига асосланади. Илмий олдиндан билиш эҳтимоллик элементларига эга, бу ҳол айниқса келгусида пайдо бўлувчи аниқ ҳодисалар ва уларнинг юз бериш вақти масаласида яққол намоён бўлади. Бундай ҳолат ривожланиш жараёнида илгари учрамайдиган сифат жиҳатидан янги сабабий боғланишлар ва имкониятларнинг вужудга келиши билан шартлангандир, жамиятга татбиқ этганда эса унда онгли, алоҳида хусусият ва шу кабиларга эга бўлган кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг мураккаблиги ва унинг натижасида кутилмаган вазиятларнинг пайдо бўлиш сабаби билан боғлангандир.

Прогнозлаш илмий олдиндан билишнинг аниқ шакли бўлиб ҳисобланади. Прогнозлаш ҳам худди илмий олдиндан билиш сингари ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билишга, маълум даврга (10,15 ва ундан кўп йилга) мўлжалланган ижтимоий воқеликнинг ривожланиш йўналишларини тушунишга асослангандир. Инъикос назариясига кўра ижтимоий прогнозлашни мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини билишга асосланиб қурилган бўлажак реал жараёнлар ва ҳодисаларнинг идеал модели деб қараса бўлади. Ижтимоий прогнозлар ўз навбатида тегишли режаларда аниқлашади. Режа прогноздан фарқ қилади, у ҳаракат учун аниқ кўрсатмадир. Режалаштириш Совет давлати хўжалик-ташқилий функциясининг муҳим қисми ҳисобланади.

Диалектик-материалистик илмий олдиндан билиш ва прогнозлаш буржуа футурологиясига зиддир. Футурология атамаси келажак ҳақидаги ҳозирги замон концепцияларида кўпроқ қўлланилади. (Футурология лотинча сўздан олинган бўлиб, келажак ҳақидаги таълимот демакдир.) Биринчи марта «футурология» атамасини 1943 йилда немис социологи О. Флехтхейм мафкура ва утопияга зид бўлган синфдан ташқари турувчи қандайдир «келажак фалсафаси»ни номлаш учун тавсия қилган.

Буржуа футурологиясидан анологетик, реформистик, сўл радикал ва бошқа оқимлар ажралиб чиқди. 60-йиллар охиридан бошлаб буржуа футурологияси кризисни ўз бошидан кечирмоқда. 70-йиллар бошида жамият тараққиётининг мавжуд йўналишларида «глобал фалокат» нинг муқаррарлиги ҳақидаги фикр-нигари сурувчи оқим биринчи ўринга чиқди. Баъзи футурологлар (Ж. Форрестер, Д. Медоус, Р. Хойлбронер) ижтимоий пессимизмнинг неомальтусчилик гояларини ривожлантирмоқдалар. Бошқалари эса (Гофлер, М. Месдрович, Э. Лесло, В. Феркинс, Э. Пестель, К. Фримен, И. Койоя ва бошқалар) давлат-монополистик капитализмни қулайлаштириш ёрдамида фалокатни четлаб ўтиш мумкин деб исбот қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Объектив ижтимоий билиш буржуа герменевтикаси — изоҳлаш санъати назарияси нуқтаи назаридан ҳам амалга оширилиши мумкин эмас («герменевтика» лотинча сўз бўлиб, тушунтирма, изоҳлайман деган маъноларни англатади). Герменевтиканинг асосий нуқсони онгнинг бевосита гувоҳлигига ишонмасдан мангидан кўра тилда намоён бўладиган онгнинг «бошқа» гувоҳликларига мурожаат қилишидир (П. Рикёр, Г. Кун, А. Анпель, Э. Корето, Э. Хайнбель).

Империализмнинг синфий манфаатларини ифодаловчи буржуа футурологияси ва герменевтикасидан фарқли ўлароқ, диалектик илмий олдиндан билиш ва прогнозлаш концепцияси кишиларнинг продаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ижтимоий тараққиётнинг йўналиш ва қонуниятларини аниқ ҳисобга олишга асосланади. Унинг илмийлиги ва объективлиги мана шунда намоён бўлади.

Жамият тараққиёти қонуниятларини билиш ва улардан иссон манфаати учун фойдаланишда ижтимоий фанларнинг роли каттадир. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг турли-туман масалалари, унинг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, маданий, руҳий каби жиҳатлари диалектик-материалистик дунёқараш билангина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Шунинг учун жамиятимиз ижтимоий фанларнинг ижодий ривожлантирилиши масалаларига муҳим аҳамият бераётганлиги тасодиф эмас. Ижтимоий фанларни ривожлантиришда маълум ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам бор.

Жамиятшунос олимлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз масъулиятларини тўла сезишлари, жадаллаштириш стратегиясининг назария ва амалиёт муаммоларига, ижтимоий, синфий ва миллатлараро муносабатлар жўшқинлигига, демократия ва ўз-ўзини бошқаришга эътибор беришлари, янги кишини шакллантириш механизмини тақомиллаштириш, порахўрлик, ўғирлик, чайқовчилик, бюрократизм ва бошқа илгарилаб боришимизга халақит берадиган салбий ҳодисалар сабабини ҳар томонлама ўрганишлари керак. Бу борада Ўзбекистон жамиятшунос олимлари ҳам кўп иш қилишлари керак.

Ҳозир Ўзбекистон ва бошқа қўшни жумҳуриятлар учун табиатни қўриқлаш, экология масалалари, чунончи, регионимиздаги ноёб ички сув ҳавзаси, дувёнинг оқиб чиқиб кетмайдиган йирик кўлларида бўлган Орол ва Оролбўйини сақлаш масаласи долзарб аҳамиятга эгадир. Маълумки, охириги 25 йил ичида Орол денгизининг сатҳи 13 м га пасайиб кетди. У ўз ҳажмининг 55 фоизини йўқотди, қуриб қолган сув сатҳининг майдони 2 млн. га дан ошди. Олимларнинг ҳисобича, Орол денгизининг қуриши ҳар йили Ўзбекистоннинг Оролбўйи қисмлари (ҚҚЖ, Хоразм вилояти) халқ хўжалигига 100—120 млн. сўмлик зарар келтирмоқда. Вужудга келган вазиятнинг зиёни 300 млн. сўмга ошиши, ҳаммаси бўлиб талафот 10—11 млрд. сўмни ташкил қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси жамиятшунослар ва бошқа фанлар намояндalarининг Орол ва Орол олди муаммоларини комплекс ўрганиш ва бу муҳим илмий муаммони тез орада ечишнинг пухта тавсияномаларини тайёрлашга эътибор беришини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон учун меҳнат ресурсларини ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш, тез ўсаётган меҳнат аҳлини илмий-техника ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш масалаларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари билан таъминлаш ҳам ғоят муҳимдир. Шунингдек биз учун пахтачиликда чиқитсиз ва кам чиқимли технологияни ишлаб чиқиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган, Ўрта Осиёдаги пахта экувчи бошқа жумҳуриятлар учун даётий муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни комплекс ўрганиш ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Байналмилал, атеистик тарбия, социалистик турмуш тарзи, оила ва никоҳ муносабатларини ривожлантириш каби бошқа масалалар ҳам чуқур ечимини талаб қилмоқда. Ижтимоий фанлар олдида турган ушбу масалаларни уларнинг ривожланишида жиддий тўсиқ бўлиб турган догматизм ва эмпиризмни енгмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Догматизм ва эмпиризм илгор назариянинг жонли танасидаги ортиқча паразит мурдалардир.

Иқтисодий қонун ва категориялар, социализм ҳақидаги баъзи қоидалар, социалистик демократия, ижтимоий адолат, цивилизациянинг ривожланиш суръатлари ва истиқболнинг догматик талқин қилиниши жамият ҳақидаги фанда турғун зоналарни вужудга келтиради. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш социалистик ўзгаришларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиришда ижодий ёндашишни, уларни вульгар, тор манфаатпарастларча изоҳлашни улоқтириб ташлашни талаб қилади.

Ижтимоий фанлар қайта қуришнинг ғоявий асосини ташкил қилади. Улар амалга ошаётган ўзгаришларнинг моҳиятига кириб бориши, муаммоларни дадил ва ташаббускорона қўя олиши ва уларни ижодий, назарий ишлаб чиқиши лозим. Ижтимоий билиш ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари айнан шуни талаб қилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш керакки, ижтимоий билиш умуман билиш жараёнининг бир қисми бўлиб, ўзинга хос хусусиятларга эга.

Уларни билмасдан туриб жамиятда бўлаётган воқеалар ва жарафиларни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, уларнинг бўлажак ҳаракат йўналишларини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун баъзи совет олимларининг ривожланиш аниқ жарафиларини ҳисобга олиш умумий тадқиқотга ҳалақат беради деб, ижтимоий билиш-ни диалектик материализмнинг биланш назариясидан ажратилишга уришишлари мақсадга мувофиқ эмас. Аниқлиқни, хусусийлиқни билмасдан туриб умумийлик ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Материалистик диалектиканинг бу муҳим методологик талаби унинг ижтимоий билиш назарияси билан ўзаро ҳамбарчас боғлиқлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

IV БУЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ИНСОН

ХУ БОБ. ЖАМИЯТ — ЎЗ-ЎЗИДАН РИВОЖЛАНИШ ТУРАДИГАН СИСТЕМА

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛИ — ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ АСОСИ

Моддий ишлаб чиқариш — кишилик жамияти яшашининг энг муҳим шартидир. Ишлаб чиқариш жамият ривожланишининг барча томонларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Моддий бойликларни табиат инсонга тайёр ҳолда етиштириб бермайди. Табиат бахш этган нарсалар билан ўз эҳтиёжларини қондирувчи ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, инсон тирикчилиги учун зарур бўлган моддий буюмларни ўзи ишлаб чиқаради. Ҳайвонлар табиатга мослашади. Инсон эса табиатга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиради, ўзлаштиради ва ўз мақсади йўлида ундан фойдаланади. Инсон ишлаб чиқариш қуроллари ёрдами билан табиатга таъсир қилади, ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Моддий бойликларга эга бўлиш учун уларни ишлаб чиқариш керак. Ишлаб чиқариш қуроллари бўлмаса, моддий бойлик яратиш бўлмайди. Меҳнат қуроллари эса табиат инсонга ҳадя этмайди. Моддий бойликка эга бўлиш учун ҳам, ишлаб чиқариш қуроли яратиш учун ҳам меҳнат қилиш керак.

Моддий неъматлар кишилар меҳнати билан яратилади. Шунинг учун К. Маркс одамларнинг меҳнат фаолиятини инсоннинг табиат билан ўзаро муносабати жараёни сифатида, моддий неъматлар ишлаб чиқариш сифатида тасвирлайди... «Демак, истеъмол қийматларини яратувчи сифатида, фойдали меҳнат сифатида меҳнат — кишиларнинг яшаши учун ҳеч қандай ижтимоий шаклларга боғлиқ бўлмаган шартдир, абадий, табиий заруриятдир: меҳнат бўлмаганда киши билан табиат ўртасида модда алмашуви мумкин бўлмас эди, яъни кишининг ҳаёт кечириши мумкин бўлмас эди»¹ — деган эди К. Маркс.

Инсон ҳаётининг абадий шarti, бугун инсоният тарихининг асоси бўлган моддий бойликлар яратиш қўйидаги уч жиҳатни ўз ичига олади: 1) мақсадга мувофиқ фаолиятни, яъни меҳнатни; 2) меҳнат предметларини, турли хилдаги табиий материалларни (ишланган материаллари ҳам); 3) меҳнат предметларига таъ-

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 54-бет.

сир кўрсатиш учун хизмат қиладиган меҳнат воситаларини (уларнинг асосий таркибий қисми ишлаб чиқариш қуролидир, ишлаб чиқариш қуроли асбоблар, машиналар, автоматлар ва бошқалардан иборатдир).

Ишлаб чиқариш ҳамisha ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, икки хил муносабатларни, яъни кишиларнинг табиатга ҳамда бир-бирларига бўлган муносабатларини ўз ичига олади. Демак, жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш тарихи — бу, даставвал, моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тарихи ҳамда асрлар давомида бирининг ўрнини иккинчиси зарурий равишда оладиган ишлаб чиқариш усуллари тарихидан иборатдир.

Моддий ишлаб чиқариш усулининг ўзи нимадан иборат? Ишлаб чиқариш усули моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқариш бу икки муҳим томонининг ўзаро алоқадорлигисиз меҳнат қилиш ҳам, моддий неъматларни яратиш ҳам мумкин эмас.

Моддий бойликлар ишлаб чиқармоқ учун аввало меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларига эга бўлмоқ зарур. Инсон меҳнати қаратилган буюмлар *меҳнат предметлари* деб аталади. Меҳнат предметлари ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутади. Меҳнат воситаларига, аввало, ишлаб чиқариш қуроли, меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда инсон томонидан фойдаланиладиган машиналар, асбоб-ускуналар, инструментлар, ишлаб чиқариш бинолари, турли хил транспорт воситалари ва бошқалар киради. Меҳнат предметлари ва меҳнат воситалари, яъни меҳнат жараёнининг моддий элементлари жам бўлиб ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади.

Барча меҳнат воситалари ичида ишлаб чиқариш қуроли ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, демек, жамиятни ривожлантириш учун энг катта аҳамиятга эга. Одамлар меҳнат қуролиларисиз ишлаб чиқара олмайдилар. Инсон ана шу қуролилар ёрдами билангина тирикчилик воситаларини ҳосил қилади. Ишлаб чиқаришда меҳнат қуролиларининг муҳимлигини кўрсатиб, уларнинг мажмуини К. Маркс «ишлаб чиқаришнинг суяк ва мускул системаси»¹ деб таърифлаган эди.

Меҳнат қуроли ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнаса ҳам одамсиз бу қуролилар яратилмайди, ишлатилмайди. Ҳар қандай меҳнат қуроли инсон амалий фаолияти самарасидир. Инсон меҳнат қуролиларининг яратувчисигина эмас, шу билан бирга ундан фойдаланувчи, уларни доимий равишда тақомиллаштирувчи ҳамдир.

Ишлаб чиқариш қуролиларини яратиш ва уларни ишлатиш учун одамлар зарур. Инсон — ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг муҳим элементи, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Энг асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида инсон янги машина ва механизмларни ихтиро қилади, ишлаб чиқаришни оқилона

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 204-бет.

ташкил этади, илмий кашфиётлар қилади, фан ва техникани, адабиёт, санъат ва маданиятни ривожлантиради, янги технологияни яратади. Инсон ўзининг билими, тажрибаси, малакасига таяпиб, ишлаб чиқаришни амалга оширади. Инсон фақат ишлаб чиқарувчи кучдан иборат эмас. Шу билан бирга у ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилиги шу муносабатлар орасида етакчи ўрин олади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг асосий элементлари хусусида ҳозирги шароитда фан ва техниканинг ўсиб бораётган роли ва аҳамияти ҳақида фикр юритмасдан бўлмайди. Инсон ишлаб чиқариш қуролларини такомиллаштира бориб, ўзининг ишлаб чиқариш малакасини ҳам ўзгартиради.

Ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тараққиётнинг ҳозирги тарихий босқичида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда, инсон амалий фаолиятининг барча соҳаларида мухтазам равишда фойдаланмасдан туриб олға ривожланиб бўлмайди. Моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ҳам шунга бевосита боғлиқ. Фан ишлаб чиқаришга, халқларнинг турмуш даражаси, маданияти, ахлоқи, дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни замонавий меҳнат қуроллари билан таъминлашда жамият тараққиётида фаннинг тўғра ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада кучайди.

XX аср учун характерли бўлган хусусият шундан иборатки, бу даврда шунчалик кўп илмий кучлар ҳаракатга солиниб юборилдики, тарихдаги ўтмиш даврларидан ҳеч бири бу қадар кучларни ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олган эмас. Ҳозирги авлод кўз ўнгиде табиатнинг бугунга қадар инсон учун сир ва номаълум бўлиб келган кучлари, ҳодиса ва жараёнлари билиб олиниб, ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

Фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқариш янгидан-янги тармоқларининг юзага келиши ва турмушда қўлланишига замин яратди. Радиотехника, радиоэлектроника, электрон техникаси, синтетик кимё, ядро энергетикаси, сунъий тўқималар кимёси, электрон ҳисоблаш машинаси — булар ва бошқа шу кабилар фан ва техниканинг янги замонавий тармоқларидир. Инсониятнинг атом энергиясини эгаллаш, конiotни ўзлаштириш, автоматлаштириш, кибернетика, математика, физика, биология фанлари ютуқларидан фойдаланиш борасида эришган натижалари ҳайрон қоларлик даражада сон-саноқсиздир. Демак, ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучлар, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жаҳон миқёсида тезкорлик билан ривожланаётган экан, бу албатта, фан ва маданиятнинг таъсири, уларнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга, ишлаб чиқаришнинг эса фаннинг технологик татбиқига айланиб бораётганлигининг қонуний оқибатидир.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи кучлар моддий ишлаб чиқариш усулининг фақат бир томонидир. Унинг ик-

кинчи муҳим томони ишлаб чиқариш муносабатларидир. Инсоният тарихининг кўрсатишича, одамлар моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ва табиат кучларидан фойдаланишда якка-якка ҳолда, бир-биридан ажралган танҳо одамлар тариқасида иш кўрмайдилар. Ишлаб чиқармоқ учун одамлар ўзаро бир-бирлари билан муайян алоқа боғлайдилар, биргалашиб, жамоа бўлиб, жамият бўлиб ишлаб чиқарадилар.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида кишилар хоҳлаш-хоҳламасликларидан қатъи назар, бирон-бир тарзда бир-бирларига боғлиқ бўладилар, ҳар бир ишлаб чиқарувчининг меҳнати эса ижтимоий меҳнатнинг кичкина бир қисмига айланади. Ишлаб чиқариш ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ижтимоий хусусиятга эга бўлади. К. Маркс «Елланма ва капитал» асарида бу ҳақда бундай деган эди: «Ишлаб чиқармоқ учун одамлар бир-бирлари билан муайян алоқа ва муносабат боғлайдилар ва фақат шу ижтимоий алоқа ва муносабатлар доирасида уларнинг табиатга муносабатлари мавжуд бўлиб туради, ишлаб чиқариш воқе бўлади»¹.

Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлардир. Моддий муносабатлар одамлар ўртасидаги барча мавжуд муносабатларнинг энг асосийси ва муҳимидир. Улар бошқа ҳамма ижтимоий муносабатларни — синфлар ўртасидаги, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Маънавий, мафқуравий, ижтимоий-сиёсий, оилавий, ахлоқий ва бошқа муносабатлар ҳам ишлаб чиқариш муносабатларига ёки моддий муносабатларга боғлиқ.

Кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, ёки бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилиги ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар қандай тарихий типи худди шу мулк шаклига, яъни ишлаб чиқариш воситаларининг кимнинг ихтиёрида эканлигига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шакллари-нинг хусусиятини ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар белгилайди. К. Маркс бу муносабатларни кишиларнинг ўз фаолиятлари билан ўзаро алмашишлари, деб таърифлаган эди.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилишдангина иборат бўлмай, кишилар ўртасидаги мулкний муносабатлардан келиб чиқадиган турли ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда уларга боғлиқ бўлган маҳсулотларни тақсимлаш шакллари ҳам иборатдир.

Ишлаб чиқариш воситалари объектив муносабатлардир. Улар айрим шахсларнинг хоҳиш иродаси билан ўрнатилмай, балки

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар, 1-жилд, 163-бет.

ишлаб чиқариш муносабатларининг аниқ тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, юқорида кўриб ўтганимиздек, ишлаб чиқариш усулининг ўзаро ажралмас икки томонидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатларисиз, ишлаб чиқариш муносабатлари эса ишлаб чиқарувчи кучларсиз мавжуд бўлмайди. Уларнинг диалектик бирлигисиз ишлаб чиқариш жараёни содир бўлмайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг ижтимоий шаклини ташкил этади. Диалектиканинг мазмунсиз шакл, шаклсиз мазмун бўлмаслиги ҳақидаги назарий қонидаси ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектик асосда ривожланиш қонуниятлари моҳиятини англаб олишда методологик асосдир. Мазмун шаклга нисбатан муҳим, ҳал қилувчи бўлганидек, ишлаб чиқариш усулининг мазмуни бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатларининг иқтисодий шаклини белгилаб беради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзгариши ва ривожланиш жараёни ҳар доим ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгариши ва ривожланишидан бошланади. Шунинг учун диалектик материализм ишлаб чиқарувчи кучлар жамият моддий ҳаётидаги энг ҳаракатчан, тинимсиз ривожланиб турадиган томондир деб таълим беради. Бу ҳолат моддий ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятидан келиб чиқади, чунки одамлар ишлаб чиқариш қуроқларини, техникани такомиллаштириб турмасалар, моддий неъматлар бўлмаса яшай олмайдилар. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида уларга мувофиқ равишда кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради.

Ишлаб чиқариш муносабатлари — шакл ишлаб чиқарувчи кучларга — мазмунга қараганда бирмунча секин ўзгаради, ундан орқада қолади. Маълум маънода олганда, ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларга нисбатан барқарор, консерватив хусусиятга эгадир. Лекин бундан ишлаб чиқарувчи кучлар негизда вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлар суст элемент экан, деган хулоса чиқариш ярамайди. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун озми-кўпми кенг майдон очиб бериши, ёки аксинча, бу ривожланишни бўғиб қўйиши ҳам мумкин. Янги ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожини тезлаштиради, эскилари эса бу ривожланишни секинлаштиради, унга халақит беради.

Мамлакатимизнинг иқтисодий системаси совет фуқароларининг мулкчилиги, жамоа ва давлат мулкчилиги асосида ривожланади. Совет жамияти ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини социалистик кўп мулкчилик ташкил этади. Давлат ижара корхоналарининг, жамоа корхоналарининг, кооперативларнинг, акционерлик жамиятларининг, хўжалик ташкилотлари ва бошқа бирлашмаларнинг мулки ҳамда хусусий мулк бунга мисол бўлади.

Мулк муносабатлари иқтисодий воситалар, хўжалик механизми орқали ҳаётга жорий этилади. Хўжалик механизмини ўзгартириш кооператив, акционерлик, хўжалик, жамоа ва бошқа мулкларни фаол қилиб юборишдан ташқари давлат-умумхалқ мулки муносабатларига ҳам жиддий ўзгартишлар киритади. Совет давлати мулкчиликнинг хилма-хил шакллари янада ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади ва уларнинг ҳимоя қилинишни таъминлайди. Совет фуқароларининг мулки уларнинг шахсий мулкидир. Фуқаролар мол-мулкларидан ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, мустақил хўжалик юритиш, фарзандларини ўқитиш, тарбиялаш учун фойдаланадилар.

К. Маркснинг «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарига илмий равишда белгилаб берилганидек, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига мувофиқ келиш қонуни умумсоциологик қонуниятдир. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига мувофиқ келиши ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг объектив қонуни бўлиб, барча жамиятларда, жумладан социализм даврида ҳам амал қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг қандайдир босқичида ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқарувчи кучлар бир-бирига мутлақ равишда мувофиқ келади, бу мувофиқлик эса ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишнинг автоматик тарзда таъминлайди, деб ўйлаш нотўғридир. «...тўла мувофиқлик,— деган эди В. И. Ленин,— ҳатто табиатнинг энг оддий ҳодисаларида ҳам бўлмайди»¹. Агар ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари бир-бирига мутлақ маънода мос келганда, улар ўртада ҳеч қандай зиддиятлар бўлмаганда ривожланиш ҳам бўлмаган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тўхтаб қолган бўларди.

Социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига мувофиқлиги гўё ўз-ўзидан таъминланади, деган тасаввур асоссиз эканлигини ҳаёт кўрсатапти. Ҳаётда ҳамма нарса мураккаб. Тўғри, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Аммо бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатлари доимо такомиллаштирилиши керак. Демак, хўжалик юритишнинг эскирган усулларини ўз вақтида пайқаб олиш ва уларни янгилари билан алмаштириш зарур. Ҳар қандай ишлаб чиқариш усули шароитида бўлгани сингари социализм шароитида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тез ўзгарувчан томонидир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шакли бўлиб ҳисобланган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлардан — маъмурдан орқада қолади. Шу сабабли социализм шароитида ҳам улар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлади.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 27- жилд, 312- бет.

Социалистик жамият тараққийетининг ҳозирги тарихий босқичида ишлаб чиқаришни электрлаштириш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, биотехнологияни ривожлантириш, саноатда чиқиндисиз ва энергия тежовчи технологияларни кенг қўллаш, хуллас, барча саноат ва илмий кучлардан, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда кенг истиқболлар очиб беради. Ҳозирги замон фан-техника инқилоби инсониятнинг табиатни билиб олишида ва унинг қонуниятларидан ишлаб чиқаришда фойдаланишида сифат жиҳатдан йирик сакраш бўлиб, бу сакраш фаннинг ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланаётганлиги ва ишлаб чиқариш технология усуллари ўзгариб бораётганлиги билан тавсифланади. Социализм шароитида фан ва техника ютуқлари билан социалистик хўжалик системаси афзалликларини ўзвий равишда қўшиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққийетини жадаллаштириш ва қайта қуришнинг, демократияни янада ривожлантиришнинг, инсон омили родини ўстириш ва фаоллаштиришнинг муҳим йўлларида бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг донимий равишда ривожланиб туришининг асосий элементлари ўртасидаги ўзаро объектив алоқадорликни диалектик нуқтан назардан келиб чиқиб таҳлил этиш жамият тараққийети қонунлари моҳиятини илмий англаб олишнинг зарур шартларидан биридир.

2. СОЦИАЛ ИНҚИЛОБ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Инсоният жамияти тараққийетида ишлаб чиқариш усули билан бир қаторда социал инқилоб ҳам катта ўрин тутаяди. Социал инқилоб ўзининг моҳиятига кўра ҳар қандай сарой тўнтаришлари, исёнлар, қуроли қўзғоловлар, ислохотлар, фуқаролар уруши, зодагонларнинг тўс-тўполовларидан тамомила фарқ қилади. Чунки бу ҳаракатлар ўз эътибори билан сиёсий ҳокимият масаласини тубдан ҳал қила олмайди. Бундай ўзгаришлар ҳокимиятнинг синфий табиатини ўзгартирмайди, балки ҳокимият тепасида турган айрим тўда ва шахсларни алмаштиради, холос. Масалан, сарой тўнтаришлари даврида ҳокимият тепасига эътилган синфлар эмас, балки эксплуататор синфларнинг янги гуруҳлари келади ва бу тўнтариш натижасида ижтимоий тузум ўзгармайди, эски формациядан янгисига ўтилмайди.

Социал инқилоб жамиятда ва ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ҳаётда амалга ошириладиган шундай бир кескин, туб ўзгаришлардан иборатки, бунинг натижасида илгарги ҳукмронлик қилган синфлар ағдариб ташланади, сиёсий ҳокимият бошқа бир синфнинг қўлига ўтади. Социал инқилоб — жамият ҳаётида туб ўзгариш, бир ижтимоий иқтисодий формациядан иккинчисига ўтиш қонунидир. У бўлмаса жамиятнинг иқтисодий базиси ва сиёсий устқурмасида, маънавий-мафкуравий ҳаётида туб сифат ўзгаришлари бўлмайди, эски ишлаб чиқариш муносабатлари ян-

гиси билан алмашмайди. Шунинг учун В. И. Ленин «...инқилоб шундай бир қайта қуришдирки, у эскини энг асосидан ва тубидан синдириб ташлайди...¹, деб ёзган эди. Ҳар қандай инқилоб жамият объектив ички зиддиятлари ривожланиши ва кескинлашувининг маълум босқичида тарихий ҳамда зарурий вазифа сифатида кун тартибига қўйилади.

Ҳар қандай социал инқилобнинг чуқур объектив сабаби, моддий асоси — янги ишлаб чиқарувчи кучлар билан эскириб қолган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятдир. К. Маркс социал инқилобнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб қуйидагиларни ёзган эди: «Жамиятнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ўз тараққиётининг маълум босқичида мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларига — ёки бунинг юридик ифодасигина бўлган — мулкчилик муносабатларига зид бўлиб қолади; улар шу пайтгача мазкур муносабатлар бағрида ривожланиб келган эди. Бу муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши шаклларида уларнинг кишини айланади. Ана шу вақтда социал инқилоб даври бошлади»².

Социал инқилоб янги ишлаб чиқарувчи кучлар билан эски ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этади, эски сиёсий устқурмани емириб ташлайди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига кенг майдон очиб беради. Эски ишлаб чиқариш усули ўрнини янгиси олганда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида тўнтарил содир бўлади, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ижтимоий-синфий структураси, базиси ва устқурмаси батамом ўзгаради. «Иқтисодий асос ўзгариши билан бирга, — деган эди бу ҳақда К. Маркс, — бутун ғоят зўр устқурмада ҳам озми-кўпми теълик билан туб ўзгариш юз беради»³.

Қарама-қарши синфлар ўртасидаги зиддиятлар ҳеч қачон социал инқилоблар давридагидек кескинлашган бўлмайди. Социал инқилоб синфий курашнинг чўққисидир. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин: «Синфларнинг шиддатли, ғоят шифқатсизлик даражасига етган кураши инқилоб деб аталади»⁴, — деган эди.

Социал инқилоблар даврида эски тузумнинг йўқотилишидан манфаатдор бўлган барча илғор кучлар, кенг халқ оммаси чинакамга мўъжиза кўрсатади, ўлимдан қўрқмасдан, иккиланмасдан ягона мақсад сари интилади, ҳукмрон синфларга даҳшат солади, янги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётга халақит бериб турган эски иқтисодий ва сиёсий тузумни супуриб ташлаш учун ҳеч нарсадан қайтмайди, ўз иродасини ҳукмрон синфларга мажбурий равишда ўтказилади. «Инқилоб шундай бир ҳодисадирки, — деган эди Ф. Энгельс «Авторитет тўғрисида» асарида, — бунда аҳолининг бир қисми милтиқлар, найзалар, тўплар воситаси билан,

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 44-жилд, 253-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар, 1-жилд, 556-бет.

³ Уша жойда, 562-бет.

⁴ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 38-жилд, 427-бет.

яъни гоят авторитар воситалар ёрдами билан аҳолининг бошқа қисмини ўз продасига бўйсундиради. Агар енгиб чиққан партия ўз меҳнатининг меваларидан маҳрум бўлишни истамаса, у реакционерларга даҳшат соладиган қуроли воситаси билан ўз ҳукмронлигини сақлаб туриши лозим»¹.

Ҳар қандай социал инқилобнинг энг муҳим, асосий масаласи — сиёсий ҳокимият масаласидир. Социал инқилоб натижасида ҳокимият бир синф қўлидан иккинчисининг қўлига ўтади. «Давлат ҳокимиятининг бир синф қўлидан иккинчи бир синф қўлига ўтиши, бу тушунчанинг соф илмий маъносида ҳам, амалий-сиёсий маъносида ҳам, инқилобнинг биринчи, энг муҳим асосий аломатидир.»² — деган эди В. И. Ленин. Инқилобнинг у ёки бу синфнинг ҳукмронлик асосларига дахл қилмайдиган, юқоридан бўладиган ҳар қандай ўзгаришлардан фарқи ҳам ана шунда.

Социал инқилоблар бирон-бир мамлакатнинг халқига ташқаридан мажбур қилиш йўли билан эўрлаб жорий қилинмайди. В. И. Ленин бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Албатта ўзга мамлакатда инқилобни буюртма билан, битимга келиш йўли билан қилиш мумкин деб ўйлайдиган одамлар бор. Бундай одамлар ё ақлсиз одамлар ёки ифвогарлардир. Биз кейинги 12 йил ичида иккита инқилобни бошимиздан кечирдик. Буларни буюртма билан ҳам, битимга келишиш билан ҳам қилиб бўлмаглигини, ўн миллионлар одамлар: бундан кейин ҳозиргидай яшаш мумкин эмас, деган хулосага келган вақтларида бу инқилобларнинг содир бўлишини биз биламиз»³.

Социал инқилобни амалга ошириш учун ҳам объектив, ҳам субъектив шароитларнинг бир бутун ҳолда мавжуд бўлиши зарур. Инқилобий вазият етилган бўлмаса инқилоб ҳам бўлмайди. Инқилобий вазият нима? Ҳамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳаётидаги зиддиятларнинг кескинлашиши асосида юзга келган ва социал инқилобнинг амалга ошиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар йиғиндиси инқилобий вазият деб аталади. У ҳукмрон синфлар эскича бошқара олмай қолган, эзилувчи синфлар эса эскича яшашни истамайдиган даврда рўй беради. Аҳоли қашшоқлигининг кучайиши, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этила бориши инқилобий вазиятнинг иккинчи зарурий томонини ташкил қилади. Ниҳоят, унинг яна бир асосий шарт халқ оммаси инқилобий фаоллигининг ошиши, яъни синфий зулмга қарши қўл қовуштириб турмасдан унга қарши курашга отланишидир.

Ҳар қандай инқилобий вазият ҳам инқилобга олиб келавермайди. 1905 йилда Россияда ва бутун инқилоблар даврида Ғарбда инқилобий вазият бўлган эди. Бундай вазият ўтган асрнинг 60-йилларида Германияда, 1859—1861, 1878—1880 йилларда эса Россияда ҳам бўлган эди, аммо инқилоб бўлмаган эди. Социал

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жыллик таъланган асарлар, 2-жилд, 427-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 31-жилд, 150-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-жилд, 520—521-бетлар.

инқилоб ғалаба қилиши учун объектив шароитлардан ташқари субъектив омиллар ҳам бўлиши зарур. Субъектив омиллар дейилганда, инқилобий синфнинг ҳукмронлик қилиб турган ҳокимиятни синдириб, уни ўз қўлига олишга қудрати етадиган даражада фаол, оммавий ҳаракат қила олишга тайёр бўлиши назарда тутилади. Субъектив омилларга яна инқилобий синфнинг даражада ва фидокорона курашга шайлиги, тўғри стратегик ва тактик раҳбарликни амалга оширадиган тажрибали инқилобий партиянинг мавжудлиги ҳам келиб қўшилади. Инқилобнинг ғалаба қилиши учун курашувчи илғор синф, барча эзилган омма ўзгартириш зарурлигини батамом тушуниб етган бўлиши ва бу ўзгаришни амалга ошириш учун жонини фидо қилишдан ҳам қайтмайдиغان бўлиши лозим.

Тарихда турли социал инқилоблар маълум. Улар ўз хусусияти ва ҳаракатлантирувчи кучларига кўра бир-бирларидан фарқ қилади. Инқилобнинг хусусияти, объектив мазмуни деганда бу инқилоб ҳал қиладиган эйдияларнинг моҳияти ва инқилоб натижасида қандай синфнинг ҳокимият тепасига келиши, қандай ижтимоий тузумнинг барпо этилиши тушунилади. 1789 йилда Францияда рўй берган инқилоб хусусиятига кўра буржуа инқилоби эди, чунки унинг олдида феодал ишлаб чиқариш муносабатларини капиталистик муносабатлар билан алмаштириш вазифаси турар эди. 1917 йилдаги Улуг Октябрь инқилоби эса ўзининг мазмуни ва хусусиятига кўра янги типдаги инқилобдир. Бу инқилоб мамлакатимиздаги капиталистик муносабатларни йўқотиб, янгица муносабатларни барпо этди. Шунинг учун ҳам у хусусиятига кўра янги типдаги инқилоб эди.

Социал инқилоблар ҳаракатлантирувчи кучлари жиҳатидан ҳам турличадир. Инқилобни амалга оширувчи, янги ишлаб чиқариш муносабатлари ғалабаси учун курашувчи синфлар социал инқилобнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир. У инқилобнинг хусусиятигагина эмас, балки инқилоб амалга ошадиган тарихий шароитга ҳам боғлиқ бўлади. Мана шунинг учун ҳам бир хилдаги инқилоблар кўпинча ҳаракатлантирувчи кучларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Булга XVII ва XVIII асрлардаги буржуа инқилоблари мисол бўлади. Социал инқилобнинг ғалабасини амалга оширувчи синфлардан бири унинг гегемони, яъни инқилобда қатнашган бошқа барча синфлар ва ижтимоий гуруҳларни ўз орқасидан эргаштириб борувчи етакчи куч бўлиб майдонга чиқади. Инқилобда кимлар ҳаракатлантирувчи кучлар ва қайси синф унинг гегемони бўлиши инқилобнинг хусусиятига ҳамда ўша тарихий шароитга бевосита боғлиқ.

Социал инқилобни ҳамма нарсани хароб қилиб юборадиган, одамларга ўлим, вайронлик, азоб-уқубат уруғини сочадиган қандайдир бир қонхўр аждаҳо деб тушунамаслик керак. Социал инқилоб янги ишлаб чиқариш усулини жорий этади, янги давлат ҳокимиятини барпо этади, жамият тараққиётининг тезлашиб бориши учун замин яратади. Социал инқилоблар натижасида тарихий тараққиёт беҳад тезлашиб, тарих гилдираги ҳар қачонгидан

ҳам тезроқ айланади. Инқилобнинг бир купи ичида қилинган ишлар ўзининг тарихий аҳамияти, мазмуни жиҳатидан оддий тивч даврларнинг ойларигагина эмас, ҳаттоки бир печа ўн йилларига ҳам тенг бўлиши мумкин.

Инқилоб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзгартириш маъносидагина эмас, шу билан бирга кенг меҳнаткаш омманинг онгида, фикрида, дунёқарашида ҳам олға ташланган қадамдир. Инқилоб халқни жуда кўп нарсага ўргатади, сабоқ беради. «Ҳар қандай инқилоб,— деб ёзган эди В. И. Ленин «Инқилоб сабоқлари» асарида,— халқнинг жуда кўпчилик қисми ҳаётида кескин бурилиш юз берганини билдиради. Агар шундай бурилиш пайти келмаган бўлса, чинакам инқилоб бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай одам ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай ўзгарпш унга кўп нарсани ўргатгани, уни кўп нарсани қайтадап мулоҳаза қилиб чиқишга, фикрлашга мажбур этгани каби, инқилоб ҳам бутун халққа қисқа муддат ичида ғоятда мазмунли ва қимматли сабоқлар беради»¹.

В. И. Ленин ўз фикрнинг давом эттириб, инқилоб вақтида миллионларча ва ўн миллионларча кишилар ҳар ҳафтадаги мудроқ ҳаётнинг бир йилида ўрганганидан кўра кўпроқ нарса ўрганадилар дейди. Буни ҳозирги қайта қуриш жараёнида совет халқлари онгининг ўсиб, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этганлигида кўриш мумкин.

3. БАЗИС ВА УСТҚУРМА, УЛАРНИНГ ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИ

Базис ва устқурма ижтимоий муносабатларнинг ўзаро алоқасини очиб берадиган энг муҳим фалсафий тушунчалардир. Улар, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «... моддий ва мафкуравий муносабатларга бўлинади... Мафкуравий муносабатлар моддий муносабатлар устидаги устқурмадангина иборат»².

Базис юнунча сўз бўлиб, «асос», бошқача қилиб айтганда, «пойдевор», «негиз» деган маъноларни билдиради. Маълумки, мулкчилик шакллари ҳар қандай жамиятнинг асосий пойдевори ни ташкил этади, шунинг учун ҳам базис деганда муайян жамиятнинг иқтисодий тузилмасини ташкил этган ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуини тушунмоқ керак. «Кишилар ўз ҳаётларини ижтимоий жиҳатдан ишлаб чиқаришда муайян, зарур, ўзларининг продalарига боғлиқ бўлмаган муносабатларда — ишлаб чиқариш муносабатларида бўладилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади. Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаммаси жамиятнинг иқтисодий тузилмасини, реал базисни ташкил этади, юридик ва сиёсий устқурма шу реал базис устига қурилади ҳамда ижтимоий онгининг муайян шакллари шу базисга мувофиқ келади»³.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 34-жилд, 65-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 160—161-бетлар.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлаванган асарлар, 1-жилд, 555—556-бетлар.

Кипиларнинг ижтимоий борлиги уларнинг ижтимоий онгини белгилаганидек, иқтисодий муносабатлар ҳам сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларни белгилайди.

Ҳар қандай базиснинг ўзига хос устқурмаси бўлади. Устқурма муайян иқтисодий базис асосида вужудга келадиган турли ижтимоий ғоялар, ҳар хил сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлар ва шуларга мувофиқ келадиган муассасалар, ташкилотлар ҳамда шу ғояларни амалга ошириш жараёнида инсонлар билан турли ташкилот, муассасалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар йиғиндисиدير.

Ҳар бир муайян жамият ўзига хос базис ва унга мувофиқ келадиган сиёсий устқурмага эга. Базис билан устқурма ўзаро алоқадорликдадир. Устқурмани базис вужудга келтиради ва у базис билан чамбарчас боғлиқ. Базис қандай бўлса, устқурма ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Базис устқурмага нисбатан белгилувчидир. Бу қуйидагилардан иборат: 1) устқурмани базис вужудга келтиради, чунки устқурма базис учун хизмат қилади. Устқурма базиснинг шаклланиши ва мустақамланишида унга ёрдам беради, умри тугаган, эски базис ва унинг эски устқурмасини тугатиш учун кураш олиб боради; 2) жамиятнинг иқтисодий базисида содир бўладиган ўзгаришлар эртами-кечми, барибир, устқурмада ҳам ўз ифодасини топади; 3) агар базис ўзгарса ва тугаса, унинг устқурмаси ҳам ўзгаради ва тугайди. Агар янги базис пайдо бўлса, унга мувофиқ келадиган устқурма ҳам пайдо бўлади.

Социал инқилоб натижасида бир иқтисодий базис иккинчиси билан алмашганда устқурмада ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Иқтисодий асос ўзгариши билан бирга устқурмада ҳам оми-қўпми тезлик билан туб ўзгариш юз беради. «Эски» устқурма», — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — инқилобий даврда дарз кетади, янгиси эса... турли-туман социал кучларнинг ташаббуси билан барпо бўлади»¹.

Устқурма базисга нисбатан нисбий мустақилликка эга. Устқурма нисбий мустақиллигининг муҳим кўринишларидан бири — унинг ворислик асосида ривожланишидир. Ворислик нимада кўринади? Маълумки, социал инқилоб натижасида умри тугаган эски иқтисодий базис йўқотилиб, янгиси билан алмаштирилади, устқурмада ҳам катта ўзгаришлар содир бўлади. Лекин бундан эски базис йўқ бўлиб кетиши билан устқурманинг барча элементлари батамом тугаб кетар экан-да, деган хулосага келиб бўлмайди. Устқурманинг нисбий мустақиллигини диалектик тушуниш шунга асосланадики, янги устқурма эски устқурмани бутунлай йўқ қилмайди, балки эски устқурмадаги барча ижобий томонларни сақлаб қолади. Шунчаки сақлаб қолмасдан, эски устқурмадаги фойдали, муҳим, зарур элементларни қайта ишлайди, янги, юқори босқичга кўтаради, янги жамият ва ундаги синфлар манфаати йўлида хизмат қилдиради. Янги устқурма

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 11-жилд, 153-бет.

эски устқурмадан қабул қилиб олган айрим зарур элементлар, томонларни механик тарзда ўзига қўшиб қўя қолмай, балки уларни ўзига чуқур сингдириб юборади, уларни ўз табиати ва талабларига мувофиқлаштириб ўзгартиради.

Устқурманинг нисбий мустақиллиги унинг иқтисодий базисга кўрсатадиган фаол ролида ҳам намоён бўлади. Устқурма базиснинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши учун кўмаклашади. Агар устқурма ўз базисини фаоллик билан ҳимоя қилмаса, у ўз сифатидан маҳрум бўлади, яъни устқурма бўлмай қолади.

Сиёсий устқурма иқтисодий базисдаги ўзгаришларни шунчаки суёт акс эттирмайди. У ўз навбатида иқтисодий базисга, иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатади, жамият тараққиётининг умумий оқимига узвий равишда қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда жамиятимизнинг сиёсий тузиллишини такомиллаштириш, сиёсий ташкилотлар, муассасалар ишларини янада жонлантириш, кишиларнинг маънавий ҳаётида амалга оширилаётган йирик ўзгаришлар бежиз эмас, албатта. Ҳозирги ошкоралик ва қайта қуриш шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришда, туб иқтисодий ислохотни изчиллик билан амалга оширишда, жамият интеллектуал, маънавий имкониятларини фаоллаштиришда, сиёсий системани ислоҳ қилиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлашда, демократия ва ошкораликни авж олдиришда, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда, табиатни муҳофаза қилишда, халқаро масалаларда оқилона принципларни жорий этишда совет жамияти устқурмасининг роли қонуний равишда ўсиб бормоқда.

4. ДАВЛАТ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Жамиятнинг ўз-ўзидан ривожланиб ва такомиллашиб туришида давлат, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар катта ўрин тутаяди. Давлат иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади жамиятни бошқаришдан иборат. Давлат синфий жамиятларнинг мақсули ва кўринишидир. Синфий жамиятларда давлат асосан иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Давлат ҳокимиятининг мустаҳкамлиги, истиқбол унинг халқ оммасининг манфаат ва эҳтиёжларини қай тарзда ифода этишига бевосита боғлиқ. Шунинг учун давлат ҳукмрон синфлар билан бир қаторда муайян даражада кенг халқ оммасининг ҳам талаб ва истакларини бажаришга хизмат қилади. Бу биринчи навбатда халқ оммасининг сиёсий фаоллиги, уюшқоқлиги ва талабчанлигига бевосита боғлиқдир. Шунингдек халқ оммаси манфаатларининг қай йўсинда ифодаланиши давлатнинг хусусияти ва бошқариш шаклларида ҳам тааллуқлидир. Шунини назарда тутиб халқ оммаси давлатни демократик асосда бошқариш учун кураш олиб боради. Буни жамиятимизда юз бе-

раётган ҳокимиятни халқ оmmasи ихтиёрига бериш, юқоридан туриб бошқаришни бекор қилиш, маҳаллий ва Олий кенгашлар фаолиятларини демократлаштириш учун олиб борилаётган курашлар, тортишувларда яққол кўриш мумкин.

70-йиллар ва 80-йиллар бошларида рўй берган салбий ҳодисалар туфайли бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари совет жамияти тараққиётининг турли соҳаларга ҳалоқатли таъсир қилди. Бошқарув шакллари ва усуллариинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги, оқибат натижада Иттифоқнинг ҳоким, жумҳуриятларнинг эса тобе, бошқача айтганда, вассал бўлиб қолганлиги жамиятимиз тараққиётига гов бўлди. Шахсга ситиниш авжга чиққан, қатагончилик кучайиб кетган пайтларда, турғунлик йилларида жумҳуриятлар ҳуқуқлари пасайиб кетди. Гарчи асосий қонун бўлган Конституцияда жумҳуриятлар мустақил деб белгилаб қўйилган бўлса-да, лекин амалда уларнинг барча ином-ихтиёрлари, ваколатларини Иттифоқ ҳукумати ўз қўлида мустаҳкам ушлаб турди. Марказнинг гапи-гап, айтгани-айтган, у тўғрими, нотўғрими, барибир, бажарилиши шарт эди. Қабул қилинадиган қарорлар ва қонуларнинг баъзилари жумҳуриятлар учун увчалик тўғри келмаса ҳам бажарилиши сўзсиз талаб қилинарди. Ер ва ер ости бойликларига эгаллик қилиш, ички ва ташқи масалаларни ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш, миллий тиллар ва маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни қай даражада ривожлантириш сингари энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқи жумҳуриятлар ихтиёридан олиниб юқоридан белгиланадиган бўлди. Мамлакатимизнинг турли жумҳуриятларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар, миллий можаролар эслатиб ўтилган нотўғри сиёсатнинг қонуний оқибатидир.

Тарихий ривожланишнинг ҳозирги туб бурилиш, қайта қуриш босқичи Совет давлати сиёсий системасини янада тақомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу мураккаб вазифани жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалда таъминламасдан, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун курашмасдан, Марказ билан жумҳуриятларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаб олмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Бу ерда гап Совет давлатини янада мустаҳкамлаш, демократияни тобора ривожлантириш, жумҳуриятларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ўзлари мустақил равишда ҳал этадиган суверен давлат сифатидаги ҳуқуқлари, имтиёзлари, ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш устида бормоқда. Бу Ўзбекистон жумҳурияти учун ҳам тўла тааллуқлидир.

Сиёсий мустақиллик — миллий эркинлик демакдир. Бу жумҳуриятнинг, унинг халқининг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши, ўзининг миллий давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўливиши масалаларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлишидир. Бу яна ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дувёси, вужудга келтирилган

иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари ҳамда бошқа мол-мулк объектлари фақат жумҳуриятнинг мулки бўлиши лозим деган маънони ҳам билдиради.

Ўзбекистон ҳозирги пайтда тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаш, хорижий давлатлар билан муносабат ўрнатиб, улар билан шартномалар тузиш, ўзаро дипломатия ва консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш масаласида истиқболни кўзлаб иш қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари ҳақидаги қонунни қабул қилди. Сиёсий мустақиллик, айтиб ўтилганлардан ташқари, жумҳуриятда ишлаб чиқариладиган маҳсулот нормаларини белгилаш, лицензия бериш, шартномалар ва эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтириш, БМТ га ва бошқа халқаро ташкилотларга вакиллар юбориш, чет эллардаги ватандошлар билан псонпарварлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашни мустақил ҳал қилишни ҳам кўзда тутди.

Жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳақида гап кетганда уни миллий маҳдудликка, айирмачиликка, яққаланишга интилиш маъносида тушуниш нотўғридир. Сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш Иттифоқ таркибига кирган бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро манфаатли, мутлақо тенг алоқаларни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришни йўлга қўйишни назарда тутди. Янги Иттифоқ шартномаси кўп миллатли давлатимизни сақлаб қолиш ва жипслаштириш, ҳар бир халқнинг тенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлаш, жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги интилишларига кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериши мақсадга мувофиқдир.

Жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлида олиб бораётган ҳаракатлари жамиятимизнинг олга томон ривожланишига, Совет давлатининг мустақамлаанишига ижобий таъсир кўрсатади. Жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш йўли виҳоятда оғир ва машаққатли йўл бўлиб, кўп меҳнат, матонат, жасурлик талаб этади. Бу оғир машаққатли ишни ҳал этиш, қойилмақом қилиб бажариш биринчи навбатда халқ оmmasига, қолаверса унинг жасур, матонатли доvюрак йўлбошчиларига боғлиқ.

Жамиятнинг олга томон ривожланиб ва тараққий этиб туришида ҳар хил сиёсий партиялар алоҳида ўрин тутди. Сиёсий партия ижтимоий синф ёки қатламнинг фаол вакилларини муайян мақсад йўлида бирлаштириб, уларга раҳбарлик қилади. Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг синфларга бўлиниши, синфий кураш тарихи билан бевосита боғлиқ. «Синфларга бўлинишга асосланган жамиятда душман синфлар орасидаги кураш маълум тараққиёт босқичига етган, муқаррар равишда сиёсий курашга айланади. Синфларнинг яхлит, тўла ва тобиға деган сиёсий курашининг ифодаси партиялар курашидир»¹,— деган эди В. И. Ленин.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 12-жилд, 165-бет.

Сиёсий партиялар синфларнинг манфаатларини ифодалайди ва уларга раҳбарлик қилади. Сиёсий партияларни жуда масъул вазифаларга сайланиб қўйиладиган, йўлбошчилар деб аталадиган энг обрўли, тажрибали кишилардан иборат бирмунча барқарор гуруҳлар идора қилади.

Ўзининг таркибига кўра партия синфнинг бир қисмидир, қисми бўлганда ҳам энг фаол қисмидир. Партия билан синфнинг ўзаро бирлиги уларнинг айнан бир хиллигини, тенглигини билдирмайди. Партиялар синфлардан фарқ қилади. Бу шундан иборатки, партия ҳеч қачон бутун синфни ўз ичига олмайди, унинг фақат бир қисмидангина иборат бўлади. Партиялар маълум сиёсий мақсадни кўлаб, опгли равишда уюшган муайян синфнинг энг фаол вакиллари бирлашмаларидир.

Тараққий этган капиталистик мамлакатларда монополистик доиралар билан кенг халқ оммаси ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви кўпгина ижтимоий гуруҳ ва йўналиш вакиллари-ни ўз ичига оладиган ва умумдемократик талабларни илгари сурадиган сиёсий партияларнинг шаклланишига олиб келди. Бундай партиялар мустамлакачилик асоратидан қўтилган кўпгина мамлакатларда ҳам тузилиб ижтимоий тараққиёт йўлида фаол-ият кўрсатмоқда.

Сиёсий партиялар туфайли синфлар ўзининг туб манфаатларини англаб боради, сиёсий жиҳатдан уюшади ва бирикади. Бунга ишчилар синфининг сиёсий партияси мисол бўла олади. Партия ишчилар синфининг сиёсий йўлбошчиси, жанговар штабидир. У ўзининг ҳамма томирлари билан ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашларга мустаҳкам боғланган. Ишчилар синфининг партияси моҳияти, мақсади, ғояси, назарий ақидалари, ташкил топиши, фаолият усуллари билан бошқа сиёсий партиялардан тубдан фарқ қилади.

Коммунистик партия ишчилар сиёсий партияси сифатида ташкил топган пайтдан бошлаб ҳозиргача жуда узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу йўлда катта-катта ғалабалар ҳам, муайян қийинчиликлар ҳам бўлди. Социалистик қурпишнинг кўпгина босқичларида кўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганлигини, адолатсизликлар ва бузилишлар кўп бўлганлигини ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди. Жамиятнинг сифат жиҳатдан ўзгартириш босқичи бўлган ҳозирги даврда партия фаолиятида жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Партия кўмиталари хўжалик бошқариш ишларига аралашмайдиган, яккахокимликка даъво қилмайдиган бўлди. Унинг вазифалари тубдан ўзгартирилиб, сиёсий иш соҳасига кўчирилди. Партия кўмиталари стратегик вазифалар тўғрисида бош қотирадилар. Коммунистик партия Конституциянинг 6-моддасидан воз кечиб, давлатнинг ҳукмрон партияси бўлмасдан қолди. Ҳозирги пайтда партия ва унинг бўғинлари билан давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар янгича асосда кўриб чиқилиб унинг келажаги давр талабларига мувофиқ равишда белгиланмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни, мулоқотни ривожлантиришга, улар билан жипслашишга интилмоқда. Демократик партиялар учун фақат меҳнаткаш халқ манфаатларини, тавлаб олинган демократик йўл аҳтиёжларини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад йўқ. Халқ хўжалигини барқарорлаштириш, сиёсий ва иқтисодий тангликларни бартараф этиш, бозор муносабатларига ўтишни амалга ошириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат келажагимиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Инсон манфаати, унинг бахтсаодати, маънавийлик ва инсонпарварлик қоидаларини қарор топтириш йўлида жамиятни демократик негизларда янгилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини, ижтимоий адолатни, маънавий янгилашни, барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини амалга ошириш учун қилинаётган ишлар ана шуларга қаратилган тадбирлардир.

Сиёсий партиялар каби жамоат ташкилотлари ҳам жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бунга жамиятимиз жамоат ташкилотлари мисолида очиқ-ойдин кўриш мумкин. Буларга касаба уюшмалари, Ешлар уюшмалари, ижодий ташкилотлар, маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари ташкилотлари, Совет маданият фонди, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш билан шугулланадиган турли жамиятлар ва бошқа ташкилотлар кирди. Ҳар бир жамоат ташкилоти ўз вазифаларини муайян Низомларга мувофиқ ўзига хос шакллар ва усуллар асосида бажаради. Меҳнаткашларнинг бу оммавий ташкилотлари давлат ташкилотлари билан ўзаро ёрдам муносабатида бўладилар ва бир-бирларига раҳбарлик қилмай мустақил ишлайдилар.

Жамоат ташкилотлари ихтиёрийлик асосида барпо этилган бўлиб, Низомлари ва Ҳаракат дастурларини ўзлари қабул қиладилар, ўз ваколатларига кирган масалаларни ўзлари мустақил ҳал этадилар. Уларнинг бутун фаоляти ўз-ўзини бошқариш, демократик норма ва принциплар асосида олиб борилади.

Жамоат ташкилотлари давлат ишларини бошқаришда, сиёсий, хўжалик, таълим-тарбия, маориф, ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, ўй-жой ва моддий эҳтиёжларини таъминлашда, фуқароларнинг, ёш авлоднинг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтиришда, миллий ва миллатлараро муносабатларни ҳал этишда қатнашадилар. Шў тариқа уларнинг ҳаммаси жамиятимиз тараққиётига ўз қиссасини қўшади.

3. ТАРИХИЙ ЖАРАЕННИНГ СУБЪЕКТИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ

Халқ оmmasи, синфлар, шахслар тарихий жараённинг субъекти бўлиб, жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларни ташкил этади.

Синфлар кишилар гуруҳларидан иборат бўлиб, улардан бири ўзининг тутган ўрни бошқача бўлганлиги сабабли бошқа бирининг меҳнатини ўзиники қилиб олади. В. И. Лениннинг «Буюк почин» номли мақоласида синфларга қуйидагича мукамал таъриф берилган: «Синфлар деб ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихий муайян системасида тутган ўринлари, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари (бу муносабатлар аксари ҳолда қонуноларда мустаҳкамланиб ёзилган ва расмийлаштирилган бўлади), ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги ўзларининг роллари, бипобарин, жамият бойлигидан ўз ҳиссаларини қандай усулда ва қай миқдорда олишлари билан фарқ қиладиган кишиларнинг катта-катта гуруҳига айтилади»¹.

Синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий фазаларигагина боғлиқдир. Синфларнинг пайдо бўлишига ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкнинг юзага келиши сабаб бўлади.

Туб манфаатлар бир-бирига батамом зид бўлган синфлар ўртасида курашларнинг муқаррар равишда бўлиб туриши, чуқурлашиб ва кескинлашиб бориши объектив заруриятдир. Ибтидоий жамоа тузумидан бошқа ҳозиргача мавжуд бўлган барча синфий жамиятлар тарихи қарама-қарши синфларга ажралиб келганлиги ва бу синфлар ўртасида кураш бўлиб турганлигини яққол кўрсатиб турибди. «Хур ва қул, патриций ва плебей, помещик ва крепостной, уста ва халфа, қисқаси, зolim ва мазлум ўртасида доим антагонизм бўлиб келди, улар ҳар доим гоҳ яширин, гоҳ очиқ суратда бир-бирига қарши кураш олиб борди; бу кураш ҳар сафар бутун жамият тузумини инқилобий асосда бошқатдан қуриш билан ёхуд курашувчи синфларнинг умумий ҳалокати билан тугади»², — деб ёзган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести» асарида.

Эзилувчи синфларнинг эзувчи синфларга қарши кураши тарихидан иборат бўлган синфий кураш барча синфий формацияларга хос бўлган умумий қонуниятдир. Синфий кураш нима? Синфий кураш «бу — халқнинг бир қисмининг иккинчи қисмига қарши курашидир, ҳуқуқсиз, мазлум ва меҳнаткаш омманинг имтиёзлилар, эзувчилар ва текинхўрларга қарши курашидир, ёланма ишчилар ёхуд пролетарларнинг мулкдорлар ёхуд буржуазияга қарши курашидир»³.

Синфий курашни юзага келтирадиган, объектив заруриятга айлантирадиган асосий сабаб синфий жамиятларнинг ўзидадир.

¹ В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 39-жилд, 17-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар, 1-жилд, 107-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 7-жилд, 222-бет.

Синфий курашни ўзаро бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган синфларнинг моддий, маънавий, синфий-сиёсий манфаатлари ўртасидаги зиддият туғдиради. Синфий курашнинг ҳар қандай шакли ва тарихий тури у ёки бу синфнинг мақсадлари ва манфаатларини ўзида чуқур акс эттиради. В. И. Ленин бу ҳақда бундай деб ёзган эди: «Кишилар сиёсат бобида ҳамма вақт тентакларча алданиб ва ўзларини ўзлари алда келганлар ва улар ҳар қандай ахлоқий, диний, сиёсий, ижтимоий иборалар, баёнот, ваъдалар заминида маълум синфларнинг *манфаатлари* борлигини пайқай оладиган бўлгувларича алданаверадилар»¹.

Ижтимоий-иқтисодий, синфий-сиёсий манфаатлари ўзаро бир-бирига номувофиқ бўлганлиги туфайли тўқнашаётган ва муросасиз кураш олиб бораётган синфлардан бири мавжуд эски тузум ва сиёсий тартиботларни сақлаб қолшга, эвдигина туғилиб келаётган янги жамиятни бўғишга, шу тариқа ривожланишни тўхтатиб қолшга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилади. Курашувчи томонлардан иккинчиси, яъни инқилобий хусусиятдагиси эса, аксинча, эскиликни асос-асоси билан сузуриб ташлашга, янги жамият барпо этишга интилади. Антагонистик синфлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршичилигининг моҳияти ана шундан иборат. Қайси бир синфий жамиятни кўздан кечирмайлик, уларда қарама-қарши синфлар ўртасида шиддатли курашлар мавжудлигини, синфий кураш асосида ўша жамиятнинг ривожланиб борганлигини биламиз.

Қулдорлик тузумининг ривожланиш тарихи бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган қуллар билан қулдорлар ўртасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Қулларнинг қулдорларга қарши олиб борган курашлари кўпинча қуроли қўзғоловлар тусини олган. Бундай қўзғоловлар қадимги Миер, Хитой, Греция, Рим сингари мамлакатларда узоқ давом этган ва даҳшатли тус олган. Масалан, Спартак раҳбарлигидаги қуллар қўзғолони эрампздан олдинги 74—71 йилларда Сицилияда бўлиб ўтган. Бундай қўзғоловлар эрампздан олдинги V—I асрларда ҳам бир неча бор бўлиб ўтган. Қўзғоловлар шафқатсизларча бостирилган бўлса-да, лекин улар ўзининг амалий таъсирини тарихда ўчмас қилиб қолдирган. Қуллар қўзғолони қулдорлик тузуми негизини қўпора бошлади ва ички зиддиятлар оқибатида бу тузум емирилди. «Қулликка асосланган ҳар қандай ишлаб чиқариш ва қулликка асосланадиган ҳар қандай жамият бу зиддиятдан ҳалок бўлади»², — деб ёзган эди Ф. Энгельс.

Қуллар қўзғолони қулдорлик тузумини ағдариб ташлаб, ишлаб чиқаришнинг янги усулини, янги жамият бўлган феодализмни вужудга келтирди. Эзувчи ва эзилувчилар ўртасидаги муросасиз синфий кураш феодализм даврида ҳам тўхтовсиз давом этди. Маълум деҳқонлар оммасининг помешчикларга қарши олиб борган курашлари жаҳоннинг феодали ишлаб чиқариш муносабатла-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-жилд, 52—53-бет.

² Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 446-бет.

ри ҳукмиронлик қилган деярли барча мамлакатларда бўлиб ўтди. Франциядаги Жакерия қўзғолони (XIV аср), Англиядаги Уот Тайлер қўзғолони (XIV аср), Германиядаги Томас Мюнцер раҳбарлигидаги қўзғолон (XVI аср)лар бунга мисол бўлади. Деҳқонлар қўзғолонлари XVII—XVIII асрларда Россияда ҳам Болотников, Разин ва Пугачёв раҳбарлигида бўлиб ўтди. Деҳқонлар билан феодал помешчиклар ўртасидаги тўқнашувлар айниқса XIX асрнинг 50-йилларида, 1861 йилда крепостной ҳуқуқни бекор қилиш арафасида кучайиб кетди.

Деҳқонларнинг феодалларга қарши олиб борган кураши жамият тараққиётининг тезлашувига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди, феодализм негизларига қаттиқ путур еказди. Оқибат натижада феодализм ўз ўрнини капитализмга мажбурий равишда бўшатиб берди. Ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуналарига биноан тарих саҳнасида пайдо бўлган капиталистик жамият синфий қарама-қаршиликларни тугатмади, балки яна ҳам кескинлаштириб ва чуқурлаштириб юборди. «Ҳалок бўлган феодализм жамияти бағрида ўсиб чиққан ҳозирги буржуазия жамияти, — дейилади «Коммунистик партия манифести»да, — синфий зиддиятларни йўқотмади. У эски синфлар ўрнига янги синфларни, зулмнинг эски хиллари ўрнига янги хилларини ва курашнинг эски шакллари ўрнига янги шаклларини майдонга келтирди хол»¹.

Капиталистик жамиятда икки асосий синф — пролетариат билан буржуазия ўртасидаги қарама-қаршилик авж олади. Пролетариатнинг буржуазияга қарши хилма-хил шакл (ғоявий, иқтисодий ва сиёсий) ларда олиб борган кураши совет жамияти галабасига олиб келди.

Синфлар кураши антагонистик жамиятлар тараққиётининг манбаидир. Синфий кураш натижасида эски ижтимоий-иқтисодий формациялар янгилари билан алмашилади. Синфий кураш жамият тараққиётига тўғоноқ бўлган эски нарсаларни, ёшини яшаб бўлган реакцион кучларни иргитиб ташлайди ва айни вақтда ижтимоий тараққиётнинг тобора тезлашиб, фаоллашиб бориши учун кенг истиқбол очиб беради. Синфий кураш натижасида ишлаб чиқарувчи кучлар тез ривожланади, фан ва техникада, жамиятнинг моддий, маънавий, сиёсий ва мафқуравий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй беради.

Синфий курашнинг синфий жамиятлар тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини синфий курашнинг олий босқичи бўлган социал инқилоблар мисолида ҳам кўриш мумкин. Социал инқилоб натижасида эски ижтимоий тузум тугатилади ва янги, илғор ижтимоий тузум қарор топади.

Антагонистик тузумларда рўй бериб келаётган синфий курашлар жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқ оmmasидан иборат эканлигидан далolat беради. «Халқ» тушунчаси ўзининг моҳиятига кўра «аҳоли», «синф», «миллат» тушушчаларидан

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдик танлавланган асарлар, 1-жилд, 107—108-бетлар.

фарқ қилади. «Аҳоли» тушунчасига у ёки бу синфий жамиятлардаги барча синфлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, миллатлар, элатлар киради, лекин уларнинг ҳаммасини «халқ», «омма» тушунчасига киритиб бўмайди. Чунки улар орасида ўзининг иқтисодий ва синфий манфаатлари жиҳатидан халқ оммасига тубдан қарама-қарши бўлган эксплуататор синфлар, ҳукмрон миллатлар, имтиёзли гуруҳ ва табақалар, бировлар меҳнати ҳисобидан кун кўрувчилар бор. Чунончи, синфий жамиятлардаги қулдорлар, феодаллар ва буржуазияни «халқ» тушунчасига киритиб бўлмайди, чунки улар эксплуататорлардир, ижтимоий тараққиётга халақит қилувчилардир.

Халқ деганда кенг меҳаткаш омма тушунилди. «Омма» деган тушунча — ўзгарувчан тушунчадир, у кураш хусусиятининг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб туради, — деган эди В. И. Ленин. Курашнинг бошларида омма тўғрисида сўзламоқ учун бир неча минг ҳақиқий инқилобий ишчиларнинг ўзи кифоя қилади... Бизнинг инқилобларимиз вақтида шундай ҳоллар бўлар эдики, бир неча минг кишидан иборат бўлган ишчилар оммани ташкил қилар эди... Инқилоб етарли даражада тайёрлашгандан кейин «омма» деган тушунча бошқа маъно олади: у вақтда бир неча минг ишчи омма бўла олмайди. Бу сўз бошқа бир маънони билдира бошлайди. Омма деган тушунча шу маънода ўзгарадики, омма деганда кўпчилик, шунда ҳам ишчиларнинг оддий кўпчилигигина эмас, балки барча эксплуатация қилинувчиларнинг кўпчилиги назарда тутилади: инқилобчи оммани бундан бошқача маънода тушунмаслиги керак, бу сўзнинг ҳар қандай бошқа маъноси тушунарли бўлмай қолади»¹.

Халқ оммаси ҳамма даврларда тарихнинг ҳал қилувчи кучидир. Бу энг аввало унинг моддий бойликлар яратишдаги фаолиятида ўз ифодасини топади.

Жамиятнинг ривожланиш тарихи моддий бойликлар ишлаб чиқариш усуллари тарихидан иборатдир. Инсон аҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уларни ишлаб чиқарадиган мураккаб меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар, технологиясининг ижодкори — халқ оммасидир. Ер юзидagi барча шаҳарлар, қишлоқлар қадимги дунёнинг карвон йўлларини, катта-катта иишоотлар, суғориш каналлари ва кўприкларни халқ ўз меҳнати билан барпо этган. Халқ оммаси ўз меҳнати билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент, Шаҳрисабздаги ва бошқа улкан тарихий обидаларни юзага келтирган ва келтирмоқда.

Халқ оммасининг ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи куч эканлиги унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида, айниқса социал инқилоблар даврида намоён бўлади. Халқ оммаси тарих давомида бўлиб ўтган барча инқилобий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Инқилобий ҳаракатда халқ оммаси қанчалик

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 44-жилд, 34—35-бет.

онгли ва уюшган ҳолда қатнашса, инқилобий ўзгаришлар ҳам шунчалик чуқур ва сермазмун бўлади. Социал инқилобларнинг кучи, унинг чуқур илдиз отиши ва натижалари халқ оммаси фаолиятига бевосита боғлиқ эканлигини эътиборга олиб, В. И. Ленин қуйидагича ёзган эди: «Инқилоблар—тарих локомотивларидир,— деган эди Маркс. Инқилоблар — эзилганлар ва эксплуатация қилинувчилар байрамидир. Халқ оммаси инқилоб вақтида бошқа ҳар бир маҳалда кўрилмаган бир йўсинда фаолият билан янги ижтимоий тартиблар ижодчиси бўлиб майдонга чиқади... халқ бундай вақтларда мўъжизалар яратади»¹.

Халқ оммасининг ижтимоий тараққиётда ҳал этувчи куч эканлиги унинг дунё миқёсидаги ҳамкорлигида, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда ядро уруши бошланиб кетишга йўл қўймаслик учун олиб бораётган курашида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги даврда табиатни муҳофаза қилиш, экология ва демографиянинг энг қалтис муаммоларини ҳал этиш, инсоният цивилизациясини асраб қолиш, баъзи бир регионларда ҳамон кескинлигича турган озиқ-овқат муаммосини, хавfli касалликларни бартараф этишда дунё халқларининг биргаликда ҳаракат қилишларига бўлган зарурият кучайиб бормоқда.

Жамият тарихий тараққиётни қуйи босқичдан юқори босқичга томон ривожланиб боргани сари халқ оммасининг роли, ғайрати, уюшқоқлиги, фаоллиги янада ортиб ва кучайиб боради. К. Маркс билан Ф. Энгельс «Муқаддас оила» асарида ижтимоий ўзгаришлар қанчалик чуқур бўлса, жамият аъзолари олдида турган вазифалар қанчалик кенг, изчил ва муҳим бўлса, тарихий жараёнда иштирок этувчи кишиларнинг фаоллик даражаси, уюшқоқлиги, онглилик хусусияти ҳам шунчалик устун ва кучли бўлишини таъкидлайди.

Халқ оммаси тарихий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучидир деган фикр шахслар ролини инкор этмайди. «Тарихий зарурият гоёси,— деган эди В. И. Ленин,— шахснинг тарихдаги ролини асло йўққа чиқармайди: бутун тарих ҳеч шубҳасиз ходимлардан иборат бўлган шахсларнинг фаолиятдан вужудга келади»².

Ҳар қандай машҳур шахсларни етиштириб берадиган асосий замин — халқ оммаси, меҳнаткашлардир. Инсон онадан доҳий бўлиб ҳам, улуғ арбоб ёки пайғамбар бўлиб ҳам туғилмайди. У ҳар қанча донишманд бўлмасин, барибир, у халқ фарзандидир. Шахслар халқни эмас, аксинча, халқ шахсларни етиштириб беради. Шахснинг вазифаси — ўзини етиштирган ва унга ривожланиш, камол топиш имкониятларини яратиб берган халқ учун хизмат қилиш, унинг орау-ниятларини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилишдан иборатдир. Ана шундай кишиларни, тарихий шахслар, арбоблар, саркардаларни халқ қўллаб-қувватлайди, уларга ишонади, ундайларнинг йўл-йўриқларига амал қилади. Бундай йўлбошчиларга халқ ўзининг иссиқ бағрини оча-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 9-жилд, 110-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд, 171-бет.

ди. Раҳбарларнинг, тарихий шахсларнинг кучи— уларнинг омма билан ҳамнафаслигида, ҳар қандай шароитда ҳам оммадан ажралмаслигида, омма билан эт ва тирноқ сингари қўшилиб, бирикиб кетишидадир. Халқ бахтини ўз бахти деб билган, умуминсоний манфаатлар йўлида ўзининг шахсий бахтидан воз кечган кишиларни тарих улуг, ҳақиқий шахслар деб билади ва ҳеч қачон унутмайди.

Тарихий тараққиётнинг объектив эҳтиёжларига биноан тарих майдонига чиққан сиёсий арбоблар муайян синф, партия, ижтимоий табақаларнинг манфаатларини, мақсад ва вазифаларини баён этадилар, уларнинг назарий дастурини, мафкурасини ишлаб чиқадилар. Тарихда раҳбарларнинг роли ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, илғор синф уларнинг йўлбошчилигисиз сиёсий ҳокимиятни қўлга кирита олмайди, ўз давлатини туза ва мустаҳкамлай олмайди ҳамда ички ва ташқи душманларга қарши муваффақиятли кураш олиб бора олмайди. «Ҳаракатни уюштира оладиган ва бу ҳаракатга раҳбарлик қила оладиган ўз сиёсий йўлбошчиларини, ўз илғор вакилларини етиштирмаган ҳеч бир синф тарихда ҳукмрон бўла олган эмас»¹. — деган эди В. И. Ленин.

Шахслар ижтимоий тараққиётни тезлаштиришлари ёки секинлаштиришлари, ҳаракатнинг мақсадга эришувини осонлаштиришлари ёхуд қийинлаштиришлари мумкин, бироқ воқеаларнинг умумий йўналишини ўзгартира олмайдилар, чунки уни тарихий, объектив кучлар белгилаб беради. Шахслар ҳар қанча қудратли бўлмасинлар, барибир, тарихий воқеаларни ярата олмайдилар. Тарихий тараққиёт жараёнини шахсларнинг ва айрим кишиларнинг орау-истаклари, ниятлари белгилаб бермайди. Умумий тарихий шароитлар энг кучли шахслардан ҳам кучли ва қудратлироқдир.

Шахс тарихни эмас, балки тарих шахсни яратади. Агар жамиятда биров-бир шахсга, саркардага, буюк ихтирочига, даҳога эҳтиёж туғилса, бу эҳтиёж тарих томонидан эртами-кечми, бу ердами ёки бошқа бир жойдами қондирилади.

Атоқли сиёсий арбоблар, омманинг йўлбошчилари истаган вақтда эмас, балки жамият инқилобий йўл билан тубдан ўзгартириляётган, қайта қуриляётган даврларда пайдо бўлади. Бу фикр бутун инсониятга, жумладан совет жамиятига ҳам тааллуқлидир. Фан, адабиёт, санъат ва маданиятдаги даҳолар, буюк мутафаккирлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихда номлари тилга олиннадиган шахсларнинг ҳаммасини ҳам улуг кишилар деб бўлмайди. Шахсларнинг хизмати тарихда ҳамisha бир хил бўлмаган. Айрим шахслар тарихий тараққиётни тезлатиш, тарих ғилдирагини тезроқ айлантириш учун ижобий таъсир этган бўлсалар, бошқалари бунинг аксини қилган. Буюк шахс шунинг учун ҳам буюкки, у тарихий жараёни бошқаларга нисбатан чуқурроқ тушунади, жамият тараққиёти эҳтиёжларини олдиндан кўра олади ва бу эҳтиёжлар-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 4-жилд, 433-бет.

ни амалга оширишнинг назарий дастурини ишлаб чиқади. Улар ижтимоий ривожланиш қонуниятларини очиши, билиб олиши ва улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бера оладиган бўлганликлари учун ҳам буюқдир. Бу борада Г. В. Плехановнинг улуғ шахслар ҳақидаги фикри эътиборга сазовордир. «Улуғ кишини улуғ қилган нарса — деган эди у, — унинг шахсий хусусиятлари, улуғ тарихий воқеаларга алоҳида физиономия беришида эмас, уни улуғ қилган нарса шуки, унда ўз замонининг умумий ва ўзига хос сабаблар таъсири остида пайдо бўлган улуғ ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилмоқ учун энг қобилиятли қиладиган хусусиятлар борлигидир... Улуғ киши ҳақиқатан ҳам бошқалардан кучлироқдир... У ижтимоий муносабатларнинг ўзидан олдинги ривожланиши туфайли вужудга келган янги ижтимоий эҳтиёжларни кўрсатиб беради; у шу эҳтиёжларни қондиришда ташаббус кўрсатишни ўз зиммасига олади. У қаҳрамондир. Лекин у воқеаларнинг табиий боришини тўхтата оладиган ёки ўзгартира оладиган маънодаги қаҳрамон эмас, балки шу маънодаги қаҳрамондирки, унинг фаолияти ўша зарурий ва онгсиз жараённинг онгли ва эркин ифодасидир. Унинг бутун аҳамияти мана шундадир, унинг бутун кучи мана шундадир»¹.

Улуғ кишилар тарихнинг бурилиш даврларида, озодлик ҳаракатлари ва социал инқилоблар даврларида айниқса кўпроқ майдонга келадилар. Даврни, айниқса бурилишлар даврини идрок этишдан иборат ижтимоий эҳтиёж вужудга келган пайтда даврнинг ўзи ҳамisha ана шу ишни қилиш ички эҳтиёжига айланиб қоладиган одамларни майдонга чиқаради. Тарих буни аллақачонлар кўрсатиб берган.

Буюқ шахсларни эъозлаш уларга сиғиниш, сажда қилиш деган сўз эмас. Шахсга сиғиниш муқаррар равишда халқ оммасининг родини инкор этишга, амалга оширилган барча ишларни бир кишининг номига боғлашга, жамоа хизматларини менсимасликка олиб келади. Афсуски, ўтмишда давлат ва партия раҳбарларининг хизматларини бўрттириб кўрсатиш, уларни кўкларга кўтариб мақташ ниҳоятда авж олиб кетган эди. Ҳозирги пайтда бунга чек қўйилмоқда.

Шахсга сиғинишга қарши кураш раҳбарларнинг обрўсига путур етказмаслиги керак. Омма ўртасида шуҳрат қозонган, омма билан мустаҳкам боғланган обрўли раҳбарлар бўлмаса, жамият олдида турган мураккаб ва хилма-хил вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас.

Халқ оммасининг тарихнинг ҳақиқий лждокори эканлигини совет жамияти мисолида кўриш мумкин. Совет халқлари ғоят оғир шароитларда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, қийинчиликларни енгиб, янги тузумни барпо этди, душманлар билан олишувларда уни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Совет халқи жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий асосларини яратди ва ривожлантирди, ўз меҳнати билан совет жамияти шон-шуҳрати-

¹ Г. В. Плеханов. Шахсининг тарихдаги роли масаласига доир, 45-бет.

ни дунё миқёсига кўтарди. Ҳозирги пайтда эса у инқилобий қайта қуришнинг олдинги сафида турибди.

Аmmo шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, маъмурий-буйруқбозлик авж олиб кетган йилларда меҳнаткаш халқ оmmasига бўлган муносабат кўпол равишда бузилди. Ўша кезларда ҳамма нарса юқоридан туриб ҳал қилинди, топшириқлар Марказдан туриб белгиланди. Раҳбарларнинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлди, уларнинг гапиши ҳеч ким икки қилмади. Жамоа ва давлат хўжаликларида, заводлар ва фабрикаларда, қурилишларда кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, моддий бойликлар яратаётган халқ оmmasи билан ҳеч ким деярли ҳисоб-китоб қилмади, унинг талаб-истаклари назарда тутилмади, маслаҳатлари, қимматли фикр-мулоҳазалари эътиборга олинмади. Камчиликлардан яна бири шундан иборат бўлдики, ўша пайтларда халқ оmmasига нисбатан давлат машинасининг «кичик бир винти», меҳнаткашлар ташкилотларига эса ана шу машиналарнинг «ҳаракатга келтирувчи тасмалари» деган тасаввурлар пайдо бўлди. Халқ оmmasи бора-бора қарорлар ва кўрсатмаларни, юқори мартабали раҳбарлар буйруғини бажарувчи оддий бир механизмга айлана бошлади.

Салбий ҳодисалар, нуқсонлар ва камчиликлар кучайиб, ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур илдиз отган пайтларда меҳнатга яраша тақсимлаш принципи бузила бошлади. Пешана терини тўкиб меҳнат қилганлар эмас, балки халқнинг нонини «туя» қилувчилар, қўл учидан наридан-бери ишлаганлар айш-ишратда ҳаёт кечиряшди. Меҳнатсиз даромад қилишга интилиш кучайиб борди, тайёрга айёрлик кайфиятлари авжига чиқди, «тенгчилик» руҳияти кишилар онгига сингий бошлади. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш сиёсатида изчиллик бўлмади. Мукофотлар беришда, кўшимча рағбатлантириш пулларини тўлашда, орден ва медаллар билан тақдирлаш, унвонлар беришда адолат ошкора бузила бошлади. Одамлар ҳақида, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари, ижтимоий кайфиятлари тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш ўрнига сиёсий тилёгламалик қилинди, қуруқ ваъдабозликдан нарига ўтилмади. Амалга олмаган даъватлар ва ваъдалар шунчалик кўп бўлган эдики, охири уларга ҳеч ким ишонмай кўйди. Инсоннинг, халқ оmmasининг манфаатлари, «эртанги порлоқ ҳаёти» тўғрисида истаганча гапирилар эди-ю, аммо бу гаплар моддий ресурслар, амалий ишлар билан мустаҳкамланмас эди.

Ижтимоий турмушнинг ёппасига давлат қўлига олиганидан, ўзбошимчалик ва қонунсизликнинг кучайиб кетишидан, социалистик мулкчиликка ибтидоий қарашдан ва товар-пул муносабатларини писанд қилмасликдан, маданий-тарихий қадриятларга, миллий тиллар, миллий маданиятлар, миллий анъаналар ва удумларга ҳурматсизликдан халқ оmmasи норози бўла бошлади. Порахўрлик, қўшиб ёзиш, таниш-билишлик, вазифани суниётетомол қилиш, тамагирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари ярамас иллат ва нуқсонлардан оддий халқ беҳисоб зарар кўрди.

Мапа шуларнинг ҳаммаси жамият турмушияниг кўнгина соҳаларица ривожлантиришга салбий таъсир кўрсата бошлади. Халқ оммасининг айрим бир партия ва давлат раҳбарларига ишончининг камайиб бориши оқибатида меҳнат ушумдорлиги сезиларли даражада пасая бошлади, белгиланган режалар бажарилмай қолди, итиссив ривожланиш ўрнини экстенсив ривожланиш эгаллай бошлади. Бу нарса жамият учун ниҳоятда хатарли эди. Оқибатда жамият тургушлик ҳолатига ва тағлики ўқасига келтириб қўйилди. Кейинги йиллардаги маданий, сивсий, экологик, миллий муносабатлар масаласида рўй берган барча қийинчиликлар, можаролар, аиддиётлар, муаммоларнинг асосий сабаби мамлакатимиз тараққийтининг муайян босқичида йўл қўйилган хато ва камчиликлардандир. Бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмас эди. Халқ кутиб тураверишдан чарчаганди.

Қайта қуриш жараёни социалистик жамият яшаш ва ривожланишининг асоси бўлган моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулини ҳам, шунингдек ижтимоий муносабатларини ҳам, миллий ва миллатлараро муносабатларини ҳам, илм-фан, маданият, одобахлоқ, миллий тиллар, анъаналар ва удумларини ҳам, хуллас, инсон ҳаётишининг ижтимоий-сивсий соҳаларини бундап кейин янада тезроқ ва атрофлича ривожлантирадиган куч меҳнаткаш халқ оқалигини аниқ ва равшан кўрсатди. Социалистик жамият ҳаётишининг кўп қиррали барча соҳаларида омманинг ижодий фаолиятини янада кучайтириш, инсон омили ролинн тобора ошириш зарурияти ҳақидаги гоа қайта қуриш даврининг энг мукамал назарий хулосаларидап бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий тараққийтининг ҳозирги туб бурилиш, қайта қуриш босқичи совет жамияти ҳаётишининг барча жабаҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодий соҳада халқ оммасининг ҳал қилувчи роли кучайиб бораётганлиги билан тавсифланади. Милليون-милليون совет кишилари сингари ўзбек халқи ҳам корхоналар, завод ва фабрикаларда фидокорона меҳнат қилиб беҳисоб моддий бойликлар яратмоқда. Станок ва машиналар, кийим-бош ва пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари, газ, металл, қоракўл, пахта, пилла, яъни инсониятнинг яшаш ва ривожланиши учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ишчи ва деҳқонлар, механизаторлар, муҳандислар, қурувчилар ва чорвадорларнинг меҳнати ва ақл-идроки билан яратилапти.

Ҳозирги пайтда социалистик ишлаб чиқаришнинг ижара, кооператив, оиланий иудрат сингари шакллари халқ оммасининг ўсиб бораётган талаб ва аҳтиёжларини қондиришда ижобий роль ўйнамоқда. Агар қайта қуриш иқтисодий жиҳатдан ўзини ўпглаб олмаса, галаба қозона олмайди. Буни совет жамиятининг 70 йилдан ортиқроқ тарихий тажрибаси кўрсатиб турибди.

Инқилобий қайта қуриш омманинг ижтимоий-сивсий фаолигини ҳар қачонгидан кучайтирди, кенг ижтимоий кучларни жўнбушга келтирди. Ҳозирги шароитда жамият ўзгарди, одамлар ўзгармоқда, қайта қуриш уларга фуқаролик қадр-қимматини, ўзларининг қай даражада аҳамиятта эга оқалиklarини ҳис

этишни қайтариб бермоқда. Одамлар ўзларига ишона бошладилар.

Қайта қуриш даврида тафаккур тикланмоқда, эски ақидалар чок-чокидан ажралмоқда, эскилик емирилмоқда, янгилик қийинчилик билан бўлса-да, қарор топмоқда, ҳуқуқий давлат асослари барпо этилмоқда. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий-сиёсий мустақиллиги, ўзини-ўзи бошқариш талаблари ўртага қўйилмоқда ва бу оқилона ҳал қилинмоқда. Демократия ва ошкоралик шароитида катта-кичиклигидан қатъи назар ҳар бир миллат, элат ва халқда уйғониш, ўзлигини англаш жараёни содир бўлмоқда.

Қайта қуришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — миллий маданиятлар ва тилларнинг кенг ва атрофлича ривожланиши учун барча зарур имкониятларнинг яратиб берилганлигидир. Совет халқлари миллий тиллар ва маданиятларнинг ривожланиши масаласида шахсга сизгиниш ва турғунлик йилларида пайдо бўлган, чуқур илдиз отган чекланишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўла бартараф этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу оммавий ҳаракатдан ўзбек халқи ҳам четда қолмади. Олимлар, шоирлар, ёзувчилар, депутатлар, ёшлар, талабалар, партия ва совет раҳбар ходимларининг, умуман жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг астойдил қилган ҳаракатларининг ажойиб самараси сифатида Ўзбекистонда Давлат тили ҳақида Қонун қабул қилинди. Ўзбек халқининг аллақачон унутила бошланган жуда кўплаб удумлари ва анъаналари қайтадан тикланди, Наврўз байрами сақлаб қолинди, қадимий қўлёмаларни, тарихий, фалсафий, адабий асарларни ўрганишга киришилди, «Қуръон» ўзбек тилида нашр этила бошланди, ислом дини ва маданиятига янгича тафаккур асосида ёндашиладиган бўлди, эски ўзбек ёзуви ва араб тилини ўрганишга киришилди.

Юқорида зикр этилган фикрлар халқимизнинг қайта қуриш жараёнида совет жамиятини олға томон ривожлантирадиган ҳал қилувчи куч, тарих ижодкори эканлигини исботлаб турибди.

6. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФОРМАЦИЯЛАР АЛМАШИНУВИ — ТАБИИЙ-ТАРИХИЙ ЖАРАЁН

Жамиятнинг ўз-ўзидан ривожланиб туриши ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг тараққиётида яққол намён бўлади. Ижтимоий-иқтисодий формация ўзига хос ишлаб чиқариш усулига, иқтисодий базис ҳамда устқурмага эга бўлган, тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган жамиятдир.

Ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ҳаётининг асосини ташкил этади. У барча ижтимоий муносабатларнинг, ҳар бир формациянинг ўзига хос ғоялари, ташкилотлари ва муассасаларининг шаклланиши учун замин бўлиб хизмат қилади. К. Маркс буни назарда тутиб шундай деб ёзган эди: *«Ишлаб чиқариш муносабатларининг жами ижтимоий муносабатлар деб аталадиган нарсани, жамият деб аталадиган нарсани вужудга келтиради, вужудга*

келтирганда ҳам тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган жамиятни, ўзига хос ва алоҳида хусусияти бўлган жамиятни вужудга келтиради. Антик жамият, феодал жамияти, буржуа жамияти ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай бир жамидирларки, уларнинг ҳар бири шу билан бирга инсониятнинг тарихий тараққиётида алоҳида бир босқични ташкил этади»¹.

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ўзига хос пайдо бўлиш, ривожланиш ва бошқа, юқори формацияга ўтиш қонуниятларига эга. Умуман жамият йўқ, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичида турган жамият, ўзига хос ва алоҳида хусусиятли белгиларга эга бўлган жамият мавжуд. Кишилик жамияти, барча ижтимоий-иқтисодий формациялар ўзаро биридан мазмун жиҳатидан қанчалик фарқ қилишига қарамадан, ўзаро ички боғланишда бўлган ва ҳамisha ривожланиб турадиган жонли ижтимоий организмдир. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ўзининг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуналарига эгадир. Шу билан бирга уларнинг ҳар қайсисида жаҳон тарихининг ягона бир жараёнига боғловчи умумий қонунлар ҳам амал қилади. Инсоният жамияти тарихида турли ижтимоий-иқтисодий формациялар бир-бирининг ўрнини эгаллайди. Жамиятнинг олға томон илгарилаб бориши шу тариқа амалга ошади.

Бир формация бошқасидан нима ишлаб чиқаргани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқаргани билан ҳамда ишлаб чиқариш усулига қараб фарқ қилади. «Йўқ бўлиб кетган ҳайвон турларининг сақланиб қолган суякларининг тузилиши шу ҳайвонлар гавдасининг тузилишини ўрганиш учун нақадар аҳамиятли бўлса, меҳнат воситаларининг қолдиқлари ҳам йўқ бўлиб кетган ижтимоий-иқтисодий формацияларни ўрганиш учун шу қадар аҳамиятлидир. Иқтисодий даврлар бир-биридан нималар ишлаб чиқарилгани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқарилгани билан фарқ қилади»², — деб ёзган эди К. Маркс. Лекин жамият моддий базаси даражасининг қандай бўлиши ижтимоий-иқтисодий формация муайян тарихий типини белгиловчи омил бўла олмайди. Баъзи ҳолларда юксак ижтимоий-иқтисодий формациянинг моддий базаси қуйи ижтимоий-иқтисодий формацияда турган мамлакатларга nisбатан пастроқ бўлиши ҳам мумкин. Шунга асосланиб, ижтимоий-иқтисодий формациянинг сифат муайянлигини белгиловчи куч моддий бойликларни ишлаб чиқариш усулидир дейиш мумкин.

Ишлаб чиқариш усулининг зарур таркибий қисми бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий формациянинг иқтисодий тузулмасини белгилайди ҳамда унинг реал базисини ташкил этади. Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий қарашлари ва шу қарашларга мувофиқ келадиган муассаса ва ташкилотлари пировард натижада ана шу иқтисодий негиз заминида вужудга келди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавланган асарлар, 1-жилд, 164-бет.

² К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 204-бет.

Ижтимоий-иқтисодий формацияга баэис ва устқурмадан тапқари кишилар бирлигининг тарихий шакллари ҳисобланган миллат, элат, қабила, уруғ, синфлар, оила, тил ҳам киреди.

Инсоният тарихи ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг бирининг иккинчисл, эскисининг янгисл билан қонуний равишда ўзаро алмашиниб туришидан иборат. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация инсоният олға томон илгарилаб борадиган тараққиёти йўлидаги зарурий бир босқичдир. Маълумки, тараққиёт ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Инсониятга хос бўлган ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш бир формациядан бошқасига ўтиш жараёнидангина эмас, айни пайтда ҳар бир формация доирасида қуйи босқичдан юқори босқичга томон ривожланиш жараёнидан ҳам иборатдир.

Жаҳон тараққиёти пастдан юқорига, ўтмишдан келажакка томон борадиган чексиз жараёндир. К. Маркс жамият тараққиётини муайян объектив қонуналарга бўйсунувчи «табиий-тарихий жараён» деб қараган ва бу жараённи кишиларнинг онги ва продасига боғлиқ бўлиши у ёқда турсин, балки, аксинча, уларнинг онги ва истакларини белгилаб беради, деб кўрсатган эди.

Ижтимоий-тараққиёт қонуналари — объектив қонуналардир. Бунинг маъноси шундаки, жамиятнинг юксалишга томон илгарилаб борлишини айрим кишилар ҳам, синфлар ҳам ҳеч қачон тўхтаб олмайдилар. «...жамият,— деб ёзган эди Маркс,— ҳатто ўз тараққиётининг табиий қонуни изига тушган тақдирда ҳам... тараққиётнинг табиий босқичларидан сакраб ҳам ўтолмайди, декретлар чиқариш йўли билан уларни бекор ҳам қила олмайди. Аммо у туғиш тўлғоқларининг дардини камайтпра ва юмшата олади»¹.

Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг изчиллик билан алмашинуви ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки ишлаб чиқариш усулларининг алмашинувиға асосланади. Эски ишлаб чиқариш усули ўрнини янгиси олганда бутун ижтимоий тузумнинг бошдан оёқ ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳар бир формация жамиятнинг илгарилаб борлишига қачонгача ёрдам бериб тура олса, унинг ўша пайтгача яшаб туриши тарихан муқаррардир. Ўз имкониятларини тугатиб, тараққиётга ғов бўлиб қолиши билан унинг ҳалок бўлиши, унга нисбатан афзал ва устунроқ бўлган ижтимоий формация билан алмашинуви объектив заруриятга айланиб қолади.

Ижтимоий тузумнинг, ижтимоий ғоялар, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа қарашлар ва шуларга мувофиқ келадиган муассасаларнинг жамиятнинг синфий таркиби ва бошқа шу кабиларнинг ўзгариши ҳам оқибат натижада ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Кўриниб турганидек, жамиятнинг ишлаб чиқариш усули қандай бўлса жамиятнинг ўзи ҳам, унинг ғоялари, назариялари, сиёсий қарашлари ва муассасалари ҳам асосан шундай бўлади.

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 10-бет.

Жамият тараққиётининг ишлаб чиқариш усулларига боғлиқлигини кишилар бирлигининг миллат, элат, уруғ, қабила каби этник ва тарихий шаклларининг вужудга келиши ва ривожланишини таҳлил қилиш орқали ҳам кўриш мумкин. Тарихий тараққиёт жараёнида кишилар бирлигининг бир тарихий шакли зарурий равишда бошқаси билан алмашинади, ижтимоий ҳаёт шакллари янгиланиб боради. Ибтидоий жамоа тузумида одамлар миллат ва элатга эмас, балки уруғ ва қабилаларга бўлиниб яшаганлар ва хўжалик ҳаёти қабила ва уруғ доирасидан устга чиқа олмаган. Уруғнинг аъзосини бошқа кишилардан ажратиб турадиган асосий белги уларнинг келиб чиқишидаги бирлик, қон-қардошлик эди.

Кишилар бирлигининг уруғ ва қабилага нисбатан анча йирик, юқори, доимийроқ шакли бўлган элатлар синфий жамиятлар маҳсули бўлиб, ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг пайдо бўлиши билан келиб чиқди. Элатлар ҳам қон-қардошлиги, тили ва маданияти бир хил бўлган, бир территорияда яшайдиган кишилар жамоасидан ташкил топгандир. Элат кишилар бирлигининг ўзидан олдинги шакллариغا нисбатан юксакроқ тури бўлса-да, лекин унинг ҳам иқтисодий замини мустаҳкам эмас эди. Феодал маҳдудлик, ўзаро урушлар натижасида мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги савдо алоқалари издан чиқар, иқтисодий муносабатларга пугур етар, маданий алоқалар, ўзаро борди-келдиларга раҳна солинарди.

Иқтисодий тараққиёт кишиларнинг миллат каби тарихан барқарор бирлигининг вужудга келиши учун асос бўлди. Гарчи ўрта асрларда турли халқлар, элатларда миллатнинг ташкил топиши учун тил ва ҳудудий бирлик каби шарт-шароитлар вужудга келган, маданий бирлик элементлари бирмунча ривожланган бўлса-да, лекин иқтисодий ҳаёт бирлиги ҳали пайдо бўлган эмас эди. Мамлакатнинг ҳар хил ноҳиялари, вилоятлари, ўлкалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмасдан туриб кишиларнинг миллатга уюшуви мумкин эмас.

Тарих саҳнасида пайдо бўлган буржуа тузуми феодализмга хос бўлган тарқоқлик ва биқикликка хотима берди. Иқтисодий алоқаларни кенгайтди, миллий давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди, майда маҳаллий бозорларни қўшиб, йириклаштириб улкан миллий бозорларга, кейинчалик жаҳон бозорига айлантди, аҳолини ғуж яшайдиган қилди, ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштирди. Шу тариқа зарур бўлган иқтисодий шарт-шароит ва имкониятларни юзага келтирди. Миллат капитализм даврида вужудга келди. Миллат, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «ижтимоий тараққиётдаги буржуа даврининг муқаррар маҳсули ва муқаррар шаклидир»¹.

Миллатнинг кишилар бирлигининг бошқа шаклларида фарқланадиган асосий хусусияти нимадан иборат? Миллат кишилар-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 83-бет.

нинг тарихан ташкил топган бирлиги бўлиб, у хўжалик ҳаёти, тил, ҳудуд, маданиятнинг миллий ўзгичлиги англаш ва миллий руҳият хусусиятларининг ягоналиги билан ажралиб туради. Тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш, маданиятдаги умумийлик — булар миллатнинг энг муҳим белгиларидир.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш усулларининг ўзгариши натижасида ижтимоий тузумнинг, ижтимоий ғоялар, сиёсий ва ҳуқуқий муассасаларнинг, оила, турмуш тарзининг, уруғ, қабила ва синфларнинг ривожланиб туриши жамиятнинг тараққиёт қонунидир.

Тараққиётнинг фаол равишида илгарилаб бориши ўзининг баъзи хусусиятларига эга. Биринчидан, бу ўзгаришлар тасодифий равишда эмас, балки қонуний тарзда содир бўлади. Иккинчидан, бу ўзгаришлар орқага қайтарилмайдди. Учтинчидан, тараққиёт вақт-вақти билан такрорланиб турадиган тартибсиз ўзгаришлардан тубдан фарқ қилади. Тўртинчидан, тараққиёт эскининг янги томонидан, қуйининг юқори томонидан рад этилиши орқали амалга ошади. Бешинчидан, тараққиёт ҳеч қачон ва ҳеч бир жойда тўғри чизиқ бўйлаб бормади, балки ғоят мураккаб жараён сифатида амалга ошади.

Тараққиётнинг энг муҳим хусусияти доимий равишда олға томон илгарилаб боришидир. Кишилик жамиятининг ўсиши, ўзгариши ва ривожланиши ўтмишдан келажакка томон бораётган жараёни шифода эгади. Ишлаб чиқариш қуролларининг оддий, тўпол тошболта ва найзалардан ҳозирги замоннинг мураккаб техникаси томон бораётганлиги бунинг исботидир. Жамият ҳаётининг қайси бир томонини олиб қарамайлик, ҳамма жойда ҳаракат, ўсиш, ўзгариш мавжудлигини кўрмай иложимиз йўқ. Кишилик жамиятидаги тараққиёт оламда рўй бераётган умумий диалектик жараённинг муҳим бир таркибий қисмини ташкил эгади.

Тарих — ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанлик инсоният жамияти ҳеч қачон бир нуқтада туриб қолмаслигини, ижтимоий тараққиёт вақт сингари орқага қайтмайдиган жараёндан иборатлигини кўрсатади. Жамият тараққиётга ҳаминша битта йўлдан — ўтмишдан ҳозирга, ҳозирдан келажакка томон боради. В. И. Ленин «Давлат тўғрисида» асарида бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳеч бир истисносиз ҳамма мамлакатларда кишилик жамиятларининг минг йиллар давомидаги ривожланиши бизга бу ривожланишнинг шундай бир умумий қонуният, тўғрилиқ, изчиллик билан борганини кўрсатадими, энг аввал синфсиз жамият — дастлабки патриархал, ибтидоий жамият бўлган... сўнгра — қуллик асосига қурилган жамият, қулдорлик жамияти бўлган. Ҳозирги замондаги бутун маданий Европа шу қулдорлик жамиятини бошдан кечирган — қуллик 2 минг йил бурун батамом ҳукмрон бўлган»¹.

Тарихда қулдорликдан кейин феодализм, ундан сўнг буржуа тузуми майдонга келган. Бу даврларнинг ҳар бири ўнлаб ва юз-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-жилд, 80—81-бетлар.

лаб асрларни ўз ичига олади, жуда кўплаб сивфий шакллар, хил-ма-хил сиёсий таълимотлар, фикрлар, инқилоблар билан тўлиб-тошиб ётибди. Жамият тараққиётидаги олдинга қараб ташланган ҳар бир қадам ижтимоий иқтисодий муносабатлар, маънавий ҳаёт ёки ишлаб чиқариш қурулларининг такомиллашишида юксакроқ босқични ташкил этади.

Жамият ривожланиши кишиларнинг хоҳиш-продаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошувчи табиий-тарихий жараёндир. Бунинг маъноси шундан иборатки, жамиятнинг юксакликка томон илгарилаб ҳаракат қилиб туришини айрим кишилар ҳам, бутун бошли сивфлар ҳам асло тўхтата ёки секинлата олмайдилар. Шунингдек, улар бу ҳаракатнинг йўналишини ўз истаклари бўйича ўзгартиришга ёки бошқа изга солиб юборишга қодир эмаслар. Жамият тараққиёти текис, равон йўлдан бормади. Жамият ривожланишида тезлашишлар ҳам, секинлашишлар ҳам, гоҳо орқага қайтиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Тарихни тўхтовсиз ва ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан олға қараб борадиган ҳаракат, деб тасвирлаш назарий жиҳатдан хатодир. Илгарилаб борадиган ҳаракат муваққат чекинишлар ва четланишлар, қаттиқ кураш асосидагина амалга ошади. В. И. Ленин тараққиётни зиддиятсиз ҳолда тушунишга қарши чиқиб, бундай деб ёзган эди: «...бутун дунё тарихини баъзан орқага томон катта-катта қадам ташлаб сакрамай, силлиқ ва мунтазам илгари бораётган тарих деб тасаввур қилиш диалектикага хилоф, фанга хилоф, назарий жиҳатдан нотўғридир»¹.

Жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларидаги орқага қайтишлар, чекиниш ва секинлашиш ҳоллари ривожланишининг умумий йўналишини эмас, балки унинг зарурий ҳалқаларини ташкил этади. Тарихий тараққиёт жараёнидаги вақтинча чекинишлар ва тўғоноқлар мутлақ эмас, балки нисбий, вақтинчадир. Тарихий тараққиёт бугун бўлмаса эртага, бу ерда бўлмаса бошқа ерда ўзига йўл очиб олади, янгилик эскилик устидан пировард оқибатда ғалаба қилади. Жамият ривожланишининг умумий йўналиши — вақтинча чекинишлар, секинлашишлар орқали тобора юксакликка томон боришдир. Бу — тарихнинг қатъий ҳукмидир.

Ижтимоий тараққиётнинг асосий ва олий мезони — ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини ижтимоий тараққиётнинг мезони деб ҳисоблашнинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар бўлмаса жамият яшаши ва ривожланишнинг асоси бўлган моддий бойликларни яратиш бўлмайди. Моддий бойликлар бўлмаса ва улар такрор ишлаб чиқарилмаса жамият яшай ҳам, ривожлана ҳам олмайди. Тарих шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳаминша такомиллашиб боради, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам янгиланиб, ривожланиб туради. Кўриниб турганидек, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти кишиларнинг тирпкчилиги учун зарур бўлган

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 30- жилд, 7- бет.

воситаларни ишлаб чиқариш каби энг муҳим соҳадаги тараққиётнинг бевосита белгисидир. Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига ва даражасига мувофиқ келмай қолиши иқтисодий тузумдаги ўзгаришларга, бир формациядан бошқа формацияга ўтишга сабаб бўлади. Учинчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти инсоннинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш даражасини белгилаб беради. Тўртинчидан, ижтимоий муносабатлар, илм-фан, маданият, таълим ва ижтимоий соҳалардаги тараққиёт ҳам оқибат натижада моддий ишлаб чиқариш усули тараққиётга бевосита боғлиқ.

Кишилик жамиятининг тўхтовсиз равишда ривожланиб, илгарилаб бориши жараёнида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси ошиб боради, ҳар бир янги формация фан-техника ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун ўзидан олдинги тузумларга нисбатан кенг имкониятлар очиб беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлардан кейин бутун ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз беради. «Меҳнат унумдорлиги янги ижтимоий тузумнинг энгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсасидир. Капитализм крепостнойлик давридан мисли кўрилмаган меҳнат унумдорлигини яратди. Социализм янги, хийла юқори меҳнат унумдорлигини яратгандагина капитализм батамом енгилиши мумкин ва албатта батамом енгилади»¹, — деб ёзган эди В. И. Ленин. Юксак меҳнат унумдорлигига эришиш совет жамияти тараққиётини жадаллаштиришининг, унинг ижтимоий-иқтисодий заминларини мустақкамлашнинг муҳим омилдир. Ижтимоий тараққиётнинг мезонини ифодалайдиган омиллар ичида ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятлари, жамиятнинг сиёсий тузуми, турмуш тарзи, ижтимоий адолатлилик ҳам катта ўрнни тутади.

Тарихий тараққиёт жаҳоннинг барча мамлакатларида бир хил тезликда бормади. Бу нарса тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидан келиб чиқади. Халқлар, миллатлар, мамлакатларнинг ижтимоий ривожланишда тутган ўрни, ўйнаган роли, юксалиш суръати ҳам кўпинча ўзгариб туради. Шунга кўра тарихий тараққиётнинг турли босқичларида халқларнинг ривожланиш суръати ҳам бир хилда бўлмасдан, балки турлича бўлган. Баъзи халқлар ва мамлакатлар маълум объектив шароитларга кўра ўз иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётларида бошқалардан илгарилаб, ўзиб кетади. Шунинг учун улар илғор халқлар деб аталади. Иккинчи бир халқ эса цивилизация тараққиётидан орқада қолади. Демак, уларни илғор халқ деб бўлмади. Илғори қолақ бўлиб, бошқа халқлардан маълум даражада орқада қолиб кетган, бошқача қилиб айтганда, кечикиб қолган халқлар қулай халқаро муносабатларга дуч келиши ҳамда тарихий шароитнинг ўзгариши билан ўзларининг ўсиш суръатларини шунчалик тезлаштирганларки, натижада кўпроқ тараққий қил-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-жилд, 24-бет.

ган бошқа халқлардан ўзиб кетганлар. Натижада жаҳоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётида авангардлик родини ўйнай бошлаганлар, инсониятнинг келажак йўлини кўрсатиб беришда намуна бўлганлар. Тарихда бундай ҳодисалар кўп бўлган.

Ўзгарувчан тарихий тараққиёт жараёнида айрим халқлар олға кетиб, ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафига ўтиб олган бўлса, бошқалари эса ўзининг юксалиш имконияти жиҳатидан цивилизация тараққиётининг умумий оқимидан четда қолиб, тараққиётнинг турғун шакллари билан чегараланиб қолганлар. Бироқ тарихий шароитнинг ўзгариши билан цивилизациянинг улкан югуқлари чегарасидан четда қолиб кетган халқлар ва миллатлар ҳам тарихий тараққиётнинг умумий оқимига келиб қўшилидилар, кишилик жамияти тараққиётининг баъзи босқичларини босмасдан «сақраб» ўтадилар, илгариги қолоқлик, турғунлик ҳолатидан қутулиб, ижтимоий ва сиёсий тараққиётда етакчилик қилаётган халқларга етиб оладилар, ҳатто улардан ўзиб ҳам кетадилар. Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айни бир даврнинг ўзида ер юзида бир неча ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг бир вақтда яшаганлигини кўришимиз мумкин.

Инсониятнинг келажак сари бошлаган, бир неча юз минг йилларни ўз ичига олган тараққиёт йўли тарихий шароитларда турли йўللар ва ҳар хил тарихий муддат ва шароитларда амалга ошган. Ибтидоий жамоа тузумида инсоннинг ҳаёти ва жамият тараққиёти табиий-иқлимий омилларга, географик қулайликларга бевосита боғлиқ бўлган. Тарих саҳнасига синфий жамиятларнинг бириги-кетин келиши, ижтимоий синфий антагонизмлар пайдо бўлиши ва уларнинг кескинлаша бориши натижасида жамият тараққиёти синфий кураш қонунига зарурий равишда бўйсунган. Буржуа жамияти ўрнида пайдо бўлган совет жамияти тараққиётини олға томон ҳаракатлантирувчи кучлар синфий жамиятлар давридагидан тубдан фарқ қилади.

Социализмда ижтимоий тараққиёт қамрови кенгайиб ва чуқурлашиб боради. В. И. Ленин уқтирганидек, «социализмни қандайдир ўлик, қотиб қолган, доимо бир зайлда турадиган нарса деб билувчи одатдаги буржуа тасаввур мутлақ сохта тасаввурдир, ҳолбуки ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида тезлик билан, ҳақиқий, чинкам, оммавий суратда *кўпчилик* аҳолининг, сўнгра эса бутун аҳолининг иштироки билан олға қараб борадиган ҳаракат амалда *фақат* социализмдан бошланади»¹.

Социалистик жамиятнинг ривожланиши объектив қонуний жараёндир, ammo бу социалистик жамият ҳеч қандай тўсиқларга, қийинчиликларга дуч келмайди, деган сўз эмас. Социализм шароитида тараққиёт тўғри чизиқ бўйлаб амалга ошмайди. Бу жамиятда ҳам ижтимоий тараққиёт қийинчиликлар ва зиддиятларни ўз вақтида пайқаш, уларнинг рўй бериш сабабларини чуқур ўрганиш ва, ҳал қилиш асосида юз беради. Социализм даврида

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-жилд, 116-бет.

жамият қанчалик юксак босқичга етмасин, бу охирги чегара эмас, балки бундан кейинги илгарилаб боришнинг қадамидир, холос. «Ҳамма гап шундаки,— деган эди В. И. Ленин.— биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, албатта олға қараб боришимиз, албатта кўпроқ натижаларга эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазибалардан оғирроқ вазибаларга ўта боришимиз керак. Бусиз умуман ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас, социалистик қурилишда ҳам тараққиёт бўлиши мумкин эмас»¹.

Тараққиёт нурафшон йўл билан борадиган ҳаракат сифатида кенг маънодаги тушунча бўлиб у ёки бу системанинг бир бутун қисмини ва унинг айрим бўғинларини тавсифлайди. Ижтимоий ҳаётда илмий-техник тараққиёт билан бирга социал тараққиёт, маънавий тараққиёт, ахлоқий тараққиёт ва бошқалар ҳам мавжуд бўлади. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, жамият жабҳалари у ёки бу томонларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради.

Илмий-техник тараққиёт ҳозирги замон фанлари ютуқлари асосида ижтимоий ишлаб чиқаришда содир бўлаётган туб, сифатий ўзгаришлардир. Унинг ижтимоий моҳияти ишлаб чиқаришда одамнинг ўрни ва ролининг ўзгаришидан иборат.

Социал тараққиёт соғлиқни сақлаш, савдо, уй-жой, маиший, кишиларнинг социал ҳимояланганлиги каби томонлари ўзига қамраб олади. Маънавий тараққиёт маънавий ишлаб чиқариш, халқ маорифи ва маданиятнинг ривожланиши, меҳнаткаш омманинг ватанимиз ва бутун жаҳон маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш даражаси, кадрларни тайёрлаш, адабиёт, санъат ва бошқаларни ривожлантириш билан тавсифланади. Ахлоқий тараққиёт эса жамиятнинг, меҳнат жамоаларининг, оиланинг ахлоқий-руҳий ҳолати, маънавий қадриятлар ва улардан бутун жамият манфаати йўлида фойдаланиш даражаси билан белгиланади.

ХҲ Б О Б. МАДАНИЯТ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ

1. МАДАНИЯТГА ФАЛСАФИЙ ЕНДАШИШ. МАДАНИЯТ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Ижтимоий ишлаб чиқариш кишилар маънавий ҳаётининг негизидир. Инсон миёсида ҳеч қандай фикр, ҳеч қандай қараш ва тушунча ўз-ўзидан тугилмайди ва ривожланмайди, балки уларнинг ҳаммаси моддий шароитлар, табиий омиллар, ташқи таъсирлар билан узвий боғланган ва жамиятдаги моддий жараённинг маҳсули сифатида вужудга келгандир.

Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамиятнинг энг қадимий, илк босқичларига бориб тақалади. Бошқача айтганда, маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 37-жилд, 226-бет.

алоқадордир. Маданият тарихи — жамият тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан, моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулидан ажратиб олиш мумкин эмас. Жамият бор экан маданият ҳам мавжуд бўлади. Инсоннинг инсонга хос хислат ва фаэтилатларга эга бўлиши, табиатга таъсир этиши, ижтимоий фаэтилатга киришуви, маданий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқиши ва истеъмол қилиши маданиятга, унинг ютуқларида қанчалик фойдалана олганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маданиятнинг ривожланиши инсоннинг ўзи қанчалик ўсганлиги, унинг билишлари нечоғлиқ кенгайганлиги, қобилияти нақадар такомиллашганини кўрсатади.

Айрым олимларнинг фикрларига кўра, маданиятнинг вужудга келтирувчи, сақловчи ва наслдан-насла қолдирувчи асосий куч — бу асилзодалар, машҳур шахслардир. Ҳақиқатда эса халқ фақат моддий бойликларнигина эмас, шу билан бирга маданиятнинг ҳам яратади. Халқ оммаси битмас-туганмас қобилият эгаси ҳисобланади. Фан ва техника соҳасидаги энг муҳим ихтиро ва янгилликлар, ишлаб чиқарувчи кучлар ва маданиятни ривожлантириш якка-якка кишиларнинг иши эмас, балки тарихнинг ҳақиқий ижодкори бўлган халқ оммасининг ишлаб чиқариш фаэтилатидан келиб чиқадиган зарурий натижалардан иборат.

Халқ оммаси ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятнинг асосчиси дир. Энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг ҳам яратувчиси халқ оммасидирки, тилсиз на жамият, на илм-фан, на маданият бўлиши мумкин. Бу ҳақда В. Г. Белинскийнинг қуйидаги фикри эътиборга сазовордир: «Тилни кашф қилиш мумкин эмас, чунки уни халқ яратади. Филологлар фақат унинг қонунларини очадилар ва уларни системага соладилар, ёзувчилар эса ана шу қонунлар асосида ижод қиладилар»¹.

Маънавий маданиятнинг барча турлари, жумладан қўшиқ ва мусиқа ҳам кенг халқ оммаси амалий фаэтилатининг маҳсулидир. Бундай дейилишининг асосий босси шундан иборатки, кун бўйи қилинган меҳнатдан ҳосил бўлган чарчаш, толиқиш, ҳорғинликнинг енгишда, кайфиятни яхшилашда, рўзни тетик ва бардам қилишда қўшиқ ва мусиқа кишиларга ёрдам берган. Қўшиқ ва мусиқа меҳнатнинг йўлдошидир, у халқ ҳаётидан, тарихдан ажралмасдир.

Халқ оммаси нима учун мусиқий? Унинг маънавий бойликларини тўхтовсиз равишда яратиб туришининг босси нимада? Чунки мусиқа меҳнат унумини оширишда қудратли омиллардан биридир. Қўшиқлар ҳам, ўйинлар ҳам халқ томонидан ўнлаб йиллар, ҳатто юз йиллар давомида яратилган, халқ уларда қимматли нарсаларнигина қолдирган. Биронта ҳам одам ўзининг қисқа ҳаёти давомида бундай ишни қила олмайди — бу иш фақат

¹ В. Г. Белинский. Адабий орзулар, 17-бет.

халқнинг қўлидан келади. Халқ барча маънавий бойликларнинг ҳам ижодкори, ҳам асровчисидир.

Дунёда қўшиқ айтмайдиган, дилрабо қўшиқ, мусиқа ва байтлардан завқланмайдиган халқ, миллат ва элат бўлмаса керак. «Инсонлар шодликсиз яшай олмасдилар, улар кула билар, қувноқ қўшиқлар тўқир, рақсни севардилар,— деб ёзган эди М. Горький «Савъат ҳақида» мақоласида. — Улар ўз меҳнатларининг муваффақиятларидан қувониб, ҳатто қоҳинларнинг диний маросимларида ҳам (қўшиқ, рақс) ўзини ижро қилишар ва ҳатто Инсонинг ҳафагазак эпидио черкови ўз байрамларида қувноқ ашулалар айтилишига йўл қўйишга мажбур бўлган»¹.

Ўтмиш аждодлардан қолган қўшиқлар, эртактар, термалар, достонлар, байт ва лапарлар, барча фольклор асарлари — инсоният кўнглидаги гам-андуҳнинг бадийий ифодаси, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг дурдонаси, унинг ахлоқий, бадийий, фалсафий қарашларининг битмас-туганмас хазинасидир. Қўшиқ ва мусиқа, бадийий асарлар, умуман маънавий маданият бойликларининг мазмун ва моҳиятига қараб уларни яратган, авайлаб-асраб келган халқ оммасининг орзу-истакларини, ўтмиш замонларда бошдан кечирган азоб-уқубатларини, тарихий тараққиёт йўлини билиш мумкин.

Барча моддий ва маънавий маданият дурдовалари — инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Халқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, балки уни тўхтовсиз равишда бойитувчи, ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга етказиб турувчи ҳамдир.

Маданий тараққиётнинг умумий қонуनларидан бири — унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборатдир. Маданиятнинг ривожини заманида моддий ишлаб чиқаришнинг ривожини асос бўлиб ётади. Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг, ишлаб чиқариш усулларининг алмашилувига қараб маданият ҳам сифат жиҳатдан ўзгаради. Жамиятнинг тараққий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қилади, маданиятнинг янгиланиши эса ўз навбатида жамиятнинг тараққий қилишига сабаб бўлади. Бу ҳол айниқса инқилобий даврларда яққол намоён бўлади. Социал инқилоблар натижасида сиёсий ҳокимият бир синф қўлидан иккинчисига ўтади, ишлаб чиқариш воситаларига ҳукмронлик шакллари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлган каби маънавий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлади.

Инсониятнинг маданий-маънавий ҳаётида рўй берадиган туб бурилишлар айрим кишиларнинг хоҳиш-иродасига, орзу-истакларига асло боғлиқ эмас. Тарихий тараққиётнинг бориши ва йўналишини белгилаб бера оладиган асосий куч мавжуд. Бу асосий куч — халқ оммасидир. Маданият халқ оммасининг амалий фаолиятидан ташқарида ўзгармайди. Бир ижтимоий-иқтисодий фор-

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида. Тошкент, ЎзССЖ Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1982, 339-бет.

маданиятнинг иккинчиси билан қонуний алмашинувида тарихий тараққиётнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи халқ оммасининг пиклоблӣ фаолияти ҳисобланади. Халқ оммасининг амалӣ фаолиятчи жараёнида маънавий маданиятнинг мазмунида ҳам ўзгаришлар бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинуви жараёнида маданият тарихий типларининг қонуний равишда ўзгариши маданий тараққиёт узилиб қолганини, эски маданият йўқ бўлиб кетганини, ўтмиш маданий меросдан воз кечилганини билдирмайди. Ҳар бир янги формация ўзидан олдинги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади, уни қайтадан ишлайди, ўз талабига мослаштиради, ундан ижодий ва танқидий равишда фойдаланади. Инсоният томонидан яратилган энг яхши ва қимматли нарсалар, моддий ва маънавий бойликлар янги тарихий шароитда ўзлаштирилади, қайта ишланади ва ривожлантирилади. Бир формация билан иккинчи формация, эски авлод билан янги авлод ўртасида ўзаро алоқадорлик, тарихий боғланш, маданий ҳамкорлик шу тариқа амалга ошади.

Тарих майдонига кириб келаётган ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод томонидан яратилган материаллар, илмий билимлар, тарихий тажрибалар ва маданий бойликлардан фойдаланмасдан туриб олга томон ривожлана олмайди. Шунингдек бир миллат бошқа бир миллатдан ҳам биров-бир янгилкни албатта ўрганиши керак.

Маданият жуда мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-спесий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар маданиятга кирди. Маданият дейилганда меҳнат қуролиларини яратиш ва улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатчи ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий, ўрта махсус ва олпий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий-фалсафий гоялар ва бошқа шу кабилар назарда тутилади. Маданият аввало жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида эришган босқичини: кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларини, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларни ифодалайди. Маданият тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий формациялар, миллатлар тараққиети, моддий ва маънавий даражаси, инсон фаолияти ва турмушининг ўзига хос соҳаларини изоҳлаш учун қўлланади. Маданият тушунчаси ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. У одамзод ақл-идрокининг энг юксак чўққиларигача бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади.

Маданият муайян тарихий даврда жамият тараққиётининг маънавий савиясини ифода этувчи, кишиларнинг моддий ва маънавий

бойликлар ишлаб чиқаришдаги бутун ижодий фаолиятини акс эттирувчи кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир.

Қайд қилиб ўтилганидек, маданият халқ оммаси томонидан асарлар мобайнида яратилган ва яратилаётган тарихан таркиб топган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисини ифода қилади. Маданият жамият тараққиётига таъсир кўрсатади.

Маданият тушунчаси билан ижтимоий ҳаёт тушунчаси айнан бир хил эмас. Ижтимоий ҳаёт маданият тушунчасидан анча кенг. Ижтимоий ҳаёт тушунчасига маданиятдан ташқари ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, синфий ва миллий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий ташкилотлари, тил ва тафаккур сингарилар ҳам киради. Маданият инсон фаолиятининг фақат моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган билим бойликларни, тажрибаларни, қобилиятларни, ишлаб чиқариш ва касб малакаларни, ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг икки асосий тури — моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга — моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Маданиятнинг бу турлари ўзининг мазмуни ва моҳиятига қўра бир-биридан ўзаро фарқ қилади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролирини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуни, уларни ишлаб чиқариш воситалари (ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника ва технология, машиналар, техник иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар) киради. Моддий маданиятга кишиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, қобилияти, малакаси ҳам кирадики, буларсиз ишлаб чиқариш жараёниларини ташкил этиш мумкин эмас. Моддий маданиятнинг асосий қисмини кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланадиган меҳнат предметлари ва ишлаб чиқариш воситалари ташкил этади.

Моддий маданиятдан ташқари маънавий маданият ҳам мажжудки, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадиий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, тафаккурнинг барча шакллари ва дунёқарашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги гоилар ва таълимотларни, бадиий асарлар, эстетик қарашларни, Маркснинг сўзлари билан айтганда, «маънавий ишлаб чиқаришни» ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, фалсафа, ахлоқ, санъат соҳасидаги бойликлар, яъни маънавий маданият бойликлари яратилади. Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, Ғастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариятчилар, хуллас, халқ оммаси томонидан яратилади ва истеъмол қилинади. Маънавий бойликлар авлоддан авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Маънавий маданиятни яратиб, ўзлаштириб ва ривожлантириш жараёнида жамият тараққий этади, меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланади, кишиларнинг маънавий қиёфаси шаклланади, одоб-ахлоқи, дид ва фаросати, эстетик завқи, ижодий куч ва қобилиятлари тараққий этади. Бунинг натижасида киши ақлий, ахлоқий, бадний, эстетик жиҳатдан бойийди.

Маориф, санъат, театр ва кино томошалари, тасвирий санъат асарлари, мақоллар, маталлар, ривоятлар, қўшиқ, мусиқа, аруз ва байтлар, лапар ва рақслар, умуман халқ ижодиёти маънавий фаолиятнинг муҳим элементларидир. Мактаб ва олий ўқув юрлари, кутубхона ва музейлар, матбуот, радио ва телевидение ва бошқалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Маданиятнинг барча турлари диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликдадир. Моддий маданиятни маънавий маданиятдан батамом ажратиб қараш тамомилан нотўғри. Инсоннинг амалий фаолиятида, моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий маданият органик равишда бирлашади. Биронта ҳам меҳнат қурулини, моддий бойликнинг биронта ҳам турини инсон ақл-идроки ва тафаккурисиз, ақлий меҳнатсиз яратиб ва такомиллаштириб бўлмайди. Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айни бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнати объектив равишда иштирок этади. «Одам табиат моддасини ўз ҳаёти учун яроқли бўлган маълум бир шаклда ўзлаштириб олиш учун — деб ёзади К. Маркс, — ўз баданининг табиий кучларини: қўл ва оёқларини, бош ва бармоқларини ҳаракатга келтиради. Шу ҳаракат воситаси билан ташқи табиатга таъсир қилиб ва уни ўзгартириб, одам, шу билан бирга, ўз табиатини ҳам ўзгартиради»¹.

Амалий фаолиятда инсоннинг тафаккур натижалари моддийлашади; нарсаларга, буюмларга, техника воситаларига, санъат асарларига айланади. Бошқача айтганда, ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақлий ва жисмоний меҳнатининг ўзаро синтезидан бошқа нарса эмас.

Жамиятнинг моддий ҳаёти белгилловчи асосдир, маънавий ҳаёт эса моддий ҳаётнинг инъикосидир. Жамиятнинг моддий ҳаёти кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив реалликдир, бинобарин, у маънавий ҳаётга нисбатан белгилловчидир. Демак, жамият маънавий ҳаётининг тузилиши ва тараққиёт маъбани, ижтимоий ғоялар, ижтимоий назариялар, сиёсий қарашлар, сиёсий муассасаларнинг келиб чиқиш сабабини уларнинг ўзидан эмас, балки жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларидан, ижтимоий турмушдан қидирмоқ керак.

Жамият маънавий маданияти моддий маданият томонидан белгиланса ва унга нисбатан ҳосила нарса бўлса-да, ammo моддий маданиятга нисбатан қолюқ, суёт эмас. Маънавий маданият моддий маданиятга нисбатан нисбий мустақилликка эга. Бунинг маъ-

¹ К. Маркс. Капитал, 1-жилд, 201-бет.

носи шундан иборатки, маънавий маданият моддий маданият ривожланишига акс таъсир кўрсатади. Маънавий маданият моддий маданиятни бойнатади.

Маънавий маданият воқеъликни бадний акс эттириш ва ўзлаштиришнинг фаол воситасидир. Маънавий маданият моддий ишлаб чиқариш тараққиётига, кишилар ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳаларига хизмат қилувчи реал куч сифатида майдонга чиқади.

Айрим вақтларда маданият жамиятнинг умумий тараққиётидан илгариллаб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин. «Санъат хусусида маълумки, — деган эди К. Маркс, — унинг равиқининг айрим даврлари жамиятнинг умумий тараққиёти даври билан, бинобарини, жамият моддий асосининг ривожланиши билан асло бир вақтга тўғри келмайди, ваҳоланки жамиятнинг моддий асоси унинг тузилишининг скелетига ўлшаган бир нарсадир. Масалан, греклар ҳозирги замон халқларига қиёс қилиб кўрилсин, ёки Шекспир ҳам худди шундай»¹.

Моддий ва маънавий маданият ўзаро таъсир ва акс таъсирининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари В. И. Лениннинг «Кооперация тўғрисида» асарида чуқур ва ҳар томонлама ёритилган. «...маданиятли бўлмоқ учун, — деб ёзган эди у, — моддий ишлаб чиқариш воситалари маълум даражада ривожланиши керак, маълум моддий база керак»². Жамият тараққиётида маданиятнинг моддий асоси муҳим ўрин тутатади.

Синфий жамиятларда маънавий маданият ўзининг тоғвий мазмунига кўра ҳам, амалий йўналишига кўра ҳам синфий хусусият касб этади. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши, қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлиши билан маданият синфий мазмунга эга бўла бошлайти. Энди у биринчи навбатда моддий ва маънавий бойликларнинг, сиёсий ҳокимиятнинг эгаси бўлган эксплуататор синфларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлай бошлайти. Маданий бойликларни яратишда ҳал қилувчи роль ўйнаган меҳнаткашлар оммаси эса ўзининг ўзгартирувчилик фаолияти меваларидан тўла фойдалана олмайти.

Антагонизмга асосланган жамиятларда синфлар ва синфий манфаатлардан устун турадиган, ҳам эзувчи, ҳам эзилувчи синфларга бир хизмат хизмат қилмадиган умумий маданият йўқи ва бўлмайти. Ҳар бир миллатнинг иккита маданияти — ўз моҳиятига кўра халққа қарши бўлган эксплуататорлар маданияти ва халқ оммасининг орзу-умидларини ифодалайдиган демократик маданият мавжуд бўлади. В. И. Ленин капитализм шароитида ягона бир маданият, яъни бир вақтнинг ўзида меҳнаткашлар манфаатини ҳам, меҳнаткашларни эзувчи эллилар манфаатини ҳам акс эттирадиган маданият бўлиши тўғрисидаги реакциян уйдирмаларини фош қилиб, ҳар бир маданиятда иккита миллий маданият — халқ маданияти ва эксплуататорлар маданияти борапти

¹ Маркста-Ленинча философия хрестоматияси, 1-жилд, 90-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 43-жилд, 422-бет.

кўрсатиб бундай деб ёзган эди. «*Ҳар бир* миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият *элементлари* бор, чунки, *ҳар бир* миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик маффуриани туғдиради. Лекин *ҳар бир* миллатда буржуа маданияти (кўпинча эса ҳалигача қорагуруҳча ва клерикалча маданият) ҳам бор, — бўлганда ҳам «элементлар» шаклидагина эмас, балки *ҳукмрон* маданият шаклидадир. Шу сабабли умуман «миллий маданият» помешчиклар, поплар, буржуазия маданиятидир»¹.

Антагонистик формацияларда ҳар бир миллий маданиятда икки маданият борлиги ҳақидаги ленинча таълимотда ҳукмрон эксплуататорлик маданиятига қарши курашга олиб келувчи плфор ва социалистик маданият элементларини фарқлаш лозимлиги таъкидланган.

Ҳар бир формация тараққиётида маданият ўзига хос муҳим белги ва хусусиятларга эга, чунки ҳар бир формация ўз маданий бойликларини яратади ва шу тариқа бошқа тузумлардан фарқланиб туради.

Ижтимоий-иқтисодий формациялар умумсоциологик қонуниятлар асосида бир-бири билан узвий боғланишда бўлганидек, маданиятнинг тарихий типлари ҳам диалектик алоқадорлик ва ўзаро боғланишдадир. Маданиятнинг бир тарихий типидан иккинчига ўтиш ўтмишида эришилган маданий ютуқларнинг барча қимматли томонларини улоқтириб ташлаш деган сўз эмас. Ҳар бир авлод ўзи учун махсус янги моддий база ташкил этмайди, илм-фан ва маданиятни янгидан яратмайди, балки ўзидан олдинги авлодлар томонидан яратилган материаллардан, ишлаб чиқарш кучларидан, моддий ва маънавий маданият ютуқларидан фойдаланади. Олдинги авлодлардан қолган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, маданий бойликлар кейинги авлодларнинг яшashi ва тараққий этиши учун моддий ва маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Ўтмишда қўлга киритилган тажрибани эгалламай ва ижодий ўзлаштирмай туриб олға томон ривожланиб бўлмайди. Ҳар бир авлод илгарига қараб қилган ҳаракатида ўзидан олдинги барча авлодларнинг йўлини давом эттиради. Янги авлод олдинги авлодлардан қолган тажрибага ўзининг хусусий тажрибасини қўшади. Жаҳон тарихи шу йўсинда барпо қилинади. Бунга инсониятнинг қулдорлик даврида яратган маданий бойликлари мисол бўла олади. Қадимги юнон маданиятининг Гомер ва Герадот, Демокрит ва Софокл, Платон ва Аристотель сингари ва бошқа буюк мутафаккирларнинг тарих ва фалсафа, адабиёт ва санъат, астрономия ва математика, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик, илм-фан ва маданиятнинг турли соҳаларига доир асарлари инсониятнинг энг катта маънавий бойлигидир. Улар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-жилд, 139-бет.

К. Маркснинг «Муқаддима» деган асарида таъкидланишича, қадимги юнон адабиёти, санъати ва эпоси ҳозир ҳам кишиларга бадий завқ беради ва маълум жиҳатдан ҳамон норма бўлиб ва энг юксак намуна бўлиб хизмаг қилади. Ф. Энгельс қуллик қадимги дунё маданиятининг тараққиёти учун, грек маданияти учун шароит яратганлигини таъкидлаб бундай деган эди: «Қуллик бўлмаганда, грек давлати, грек санъати ва грек фани ҳам бўлмас эди: қуллик бўлмаганда, Рим империяси ҳам бўлмас эди. Греция ва Рим қуриб берган пойдевор бўлмаганда эса — ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди. Бизнинг бутун иқтисодий, сиёсий ва ақлий тараққиётимизнинг дастлабки шarti шундай бир тузумдаш иборат бўлганки, бу тузумда қуллик қай даражада умум томонидан эътироф қилинган бўлса, ана шу даражада зарур эди. — буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ана шу маънода биз: антик қуллик бўлмаганда, ҳозирги замон социализми ҳам бўлмас эди, деб айтишга ҳақлимиз»¹.

Қулдорлик жамиятида бўлгани сингари ўрта асрчилик шароитида ҳам илм-фан ва маданият анча ривожланди. Бу даврда қийинчиликлар, зиддиятлар беҳад чуқурлашиб, ўзаро феодал урушлар ва ички низолар ниҳоятда авж олиб ва кескин тус олиб кетганлигига қарамай, ишлаб чиқарувчи кучлар бирмунча ривожланди, техника тараққий этди, ҳунармандчилик ва савдо ўсди, йирик-йирик шаҳарлар юзага келди, денгиз йўллари, карвон йўллари очилди, фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш янада ривожланди. Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» асарида уқтирганидек, феодализмда математика, механика, астрономия ва бошқа табиий фанларнинг ривожланиши сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг тараққиётига замин яратди. Ўрта асрлар шу билан бирга жаҳон фани ва маданияти тараққиётига чексиз ҳисса қўшган буюк ақл соҳиблари ва тафаккур даҳоларини етиштириб берганлиги билан ҳам тавсифланади. Буни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг жумладан ўзбек халқининг маданий-маънавий ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг маданияти ҳам жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Биронта халқ маданияти ўз мамлакати доирасида, тор миллий биқикликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс таъсир этиш асосида ривожланади. Ўзбек халқи маданияти ҳам худди шу йўл билан ривожланди.

Ўзбек халқи маданияти фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсири остида ҳам ўсди, ривожланди. Хитой, қадимги дунё ҳамда Рим даври маданияти, жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданияти-

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 174-бет.

нинг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Урта аср маданиятининг буюк намояндalари Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Алл ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар томошадан яратилган подир асарларнинг инсоният маънавий хазинасининг дурдонаси, жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти ривожланиш бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юсак чўққиларга кўтарилиш, Уйғониш давлари ҳам, аксинча, буюк Уйғониш давларидан кейин эса маълум объектив ва субъектив омиллар таъсирида нисбий турғунлик, тушқунлик давлари ҳам бўлган. Маданий тараққиётдаги нотекисликнинг, баъзан жуда катта тезлик билан беҳад илгарилаб кетишнинг, гоҳида эса сусглашиб, секинлашиб, турғунликка учраб қолишнинг асосий сабаби ва туб моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ва хусусиятидан, ички ва ташқи сабаблар таъсиридан қидиришга тўғри келади. Инсоният тараққиёти ҳар доим узлуксиз ва бир текис боравермайди. Тарихда баъзан турғунлик, эришилган ютуқлардан чекланиш, маданиятнинг баъзи соҳаларида депрессия ҳоллари ҳам бўлиб туради. «Босиб ўтилан босқинчларни такрорлаётгандек бўлиб кўринадиган, лекин уларни бошқача, янада оқорироқ базада такрорлайдиган тараққиёт («инкорни инкор этиш»), тўғри чизиқ билан эмас, айтайлик, спираль тарзда борадиган тараққиёт»¹ маданий юксалишни тушунишнинг муҳим белгиларидан биридир.

Феодаллар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, урушлар, сув ва савдо йўлларининг ўзгариши, чел эл босқинчиларининг, асосан араб ва мўғулларнинг бостириб кириши Урта Осиё иқтисодиёти ривожланишига ҳалақат берди, маданият ва фаннинг юксалишига салбий таъсир кўрсатдики, бу ердаги халқлар иқтисодий ва маданий ҳаётини издан чиқариб юборди. Босқинчилар маҳаллий аҳоли маданиятини яқсон қилдилар, ноёб маданият ёдгорликларини таладилар, кутубхоналарга ўт қўйдилар, олимлар, ҳунармандлар, шоир ва ёзувчиларни таъқиб остига олдилар. Араб босқинчиларининг ваҳшийликлари Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кескин фош этилганлиги кўпчиликка яхши маълум. Босқинчилар қавчалик ваҳшийликлар қилган, маданий тараққиётни кейинга улоқтириб ташлаган, маданиятнинг моддий заминларига путур етказган бўлишмасин, лекин уни бутунлай йўқ қила олмадилар. Гарчи қийинчиликлар, баъзан орқага қайтиш, турғунлик, депрессиялар асосида бўлса-да, маданий тараққиёт умуман тўхтамади, тўхташи мумкин ҳам эмас эди. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, маданият қандай вайрон қилинмасин уни тарихий турмушдан ўчириб ташлаш мумкин эмас, уни тиклаш қийин бўлади, аммо ҳар

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 26-жилд, 60-бет.

қандай вайронлик бу маданиятни ҳеч вақт бутунлай йўқ қилиб юбора олмайди¹. Маданият тарихидан биронта босқични ёки унинг бирон бир бўлагини узиб олиб ташлаш мумкин эмас. Чунки унинг навбатдаги ҳар бир босқичи олдинги босқичи билан завжирли ҳалқадек узвий боғлиқ бўлади.

Маданият дейилганда ушш моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Инсон томонидан амалга ошириладиган ишнинг ҳар бири хилма-хил меҳнат қуролларидан фойдаланишни, ҳунарларни ишга солишни, билгим бойликлари, малака, маҳорат, тажрибага асосланиши зарурий равишда тақозо этади. Бу касбий маданиятни ташкил этади.

Инсоннинг юксак даражада маданиятли, билимдон, фан-техника ютуқларидан хабардор бўлиши, жамики ижобий фазилатлари, хулқ-атвори ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида катта ўрин тутати. Буларнинг ҳаммаси шахс маданиятига хос нарсалардир.

Маданиятга кишиларнинг бир-бирига муносабатлари, оқладаги, мактаблар, олий илмгоҳлар, жамоалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалардаги ўзаро муносабатлари ҳам кириди. Ижтимоий муносабатлар мажмуаси бўлган инсон ўзидан бошқа кишилар билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан, одамларнинг ақл-идроки, фикр-мулоҳазалари, маслаҳатларидан фойдаланмасдан туриб яшай олмайди. Ўзаро алоқадорлик, мулоқотнинг аҳамияти ҳозирги кўп партиявийлик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу фазилатлар ўзаро муомала маданиятида ифодаланади.

Кўпинча «зиёлилик» тушунчаси билан «маданиятчилик» тушунчаси тенглаштирилади. Булар айнан тенг эмас. Зиёлилар — ақлий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шуғулланувчи (фан ва маданият ходимлари, муаллимлар, мухандислар, техниклар, шифокорлар, оқловчилар, хизматчиларнинг катта қисми) қатламдир. Маданиятчилик деганда эса камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, саховатпешалик, инсонпарварлик, самимийлик, бировларга қўлидан келадиган яхшиликларни раво кўриш, меҳмондўстлик, саҳийлик сингари олижаноб инсоний фазилат ва хислатларга эга бўлган, ахлоқий қондаларга тўла амал қиладиган, ўзи мансуб халқ ва миллатнинг ҳамда бошқаларнинг ҳам тили, тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қиладиган ва эъзозлайдиган кишилар кўз олдимизга келади.

Шунингдек «маданият» тушунчаси билан «цивилизация» тушунчаси ўртасидаги фарқни эътиборга олмасдан уларни бир хилда қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Маданият билан цивилизация узвий алоқада бўлади. Лекин «цивилизация» ҳам маданиятни ифодалайдиган тушунча бўлса-да, улар ўртасида фарқ бор. Цивилизация — инсон ва жамиятнинг маданий ўзгартирувчилик фаолиятининг моддий ифодасига тегишли барча шакллар ва турларнинг мажмуи. Шунинг учун ҳам инсон ва

¹ Қаранг: В. И. Ленин. Асарлар, 27-жилд, 120-бет.

жамиятнинг моддий, маънавий, бадний соҳаларда ўзгартирувчилик фаолияти цивилизациянинг ҳал қилувчи белгисидир. «...Цивилизация ижтимоий тараққиётнинг шундай бир босқичидирки, — деб таъкидлаган эди Ф. Энгельс, — бу босқичда меҳнат тақсмоти, ундан келиб чиқадиган ва айрим шахслар ўртасида бўладиган айирбошлаш ҳамда бу икки жараёни бирлаштирадиган товар ишлаб чиқариш тўла ривожланиб, илгариги бутун жамиятда туб ўзгариш ясади»¹.

Цивилизация тушунчаси қатъий маънода инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларини ифодалайди. Бу натижалар фақат моддий неъматларни, инсоният жамиятининг яшаш асосларини барпо этишдан иборат эмас. Илмий билимлар, фалсафий таълимотлар, гоялар партиялар, ижтимоий ҳаракатлар орқали моддийлашиб реал кучга, маданий омилга, ўзгартириш воситасига айланади.

Цивилизациянинг хилма-хил турлари мавжуд. Буларга қадимги цивилизация, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари цивилизациялари, ҳозирги жаҳон цивилизацияси ва бошқа шу қабилар мисол бўлади. Ҳозирги шароитда жаҳонда инсоннинг цивилизация ноз-неъматларини яратувчи, улардан фойдаланувчи сифатидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу совет жамиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ҳозирги пайтда баъзан цивилизация ва ижтимоий-иқтисодий формациялар тушунчаларини ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда. Аслида уларнинг ҳар иккаласини ҳам ўз ўрнида қўллаш маъқул. Кишилик жамияти ривожланишининг муайян босқичини, ишлаб чиқариш усулини англатадиган, жамиятнинг ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз илгарилаб боришини билдирадиган ижтимоий-иқтисодий формацияни цивилизация билан ўзаро тенглаштириш ҳам, қарама-қарши қўйиш ҳам материалистик фалсафий қарашга зиддир.

2. МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ. МАДАНИЯТДА МИЛЛИЙЛИК ВА БАЯНАЛМИЛАЛЛИК ҚАЙТА ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Халқларимиз маданияти инсониятнинг бир пача минг йиллар давомида яратган, кўз қорачигидек авайлаб-асраб келган жамики илмий билимлари, маданият бойликлари, техника мўъжизаларини том маънода инкор этиш, улоқтириб ташлаш асосида эмас, балки барча замонларда яратилган билим бойликларини қонуний равишда тараққий эттириш, ижодий ва танқидий ўрганиш ва ўзлаштириш асосида юзага келди ва мустаҳкамланди. В. И. Ленин янги маданият инсон тафаккури ва маданиятининг энг қимматли ютуқларини ўзлаштириш ва қайтадан ишлаб чиқиш асосида пайдо бўлганлигига кишилар эътиборини жалб

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч жилдлик тавлашган асарлар, 3-жилд, 390-бет.

этгад эди. «Янги пролетар маданияти, — деган эди у бу ҳақда, — *ўйлаб чиқарилмайди*, балки *мавжуд* маданиятнинг энг яхши намуналари, анъаналари, ютуқлари, марксизм дунёқараши *нуқтаи назаридан* ва пролетариат диктатураси даврида пролетариат ҳаёти ва курашининг шарт-шароитлари *нуқтаи назаридан* ривожлаштирилади»¹.

Бутун бир тарпхий даврни ўз ичига оладиган маданий инқилобни амалга оширмасдан, кенг халқ оммасини ёппасига саводхон қилмасдан туриб янги жамият ғалабасини таъминлаб бўлмас эди. Маданий инқилоб янги жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим қонуниятларидан бўлиб ҳисобланади. Маданий инқилоб — жамиятни маънавий жиҳатдан қайта ўзгартиришнинг инқилобий жараёни. меҳнаткашларни илм-фан ва маданият ютуқларидан баҳраманд қилишнинг зарур босқичи, янги маданиятни вужудга келтиришнинг асосидир.

Маданий инқилоб социалистик инқилобнинг таркибий қисмидир. Социалистик инқилоб маданий инқилоб учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятларни яратиб беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги маданий инқилоб сиёсий инқилобнинг қонуниятли давоми деб ҳисобланади.

Маданий инқилобнинг асосий мазмуни халқ маорифини юксалтиришдан, меҳнаткашлар оммасини сиёсатга, билимларга, эстетик бойликларга жалб қилмоқ учун бутун шароитни яратиб беришдан, янги жамият учун хизмат қиладиган энёилларни шакллантиришдан, фан ва маданиятни ривожлантиришдан пборатдир. Маданий инқилоб олдида турган мақсад ва вазифалар шу қадар кенг, хилма-хил ва мураккаб эдики, уларни қисқа бир муддат ичида шошма-шошарлик асосида амалга ошириб бўлмас эди. Бунинг учун ваъзятдан келиб чиқиб иш юритиш, мамлакатдаги мавжуд имкониятларни, ҳар бир халқ, миллат ва элатнинг ўзига ҳос миллий хусусиятларини, халқ оммасининг турмуши, маданий даражасини эътиборга олиш заруран талаб қилинарди.

Маданий инқилобнинг узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканлигини В. И. Ленин бир неча бор таъкидлаган эди. «Маданий вазифани, — деган эди у бу ҳақда, — сиёсий ва ҳарбий вазифалардек тез ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг тушунмоқ керакки, олға қараб ҳаракат қилиш шарт ҳозир бошқача. Кризис кескинлашган даврда бир неча ҳафта ичида сиёсий жиҳатдан ғалаба қозониш мумкин... маданий соҳада эса бундай муддат ичида ғалаба қозониш мумкин эмас, бу ишнинг асл моҳиятига кўра ҳам бунда узоқроқ муддат керак ва бу узоқроқ муддатга мувофиқлашиб олмоқ керак, мўлжаллаб иш кўрмоқ, кўпроқ қатъийлик, матонат ва сабот кўрсатмоқ керак»².

Мамлакат моддий ва маданий жиҳатдан қолақ бўлган, малакали кадрлар ва маблағлар етишмай турган бир даврда аҳолини ёппасига саводхон қилиш, фан ва маданиятни тез юксалтириш

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-жилд, 519-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 44-жилд, 200—201-бетлар.

учун ҳамма парсани тежаб-тергаб сарфлашга тўғри келади. Давлатимиз ўша оғир йилларда маданиятни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни имконият борича ажратди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб барча ўқув юртлари, ишчи факультетлари ва техникумлар, умумий таълим ва махсус мактаблар, илмий муассасалар меҳнаткашлар ихтиёрига берилди. Ота-онасиз қолган болалар учун мактаб-коммуналар барпо этилди. Илм олишнинг ҳамма шакллари бепул қилиб қўйилди. Моддий жиҳатдан муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларнинг мактабларда, талабаларнинг олий илмгоҳларда таълим-тарбия олишлари учун алоҳида имтиёзлар берилди. Бундан ташқари халқ оmmasининг маданиятдан баҳраманд бўлиши учун музей ва театрларга кириш текин қилиб қўйилди. Илм-фан ва маданиятга қанчоқ бўлган кишилар кутубхоналардан бемалол фойдалана бошладилар.

Илм-фан асосларини эгаллаш учун янги жамият томонидан яратиб берилган имкониятлар халқ оmmasини руҳлантириб, ижодий ташаббусини ўстирди, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Янги ҳаётни пухта билим негизда қуриш учун миллионлаб ишчи ва деҳқонлар кун давомида хат-савод ўргандилар, маданият ва фан асосларини биллиб ола бошладилар.

В. И. Ленин «Оз бўлсин-у, саз бўлсин» деган мақоласида меҳнаткашлар томонидан ўзлаштириб олинган илм турмушга татбиқ этилган, кундалик ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғланган тақдирдагина қўтилган натижалар бериши, моддий кучга айланиши мумкинлигини қайд қилиб ўтган эди: «...илмнинг бизда қуруқ ёки расмий гап бўлиб қолмаслигини ...илмнинг ҳақиқатан ҳам бутун вужудимизга сингишини, илмнинг тўла ва ҳақиқий равишда ҳаётимизнинг таркибий элементига айланишини текшириш вазифасини олдимизга қўйишимиз лозим»¹.

Маданий инқилоб шарофати билан мамлакатимиздаги турли мпллар ва элатга мансуб бўлган халқлар ҳаётида катта-катта ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Ҳар хил объектив ва субъектив омпллар таъсири остида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт соҳасида орқада қолган миллий чекка ўлка халқлари Совет ҳокимияти йилларида маданий-маънавий ривожланиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти ҳам равнақ топа бошлади. Ўзбек тилининг лугат фонди кенгайди. Мпллий зиёлилар шаклланди. Жумҳуриятимизда ўзбек тилида ўзбек халқининг тарихи, тили ва маданиятини ўрганадиган илмий марказлар, факультетлар ва кафедралар ташкил топди.

Барча иттифоқдош жумҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларидаги ижтимоий адолатсизлик ва бузилишлар, маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқариш усул-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-жилд, 436-бет.

лари салбий таъсир қилди. Сўнгги ярим аср давомида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга беписанд қарадик, ўтмишимизни қоралаш ва камситишдан нарига ўтмадик. Бир неча млнг йиллик маданий меросимизни унута бошладик. Жумҳуриятимизда қисқа муддат ичида икки марта алфавит ўзгариб, халқ икки марта бутунлай саводсиз бўлиб қолди. Араб алфавитидан воз кечиш халқни 13 асрлик она тарихидан бутунлай узоқлаштирди. Қатагончилик даврларида араб алфавитида ўқиш ва ёзишни биладиган зиёлилар таъқиб остига олинди, бу тилда ёзилган жамик китоблар, нодир қўлёзмалар мазмунидан қатъи назар деярли йўқ қилиб ташланди, ёқиб юборилди. Натжидада бутун бир маънавий бойликдан маҳрум бўлинди.

30-йилларда ва ҳатто яқинларда ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Кармапа ва бошқа жуда кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқлардаги масжид ва мадрасалар, жамик кўҳна осори-атиқалар динга қарши кураш ниқоби остида бузиб ташланди, халқимизнинг меҳнати ва ақл-идроки билан дунёга келган гўзал тарихий обидалар ўйланмай-цетмай яқсон қилинди. Ислом динига нисбатан ноҳолисона муносабатларда бўлиш оқибатида халқимизнинг тарихи, тили, маданияти, анъаналари, адабиёти ва санъати шу қадар катта зарар кўрдикки, буни ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Тил халқ тарихи ва маданияти калитидир. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса у халқнинг юрагига йўл топади, маданият тарихини, миллий хусусиятларини чуқурроқ тушуна билди. Тил одамлар ўртасида ёлюқа воситасигина бўлиб қолмай айни пайтда маданиятнинг шундай буюк ютуғидирки, унда халқнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти тараққиётининг тарихи кўзгудагидек акс этади. Энг кам соғли элат бўлсин, барибир, унинг тилини унутиш тарих олдидаги, келажак авлод олдидаги жиноят ҳисобланади.

Тилни билиш — ҳар бир шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан биридир. Кўп тилларни билиш жаҳон маданияти хазиналарини ўрганишга, миллий маданиятлар, миллий онг ва руҳиятни аниқроқ ва чуқурроқ билишга имкон беради. Бошқа тилларни билиш ўз она тилини билмаслик ҳисобидан бўлмаслиги керак. Ўз она тилини билмаган киши бошқа халқлар тилини билган тақдирда ҳам унинг қадрига ета олмайди.

Она тилини билмаган кишини маданиятли киши деб бўлмайди. Она тилини билмаса, уни ҳурмат қилмаса маънавий жиҳатдан тўлақонли шахснинг ўзи ҳам бўлмайди. Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, илдизини, келажакини ҳам билмайди.

Миллат мавжуд экан, миллий тил ҳам, миллий маданият ҳам, миллий онг ва руҳият ҳам сақланади ва ривожланади. Тилсиз миллат ривожлана олмайди. Бусиз унинг келажакги ҳам йўқ. Тилга ҳурматсизлик билан қараш — шу тил эгаси бўлган халққа, унинг тарихи ва маданиятига нописандлик билан қарашдир. Буни ҳеч бир халқ ва миллат кечира олмайди.

Миллий тиллар ва маданиятларнинг кенг ва атрофлича ривожланиши ижтимоий тараққиётнинг зарур шартларидан бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий тараққиёт маданий юксалишдан ажралмасдир. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёт биргаликда ривожланиши керак. Маданиятнинг орқада қоляши иқтисодиётга ғов бўлади.

Иттифоқимизда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарур йўлларида бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай миллий маданият совет жамияти маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бўйлиklarини ўзида акс эттиради ва шу тариқа янада ривожланиб, бойиб боради. Миллий маданият умуминсоният маданиятидан ажралмасдир. унинг бир бўлагидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг миллий маданиятини умуминсоният маданиятига қарама-қарши қилиб қўймасдан уларни ўзаро боғлиқликда, диалектик алоқадорликда олиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Халқлар ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзаро яқинлашиш — интеграция маданиятларга ҳам тўла тааллуқлидир. Шу асосда ҳар бир миллий маданият бошқа халқларнинг маданиятига таъсир этиб, уларни бойитиб, айни пайтда унинг ўзи ҳам бойиб боради. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир асосида ривожланиб, такомиллашиб бориши умумхалқ, умуминсоният маданияти тараққиётига замин яратади.

Совет жамиятнинг ҳозирги қайта қуриш босқичи жаҳон халқларининг фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида қўлга киритган илгор тажрибаларидан атрофлича фойдаланишни ҳаётини эҳтиёжга айлантирди. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётда миллийлик билан байналмилалликни жорий этиш ва ривожлантиришда ана шунга эътибор қилиш илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

ХҲІ Б О Б. ШАХС. ЭРКИНЛИК. ҚАДРИЯТЛАР

1. ШАХС, УНИНГ ЭРКИНЛИГИ, ЖАМИЯТ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Жамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврлардаги буюк мутафаккирларнинг эътиборларида турган энг муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Бир неча минг йиллар мобайнида яратилган дostonлар, мақол ва маталлар, қўшиқ ва латифаларда, мусиқавий асарларда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат қондаларни ва нормаларни, дўстлик, ҳамжиҳатлик, мурувват, саҳийлик, софдиллик, меҳнат-севарлик каби инсоний фазилат ва хислатлар улугланди. Инсон зотиға тўғри келмайдиган қоракўнгиллик, ёвузлик, худбинлик,

кибрланиш, андишасизлик кабилар эса кескин қоралапти. Инсониятнинг асл фарзандлари дунёда яккаю ягона қудратли куч бўлган инсон чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини қайта-қайта таъкидладилар. Кишилик жамияти тарихининг биронта ҳам босқичида инсоннинг тақдирига бефарқ қараган, унинг дардига дардқашлик, қайғусига ҳамдардлик қилмаган, бахт-истижболи учун жон куйдирмаган на биронта тарихчи, на биронта файласуф ёки ҳуқуқшунос олим бўлган эмас. Буни биринчи навбатда қадимги давр мутафаккирлари мисолида кўриш мумкин. Қадимги Юнонистоннинг энг машҳур материалисти, атомистик назария асосчиларидан ҳисобланган Демокрит ўзининг афоризмларида юксак ахлоқий сифатларга эга бўлишни, тарбияни, меҳнат қилишни, жасоратли, вафодор, ақли ўткир ва зийрак дўст-биродар орттиришни инсон учун бахтиёр ҳаёт кечирिशнинг асосидир, деб таъкидлайди. Бунга унинг қуйидаги афоризмлари мисол бўла олади:

— «Инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доволикдир;

— бахтсизликда ўз бурчида содиқ қолиш — буюк иш;

— меъеридан ўтиб кетса, энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади;

— биронта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади;

— доим ҳақлқатни таширмақ лозим ва маҳмадоналикдан қочиш керак»¹.

Ер юзидаги барча моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори бўлган инсонни улуғлашда IX—XVIII асрларда яшаган Шарқ олимлари, айниқса Урта Осиё мутафаккирлари ва шоирларининг қўшган ҳиссалари таҳсинга сазовор. Биз бу ўринда Хоразмий, Форобий, Фирдавсий, Беруний, ибн Сино, Носир Хусрав, Умар Ҳайём, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Улугбек, Алишер Навоий каби олим ва шоирларнинг ижодига бир назар ташласак, юқоридаги фикримиз нечоғлик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунга истаганча далил келтириш мумкин.

Бу анъананинг бешиги бошда турганлардан бири Абу Наср Форобий бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг марказида инсоннинг бахт-саодатга эришиши ҳақидаги гоя туради. Форобий ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи, бутун фаолият ва вазибаларини ана шу мақсадга йўналтирувчи шаҳарни энг яхши, фазилатли деб атайди. «Ҳақиқий бахтга эришиш учун зарур бўлган ишларда ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олган кишилар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар — фазилатли, идеал, шаҳардир; бахтга эришиш учун кишилар бир-бирларига ёрдам берувчи жамоа — фазилатли, идеал жамоадир.

Бахтга эришиш учун барча шаҳарларда ўзаро ёрдам берувчи халқ — фазилатли, етуқ халқдир. Шу тартибда барча халқлар

¹ Материалисти древней Греции. Москва, Госполитиздат, 1955, 153-бет.

бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли, етук бўлади»¹.

Форобийнинг фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли бўла олмайди, бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-ҳунарларни эгаллашига, билимига боғлиқ. «...Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади»².

Камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи, кўпчиликнинг ёрдамисиз эриша олмайди. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ўзидан бошқа кишилар билан доимий равишда муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор. У камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтождир. Мана шу ўзаро кўмаклашув ва бирлашув жараёнида яхши, гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон жамоалари вужудга келади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда одамларнинг бир-бирига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Форобийнинг бундай қарашларини унинг «Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари» асарида учратамиз.

«Шоҳнома» номли нодир асари билан номп жаҳонга машҳур бўлган Абулқосим Фирдавсий инсонни бутун мавжудотнинг энг баркамоли, тараққиёт чўққиси, деб таърифлайди:

Занжирнинг охириги ҳалқаси — инсон

У — калит, бандларни очади инсон.

Сарвдек тик бошини кўтармиш мағрур.

Борлиги — яхши, ақлу тафаккур.

Ақл бирла идрок фақат унга ёр,

Бутун тилсиз олам фармонига зор.

Фирдавсий инсон ўзининг ақл-идроқи ва тафаккури, онги билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туришини алоҳида уқтиради. У ақлни ҳақиқатнинг ўлчовига тенглаштиради. Ақлнинг қудрати, хосияти, аҳамияти ҳақида сўзлаб шундай дейди: «Яздоннинг яратгани энг олий нарсалар орасида ақлдан аълоси, гўзали йўқдир. Шоҳлар шоҳининг тождир ул ...ўчмас ва ягона ҳақиқат, де ани. У қалбдан ғамни ва кўрқувни ҳайдайдигандир. У, икки дунёда сенинг икки қўлингдан ушлаб, қўлтиқлаб юрадигандир. Сенинг бахтинг ҳам, ғаминг ҳам ундандир, сенинг фойданг ҳам, эҳтиёжинг ҳам ундандир ...Ким ўзига йўл кўрсаткич қилиб уни олмаса, у одам ўзининг ҳаракатлари билан ўз қалбини парчалайди; бундай одамни ақлли одам нодон деб атайди... Икки дунёда сен у билан қимматлисан. Ким ақлни сивдирса, у азоб чекишда бўлади. Ақл руҳнинг кўзидир; туманликда қарагин: дунёда кўзсиз яшаш севинчли эмасдир»³.

¹ М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари, 254-бет.

² М. Хайруллаев. Форобий. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси нашриёти. Тошкент, 1963, 260-бет.

³ Қаранг: Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, «Фан» нашриёти. 1968, 7—8-бетлар.

Урта Осиё ва умуман Шарқнинг ифтихори ва улуғ олимларидан саналган Абу Райҳон Беруний дунёда инсоннинг тутган ўрни, истиқбол масаласига катта эътибор билан қаради. Онгли ҳаётий фаолият одамни ҳайвоннинг онгсиз ҳаётий фаолиятдан фарқлантирадиган муҳим жиҳатлардан бири эканлиги унинг «Минералогия» асарида кенг баён этилган. Одамда тафаккур қудрати бўлмаганда эди, деб таъкидлайди Беруний, унинг аҳволи ҳайвонлар ҳолатидан ҳам тубанроқ бўлган бўларди, чунки одам куч жиҳатидан ҳайвонлардан заиф, кучли табиий ҳимоя воситалардан маҳрумдир.

Берунийнинг қайд қилишича, инсондаги мақтовга сазовор хислат олижаноблик, мардлик, мурувват, нафси тия билиш, покизаллик, ёқимли кийинишдир. Мутафаккур ростгўйликни ҳамма парсадан устун қўяди, билиб-билмай ногўғри хабар тарқатувчиларни, атайин ёлғон сўзловчиларни қоралайди. «Шундай кишилар ҳам бўладикки, — дейди бу ҳақда у ўзининг «Ҳиндистон» номли асарида, — уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолган, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади... Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди... Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради; зулм, ёлғон гувоҳлик, омоватга хизмат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон ҳулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади»¹.

Буюк аллома ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида урф-одатларни яхши ва ёмонга ажратади. Тўғрилик, одиллик, ўзини сақлаш, писоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, саҳийлик, мулоиймлик, билимдонлик, тadbиркорлик сингариларни у яхши хислатларга киритади. Бир-бирининг пайига тушиш, кўролмаслик, хусумат, бировларнинг бахтсизлиги ҳисобидан бўлса-да юксак марраларга эга бўлиш учун ҳаракат қилишни, фақат ўзини ўйлаш, бошқалар билан иши бўлмасликни эса энг ёмон одатлар сифатида кўрсатади.

Инсоннинг соғлом, бахтиёр ҳаёт кечирishi, умри узайтириш, одамнинг табиат билан узвий алоқадорлиги, болалар тарбияси сингари энг муҳим масалалар Абу Али ибн Сино таълимотида кенг ўрин тутади. Алломанинг кўрсатишича, инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у шон-шараф ва ҳурматга тўла дойиқдир. У табиат яратган ноз-неъматлардан ташқари озпқ-овқат, кийим-бош, уй-жойга муҳтожлик сезади, буларни эса касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат қилиш асосида яратади.

Ибн Сино тиб олими сифатида инсон саломатлигини сақлашда соф ҳавонинг, мижозга қараб овқат тановул қилишнинг, ичи-

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 2-жилд, 28-бет.

ладиган сувнинг, бадан тарбиянинг, ҳар хил гиёҳларнинг аҳамияти ҳақида ҳам жуда қимматли фикрларни баён этди.

Энг олий мавжудот бўлган инсонни мадҳ этиш, унинг келажак ҳақида қайғуриб Шарқнинг забардаст файласуф олими Умар Ҳайём ижодида марказий ўрин эгаллайди. У ўзининг рубоийларидан бирида инсонни одамнинг безағи, гултожи деб юксак баҳолайди:

Дунённинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Инсон ўзининг тафаккур қуввати, даҳоси, меҳнати билан табиат ва жамиятни ўз эҳтиёжлари йўлида ўзгартиради. Буюк мутафаккир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, дунёда инсондан улуғроқ камолот йўқ, чунки унга «бебаҳо марварид» — ақл-заковат кучи ҳади этилганки, унда «сир-асрорларни ва юксак чўққиларни билиш қобилияти» бўлиб, унинг кўмагида инсон «улуғ зафарлар»ни бажо келтиради. Алишер Навоий ҳам инсонни чин қалби, вужуд-вужуди билан севади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қилади, бахт-саодати учун курашади. Навоий севиб ардоқлаган инсон ярамас хислат ва платлардан ҳоли бўлган фозил ва камил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-корини мукамал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва билими билан ўзинга ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Навоий бошқаларнинг ҳам ана шундай инсон бўлишини истайди¹.

Алишер Навоий жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи деҳқонлар, ҳунармандлар ва чорвадорларни мақтайди, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига катта баҳо беради. Умрининг охирида ёзган «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарига деҳқонларга барча инсонга ҳам, жониворларга ҳам озиқ-овқат, ризқ етиштириб берувчидир деб баҳо беради: «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... Олам маъмурлиги олардин, олам аҳли масрурлиги олардин. Ҳар қайнки қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут (овқат) еткургайлар, ҳам баракат...

Алишер Навоий инсон ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши зарурлиги ҳақидаги ғояни ўз салафларига нисбатан анча ривожлантириб ва бойштиб, бу ҳақда барча асарларида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достонига Фарҳод образи бунга мисол бўлади. Фарҳодда ҳар томонлама баркамол инсонга хос сифатлар мужассамлашгандир. У — етук мусаввир, моҳир уста, чуқур билимдон, доно мутафаккир, айни вақтда довурак жапчи инсондир. Илм-фан ва маданиятнинг унга бегона бўлган бирор соҳаси топилмайди. Унда

¹ Қаранг: Н. М. Малласев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1976, 428-бет.

донишмандлик ва инсонийлик узвий равишда бирлашиб кетган, инсонга оид ҳеч бир нарса унга бегона эмас.

Алишер Навоий Фарҳоднинг меҳнат ва ижодда эришган муваффақиятларининг омилли унинг илми, ақли ва иродасида деб ҳисоблайди. Унинг ақл-идрокига баҳо бериб, Навоий шундай дейди:

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла блмиш одамизод.
Улум пчра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал.

Алишер Навоий инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, маъсаби, ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қақчалик наф тегиши билан белгиланади дейди. Бу ҳақда унинг қуйидаги сўзлари таҳсинга сазовордир: «Кишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андешаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлиши лозим; уларнинг кўнгли нохуш бўлса, ташвишига шерик бўлиши керак. Кўнминг халқ гамидан гами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема. Бировнинг ўлиmidан севинган одам гўё гўрков ё ювгувчи ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам, табиатнинг кўрки нафрат билан тўлади. Лекин биров севга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан севга жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан буни ифода-лай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши табиғига осойиш бағишлайди»¹.

Шарқнинг буюк даҳоларидан бири Мирзо Абдулқодир Бедил инсонни жуда юксакларга кўтаради, ўзининг кўнчилиқ асарларида уни «ҳазрати инсон» деб атайдди. Унинг назмда баён этилган қуйидаги мулоҳазалари инсонни борлиқнинг, оламнинг тожи, ўз бахтини ўзи яратадиган зот деб билганлигидан дарак беради:

Тўрт даҳраро сен нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳар ноёб.
Ҳар нарсагаки етибди ақлинг,
Ундан афзалсан буни яхши бил.
Дунё мевасия ширинкорисан,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдорисан.
Қай тарафгаким учди хаёлинг.
Сен этсанг парвоз, етар мажолинг.
Дилнинг ҳимматидан ҳайт гулистон
Қўлинг қудратидан ҳаммаёқ бўстон².

Бедил инсонни ерга урадиган хислатларни қаттиқ қоралайдди, иш қилмасдан мукофот исташ уятсизликдир деб, одамларни ях-

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, 97—98-бетлар.

² Ўзбекистонда илгор ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. Тошкент, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси нашриёти, 1959, 293-бет.

шилардан ибрат олишга даъват этади. «Агар яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман десанг, ёмон сўзловчилар, гийбатчилар билан ошволик қилма, ўзингни тўғри кўрмакчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма»¹, дейди Бедил.

Инсон муаммосини тадқиқ этиш масаласида илк капитализм даврида яшаган Ф. Бэкон, Т. Гоббс, Р. Декарт, Б. Спиноза, Ж. Локк сингари файласуф олимлар ҳам катта натижаларга эришдилар. Голланд файласуф олими Спинозанинг уқтиришича, инсон учун энг олий тилак — табиатни билишдир. Бу ҳақда у шундай деб ёзади: «Ҳар қандай тилак, истак, орзу-ҳавас ва ҳаракатчанлик табиатни билишга қаратилган бўлса, у озод, қарамлик ишдир. Оқилона яшаб эзгулик ишини бажариш — яхшиликка ҳурматдир. Оқилона яшовчи киши орзу-истакларини бошқа кишиларнинг тақдири билан, дўстлик алоқалари билан қўшса — бу ҳалоллик, мардликдир... Дўстликка эиён етказиш, дўстлик ва дўстона муносабатларга раҳна солиш — уят иш, пожўяликдир»².

Спинозанинг хур фикрлилик ва инсонпарварлик ҳақидаги фикрлари XVIII аср француз материалистлари Д. Дидро, К. Гельвеций, П. Гольбах таълимоти учун замин бўлиб хизмат қилди. Француз материалистлари ҳам Спиноза ва Декарт каби одам онадан яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, унда ҳеч қандай туғма фикр, ғоя бўлмайди деб таъкидлайдилар. Инсоннинг қандай ахлоқий нормаларга эга бўлиши ижтимоий муҳит ва таълим-тарбияга боғлиқ.

Гельвеций ўзининг «Ақл тўғрисида», «Инсон, унинг ақлий қобилиятлари ва тарбияси ҳақида» асарларида шахсий манфаат принципи ахлоқнинг асоси эканлигини кўрсатиб берди. Унинг нуқтан назарича, инсон ўзини ўраб олган муҳит меваси, тажриба, тарбия натижасидир. Ўзининг бу фикри билан у инсоннинг феъл-атвори, хулқи, фазилатлари туғма, илоҳий эмаслигини илмий тушунтиришга интилди. Гельвеций таълимотининг асосий жиҳатлари инсонларнинг яхшиликка бўлган туғма майиллиги ва улардаги ақлий қобилиятнинг тенглиги, тажрибанинг, малаканинг, тарбиянинг қудрати, ташқи шароитнинг инсонга таъсири, лаззатланишнинг қонунийлиги ҳақидаги фикрлардан иборат.

Инсон ҳақидаги Гольбах фикрлари ҳам эътиборга сазовордир. У инсонни ҳеч қандай ғайритабиий куч, моҳият, руҳ яратган эмас, балки инсон табиат маҳсулидир деб ҳисоблайди. Инсон табиатда яшайди, унинг қонунарига бўйсунди, унда ташқарида яшай олмайди деган ғоя Гольбах таълимотининг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, XVIII аср француз материалистлари, агар инсон ўзининг барча билмларини, сезгиларини ҳиссий оламдан ҳамда тажрибадан олар экан, демак уни ўраб турган муҳитни, шароитни ўзгартириш, инсоний қилиш керак, токи инсон унда ўзининг инсон эканлигини англаб етсин, деган фикрни астойдил

¹ Ушга асар, 249-бет.

² Б. Спиноза. Этика. М.,— Л., 1933, 165-бет.

илгари сурдилар. Бу уларнинг энг катта ютуқларидаи бўлиб ҳисобланади.

Немис классик фалсафасининг йирик намояндаларидаи ҳисобланган Г. В. Гегель ва Л. Фейербах таълимотида ҳам инсон муаммоси, инсоний қадриятлар, шахс эркинлиги ҳақидаги масалаларга катта эътибор берилади. Гегель ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларни юзга келтирувчи жамиятнинг ўзини жаҳон руҳининг маҳсули деб ҳисоблаб идеалистик асосда талқин этди. У ахлоқнинг тарихий хусусиятини, тарихий тараққиёт жараёнида унинг янада юқорироқ босқичга кўтарилиб туриш йўналишини алоҳида таъкидлади. Гегелнинг одамнинг маънавий дунёси унинг хатти-ҳаракатларини белгилайди, индивиднинг ахлоқий ишончи, тасаввури қандай бўлса, фаолияти ҳам шундай бўлмоғи керак, деган фикри эътиборга сазовордир.

Фейербах одам табиатининг бир қисми, деган тўғри фикрни айтади-ю, аммо уни тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлган ижтимоий мавжудот эканлигини кўра билмайди. У одамни жамиятдан, ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан узиб олиб мавҳум шаклда тушунади. Фейербах назарда тутган одам ижтимоий муҳитдан ажралган ва ўзиро табиий воситалар билан боғлангандир. Шу сабабли у одам ижтимоий маҳсул эканини пайқамайди.

Фейербах инсоннинг фақат табиий, биологик ва физиологик томонларини очиб беришга уринди, ижтимоий моҳиятини эса бутунлай четга суриб қўйди. Унинг инсоният даирлари бир-биридан дин соҳасида рўй берган ўзгаришлар билангина фарқ қилади деган даъвоси бутунлай нотўғридир.

Рус инқилобий-демократлари ҳар қандай ахлоқий муносабатлар, ахлоқий категориялар ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келади деб билганликлари сабабли инсон ахлоқини ўзгартириш ва яхшилашнинг биринчи шарти ижтимоий шароитни ўзгартиришдир, деган ижобий фикрни олға сурдилар. Н. Г. Чернишевский томонидан айтилганидек, «Хулқ миллий ҳаёт шароитларининг ўзгариши натижасида ўзгариб боради. Бу ўзгариш эса миллатларнинг фуқаролик ташкилотларини, меҳнат шароитларини, синфлар муносабатини ўзгартирувчи тарихий ходисалар таъсирида вужудга келади»¹.

Рус инқилобий-демократлари инсонни камол топтириш, шахсни ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришда санъат, биринчи навбатда, бадий адабиёт катта ўрни тутайди деб таъкидлаган эдилар. Бу божиз эмас, албатта. Чунки санъатнинг бирча турлари ва шакллари сингари бадий адабиёт ҳам ўзида ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсоннинг турмушини, мураккаб ички дунёсини, руҳиятини, маънавий қиёфасини акс эттиради. Бадий адабиётнинг жамият ва шахс ҳаётидаги роли яна шу билан белгиланадики, у жуда катта оғ — билим бериш аҳамиятига ҳам эга. Бадий адабиёт санъат сингари ҳаёт тўғрисида

¹ Н. Г. Чернишевский. Тўла асарлар тўплами, Москва, 4-жилд, 875-бет.

билим беради, ҳаёт ҳодисалари ва инсон тўғрисидаги тасаввурларни бойиғади, шу орқали оламни билиб олишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Санъат асарлари инсонга фақат ўтмиш ҳақидагина эмас, аини пайтда келажак ҳақида ҳам, жамиятнинг истиқболни, тараққиёт қонуялари тўғрисида ҳам маълумот беради. Шунинг учун ҳам Н. Г. Чернышевский бадий адабиётнинг инсонга таъсир қилишининг ички сабаблари ҳақида фикр юритиб қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларга бошловчи кишилардир; уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабих ва разил нарсадан нафратлангани, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушувишини, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз; уларнинг асарларини ўқир эканмиз, ўзимиз яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ бўлиб борамиз»¹.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, инсониятнинг энг асил фарзандлари, доҳиёна ақл эгалари бир неча минг йиллардан бери инсон билан боғлиқ бўлган муаммоларни тушунтириб бериш ва ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Турли-туман даврларда, ҳар хил тарихий шароитларда яшаган буюк донишмандлар ҳар томонлама камолотга эришган, орзу-армонлари рўёбга чиққан, ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари, қадриятлари чинакамга ҳурмат қилинадиган инсонларни орзу қилдилар, бу йўлда астойдил курашдилар, аммо улар бу борада тўғри йўлни кўрсатиб беролмадилар. Чувки ҳали улар жамият тараққиётни қонуяларини очишдан ожиз эдилар. У пайтларда инсоннинг моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқлигини илмий равишда тўла-тўқис исботлаш учун шарт-шароитлар етилган эмас эди.

Инсон табиатнинг олғи маҳсули бўлиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндис билан белгиланади. Инсон аини пайтда ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Инсон табиат фарзанди сифатида у билан бевосита алоқа ва муносабатда бўлади. Одам табиат билан тирик. Одамнинг жисмоний ва руҳий ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ. Инсон — табиатнинг бир қисмидир.

Инсон биринчи навбатда, ижтимоий мавжудотдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, биринчидан, у ишлаб чиқариш қуролилари ёрдамида меҳнат қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади, иккинчидан, фикрлайди ва, учинчидан, ўз фикрларини тил воситасида ифодалайди.

Меҳнат қилиш, қурол ясаш, улардан фойдаланиш жараёнида инсон ўзининг қобилиятларини ривожлантиради, ўзининг ижтимоий дунёсини яратади. Бу дунё ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсонга нисбатан қандайдир ташқи нарса бўлмай, унинг моҳиятини ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, унинг дунёқарашини шакллантиради ва белгилайди. Инсонга хос бўлган асосий белгиларнинг ҳам-

¹ Н. Г. Чернышевский. Тўла асарлар тўплами, 3-жилд, 313-бет.

маси унинг ижтимоий муносабатлар системасига, меҳнат жараёнига қўшилиши натижасида, маданият бойликларини ўзлаштириши ва уни такрор ҳосил қилиши, ижтимоий муҳитга қайта ақс таъсир кўрсатиши, жамоа таъсири жараёнида шакллана боради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат нарсалар яратиб қолмай, ўзини, ўз шахсиятини ҳам қайта ишлаб чиқаради. Худди ана шу жараёнда инсон ўзини такрор ҳосил қилиб туради. Ана шу маънода инсон тамомида ижтимоий мавжудотдир.

Одамларнинг ижтимоий моҳияти шахсда мужассамлашган ҳолда ўз ифодасини топади. Шахс ҳам одамнинг ўзгинаси бўлиб, лекин унинг ижтимоий моҳияти ва ижтимоий фаолиятининг ифодаланishiдир. Одам ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш натижасида шахсга айланади.

Инсон ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида муайян ҳуқуқ ва бурчларга эгадир. Бу унинг шахс эканлигини ифодалайди. Индивид шахсга айланиши учун бир қанча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Масалан, қул — инсон, лекин шахс эмас. Бунинг асосий сабаби ўнинг қулдорлик тузумида ҳеч қандай инсоний ҳуқуқ ва эркинликларга эга эмаслигидир. Шахс дейилганда умуман инсонни эмас, балки типик ва алоҳида хусусиятлар мужассамлашган, муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган одам тушунилади. У ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлган, алоҳида суратда ифодаланган сифатларига эга бўлган одамдир.

Индивид алоҳида бир киши бўлиб, ўзининг бошқалардан фарқланиб турадиган ўзига хос хусусиятларига эга. Дунёда бир-бирига ўхшайдиган, ammo тамомида бир хил бўлмаган кишилар мавжуд. Одамнинг алоҳида томонлари ақлида, ҳисларида, ирода-сида намоён бўлади. Ҳар бир одам ўзига яраша идрок этади, эслаб қолади, фикр юритади ва сўзлайди. Ҳар ким турли ҳисларни ўзига яраша кўнглидан кечиради ва турли шароитда ўзига яраша иш қилади. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша хусусияти, феъл-атвори, қобилияти, қизиқиши, ҳаваслари бор. Индивид ҳам ижтимоий мавжудотдир.

Индивид ижтимоий тараққиёт жараёнида ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш асосида шахс сифатида шаклланади. Унинг шахс тарихида вояга ета бориши ўша одам мансуб бўлган тарихий шароитлардан, яшаб, таълим-тарбия олиб турган жамиятдан ажралмасдир. Ҳар қандай алоҳида кишининг ҳам бутун ҳаёти бошқа кишилар билан яқин алоқа ва муносабатда ўтади. Ҳар бир алоҳида кишининг камолоти бошқа кишиларнинг камолоти билан тақозо этилгандир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, жамият тараққиёти ҳам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Бу қонда ижтимоий муносабатлари ва жамиятни реал шахсларнинг фаол ҳаракатларини ҳисобга олмай туриб ўзгартириб бўлмагани сингари, шахс муаммосини ҳам жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ташқарида ҳал этиб бўлмайди, деган чуқур диалектик гоъни ифодалайди. Шахс би-

лан жамиятнинг ўзаро диалектик алоқадорлигининг фақат бир томонига эътибор бериб, бошқасига эътибор бермаслик шахс фаолиятини инкор этувчи вульгар экономизмга олиб келади. Жамият билан шахс ўртасидаги муносабат — бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсири остида шахс турмушининг турли-туман кўринишлари, хусусиятлари шаклланади. Шахснинг шаклланишида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маркс билан Энгельс «Немис мафкураси»да қайд қилиб ўтишича, одамлар ўз тасаввурлари, гоялари ва шу қабилаини ўзлари яратадилар, «...лекин, ҳақиқий, ҳаракатдаги одамларнинг ўзлари ҳам ўз ишлаб чиқарувчи кучларининг ва шунга мувофиқ келадиган алоқанинг муайян ривожланишига боғлиқдир»¹. Шахс ижтимоий шароитлар қай даражада шакллантирса, шахс ҳам жамиятти шу даражада шакллантиради.

Ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос жамм хусусиятлар ва белгилар бўлади. «Ҳар бир киши, — деб ёзган эди Энгельс, — тип, лекин шу билан бирга бошқа кишиларга, жамоага, жамиятга ўз муносабатларини ифода этувчи муайян шахсдир. Шахс ўз қобилият ва истеъдодларини жамоадан ташқарида намоён қила олмайди. Фақат мутлақо ўзи учун ашула айтиш, китоб ёзиш, газмол тўқиш, дон етиштириш мумкин эмас. Ҳаттоки кишининг оилавий ҳаёти ва ўртоқлик алоқалари ҳам чуқур маънодаги жамият ҳаётининг бир қисмидир. Бундан ташқари киши жамоада, бошқа кишилар билан биргаликдаги фаолиятда маълум роль ўйнаб, ўзини шахс сифатида англаб, «ўзига нисбатан инсонга бўлгандай муносабатда бўла бошлайди»². Шахс ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан, кишилар жамоасидан олади. У муҳитдан ажралган ҳолда бошқа кишилар билан алоқа қилмасдан, ижтимоий муносабатлардан ташқарида яшай олмайди.

Инсон фаолиятининг ҳеч бир тури ёлғизликда бўлмайди. «Ҳатто мен бошқа кишиларнинг бевосита аралашувисиз ўзим бажара оладиган *илмий* фаолият билан шугулланган вақтимда ҳам, — деган эди Маркс, — барибир *ижтимоий тарзда* ҳаракат қиламан, чунки *инсон* сифатида иш кўраман... инсон эса ҳамisha буюк бойлик бўлган *бошқа* инсонга нисбатан эҳтиёж сезади»³.

Алоҳида инсон ҳам, ҳар бир алоҳида шахс ҳам дупёга келган кунидан бошлаб умрининг охиригача ўзидан бошқа кишиларнинг, атрофидагиларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, амалий ёрдамларига муҳтож бўлади, билмаганини билиб олади. Инсон ҳеч қачон танҳоликда яшай олмайди. Инсон билан инсонлар ўртасидаги алоқа — бу табиий, зарурий ҳодисадир. Ўзаро ҳамкорлик, бошқа кишилар, жамоа аъзолари, қўни-қўшнилар, маҳалла куйдаги одамлар билан муносабатда бўлиш, ўзгалар ёрдамидан фойдала-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-жилд, 24-бет.

² Уша ерда, 2-жилд, 62-бет.

³ Уша ерда, 3-жилд, 624-бет.

нинг ва уларга қўлидан келган ёрдамни бориш, уларо бир бирини қўллаб қўвишгани бу энг муҳим инсоний фазилатдир. Бу нарса жамият аъзоси бўлган шахсни тарбиялайди ва маънавий бо йинати. Агар инсон, у ёки бу шахс ўш мақсадларнинг амалга оши рини бўлиди ташқи олимни, иқтисомий муҳитни ва бошқа киши ларни, уларнинг меҳнатлари самараларини инсонид қилмай, ҳамма нарсани фақат ўзини қилмай, деса узоққа боролмайди.

Ҳар қандай инсон, ҳар қандай шахс объектин шарт шaroитлар ва субъектин омилларининг узиний бирлиги таъсири остида шакл ланади. Шахс камолотида объектин шарт шaroитлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Оила, мактаб, маориф, олий пилмоҳлар, иқтисомий сифсий таъсилотлар, муассасалар, жариди ва руҳномалар, наشري бтлар, кўчи, қўни қўшни, маҳалла сингари омиллар ҳам шахсни тарбиялайди муҳим аҳаминг касб агади. Объектин шарт шaroитларининг шахсга таъсири субъектин омиллар орқали ўтади.

Шахс иқтисомий мажбурут сифатида муайян эркинликка ҳам агадир. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг иқтисомий тузи лишига, ишлаб чиқарини воситаларининг кимнинг ихтифрида акал лигига, аяқ оmmasининг тобора ўсиб бораётган фозилигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Эркинлик ҳар бир шахсининг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга ҳидият қилиш қорас эмас. Инсон дуйв да бир марта яшар оқаш, доман, у об ичинни, кийинини, уй жойв ли бўлиши, оила қуриши, фирзанди бўлиши, ҳордиқ чиқарини, даволашини, маънавий оҳтибюсларини қондириши шарур. Булар унинг инсон сифатида яшашинининг шарур шарти, табиий оҳтибюсла ридир. Инсонининг инсон сифатидаги ана шу ва бошқа табиий оҳтибюслари, ҳуқуқлари, эркинликлари бўлиб қўйилмаслиги қорас. Шу нарсани афеус билан айтиш мумкинлики, жаҳоннинг айрим мамлакатларида маълум оммага мансуб бўлган шахсларининг ин соний ҳуқуқлари ва эркинликларини чоғарлаб қўйиш, наймост қилиш ҳамон давом итмоқда. Миллий, диний камситишлар, ирқ чилик, баъан бир халқлар ва мамлакатларининг тили, урф одат лари, тарихи, маданий мастрослари, миллий қадриятларига попи санданк билан қараш, уларининг ҳуқуқлари ва манфиатларига, суворонитетига шу тариқи жуди катта зарар келтириш ҳануа туға тилган эмас. Бу оддий бир камчилиг эмас, балки бутун инсонинг ва тарих олдидаги энг оғир жинойтдир.

Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умминсонинг олдидаги бурчи ва масъулияти ҳам мажбуддир. Муайян бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятнинг қонун қонд лари, тартиблари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслиги, унинг муаммолари, қийинчиликларига боғфарқ қараш асло мум кин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида болгилаб қў йилган қонунларга амал қилиш, бошқа фуқароларининг миллий қадр қимматини ҳурматлаш, жамият манфаатларига, турмуш таринга, одоб-ахлоқ ва маданиятга аид ва ноқўш ҳаракатларга инсбатан муросаска бўлиш, Ватанин ҳимол қилиш ва бошқа шу кабилар шахсининг бурчи ва масъулиятидан иборатдир.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ, умуминсоният манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлари ва масъулиятлари ҳам бўлади. Буларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, яъни тинчликни сақлаш ва мустақамлашга қўмаклашиш сингарилар кирад.

Барча цивилизацияли жамиятларда шахснинг эркини бўғиб қўйиш, унинг ҳуқуқларига йўл бермаслик, унга хиёнат қилиш ёки унинг жамият олдидаги бурч ва масъулиятини бажармаслиги қонуни йўли билан таъқиқланади.

Ҳақон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, меҳнаткашларни эксплуатациядан тўла озод қилмай туриб шахснинг чинакам эркинлигига эришиб бўлмайди. «Ўз-ўзидан маълумки, — дейди бу ҳақда Ф. Энгельс, — жамият ҳар бир айрим кишини озод қилмасдан туриб ўзини озод қила олмайди. Бинобарин, эски ишлаб чиқариш усули тубдан ағдариб ташлашмоғи лозим. айниқса эски меҳнат тақсимоғи йўқ бўлмоғи керак. Бунинг ўрнига ишлаб чиқариш шундай ташкил этилиши керакки, унда, бир томондан, ҳеч бир киши одамларнинг яшаши учун табиий шарт-шароит бўлган унумли меҳнатда ўзининг иштирок қилиш ҳиссасини бошқаларга юклай олмайдиган бўлсин ва, иккинчи томондан, унда унумли меҳнат кишиларни асоратга солиш воситаси бўлиш ўрнига уларни озод қилиш воситаси бўлсин...»¹

Совет жамияти инсон шахснинг чинакам камол топиши, қобиллятларининг ҳар томонлама юксалиши ва амалий равишда рўёбга чиқиши учун моддий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитларни яратмоқда. У одамни одам эксплуатация қилишига, ижтимоий зулмга, имтиёзли озчиликнинг ҳукмронлигига зарба берди, халқнинг ўзи бошқарадиган ҳокимиятни барпо этди, эркинлик, инсон ҳуқуқлари, шахснинг қадр-қиммати ғояларини реал маъмуни билан бойитди, ҳар қандай киши учун бир хил қонунлар, ахлоқ нормалари ва интизомни жорий этди.

Совет жамиятида меҳнаткаш омма, ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, билим олиш, ҳордиқ чиқариш, уй-жойли бўлиш, соғлигини сақлаш, қариганда, касал бўлганда, меҳнат қобиллятини йўқотганда моддий таъминот олаш, маданият ютуқларидан фойдаланиш, сайлаш, сайланиш ҳуқуқларига эга бўлди. Жамиятимизни чинакам, реал инсонпарварлик тузуми, деб биламиз, бунда инсон амалда «жамият нарсалар мезони»дир. Жамиятнинг иқтисодийетидан бошлаб то маънавий-мафкуравий соҳасигача унинг бутун тараққийи инсоннинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга, уни уйғун камол топтиришга қаратилгандир. Шуларнинг ҳаммаси одамларнинг ўз меҳнати, ижоди, ғайрат-шижоати билан амалга оширилмоқда.

Совет жамияти шахснинг камол топиши учун зарур бўлган ҳал қилувчи шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. У кенг

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 288-бет.

меҳнаткашлар оммасини давлат ишларини бошқаришга жалб этиш асосида шахс камолоти учун кенг йўл очиб берди. Шахс камолотининг муҳим шартларидан бири барча меҳнаткашларнинг, ўсиб келаётган ёш авлоднинг плм-фан ва маданият асосларини чуқур ўзлаштириб олишларидан иборатдир. Совет жамияти бунинг учун ҳам ҳамма ишларни қилаётир.

Шахс моҳиятининг совет тузумига хос бўлган барча ижтимоий-иқтисодий, синфий-сиёсий муносабатлар белгилайди. Мазкур муносабатлар совет кишиларини ва улар фаолиятини турли ижтимоий бирлашмаларга— синфлар, миллатлар ва элатларга бирлаштиради. Янги шахснинг шаклланиши ва қонуний равишда ривожлангани жамиятимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти соҳасида рўй берган чуқур сифатий ўзгаришларга, миллий масалаларнинг амалга ошишига, маданий инқилоб ғалабасига, шунингдек бошқа объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга бевоқифа боғлиқ. Совет жамиятидаги шахс ўзининг ғоявийлиги, сиёсий онгининг етуклиги, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиши, дўстларга вафодорлиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан тавсифланади. Унинг энг муҳим белгиларидан яна бири ижтимоий ва шахсий манфаатлари ўзаро ажралмас эканлигидир. Ижтимоий манфаат йўлида хизмат қилишни, ўзидаги куч-гайрат, билим ва тажрибани жамият ва жамоа манфаати учун сарф қилишни совет кишиси ўзининг виждоний бурчи деб билади.

Ижтимоий манфаатлар мазмун жиҳатидан шахсий манфаатларга кўра анча кенг ва чуқур. Ижтимоий манфаатлар совет жамияти тараққиёти объектив йўналишлари талаблари билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлардир. Улар барча миллатлар, элатлар, халқлар, синфлар ва зиёлилар мақсад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди.

Совет жамиятидаги шахсга ватанпарварлик, инсонпарварлик, инсон ва унинг ҳуқуқларини чуқур ҳурмат қилиш, мақсадлар бирлиги, умуммиллий ифтихор туйғуси, текинхўрлик ва порахўрликка, вазифани сунистеъмол қилиш ва таниш-билишликка, меҳнатсиз даромад олишга муросасизлик сингари фазилатлар ҳам хосдир, буни ҳаётимизда рўй бериб турган воқеалар исботлаб турибди. Миллатчилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишлари совет кишиларининг табиатига батамом зиддир.

Совет жамияти тараққиётининг ҳозирги тарихий босқичи ҳамма соҳада — иқтисодий, ижтимоий масалаларда, плм-фан ва маданиятда, бошқарувда, ошкоралик ва демократияни, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда, қонучилигини мустаҳкамлашда, рўй берган салбий ҳодисаларни тугатишда инсон омили ролининг, шахс ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қонуний равишда ўсиб бораётганлиги билан фарқланади.

Маълумки, барча ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсонни жамият вояга етказди, чунки жамиятдаги тартиб-қондалар инсоннинг дунёқарашига, одоб-ахлоқи, руҳиятига, маъна-

вий дувёсига таъсир этмасдан қолмайди. Жамиятга хос бўлган барча ижобий ва салбий жиҳатлар ҳар бир шахсда у ёки бу даражада ўз аксини топади. Буни шахсга сиғиниш ва машъум қатағон йиллари мисолида кўриш мумкин. Уша йилларда мамлакатимизнинг ҳамма жойида гуноҳсиз кишиларни таъқиб остига олиш, қийнаш, сургун қилиш, қамаш, қатл этиш мислсиз авж олиб кетди. Зийиллар, партия ва совет раҳбар ходимларининг энг саралари биров-кетин йўқотилди. Адолат ўрнини риё, ҳақиқат ўрнини ёлгон, виждон ўрнини лўттибозлик, ишонч ўрнини қўрқув эгаллади. Бутун бошлиқ партияда яккаҳокимлик ҳукм сурди. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг онгги, феъл-атвори, хусусиятларида ўз ифодасини топмасдан қолмади. Бу даврдаги энг катта хатоликлардан яна бири миллий тиллар ва маданиятлар, урф-одат ва анъаналар ривожланишига бир ёқлама ва чекланган даражада ёндашишдан иборатдир.

Турғунлик йиллари одамлар кўз ўнгиде таниш-билишлик, меҳнат қилмасдан машаққатда яшаш ва обрў орттириш, қўшиб ёзишлар, меҳнатга ҳақ тўлашда «тенгчилик» ва бошқа иллатлар авж олиб кетди. Буларнинг ҳаммаси баъзи кишиларда шахсий бойлик тўплаш, обрў-эътибор, амал орттиришга интилиш, бунинг учун юқори мартабали шахсларга лаганбардорлик қилиш, пора бериш руҳияти кучайиб кетишига себаб бўлди. Бора-бора ижодий фикрлашдан маҳрум бўлган, ҳар қандай буйруқни ҳам ўйламасдан бажараверадиган, жиндак масъулиятни ҳам ўз зиммасига олмайдиган кишилар топфаси пайдо бўла бошлади. 70—80-йилларда шундай бўлдики, раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган баъзи шахслар назорат ва танқиддан ташқарида қолдилар, танқидни бўғдилар, бир-бирларининг сир-асрорларини яширдилар, интизомнинг бўшашиб кетишига йўл қўйдилар, қонуларни истаганча бузиб уларни ўз қарашларига мослаштирдилар.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларининг фожиалари фақат айтиб ўтилганлардангина иборат эмас. Уша пайтларда оддий меҳнаткашларнинг, баъзи бир миллиятлар ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чеклаб қўйилганини, қадриятлари ерга урилганини айтмасдан ўтиш мумкин эмас. Асосий қонунда совет фуқаролари пил олиш ҳуқуқига эгадирлар деб айтилган. Ҳолбуки, ҳар йили жумҳуриятимизда кўпгина ёшлар олий илмгоҳларга кириш учун етарли даражада балл олсалар-да, лекин мандат комиссиясидан ўта олмайдилар. Фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар-да, аммо ҳозирги пайтда шаҳар ва қишлоқларда қавчадан-қанча одамлар иш тополмасдан ишсиз юришибди. Уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб бир неча йиллардан бери навбатда турса-да, квартаира ололмаётганлар ҳам шулар жумласидандир. Беморларнинг кўпайиб, болалар ўртасида бевақт ўлимнинг ортиб, хотин-қизлар ўртасида ўзига-ўзи ўт қўйишнинг авж олиб кетаётганини, шифохоналарга, курорт ва санаторийларга жойлаштиришдаги муаммолар, фирромликлар, таниш-билишчилик, савдо соҳасидаги баъзи ғаламчиликлар—буларнинг ҳаммаси совет киши-

ларининг Конституцияда белгилаб, қонун йўли билан мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқмаганлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бўлгани каби жумҳуриятимизда ҳам жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб ижтимоий адолат тикланыпти. Аҳолига томорқа учун ер ажратилаётганлиги, саноат корхоналари қурилаётганлиги, ўқувчлар, талабалар, аспирантлар, ўқитувчи, тиббиётчиларга, пенсионерларга берилаётган моддий ёрдамнинг янзда оширилаётганлиги ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Қайта қуриш шахсининг камол топишига, халқлар, миллатларнинг ўз-ўзини англашига қулай шароит яратадиган, инсон тафаккурига эрк берадиган, ижтимоий муносабатларнинг янгича босқичга ўтишига имкон туғдирадиган сиёсатдир.

2. ҚАЙТА ҚУРИШ, ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯЛАШ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ РОЛИ

Ҳозирги тарихий бурилишлар даврида мамлакатимизда гарчи эҳдида, қийинчиликлар ҳамда машаққатлар асосида бўлса-да, қайта қуриш жараёни давом этмоқда. Қайта қуриш социализмининг инсонларварлиқдан иборат туб моҳиятини тиклаш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, инсоннинг ҳуқуқлари, жамият олдидagi бурчи ва масъулиятларини қонун билан мустақамлаб қўйиш йўлидаги дадил ҳаракатдир.

Қайта қуриш совет жамияти тараққиёти талаб ва эҳтиёжлари асосида юзага келган объектив жараёндыр. У биз учун вақтинчалик ҳаракат эмас, балки инсон ҳаётининг барча соҳаларини туб ислоҳ билан сифат жиҳатдан ўзгартириш ва батамом янгилаш мақсадлари йўлида анча вақт давом этадиган энг чуқур ижтимоий ўзгариш, бутун бир тарихий палладир.

Қайта қуришнинг ажойиб самараларидан бири ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсон шахси роли муттасил ошиб боришини таъминлаганлигидир. Бунинг сабаби равшан. Чунки барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган инсон шахсининг ижодий фаолиятини ривожлантириш ва ишга солишнинг янгида-янги йўллари ва имкониятларини қидириб топмасдан туриб ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Тарихий мақсадлар кўлами кенг, инсон шахси баркамол бўлса, у виждонан меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса жамиятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустақамланади. Инсоннинг ижодий ташаббуси, жовли ижодийети жамиятимизнинг кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбадир.

Совет жамияти ўзига муносиб бўлган инсон шахсини юзага келтирганидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айна пайтда тевақуфдаги муҳитга таъсир кўрсатиш, уни ўзгартириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз, кўр-

кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият қонунларини, ўз ҳаёти шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган фаол амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий муҳитни, жамиятни ўзгартира олади.

Инсон фақат шароит ва тарихнинг маҳсулигина бўлмай, балки уларни яратувчи ҳамдир. Қайта қуришни муваффақиятли равишда амалга ошириш ҳар бир инсон шахидан ўз бурчини кўркўрона бажаришни эмас, балки вазифасига оғлиб, илмий асосда ёндашишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ҳар бир совет кишини, ҳар бир шахсни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишига эришиш, сиёсий маданиятли қилиш қайта қуришни амалга ошириш, ошкоралик ва демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бўлиб қолди.

Агар инсон ўзи томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай ишнинг, амалий фаолиятнинг оқибатларини олдиндан сеза билса, ундан ўзи ва жамият учун қандай наф келишини пайқаса, моддий ва маънавий манфаатдорлигига ишонч ҳосил қилса ўшанда ўзидаги барча куч ва имкониятларни ишга солиб меҳнат қилади, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳам вақтида уддалайди.

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш босқичида инсон омили ролининг кучайиб бораётганлиги муаммосининг бир неча жиҳатлари бор. Бир томондан, у ижтимоий ишлаб чиқариш ходмининг камол топтиради, уни рағбатлантирадиган омилларни белгилаб беради. Иккинчи томондан, одамларнинг меҳнат ғайратя, малакаси ишлаб чиқаришга қайта таъсир қилади, унинг таъриқий-иқтисодий жадаллаштиради.

Инсон шахсининг бойлиги, фаоллиги энг аввало меҳнат фаолияти соҳасида рўйга чиқади. Меҳнат соҳасидаги фаоллик шахс фаоллигининг бошқа ҳамма шакллариغا қараганда белгиловчидир. Бу тасодиқий эмас, албатта. Чунки айни шу соҳада инсоннинг олган билими, орттирган тажриба ва малакаси ва бошқалар амалда қўлланилади, намоён бўлади. Меҳнат жамоасида инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ақлий ва jisмоний фаолияти шаклланади, юзага чиқади. Моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули инсоннинг маънавий, ижтимоий, сиёсий жараёнларига сабаб бўлганидек, шахснинг меҳнат соҳасидаги фаоллиги ҳам ўз навбатида жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий, ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Қайта қуриш даври ижтимоий энг соҳасидаги сифат ўзгартирилари, иқтисодий тафаккурнинг замонавий типини ҳосил қилишни, шахсда юксак масъулият, ишчанлик, интизом, омилкорлик фазилатларини тарбиялаб, вояга етказиш вазифасини ўртага қўйди. Ҳозирги қайта қуриш даврида меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари кенгайтириш, бригада пудратини жорий этиш, жумҳуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришиш сингарли муҳим янгилликлар ҳаётга бирин-кетин жорий этилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси инсон омили таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда шахс фаоллигини янада ошириш имкониятини беради.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш — қайта қуришнинг туб муаммоларидан биридир. Қайта қуриш олдида турган улкан вазифаларни юқоридан туриб амалга ошириб бўлмайди. Буving учун меҳнаткаш инсоннинг бевосита иштироки, унинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодий меҳнати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарур.

Қайта қуришни амалга оширишнинг зарур шартларидан яна бири — инсоннинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатдир. Инсоннинг онгини, ижтимоий руҳиятини декрет чиқариш йўли билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, қайта қуриб бўлмайди. Кишилар онгидя ўтмишда рўй берган хато ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб боришни, барча салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатишни, ижтимоий адолатни сўзда эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади. Аввало кишиларнинг моддий ҳаёт шароитларини яхшиламасдан туриб уларнинг онгини ўзгартириб бўлмайди.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгичасига фикрлаш ва ишлаш истаги ҳамда маҳорати ҳосил қилинмаса иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бирон-бир нарсаги ўзгартириш амримаҳол эканини қайта қуриш тажрибаси кўрсатиб турибди. Шахс қарорлар ва кўрсатмаларни, юқоридан бериладиган ҳар қандай топшириқларни кўр-кўроша бажарадиган темир роботлар эмас, балки ҳис-туйғуларга, ор-номус ва виждонга, нафсониятга, инсоний қадриятларга эга бўлган мураккаб ижтимоий мавжудотдир. Агар талабчанлик фавқулодда дағал, айрим ҳолларда қўполлашиб кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, таҳқирлайдиган бўлса, бу ҳол муқаррар равишда ишонсизлик, несенизмга олиб келади, шахснинг ижодий фаолиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини сусайтиради. Яхши, илиқ сўз, ширин муомала билан ҳам кишиларни қайта қуришнинг мураккаб ва кўн қиррали вазифаларини ҳал этишга илҳомлантириш мумкин.

Қайта қуришнинг инсон шахсига берган ажойиб незматларидан бири демократия, ошкоралик, ижтимоий адолатнинг аста-секин тикланишидир. Демократия ва ошкоралик яратиб берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий ястакдап ташқари юксак сиёсий маданият, вазиьлик, маънавий поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Демократия ҳар ким билган ишини қилади, оғзига келганини гапирди, деган гап эмас. Бундай ҳолларда бебошлик, олдини олиб бўлмайдиган тўс-тўпловлар кучайиб кетади. Оқилона интизом, ҳалол меҳнат, ақл-идрок билан иш юритилган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврдаги вксий нарса жумҳуриятимизда мавжуд бўлган оғир шароитдан чиқиш йўлларини биргаликда излашдир. Бу ўринда жумҳуриятимизда пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологиядаги ташгликдан

чиқиш, ерни соғломлаштириш, шохма-шошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўриб ўлкамиз иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш йўлларини излаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, қайта қуриш, ошқоралик, демократиялаш шарофати билан давр ва одамлар тез ўзгаришти. Шахс маънавий жиҳатдан ўсиб, камол топяпти.

3. ҚАДРИЯТЛАР, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ҲАЁТИДАГИ УРНИ

Қадриятлар дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи тушунилади. Қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар: ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар кирди. Улар яна иқтисодий (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий неъматлар ва бошқалар) ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик, халқаро дўстлик ва бошқалар) қадриятлардан ҳам иборатдир. Илмий, фалсафий, бадний, диний гоялар ва бошқа шу қабила маънавий қадриятларни ташкил этади. Яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий қадриятлардир. Эстетик қадриятлар устида фикр юритганда биринчи навбатда барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимиёзга келади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар мавжуд. Миллий қадриятлар айрим халқ, миллатлар ва элатларнинг ўз тарихий тараққиёти жараёнида яратадиган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисидан иборатдир. Табиати муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш, хавфли касалликларнинг ўзаро ҳамкорликда олдини олиш, озиқ-овқатга, энергия ва ёқилғига бўлган таъқиқликни тугатиш маданий бойликларни, цивилизацияни эсон-омон сақлаб қолиш, урушларнинг бошланишига йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолиш — буларнинг ҳаммаси умуминсоний, умумбашарий қадриятлардир. Умуминсоний қадриятлар алоҳида халқлар ва миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкдир.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳомили бўлган инсоннинг ўзи дунёда энг олий қадрият бўлиб ҳисобланади. «...Ҳамма нарса қиладиган инсондир... Тарих инсон фаолиятидан бошқа нарса эмасдир...»¹, — деган эди. Ф. Энгельс.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-жилд, 102-бет.

Миллий, регионал ва умуминсоний қадриятларни дилида жо қилиб олган, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, типчилик, демократия, янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон — энг олий даражадаги бойлик — қадриятдир. Инсоннинг қадриятдор эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатини ақс эттиради. Қадриятлар инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Ўз қадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилиши бўлиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ўз-ўзини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгиловчи гоят муҳим хислатдир, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгиде ўз қадр-қимматини йўқотишга сабаб бўладиган қилиқларга йўл қўймайдиган тўсиққа айланади. Ҳар бир инсон энг аввало ўз-ўзини ҳурмат қилиши, қадр-қиммати, ор-номуси, шайнига доғ туширмаслиги лозим. Ўзининг қадр-қимматига етиш, ор-номусини сақлай билиш — муҳим инсоний фазилатдир. Ўз иززат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда қадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Ўзини ҳурмат қилмаган киши ўзгаларни қадрлай олмайди. К. Маркс айтганидек, қадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

Қадр-қиммат шахсни ҳурматлашни, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам ўз ичига олади. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага келади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш бемаъниликдир. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуаси билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Ана шуларни назарда тутиб фалсафа фани инсоний қадриятларни ижтимоий шаронг тақозоси билан юзага келган ахлоқий бойлик деб ҳисоблайди. Барча ахлоқий нормалар, юриш-туриш қондалари сингари жамият инсоний қадриятлар ҳам жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Совет жамияти ҳар бир инсонни эъзолаб, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ўстириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўзида бор бўлган ҳамма имкониятларни ишга солади. Кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Илмозия хатлар ёзиш, бўҳтон, тухмат уюштириш йўли билан кишиларни

ноҳақ безовта қилиш, қадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан таъқиқланган. Ассоти, адолатли танқид қилган кишилардан ўч олишга ҳаракат қиладиган кимсалар кимлигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини суистеъмол қилган мансабдор шахслар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун судга берилади, қонун олдида жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий касал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, пенсияерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат йўли билан муҳофаза қилинади, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойнинг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг оир сақланиши кафолатланган. Совет қонунлари фуқаролар ор-номуси, қадр-қимматиши сақлаш ва муҳофаза этишга муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ассотий Қонуннинг 57-моддасига мувофиқ, совет фуқаролари ўз ҳаётлари ва соғлиқларига, мулкларига ва шахсий эркинликларига, ор-номусларига ва қадр-қимматларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек ҳар бир жумҳуриятларнинг фуқаролик Кодексларида ҳам кишиларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида махсус моддалар бор.

Мамлакат тараққиётининг муайян босқичида айрим объектив омиллар, энг аввало субъектив сабабларга кўра шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уй-жой, газ, озиқ-овқат, табобат хизмати билан таъминлаш, умуман ижтимоий эҳтиёжларини қондириш соҳасида эътибор сусайиб кетди, чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида рўй бера бошлаган салбий ҳодисалар ўз навбатида инсон ҳаётининг меҳнат ва турмуш шароитларидан, соғлиғи ва бўш вақтини ташкил этиш, дам олиш ва хизмат соҳасидан тортиб то синфий ва миллий муносабатларгача бўлган бутун борлигини ўз ичига оладиган ижтимоий соҳанинг ҳам ривожланишига ўзининг зарарли таъсирини кўрсата бошлади. Озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа муаммоларнинг узоқ йиллар давомида ҳал этилмасдан келиши фан ва маорифнинг, соғлиқни сақлашнинг, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг, оилани мустаҳкамлаш муаммоларининг, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, миллий ва миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этишнинг моддий базаси орқада қолишига сабаб бўлди.

Турғунлик йилларида, айтиб ўтилганидек, иқтисодийнинг ижтимоий йўналиши жуда заифлашиб кетди. Жамятимизнинг ғоят муҳим принципи— меҳнатга яраша тақсимлаш принципи бузила бошлади. Баъзи юқори мартабали шахслар фаолиятида юз берган салбий ҳодисалар меҳнаткаш инсоннинг дилини қаттиқ ранжитди, ҳафсаласини пир қилди, қадр-қиммати ва нафсонияти камситилишига олиб келди. Ҳозирга қадар капиталистик

мамлакатларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, қадриятлари оёқ ости қилинаётганлиги ҳақида истаганча гапирдик, шов-шув кўтардик, ўзимиздаги унча-мунча ютуқларни эса мутлақлаштирдик, керагидан ортиқ мадҳ этдик. Афсуски, ўша кезларда инсоннинг ор-помуси ва қадриятлари оёқ ости қилинаётган эди. Ижтимоий адолат бўзилган, қонун-қоидалар, ҳуқуқ-тартибот суиистеъмом қилинган бу даврларда кўпчилик одамлар ноҳақ қамалди, жазоланди, айбисиз айбдор бўлиб қолишди, инсоний қадриятлари ерга урилди.

Маъқамачилик, маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қилган шароитда умумийликнинг янқалиқдан, ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги баҳонаси остида инсон моддий манфаатдорлигининг оқилона чегаралари кескин торайтирилди, социалистик ижтимоий тузумнинг инсонпарварлик моҳияти йўққа чиқарила бошлади. Буларнинг ҳаммасида халқнинг тоқати-тоқ бўлди. Амалга ошмаган даъватлар ва ваъдалар шу қадар кўп бўлдики, оқибатда уларга ҳеч ким ишонмай қўйди. Инсоннинг манфаатлари, кадр-қиммати ҳақида қанчалик кўп гапирилган бўлмасин, лекин бу гаплар моддий ресурслар, ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмади.

Ун йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, умумхалқ ва умуминсоний қадриятларни социалистик жамият имкониятлари ва талаблари даражасида юксалтириш масаласида йиғилб қолган муаммолар қалқиб юзга чиқди, уларни ҳал қилиш зарурияти биринчи даражали аҳамият касб этарди. Худди ана шу шароитда мамлакатни қайта қуриш, инсонпарварлик қадриятларига асосланадиган жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатини бунёд этиш, демократик социализмни барпо этиш ва мустаҳкамлаш масаласи ўртага қўйилди. Бундан бошқа йўл йўқ эди. Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни жамиятимиз ўзининг асосий мақсади деб билди.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш масаласида Ўзбекистонда ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг, кадр-қимматини оширишнинг энг асосий масалаларидан бири — бу уй-жой масаласидир. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун ер ва мазлағлар ажратилди, қурилиш материаллари билан ёрдам берилди.

Жумҳуриятимизда яқин-яқинлардан бошлаб пахта теримида қўшимча ҳақ тўлашнинг жорий этилганлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш устида иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига бепул

овқат, ҳомиладор, бемор айллари қўшимча юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги, ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қариялар ва уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаётганлиги, пенсия билан таъминлашнинг яхшиланаётганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси инсонга бўлган муносабатлар яхшиланаётганлигининг амалий исботидир. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатларнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади.

Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввури фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамдир. Миллий туйғу — табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихи, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш ҳиссий шаклда мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва қадриятларини қандай қилиб англашиши тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш — тарих ва инсоният учун энг катта жиноятдир.

Ҳар бир кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси бўлади. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолви кўрамаиз. Бу туйғу инсоннинг алоҳида қадр-қиммат туйғусига ўхшайди. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг кучайиб бориши миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, бошқа миллатлар ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасликка, миллий мақтанчоқликка олиб келмаслиги керак. Миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлардан ажратиб олиб, унга маҳлиё бўлиб кетиш, бирор миллатни мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллатлар вакиллариининг миллий туйғуларини ва нафсониятларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин. Бу энг хавфли парса. Шунинг учун ҳам бу масалада ҳушёрлик, вазокат, инсоф, диванат, камтарлик, қуюшқопдан чиқиб кетмаслик, ўзга миллат кишилари тили, маданияти, тарихи, анъана ва удумларини астойдил ҳурмат қилиш талаб қилинади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдирди, мазмунини бойитади.

Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмун жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, уни ўз ичига олади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва

иятилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Шунинг таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган ўзининг алоҳида тарихига эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргалликда тараққий этади.

Бутун жаҳон иқтисодий ва маънавий тараққиёти халқлар, миллатлар, элатлар, уруғлар ва қабилалар тарихий тақдирларининг ўзаро боғланиши, чирмасуви, бир-бирини тўлдириши асосида амалга ошади. Агар бирор миллат бошқа миллатлар билан умумий хусусиятларга эга бўлмаганда, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлмаганда, улардан ўрганмаган ва ўзидаги ютуқларни бошқалар билан баҳам кўрмаганда эди, у бахтсиз миллат бўлган бўлур эди. Бундай миллат жаҳон цивилизациясининг самараларидан фойдалана олмаган бўларди.

Халқнинг улуворлиги миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний хусусиятларга эга эканлигида, жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасидадир. Айни чоқда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Гап шундаки, миллий манфаатларни, миллий қадриятларни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларга қарама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни қайсидир миллат ва элатнинг манфаатларига хилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаатлар баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни оқитишлар миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий таъсир ўтказиши. Бир миллатнинг манфаат ва қадриятлари бошқа миллатникидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши керак.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингарп ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқилова ва холисона ўрганиш қайта қуриш давридаги иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда илмий ва холисона иш туттиш керак.

Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Совет ҳокимияти йилларида бу масалада катта натижаларга эришилди. Гап шундаки, Октябрь инқилоб ўтмишида кам тараққий этган, ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тараққиёт соҳасида жаҳондаги илғор мамлакатлар ва халқлардан орқада қолиб кетган миллий чекка ўлка халқларини, хусусан ўзбеклар ва тожиклар, туркманлар ва қирғизлар, қozoқлар ва қорақалпоқларни жисмоний қирилиб кетишдан сақлаб қолди, уларни халқлар турмаси деб ҳисобланган чор ҳукумати ҳамда маҳаллий эксплуататорлар зулмидан, сиёсий-сиёсий ва миллий азоб-уқубатнинг ҳар қандай даҳшатли шаклларида қутқарди, мустам-

лака ва феодал ўтмишдан мерос бўлиб қолган асрий қолақлигини баргараф эгиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Иқтисодиётда, маданиятда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда Октябрь инқилобидан кейин рўй берган туб ўзгаришлар Ўзбекистон халқлари турмушининг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар қилиш учун шароит яратди.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатнинг барча жумҳуриятларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам маданий инқилоб амалга ошди. Бунинг натижасида саводсизлик ва чала саводлик тугатилди, халқнинг ижодий кучлари ривожланиши, қобилияти ва истеъдодининг юзага чиқиши учун кенг истиқболлар очилди.

Халқларимизнинг яхши анъаналари, удуллари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, яхши кўни-қўшничилик, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлари тикланмоқда. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва илмий қадриятлар ҳозирги даврда яратилган маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покликни таъминлашга қўмаклашади.

ХУШ БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЎРА БИЛИШ

1. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ОЛДИНДАН КЎРА БИЛИШ — ИНСОН ОҚИЛОНА ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУР ШАРТИ

Инсон ҳаётида ҳали рўй бермаган, фан учун ҳозирча номаълум ҳисобланган, имконият тариқасидагина мавжуд бўлган бир-бир ижтимоий-сиёсий воқеа ёки ҳодисанинг келажакда қандай рўй беришини, унинг ҳолати, ривожланиш қонунилари ва оқибатларини муайян илмий далиллар, назарий хулосалар ва маълумотларга асосланган ҳолда олдиндан айтиб бериш—башорат қилишдир. Келажакни олдиндан билиш (прогнослаштириш) назарий ва экспериментал маълумотларни умумлаштиришга ва жамият тараққиёти қонуниларини ҳисобга олишга асосланади. Илмий башорат — табиат ва жамиятнинг ҳали кузатилмаган ёки тажрибада аниқланмаган ҳодиса ва жараёнларини олдиндан айтишдир. Илмий олдиндан кўриш — келажакни билиб олишдир.

Инсон фақат орқага, ўтмишга қараб яшай олмайди, балки ўтмиш авлодлар томоғидан яратилган барча илмий билимларни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, уларга ижодий ва танқидий ёндашиш асосида келажакни олдиндан кўришга, тўхтовсиз илгарилаб боришга ҳаракат қилади. Ўтмишсиз келажак йўқ. Ўтмишни, тарихни билмасдан туриб келажакни билиш, олға ривожланиш мумкин эмас. Келажакка умидворлик билан қараш, бугун билмаган нарса ва ҳодисани эртага мукамал билишга интилиш, орқа-

га эмас, олдинга, келажакка томон ҳаракат қилиш — инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бўлиб ҳисобланади. Инсон ўзининг келажagini тахмин ва гувоҳларга асосланиб эмас, балки фан ва амалиётнинг чуқур илмий хулосаларига асосланиб билиб олади. Фан ва амалиёт — келажакни олдиндан кўришнинг энг ишончли қуролидир. Инсон фан ёрдамида дунёни илмий асосда билади, ундан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланади. Бирон-бир нарсадан фойдаланиш учун аввало ўша нарса ва ҳодисани билиш, атрофлича ўрганиш керак бўлади.

Башорат қилиш, илмий олдиндан кўриш инсон тафаккури билан боғлиқ бўлгани учун унда ҳақиқатга яқин ҳаёлий нарсалар ҳам, назарий жасорат ва интилиш ҳам, шунингдек гоҳида янгилишлар ҳам бўлиб туради. Агар илмий фараздан қонуний равишда келиб чиқадиган хулоса тажрибада тасдиқланмаса, ҳаётда ўзини оқламаса, бу ҳол илмий фаразнинг нотўғрилигини кўрсатади.

Илмий олдиндан кўриш табиат ва жамиятнинг билиб олинган қонуनларини номаълум бўлган ва ҳали юзага келмаган ҳодисаларни соҳасига жорий этилишига асосланади. Илмий олдиндан кўришда муқаррар равишда келажакдаги воқеалар ва уларнинг муддатлари хусусида тахминий фаразларнинг элементлари бўлади. Бунинг сабаби шуки, тараққиёт жараёнида илгари мавжуд бўлмаган сифат жиҳатдан янги сабабий боғланишлар ва имкониятлар пайдо бўлади, жамиятга таъбиқан эса бу нарса унинг ривожланиш жараёнининг алоҳида мураккаблигидан келиб чиқади. Илмий башорат тўғрилигининг мезони — амалиётдир.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини олдиндан билиш режалаштириш, программалаштириш, лойиҳалаштириш, бошқариш назариялари билан ўзаро алоқадорликда амалга оширилади. Мураккаб жараёнларни олдиндан билишга айрим фанлар мутахассисларининг кучи етмаслиги сабабли илмининг барча тармоқларидаги етук олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади. Келажакни, реал тарихий жараёнларни прогностлаштиришнинг энг қўлай усули эксперт баҳолашдир. У тарихий жараён ҳақидаги чуқур ва аниқ илмий тасавурларга, илмий тадқиқот усулларининг натижаларига асосланиб иш кўради ва хулоса чиқаради.

Жамият тараққиёти қонуниятларини олдиндан кўра билишнинг экстраполяция (муайян бир шароитда рўй берадиган қонуниятларни ҳозирги давр ва келажакка боғлаш), тарихий аналогия (ўтмиш ҳодисаларига қараб хулоса чиқариш), ижтимоий ҳодисаларни компьютер орқали моделлаштириш, сценарий тузиш (келажакка бўладиган ҳодисаларни тасвирлаш), тарихий воқеаларга эксперименталь баҳо бериш (экспериментные оценки) сингари асосий усуллари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси биргаликда жамият тараққиётини олдиндан кўришга имкон беради.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини олдиндан билиш ва кенг мушоҳада этиш кишиларнинг орау-иштакларига эмас, балки жамият тараққиётининг қонуनларини пухта билишга асосланади. Амали-

ёт шуви кўрсатдики, реал воқеликнинг ҳал қилувчи йўналишларини фақат равшан тушуна олган тақдирдагина тўғри, илмий жиҳатдан асосланган сиёсат юритиш мумкин. Содир бўлаётган воқеалар диалектикасини, унинг объектив мантиқини чуқур тушуниб олиш, давр ҳаракатини ифодаловчи тўғри хулосалар чиқара билиш осон эмас, лекин бу ғоят зарур ишдир.

Реал воқелик, мамлакатимизда, жаҳон миқёсида мунтазам равишда содир бўлиб турган ҳодиса ва жараёнлар, жаҳон фани ва техникасининг, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг ҳайратомуз даражада тўхтовсиз ривожланиб бораётганлиги, ҳозирги замон илмий-техника инқилоби ютуқлари инсониятнинг келажаги ҳақида мукаммал илмий хулосалар чиқариш учун бой материал бермоқда.

Мамлакатимизнинг келажаги ҳақида аниқ режалар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишнинг энг оқилона ва мақсадга мувофиқ йўллари билгилан олиш учун халқ билан маслаҳатлашиш, унинг фикрига қулоқ солиш, мададига суяниш, унинг талаб-истакларини бажариш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатнинг истиқболини ўйлаб, халқнинг талаблари инobatга олиниб сиёсатимиз ва қонунларимиз, қомусимиз ўзгармоқда. Халқни ўзгартаришдан кўра сиёсатни ўзгартариш осонроқ, Сиёсий муносабатларга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга, таълим-тарбия, мафкура, таъбат, кадрларга оид ишларда ниҳоятда ҳушёр бўлиш ва сиёсий донишмандлик асосида иш кўриш, воқеликка асосланиш, ҳаётдан, турмушдан ажралиб қолмаслик, воқеалар ривожланишининг орқасида эмас, олдида бўлиш, халқдан ўрганиш, халқ билан мунтазам равишда алоқада бўлиш, фан-техника ютуқларига асосланиб оқилона иш юритиш, вазиятнинг ўзгаришига қараб ҳаракат қилиш, демократия ва ошкораликни янада кенгроқ ва чуқурроқ ривожлантириш, миллий тиллар ва маданиятлар, миллий урф-одатлар, миллий руҳият, маданий мерос, ўтмиш тарихни чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама ривожлантиришда ва бошқа масалаларда ижтимоий адолат принципларига қатъий амал қилиш, иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини амалга ошириш ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш келажак томон тўхтовсиз илгарилаб боришнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади. Бу қандайдир кишилар гуруҳининг, айрим шахсларнинг ҳоқиш-иродаси эмас, балки миллион-миллионларни ташкил этувчи мамлакатимиз халқларининг, бошқача айтганда, совет жамияти тараққиёти ҳозирги босқичининг талаб ва эҳтиёжидир.

Шунинг айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги назарда тутилиб ишлаб чиқиладиган ҳар қандай режа ва дастурнинг марказида доимо инсон, унинг манфаатлари ва қизиқишлари туриши лозим. В. И. Ленин инсон ҳаёти, унинг имкониятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш энг катта вазъатдир, деб таъкидлаган эди. Бизда амалга оширилаётган келажак ҳақидаги режаларнинг асосида фақат мамлакатимиз кишиларининггина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг манфаатлари, сайёра-

мпанинг тақдири ва манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш назарда тутилади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир кишини инсониятни келажакда нималар кутади, келажакнинг техникавий қиёфаси қандай бўлади, фандан нималарни кутиш мумкин? деган ва бошқа қатор саволлар қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Бутун инсониятни қизиқтираётган, ташвишга солаётган сон-саноқсиз саволларга жавоб бериш учун фолбиллик қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг назарда тутиш керакки, келажакка ҳозир пойдевор яратилмоқда, келажак бугундан бошланади.

2. ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ ИСТИҚБОЛИНИ ИЛМИЙ ФАҲМЛАШ

Ҳозирги замон мутафаккирлари чуқур илмий билимларга таянган ҳолда инсониятнинг бундап бир неча йил, ҳатто асрлардан кейинги ҳаёти, сайёрамизнинг тақдири ҳақида башорат қилмоқдалар. Масалан, академик марҳум А. Сахаровнинг кўрсатишича, бизнинг невараларимиз ва эвараларимиз яшайдиган эллик йилдан кейинги дунё ҳақида ўйлаб кўрган кишининг кўнглини кучли ва зиддиятли туйғулар қамраб олади. Булар инсониятнинг бениҳоят мураккаб келажакдаги фожеий хавф-хатарлар, машаққатлар олдидagi кўрқув ва даҳшат, айни вақтда лак-лак одамларнинг ақл-идроки, қудрати ва дилидаги инсонийликка умид туйғуларидир. Фақат мана шу умидгина босиб келаётган таҳлика, фалокатларга қарши туриши мумкин. Бу ўринда ҳозирги серқирра ва муқаррар фан-техника тараққиётдан ҳайратланиш ва унга жонли қизиқиш туйғулари ҳам бор¹.

Дунё аҳолисининг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг оғир муҳим хусусиятларидан бўлиб ҳисобланади. Шу кеча-кундузда сайёрамиз аҳолиси соатига 6000, минутига 100—120, секундига 2 кишига кўпаймоқда. Дунё бўйича кундалик ўсиш ўрта ҳисобда 275 кишига тўғри келади. Жаҳон аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 60 миллионга кўпаймоқда.

Дунё аҳолисининг келажакдаги ўсиш кўрсаткичлари ҳақида нима дейиш мумкин? Файласуфлар, социологлар, демографлар 2000 йилларда жаҳон аҳолисининг сонини 6 миллиардга, 2025 йилларга бориб эса 8 миллиардга етишсини тахмин қилмоқдалар.

Ҳисоб-китобларга қараганда, келажакда сайёрамиз аҳолисининг ўсишига тескари равишда табиий бойликлар — нефть, тошкўмир, торф, тоза сув, унумдор tupроқ секкин-аста камаё боради. Агар чучук сув запаслари билан қизиқадиغان бўлсак, у унчалик кўп эмас. Охирги маълумотларга кўра, унинг ҳажми 35 миллион куб километрдыр, яъни сайёрадаги умумий сув ҳажмининг 2 фоизини ташкил этади. Бу, албатта, жуда оз.

Инсон табиий ёқилгилардан фойдаланмасдан яшай олмайди. Табиат энергияга бой. Аммо табиий бойликлар, энергия манбалари битмас-туганмас эмас. Табиий энергиядан, қазилма бойлик-

¹ Қаранг: «Вопросы философии» журналы, 1989 йил, 1-сон.

лар запасларидан инсон яна қачонгача эркин фойдалана олади? деган савол туғилмаслиги мумкин эмас, албатта. Таҳминий ҳисобларга қараганда, нефть запаслари унчалик кўп эмас. Келгусида нефть қаҳатчилиги бошланмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Кўмир ер бағрида нефтьга нисбатан юзлаб марта ортиқроқ учраса-да, лекин шунга қарамай унинг запаслари ҳам чексиз эмас. XXI асрнинг ўрталарига бориб кўмир ҳозиргидан анча камийиб, тақчил бўлиб қолади. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкинми?

Маълумки, инсоният келажаги унинг фан-техника ютуқларидан қай даражада унумли фойдалана олишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги замон фан-техникасида бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки хил имконият— Ер юзидаги жамини жонли мавжудотни батамом қириб ташлаш ҳамда инсоният манфаатлари учун хизмат қилиш имкониятлари мавжуд. Ана шу имкониятларнинг қайси биридан фойдаланиш масаласи фан-техника инқилобining ўзига эмас, балки ижтимоий тузумнинг хусусиятига, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, фан-техника инқилобining мақсад ва ижтимоий оқибатларини ижтимоий тузумнинг хусусияти белгилайди. Фан-техника инқилоби самараларидан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги масала ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий курашида асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Замонамиз фани ва техникаси Ер юзида неъматларнинг мўл-кўллигини таъминлаш, жамиятнинг разнақи учун, шахснинг камол топиши учун шаддий парт-шароитлар яратиш имкониятини беради. Аммо бу имкониятлар уни амалга ошириш борасидаги камчиликлар сабабли инсоннинг ўзига қарши қаратилмоқда. Инсоният XXI аср бўсағасига мана шундай даҳшатли эиддият билан етиб келди.

Шуни айтиш керакки, фан-техника инқилобидан келиб чиқадиган жуда катта моддий ва маънавий истиқболлар ҳар қанча муҳим ва зарур бўлса-да, инсоният тақдирини ҳал этолмайди. Ижтимоий, маънавий, маданий ва ахлоқий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермаса фан-техника инқилоби инсониятга бахт келтирмайди. Унинг инсоният келажаги учун қудратли куч сифатида таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан одамларнинг ахлоқий, маданий-маънавий етуклик даражасига, умуминсонийлик қадриятларини қаъчалик ҳурмат қилиши ва қадрлашига ҳам боғлиқ.

Фан ва техниканинг шитоб билан ривожланиши инсон моддий ва маънавий имкониятларининг гоят даражада ўсиб кетиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши, уларнинг табиат кучларидан янада унумлироқ фойдаланиши учун замин яратди. Фан-техника инқилоби туфайли инсониятнинг ишлаб чиқарувчи кучларида сифат жиҳатдан сакраш бўлди.

Фан-техника инқилобining бошланиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг барча элементларида (меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва иш кучлари) бир вақтда юз бераётган ўзгаришларнинг тез суръат-

лари ва кепг кўламли билан тавсифланади. Фан-техника инқилоби пазорат ва бошқаришни комплекс автоматлаштиришни, энергиянинг янги турлари ва манбаларини кашф этиш ва улардан фойдаланишни, электрон-ҳисоблаш машиналари яратишни йўлга қўйиб инсониятга беҳад хизмат қилмоқда.

Фан-техниканинг йўналишлари келгусида давом этиши ва ривожланиши муқаррардир. Унинг барча тармоқлари ўзаро алоқадорликка ривожланади. Фан ва техника шундай бир мўъжизакор кучки, инсон унинг ёрдамида бугун битказмаган ишини эртага албатта битказди, бугун ўрганиб олмаган нарсасини эртага билиб олади. Фан ёрдамида инсон олис-олисларга нигоҳ ташлайди, келажагини олдиндан кўради.

Айрим мамлакатлар ва халқларгина эмас, балки бутун инсоният ҳам юқумли касалликларни йўқотиш, бошқа касалликларни эса қуйи даражага келтириш, Қуёш, шамол энергиясини, ер ости иссиқлигини инсон учун хизмат қилдириш, атом энергиясини саноатда, транспортда, қурилишда, таъбатда қўллаш, сув тошқинларини, бўрон-довулларни, вулқон отилишларини, ер қимирлашларини олдиндан билиш ва мутлақо зарарсизлантиришдан манфаатдордирки, буларнинг биронтасини ҳам плм-фан, техника ва маданият ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди. Олимлар ерда маълум бўлган барча моддаларни, ҳатто энг мураккаб моддаларни — оқсил моддаларини, шунингдек табиатда маълум бўлмаган, олмосдан ҳам қаттиқ, ўтга чидамли, вольфрам ва осмийдан ҳам кийин эрийдиган, ипақдан ҳам эластик, резинадан ҳам эгилувчан моддаларни заводларда тайёрлаш устида бош қогирмоқдалар. Албатта, яқин келажакда бу ва бошқа моддаларни одамлар фан ёрдамида ихтиро қиладилар.

Инсон фандан умричи узайтиришни, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг янги турларини етиштиришни, халқ хўжалиги учун кўпроқ гўшт, сўт, жун, ғалла, мева, тола, ёғоч ва бошқа нарсаларни олиш йўллариини топишни, ноқулай районларни, ботқоқликларни, тоғларни, чўлларни, тайгани, тундрани, денгиз тагиини ўзлаштириш йўллариини очиб беришни, шамол ва ҳароратни тартибга солиб туриш, булутларни юргизиш, ёмғирни ва очиқ ҳавони, қорни ва иссиқликни йстаган тарзда идора қилиш механизмларини олдиндан белгилаб беришни кутиб турибди.

Совет Иттифоқида яқин келажакда назарий ва амалий математика, информатика ва кибернетика, элементар зарралар, атом ядроси ва қаттиқ жисмлар физикаси, микро ва квапт электроникаси ҳамда оптика, радиофизика, атом ва термойдро энергетикаси соҳасидаги тадқиқотларни ривожлаштириш мўъжизалланган. Физикаанй-кнмёвий биология, таъбат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун физиологик фаол моддалар ҳосил қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ер қобиғи биосфера, дунё океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси, космик фазо, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволаш усулларини ҳамда воситаларини комплекс тадқиқ қилиш режалаштирилган. Буларнинг ҳаммаси фаннинг

бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиш жараёнини янада тезлаштиради.

Фан ва техника ҳеч қачон жамият тараққиётидан, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ажралган ҳолда ривожлана олмайди, жамият ривожланган сари улар олдига қўйиладиган талаблар, муаммолар мураккаблашиб бораверади. Фан учун булар ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар эмас. Бугун ечилмаган, ҳал этилиши имконияти бўлмаган энг мураккаб муаммони ҳам фан бора-бора аста-секинлик билан етади, бошқача айтганда, уларнинг ҳал қилиниш йўлларини кўрсатиб беради.

Юқорида қайд этилган, лекин кўпчилиги ҳозирча тўла ҳал этилмаган муаммоларнинг яқин келажақда ечилиши фаннинг ўз имкониятлари чегарасига бориб етганлигини эинҳор билдирмайди. Инсоннинг бегиним ақл-идроки ва тафаккурининг табиат кучларини ўзинга хизмат қилдиришга, унинг бутун сирларини билиб олишга интилишларининг чегараси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. В. И. Ленин ибораси билан айтганда «Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган ва ҳали яна кўп нарсаларни кашф этиб, шу билан табиатга ўз ҳукмронлигини орттириб боради...»¹.

Кишилар ҳозиргига инсбатан бирмунча юксакликка кўтарилганларидан кейин ҳам тўхтаб қолмайдилар, хотиржам бўлиб, томошабинга айланиб қолмайдилар. Аксинча, уларнинг куч-ғайратлари ошиб-тошади. Ҳал қилинган бир хил вазифалар ўрнига янги, олдингисига қараганда янча мураккаб ва долзарб вазифалар, эришилган мақсадлар ўрнига бошқа, янада ажойиб мақсадлар келади. Тарих ғилдираги шу тариқа олға томон бетўхтов айланаверади.

3. ҲОЗИРГИ ЗАМОН УМУМБАШАРИЯ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙУЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Умумбашарий муаммолар мазмунан бой ва чуқурлиги, қамровининг кенглиги, бутун инсоният ҳаётига тааллуқлилиги, миллий, регионал чегаралар билан чекланиб қолмаганлиги ва бошқа қатор хусусиятларига кўра айрим халқ ва миллатга, алоҳида бир ижтимоий-иқтисодий формацияга бевосита тегишли бўлган муаммолардан кескин фарқ қилади. Умумбашарий муаммолар инсониятнинг ҳозирги даври учунгина эмас, балки келажақдаги ҳаётний манфаатлари учун ҳам жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари — бу инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммолардир. Қурраи заминнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва регионларида лшаётган миллиардлаб кишиларга, умуминсониятга умумий алоқадор бўлган бундай муаммолар сон-саноқсиздир. Улардан энг асосийлари — Ер юзида тиңчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизлик-

В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-жилд, 335-бет.

ни таъминлаш, хавfli касалликларнинг олдини олиш ва экологик муаммони ҳал этишдан иборат. Умумбашарий муаммоларга яна ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий даражасини ошириш, аҳоли жон бошига олинадиган даромадларни ўстириш асосида очлик, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, конвотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Қайд қилиб ўтилган умумбашарий муаммоларни мазмуни ва хусусиятига кўра учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга жаҳон термоядро уруши олдини олиш, Ер юзидаги халқлар ижтимоий тараққиёти учун тинчликни сақлаш, ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд қолоқликларни тугатиш ва янги халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш каби муаммолар киради. Атроф-муҳитни фалокатли равишда ифлосланишдан сақлаб қолиш, инсониятни ёқилги, хом ашё, озиқ-овқат билан таъминлаш, жаҳон океани ресурсларини ва конвотни ўзлаштириш сингари умумбашарий муаммолар иккинчи гуруҳни ташкил этади. Ниҳоят, учинчиси илмий-техника инқилоби салбий оқибатларининг олдини олиш, соғлиқни сақлаш, саводсизликка қарши курашиш сингари муҳим ҳаётий муаммолардан иборат.

Умумбашарий, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган муаммолар бир-биридан ажралиб қолган эмас, балки узвий боғланишда ва ўзаро алоқадорликдадир. Улардан бирининг ҳал қилиниши иккинчи ва учинчисининг ҳам ҳал қилинишига йўл очади.

Дунёдаги кўпчилик халқлар ва мамлакатлар, биринчи навбатда, миллий мустақилликни яқиндагина қўлга киритган миллатлар ва халқлар учун жуда ҳам зарур деб ҳисобланаётган экологик, демографик ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қолоқликка, ривожланишнинг бир томовлама, чекланган хусусиятига бутунлай барҳам бериш, хатарли касалликлар олдини олишнинг жаҳон миқёсидаги бирдан-бир асоси ва яккаю ягона йўли — уруш ва тинчлик муаммосини оқилона ҳал этиш, инсониятни уруш хавфи даҳшатларидан бутунлай ва абадий қутултиришдир. Бу — тарих ҳақиқатидир.

Совет олимларининг берган маълумотларига қараганда, сайёрамизнинг айрим гўшаларида очлик ва яланғочлик, тўйиб овқат эмаслик, бошқа қатор ижтимоий фалокатлар орқасида минглаб бегуноқ болалар ҳаётдан кўз юмаётган, катта ёшдаги кишилар ўртасида ишсизлик авж олиб, бошпанасизлик кучайиб бораётган бир пайтда ҳар куни Ер юзида қуролланиш пойгаси учун минутига 1,5 миллиард долларга яқин пул сарфланмоқда. Айни пайтда ҳар бир киши бошига 3,5 тоннага яқин портловчи модда тўғри келади. Ҳар йили дунёда ҳарбий мақсадлар учун қарийб 1 триллион доллар сарф этилмоқда. Иқтисодий ва ҳарбийлаштириш содир бўлмоқда. Сарф қилинаётган бу маблағлар эса энг ўткир ижтимоий масалаларни, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишга тўғроқ бўлмоқда. Мабодо ҳарбий мақсадлар учун ишлатилаётган бу маблағлар меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёж-

ларини, сиҳат-саломатлигини, атроф-муҳит софлигини таъминлашга қаратилганда эди цивилизация тараққиёти туфайли вужудга келаётган табиатнинг номуғаносиблиги, энергетик ва экологик муаммолар, бошқа қатор умумбашарий муаммолар ечилган, инсоният ҳаёти сермазмун бўлган бўларди. Агар сайёраимиз миқёсда ҳарбий қурооллар пшлаб чиқариш бир ҳафта тўхтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафтасига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирган бўлур эди. Келтириб ўтилган далиллар уруш ва тинчлик муаммоси ҳозирги замон ҳар қандай умумбашарий муаммоларини ижобий ва оқилона ечишнинг зарур шарти ва асоси эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бутун инсоният учун ҳозирги пайгда ядро уруши бошланишига қаршилик қилиш, тинчликни астойдил туриб сақлаш ва мустаҳкамлашдан кўра зарур ва муҳимроқ вазифа йўқ. Тинчлик бўлмаса тараққиёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди, тинчлик инсоният турмушининг туб шартидир.

Совет давлати ўзининг тинчлик ҳақидаги сиёсатига амал қилиб қуроолш кучларини кескин равишда камайтироқда, чет эллардаги қўшинларини қайтармоқда. АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан ҳарбий қуроолларнинг жуда кўп турларини ўзаро тугатиш бўйича битимлар тузмоқда. Бу билан у уруш ва тинчлик муаммосини ҳал қилишда етакчилик қилмоқда.

Яна шунини айтиш керакки, XX асрнинг ҳозирги босқичида — фан ва техника гурқираб ривожланаётган, коинот ўзлаштирилаётган даврда узоқ йиллар давомида мустамаккачилик ҳукмронлиги остида бўлиб келган мамлакатлардаги бир миллиарддан кўпроқ аҳоли овқат етишмаслиги, нормал уй-жой шароитининг йўқлиги, таъбат хизматининг ёмонлиги туфайли қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Натижада кишиларнинг ўртача умри бу мамлакатларда АҚШ, Япония, Италия, Франция, Бирлашган Германия ва бошқа йирик капиталистик мамлакатлардагига қараганда камда 20 йил кам бўлмоқда. Кейинги ўн йилликлар мобайнида учинчи дунё деб аталган мамлакатларда қашшоқлик шу қадар кенг ёйилган ва шу қадар кучайганки, у капитализм учун шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Бу ҳам ечимини кутаётган умумбашарий муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Дунёдаги барча мамлакатларга тааллуқли бўлган умумбашарий муаммолардан яна бири — инсониятнинг энергияга нисбатан тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш йўларини излаб топишдан иборатдир. Энергия хом ашёси масаласи шунинг учун ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлган муаммодирки, инсон учун ҳаёт кечира олмайди. Энергия инсоният учун ўта зарур ҳисобланган материалларни, табиат яратмаган моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва яратиш имконини беради. Демак, энергиясиз инсон тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Табиат энергияга бой. Фан ютуқларига суянган ҳолда шунини айтиш мумкинки, табиий энергия манбалари — ўтин, кўмир, нефть, торф, ёнғунчи сланец, газ ва бошқа шунга ўхшашлар ер бағрида ҳар

қанча кўп бўлгани билан битмас-туганмас эмас. Табиий энергия манбалари ҳар қанча сарф қилинса ҳам ҳеч қачон адо бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилга бориб дунё бўйича энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳозиргидан тахминан 6 марта ортади.

Табиат ва ундаги барча бойликлар инсониятнинг бебаҳо хазинасидир. Табиат — муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунёдир. Биз яшаб, нафас олиб, кун кечириб турган табиат ҳамма-ҳамманинг, бутун инсониятнинг умумий қароргоҳи, умумий уйи, умумий масканидир. Табиат ва унинг бойликларини кўз қорачиғидай сақлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик — умумдават, умумхалқ иши эканлигининг асосий сабаби энг аввало шундан иборат.

XX аср ўрталаригача, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, продасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Уша пайтларда бу фикр дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан ўзимизда ҳам қўллаб-қувватланди. Дарё ва кўллардаги балиқлар эҳтиёждан ортиқча овланди. Бир пайтлар Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди бировни ишонтириш қийин. Ҳатто бу балиқларнинг маҳаллий номлари ҳам унутилиб кетди. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр-кўрона мупосабатда бўлиш туфайли 100 йил аввалги Ер шаригадаги 7200 миллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектар ўрмон қолди. Шу сабабли ҳам табиатни муҳофаза қилиш муаммоси бугунги кунда айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Келажакни ўйламай қилинган кўр-кўрона ҳаракатлардан Ер юзининг деярли ҳамма жойларида, жумладан бизнинг жумҳуриятимизда ҳам табиий муҳит масаласида шундай аянчли аҳвол вужудга келдики, агар у зудлик билан ҳал этилмаса оқибати жуда ёмон бўлиши турган гап. Ядровий фалокатларнинг олдини олиш учун ҳам, цивилизацияни омон сақлаб қолиш ва бошқа энг муҳим умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам жаҳондаги барча давлатлар ва халқларнинг биргаликдаги амалий ҳаракати зарур. Умумбашарий, умумжаҳон муаммоларини бир давлатнинг ёки давлатлар гуруҳининг кучлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу соҳада умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик, кўпчилик мамлакатларнинг баҳамжиҳат, оммавий ҳаракат қилишлари зарур. Бу ҳамкорлик тўла тенг ҳуқуқлилиқ, ҳар бир мамлакатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш асосида, олинган мажбуриятларни, халқаро ҳуқуқ нормаларини виждонан бажариш асосида бўлиши лозим. Биз яшаб турган замоннинг қатъий талаби мана шулардан иборат.

ХОТИМА

Фалсафа фанининг марказида, айтиб ўтилганлардан англаганидек, бутун инсониятни қизиқтирадиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ва бошқа томонларига тааллуқли бўлган мураккаб муаммолар туради. Мазкур китобда биз ана шу муаммоларга дупёқарашлик ва методологик асосда ёндашиб, инсоннинг фалсафий маданиятини бойитиш йўллари ва қондаларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу ана шу қондаларни ёдлаб олсак ҳаётдан келиб чиқадиган муаммоларнинг ҳаммасини осонгина ҳал қила оламиз, деган маънони билдирмайди.

Фалсафа илмининг бошқа соҳалари сингари доимий равишда ривожланиб турадиган фандир. Бунинг асосий сабаби ҳаётнинг ўзидадир. Чунки ҳаёт мураккаб, эвддиятли, доимий равишда ўзгариб турадиган жараёндир. Шу сабабли ҳаёт инсон учун энг катта фалсафий мактабдир. Ҳаётнинг ўзгариши билан фалсафанинг муаммолари ҳам қонуний равишда ўзгариб туради. Шунинг эътиборига олиб, фалсафа муаммоларга ўзгармас, қотиб қолган қондалар сифатида қарамасдан, уларни ҳаёт билан таққослаб, ҳаёт талаблари асосида ўзгартириб, илмий билиш ва амалий фаолиятга ижодий татбиқ этиши керак. Бунинг учун фалсафанинг айрим қондаларини эмас, балки унинг бутун руҳини чуқур ўзлаштириб олиш лозим. Материалистик диалектика қондаларини ҳаётга тўғри, илмий, ижодий татбиқ эта билиш санъатини эгаллаш — юксак мутахассислар тайёрлашнинг эзрур шартларидан биридир.

Ушбу китобда ёш авлодлар қалбида фалсафий муаммоларга қизиқиш уйғотиб, уларда диалектик-материалистик асосда тафаккурлаш санъатининг шаклланишига ҳиссамизни қўшган бўлсак олдимизда турган мақсадга эришдик деб биламиз.

МУЎДАРИЖА

Кириш	3
I БЎЛИМ. ФАЛСАФА ВА УНИНГ ТАРИХИ	
I боб. Фалсафа, унинг жамиятдаги роли ва муаммолари	4
1. Дунёқараш ва унинг тарихий турлари	4
2. Фалсафанинг асосий масаласи ва унинг икки томони	9
3. Фалсафа ва бошқа фанлар	13
II боб. Фалсафанинг тарихий типлари	16
1. Илк фалсафий фикрлар. Қадимги фалсафа	16
2. Ўрта аср фалсафаси. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий фикрлари	20
3. Уйғониш ва янги давр фалсафаси	27
4. Немис классик фалсафаси. Гегель диалектикаси ва Фейербах материализми	34
5. XIX аср рус иқилобий демократларининг материализми ва диалектикаси	38
6. Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг янада ривожланиши	40
III боб. Маркеча фалсафанинг вужудга келиши ва ривожланиши	47
1. Маркеча фалсафа пайдо бўлишидаги тарихий шароитлар, унинг ижтимоий-иқтисодий, пазарий ва табиий-илмий асослари	47
2. Материалистик социал фалсафа асосларининг шаклланиши	50
3. Маркеча фалсафанинг В. И. Ленин томонидан ривожлантирилиши	53
IV боб. XX асрдаги фалсафий оқимлар	57
1. Ҳозирги замон фалсафасининг асосий хусусиятлари ва ундаги йўналишлар	57
2. Ижтимоий муносабатлар ҳақидаги фалсафий қарашлар	65
II БЎЛИМ. ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ	71
V боб. Борлиқ, материя, субстанция категориялари	71
1. Борлиқ тушунчаси. Субстанция муаммоси. Дунёнинг моддий бирлиги	71
2. Материя категорияси ва унинг фалсафа учун муҳим аҳамияти	75

3. Ҳаракат ва ривожланиш тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари, уларнинг хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги	81
4. Фазо ва вақт. Материя, ҳаракат, фазо ва вақтнинг бирлиги	85
VI б о б. Диалектика ва унинг муқобиллари. Ривожланиш ҳақидаги таълимотлар	88
1. Материалистик диалектика — алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги таълимот. Диалектика ва метафизика	88
2. Диалектика қонувлари объектив оламдаги энг умумий алоқадорлик ва ривожланишнинг пиъикоси, билиш тараққиётининг босқичларидир	96
3. Диалектика — объектив воқеяликни илмий билиш ва уни ўзгартиришнинг энг умумий усули. Софистика ва эклектика	99
VII. б о б. Диалектиканинг асосий қонуни	108
1. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни	108
2. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни	118
3. Инкорни инкор қонуни	126
VIII б о б. Диалектика категориялари	135
1. Диалектика категорияларининг моҳияти ва хусусиятлари	135
2. Янқалик, хусусийлик ва умумийлик	135
3. Моҳият ва ҳодиса . . .	142
4. Маъмув ва шакл . . .	146
5. Бутун ва бўлак, структура, элемент	149
6. Сабаб ва оқибат. Детерменизм	153
7. Зарурият ва тасодиф	160
8. Имконият ва воқеялик	165
9. Эркинлик ва зарурият	169
10. Диалектика асосий қонун ва категорияларининг умумий томовлари ва фарқлари	172
IX б о б. Табиат — фалсафий англаш предмети сифатида	180
1. Табиат тушунчаси. Инсон пайдо бўлиши ва яшашининг табиий ва ижтимоий асослари	180
2. Табиат ва жамият, уларнинг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги . . .	187
3. Экологик муаммо ва уни бартараф этиш йўллари	191
X б о б. Жамият ва уни фалсафий англаш асослари	194
1. Жамият тушунчасининг илмий-фалсафий маъноси	194
2. Жамият ҳақида ўтмишдаги фалсафий қарашлар	197
3. Жамият ва унинг тарихига диалектик-материалистик асосда ёндашиш . . .	201
4. Ижтимоий амалиётда объективлик ва субъективлик диалектикаси, уларнинг моддийлик ва маънавийлик билан ўзаро муносабати	204
XI б о б. Фалсафада инсон муаммоси	211
1. Инсон муаммосига фалсафий ёндашишнинг долзарблиги	211

2. Инсонда биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро бирлиги. Инсон ва инсоният	214
III БЎЛИМ. ИНСОННИНГ ФАОЛИЯТЧАНЛИК МОЎНЯТИ	220
XII б о б. Амалиёт — инсоннинг оламга нисбатан ўзига хос муносабати	220
1. Амалиёт тушунчаси. Амалиёт — субъект ва объект муносабатларининг бирлиги	220
2. Амалиёт турлари	222
3. Амалиёт ва назария бирлиги	225
XIII б о б. Онг ва ижодиёт	227
1. Онг — воқеликни акс эттириш ва инсон фаолиятини таъминлаш шакли	227
2. Онгнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида меҳнатнинг роли	235
3. Онг, тафаккур, проза, ҳиссийёт. Онг ва тил	238
4. Ижтимоий ва алоҳида онг, уларнинг диалектик алоқадорлиги. Ижтимоий руҳият ва мафкура	244
5. Ижтимоий онг шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги	249
XIV б о б. Билиш. Илмий билиш	257
1. Билиш — воқеликнинг ипъикосидир. Билишнинг объекти ва субъекти	257
2. Билиш жараёнининг диалектик хусусияти. Ҳиссий ва мантиқий билиш	263
3. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги	270
4. Илмий билиш, унинг хусусиятлари ва усуллари	274
5. Жамиятни билишнинг ўзига хос хусусиятлари	283
IV БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ИНСОН	
XV б о б. Жамият — ўз-ўзида ривожланиб турадиган система	293
1. Ишлаб чиқариш усули — жамиятнинг моддий асоси	293
2. Социал инқилоб ва унинг жамият тараққиётидаги роли	299
3. Базиc ва устқурма, уларнинг диалектик алоқадорлиги	303
4. Давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг жамият тараққиётидаги роли	305
5. Тарихий жараёнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари	310
6. Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашишуви — табиий-тарихий жараён	319
XVI б о б. Маданият ва цивилизация	327
1. Маданиятга фалсафий ёндашиш. Маданият, унинг ривожланиш қонуниятлари	327
2. Маданий инқилоб. Маданиятда миллийлик ва байналмилаллик. Қайта қуриш жараёнида умуминсоний маданиятда фойдаланиш зарурияти	338

XVII б о б. Шахс. Эркинлик. Қадриятлар	342
1. Шахс, унинг эркинлиги, жамият билан ўзаро мuposабати	342
2. Қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш шароитида шахс- нинг роли	357
3. Қадриятлар, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни	360
XVIII б о б. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари ва улар- нинг оқибатларини олдиндан кўра билиш	366
1. Жамият тараққиётини олдиндан кўра билиш — инсон оқило- на фаоллигининг зарур шarti	366
2. Фан-техника инқилоби истиқболини илмий фаҳмлаш	369
3. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари ва истиқболлари	372
Хотима	376

Мадриса

Ф. Б.

На у.бекском языке

ТУЛЕНОВ ЖАНДАР,
ГАФУРОВ ЗАХИР

ФИЛОСОФИЯ

*Учебное пособие для студентов
высших учебных заведений*

Ташкент «Ўқитувчи» 1991

Редакция мудири *А. Ҳасанов*
Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Кичик муҳаррир *М. Маҳмудова*
Мусаввир *А. Шаков*
Техн. муҳаррир *Т. Скиба*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Тулганов*

ИБ № 5712

210 - 17 - 85

Теришга берилди. 10.04.91. Босишга рухсат этилди 4.10.91. Бичими 60x90/16. Тип. қоғози №2. Кегли 10 швэнсиз. Литературная гарнитураси, Юқоғи босма усулида босилди. Шартли б.л. 24,0. Шартли кр.-отт. 24,19. Нашр. я. 25,89. 20000 нускада. Буюртма № 2389. Баҳоси 3с.80т.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №7-315-90.

Ўзбекистон Ҷумҳурияти Матбуот дарлат комитетининг Тошпо-
лиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 1991.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Ҷумҳурии Уз-
бекистан по печати. Ташкент, Навоий, 30.

Т 83

Туленов Ж., Гафуров Э.

Фалсафа: Олий ўқув юртларининг талабалари учун ўқув қўлланма/Тақризчилар: М. Абдуллаев ва бошқ. — Т.: Ўқитувчи, 1991.—384 б

1. Автордош.

Туленов Ж., Гафуров Э. Философия: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений.

ББК 87 я73

№ 754—91
Навоий номли ЎзЖ
давлат кутубхонаси.
Тираж 9000
Қарт. тиражи 18000

Зс.80т.

•УНИТУВЧИ•